



Нуридин ИСМОИЛОВ

# БУРГУТ ТОҒДА УЛГАЯДИ



**НУРИДДИН ИСМОИЛОВ**

**БУРГУТ  
ТОҒДА УЛҒАЯДИ**

*Саргузашт-детектив роман*

**Иккинчи нашр**

«Янги аср авлоди»

Тошкент-2007

*Иқтидорли журналист ва ёзувчи Нуриддин Исмоиловнинг номи китобхонларга яхши таниши. У ўзининг ажсойиб ҳикоялари, саргузашт-детектив жсанрдаги қисса ва романлари, журналистика соҳасидаги фанолияти билан эътибор қозонган. Айниқса, «Одамлар орасидаги одамлар» ҳикоялар тўплами, «Ўлимга маҳкум қилингандар», «Миллиардерга кўйилган тузоқ», «Жаҳолат курбонлари», «Омонат гор сири», «Иблис салтнами» номли романлари кенг китобхонлар томонидан илик кутиб олинди, адабий жамоатчиликнинг юксак баҳосини олди.*

*Адабининг ҳукмингизга ҳавола этилаётган китоби — «Бургут тогда улгаяди» саргузашт-детектив романи долзарб мавзуга багишланган бўлиб, жиниоятчиликка қарши кураши, ҳаёт ташвишлари ва қувончлари, инсоннинг жасамиятда тутган ўрни ва бошқа масалалар бадиий инъикосини топган, оталар, оналар ва болалар тарбияси муаммолари, эзгулик ва ёзувлик ўртасидаги жсанг оқибатлари, шик-муҳаббат, садоқат каби инсоний түйгулар қизиқарли воқеа-ҳодисалар орқали маҳорат билан гавдалантирилган.*

*Ёзувчининг бу асари саргузашт-детектив жсанрини бойитишга хизмат қиласди, деган умиддамиз.*

### **Исмоилов, Нуриддин.**

**Бургут тогда улгаяди:** Саргузашт-детектив роман: [Иккинчи нашри] / Нуриддин Исмоилов. — Т.: «Янги аср авлоди», 2007. - 352 б.

**ББК 84(5У)6**

№ 154-2007 Алишер Навоий  
номидаги Ўзбекистон Миллий  
кутубхонаси

ISBN 978-9943-11-012-0

© Нуриддин ИСМОИЛОВ.  
© «Янги аср авлоди».

Фаррух қишлоқдан тушга яқин қайтиб келди-ю, қўйларнинг кўрада маъраб туришганлигини қўриб хайрон бўлди. Ахир отаси уни қишлоққа юбораркан: "Сен келгунингча қўйларни ўзим боқиб тураман", — деганди.

Фаррух хавотирланиб шоша-пиша чайлага кирди. Бироқ отаси бу ерда хам кўринмади. Шунда йигитнинг хаёлига отасининг: "Товда бўри пайдо бўпти, эҳтиёт бўл", — деган гапи келди. "Агар, — дея тахмин қилди у, — бўри хамла қилганида, аввал қўйларни бир ёқли қиласди. Ундан кейин отамга... Йўқ, бундай бўлиши мумкин эмас. Қўйларнинг бир-иккитасини гум қилгач, одам билан иши бўлмай қолади бўрининг. Лекин қўйлар хечам безовтага ўхшамайди. Қаерга кетдийкин отам унда?"

Фаррух кўра олдига борди-да, атрофга олазарак боқиб:  
— Ота-а-а! — дея бақирди.

Аммо ҳеч қаердан жавоб келмади. Унинг ўрнига тоғ тошларига урилган овози акс-садо берди. Бирдан Фаррухнинг кўнгли алланечук бўлиб кетди. Гўё унинг отасига бирон нима бўлгандай. Йигит арчазор томонга чопиб кетди. Нафас олишга қийналиб, хансирааб қолгунча юргуди. Ҳолдан тойгач, югуришдан тўхтаб, ўтириди. Сўнг яна бақириб овоз берди:

— Ота-а-а!

Унга бу тоғларда тез-тез гаройиб воқеалар содир бўлиб туришини отаси айтган: баъзи кезлари жин-ажиналар аввал одамлар билан ўйнашар, кейин уларни шол қилиб кетишаркан. Буларни Фаррух эшитганида саккиз ёшли болакай эди. Мана, орадан ўн йил ўтибдики, эсидан чиқаролмайди.

Фаррух одатда ҳали куёш ботмасидан бурун қўйларни кўрага ҳайдаб келади. Қишлоққа егулик олиб келишга борсаям тез қайтади — ёлғиз қолган отасини жин-ажиналар ўртага олишидан кўрқади.

Фаррух арчазор орасидан ўтган сўқмоқ йўлга чиқиб олгач, шаршара томонга кўтарила бошлади. Тўсатдан қонга беланганд майсаларга кўзи тушиб эсхонаси чиқиб кетди. Бир муддат майсаларга термилиб қолганидан кейин, секин қон томган томонга юра бошлади. Қон борган сари кўпайиб борар, бунга сайин Фаррухни ваҳима бошарди. Ичида "Эй-й, худо, ишқилиб, отам бўлмасин", дэя илтижо қиласр эди. Йигирма кадамлар юрганида оёгининг остидан қуённинг калласи чиқиб қолди-ю, у бирдан бўшашиб кетди. Тулкими, бўрими қуённи обдон нимталаф еган эди.

Отасининг айнан шаршара ёнида эканлигига Фаррухнинг гумони бор эди. Марди чўпон у томонга камдан кам борарди. Боргандаям раис бува меҳмон олиб келса, биронта кўйни ўша ёқка етаклаб кетар хамда ўша ерда сўйиб, меҳмонларга тандир кабоб қилиб берар, чой-пой дамлаб хизмат қиласр эди. Фаррух шаршара томонга юрар экан, ҳали чайладалигига кўйларни санамаганлигидан аф-сусланди. У тоғнинг исталган жойига чиқишга ҳечам кийналмасди, ўрганиб қолган эди. Аммо ҳозир негадир оёқлари қалтираб кетаверди. Бу унинг ваҳимасини янада кучайтириди. Тезроқ манзилга етиб олишга ҳаракат қилди.

Шаршарага етмасдан уч юз-тўрт юз метрлар пастда яланглик бор эди. Шаршарадан ҳосил бўлган ирмоқ окиб ўтадиган бу жойдан тепадагилар хам бемалол кўринарди. Шу ерга етганда Фаррух тўхтаб тепага қаради. У томонда иккита одамнинг кораси кўринди, улардан бири — хуш қомат, оппоқ кийимда, иккинчиси ундан сал пастроғ-у, калта шим ва майкада эди. Улар бир-бирига коптот отиб ўйнашарди. Кўнгли бироз таскин топган Фаррухнинг юраги ҳаприқиб кегди. У қишлоғидаги пастқамгина мактабда тузук-куруқ ўқимади. Отаси: "Бизнинг авлод-аждодимиз чўпон ўтган. Ота боболаринг мана шу тоғларда таёқ кўтариб умргузаронлик қилишган. Шунинг учун ҳаммаси юздан кам яшамаган. Менам етмишдан ошдим. Ҳали бакувватман. Қишлоқдаги мен тенгилар мункайиб қолишган. Ўқиганинг билан барибир ҳеч ким бўлолмайсан. Бўлса раиснинг боласи бўлади, буғалтирнинг боласи бўлали, лекин сенмас". деб Фаррухни бешинчи синфдан кейин токка олиб кетди ва кўлига чўпон таёғини тутқазди. Фар-

рух ҳар гал тоғдан пастга — қишлоққа түшганида, тенг-курларининг коптоқ ўйнашларини кўрар, ўзининг ҳам ўйнагиси келарди. Ана шу туйғу унинг кўнглида жонланиб, тепадагиларга синчилаб қаради ва оппоқ кийимдагининг қиз бола эканлигини кўрди. Йигит янада тез юқорилай бошлади.

Фаррух мўлжаллаган жойига етишига йигирма қадамча қолганида қизнинг кўлидаги коптоги пастга думалаб кетди. Қиз унинг орқасидан қувлади. Коптоқ атайин қилгандай шаршара сувига тушди. Сув тез оқарди. Қиз эса ундан-да тез югуришга ҳаракат қиласди. Унинг бунака қилаётганини кўрган Фаррухнинг капалаги учиб кетди. Чунки энди қиз коптоқни ушлаб олиш у ёқда турсин, ўзини тўхтатиб ҳам қоломасди. Йигитча қарама-қарши томондан югурга бошлади. Қиз бир-икки марта ўзини тўхтатмоқчи бўлди, лекин уддасидан чиқолмади. Кейин "Ойи-ж-о-о-н!!!" дея бақириб юборди, Аммо унга ҳеч ким ёрдам беролмасди. Биргина Фаррухдан бўлак. Агар Фаррух ҳам уни тўхтатолмаса, олдинда баҳайбат қоя, қиз тиккасига бориб унга урилиши ҳеч гап эмасди!

Фаррух жон ҳолатда "Кут-қа-ри-нг!" дея бақирган қизнинг белидан қучоқлаб олди-ю, қиз балан бир бўлиб ерга қулади. Улар бамисоли қўшалоқ қилиб боғланган гўлладек икки-уч маротаба бир-бирининг устидан ўтиб думалаб боргачгина йигит оёғини бўртиб чикиб турган тоғ тошига тираб қолишга улгурди.

Ранги бўздай оқариб кетган қиз Фаррухнинг кўкрагига бошини кўйганча ҳансираф нафас олар, йигит эса ундан тараалаётган хушбўй атир хидидан маст бўлаётганди. Орадан икки дақиқалар ўтганидан кейин қиз тўсатдан йифлаб юборди. Умрида аёл зотининг ёнига йўламаган Фаррух хаяжонланиб кетганча секинлик билан устидаги малякни турғиза бошлади. Афтидан, қиз ҳам кўрқанидан нима содир бўлганини унуганди. Чайир қўл қўлидан тутганда қиз чўчиб тушди ва Фаррухга қаради. Уларнинг нигоҳлари тўқнашди. Бир зум улар ҳамма нарсани унтушиди гўё. Фаррух коп-кора сочнинг қуёш нурида товланаётганини, силлиқ оппоқ юзни, камон қош-у, узун киприкларни кўрмасди, у қизнинг ўзи акс этиб турган гўзал кўзига термулганча қолганди.

Энди мўйлови сабза урган йигитнинг нигоҳидаги ўт кизни ўзига мафтун қилиб қўйди. Қиз ўрнидан туришга шошилмас, соатлаб шу нигоҳнинг асирасига айланиши истарди.

—Падарингга лаънатлар! Ўлдираман ҳаммангни! Бир жойи тирналган бўлса калланг кетади! — дея баландда янграган овоз қиз билан йигитни сергаклантирди.

Қиз йигитга мафтункор жилмайиб қўйиб, ўрнидан турди.

Тепадан ховлиқканча тушиб келган олти одамдан битаси ошиқиб қизни кучоклади. Қолганлари жойларида серрайганча қолишиди. Уларнинг орасида Фаррухнинг отаси билан раис бува ҳам бор эди.

— Моҳирёй, қизгинам, пичноқсиз сўйиб қўйишингга озгина қолди-ку! — деди ҳалиги одам кўзда ёш билан. — Копток пастга тушиб йўқ бўлиб кетмайдими, нега ортидан қувдинг?!

— Дадажон, ҳеч нарса бўлмади-ку, — деди қиз қайрилиб Фаррух томонга қараб қўяр экан. — Манави йигит мени ушлаб қолди.

Шундан кейин ота қизини кучоғидан бўшатиб, Фаррухнинг ёнига келди.

— Ука, катта раҳмат, агар сен бўлмаганингда... Худо асрасин, — деди қориндор киши Фаррухнинг елкасига коқиб.

— Бу болакай, — бирдан гапга араташди раис бува қилпанглаб, — Марди чўпонни ули бўлади.

— Шунақами? — қизнинг отаси Марди чўпонга қаради. Чўпон айб иш қилиб қўйган ёш боладай бошини эгиб турарди. — Маладес, зўр ўғлинг бор экан!

Мактов Фаррухни кизартириб юборди. У ҳам худди отаси каби бошини эгди.

— Қани кетдик, тепада қизимнинг омон қолганини байрам қиласиз, — деди ҳалиги киши.

Ҳамма юкорилай бошлиди. Бироқ Фаррух жойидан қимирламади. Отасининг кўлидан ушлаб баландлаб бораётган киз ортига бир ўгирилди-да, тўхтади. Буни кўрган ота ҳам тўхтади. Сўнг Фаррухнинг ўзларига қўшилиб чиқмаётганлигига ҳайрон бўлиб:

— Сен нега турибсан? — дея сўради.

— Кўйлар бугун бокилгани йўқ ҳали, — деди Фаррух қиздан кўзини узмай.

— Кўявер уларни, очидан ўлиб кетмайдими! Юр, мен қизимнинг халоскорига яхшилаб зиёфат бераман!

— Боролмайман.

— Ўжарлик қилма, болакай, ҳеч қурса озгина ўтири, — деди қизнинг отаси ялиниш оҳангига.

— Агар сиз чиқмасангиз, мен ҳам чиқмайман, — деди киз табассум билан ширали овозда отасининг гапини маъқуллар экан.

Бир кўришдаёқ семиз кишини ёқтиримай қолган Фаррухнинг улар билан бирга тепага чиқиб ўтиргиси келмади. Аммо қизнинг сўзини қайтаролмади. Ноилож у ҳам секин-секин кўтарила бошлади. Қиз атайлабдан Фаррухнинг ўзига етиб олишини кутиб турди. Йигит етиб келгач эса, унинг қўлидан ушлаб олди. Отаси қизининг бундай килиғига эътиroz билдирамади. "Қочиб кетишидан кўрқаяпсанми?" деб кўйди, холос.

Қизнинг отаси бироз юргач, ҳансираф қолди. Қаддикомати спортчиларникига ўхшайдиган икки йигит унинг икки томонидан ушлаб тоқقا чиқишига кўмаклаша бошлашди. Мохирўй эса Фаррухнинг қўлидан маҳкам ушлаб олганди. Фаррух ўгирилиб қараса, у жилмаярди. Бундан йигитни баттар ҳаяжон босар, аъзойи баданидан тер чиқиб кетарди.

Шаршара ёнига ҳамма чиқиб олганидан кейин Мохирўйнинг онаси югуриб келиб қизини маҳкам кучоқлади.

— Дочка моя, родная, нима бўлди?! — деди у ҳаяжон билан. — Менинг ўлиб қолишимга чут-чут қолди.

— Ойижон, — деди эркаланиб Мохирўй, — ҳеч нарса бўлгани йўқ. Салгина йиқилиб тушдим, холос.

— Салгина йиқилганмишлар, — деди унга жавобан отаси кесатиб. — Агар чўпоннинг ўғли келиб қолмаганида...

— Нафасингизни иссиқ қилинг, — дея лўппи юзли аёл унинг гапини бўлди, — моя дочка счастливая.

Ота бошини чайқаб турди-да, кўкаlamзорга ёзилган дастурхон гирдидағи кўрпачага ёнбошлади ва:

— Пиво-миволарингдан олиб келинглар, — дея буюрди.

Хизматга шай бўлиб турган раис бува чўпонга имо килиб, муздай сувга ташлаб қўйилган бир яшик пиводан олиб келишни тайинлади.

Раиснинг ёши эллиқдан эндиғина ошган, лекин уни кўрган одам камида олтмиш бешга кирган деб ўйларди. У қорин қўйиб юборган, бағбақаси осилиб тушган, қуёш нурида қорайган пешонасида бир тўда ажинлар макон курган эди. Унинг ялтоқланиши шунчалик бачкана эди-ки, кўрган одамнинг асабини қўзгатишдан бошқага ярамасди. Аммо унинг қаҳри ўзига узукка кўз қўйгандек мос тушарди.

Марди чўпон шу кунгача раиснинг бирон оғиз гапини ерда қолдирмаган. Бироқ катта амалдорга раиснинг ялтоқланиши-ю, ўзига ўқрайиб қарashi унга оғир ботди. Шундай бўлса-да у ҳеч нарса демасдан, буюрилган ишни бажариш учун шаршаранинг суви келиб урилаётган жойга қараб кета бошлади.

— Хов, йигитча, — дея Фаррухни чақириди Мохирўйнинг отаси, — нега туриб қолдинг? Бу ёққа кел-чи.

Фаррух истар-истамас унинг ёнига борди.

— Қани, мана бу ерга ўтири, — деб унга жой кўрсатди амалдор.

Фаррух ийманибгина кўрпачанинг бир чеккасидан жой олди.

— Мохи, ты тоже иди сюда, — дея қизини чақириди ота.

Мохирўй онаси билан қучоқлашганча келди.

— Қани, қизим, бу акантга битта "Раҳмат!" де-чи.

Мохирўй Фаррухга ўзининг ўтли нигоҳи билан қаради-да:

— Сизга коттакон раҳмат, яхшилигингизни бир умр ёдимдан чиқармайман, — деди жилмайиб.

— Браво! — дея хитоб қилди икки юзи лўппи аёл. — Дадаси, қизингиззи ақли бало!

Бошини эгиб олган Фаррух қизариб кетган, жойида базўр ўтирас эди. У ҳали бирон марта ҳам бунақа дастурхонни кўрмаган, бундай одамларнинг сухбатида бўлмаганди.

— Энди манавини ол, — дея амалдор унинг кўлига бир пиёла ароқ узатди.

— Мен ичмайман, — деди паст овозда Фаррух.

— Биламан ичмаслигингни. Лекин сен кутқариб қолган қыз учун ичмасанг бўлмайди.

Отаси Фаррухнинг қўлига ароқ тутқазаётгани Моҳирўга ёқмади. У истараси иссик бу йигитнинг ароқ ичишини, кейин кундадай думалаб ётишини ҳечам истамас эди. Чунки отаси кимки унинг кўнглидагидай иш қиласа, ўшани тўйгунича ароқ билан сугорар, кейин масти бўлиб буткул ўзини йўқотиб кўйгач, томоша қилишни хуш кўрарди. Моҳирўй бир неча марта бунга гувоҳ бўлганди.

— Пепси-кола ичиб кўринг, муздайгина, — деди Моҳирўй жилмайиб Фаррухга.

— Аввал манави обизамзамни татиб кўрсин, закускасига кола ичади, — деди амалдор қизининг шумлигига кулгиси кистаб.

— Дада-а-ж-о-н, — деди Моҳирўй нозланиб, — ҳали кичкина йигит экан-у, кола ичиб кўяқолсин.

Амалдор қизининг мана шундай эркаланиб гапиришини хуш кўрарди. Қизининг бундай сўзлаши учун жонини ҳам бериб юборишга тайёр эди. Шу боис дарров қизига ён босди.

Фаррухга эса Моҳирўйнинг кичкина бола-ку, деган гапи ўтиришмади. У аллақачон ўзини катта одам деб ҳисоблар эди. Шу боисдан уятчанликни унтиб, амалдорнинг қўлидаги пиёлани олди-да, бир кўтаришда бўшатди. Бироқ ароқнинг аччиқлигидан унинг афти бужмайиб кетган эди.

Унинг ахволини кўрган Моҳирўй шунақанги хандон отиб кулдики, овози тоғу тошларга урилиб, акс-садо бе-риб юборди. Фаррух унинг кулгисига чидаб туролмади. Ўрнидан шартга турди-да, арчазор томонга югурди.

Моҳирўй кулиб, уни хафа килиб қўяман деб ҳечам ўйламаган эди. Шу боис Фаррух югуриб кетиши билан бирдан кулгидан тўхтади-да, бироз унинг ортидан караб туриб, кейин ўзи ҳам ўша томонга чопиб кетди.

— Қаёққа?! — дея қичкирди унинг ортидан онаси. — Остановись, а то опять упадёшь!

Моҳирўй онасининг гапига қулоқ ҳам солмай югуришда давом этаверди. Амалдор хизматкорларига ўқрайиб қаради-да:

— Қайтаринглар, — дея буйруқ берди, йигитлар тезликда беш-олти қадам босишгач эса: — Иккаласини ҳам, — деб күшиб күйди.

Мохирўйни тутиш йигитларга қийин бўлмади. Аммо арчаларни оралаб, тошдан тошга енгиллик билан сакраб ўтаётган Фаррухга ета олишмади. Шунда раисга забон битиб, Марди чўпонга бақирди:

— Қайтар улингди!

Боя раиснинг ўқрайиб қараганидан ҳали-ҳануз ўзига келолмаётган чўпоннинг бу гапдан кейин қони қайнаб кетди. Агар унга ёшлиқ даврида шундай дейишганида ўша одамни ер билан битта қилиб ташлаган бўларди. Бироқ ҳозир яна ўзини босди. Аламини ичига ютди. У ўғлининг орқасидан бироз қараб тургач:

— Фар-рух! — дея чақирди.

Отасининг овозини эшигтан йигит югуришдан тўхтаб ортига ўгирилди. Бу ерда арча сийрак ўсган, шу боис ота-ўғил бир-бирига яққол кўриниб турарди. Фаррух отасининг пастга туш ишорасидан кейин умрида илк бора унинг айтганини қилмай тош устига ўтириб олди. Ота ўғлининг қилиғидан асабийлашмади, қайтанга ичидаги хурсанд бўлди. "Агар унинг ўрнида мен бўлганимда ҳам шундай қилган бўлардим. Худди ўзимга ўхшаган қайсар, баччагар", — дея хаёлидан ўтказди у.

Хизматкор йигитлар Фаррухни олиб келиш учун энди хезланишган эди, Мохирўй уларни тўхтатди.

— Ўзим олиб келаман, — деди у ва йигит ўтирган томонга югуриб кетди.

Ўзи томонга яқинлашиб келаётган кизга кўзи тушган Фаррухнинг жаҳли чиқди. "Энди бу ёққа келиб яна устимдан кулмокчими бу арзанда?" — деб ўйлади у. Ва кизга бургут қараш қилиб турди. Қиз худди Фаррухга ўхшаб тез югуришга шунча харакат қилмасин, барибир уддасидан чиқолмас, қайтанга оёғи тойиб кетиб йиқилиб кетишига озгина қоларди. Нихоят у хориб-толиб, нозик, чиройли оёқтари оғриб кўзлаган ерига етиб келди ва хансирашиб:

— Мени... мени кечиринг! Мен сизни хафа қилиб кўймоқчи эмасдим. Мана ҳозир, мен сизни, — дея бoshини эгиг ўтирган йигитнинг юзидан ўпид олди.

Фаррух худди ток ургандай сапчиб тушиб, ҳаяжонланган кўйи қизга қаради.

— Кечирдингизми? — дея сўради киз энтикиб.

Йигит нима қиласини билмай бошини қимирлатиб "ҳа" ишорасини килди.

— Энди менам сизнинг ёнингизда ўтираман, — деди Мохирўй ва Фаррухга жуда яқин жойга, тошнинг устига ўтириб олди.

— Отангиз кўрса уришади, — деди Фаррух бошқа гап тополмай.

У яна худди боягидай, киз унинг устига йиқилиб ётгандаги ҳолатга тушган эди.

— Ҳечам уришмайди. Уришса хафа бўламан. Дадам мени хафа килиб кўйишдан қўркади, — деди Мохирўй ва осмонга қараб чукур нафас олди.

Шунда унинг етилган кўкраги бир кўтарилиб тушди. Бўртиб турган жодунинг бундай ҳаракатига ногаҳон кўзи тушган Фаррухнинг бўларича бўлди. Унинг ички титроғи кучайиб, пешонасида реза-реза тер томчилари пайдо бўлди.

— Бу ерларга менинг биринчи келишим, — деди ҳеч нарсадан хабари йўқ Мохирўй, — жудаям чиройли экан. Бунақа манзаралар факат Швейцарияда бўлса керак, деб ўйлаб юрадим. Шундоққина бурнимизнинг тагида ҳам бор экан. Сизга мазза, куну тун шу ердасиз, тўғрими?

— Менга анави ер, — дея Фаррух ўзларидан анча наридаги оппоқ корга бурканган қояни кўрсатди, — кўпроқ ёқади.

Мохирўй йигит кўрсатган томонга бирор муддат караб турди-да, сoddадиллик билан сўради:

— Сиз у ерга борганимисиз?

— Бўмасам-чи, ҳар икки кунда бориб келаман, қорга думалаб ўйнайман, роса мазза жой! — деди у. — Хоҳласангиз сизниям олиб бораман.

Мохирўй энтикиб кетди. Бир муддат ўша қоядан кўзи ни узолмай қараб турди-да, кейин бошини этганча:

— Боргим келгани билан мени у ёққа кўйиб юборишмайди, — деди афсусланиб. — Лекин боргим келаяти, ҳозироқ.

— Пастдагилар сизга рухсат беришмайдими? — деди унга кулиб қараган Фаррух.

— Пастдагилар... — дея гапини давом этказолмай қолди Мохирўй. — Дадам аввалига хафа бўлсаям кейин дарров буни унугади. Лекин ойимни кўндириш қийин. Жаҳли чиқса, сочимни юлишдан ҳам тоймайди... Лекин шундай жойга бориб маза килиш келиш арзимайдими озгина азобланишга?

— У ер анча олисда, ундан кейин отам сизни олиб кетганим учун мени уришади. Мен шу пайтгача отамнинг гапини икки қилмаганман.

— Мен рухсат сўрасам борасизми?

— Бўлмасам-чи, — деди бирдан қувониб кетган Фаррух.

Мохирўй ўрнидан туриб пастга қаради. Иккита хизматкор йигит булар томондан кўз узмасди. Қолганлари ўзлари билан ўзлари овора. Гўёки уларга тегишли бўлган қиз тепада бегона йигит билан гаплашиб ўтиришганидан хабарсиздай.

— Ой-и-и! — дея кичқирди Мохирўй. Бироқ пастдагилар ҳеч нарсани эшитишмади шекилли, булар томонга қараб ҳам қўйишмади. — Ой-и-и! — деб яна бакирди Мохирўй.

Икки юзи лўппи аёл ўтирган жойида тепага бир нигоҳ ташлаб эрига:

— Қизингиз чақирайпти, тинчликмикин ишқилиб? — деди.

Раис билан кетма-кет уч марта пиёла тўқишириган амалдор Мохирўйнинг тепага чиқиб кетганини унутиб қўяёзган эди.

— Нима қиласяпти у? — дея хотинидан сўради.

— Анави болани қайтариб келаман деб чиқиб кетувдику, — деди аёл норози қиёфада.

— Полвон! — деди амалдор раисга қараб. — Неча марта шу ерга келган бўлсам, ҳамма вакт менинг ақлимни мана шу ароғинг билан олиб қўйгансан, айт анави чўпонингга, боласи энди ўлиб кетсаям майлига, фақат Мохирўйни олиб тушиб қўйсин.

Раис инқиллаб ўрнидан турди. Унинг кайфи чоғ эди. Зеро, келганидан бери қовоғидан қор ёғиб турган амалдор энди-энди у билан сал очилиб гаплашаётганди.

— Марди ака, — деди у тандир атрофига куймаланиб

юрган чўпонга, — тандирингиз пишай деб қоддими, одамнинг корни пиёз пўсти бўлиб кетди-ку.

Раис азалдан бу қайсар чўпоннинг "тили"ни яхши биларди. Бу чол қанчалик ўжар, акс бўлмасин, бир оғиз ширин сўздан мумдайин эриб кетарди. Шу боис доим юмшоқ гапириб унинг "жони"ни оларди. Боя амалдорнинг олдида илк маротаба чўпонга ўқрайиб қараганди ва ўшандаёқ унда пайдо бўлган ўзгаришни сезган эди. Хар тугул, ўшанда Марди чўпонники тутиб қолмади, йўқса, раис амалдорнинг оддида роса изза бўлар эди.

— Бу дейман, — деди раис улардан эллик-олтмиш метрлар чамаси баландликда гаплашиб ўтирган йигит билан кизни кўрсатиб, — анави иккови чиқишиб қолди-ёв.

Марди чўпон ўғли ўтирган томонга бирров бўз ташлади-да, ўзининг ишини давом этказар экан:

— Ўжар бола, — деди, — ховуридан тушса ўзи қайтиб келади.

— Каттадан балога қолиб кетмайлик тағин, биттаю битта эрка қизи, уларнинг бундай ўтириши уят.

Марди чўпон каттадан балога қолишдан кўрқмасди. У айни уятдан кўпроқ кўрқар эди. Раис буни билгани учун атайн гапининг сўнгига шундай деб айтди.

Бу орада Моҳирой яна бир марта қичкириб қолди. Амалдор эринибгина кўлтиғидаги ёстигини иккинчи томонига олиб кўяр экан, хизматкорларга буюрди:

— Чиқинглар-чи, нима гап экан?

Кўл ковуштириб хизматга шай бўлиб турган йигитлар бирдан арчазор томонга югуришди.

Ўзлари томонга югуриб келаётган йигитларни кўрган Моҳирой афтини бужмайтириб:

— Буларнинг қулоги том битган шекилли, — деди.

Худди ўша пайт Марди чўпон ўғлини яна чакирди.

Фаррух ўрнидан туриб отасининг пастга туш деб имо қилаётганлигини кўрди.

— Чакиришаяпти, — деди у Моҳиройга ташвишли киёфада.

— Бормаймиз! — деди Моҳирой кўзи чакнаб. — Улардан сўрамасдан кетиб қоламиз.

— Анави йигитларни кутайлик-чи, нима дейишаркан? — деди унга жавобан Фаррух.

— Нима дейишларини биламан. "Дадангиз билан ойингиз безовта бўлишашапти, пастга, уларнинг олдиларига тушармишсиз". Бу гаплар, тўғрисини айтсан, жонимга тегиб кетди. Ёш боламасман-ку, ҳадеб мени тергайвергани, — деб Мохирўй бояги жойига яна ўтирди-да, бошини эгиб олди.

Ҳалидан бери йигит билан қизни кўздан қочирмай туришган йигитлар ҳансираб-пишнаб етиб келиши.

— Дадангиз... дадангиз, — деди улардан бири зўрга нафас олиб, — сиздан нима деяётганлигинизни билиб келиш учун юборди.

— Дадамга айтинг! — деди ўрнидан сапчиб турган қиз.

— Мен Фаррух билан ҳов анави қорли тоқقا бориб келмоқчиман.

Хизматкор йигитлар бир-бирларига карашди. Чunksи бунга амалдор ҳеч қачон рухсат бермаслигини аниқ билишар эди.

— Биз сизни ҳозир пастга олиб тушишга мажбурмиз, — деди новча хизматкор, — отангиз рухсат берса олиб бориб келамиз.

— Иккаланг ҳам туёғингни шиқиллат, сизлар билан ҳатто пастгаем бирга тушмайман. Мен кетаяпман, — дея Фаррухнинг қўлидан тутди қиз.

— Раим, — деди новча йигит ёнидаги шеригига, — сен бориб буларнинг мақсадини каттага айт. Мен булар билан бирга бораман.

— Бекорларни айтибсан! — деб бақириб юборди Мохирўй. — Ўзимиз бориб келамиз. Боя йиқилаётганимда мени кутқариб қолиш қўлларингдан келмадими? Энди менинг орқамдан думдай эргашманлар. Ҳе, садқай одам кет!

Ҳақорат зигирча бўлсин йигитларга таъсир қилмади. Бунақа сўкишларни эшитаверган йигитларнинг эти қотиб кетган эди. Новча айтганидай, Раим пастга эниб кетди, унинг ўзи эса бирор беш қадам орқада йигит билан қизнинг ортидан тушди.

— Ҳалигинда сиз билан бирга копток ўйнаётган болани қўрувдим, — деди Фаррух қизнинг ортда қолиб кетмаслиги учун секин-аста кетаётиб.

— Укам, — ҳафсаласизлик билан изоҳ берди Мохирўй.

— Биз бир-биримизга ҳечам ўхшамаймиз. У кўпроқ дадамга ўхшаса керак. Фақат ўзини ўйлади. Кўрган бўлсангиз, бирга коптот ўйнаётганимизда ёнгинамда эди у. Пастга қараб "шўнгигиб" кетганимни дадам билан ойимга айтибди-да, ўзи қаердадир дадамнинг асраётган шерларини кўргани кетибди.

Фаррух тўхтаб Моҳирўйга қаради:

— Мен бу тоғларнинг ҳаммәёгини беш қўлимдай биламан, лекин ҳеч қаерда шерни учратмаганман.

— Шерзоднинг айтишича, дадам зоопаркдан учта шер олиб келиб шу атрофдаги ғорга қамаб қўйганмиш. Бу гапларни у дадам раис бувага айтаётганида эшлитиб қолганимиш.

— Фор бу атрофда фақат битта жойда бор, биз борадиган коянинг тагида. Ўзиям роса қўркинчли жойлар, у ерларда илон кўп. Укангиз қандай бир ўзи кетди?

— Бир ўзи боришга унда юрак йўқ. Хизматкорларнинг бирортаси олиб кетган. Яна дадамни алдаб кетган. Атрофни айланиб келамиз деб... Агар одам тогда кўп вақт юрса сизга ўхшаб чакқон бўлиб қоладими?

— Билмадим, — дея жавоб қилди Фаррух, — мен ёшлигимдан тоққа чиқиб юрганман.

— Мениям шунаقا арчазорлар, тоғларда яшагим келади. Шаҳар жонимга тегиб кетган, — деди Моҳирўй ва оёғи сирпаниб кетиб "вой!" дея бақириб юборди.

Фаррух бирдан ортига бурилиб, пастликка энкайиб турган қизнинг қўлидан ушлади.

Ховлиқиб пастга тушган Раим амалдорнинг ёнига борди-да:

— Кизингиз анави йигит билан, — дея қўли билан каёққадир йўл бошлаб кетаётган Фаррухни кўрсатди, — корли кояга бориб келармиш.

— Ни-ма?! — дея бақирганча ўрнидан туриб кетди амалдор. — Бориб мажбурлаб бўлсаям олиб келинглар уни. Ўзи итдан тарқаган бу бола қайси гўрдан пайдо бўлиб қолди?! Ҳе, характерингга ... сендақа болани!

— Дадаси, шу кизингизнинг йиқилишига шубҳа боров, балки пастга қараб тез югуриб кетгандир... Ўзим кўрмадим-ку-я, кўнгил душман-да... Булар иккиси мабодо аввалдан таниш эмасмикин? Ҳар қалай, тасодиф де-

гандай... Может қизингиз ему влюбилась, тогда что? Нима, ойдай қизингизни қаердаги чўпонга берасизми? — деди амалдорнинг хотини ваҳима аралаш.

Бу гапларни эшитган амалдорнинг кўзлари ола-кула бўлиб кетди. "Ҳамма нарса бўлиши мумкин, лекин буни ҳеч кимга бериб қўймайман", дея ўйлади у...

\* \* \*

...Обкомнинг иккинчи котиби Турғун Фаниевич ёнида лўмбиллабгина турган Зулайҳоҳон билан турмуш курганларидан кейин ўн йил ўтса ҳам фарзанд кўраверишмади. Зулайҳонинг отаси ўша кезлари катта бир корхонани бошқаради. Шу боисдан ҳам Турғун Фаниевич бу туғмас хотин билан ажрашиб кетолмасди. Бир куни Зулайҳоҳоннинг ўзи фарзанд кўрмайтганлигидан шикоят қилиб қолди. Турғун Фаниевич: "Айб сенда, сен туғмас хотинсан, бошқаси бўлганида аллақачон потиллатиб туғиб ташлаган бўларди, — деб айта олмади. Албатта, бундай дейишга унинг асоси бор эди. У ўзини дўхтирларга текширирганда: "Сиз соппа-соғсиз, ҳар қандай соғлом аёл сиздан бола туғиши мумкин", дейишганди. Бироқ ўшандада бу гапларни хотинига айтиш билан у ўз бошига ғаво орттириши ҳеч гап эмасди. Мум тишлади. Гўё бирон нарсани ўйлаётгандай пешонасини тириштириди. Эридан садо чиқавермагач, Зулайҳонинг ўзи: "Бола асраб олайлик, — деди, — харна менга овунчоқ бўлиб юарди-да". Турғун Фаниевич ўйлаб қараса, шундан маъқулроқ йўл йўқ экан. "Зора, — деб хаёлидан ўтказди у, — шу билан бунинг жағи сал тинса. Ҳар хил бўлмагур гаплари билан миямни эговламаса". Турмушнинг дастлабки йиллари улар бир-бири билан иноқ яшашди. Аммо бола бўлавермагач, жувоннинг жағи очилиб кетаверди. Охири эр шўрлик уйига келишгаям безиллаб қолди.

Улар биргалашиб болалар уйига боришли. Ота-онаси ичувчи ёки бирор шикаста жойи бўлмаган бола сўрашиди. Шунда Турғун Фаниевичнинг қайнотаси кимлигини яхши билган болалар уйининг директори ота-онаси машина авариясида ҳалок бўлган бир ярим ёшли қизалокни уларнинг қўлларига тутқазди. Эр-хотинга бу жуда маъқул тушди.

Шу билан улар яшаш жойларини ўзгартиришиб, қизалокни катга қила бошлишди. Моҳирўй етти ёшга тўлганида эса кутилмагандага худо уларнинг ўзларига ҳам фарзанд берди. Шу билан эр-хотин икки фарзанднинг отаонасига айланишиди.

Моҳирўй бўй чўзиб боргани сайин гўзаллашиб кетаверди. Кулчага мойиллиги бўлган оппоқ юзи силлик, қошлари ингичка, мисоли ёй, қоп-кора киприклари узунузун, қалин, сал қизғиштоб сочи елкасидан, тор кийим кийганидан қадди-комати юракни суғуриб олиш даражасидаги бу қизнинг ошиқлари ўн олти ёшга тўлмасидан кўп эди. Мактабда синфдошлари, юқори синфдагилар камлик қилганидай, ўзидан кичик ўғил болалар ҳам муҳаббат изхор қилишар, камини эса маҳалладагилар тўлдиришарди. Қайнатаси ўлгунича мансаб пиллапоясидан анча юқори lab улгурган Турғун Фаниевич кўз ўнгидаги қизининг бунчалик оғатижон малакка айланиб бораётганидан феъли айниди. "Шунча йил бу гулни парваришилаб улгайтирдимми, энди роҳатини ҳам ўзим кўришим керак. Моҳирўй факатгина менга тегишли ва бир умр менини бўлиб қолади", деган ниҳоятда тубан фикрга келганди у.

Зулайҳо опа эрида содир бўлаётган ўзгаришни анчадан бери сезиб юарди. Айниқса, Турғун Фаниевич ишдан қайтиб келганида Моҳирўй унинг юзидан ўпиб кўяр, бундан эрининг кўзлари чақнаб кетарди. Ҳозир аёл атайлабдан Моҳирўй тўғрисида шунака гап айтди. Натижа эса кутилганидан ҳам ортикроқ бўлди. Хизматкорлар қолиб, Турғун Фаниевичнинг ўзи қизининг орқасидан югуриб кетишига бир баҳя қолди.

Пастдаги воеалардан бехабар қиз билан йигит тезроқ корли тоққа етиб олиш учун янада илдамлашди.

— Ҳой-й-й!!! — деган овоз келди уларнинг орқа томонидан.

— Раим бизни чақирайти, — деди новча хизматкор ҳеч нарсага эътибор бермасдан кетаётган йигит билан кизга.

— Нима иши бор экан? — деди Моҳирўй ўгирилиб.

— Билмадим, ҳар қалай, дадангиз бирон нима дегандир, бироз тўхтаб турайлик-чи.

— Уф...

Оғир хўрсинган Моҳирўй Фаррухга "сиз нима дей-сиз?" мазмунида қаради.

— Зарур гап айтгандир, — деди Фаррух гўё Моҳирўйнинг гапини уқиб олгандай.

Беш-олти дақикалардан кейин жикка терга ботган Раим етиб келди. У тез юрганидан қийналиб нафас олар эди.

— Нима деди менинг меҳрибон дадажоним? — сўради Моҳирўй киноя билан.

— "Ортига қайтсин, у ёкка бормасин", деди. Иши чиқиб қолганмиш, шаҳарга қайтиб кетармиш, — дея Раим Турғун Фаниевичнинг гапларига ўзидан ҳам қўшиб, пенонасидағи терни артди.

Бирдан Моҳирўйнинг кўзида ёш пайдо бўлди. У лабини тишлаган кўйи майсалар гилами устига ўтириб қоларкан, икки қўли билан юзини беркитди.

— Ҳеч қачон мени ўз ҳолимга кўймайди. Қачон қарама, унинг биронта иши чиқиб қолиб, менинг йўлимга тўғаноқ бўлади. Ҳаммаси жонга тегиб кетди, — деди Моҳирўй йифлоқи овозда.

Унинг бундай овозда гапириши Фаррухга қаттиқ таъсир қилди. Нима қиларини билмаган йигит қизга термилиб тураверди.

— Шу сафар дадамнинг айтганини қилмайман, — деди Моҳирўй ўжарлик билан.

— Лекин биз у кишининг буйруғини бажармасдан иложимиз йўқ. Ўзингиз бормасангиз, зўрлаб олиб кетишга мажбурмиз, — деди Раим. — Дадангиз шунака деб тайинлади. У киши чўпон билан кетганингиз учун жуда дарғазаб.

Ўзининг камситилганини эшигтан Фаррух қизариб кетди. Моҳирўй қўлини юзидан олиб Раимга термулиб қолди. Хизматкорлар эса аста-секин унинг ёнига келиб, иккиси икки қўлидан ушлашди. Моҳирўй кўзида ёш билан нажот истаб Фаррух томонга қаради. Буни кўрган Фаррух ич-ичидан эзилиб кетди.

— Қўйиб юборинглар уни! — деди у титраб-қалтираб.

Ҳали она сути оғзидан кетмаган гўдак, бунинг устига, чўпон боладан шундай гап чиққанидан иккала хизматчи ҳам ажабланиб анграйиб қолишли.

— Нималар деяпсан?! — деди новча иржайиб. — Оғзингдан қандайдир гап чиққандай бўлдими? Ёки менинг кулоғимга шундай эштилдими?

— Кўйиб юборинглар! — деди муштлари маҳкам туғилган Фаррух.

Раим Моҳирўйни бўшатиб, унга яқинлашиб борди-да:

— Кўйиб юбормасак нима қиласан? — деди майна қилиб.

Фаррух ҳеч нарса деб жавоб қайтармай, жойидан кимирламаган кўйи титраб тураверди.

— Хов, жипирики, обрўйинг борида бу ердан туёғингни шиқиллат, бир мартагина Моҳирўйни йиқилишдан асраб қолганинг учун энди бошимизни ёрмоқчимисан?!

Бу дўқ-пўписа Фаррухга зигирча таъсир қилмади.

— Кўйиб юборинглар! — деди у таҳдид билан.

Қаердаги гўдак билан тортишиб ўтириш новчанинг иззат-нафсига тегди. У Моҳирўйни ўз холига кўйиб, Фаррухнинг ёнига келди-да, унинг бетига шапалоқ тортиб юборди. Бу билан новча ёниб турган оловга мой сепиб юборганини юзига келиб тушган кучли муштдан кейин билди. Шеригининг орқага қулаганини кўрган Раим бирдан шер мисоли Фаррухга отилди. Фаррух умрида бирор билан ёқалашмаганди. У муштлашиш нималигини билмасди. Аммо тошдан-тошга сакраб юриш, тўрт юз-беш юз метр баландликка қийинчиликсиз югуриш унинг учун чўт эмасди. Йигитнинг вужудида табиий чаққонлик бор эди. Шу боис Раимга осонлик билан чап бериб, ўзи озгина баландликка, тоғ бағридан бўртиб турган тошустига чиқиб олди. Ҳавони боплаб "муштлаган" Раим тез харакат қилганидан мувозанатини йўқотиб, пастликка юмалаб кетишига озгина қолди. Буни кўриб Моҳирўй карсак чалиб юборди.

— Баттар бўлларинг! Кичкина, кўлидан ҳеч нарса келмайди, деб ўйлаганимидиларинг? Фаррух, яхшилаб буларнинг адабини бериб кўйинг, сўнгги пайтларда жа кулокқиз бўлиб кетишаётганди.

Моҳирўйнинг гапларидан иккала барзангি йигит кутурриб кетди. Қиз боланинг олдида ўзларини кўрсатиб кўймоқчи бўлишиб, бирдан Фаррухнинг икки томонидан хужумга ўтишди. Тоғлик йигит шу заҳоти бошқа тошга

сакраб ўтди. Шу бўйича улар ўн дақиқача қувлашмачоқ ўйнашди. Ахийри қувлаётгандарнинг иккаласи ҳам ҳолдан тойиб, тиллари осилиб қолди. Шундан кейинги Фаррух уларнинг ёнига борди ва иккаласининг ҳам сочидан чанглаб ушлаб, бошларини бир-бирига урди. Худди ўша пайт Моҳирёй "Фар-р-р-у-х!" дея бақириб юборди. Қиз томонга шошиб ўгирилган йигит бошига тушган зарбадан кўзи тиниб, орқасига қулади-ю, хушидан кетди.

Моҳирўйнинг укаси билан кетган хизматчи икки шеригининг ким биландир қувлаштаётганини узоқдан кўрган ва нега бунақа қилиштаётганини билиш учун бу ёққа юргурган эди. Афсуски, тепадан, арчалар орасидан келганилиги учун уни на Фаррух ва на Моҳирўй кўрган эди.

— Нима қилиб қўйдинг?! — дея Моҳирўй бақириб юборди ва югуриб келди-да, йигитнинг бошини кўтарди.

Фаррухнинг боши ёрилган, базўр нафас оларди.

— Ҳозир, ҳозир, — дея қиз ҳансира бўйлагини йиртди-да, Фаррухнинг бошини боғлашга тушиб кетди.

Вақтида етиб келгани учун шеригига миннатдорчилик билдирган новча билан Раим яна Моҳирўйнинг иккала қўлидан ушлашди.

— Кетамиз, дадангиз кутиб қолди, — деди новча.

— Йўқол-л-л-а-ринг, итлар, йиртқичлар! — деб Моҳирўй иккаласининг ҳам қўлини силтаб ташламоқчи бўлди, аммо кучи етмади.

Хизматчилар қизнинг чинқириғига, кўзидан оқаётган ёшга ҳам эътибор қилмасдан, уни пастга судраб олиб кетишиди. Уларга учинчи хизматчидан кейин етиб келган озғингина, кўзлари мудом ўйнаб турувчи Моҳирўйнинг укаси — Достон ҳам кўмаклашиб юборди. У ҳатто хизматчилардан нима гаплигини сўраб ҳам ўтирамади. Сабаби, новча хизматчининг гапларини эшитганди. Бундан ташқари, у ҳар доим қилган ишларидан камчилик топувчи опасини кўпам ёқтиравермас эди.

Моҳирўйни Турғун Фаниевичнинг ёнига шу ачфозда олиб боришиди.

— Итдан тарқаганлар, менинг қизимни бунақа қилиб олиб келишларингга қандай ҳаддиларинг сифди?! — дея бақирди у хизматчиларига. — Сенларга қайтариб келинглар дегандим, судраб олиб келинглар демагандим!

Учала хизматчи ҳам бирдан бошларини эгишди. Турғун Фаниевич асабий равищда уларнинг ҳар бирини шапалоқ билан сийлади.

— Сен чўчқаларни дастидан, — дея гапини давом этказди амалдор, — дам олиш ҳам ҳаром бўлди! Йиғиштирларинг ҳамма нарсани, тамом, кетамиз!

— Хўжайин, тандир пишиб қолганди, — деди раис сохта илжайиб.

— Тандирингни орқангга ур. Падарингга лаънат, шумиди мақтаган чўпонинг?! — деди баттар тутокиб кетган амалдор.

Кўрпачанинг бир чеккасида бошини эгиб турган Моҳирўй дадасининг гапларидан ялт этиб унга қаради ва ўрнидан турди-ю, шаршара ёнида тепада нима воқеа содири бўлганлигини билолмай гаранг бўлиб турган Марди чўпоннинг ёнига югурди. Бу "шайтон" қизнинг қилиғидан эр-хотин ҳанг-манг бўлиб қолганди.

— Амаки! — деди Моҳирўй шошиб. — Анави гўрсўхталарап тепада Фаррухнинг бошига тош билан уриб ёришди. У хушидан кетиб ётиби. Тез бормасангиз, ўлиб қолади!

— Уришади?! — деди Марди чўпон кўзлари олайиб. — Нега уришади?!

— Мен билан қорли қояга бормоқчи бўлгани учун!

Чўпоннинг вужудига титроқ кирди, у раиснинг ёнига югуриб келди-да, ёқасидан ушлаб:

— Агар Фаррухга бирон нима бўлса, биринчи ўринда сенинг қонингни ичаман, кейин анавиларнинг! — деди газаб билан.

Раис чўпоннинг важоҳатидан қўрқиб кетди ҳамда унинг кўлларидан ёқасини айирмоқчи бўлди. Бироқ чайир кўлларга кучи етмади. Қайтанга, ўзининг кўйлаги йиртилгани қолди.

— Ў-ў, чўпон! — деди аламидан бўғилиб амалдор. — Кимнинг қонини ичасан?!

Марди чўпон ғазабдан тишини ғижирлатиб бир зум унга қараб турди-да, кейин арчазор томонга югурди.

— Буни, — деди амалдор аламзадалик билан раисга, — йўқ қил!

— Хўп... хўп бўлади, хўжайин, — раис икки қўлинни кўксига кўйиб, бошини эгди.

Ҳамма лаш-лушиар машинага ортиб бўлингандан сўнг Турғун Фаниевич ерга қараганча у ёқдан-бу ёққа бироз юрди-да, раисни ёнига чақириди.

— Хизмат, хўжайин, — деди раис қўлини кўксига қўйиб.

— Машинанинг биттасини ўзим ҳайдаб кетаман. Иккита йигит сен билан қолади. Улар фордаги "шер"лардан хабар олиб туришсин. Яна очидан ўлдириб қўйма, менга улар ҳали кўп керак бўлади. Чўпон масаласини сенга айтдим. Бир ҳафтадан кейин келаман. Келганимда унинг кораси кўринмасин, — деди амалдор ва машина томонга кетди.

Орқа ўриндиқда ўтирган Моҳирой Фаррух қонига беланиб ётган баландликка қарағанча йиглаб, ичида ўзини-ўзи қарғарди. "Агар, — дея ўйлаётганди у, — мен ўжарлик қилиб қорга борамиз демаганимда, бечора йигит бундай ахволга тушиб қолмаган бўларди".

— Мохи, бунча кўзингдан сувингни оқиздинг? Сенга нима? Битта чўпон ўлса ўлибди-да, — деди машинани бошқариб кетаётган хизматчининг ёнида ўтирган Достон орқасига қараб, опасининг кўз ёш тўкиб кетаётганлиги ни кўргач.

— Учир овозингни! — деди Моҳирой аламидан бўғилиб. — Ҳозир ўзингни бир ёкли қилиб қўяман.

— Менда нима айб? — деди ука афтини бужмайтириб.

— Сенам манави гўрсўхталарнинг биттасисан! — дея Моҳирой хизматчини кўрсатди. — Тушундингми?!

Хизматчи тишини-тишига босди. Хўжайнининг эркатои ҳаддидан ошиб бораётгани унинг ғазабини қўзғатди. Аммо у тилини тишлишдан бошқа илож топа олмади. Моҳирой эса кимдан аламини оларини билмаганидан баттар тутокиб кетди.

— У-ку, мени бир ўлимдан олиб қолди. Сенлар бўлса, зигирча ҳам айби бўлмаган одамни қонига беладиларинг, айт, ў-ў, гўрсўхта, унинг нима гунохи бор эди?! — дея Моҳирой хизматчининг елкасига никтади.

Хизматчи алам билан ортига бир қараб олди-да:

— Биз буйрукни бажардик, — деди.

— Буйругинг билан қўшмозор бўл! Тўхтат мошинани, буям сенга буйрук! Мен тушиб қоламан!

— Жиннимисан?! — деди Достон. — Дадам билиб қолса шу гапларингни, нима дейди?

— Билса билавермайдими, тўхтат машинани деяпман!  
— дея бақириб юборди бутунлай ақлини йўқотаёзган Моҳирой.

Хизматчи машина чироқларини ёқиб, олдинда кетаётган Турғун Фаниевичга "тўхтанг" ишорасини қилди.

Иккала машина ҳам олдинма-кейин тўхташди. Хизматчи шошиб машинадан тушди-да, эшикни очиб, булар томонга караб турган Турғун Фаниевичнинг ёнига бориб, Моҳиройнинг тўполнонларидан хўжайнини хабардор қилди.

Жаҳли чиқиб кетган амалдор машинадан салобат билан тушди-да, бир-бир кадам босиб, Моҳирой ўтирган машина ёнига келди ва:

— Тинчликми, қизим? — деди.

Унинг ўқрайиб қарашидан ҳар доим бегам-беташвиш юрадиган Достон ҳам қўрқиб кетди.

— Дада! — деди Моҳирой йиғлаган кўйи. — Фарруҳда айб йўқ эди. Уни бекорга уришди.

— Бунинг учун ҳали булар жазосини олади, — деди ота хунук илжайиб. — Юр, нариги машинада кетасан.

\* \* \*

Марди чўпон арчанинг шоҳ-шаббалари бирин-сирин юзига урилаётганига ҳам эътибор қилмай ўғлининг ёнига югурап, қўзига ҳеч нарса кўринмас, "Болам, ишқилиб, тирик бўлсин", дея илтижо қиласарди. Ниҳоят сирпаниб, қоқилиб ўғлининг ёнига етиб борасола ҳамон қўзини очмасдан хириллаб ётган Фарруҳнинг бошини кўтардида:

— Болам, кўзингни оч! Оч, кўзингни, болагинам! — деда йиғлаб юборди.

Сўнг Фарруҳнинг ёнида Моҳиройнинг қонга беланиб ётган кийимидан қолган парчани ўғлининг бошидан ҳалигача сизиб оқаётган қон устига босди.

— Ҳозир, — деда шивирлади ота кўз ёшлини артиб, — ҳозир чайлага етиб олайлик, кейин бошингни яхшилаб боғлаб кўяман. Ҳеч нима кўрмагандай бўп кетасан!

Етмишга кирган чол бўй етган ўғлини кўтариб олди. Чайлагача масофа анчагина олис эди. У ергача одам ҳеч нарса кўтармасдан фақат ўзи юриб борса ҳам холдан тояр эди. Аммо ҳозир Марди чўпон шундай ҳолатда эдики, ўғлини кўтарганча, илдам қадам босиб кетди.

Ярим йўлга еттанида барибир қарилек ўз ишини қилди. Марди чўпоннинг дармони қуриб, ўғлини опичлаш у ёқда турсин, ўзи базур қадам босадиган даражага келди. Етиб келган жойи яланглик эди. Бу ерда йиртқичлар кундуз кунлари изғимасди. Аммо кечаси ўлжа тополмаган бир оч бўри бор эдики, икки тош наридан ҳам қон исини оларди.

— Шу ерда, — деди Марди чўпон ҳансираф нафас оларкан, — озгина ётиб тур. Мен чопиб бориб, отни миниб келаман!

Хаёлида ўғлини эртароқ чайлага олиб боришдан бошқа ўйи бўлмаган чўпон гоҳ эмаклаб, гоҳ йиқилиб югуриб кетди...

...Фаррух ётган жойдан икки қир наридаги арчазорда бўри увиллади. Димоғига урилган ўзи учун ниҳоятда хушбўй қон исидан сўлаги оқди. Испинг элас-элас етиб келаётганидан сездики, ўлжа анча нарида. Бироқ очик-қан бўри учун ҳозир масофанинг аҳамияти йўқ эди. Шу боис у бир югуриб, бир тўхтаб ўзи томон эсаётган шамолни хидлаб кетаверди. Битта қирни бўри жуда оз фурсатда босиб ўтди. Шу пайт бир қаноти синиб учолмай ётган какликка кўзи тушди-ю, бирдан унга ҳамла қилди. Какликни пақкос туширган бўри лабини ялади-да, қорни тўймаганидан, яна ҳавони хидлади. Энди шамол бошқа томондан эсиб, унинг бурнига кандайдир ёқимсиз ислар келиб урилди. Бундан жаҳланган бўри осмонга қараб увлаб юборди-да, умид билан каклик патларини қайта титкилади. Бироқ бир тишлилам ҳам гўшт тополмади. Шундан кейин у ортига қайтди. Аммо юз қадамча юрмасидан шамол яна йўналишини ўзгартириб, унинг димоғига бояги ёқимли ҳидни "такдим" этди. Бўри юришдан тўхтаб, бошини орка томонга чўзганча ҳавони қайта-қайта хидлаб кўрди ва тағин сўлаги оқиб изига қайтди...

...Чайлага нафаси бўғзига тиқилиб етиб келган чўпон бир чойнак сувни олди-да, дарров боғлик турган отнинг ипини ечиб, аввалгидек бир сакраб устига минмоқчи бўлди. Аммо уддалай олмади. Сўнг узангига оёғини кўйиб, инқиллаб-синқиллаб отнинг устига чиқиб олди ва от сағрисига қамчи босди. Аммо от ҳам аввалгидек бирдан югуриб кетмади. У чанқаганидан, югуришни истамасди.

— Эганг ўлгур, чух! — деб бакирган чўпон қайта-қайта отни қамчилади.

Шундан кейингина от унинг измига бўйсунди. Бироқ чўпоннинг назарида у жуда секин югураётганга ўхшарди. Шу боис яна савалашда давом этди...

...Бўри ўлжасига юз қадамча чамаси қолганда сўлаги баттар оқиб, югуришга тушди. Аммо ўлжага энди етдим деганда бирдан тўхтади. Бўрини кўриб кўзи косасидан чиккудек бўлган чўпон унга қамчисини отган ва унинг устига от хайдаган эди.

Очликдан силласи қуриган бўри кутилмаган рақибини бурда-бурда қилиб ташламоқчи бўлди-ю, бироқ тикилиб турган чўпоннинг ўткир нигоҳларига дош беролмай, алам билан ортига қайтишга мажбур бўлди.

Отдан тушган чўпон кора терга ботиб кетган, вужуди тинмай қалтиради. У ўғлининг кўксига қулоғини қўйиб, Фаррухнинг юраги ураётганлигига амин бўлгач, озгина ўзига келди-да, "Ўзингга шукр, худойим, боламни яна бир асрординг-а", деди йиғлоқи овозда пицирлаб. Кейин Фаррухнинг бошига сув қўймокчи бўлиб чойнакни қидирди, бироқ чойнак чўпон отга минишга қайта-қайта уринган жойида қолиб кетган эди...

...Марди чўпон чайлада Фаррухнинг бошини ювиб боғлади. Бироқ ўғли ўзига келмади. Шундан кейин бошқатдан уни отга ўнгариб, кишлоққа олиб кетди.

Кишлоқда одамлардан кўра молларни яхшироқ даволайдиган Мамаюсуф исмли дўхтири бор эди. У Фаррухнинг ёрилган бошини кўриб:

— Ёмон йиқилибди-ку, — деди Марди чўпонга қараб афсус билан бош чайқар экан.

— Бир амал қилиб беринг, умрим етгунча қулингиз бўламан, — деди чўпон кўзида ёш билан.

У ўғлининг бошига тош билан уришганини дўхтирга айтмаган, "Отдан йиқилди", деганди.

— Район банинсасига обориб тикиш керак бу ярани, менда ассоблар йўқ, — мижғовланди Мамаюсуф дўхтири.

— Битта кўй бераман! — деди бирдан Марди чўпон дўхтирга тикилиб.

Шундан кейин дўхтири бироз ўйланиб турди-да:

— Уриниб кўрайлик-чи, — деди паст овозда ва сумка-

часини очиб, ичидан қайчи олиб, эринмасдан Фаррухнинг боши ёрилган жойидаги сочни қирқа бошлади.

Унинг бемалолхўжалигини кўрган Марди чўпоннинг ичи қайнаб кетди.

— Балки, — деди у дўхтирнинг қилаётган ишидан кўзини узмай, — аввал укол-пукол қилсангиз яхши бўлармиди?

— Менга ақл ўргатманг! — бирдан бақириб юборди дўхтири. — Нима қилишни ўзим яхши биламан.

Мулзам бўлиб қолган чўпон бошини эгди.

Мамаюсуф дўхтири Фаррухнинг яраси атрофидаги соchlарни қирқиб бўлгач, унинг ярасига майдаланган куқун дори сепди ва маҳкам боғлади. Кейин чўпоннинг кўнгли қолмасин деган ўйда иситма туширадиган укол хам қилиб қўйди. Айнан жароҳат қай даражада, орка мияга таъсири борми-йўқми, бунга у қизиқмади ҳам.

— Ана, бўлди, — деди у ишини тамомлагач, илжайиб, — худо хоҳласа, одам бўлиб кетади. Ҳа, анави қўйни эрта-перта олиб келсангиз ҳам бўлаверади. Бугун кеч бўп колди. Тоққа чикиб тушишга кийналиб қоласиз, ундан кейин бизда емиш масаласиям анча чаток.

Марди чўпон дўхтирнинг ҳамма гапига "хўп, хўп", дея жавоб қайтарди-да, ўғлини опичлаб ташқарига олиб чиқди.

Фаррух кечга бориб кўзини очди. У бироз шифтга караб ётди-да:

— Мен қаердаман? — дея сўради ёнида ўтирган отасидан.

— Хайрият, — деди Марди чўпон қувониб, — ўзингга келдинг. Юрагим ёрилишига озгина қолди.

— Нима бўлди? — деди Фаррух туришга уриниб.

— Қимиrlама. Сенга мумкинмас ҳали, — дея Марди чўпон ўғлининг кўкрагидан бироз босди. — Худога шукр, уйдасан. Мана, кўзингни очиб гапираяпсан. Энди дарров тузалиб кетасан. Мамаюсуфни одамлар мол дўхтири дейиши бекор экан. Мана, сени дарров тузатиб қўйди.

— Менга нима бўлди? — дея сўради Фаррух хайрон бўлиб.

— Э-й-й, эслатма, болам. Одамни шундай пайтда ёлғизлиги билиниб қоларкан. Уруг-аймогинг кўп бўлса сенга

биров зиён етказишга ҳайикади. Ҳеч киминг бўлмагандан кейин шундай кўйга солишаркан-да. Бахтингга қарши, энангам эрта ўтиб кетган, на уканг, на аканг бор. Бор-йўги битта ўзингсан, зурриётим. Агар сенам мени ташлаб кетганингда нима қиласдим?.. — дея Марди чўпон бошини эгди.

Жиққа ёшга тўлган кўзини ўғлидан яширди. У шу пайттacha ўғлига бунака гапларни айтмаганди. Ўзининг, ўғлининг ёлғизлигидан ёзғирмаган эди. Лекин бугун тўлиб кетди. Гапирмаса бўлмади. Ичидагиларни озгина тўккиси келди.

— Ота-а, — деди гапни бошқа томонга бурган Марди чўпонга Фаррух. — Нега мен уйда ётибман?

— Эслолмайсанми? — дея сўради Марди чўпон "Болам хотирасини йўқотиб қўймадимикин?" деган ўйдан хавотирланиб.

Фаррух бошини чайқаб, "йўқ" ишорасини қилди.

— Мени, кўйларни, чайлани эслайсанми?

— Эслайман, — деди Фаррух отасининг бунақа гапларидан хайрон бўлиб.

— Шу ёғиям етади. Баччагарнинг болаларини эсингдан чиқариб ташлаганинг яхши. Уларга сен билан мен тенг бўлолмаймиз. Ҳаммасини худога солдим. Худонинг ўзи уларнинг жазосини берсинг, — деди Марди чўпон бироз ўзига келиб.

— Анави қиз қаерда? — сўради Фаррух кутилмагандан.

— Кайси? — деди Марди чўпон пешонасини тириштириб, гўё ўзини ҳеч қандай қизни кўрмаганга олиб.

— Анави қиз-чи, йиқилаётганда мен ушлаб қолган? Оти Моҳирўй эди. Қаерга кетди у қиз?

Чўпон чуқур нафас олди. Кейин офтобда кийиб юрилаверганидан асл рангини ҳам йўқотган қалпогини кўлига олди-да, бошини қашлаб:

— У аллақачон уйига кетиб бўлди. Шу қизни деб сен мана шундай ахволга тушиб ўтирибсан... Яхшиликни билмаган, ит эмганлар! — деб Марди чўпон энди ўрнидан турмоқчи бўлганида, бели кирс этиб кетди-ю, "Воҳ!" деганча тиззалаф ўтириб қолди.

— Нима бўлди, ота? — дея бирдан ўрнидан туриб кетди Фаррух.

— Ҳайронман, — деди белини ушлаб Марди чўпон, — ўз-ўзидан белим... Сен турма ўрнингдан, ҳозир ўтиб кетади.

Ўғил отасининг гапига қулоқ солмай ўрнидан туриб чўпоннинг кўлтиғидан ушлади ва унинг туришига кўмаклашди. Бир амаллаб ўзини ўнглаб олган чўпон Фаррухнинг оёққа туриб кетганини кўриб суюниб кетди. Ва белини ушлаган кўйи ташқарига юрар экан:

— Кўйларам бугун очидан ўлди, — деди.

Шу куни улар қишлоқдаги бор-йўғи битта хонаси бўлган уйида қолишиди. Ота тоққа кетай деса, бели кўп "айтганини" қилмаяпти. Ўғлини жўнатай деса, унинг аҳволи отасиникидан баттар. Шундан кейин у Фаррухга бир кеча шу ерда қолишларини айтиб, кўйларни худога топшириди.

Эртасига ота-бала чайлага боришганида уларни раис, амалдорнинг новча хизматкори ва ўзларининг қишлоғидан Сайфи исмли қирқ беш-элликлар атрофидаги сочи пўстак бўлиб кетган одам кутиб турарди.

— Кўйларни кимга топшириб кетгандингиз, Марди ака? — деди раис совуқ иржайиб, ота-бала ҳали отдан тушмасларидан бурун салом-атикниям яқинига бормай.

Чўпон жавоб қилмади. Бунинг ўрнига отдан тушмоқчи бўлди. Иложини қилолмади. Бели қаттиқ оғриганидан, унинг афти бужмайиб кетди. Отга минаётгандаям оғриқ бўлганди. Лекин бунақа даражада эмас. Боши боғланган Фаррух эса сакраб тушди.

— Отданам тушолмай қолган экансиз, айтмайсизми, дарров ўрнингизга одам кўйиб қўймаймизми? — деди раис Марди чўпоннинг ҳолатини кўриб ичидагунар экан.

— Кўй керакми сенга?! — деди жаҳл билан Марди чўпон. — Ана, олавер. Менинг эллик йил бу кўйларнинг орқасидан чопганим етар, энди бошқаларам боқсин-да.

— Мен ўзим келганим йўқ, Марди ака. Мени шу ерга олиб келишгандан кейин кўй боқасан, дейишли, — деди Сайфи пўстак бирдан гапга аралashiб.

— Ўчир! — дея унга бақирган раис Сайфининг бошига шапалоқлаб урди. — Шунақанги лақмалигинг бўлса бок-маслигинг аниқ.

— Чайлани бузиб ташлаймиз, бўрибосарларният ўзимиз билан олиб кетамиз! — деди келганидан бери новчага ўқрайиб қараб турган Фаррух.

— Сен бола, — деб кулди раис, — айниб қопсанми? Илгари туппа-тузук эдинг. Ёки каттани кизи бошингни айлантириб қўйдими?

— Шунга бошини боғлаб олганга ўхшайди, — деб кулиб юборди новча.

— Ҳов, итдан тарқаган! — дея бирдан бақирди Фаррух. — Ҳали сенинг энангни кўзингга кўрсатаман!

Тирмизаккина боланинг оғзидан чикқан гап новчанинг суюк-суюгигача етиб борди. У Фаррух томонга юра бошлади.

\* \* \*

Уйга етиб келгандаридан кейин Мохирўй ўзининг хонасига қамалиб олди. Бундан Зулайҳонинг фифони фалакка ўрлади. "Падарингга лаънат етимча! — дея ўйлади у. — Шунча вақт кўнглингга қараб келдик. Индамасак, бошимизга чиқиб, билган нағмангни чаласан, шекилли? Бир танобингни тортиб қўйиш вақти келиб қолганга ўхшайди".

— Дадаси, — деди Зулайҳо диванда ўтириб бир нуқтага тикилиб қолган эрига, — бу қиз билан очиқчасига гаплашиб кўймасам, кўп майнавозчиликлар қиласидиганга ўхшайди.

— Нима қилмоқчисан? — деди эр ҳолатини ўзгартирамай.

— Кимлигини эслатиб қўйиш вақти келиб қолмадимикин?

Турғун Ганиевич хотинининг гапидан кейин бирдан унга ўқрайиб қаради.

— Товуқмия бўлиб бораяпсанми кундан-кунга, — деди у Зулайҳога, — қачон қарама, битта фалокатни бошлаб юрасан.

Зулайҳо шу пайтгача эридан бундай қўпол ҳақорат эшиитмаганди. Амалдорга тикилган қўйи музлагандек қотди. Унинг бундай безрайиб туриши амалдорни баттар "тутатиб" юборди.

— Нимага менга бундай анқайиб қараб қолдинг?! — дея бақирди у.

— Мен сизни танимай қолдим, — деди Зулайҳо кўзи ёшга тўлиб, — сиз мутлақо бегона одамга ўхшаб кўрина-япсиз.

— Қачондан бери? — дея мийигида илжайди амалдор.

— Бунга анча бўлди. Менимча, ўзингизни осмонга чиқиб кетганман, деб ўйляяпсиз. Ҳали шошманг, бунинг учун озгина вақт бор.

Амалдор ўрнидан туриб кетди.

— Мени қўрқитмоқчи бўляяпсанми?!

— Сизни мен қўрқитмайман. Сиз қўрқиш даражасидан ўтиб бўлдингиз. Ҳар эҳтимолга қарши, айтиб қўйяпман-да, — дея Зулайҳо ортига бурилди-ю, тез-тез юриб хонадан чиқиб кетди.

Хотинининг бу таҳлит муомаласи Турғун Фаниевични бироз довдиратди. У Зулайҳо бошини эгиб қолса керак, деб ўйлаганди, аммо у худди отаси тириклигидагидай бурро-бурро гапирди. Ҳатто эрига таҳдид қилишдан хам тоймади.

Аlam билан ошхонага кирган Зулайҳо музлаткични очди-да, ярми ичилган арок шишасини олиб пиёлага тўлдириб кўйди ва бир кўтаришда ичиб юборди. Орқасидан газак ҳам қилмай, столга ўтирди. "Кўрнамак, — дея пичирлади унинг лаблари, — ҳали мен товукмия бўлиб қолдимми? Ўзинг қачон одамга айланганингни эсингдан чиқарганга ўхшайсан. Майли, ҳали кўрамиз... Ўз қизинга айланган гўдакка қандай қараш қилаётганингни сезиб юрибман. Агар гумоним тўғри чиқса, ўша ўзим эркалаб катта қилган қизни бўғиб ўлдирман".

Шу пайт айвондаги телефон асабий жиринглаб қолди. Зулайҳо ўрнидан эриниб турди-да, бориб гўшакни кўтарди.

— Алё, — деган ёқимли овоз келди симнинг нариги учидан. Бу овозни эшитиб аёлнинг бирдан юзига табас-сум югорди, — безовта қилиб қўймадимми?

— Вой, нега, ўзим ҳозиргина ўйлаб турувдим, — деди Зулайҳо эшик томонга бир қараб олиб. — Телефон ҳам қилмай кетдингиз. Қанчадан бери кутаман. Берган кўйла-гим битай деб қолдими?

— Уйда душман борми, дейман? — деган овоз келди гўшакдан.

— Да-а-а, — деди Зулайҳо лабини буриб.

— Яхши, қачон учрашамиз?

— Битдими, озгина чаласи қолди? Ну ладно, ҳозир бораман, — деб гүшакни кўйди Зулайҳо.

Аёл бироз ўйланиб тургач, тагин қовоғини уйиб ётогига кирди.

Турғун Фаниевич хотинининг телефондаги гапини эшитгандан сўнг энсаси қотди. "Икки ҳафта олдинам бу ойимча кўйлак тикирганди. Кўйлакка тўймайдими, нима бало, яна бошқасини тикирибди", дея ўйлади ҳамда шишида колган пивони охиригача ичиб бўлгач, ташқарига чиқди.

Зулайҳо ҳатто эридан рухсат ҳам сўрамасдан уйидан чиқди. Хўжайнининг хотини пардоз-андоз килиб йўлга отланаётганини кўрган хизматкор дарров унинг қаршисига чиқиб:

— Хизмат борми? — дея сўради.

— Керакмас, — деди Зулайҳо зарда билан ва унинг ёнидан шиддат билан ўтиб кетди.

Кўчага чиққанидан кейин такси тўхтатиб манзилни айтди-да, машинанинг орқа ўринидигига ястаниб ўтириб олди ва орқасига бир қараб кўйди.

Такси шаҳарнинг нариги чеккасидаги кўп қаватли уйларнинг бири ёнига борганидан кейин тўхтади. Зулайҳо пастга тушаётиб ҳам орқасига бир қараб олишни унутмади.

Учинчи қаватга кўтарилиганида у кириши керак бўлган уйнинг эшиги очик эди. Буни кўриб Зулайҳо "чевар"-нинг ақллилигидан кувониб кетди ва эшик қўнғироғини босиб ҳам ўтирасдан ичкарига кирди.

Мехмонхонада Тўйчи оёғини чалиштирганча сигарета чекиб телевизорга тикилиб ўтирап эди. Зулайҳо бир-бир кадам босиб унинг ёнига келди-да, кўзини беркитди.

— Бизни шунчалик соғинтирган санам наҳотки етиб келган бўлса? — деди Тўйчи Зулайҳонинг дўмбоқ қўлини силаб.

— Кутдириб қўйдимми? — деди Зулайҳо ўзига ярашмаган ноз билан қўлини секин олар экан.

— Кутдириш ҳам гапми, минг йиллар ўтиб кетгандай бўлди, — деди Тўйчи ва жувоннинг қўлидан ушлаб ўзи томонга тортди...

\* \* \*

Кўзидағи ёш қуриб битгунча ёстиқни қучоқлаб ётган Мохирўй чукур нафас олди-да, ухламоқчи бўлиб кўзини юмди. Бироқ уйку ҳам унга хиёнат қилганча, ўзига бошқа мижоз қидириб кетди. Шундан кейин Мохирўй шифтга қараб ётиб олди.

Елкалари кенг, қўлларининг чайирлигидан томирлари бўртиб чиккан, юзи офтоб нурида бироз қорайган, гўзал табассумга эга бўлган, овози энди-энди дўриллай бошланган чўпон йигит — Фарруҳ унинг ақлини бутунлай олиб кўйган эди. Мохирўй ўзига ошик бўлган, доим соя-салқинларни хуш кўрувчи юзлари оқ шаҳар йигитлари билан уни тақкослаб кўрди. Лекин уларнинг биронтаси ҳам Фарруҳнинг ҳатто яқинига йўлай олишмади. "Менинг шаҳзодам фақат ўша чўпон йигит бўлади", дея хаёлидан ўтказди у. Сўнг йигит Мохирўй пастга ўзини тўхта-толмай югуриб кетаётганида ушлаб қолгани, бирга йи-килган Фарруҳнинг кўксига бошини қўйиб ётгани ҳакида ўйлади ва ширин энтиқиб кўйди.

Мохирўйнинг эшиги қия очилди. Одатда, унинг хонасини тақиллатишар эди. Келгувчининг сўроқсиз эшик очиши, бунинг устига, ширин ўйларини бузгани Мохирўйнинг жаҳлини чиқариб юборди. У нафрат билан эшикка қаради. Бироз ўтиб Достоннинг боши кўринди.

— Пишириб қўйибдими?! — дея бирдан бақириб юборди Мохирўй уни кўрган заҳоти.

— Нимага бақирасан? — дея ўдагайлари Достон ҳам.

— Нега менинг хонамга сўроқсиз кирдинг?

— Дадам: "Чақириб кел", деди. Бўлмаса умуман кирмасдим, — деди Достон, кейин паст овозда: — ўлиб кетсанг ҳам, — дея қўшиб кўйди.

Мохирўй укасига ўқрайиб қараб турди-да:

— Нима ишлари бор экан? — деди.

— Мен қаёқдан билай? — деб Достон шартта ортига ўгирилиб чиқиб кетди.

Мохирўйнинг ранги синиқиб қолганини кўрган Турғун Фаниевич қизи ёнига келиши билан уни қучоқлади.

— Мени кечир, қизим, — деди сохта синиқ овозда, — сени дам олишга олиб бориб хафа қилиб қўяман, деб ўйламаган эдим.

Дадасининг гапларидан кейин Мохирўйнинг яна кўнгли бўшаб кетди. Кўзида ёш жилваланди.

— Буниси энди ортиқча, — деди амалдор қизини қучоғидан бўшатгач, унинг кўзидаги ёшни кўриб, — айбимни ювиш учун бугунги концертга уканг икковингга билет олиб кўйдим. Бориб бир яйраб келасизлар.

— Ҳеч қачон! — деб бирдан бақириб юборди Мохирўй. — Достон билан бирга бормайман!

— Ҳалиям ит-мушукликларинг қолмадими? — деди Турғун Фаниевич бошини сарак-сарак қилиб кулар экан.

— Унда анави хизматкор билан бирга борасан. Уйда бунақа қилиб сиқилиб ўтиришингга мени кўнглим бўлмайди.

Мохирўй бирдан йўқ демоқчи бўлди-ю, сўнг дарров тилини тишлаб қолди. Унинг хаёлига яшин тезлигига бир шумлик келган эди. Бу шумлик ҳатто унинг гўзал лабида жилмайиш ҳам пайдо қилди. Кўзида рўй берган бунақнги тез ўзгаришдан амалдор бошқача хаёлга борди. Ва: "Гапимни қайтиб олсамми?" дея ўйлади ҳам. Бироқ у ўзи айтган таклифни қайтариб олишига энди кеч бўлганди. Шундай қилса, қизининг олдида бебурд бўлиб қоларди.

— Фақат сизларни олиб келишга ўзим бораман, шу баҳонада озгина шамоллаб келаман, — дея кўшиб қўйди амалдор.

Мохирўй индамай бошини эгди-да, дадаси яна биронта гап айтармикин, дея кутиб турди. Амалдор бошқа сўз айтмагач, у ўзининг хонасига борди-да, концерт режасини тузга бошлади.

Турғун Фаниевичнинг юраги сиқилди. У тоғдан қайтиб келганидан бери ўзига келолмаётганди. Шу боисдан ти-нимсиз пиво ичиб турганди. Бироқ пиво ҳам унинг сиқилишини тарқатиб юбора олмади. Ўлганнинг устига тепгандай қилиб хотинининг: "Жа, осмонга сакрайверманг, бунга ҳали вакт бор", деган гапи унга наштардай ботганди. "Шунга уйланганимдан бери сочим оқарди, қанчаси тўкилиб ҳам кетди. Аёл боши билан отаси тириклигига менга озмунча зулм ўтказдими? Камситишлар, келиб чиқишимни қайта-қайта эслатаверишлар... Менинг ўрнимда бошқа одам бўлганида аллақачон қон босими ошиб

ўлиб кетган бўларди. Яхшики, иродам метиндан экан. Энди менинг даврим ҳам келди. Унинг сунадигани йўқ. Қариндошларининг ҳаммасидан ҳар томонлама устунман. Шундай экан, бунақа ялмоғизнинг баҳридан ўтиб кўйишим зарур", — дея хаёл сурганча уйнинг ичидаги Турғун Фаниевич у ёқдан-бу ёққа бориб келарди.

\* \* \*

Моҳирўй хизматчи билан концерт залининг олдинги қаторларидан жой олгач, хонанданинг чиқишини кута бошлади. Аксига олиб, қўшиқчиям тезда кўринавермади. Қиз сикилиб кетганидан бир-икки марта уф тортиб ҳам юборди. У ёнида тиржайиб, дунёда ўзидан баҳтли, омадли ҳеч ким йўқдай ўтирган хизматчини илгаридан ёмон кўрарди. Кўзи доим олма-кесак терадиган бу одам Моҳирўйларнинг уйига келган куниёқ унга ғалати қараш қилганди. Шунда қиз "Намунча совук бунинг қарашла-ри?" — дея ўйлаган, бирок ўз ўйини ҳеч кимга айтмаган эди. Бирок кун сайин Мамарасул (хизматчининг исми шундай эди) Моҳирўйга еб кўйгудек қарашда ҳаддидан ошиб бораверар, бирорта баҳона топиб қиз билан гаплашишга ҳаракат қиласди. Унинг бунақа қиликларидан без-ган қиз икки-уч марта хизматкорнинг хурмача қиликлидан отасини хабардор килиб кўймокчи ҳам бўлди. Лекин турилси сабаблар чиқавериб, қизнинг ичидагилари ташига чиқмай қолаверди.

Мамарасул Моҳирўйнинг сикилишига эътибор ҳам қилмади. "Эртароқ концерт бошланса-ю, қизга тикилиброк ўтирсам, иложини топиб у ёқ-бу ёғидан ушласам", деган хаёлда эди у. Ниҳоят қиз билан хизматчи интиқиб куттган дақиқалар ҳам келди. Бошловчи хонандани обдон таърифлаб, сахнани тарқ этгач, қорин кўйган ҳофиз унинг ўрнини эгаллади. Ҳофизни кўриб Моҳирўйнинг афти бужмайди. Бу хонанданинг қўшикларини у мутлақо ёқтирас, телевизорда чиқиб қолсаям дарров бошқа каналга оларди. Бир хаёл шу заҳоти кетворсамми деб ўйлади. Кейин бирданига тузган режаси ёдига тушиб, ниятидан қайтди. Ўзини хурсанд кўрсатиш мақсадида бошқаларга қўшилиб карсак чалди. Бурилиб Мамарасулга караганча, унга табассум ҳадя қилди.

Ёнгинасида ўтирган ниҳоятда гўзал санамнинг бундай

инъомидан сўнг йигитнинг юраги қинидан чиқиб кетаёзди. У жойида ўтиrolмай қолди. Аввал Моҳирўй томонга бироз энгашди. Уларнинг елкалари туташ келди. Қизнинг яланғоч елкасидан ўтаётган хароратдан Мамарасулнинг эти жимиirlаб кетди. У озрок фурсат шунга каноат килди, лаззатланди. Кейин бу унга камлик қилаётгандай туюлаверди ва кўпроқ нарсага эришиш мақсадида секин, ички бир ҳадик билан қизнинг билагига кўлини юборди. "Хозир етиб боради, секин ушлайман. Кейин силайман..." Индамаса, белига кўлимни юбораман..." деган ширин орзуда эди у. Мамарасулнинг кўли қизнинг бармоқлари ёнига жуда якин борди. Аввал у жимжилогини Моҳирўйнинг оппоқ бармоқларига теккизди. Қиз кўлини бирозгина тортган бўлди. Бундан ўзгача бир далда олган хизматчи секин унинг кўлини ушлаб олди. Моҳирўй унга жилмайиб қаради-да:

— Мумкинмас, — дея кўлини тортиб олди.

Қиз бу сўзни шунака бир назокат, ноз билан айтдики, йигит уни кучоқлаб олишига сал қолди.

Шу пайт ҳофиз биринчи қўшигини тугатди. Моҳирўй ўрнидан туриб қарсак чалиб юборди. Мамарасулга унинг туриб кетиши шунчалик ёқмадики, ғазаб билан тишларини ғижирлатиб кўйди.

— Яхши айтди-я, — деди қиз жойига қайта ўтираётиб.

— Яхши, — деди Мамарасул қовоғи бироз осилиб.

Ҳофиз иккинчи қўшигини бошлагач, хизматкорнинг кўли яна ишга тушди. Бироқ қизнинг бир марта хўмрайиб қараши унинг шаштини қайтарди. Ноилож қолган Мамарасул қўшиқ тинглашга мажбур бўлди.

Концерт ўрталарига етганда, Моҳирўй Мамарасул томонга бурилиб:

— Мен ташқарига чиқиб келаман, — дея секин пи-чирлади, — сиз шу ерда ўтириб туринг. Жойимизни бошқалар олиб қўймасин тағин.

Хизматчи қўшилиб бормоқчи бўлганида қиз "Сизга мумкинмас", дея уни жойига михлаб қўйди.

Моҳирўй ташқарига чиқди-ю, тўғри келган биринчи кўчага қараб югуриб кетди. Талай муддат чамаси югургач, тўхтаб орқасига ўгирилди-да, жилмайиб қўйди.

\* \* \*

Нафси қонгач, Зулайҳо Тўйчини нари суриб, инқилаб ўрнидан турди.

— Одам қарийверса, ҳеч нарсага ярамай қоларкан. Шунчалик чарчатиб ташладингки, суюкларимгача зиркираб кетди-я! Лекин шу нарса ёқса нима қилай!.. Анави бир оёғи гўрнинг тубига бориб қолгандан умид йўқ, — деди у ва оғир қадамлар ташлаб юваниш хонаси томон юрди.

— Унда озгина ёрдам бериб юборилса, гўрга тушиб кетар экан. Кейин бехавотир, а?.. Нима дедингиз, хоним? — деди Тўйчи аёлнинг орқасидан.

— Сўнг сен мени боқсанми? — дея тўхтаб орқасига ўгирилди Зулайҳо.

— Бир амаллардик.

— Бир амал билан менинг қорнимни тўйғазиб бўлмайди. Мен катта еб ўрганиб қолганман. Сен мен хоҳлаган ишга ярайсан. Шунинг учун қўлингдан келадиган ишни килиб юравер, — деди мийигида кулиб аёл ва йўлида давом этди...

Улар диванда ёнма-ён ўтирганларида аёлнинг ҳасрат қилгиси келиб колди. Унинг ичидаги "юк" тинимсиз босаётгандек эди.

— Ўгай бола ҳақиқатан ҳам оғзи-бурнингни қон қиларкан, — деди у худди ўз-ўзига гапираётгандай.

— Нега унақа деяпсиз? — сўради Тўйчи ҳайрон бўлиб.

— Канақанги ўгай?

— Кўп нарсани билмайсан-да. Ох, қанчалик қийинчиликларни бошимдан ўтказаётганим факат ўзимга ва худога аён.

Тўйчи кулиб юборди.

— Сизлар ҳам худога ишонасизларми? Амалдорлар Худо йўқ, дейишади-ку.

Зулайҳо жазманига хўмрайиб қаради. Бошқа пайт бўлганида унга яхшилаб бобиллаб берган бўларди.

— Мен-ку, азалдан ишонаман. Ҳар кадамимда уни эслайман.

— Мен билан ишрат қилаётганингиздаямми? — деди Тўйчи тиржайиб.

Бундан аёлнинг фифони фалакка етди.

— Сен нималар деб валдираяпсан?! — деди жахл билан.

— Пардон!.. — деди ҳамон күйдирилган калладай иршайиб турган Тўйчи. — Билмасдан оғзимдан чиқиб кетиби.

— Ўзи ўйнашдан дўст чиқмайди, деб бежиз айтишмаган экан. Мен дардимни айтмоқчи бўлсам, сен менинг устимдан куласан, — деди Зулайҳо ўксик овозда.

— Товба қилдик, дедим-ку. Хоҳласангиз оёғингизга бошимизни урамиз, маликам, — кечирим сўраган бўлди кўлини кўксига кўйган Тўйчи.

— Эрим охирги пайтларда айниб қолди. Аслида у аввал қандай бўлса, ҳозир ҳам худди шундай. Фақат анави ҳаромзода кундан-кунга унинг олдида қилпаланглаб, миясини айнитаяпти, — деди Зулайҳо Тўйчининг кечиримiga эътибор ҳам қилмай.

Тўйчи диванга ястаниб ўтириб олди.

— Ким экан у?

— Ким бўларди, ўгай қиз-да (Қизим дейишга тили бормади унинг).

— Ҳали ўгай қизингиз ҳам борми? Мен билмаган эканман. Бир қизингиз борлигидан хабарим бор. Лекин каёқдан ўгай қиз топиб олдингиз, шунисига ҳайронман. Ёки Турғун Фаниевичнинг бошқа хотиниям...

— Канақа бошқа хотини, агар бошқасини топганида бир кун ҳам яшатмаган бўлардим. Ўша сен биладиган қиз ўгай-да. Уни ёшлигига асраб олганмиз, шунинг учун ҳеч ким билмайди. Моҳирўйнинг ўзи ҳам. Мана, биринчи марта сенга айтаяпман... Ёмон томони, ўйлашимча, эрим ўзининг қизига ошиқ бўп қолганга ўхшайди.

— Йўғ-э! — деди Тўйчи кўzlари ола-кула бўлиб. — Даҳшат-ку, а!..

— "Кошмар", десанг-чи! Ҳеч замонда ота қизигаям ошиқ бўладими?

— Ўгай экан-ку.

— Барибир қизим деганми? Бу эрқакларнинг ҳаммаси бир гўрми дейман. Сенам эримнинг ёнини оласан. Ундан кейин уларнинг ёши орасида осмон билан ерча фарқ бор!

— Нима қилмоқчисиз? — дея сўради Тўйчи Зулайҳонинг елкасига кўлини кўйиб.

— Бошим қотган. Қизни бир бало қилиб юборай десам, ёшгина жони увол бўлади. Индамай юраверай десам, Худо кўрсатмасин, эртага бирон гап чиқиб қолса... Ўн еримга пичоқ урсамам жойига тушмайди.

— Ҳа-а, вазият ҳам оғир, ҳам қалтис.

— Миямга бир фикр келиб қолди, — дея бирдан Зулайҳо жазманига каради, — Сен ёрдам бериб юборолмайсанми?

— Қандай қилиб?

— Оддий. Қизни йўлдан урасан. Кейин сенга турмушга бериб юбораман-у қутуламан.

— Ўзлари кейин қийналиб қолмайдиларми, ишқилиб? Ҳар қалай, таъминлаб турибман.

— Ох! — дея бошини ушлади Зулайҳо. — Бу ёғиям бор-а ҳали... Унда... Унда сен битта ўртоғингни топасан. Ёшроқ бўлсин.

У күшчани икки марта кўрганман. Кетвортган нарса. Шундай қизни бировга бериб қўйсам, умрбод ўзимни кечирмасам керак. Яхшиси, бу кампирнинг кулогига лағмон илиб, ўзим унга эга чиқаман", — дея хаёлидан ўтказди Тўйчи.

— Агар сиз шуни хоҳласангиз, мен ташкил қилишим мумкин. Аммо битта лекини бор. Қизнинг ниҳоятда гўзаллигидан хабардорман. Шундай қизни, яна кимсан Турғун Фаниевичнинг эркатойини беш-бегонага текиндан-текинга бериб юборишими инсофнинг ҳеч битта киррасига тўғри келмайди, — деди у аёлни озгина юмшатиш мақсадида.

— Менга деса, — деди Зулайҳо ўқрайиб, — итларга хотин бўлсин! Хонадонимдан йўқолсин!

— Гап бўлиши мумкин эмас, ҳеч кимга насиб этмайдиган қилиб қўяқоламиз бирданига. Шунда сизнинг безовталанишингизга ўрин қолмайди. Келишдикми?

— Қаттиқ кетиб қолмаймизми? Всё-таки ёшлигидан катта қилганман.

— Мен фақат сизнинг безовта бўлмаслигинизни ўйлаб шундай дедим. Фақат пулини олдиндан берасиз.

— Жуда ишингга пухтасан-да. Майли, мен аввал ўйлаб кўрай, кейин сенга қўнғироқ қилиб, нима қилиш кераклигини айтаман, — дея Зулайҳо нарсаларини йиғиштири-

ди-да, кетиши учун эшик ёнига боргач, жазманига ҳаводан ўпич йўллади.

—Ҳали тикувчиникидан битта кўйлак ҳам олишим керак, — деда аёл тўнғиллаганча ташқарига чиқиб кетди.

Зулайҳо уйига етиб борганида амалдор кийиниб, энди машина ёнига келган эди. Хотинининг шошиб кириб келаётганини кўрган Турғун Фаниевич бир зум тўхтаб унга қараб турди-да, сўнг машинага ўтириди.

— Йўл бўлсин? — деди хотини унинг ёнига келиб.

—Хоним, сиз токқа бориб келиб ҳам чарчамаган экан-сиз, мана, тўрт соатга яқин қаёқлардадир санқиб келдингиз. Ўйлаб қарасам, менда ҳам чарчоқ йўқ экан. Энди мен ҳам сиздайин шаҳарда гадой қопимни кўтариб бир айланиб келайин, — деди эр киноя билан.

— Биз гадой бўлиб қолибмизми? — деди хотин ҳам бўш келмасдан.

— Шунча вақт йўқ бўлиб кетганингиздан кейин сизни бошқа нима деб аташ мумкин? — деди Турғун Фаниевич қовогини уйиб.

Унинг гапи Зулайҳога қаттиқ ботди. Илгарилари Турғун Фаниевич ҳечам бундай муомала қилмасди. Хотини қай маҳал уйига келишидан катъий назар, "Яхши келдингизми, чарчамадиларми?" — дерди кулиб. "Отам ўлиб, тилинг ҳам чиқди, қарашларинг ҳам ўзгарди. Сен билан шунча йил битта ёстиққа бош кўйиб, энди кимлигингни билаяпман. Кўрамиз ҳали, бу айёрликларинг билан қаергача борасан?.. Ҳали анави кўнглинг кетган қизча ҳам керагича "мукофот"ини олади", — деда ўйлади аёл ва тез-тез юриб уйига кириб кетди. Унинг ортидан бироз қараб турган амалдор машинасини юргазди.

Концерт саройи олдида дам у ёққа, дам бу ёкка югуриб юрган одамни кўрган Турғун Фаниевич "Жинни-пинни бўлганми бу?" деда хаёлидан ўтказди. Машинаси ни бир четга тўхтатиб, ўша одамнинг олдига боргач эса капалаги учиб кетди.

—Мамарасул! — деда бакирди у ақлини йўқотаёзган йигитга қараб. — Нима бўлди?!

Хўжайинини кўрган Мамарасул баттар довдираганча, унинг ёнига югуриб келди.

—Хўжайин... Хўжайин! — деди у ҳовликиб. — Қизин-

гиз ҳозир келаман, деб ташқарига чикувди, анчагача ичкарида кутиб ўтирдим, келмади...

—Хе, онангни... Бирга чиқсанг ўлармидинг, ифлос?! Топ тез, топмасанг терингни шилиб сомон тиқаман!

Амалдорнинг дўк-пўписасидан Мамарасулнинг кўзидан ёш чиқиб кетди. У концерт саройининг ичига қараб югорди. Бу пайтда концерт тугаган, томошибинлар ташқарига чиқишига ошиқарди...

\* \* \*

—Ҳозир тилингни орқангга тиқиб қўяман! — деди новча хизматкор Фаррухнинг яқинига бориб ва унинг юзига шапалоқ тортиб юборди.

Орқага тисарилиб кетган Фаррух кўлига ерда ётган кичкина тошни олди-да, новчага қараб улоқтириди. Новча-ку, энкайиб қолиб, келаётган тошга чап беришга ултурди. Аммо раис пешонасига тош келиб тегишини мутлақо кутмаган эди. У "ух!" дей ўтириб қолди.

— Нима қилдинг, мараз?! — деди ортига қараб, раиснинг пешонасидан оқаётган қонни кўрган новча.

— Ҳозир сениям абжағингни чиқараман! — деб бақирди Фаррух.

— Кўйинглар, қўйинглар! — югуриб келган Сайфи Фаррухни кучоқлаб олди. — Сен ёшсан, битта гапдан қол.

— Кўйвор мени! — дей Сайфига бақирди Фаррух. — Сенларнинг ҳамманг бир гўрсан.

— Онангни эмгурнинг боласи, тоза жонимга тегиб кетдинг-ку! — дей бўкирганча новча югуриб келди-да, Фаррухни тепди.

Йигит бикинини ушлаганча ерга қулади.

—Тегма унга! — дей хитоб қилган Марди чўпон отдан тушмоқчи бўлиб энгашган эди, гуп этиб ерга қулади.

У йиқилган жойда чанг кўтарилди. Буни кўрган Фаррух новча билан уришаётгани-ю, бикинида пайдо бўлган оғриқни ҳамунитиб, юрганча келди.

—Ота! — деди у кўзида ёш билан. — Ҳозир ҳаммасининг энасини кўзига кўрсатаман!

Марди чўпон қалтироқ қўли билан ўғлининг енгидан тутди.

—Кўй, — деди ота оғриқнинг зўридан афти буж-

майиб, — улар билан тенг бўлма. Ҳамма нарсани олсин, уларнинг битта чўпиам бизга керакмас.

— Қамаласан! — дея бақирганча раис уларнинг тепасига пешонасидан оқаётган қонни қўлрўмолчаси билан артганча келди. — Умринг қамоқда ўтади.

Фаррух азбаройи отасининг бир оғиз гапидан кейин тишини-тишига босиб чидаб турди. Новча яна хезланиб келганди, уни раис тўхтатди.

— Индама, бу кўрнамакларни ҳали туғилганига пушаймон едираман, — деди у, сўнг Сайфига қараб: — Бор, қўйларни қўрадан чикар-да, боқиб кел! — дея буйруқ бериб, ўзи машинаси томонга кетди.

Фаррух душманлари кетиб бўлгач, отасининг туришига ёрдамлашмоқчи бўлиб, қўлидан қўтармокчи бўлганида, Марди чўпон инқиллаб юборди-ю, қўли билан "кўй, кўй" ишорасини қилди. Кейин бироз чукур-чукур нафас олиб ётгач, афти тиришиб-буришиб секин чўккалаб ўтириди. Сўнг бир муддат кўзини юмиб ўтирида-да, ёнида ўзига термулиб турган Фаррухга отни олиб келишни буюорди. Ўғли унинг айтганини бажаргач, Марди чўпон отнинг олдинги оёғини силаганча "чўқ, жонивор, чўқ", деди юмшоқ овозда. От думи билан устига қўнган чивинларни ҳайдаган бўлди-да, секин эгасининг ёнига ётди.

Буни унга Фаррух ўшлигига ўргатган эди. Аввал битта қанд берган, кейин "Ёт! Ёт!" теб тойчоқнинг бўйнидан босган. Бироқ ҳеч нарсага тушунмаган той унинг айтганини бажармаган, шунда Фаррух яна қанд билан сийлаган ва тагин ётишга даъват килганди. Биринчи кун ҳеч нарсага эришилмади. Бироқ бир ой мобайнида шундай килавергач, ахийри тойчоқ унинг амрига бўйсунган, бора-бора қанд ейиш умидида Фаррухни кўрди дегунча унинг ёнига ётиб оладиган бўлганди. Улғайгач эса факат буйруқ берилгандан кейингина отларга хос бўлмаган амални бажарадиган бўлди.

Чўпоннинг ёнига ётган от умид билан Фаррухга қаради. Аммо эгасидан бу сафар "иссиқ"лик чиқмади. Шундай бўлса-да, от ўрнидан туриб кетмади.

Отасини бир амаллаб эгар устига қорни билан ётқизган йигит отни турғазди...

...Ховлисидаги чорпояда чордона куриб ўтириб олган

Мамаюсуф дўхтирга Фаррух: "Отам сизни чақирайпти", деб айтган эди, бирдан дўхтирнинг юзи ёришиб кетди.

— Отангга айт, ҳозир бораман, — деди у Фаррухга юмшоқлик билан ва "Ё бисмилло", дея ўрнидан туаркан, "Нима киларкан, мени овора килиб? Ўзи етаклаб келсаям бирор уришмасди", деб тўнғиллаб кўйди. Кейин "Балки, "Кўйларнинг орасидан ўзингиз танлаб олинг, деб айтар", дея хаёл қилиб энтикиб кўйди.

Марди чўпоннинг ҳовлисига келгандан кейин эса унинг бирдан ҳафсаласи пир бўлди. Чунки атрофда биронта ҳам кўй кўринмас эди. Уй ичкарисида чўпоннинг кўрпатўшак қилиб ётганини кўргандан кейин дўхтирнинг фифони фалакка ўрлади. Шундай бўлса-да, умид билан чўпоннинг ёнига келиб, у билан қуюқ саломлашди.

— Сизгаям роса дардисар бўлдик, — деди Марди чўпон, — энди ўзим йиқилиб ўтирасам денг...

— Бунақа йиқитадиган отнинг баҳридан ўтиш керак. Нима бўлди ўзи, қаерингиз оғрияпти? — дея кўй олиш умидини йўқотмаган кўйи Мамаюсуф дўхтири унинг қўл томирини ушлаб кўрган бўлди.

Чўпоннинг юраги тез урар, қон босими ошганди. Лекин дўхтири бунга парво ҳам қилмади.

— Ҳаммаси зўр, — деди у илжайиб, — энди, ака, сиздай бақувват одамга арзимаган касалликни деб ётиб олиш уят бўлади.

— Шу белим оғриб кўймаяпти-да, — деди Марди чўпон Мамаюсуфнинг мақтовидан кейин худди ҳеч қаери оғри-маётгандек ўзини жиддий тутишга уриниб.

— Бу белнинг оғримаган пайти бормикан? Мана, менинг ўзимам ҳалитдан белангиман. Парво қилманг, ўтиб кетади. Фаррухбекка айтамиз, орқангизга яхшилаб кўй ёғидан суртиб қўяди. Сўнг бирон кило кўй гўштини қайнатма шўрва қилдиринг, эртасига ҳеч нарса кўрмагандай бўлиб кетасиз, — деди Мамаюсуф доноларча маслаҳат бериб. — Ҳалиги қўйни тоғдан олиб тушолмабсиз-да. Ҳечқиси йўқ. Бугун бўлмаса эртага Фаррухнинг ўзи етаклаб келар. Жа шошиб турган жойимиз йўқ.

Марди чўпон қизарди. Бир хаёли энди "Кўйдан умидингни уз", демоқчи бўлди. Лекин айттолмади. Тили бор-мади унака дейишга. Мамаюсуф эса чўпоннинг қизарга-

нини оғриқ азобига йүйгөнчө үрнидан туриб хайрлаштида, ташқарига чиқди. Ҳовлида бошини қуи эгганча ўтирган Фаррухга чўпонга айтганларини тақорорлади ва гапининг охирида қўйни эртадан қолдирмасдан олиб келишини тайинлаб, уйига равона бўлди. Фаррух дўхтирининг қанақа қўй ҳақида гапирганига тушунмай, унинг ортидан қараганча қолаверди.

Чўпоннинг уйида қўй ёги озгина топилди-ю, аммо гўшт топилмади. Ҳаммаси чайлада қолган эди. У ёқка боришга Марди чўпон Фаррухга рухсат бермади.

Қуёш энди-энди уфқа ёнбошлаган маҳал чўпоннинг уйи олдида милиция машинаси тўхтади. Ундан битта кориндор, иккита озгин милиционер тушиб, қийшайиб ётган дарвозадан ичкарига киришди. Бу пайтда Фаррух отасининг олдида хомуш ўтираси эди.

— Чўпон! — дея бақирди бақалоқ милиционер ҳовлига кирганидан кейин.

Фаррух деразадан ташқарига қараб, милиционерларни кўрди-ю, юраги шув этиб кетди. Бироқ отасининг "Ким келибди?" дегани гапига "Билмасам", дея жавоб қайтарди-да, үрнидан турди.

— Полвон, ўзингмисан? — деди бақалоқ Фаррух уйдан ташқарига чиққач.

— Қанақа полвон? — деди йигит ҳеч нарсага тушунмай.

— Отанг уйдами? — дея энди бошқа савол берди милиционер.

— Ха, уйда, — деди Фаррух истар-истамай.

— Бир кўриб кетгани келдик.

— Киринг, — дея Фаррух йўл бўшатди.

Унга тиржайиб қараган бақалоқ қорнини селкиллатиб ўтиб кетди. Иккита озгин милиционер эса бирданига унга ташланиб қолди. Фаррух уларнинг бундай қилишларини кутмаганди. Шу боис ҳеч нарса қилолмади. Унинг кўлини бир пасда кишанлаб ташлашди.

— Ана энди бўлди, — деди уйга кирмасдан дахлиздан кайтиб келган бақалоқ, — биз билан хозир участкага борасан-да, нима ишлар килганингни айтиб берасан.

— Отам касал, — деди аламидан қизариб кетган Фаррух.

— Хозир отангга сени олиб кетаётганимизни айтиб кўйман, — деб бақалоқ ичкарига бошқатдан кириб кетди.

Марди чўпон милиционерни кўриб ўрнидан туриб кегаёзди. Бироқ бирдан бошида қаттиқ оғриқ туриб, инқиллаб юборди.

— Маза йўкми, дейман? — деди бақалоқ сувоги кўчиб кетган деворга қараб бошини сарак-сарак қиласкан.

Марди чўпон жавоб қилмади. Индамай шифтга қараб ётаверди.

— Ҳечқиси йўқ, ҳали кўрмагандай бўлиб кетасиз. Хў-ў-ш, ўглингизнинг тоғда нима каромат кўрсатганини кўргансиз. Энди шу қилган ишлари учун биз уни олиб кетаяпмиз, — деди чўпонга ачиниб қараб қўйган бақалоқ.

— Олиб кетманлар. Худо хайларингни берсин. Меннинг ўзим раиснинг олдига бориб узр сўрайман, — деди чўпон паст овозда, кўзидан ёши оқиб.

— Фақат кечирим сўраш билан иш битиб қолмайдида, отам. Болангиз жиноят қилган. Жиноятчи эса жазоланиши шарт... Бўпти, майли, мен кетдим. Керак бўлиб колсангиз, сизниям чақирамиз. Тезроқ согайиб кетинг, — дея бақалоқ ортига бурилди.

— Ҳов, ука, тўхтанг. Олиб кетманлар, мен касалман! Ҳеч курса эрталабгача шошманлар, у кетса мен ўлиб қоламан! — дея ялинди чўпон.

Аммо бақалоқ унинг гапига қулоқ ҳам солмасдан ташкарига чиқиб кетди.

— Болам, болам! — деганча инграётган чўпон эшик томонга эмаклай бошлади.

Марди чўпон белида кўзғалган қаттиқ оғриқка ҳам эътибор қилмади. Даҳлиздан ўтиб, ташкари эшиккача борди. Ўғлини судрашиб дарвозадан олиб чиқаётганларини кўрди.

— Ўғ... — дея олди холос, ота.

Отанинг боши шилқ этиб оstonага тушди.

\* \* \*

Моҳирўй ярим соатдан зиёдрок у кўчадан-бу кўчага ўтиб юрди. Аввал бошда одамлар сероб эди кўчаларда, бора-бора улар сийраклашиб, ниҳоят онда-сонда биттаиккита одам дуч кела бошлади. Моҳирўй уларнинг би-

ронтасита эътибор бермас, нуқул Фаррух хақида хаёл сурар, унинг ёнига кетиб қолгиси келарди. Жинси шимининг чўнтағига қўлини тиқиб кўрди. Бор-йўғи ўн сўмги на чиқди. "Эсиз, кўпроқ олсан бўларкан", дея ўйлади у ва яна йўлида давом этаверди.

Бир пайт унинг кўзи ўзи томонга келаётган уч кишига тушди. Улар қадам олишидан мастларга ўхшарди. Бири катта кўчанинг у бошидан-бу бошига бориб ўтар, яна биттаси шеригининг елкасига осилиб олган. Моҳирўй кўркиб кетди ва ортига бурилиб, бошқа кўчага кирмоқчи бўлди. Аммо бу ниятидан тезда қайтди. "Агар уларнинг ёнидан ҳеч нарсани кўрмагандай ўтиб кетсан, балки индашмас", дея ўйлади у ва қадамини тезлатди. Лекин у ўйлагандек бўлиб чиқмади. Йўлнинг у ёғидан-бу ёғига сайд қилиб келаётгани қизнинг рўпарасида тўхтади.

—О-о, жонидан, — деди у оғзидан ароқнинг сассик хиди анқиб, — зерикиб кўчага чиқдингми? Мана биз сенинг зерикишишнинг дарров йўққа чиқарамиз-да.

Моҳирўй унинг гапига эътибор бермай ёнидан ўтиб кетмоқчи бўлганди, шеригини йўл ёқасига ётқизиб келган иккинчи алкаш унинг йўлига ғов бўлди.

— Менимча, — деди у шеригига қараб, — бу қушча мен билан кукулашмоқчига ўхшайди.

— Уйимга кеч қолдим, акалар, — деди Моҳирўй ялинчоқ овозда. — Илтимос, ўтказиб юборинглар.

— Фигураси даҳшат-ку бунинг, — деди биринчи алкаш, Моҳирўйга тебраниб-тебраниб разм соларкан.

— Ўзиям жонингни суғуриб оладиганлар хилиданга ўхшайди, — деди иккинчиси. — Биринчи навбат менини бўлади.

— Милиса амаки! — дея қичкирди Моҳирўй уларнинг орқа томонига қараб.

Йўлтўсарларнинг иккови ҳам бирдан ортига қарашибди. Вазиятдан фойдаланган Моҳирўй уларнинг ёнидан ўтдию, югуриб кетди.

— Ушла! — деб бакирди биринчи алкаш.

— Тўхта! — дея қичкирди иккинчиси.

Аммо уларнинг ҳар иккиси ҳам қизнинг орқасидан кувадиган ахволда эмас эди. Шу боис беш-олти қадам югуришди-да, тўхташибди. Сўнг иккаласи ҳам сўкина-сўкина ортларига бурилиб кетишибди.

Моҳирўй нафаси бўғзига келиб қолгунча югорди. Охири чарчаб, кўрқа-писа орқасига қаради. Ҳеч ким қувиб келмаётганини кўргач, йўл четидаги дараҳтлардан бири-нинг тагига бориб ўтириди. Кўзига жиққа ёш тўлди. Лекин йиғламади. Йиғлаб овоз чиқаришдан, яна биронта анави алкашларга ўхшаган шилким эшишиб қолишидан кўрқди. Бироз ўтиргач, "Энди нима қиласман?" — деб ўйлади. У концертдан чиқиб кетиб ярим тунгача кўчада айланисиб юрмоқчи, кейин уйига бормоқчи эди. "Агар шундай килсам, хизматкор мени тополмайди, эвазига дадам унинг роса адабини беради", деб ўйлаган эди. Аммо ярим кечада шаҳарнинг ичидаги асосан маст-аластлар, кўчабезорилар санқишини у хаёлига ҳам келтирмаганди.

Қиз дараҳт тагида ўтириб нафасини ростлаб олгач, аста ўрнидан турди-да, атрофга олазарак боққанча йўлга тушди. Бахтига, бу гал унинг йўлини бирор тўсмади. Битта-иккита одам учради, лекин улар Моҳирўйга эътибор ҳам қилмасдан ўтишиб кетишли.

У марказий йўлга келганида светофор тагида ўтирган икки аёлга дуч келиб колди. "Нега булар бу ерда ўтиришибди?" — дея ўйлади у ҳайрон бўлиб ва аёлларнинг ёнига бориб салом берди. Ёши элликларга бориб қолган, юзини ажин босган аёл ҳар-ҳар замон инқиллаб қўяётган йигирма ёшлар атрофидаги жувонни кучоқлаб ўтиради, "Озгина сабр қил", дея далда берарди. Уларнинг иккиси ҳам Моҳирўйнинг саломини эшифтади чоғи, алик олишмади. Қиз қайтадан салом берди. Шунда қўзлари изтиробга тўла аёл йиғлаб юборгудек бўлиб унга қараб бошини кимирлатиб кўйди.

— Тинчликми? — дея сўради Моҳирўй уларга янада яқин бориб.

Шунда кўрдики, инқиллаётган жувон ҳомиладор экан.

— Сизларга ёрдамим керакмасми? — деди қиз даҳшатга тушиб.

— Қизим, — деди аёл йиғлоқи овозда, — боламнинг ой-куни яқин. Роддомга обормасам бўлмайди. Шу ергача базур опкелдим. Мошиналарга қўл кўтарсан, тўхтаган уч-тўрттаси "Пул берсанглар обориб қўяман", дейди. Биз камбағал бечораларда бир сўм ҳам йўқ. Агар иложини қилсанг бир-икки сўм бериб кет. Мендан қайтмаса худодан қайтсин!

— Пулим бор, — деди Мохирўй шошиб, — ҳозир ўзим мошина тўхтатиб бераман.

Жинси шим, юпқа елкалари спорт кийимида кўкраги бўртиб турган қизни кўрган биринчи машина бирдан унинг ёнида тормоз берди.

— Роддомгача олиб бориб кўйинг, пулини икки ҳисса бераман, — деди Мохирўй эшикни очиб.

Бу гапни эшитган хайдовчи афтини бужмайтирди, қизнинг елкаси оша светофор остида ўтирганларга каради ва бироз ўйланиб тургач, рози бўлди.

Туғруқхонага етиб борганларида, қабулхонада ўтирган ҳамшира: "Одам кўп, ётқизишга жой йўқ", деб пича тихирлик қилди. Мохирўй дарров ёнидан беш сўм чиқариб, унинг чўнтағига солиб кўйганди, жой ҳам топилди, муомалаям ўзгарди. Шундан кейин ҳам Мохирўй аёлнинг бир ўзини ёлғиз қолдирмай, жувоннинг кўзи ёришини кутиб ўтирди. Аёл bemиннат ёрдам бераётган қизни дуо қилиб чарчамас, ҳар икки гапнинг бираида унга яхши жойлардан ато қилишини Худодан тилар эди. Охири Мохирўй бундай раҳматномалардан нокулай ахволга тушди ва гапни бошқа томонга буриш учун:

— Хола, кечирасиз, қизингизнинг эри бирон жойга кетганми? — дea сўради.

— Эй-й, қизим, — деди аёл бошидаги рўмоли билан кўз ёшини артиб, — бизлар асли шўрпешоналармиз. Оила курганимдан бери бошим ғамдан чиқмайди. Аввалига раҳматли эrim билан яхшигина яшардик. Эскироқ бўлсаям мошинамиз бор эди. Бир куни эrim икковимиз шу мошинада меҳмонга кетаётib аварияга учрадик. Эrim шу заҳоти жон берди. Мен дўхтироҳонада ўзимга келдим. Лекин хаёлим кирди-чиқди бўп қолган экан. Битта бир ярим ёшли, битта уч ёшли қизимдан бўлак ҳеч кимим йўқ эди. Эrim икковимизам детдомда катта бўлгандик. Шунинг учун авариядан ортирган жароҳатларим тузалгач, дўхтирлар мени психбалнисага жўнатишиди, қизларимни бўлса, детдомга топширишибди. У ерда мен узок қоп кетдим. Тузалганимдан кейин қизларимни олгани борсам, кичкинасини кимдир олиб кетибди. Ишқилиб, қизимни улар қийнаб кўйишмасин, деб эрта-ю кеч Худога ёлвордим.

Шу битта қизниям минг бир азобда катта қилдим. Мендай психбалнисадан чиққан одамга бирор иш берарми?! Бир сўм топиш учун қанча азобларни бошимдан ўтказмадим. Ўзимни неча марталаб ўлдиromoқчиям бўлдим. Лекин шу норасида гўдакни ўйлаб ниятимдан қайтдим.

Қизимнинг бўйи етганида бир бола: "Ўламан саттор, шу қизга уйланаман!" — деб туриб олди. Бемаза оиласи боласи экан. Бермайман десам, "Бир куни келиб қизингизни ўлдириб кетаман, кейин ўзимниям ўлдираман", дейди. Қўрқанимдан бердим. Икки ойча улар яхши яшашди, кейин куёв иччиликбозликини, бирорларнинг уйига ўғирликка тушишни бошлаб юборибди. Бунинг устига, қизимни урмаган куни йўқ экан. Нима эмиш, Марҳабо жудаям чиройлимиш, қўшнилари унга қўп қааралиши. Яхшиям куёв беш ой деганда ўғирликда кўлга тушиб, камалиб кетди. Бўлмаса қизимни уриб бир нарса килиб қўярмиди...

Қизимнинг бўйида бўп қолган экан. Ўзим амал-такал килиб парваришлаб турувдим. Бирданига туфишига яқин қолганда оғриб қолсан бўладими? Қизим бечоранинг туфишига деб йигиб қўйган тўрт беш-сўмимнинг ҳаммасини ўзимни даволатишга совурдим. Куни кеча касалхонадан чиқдим. Қўни-қўшнидан бир-икки сўм қарз оламан, деб ўйлагандим. Ҳеч ким бермади. Ҳаммасидан йигирма-ўттиз сўмгача олиб қўйгандик... Бахтимизга сен учраб қолдинг, — дея аёл яна қўзига ёш олди.

— Қўйинг, йиғламанг, — деди Моҳирўйнинг кўнгли бузилиб, — кўрасиз, ҳали ҳаммаси яхши бўлиб кетади.

Шундан кейин уларнинг сухбати узилиб қолди. Моҳирўй Фаррух ҳақида ўйлар, унинг қалбида энтишига ўхшаш бир туйғу пайдо бўлган эди. "Биз, — дерди у хаёлида ўзига-ўзи, — турмуш курсак ҳаммадан баҳти яшаймиз. Ҳеч қачон бир-биirimиздан ажрамаймиз".

— Қизим, — деб колди бир маҳал аёл, — сўраганнинг айби йўқ. Қиз боласан. Бунинг устига кўзга яқин экансан, бир ўзинг қандай килиб қўрқмасдан шу пайтда кўчада юрибсан?

— Уйимиз яқин, — дея ёлгон гапириди Моҳирўй, — спорт тўгарагига қатнашаман. Тренировкадан қайтаётib сизларни кўриб қолдим. Ахволингизни билганимдан кейин ташлаб кетгим келмади.

— Умрингдан барака топ, қизим, — деб аёл Мохирўй-нинг пешонасидан ўпди. — Тағин, қизим, сен бизга ёрдам бераман деб уйингдагилардан гап эшитиб қолмагин.

— Мен асли студентман, — деб қиз иккинчи ёлғонни бошлаб юборди, — дадамлар қишлоқда туришади. Менга бу ердан уй олиб беришган. Битта дугонам билан туралман. Уям ҳозир йўқ. Уйига кетган.

Мохирўй ўзи тўқиб ташлаётган ёлғонларга ҳатто ўзи хам ишониб қолаёзди. Ичида "Қани, шундай бўлса", дея ўйлади.

Шу пайт ичкаридан ҳамшира қиз чикиб келиб:

— Марҳабонинг яқинлари сизмисизлар? — дея сўради.

Аёл дарров ўрнидан туриб:

— Ха, ха, биз, — деди шошиб.

— Марҳабо ўғил туғди, табриклайман, — деди ҳамшира жилмайиб.

— Вой, айланайин-а, кутулиб олди, денг, ўзи тузукми, яхшими ўзи? — деди буткул довдираб қолган аёл.

— Бола соғлом туғилди. Лекин онасининг қони кам экан. Эртага эрталаб новвот олиб келинг. Кейин бизда бир-иккита дорилар йўқ, эртага дўхтирлар келгандан сўнг ёзид беришади, униям олиб келиб берасиз, — деди ҳамшира ва бирон нимани кутгандай қараб тураверди.

Унинг ниятини сезган аёл саросималаниб қолди.

— Ҳалиги, ҳалиги, — деди нима қилишини билмай.

— Манавини бугунча олиб туринг, — дея Мохирўй чўнтагида қолган сўнгги уч сўмни чиқариб ҳамширининг қўлига тутқазди. — Қолганини эртага берамиз.

Ҳамшира индамай пулни олди-да, алланималар деб тўнгиллаганча туғруқхона ичига кириб кетди.

Улар кўчага чиққанларидан кейин Мохирўй аёлни уйига таклиф килмоқчи бўлди-ю, ёлғони фош бўлиб қолишидан, бундан ташқари уйида содир бўлиши кутилаётган жанжалдан кўрқди.

— Энди мен борай, — деди у аёлга қараб, — анча кеч бўлиб қолди.

— Мен билан юр, ёлғиз ўзинг экансан, биргалашиб тонг отқизардик, — деди аёл ундан кўзини узмай.

— Борардим-у, дарсларим бор, — дея навбатдаги марта ёлғон тўқиди Мохирўй. — Ҳозир биронта машина ушлайлик, кейин сизни кузатиб қўяман.

— Кизим, бу ёғига энди ўзим етиб оламан. Шунча сени овора қилганим ҳам етар, — деди аёл синик жилмайиб.

— Барыбир мен мошинада кетаман, бир йўла сизни ташлаб ўтамиз, — деди Мохирўй ва йўлга чиқиб, ондасонда ўтаётган машиналарга кўл кўтара бошлади.

У уйига етиб келганида соат миллари тунги иккини кўрсатар эди. Онаси аллақачон уйқуни уриб ётар, Турғун Фаниевич эса Мамарасулни калтаклайвериб чарчаб қолган бўлса-да, гоҳ уйга, гоҳ ховлига чиқиб тинимсиз сигарета чекар, милицияга телефон қилмоқчи бўлар, сўнг бирдан ниятидан қайтар, "Шундай одамнинг қизи йўқолиб қолибди", деган гап унинг учун тавқи лаънатдек туйилиб кетаверарди.

У Мохирўйнинг дарвозадан кириб келаётганини кўргач, аввал бироз бўшашибди. Сўнг яна асаблари таранглашиб, боягина хизматкорни савалаган қамчинин қўлига олди.

\* \* \*

Мамаюсуф дўхтири эртасига эрталаб яна Марди чўпоннинг уйига келди. "Агар ўзим бориб никтамасам, буларнинг ўзлари билиб қўйни олиб келмайдиганга ўхшайди. Ишим битди, эшагим сувдан ўтди, деб ўйлашяпти", дея хаёлидан ўтказиб келган дўхтири чўпоннинг ховлисига кирди-ю, эшик бўсағасида чўзилиб ётган Марди чўпонни кўриб қотиб қолди.

— Ҳов, — деди у киприклари пирпираб, — Марди ака, бу ерга нима қилиб ётибсиз?!

Бироқ бу саволга чўпондан жавоб бўлмади. У қимир этмасдан ётар эди. "Ўлиб қолганми нима бало? — дея ўйлади Мамаюсуф. — Ўғли қайси гўрда экан?"

— Фаррух! — деб бакирди у.

Бироқ унинг чақиравига ҳеч ким жавоб қилмади. Шундан кейин дўхтири юрак ютиб аста чўпон ётган жойга яқинлашибди. Марҳумнинг боши устида ғуж-ғуж пашиб визиллаб учар, бир кисм пашиб эса чўпоннинг оғзидан оқиб, оstonада қотиб қолган қонга кўниб, ўзларининг насибасини эртарок олиш билан овора эди. Буни кўрган Мамаюсуф дўхтирининг чўпон ўлиб қолганига шубҳаси қолмади. У аста-секин орқасига тисарилди, кейин эса ўтириласола тез-тез қадам босганча ховлидан чиқиб кетди.

Дўхтири кўчада дуч келган одамга чўпоннинг ўлиб ётганлигини, уйда ҳеч ким йўқлигини айтиб кетаверди. Бирпасда қишлоқнинг одами Марди чўпоннинг ҳовлисида тўпланди. Бирор чўпонни икки кун аввал, бошқа бирор кун аввал кўрганлигини айтди. Лекин саксондан ошган Баҳромқул бобо келмагунча жасадга тегинишмади. Шунчаки томоша қилиб, афсусланиб тураверишди. Факатгина Мамаюсуф қийналди. "Кечанинг ўзида ўғлини етаклаб, тоққа бориб келсан бўларкан. Эсиз, қилган хизматим бекорга кетди", — дея ўйларди у.

Марди чўпонни (Баҳромқул бобонинг дўқ-пўписала-ридан кейин) қишлоқ одамлари ювиб, кафанлашди, сўнг жаноза ўқишида-да, тезлиқда кўмиб келишиди. Ўликнинг орқасидан ҳеч ким йиглаб қолмади. Таъзияга йигилганлар орасидан биронтаси чиқиб, худойиси фалон куни деб эълон қилмади.

\* \* \*

Фаррухни машинага ўтқазишаёттанди у отасининг остонаяга эмаклаб келганлигини, сўнг чўзилиб қолганини кўрганди.

— Отам... Отамга бир нарса бўлди, кўйинглар, бориб кўрайин! — дея ялинди у милиционерларга.

— Ҳеч нарса бўлгани йўқ, хали кўришга улгурасан, — дея бепарво жавоб қилди бақалоқ.

— Акажон! — деди кўзидан ёш сизиб чиққан Фаррух. — Ҳеч қаерга кочиб кетмайман, бирга борайлик, отам ўзидан кетиб қолганга ўхшайди.

Аммо унинг илтимоси ҳавога учди. Бақалоқ унга бир хўмрайиб қараб қўйди-да:

— Ҳайда, — деди рулда ўтирган милиционерга.

— Агар, — деди титраб кетган Фаррух, — бирон нима бўлган бўлса, сени ўлдираман!

Бу гапни эшитиб бақалоқ орқасига ўгирилганча:

— Ўлдираман, дедингми? Сен-а? Ҳозир отделга етиб борайлик, ундан кейин кўрасан ким кимни ўлдиришини, — деди иржайиб.

Фаррух тишларини гижирлатди. Қўлини мушт қилиб тутганча алам билан йўлга қараб кетаверди.

Орадан ўн беш дақиқалар ўтгач, бақалоқ тилга кирди.

— Сен, — деди у орқасига бесўнақай ўгирилиб, —

раисни боплабсан. Баччағардан ҳамма қўрқарди. Сен бўлсанг, пешонасидан дарча очиб қўйибсан. Лекин у бақувват, илдизи узокларга кетган. Шуниси чатоқ бўптида. Отинг Фаррухмиди? Ука, сен биздан хафа бўлма. Бизам буйрукни бажарадиган одаммиз.

— Уаркансан, — дея гапга аралашди ҳайдовчи, — қон чиқмайдиган жойига қўймайсанми? Бирдан чўзилиб қолмайдими! Кейин бизгаям шикоят қиломасди.

— Ана қўрдингми, — деди унинг гапини маъкуллаган бақалоқ, — аканг нима қилишни билади. Кўпни қўрганда!..

Фаррух уларга бир оғиз ҳам жавоб қилмади. Унинг ўйхा�ёли отасида, ёнидагиларнинг гапини эшиитмәётганди ҳисоб. У ҳатто "Машинадан сакраб тушиб қолсамми?" деб ҳам ўйлади. Аммо ёнида ўтирган милиционер қўлидан маҳкам ушлаб олгани, боз устига, киshanланганлиги бундай қилишига йўл бермасди.

Милиция бошқармасига етиб келгандаридан кейин Фаррухни худди ўта хавфли жиноятчини тутиб келтиришгандай икки ёнидан иккитаси маҳкам ушлаб олишиди. Бақалоқ билдиримайгина унинг биқинига бир мушт туширди. Сўнг маҳбусни тўғри терговчининг олдига олиб киришди.

— "Тоғ бургути" келибди-ку, — деди қотмадан келган, пешонаси кенг, бурни узун киши Фаррухни қўрганидан кейин. — Аввал яхшилаб "ювинтириб-чайнитириб" оламизми ё бирдан терговни бошлайверамизми?

Фаррух унинг гапига тушунмади. Шу боис индамай караб тураверди.

— Овсарми дейман бунинг? — деди терговчи бақалоқка караб.

— Келгунча яхшигина сайраб келаётганди. Сизни қўрганидан кейин дами ичига тушиб кетди шекилли, ўрток командир, — деди бақалоқ кулиб.

— Бургутлар осонлик билан жон берадиган қушлар тоифасига кирмайди. Улар анча мағрур бўлишади. Лекин биз керак бўлса йўлбарсни ҳам қўлга ўргатамиз, — деди да, терговчи Фаррухнинг ёнига келиб, унинг елкасига қоқди. — Шундайми?

Фаррух яна унга ҳеч нарса демади. Беш-бегона одам-

нинг елкасига ургани асабини кўзгатди. Шундан кейин терговчи жойига бориб ўтириб, бақалоқка жавоб бериб юборди. Фаррухга эса ўзининг қарама-қарши томонидаги столга ўтиришни буюрди.

— Қани, раис билан ораларингда нима бўлганини битта қолдирмай менга айтиб бер-чи, — деди терговчи тортмасидан сигарета олиб лабига қистиаркан.

— Ўзларидан бўлди, — деди ниҳоят Фаррух тилга кириб.

— Ўзлариданми, сенданми, нима фарқи бор? Бир бошдан гапиравер.

Фаррух нима деярини билмай терговчига қараганча қотиб тураверди.

— Нега менга бақраясан? — деди терговчи унга хунук караш қилиб. — Саволимга жавоб бер. Мен сен валакисаланг билан эзмаланиб ўтироқчимасман.

— Аввал улар менга қўл кўтаришди. Кейин мен... Тошни раисгамас, анави новчага отгандим, — деди Фаррух бошини эгиб, кейин тағин отаси ёдига тушиб қолиб, ялинди: — Командир aka (бақалоқ шунака деб атагани учун унинг оти бўлса керак, деб ўйлаганди), отамнинг мазаси йўқ, менга ҳозирга рухсат беринг, борай. Анави-лар мени қўйиб юборишмади.

— Отангнинг мазаси йўқ? — деди терговчи уни мазах килиб. — Нима қиласай шунга? Отангни ўйларкансан, бирорвга кучингни кўрсатмагин эди.

— Мен биринчи бўлиб урмадим, дедим-ку сизга! — деди жаҳли чиқиб кетган Фаррух овозини бир парда кўтариб.

— Битта шапалоққа ўлиб қолдингми? Катта одам бўлганидан кейин уради-да. Сен бўлса унинг пешонасини ёргансан. Бунинг учун неча йилга кетасан, биласанми? Камида ўн йил. Ўша мазаси йўқ отанг сротинг тугагунча борми-йўқми, худо билади, тушундингми?! Кейин иккинчи бу ерда бақирганингни эшитмайин,— деди терговчи кўзлари олайганча сигаретасини кулдонга асабий эзар экан.

Оtasи ҳақидаги гап Фаррухнинг сувъ-сувъидан ўтиб кетди. Бошқа пайт бўлганида шундай дегани учун бу одамнинг жағини эзиб қўйган бўларди.

— Кулогинг том битганми? Тушундингми? — дея яна терговчи овозига зўр берди.

— Ўзингиз ҳеч нарсани тушунмаяпсиз-ку! — бақириб юборди Фаррух ҳам ўзи билмаган ҳолда.

Терговчи ўрнидан туриб кетди.

— Нима дединг? Тилинг бурро экан-ку, а! Соқчи!

Шу заҳоти эшикдан милиция формасидаги бақувват йигит кириб келди.

— Бунинг ақлини киритиб қўйинглар, ундан кейин гаплашамиз! — деди терговчи соқчига қараб.

Соқчи бир қўли билан Фаррухни жойидан турғазиб қўйди-да, "юр", дея судраб хонадан олиб чикиб кетди. "Тоғ бургуги" қалин темир эшикли камерага кирди-ю, аммо орқасига ўтирилолмади. Бели-ю биқини аралаш тушган зарбдан камеранинг ўртасига бориб йикилди. Ўрнидан энди турмоқчи бўлганида эса қўкрагидан тепки еб яна қулади. Шу тариқа тепкилар ёмғири бошланиб кетди. Фаррухнинг юзидан бўлак соғ жойи қолмади. У хушидан кетгандан кейингина соқчи уришдан тўхтади. Ва эшикни даранглатиб ёпиб, камерадан чикиб кетди.

Фаррух қанча вакт бехуш ётгани чамасини ололмади. Ўзига келди-ю, баданидаги оғриқдан афти бужмайди. У инқилаб-синқилаб ўрнидан туриб ўтириди. Жароҳатланган жойларини силади. Сонлари, кўкрак ва биқинида кўкарган ерларини кўриб хўрлиги келди. Бироқ йигламади. Тишини-тишига босди-да, "Ҳали буларнинг бари учун жавоб берасанлар!" — дея хаёлидан ўтказди.

Орадан яна ярим соатча вакт ўтгач, бошқа соқчи ке-либ эшикни очди-да, ёвғон шўрва билан икки бўлак нон бериб кетди. Фаррухнинг корни роса очқаган эди. Шу боис овқатдан ноз қилиб ўтирмай, борини пақкос тушириди. Аммо барибир қорни тўймади. Яна берармикин деган ўйда эшикка термулди. Лекин ҳеч ким унга бошқа овқат кўтариб келмади. Тахминан бир соатдан кўпроқ вакт ўтганидан кейин бояги соқчи келиб, косасини олиб кетди. Кейин бошқаси келиб, йигитни янги камерага олиб борди. Бу ерда, наригисидан фарқли ўлароқ, иккита каравот бор эди. Унинг биттасида соч-соқоли ўсиб кетган одам ухлаб ётарди. Бу маҳбус соқчининг тарақтуруқ қилиб эшик очганига уйғонмади ҳам.

Фаррух ўзига кўрсатилган каравотга чўзилди. Шундагина вужуди бироз ором олгандай бўлди-ю, дарров пинакка кетди.

Фаррух эрталаб уйғонганида қўшниси папирос чекиб ўтиради.

—Кимсан? — дея сўради у.

Фаррух исмини айтиб, энди ўрнидан қўзғалмоқчи эди, белида каттиқ оғриқ туриб, инграб юборди.

— Обдон "сийлаш"ганга ўҳшайди-а? — деди қўшниси папироснинг аччик тутунини хузур килиб ичига тортаркан. — Ҳечқиси йўқ. Бу ерга келганларнинг пешонасида бор нарса. Мениям биринчи келган куним обдон элакдан ўтказишганди. Шундан бери факат боқишиади... Лекин раисни боплабсан. Уни мен яхши танийман. Унда одамгарчиликдан зигирча ҳам йўқ.

— Сиз қаердан билдингиз? — дея сўради Фаррух белини ушлаб базўр туриб ўтиаркан.

— Мен билмайдиган нарсанинг ўзи йўқ бу дунёда. Сени олиб келишгандаёқ менинг қўшним бўлишингни ётказишганди. Беш йилга кесиласан. Аслида бу жиноя-тинг учун кечириб юборишсаям ёки жуда узоқ кетганида бир йил берсаям бўларди. Лекин раис шунака талаб кўйибди, — Фаррухнинг бадбашара қўшниси шундай деб жойига ёнбошлиди.

Фаррух пешонасини ушлаб бироз турди.

— Отам, — деди у йиғламсираб, — отамни кўролмас-канман-да.

— Хе-хе-хе, — кулди қўшниси, — отангни беш йилдан кейин кўраверасан, агар орада бўйнингга бошқа нарсани илиб юборишмаса. Отинг Фаррухмиди?

—Ха.

—Меники Фиёс, лақабим "Босс". Турма менинг уйимдай бўп қолган. Ёшим ҳозир эллиқда, шунинг ўттиз икки йилини мана шунга ўҳшаш, — дея у атрофдаги бетон деворларни кўрсатди, — ерларда ўтказдим. На отам, на онам бор. Ака-укаларим менинг борлигимниям унубтиб юборишган. Биринчи марта худди сенга ўҳшаб қамалиб қолгандим. Кейин турмада бошқа айбларниям бўйнимга илиб ташлашди. Мана, шунгаям ўтгиз икки йил бўлибди-я. Кўринишингдан тузуккина болага ўҳшай-

сан. Агар менинг айтганимни қилсанг, бир йилга қолмасдан бу ердан чиқариб юбораман. Кейин маза қилиб яшайсан.

— Ўзингиз ўттиз икки йилдан бери чиқолмай юрган экансиз, мени қандай чиқариб юборасиз? — деди Фаррух ҳайрон бўлиб.

— Бу ёғи билан ишинг бўлмасин. Кейин ўзинг тушуниб оласан. Агар хоҳласам, хозирнинг ўзидаёқ чиқиб кетаман. Лекин бунинг менга мутлақо кераги йўқ.

Фаррух барibir ҳеч нимага тушунмади. Бақрайиб турaverди. Унинг қарашини кўрган Босс мийигида кулдида, мохорка олиб қоғозга ўрай бошлади. Йигит умрида сигаретани бунақа қилиб чекишлигини кўрмаганди. Қишлоғида нос, сигарета чекувчилар кўп эди. Лекин уларнинг биронтаси тамакини қоғозга ўрамасди.

Эшик шарақ-шуруқ этиб очилди-да, кечаги соқчи кириб келди. Унинг қўлида иккита сумка нарсаларга тўла эди.

— Босс, завтрак олиб келишди, — деган соқчи алланималарни умид қилгандай иржайганча туриб қолди.

— Боравер, — деди Босс унга совуқ қараш қилиб ва эринибгина ўрнидан турди.

Бирдан башараси тундлашган соқчи индамай чиқиб кетди. Фиёс aka унинг орқасидан куалиб қараб қоларкан:

— Падарингга лаънатлар, бир сафар олишмаса ўлиб қолишади, — деди ҳамда сеткаларнинг ичидагиларни бирма-бир стол устига қўя бошлади.

— Мен сенга айтсан, — деди гапида давом этди у, — бу ер ташқаридаги бош оғриқдан минг чандон яхшиrok.

Фаррух стол устига қўйилган ноз-неъматлару ҳил-ҳил пишган гўшт ва ҳатто бир шиша ароқни кўриб ҳайрон қолди.

— Менга, — деди у ҳайратини яшиrolмай, — кеча кечкурун бир бўлак нон билан шилдир шўрва беришганди.

— Бу кўрганларинг чепуха, — деди қисқагина қилиб Босс ва Фаррухни биргаликда «завтрак»ка таклиф этди.

Фаррухни тушдан кейин яна терговчининг ёнига олиб боришиди.

— Қалайсан? — деди терговчи куалиб. — Ақлинг кириб

қолдими? Шунака, бу ерда асов тойларни ҳам дарров күлгә ўргатиб қўйишади.

Фаррух ўқрайиб қараб тураверди. Унинг нигоҳида бир олам алам, нафрат ва қасос борлигини уқиш мумкин эди.

Терговчи бу сафар гапни чўзиб ўтиrmади. Аввалдан ўзи ёзиб тайёрлаб қўйган олти сахифа қофозга қўл қўйдиртириди-да:

—Бўлди, тамом, эртага судинг бўлади, — деди ва соқчини чақириб, маҳбусни олиб кетишларини буюрди.

Бу сафар Фаррух унчалик ҳам тушкунликка тушмади. Отасини кўриб келиш, ҳеч курса бу ерга чақиртириш тўғрисида сўрамади ҳам.

—Хозиргина, — деди Босс Фаррухни ғамгин киёфада қарши олиб, — ёмон хабар эшитдим. Бардам бўл, йигит.

Фаррух ҳеч нарсани англамай унга қараб қолди.

— Кеча, сени уйингдан олиб кетишганидан кейин отанг омонатини топшириби.

— Ни-ма?! — деди унга бақрайиб қараб қолган Фаррух. — Отам... Ўлдирам-а-а-а-н!!!

— Ўзингни бос, — деди Ғиёс aka уни қучиб, — Ўзингни бос, ука, бир кунмас-бир кун ҳаммамиз ҳам ўламиз. Тақдир...

Фаррух ўқириб йиғлаб юборди.

—Хали отам ўлмаслиги керак эди... Отам ҳали яшаши керак эди... Мени олиб кетишганига чидолмаган отам...

У эртасига эрталабгача чурқ этмади. Каравотида бир нуктага тикилиб ўтираверди. Босс амал-такал қилиб кеч-курунги овқатдан едирди, холос.

Фаррух судга ёши улғайиб қолган одамлардай ғамгин кириб келди. Каталақдай суд залида раис ва новча хизматкор тиржайиб ўтиришарди. Улар Фаррухни кўрганлари заҳоти ўринларидан туриб, қарсак чалган бўлишди.

\* \* \*

Агар Моҳирўй бундан бир йилгина аввал мана шундай кеч келганида ёки биронта ножӯя иш қилиб қўйганида Турғун Фаниевичнинг парвойига ҳам келмаган, қизининг қилиқларини шунчаки эркатойликка йўйган бўларди. Бироқ айни дамда амалдорнинг назари бошқа эди. Моҳирўйга қизига қарагандек қарамасди, жаҳли чиққанининг сабаби ҳам шунда эди.

— Қайси гўрда юрибсан?! — деди у қовоғини уйиб.

Моҳирўй бу гапни эшитиши билан жойида ҳайкалдек қотиб қолди. У дадасидан умрида бунақанги қўпол гап эшиитмаган эди. Худди илк бор бу одамни кўраётгандек тикилиб тураверди. "Дадам бошқача гапирди, менинг кулогимга шундай эшитилди, шекилли", — дея ўйлади у.

— Сендан сўрайпман, қайси гўрда санқиб юргандинг?

— дея яна гапини қайтарди амалдор ва қўлидаги қамчинни ерга қарсиллатиб урди.

Бундан чўчиб тушган Моҳирўй шундагина дадасининг қўлидаги қамчинни кўрди-ю, бирдан ранги оқариб кетди. Вазият у ўйлаганидан кўра анча жиддий эди.

— Шаҳарни айланиб... — дея Моҳирўй гапини бошлади-ю, бироқ давом этказолмади, кўзидан ёш қўйилиб келди.

— Ким билан бирга эдинг?! — дея вишиллади Турғун Фаниевич.

Унинг бу саволига қиз бошини чайқаб "ҳеч ким билан" ишорасини қилди.

Шу заҳоти унинг елкасига қамчи келиб тушди. Моҳирўй гиламнинг устига йиқилиб тушди-ю, бақириб юборди. Унинг овози амалдорга илҳом бағишладими, у қизни тинмай савалашга тушиб кетди. Моҳирўй думалаб кетар, дадасидан тинимсиз шафқат сўрарди.

— Сен! — дея Турғун Фаниевич оғзидан кўпик сачратиб ўшқирди. — Сен тоғдаям мени шарманда қилгандинг! Ер билан битта қилгандинг!

Унинг бу гапларини Моҳирўй эшигадиган ахволда эмасди. Қиз қандай бўлмасин, тинимсиз елкасига, белига келиб тушаётган қамчининг зарбасидан кутулиб қолиши учун нима қилишини билмай ўзини гоҳ у ёкка, гоҳ бу ёкка ташлар эди. Бироқ амалдор мўлжалдан адашмас, худди жонсиз бир нарсани савалаётгандек қамчиласни тўхтатмасди. Қизнинг аллақачон танаси кўкариб кетган, баъзи жойларига икки-уч мартадан қамчин келиб тушганидан, қон ҳам оқмокда эди. Ниҳоят, Моҳирўйнинг қимирлашга холи колмади, у дадаси хар урганда "и-и-и", дерди нимжон овозда.

— Ўлиб қолса товонига қоласиз, — деди Моҳирўй дастлаб овоз чиқаргандаёқ ширин уйқусидан уйғониб ке-

тиб, "Нима бўляяпти?" деган хавотирда хонасидан чи-киб, вазиятни кўрганидан кейин қувониб кетган Зулайҳо.

— Ўлса бутунлай кутулардим! — деди ҳансираф амалдор ва кизни савалашдан тўхтаб, хотинига қаради.

— Етимча бўлсаям шунча йил боқдингиз кўпчилик сизнинг қизингиз борлигини билади. Тўсатдаи бу киз ғойиб бўлса ҳар хил гап-сўзлар кўпаяди. Агар шу киздан кутулиш ниятингиз бўлса, уни ўлдириш шарт эмас, йўл-йўриги бор ўзининг.

Шу пайт дарвоза қўнғироғи устма-уст жиринглади. Эрхотин бир-бирига хавотир билан қарашди.

— Ким бўлиши мумкин ярим кечаси? — дея савол қотди Зулайҳо эрига.

— Мен қаёқдан билай?! — дея уни жеркиб ташлади амалдор ва қўлидаги қамчисини отиб юбориб, секин ташқарига чиқди-да, дарвозанинг ёнига бориб, унинг кичкина табақасини очди. Остонада оддийгина кийинган, ёши қирқлардан ошган одам турарди.

— Сизга нима керак? — дея сўради амалдор ундан дагаллик билан.

— Таксичиман. Бир қизни олиб келгандим. У шу уйга кириб кетди, такси пулини хозир олиб чиқиб бераман деб. Анчадан бери пойлаб ўтирибман, ҳеч дараги бўлмаяпти, — деди такси ҳайдовчиси.

Амалдор чўнтагини ковлади-да, битта ўн сўмлик чиқариб, таксичининг башарасига отиб юбораркан:

— Йўкол, кўзимга кўринма! — деди ўшкириб ва дарвозани даранглатиб ёпганча уйига кириб кетди.

Амалдор Моҳирўйнинг тепасига келиб бироз қараб турди. У пича жаҳлидан тушган, ҳатто кўнглида қизга нисбатан ачиниш ҳам пайдо бўлганди.

— Зулайҳо! — дея бақирди у.

— Нима дейсиз? — дея хотини ётогидан кўзини уқала-ганча чиқиб келди. — Энди ухлаган эканман.

— Манавини тозалаб олмасдан дарров уйқуга кирдингми?! — дея энди амалдор хотинига заҳрини сочди.

— Ўзингиз ўлса кутуламан, деяётгандингиз-ку, — деди Зулайҳо норози тўнғиллаб.

— Бўл, тез ваннага обор! — дея амалдор ошхонага кириб кетди.

Мохирўйни ювиниш хонасига олиб борган Зулайҳо аввал уни ечинтириб томоша қилди. Қизнинг баданида соғ жойи қолмаган, бироқ унинг юзи ўша-ўша мафтункор эди. Аёл унга қараб тураркан, баданинг ахволидан кўнгли тўлган эса-да, чехрасининг жозибасидан дили фаш бўлди. "Хозир юзингни кайноккина сувга бир чайиб оламиз, ундан кейин ҳаммаси жойига тушади. Менам хотиржам бўламан, сениям кулоғинг тинчийди, мана бунақа калтак еб ўтирумайсан... Ўзимнинг оппоққина қизим-а, кел, шу чиройли юзингдан охирги марта бир ўпай, кейин башарангнинг жирканчлигини кўриб саломингга алик оламанми-йўқми, худо билади", дея хаёлидан ўтказди у. Аёл энгашиб Мохирўйнинг юзидан ўпиб қўйди, сўнг жўмракни бураб, сув қайнок бўлишини кута бошлади. Шариллаб оқаётган сувда энди буғ пайдо бўлганида, тўсатдан хонага амалдор келиб қолди.

— Нима қиласапсан?! — дея ўдагайлари у хотинига.

— Менми... менми? — дея довдираб қолди Зулайҳо. — Иш... буюрган ишингизни қиласапман.

Хотинининг довдираб қолганидан Турғун Фаниевичнинг кўнглига шубҳа оралади.

— Нега иссиқ сувга совуғидан аралаштиромадинг?

— Аралаштиромоқчиыйдим... Анақа... Иссиқ сув келгунча уйқу босибди, — деди Зулайҳо кўзини олиб кочиб.

— Бошқа нарса босиб қолмадими, ишқилиб? Бўл тез, совуқ сувни оч, ҳамма ёқни ҳаммом қиворибсан-ку!

Зулайҳо шоша-пиша эрининг айтганини бажарди-да, Мохирўйга қаради. У хеч нарсани билмасдан қип-яланғоч ҳолда ётарди. Амалдор эса уялмасдан унга термулиб турарди.

— Уят бўлади-я, — деди бироз ўзига келган Зулайҳо.

— Фақат юзини ювсанг бўлди, кейин менга тезда егулик тайёрлаб бер, ароқ олиб келишни эсингдан чиқарма! — деди амалдор ювиниш хонасидан нари кетди.

Аёл режаси амалга ошмай қолганидан унчалик ҳам куйинмади. Чунки бу режа фавқулодда миясига келиб қолган, ҳали унчалик ҳам пишмаган эди. Бироқ бунақа кулагазият ҳар доим ҳам бўлавермасди.

Мохирўй дадаси калтаклашни тўхтатганида ҳали хуши ўзида эди. Шу боис, эр-хотиннинг гапларини тўлалигича эшилди. Шундан кейингина ҳушидан кетди.

Үзига муздай сув теккач, у кўзини очди. Боши караҳт эди, шунинг учун дабдурустдан нима бўлаётганлигини англаёлмади. Унинг кўз очганини кўрган Зулайҳо баттар хўмрайди.

— Ўзингга келдингми? — деди у қўпол овозда.

— Ойи, — деди синик овозда Моҳирўй, — менга нима бўлди?

— Нима бўлганлигини эртага гаплашамиз, ўрнингдан туроласанми, сени бу ерга олиб келгунимча белим чиқиб кетай деди. Ҳеч иш қилмаганлигингдан оғирлашиб кетибсан, — деди аёл ва Моҳирўйнинг ўрнидан туришига кўмаклашган киши бўлиб қўлидан тортди. У қизнинг жароҳатланган жойидан чанг солиб ушлаб олганлиги сабабли Моҳирўй инграб юборди.

— Мушукнинг орқаси яра бўпти, унга нима даво бўпти, шунга шунчами? Кийинчилик кўрмагансан-да, сал нарсага дод-вой соласан! — дея жеркиган аёл унинг қўлидан қаттикроқ тортди.

— Ой-и-и! — дея бақириб юборди Моҳирўй. — Кўйинг, ўзим турман.

— Ҳе, нозик ойим...

Зулайҳо шу заҳоти Моҳирўйнинг қўлини қўйиб юборди-да, эри буюрган ишни бажаришга кетди.

Ўрнидан базўр туриб олган киз секин-аста қадам босиб ётоғига борди ва каравотига чўзилди.

Эртасига эрталаб Тўйчи қўнғироқ қилди. Бу пайтда амалдор ишга кетган, Зулайҳо эса энди уйқудан уйғонган эди. Үзига таниш овозни эшитган аёлнинг юзига табассум югорди.

— Шахсий чеваримнинг ишлари қалай, янги-янги қўйлакларни ижод қиласптими? — деди Тўйчини эркараб.

— Анавинга одам топиб қўйдим, — дея бирдан мақсадга ўтди Тўйчи.

— Дарров ишдан гапирасан-а, сал бундай одамни эркалатиш, қўнглини кўтаришни билмайсан, — деди Зулайҳо ўзига ярашмаган ноз билан.

— Ҳеч ким йўқми дейман уйда, жонидан?

— Борларини орқамга қисмайман.

— Ишни бугундан бошлиб юбораверамизми?

— Ахвол ўзгариб қолди. Кеча оқшом шунака томошалар бўлдики, айтсам хайратдан оғзинг очилиб қолади. Эсизгина, сенсизам анавиндан қутулишимга озгина қолувди-я, ўзим бузиб қўйдим-да. Энди бир-икки кунга тўхтаб турамиз. У салгина ўзига келиб олсин. Ундан кейин маслаҳатлашиб, ишни бошлаймиз, — деди Зулайҳо эснаб.

— Нима бўлди ўзи?! — дея сўради Тўйчи аёлнинг гапларидан қониқмай.

— Телефонда айтадиган гап эмас. Кейин айтиб бераман.

— Бўпти, унда мен тезроқ "клиент"ни огохлантириб қўяйин, йўқса кутиб ўтираверади, — деди Тўйчи аёл билан ортиқча гаплашишни истамай.

Зулайҳонинг ҳам бир дунё ишлари бор эди. Шу боисдан "хўп", деди-ю, гўшакни жойига қўйди.

Уларнинг уйида учта хизматчи аёл эртадан кечгача ишлар, Зулайҳо эса қўлини совук сувга урмасди. Кечаги воқеалар содир бўлгач, аёлнинг эрига озгина хизмат қилишига тўғри келиб қолди. Ўша пайт у "Хизматкорларнинг биронтасини энди кечгаям олиб қоламан", дея ўйлаган эди. Энди шу нарсаларни бажариб қўйиш учун хизматкорларни ёнига чақирди.

Моҳирўй уйкудан кўзини очганда соат миллари кундузги ўн иккени кўрсатар эди. У бироз шифтга караб ётди ва кеча содир бўлган воқеаларни бирма-бир хотирасида тиклади. "Наҳотки, — дея ўйлади у, — дадамнинг мени шунчалик савалашга ҳадди сиккан бўлса? Илгари кўл кўтариш у ёқда турсин, қаттиқ гапирмасди ҳам... Тўхта, тўхта. Ойим мени етимча дедими? Нима, мен бу одамларга бегонаманми? Қанақасига энди? Хеч нарсага ақлим етмаяпти. Агар мен буларнинг қизи бўлмасам... Унда менинг ота-онам ким? Нега бу ерда юрибман?"

— Қизим, уйғондингми? — дея мулоим гапирганча Зулайҳо кириб келди унинг хонасига.

Аёлнинг ўта мулоим гапириши Моҳирўйнинг ўпкасини тўлдириб юборди. Унинг кўзида ёш пайдо бўлди.

— Ий-и! Бу нимаси? — Зулайҳо тез-тез қадам босиб келди-да, Моҳирўйнинг каравоти чеккасига омонатгина ўтириб, унинг кўзидаги ёшни эҳтиёткорлик билан артди. — Кўй, қизим, йиғлама, даданг кеча жа ошириб юбор-

ди... Ўзиям келгүнингча давленаси күтарилиб кетиб, ўлиб қолишига сал қолганди... Яхшиям мен тұхтатиб қолдим. А то бог знает, нима бўларди?

У атайлабдан, кейинги ишларини силлиққина бажарыш учун Моҳирўйнинг кўнглини овлашга уринаётган эди. Агар ҳозир кизни ўзига худди илгаригидек иситиб олса, ундан кейин оппа-осон кутуларди-кўярди.

— Овқатинг таппа-тайёр, ўрнингдан тургин-да, еб олгин. — Аёл кизнинг пешонасига кўлини кўйди. — Вой, иситманг бор-ку. Қимиirlама, ёт. Ҳозир мен дори олиб келаман. Овқатингни шу ерга келтиришади.

Зулайҳо тезгина хонадан чиқиб кетгач, Моҳирўй кечатунда ювиниш хонасида унинг айтган гапларини эслади-ю, эзилиб йиглаб юборди.

Бир қўлида пиёла, иккинчи қўлида қанақадир дори кўтартган Зулайҳо хонага қайтиб кирганида Моҳирўй унга еб қўйгудек қаради. Бироқ кизнинг қовоғини уйгани хам ўзига ярашиб туарди.

— Ойи, — деди қиз Зулайҳо тутган дорини оғзига олмай, юзини буар экан, — мен сизга кимман?

\* \* \*

Суд кўп давом этмади. Бирпасда ҳамма айблар Фаррухнинг бўйнига қўйилгач, худди Босс башорат қилганидай, суд уни беш йилга озодликдан маҳрум этди.

— Ҳалиям мен инсоф қилдим, — деди раис Фаррухни олиб кетишлиридан олдин унинг ёнига келиб. — Ўрнимда бошқаси бўлганида, умрингни қамоқда чиритарди.

Фаррух унга нафрат тўла нигоҳини тикиб, алам билан шивирлади:

— Шунисигаям раҳмат!

Шундан кейин унинг қўлларини кишанлаб, Босс ётган камерага олиб кетишиди. Раис тўғри суд залидан қамоққа равона бўлади деб ўйлаганди Фаррухни. Лекин унинг ўйлагани бўлиб чиқмади. Шу боис, у ажабланиб суд раисига қаради. Суд раиси Фаррух яна бир кун "мехмон" қилиниб, эртасига керакли жойга жўнатилишини айтди. Аслида эса, йигитнинг яна камерасига қайтиши Босс томонидан буюрилганди.

— Энди ҳақиқий «зэк»ка айландинг, — деди уни кутуб олган Босс мийигида жилмайиб. Унинг бу кулиши эзгин, ҳамдардликка ўхшаб кетарди. — Одамлар жиноят-

чи бўлиб туғилмайдилар, балки уларни жиноятчига айлантиришади.

Фаррух бошини куйи эгган кўйи каравотига бориб ўтириди. Кўзларига ёш қалқди. Йигитчанинг бундай иродасизлигини кўрган Босснинг жаҳли чикиб кетди.

—Гўдакмисан ёки қиз болага товунлик томонинг борми? Кўзингнинг сувини оқизасан! Бўйнингга юклашдими, демак, энди сен қайтариб уларникига юклашинг ке рак, йўқса, бир умр раисга ўхшаган қоринбойларнинг оёғи тагида поллатта бўп ўтасан. Тушундингми, конга — қон, жонга — жон! Бошка йўл йўқ.

Фаррух Босснинг гапидан илҳомланиб, билаклари кучга тўлиб бораётгандай сеза бошлади ўзини. Агар қамалган бўлмаганида, тўғри раиснинг ёнига бориб, унинг меш корнига пичоқ санчишгаям тайёр эди. Ундаги ўзгаришини Босс тезда англаб етди. Босс хар бир шогирдини тайёрлаётганда унинг юзида содир бўладиган ўзгаришга диққат-эътиборини қаратар ва шунга қараб шогирдининг қандай ишларга кодирлигини билиб оларди. Фаррухда содир бўлган ўзгариш унга ёкиб тушди. Агар уни ўзи ўйлаганчалик тарбиялай олса, келажакда йигитдан кўп ишларда фойдаланса бўлади. Ҳатто «чевар»ликкайм яраб қолса ажабмас.

— Сени эртага олиб кетишади, — деди Босс йигитга кирғий нигоҳини тикиб. — Эртагача вакт бор, унгача мен сенга анча-мунча нарсани ўргатаман, факат мен чизган чизикдан чикмайсан. Шунда кимки ёмонлик қилган бўлса, ҳаммасидан ўч оласан.

— Нима қилишим керак? — деди Фаррух бирдан ҳовлиқиб.

— Шошилма, аввал гапларимни яхшилаб эшишиб ол, қилишинг керак бўлган нарсаларга ҳали анча бор. Ҳозир ҳовлиқасан-да, мениям, ўзингниям шарманда қиласан. Турмага борганингдан кейин...

— Бу ер турмамасми? — дея ҳайрон бўлиб сўради Фаррух Босснинг гапини бўлиб.

Унинг соддалиги Босснинг энсасини қотирди.

— Каерда ётганингни ҳалиям билмайсанми? — дея сўради у Фаррухдан.

— Йўқ, — деди Фаррух бошини чайқаб.

— Бу ахволингда мени күйдириб юборадиганга ўхшайсан. Сени ёнимга олиб тўғри иш қилаётганимга гумон пайдо бўляпти. Майли, бу ёғи таваккал. Каерда ётганингниям вақти келиб билиб оласан. Хуллас, турмага борганингдан кейин сени совға-салом билан кутиб олишмайди. Битта-иккита лайчалар қитиқ-патингга тегиб кўришади. Сен улардан асло қўрқма, думини ликиллатибликиллатиб, кейин нари кетади. Ёмони, у ерда аждаҳолар, йиртқичлар бор. Ана шуларнинг ёнида обрўйингни йўқотиб кўймаслигинг керак. Уларнинг ҳаммасиям бизнинг одамлар эмас. Бегоналари, "мент"ларга хизмат қиладиганларидан эхтиёт бўлиш керак.

— Уларни қандай ажратиб оламан? — дея сўради Фаррух Босснинг юзига тикилиб.

— Бунда ўзингнинг сезгингдан бўлак ҳеч нарса сенга ёрдам беролмайди. Бунинг устига, сен пешонасини ёрган раис обкомда ишлайдиган биттасига қулдай сигинади...

— Кўрганман ўша одамни, — деди бирдан Фаррух.

— Каерда? — дея ҳайрон бўлиб сўради босс.

— Тоғда, — деди Фаррух қисқагина қилиб.

— У ёқда нима қилиб юрган экан?

— Билмайман, — дея Фаррух бироз бошини қашлаб турди-да, кўрганларининг ҳаммасини бирма-бир айтиб берди.

Унинг гапидан кейин Босс ўйланиб қолди. Ўрнидан туриб гоҳ эшик ёнига борди, гоҳ каравотига келиб ўтириди. Ўзича бир нималарни чамалаб кўрди. Кейин юзи ғамгин тортди ва Фаррухнинг кўзига синчков тикилдида:

— Ўша ғорнинг қаердалигини биласанми? — дея сўради.

— Биламан, — деди, ғор Боссга нима учун керак бўлиб қолганига ҳайрон бўлган Фаррух.

— Ўша амалдорнинг қизи айтган "шер"ларнинг нима эканлигини биласанми? — дея сўради савол беришда давом этган Босс.

— Йўқ.

— Улар шер эмас, одамлар. Яқинда менинг яқин одамларим йўқолиб қолишибди, бирданига учтаси. Демак, улар ўша ерда. Лекин мен амалдор билан уларнинг орасида

нима бўлганлигини билмаяпман. Тўғри, уларнинг танишлиги бор эди. Лекин биргаликда иш қилишганлигини ҳечам эшиитмаган эдим. Улар ҳеч қачон ҳамтовоқ бўлмаган, бир нарса бўлса, билардим. Лекин нега уларни қафасга солиб қўйганига ҳайронман... Майли, бу иш билан кейинроқ шуғулланаман. Сенга айтмоқчи бўлганим, ўша амалдорга хизмат қилаётганлар сен борадиган турмада ҳам бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Эшитишимча, сени раис хоҳлаган турмага жўнатади. Бу дегани, ўша қамоқхонада сени бошқача кутиб олишади... Икки кундан кейин менинг ўзим ҳам у ерга бораман. Лекин боргунимча сенинг ишингни бир ёқли қилиб қўймаса бўлгани улар.

Босснинг гапларидан кейин Фаррухнинг кўнглига ғулғула тушди. У ҳаётида фақат отаси айтиб берган жинажиналардангина кўрқарди. Энди эса Босс айтиб берган бир-биридан бадбашара одамсифат махлуқлар ҳам унда кўркув уйғотди. Хаёлида ҳамма ёғини жун босган девқомат барзангилар сарғайиб кетган курак тишларини кўрсатиб уни кутиб туришгандай бўлаверди. Қамоқхонага кириб бориши билан унга ҳаммаси бараварига ташланишиб, гўштларини нимта-нимта қилиб ташламоққа шайлангандай кўриниб кетаверди.

— Ха, рангинг ўчиб кетяпти?! — дея сўраб қолди Босс. Шу гапнинг ўзидан Фаррух чўчиб тушди.

— Нима гап? — қайтадан сўради Босс.

— Отам эсимга тушди, — деди Фаррух ичидаги ҳаяжонни билдирамаслик мақсадида бошини эгиб.

Босс айнан ўзининг гапидан кейин Фаррухнинг ранги гезарib кетганини сезганди.

— Ўтганлар ўтиб кетди. Энди минг хоҳлаганинг билан уларни қайтаролмайсан. Шунинг учун тушкунликка тушма. Умуман, бунақа юришга сенинг ҳаққинг йўқ. Сен отангнинг хунини олишинг керак. Бу ахволда узокқа боролмайсан.

Ўша куни тонгга қадар Фаррухнинг уйқуси келмади. Кўзи юмилди дегунча қамоқхонадагилар унга хужум қилаётгандай туюлаверди. Турди, ўтириди, хона бўйлаб юрди. Барибир уйқу деган нарса келмади. Шунда у хаёлидаги bemаза нарсаларни қувиш учун Моҳирўй ҳақида ўйлади. Унинг гўзал чехрасини кўз ўнгидага тикламоқчи

бўлди. Лекин бу иш унинг кўлидан келмади. Қизнинг майин ширали овози ёдида, лекин чехрасини хечам эсломмади. Факат тонг отиш арафасида Фаррух уйқуга кетди.

Босс туни билан ҳамхонасининг ухламай чикканини билар эди. У гарчи Фаррухнинг назарида ухлаётган бўлиб кўринган эса-да, талай муддат кўзини юмиб хаёл суреб ётган эди. Ҳали она сути оғзидан кетмаган бу йигитчага гоҳ ачинар, гоҳида эса аччиқланар эди. Баъзан Фаррухни илк бора кўрганидаги тасаввuri ёлғон туюлиб, адашган-лигидан жаҳли ҳам чиқарди. "Бўлиши мумкинмас, менинг сезгим ҳеч қачон алдамаган. Фаррухнинг кўзидан ўт чакнайди. Унинг кўлидан кўп иш келади. Факат у ҳали ҳеч балони билмайди. Билганда эса уни тўхтатиб қолишнинг иложи бўлмай қолади... Бўладиган бола бошдан дейишади. Лекин бу бола мен турма ҳақида озгина гапириб берганимдан дарров тушкунликка тушиб қолди. Балки ҳеч ким чиқмас бундан", деган бир-бирига қарама-қарши ўйлар унинг бошини оғритарди. Босснинг ўзи одати бўйича сахарлабдан уйгониб олган эса-да, Фаррухга индамади. "Дамини олсин, келаётган тунда ухрайдими-йўқми, Худо билади", — дея ўйлади.

Соат тўққизларга яқин Босснинг нонуштасини олиб келишди. Шундан кейингина у Фаррухни уйготди. Но-нушта устида улар анча вакт гаплашиб ўтиришди. Босс Фаррухга қамоқхонага борганидан кейин "Чувалчанг" ла-қабли маҳбусга салом айтиб кўйишини тайинлади.

Тушга яқин улар ўтирган камерага иккита қўриқчи милиционер келди ва Боссга ёқиб қолган йигитчанинг кўлларини кишанлашиб, олиб кетишли.

Ҳамма томони темирдан, кичкина деразаси панжарали машинада Фаррухни тўрт соат мобайнида аллақаёққадир олиб кетишли. Фаррух ташқарини кузатиб кетар экан, отасининг ортидан эмаклаб келганини яна эслади. Йиғлади. Кўллари аламдан мушт бўлиб тугилди.

Босс айтганидек, турмада уни совға-салом билан кутиб олишмади. Тахминан ўттиз-кирқ кишилик камерага олиб киришаётганида ҳар хил машғулотлар билан шуғуланаётган асиrlар калака қилишаётгандай туюлди унга.

— Сени қийнаб кўйишибди-ку, а, — деди қўриқчи

чикиб кетгач қилтириққина, тепакал асир унинг ёнига келиб. — Нима гуноҳ қилгандингки, сени бу кўйга со-лишиди? Бечорагина.

Фаррух унга эътибор бермасликка ҳаракат қилиб, энди ўзига ажратилган каравотга ўтирганди ҳамки, иккинчи қаватдаги бошқа маҳбус:

—Ий-и, тўкилиб кетди! — дея унинг устига бир кружка иссик чойни тўкиб юборди.

Фаррух сакраб ўрнидан туриб кетди-да:

— Нима қилдинг?! — дея бақирди унга.

— Вой, — дея ўшшайди ёнида турган Қилтириқ, — тилинг бунча узун экан. Какрас, бугун бутерброд егим келаётганди. Одам бирон нимани астойдил истаса, Худо унга шуни бераркан.

Фаррух унга ўкрайиб қараб кўйди-да, хўл бўлган бошини арта-арта яна каравотга ўтирмоқчи бўлганида, Қилтириқ унинг енгидан ушлади.

— Аввал қарзни тўлаб кўймайсанми? — деди у ҳайратланган одамдай кўзларини катта-катта очиб.

— Канака қарз? — деди Фаррух пешонаси тиришиб.

— Канака бўларди, менинг бутербродимнинг гўштида.

— Олиб бўпсан, олиб бўпсан! — дея ҳиринглади тепадагиси майнавозчилик қилиб.

— Ола-м-а-н, — деди Қилтириқ ва қўлинини Фаррухнинг оғзи томонга чўзган эди ҳамки, жони ҳалқумида турган йигит унинг қорнига тепиб юборди.

Қилтириқ орқаси билан тисарилиб бориб бошқа каравотга, газета ўқиган киши бўлиб, бўлаётган воқеага кўз кирини ташлаб ётган семиз маҳбуснинг устига ўтириб қолди.

—Эй-й, онангни... — дея Қилтириқнинг калласига мушт туширган семиз ўрнидан турди-ю, Фаррухнинг ёқасидан ушлади ва қорнига тиззаси билан зарба берди.

Фаррух "Ҳинқ", деди-ю, буқчайди. Кейин белига тушган муштдан полга қулади. Семиз бу билан ҳам қаноатланмай яна уч-тўрт марта унинг қорнига тепди.

Базўр нафас олаётган, ўрнидан туришга қийналадиган Фаррухнинг хаёлига Босснинг "Нима бўлсаям, ҳеч нарсадан қайтма, агар дабдалангни чиқаришиб ташлаган тақдирдаям", деган гапи келди.

— Энди берарсан? — дея қийпаланглаб, унинг тепасида яна ўша Қилтириқ пайдо бўлди.

— Хозир, — деди Фаррух ва бир қўли билан каравотдан ушлаб инқиллаганча ўрнидан турди. — Сенинг бутербродингга гўшт керакмиди? — дея мийифида кулдида, Қилтириқнинг башарасига куличкашлаб мушт тушириди.

Зарба шунчалик кучли эдик, Қилтириқ "иш"и битиб, яна жойига энди чўзилган семизнинг устидан ўмбалоқ ошиб ўтиб кетди. Бирдан кони кўпчиган семиз айикка ўхшаб бесўнакайлик билан ўрнидан туроётганида, Фаррух унинг кўкрагига тепди, пешонасига мушт тушириди. Семиз унинг оёғи остига қулаб тушди. Шу пайт, Фаррух мутлақо кутмаганда, иккинчи қаватдаги боягина тепасидан чой тўкиб юбориб "ўйин"ни очиб берган майнавоз унинг бошига кружкаси билан қаттиқ урди.

— Аҳ! — дея орқасига бурилган Фаррух бироз бошини ушлаб турди-да, сўнг ёнига қулади.

Бурнидан оқаётган қонни қўли билан артиб ўрнидан турган семиз аввал Фаррухни тепкиламоқчи бўлди. Сўнг бирдан кўзи унинг бошини ушлаганча қимир этмай ётганлигига тушди-да, ниятидан қайтиб, майнавозга қаради.

— Ўлдириб қўймадингми тағин? — дея сўради семиз.

Ранги учуб кетган майнавоз секин "ин"идан пастга тушди-да, Фаррухнинг томирини ушлаб кўрди, сўнг бошини кўтариб:

— Юраги ураяпти, тирик, — деди.

Бу пайтда камерадагиларнинг ҳаммаси уларнинг атрофига тўпланганди.

— Бир ой қолганди озодликка чиқишингга, — деди уларнинг орасидаги энг новча, кўзойнакли маҳбус. — Ўлиб қолса, умринг шу ерда чирийди.

Бу гапни эшишиб майнавознинг кўзи ўйнаб кетди ва югуриб борганча бир кружка муздай сув олиб келиб Фаррухнинг юзига сепиб юборди. Сесканиб тушган йигит аста-секин ўзига кела бошлади. Дарров уни иккита маҳбус икки ёнидан ушлади-да, каравотига ётқизиб қўйди.

Шу билан кириш қисми тугади. Ҳамма яна боягидек ўз иши билан шуғулланишга тушиб кетди. Орадан икки соат ўтиб, камерага иккита алпқомат барзангি ҳамроҳли-

года ёши олтмишлардан ошган, юзини ажин босган, икки жойида тиртиги бор, сочи оппок, "Кобра" лақабли қамоқхона етакчиларидан бири кириб келди. У Фаррухнинг тепасида бироз туриб, унинг ёзига тикилгач:

—Ким? — деда сўради ёқимсиз қўпол овозда.

Майнавоз қалтирабгина унинг ёнига келди-да, бошини эгиб:

—Мен, — деди деярли пичирлаб.

Кобранинг кайфияти яхши эди. Шунинг учун майнавога индамади. Бошини силаб қўйди, холос. Лекин унинг ёнидаги барзангилар биттадан тепки ҳадя этишди унга. Кобранинг майнавознинг бошини силаши шунга ишора эди. Агар илон шапалоқ туширганда борми, майнавознинг холига маймунлар йиғлар эди.

— Биринчи кун ҳамма бу ерда меҳмон бўлади, меҳмонни хафа килиш одобсизликка киради, — деди у ва камеранинг тўрига ўтиб ўзининг каравотига чўзилди-да, яхшилаб керишиб олгач: — Тўрткўз, — деда бояги новча кўзойнакли маҳбусни чақирди.

— Лаббай, — деда унинг ёнига Тўрткўз югуриб келди.

— Меҳмонни даволаб қўй, яна психбалнисага кетиб қолмасин. Ҳали у билан олди-берди килишга ултурганимизча йўқ.

— Хўп бўлади, — деда Тўрткўз яна ўзининг каравоти ёнига югуриб борди-да, тумбочкасини очиб, дори-дармон олди ва Фаррухнинг ёнига бориб, аввал бошининг ёрилган жойи атрофини ювиб ташлаб, сўнг дори суртди, кейин бинт билан боғлаб қўйди.

У ишини тугатиб бўлгач, Фаррух калласини қимирантиб, "раҳмат", ишорасини қилди.

Орадан ярим соат ўтганидан кейин Фаррух бироз ўзига келиб, атрофига алланглади, кузатди. Шу пайт қамоқхона сокчиларидан бири кириб келди. Ҳамма бирдан ўрнидан турди. Факат Кобра қимири этмади. Фаррухнинг ётганига эса сокчи эътибор ҳам қилмади. У тўғри Кобранинг ёнига борди-да, қанақангидир қофозчани қўлига берди, кейин тезда камерадан чиқиб кетди.

Эринчоқдик билан ўрнидан турган Кобра ёнидан кўзойнагини олиб, букланган қофозни эринчоқлик билан очдида, уни ҳижжалаб ўқиб чиқди. Кейин тиржайиб Фаррухнинг ёнига келди.

— Сенинг ҳамма ёғинг тилло экан-у, билмаган эканман, — деди у кўрсаткич бармоғи билан унинг юзига бир уриб қўйиб.

— Сиз кимсиз? — деди Фаррух устидан бунақа кулишлар жонига тегиб.

— Оббо сен-э, — деди Кобра кулиб, — менинг кимлигимни билмоқчимисан? Жуда қизикувчан болага ўхшайсан. Менга ёқиб қолдинг. Сендай йигитчаларни хурмат қиласман. Ишонмасанг, манавилардан сўра, — у камера-дагиларни қўли билан кўрсатди. — Қани, бир ўрнингдан тур-чи, бўй-бастингга яхшилаб қараб олай.

Фаррух оғриниб ўрнидан туроётганда, боши айланиб кетди ва каравотига ийқилиб тушди.

— Қанжиқ! — дея бақирди жаҳли чиқиб кетган Кобра. — Ипириски!

Майнавоз унинг олдига югуриб келди-да, оёгини ўпишга тушиб кетди.

— Итдан бўған! Маразнинг боласи! — деб бўкирган Кобра уни тепкилай бошлади.

Зумда унинг ёнига иккита барзанги ҳам қўшилди. Бирпасда Ипирискининг соғ жойи қолмади. У буткул хирриллаб қолгачгина, Кобра Тўртқўзга нима қилиб бўлсаям Фаррухни эртагача тузатишни буюрди. Ўзи эса каравотнинг олдига бориб тумбочкасини очди ва Россияда ишлаб чиқарилган пиводан олиб, ютоқиб-ютоқиб ичди, шундан сўнггина бироз чиройи очилди ва столга ўтириб:

— Сигарета! — деди.

Барзангилардан бири ёнидан сигарета чиқариб, тезда тутатди-да, Кобранинг қўлига тутқазди. У мириқиб тутунни ичига тортиб столга ўтиргач, бироз кўзини юмиб турди. Сўнг битта кўзини очиб барзангига қаради-да:

— Бу тойчокни шу кеча байталга айлантирасан, — деди.

\* \* \*

Мохирўйнинг гапи жавобсиз қолди. Зулайҳо у берган саволга жавобан ўзини ўйланиб қолган кишидай тутиб, қошини чимириб турди-турди-да:

— Қизалогим, — деди иложи борича майин овозда гапиришга уриниб, — бўлар-бўлмас bemаза гапларни каллангдан чиқариб ташла. Даданг сенга қўполлик қилган

бўлса, бунинг сабаби битта. У ҳам бўлса сенинг келажа-гинг. Энди ўжарлик қилмасдан манави дорини ичиб олчи, — дея у кўлидаги дорини қизнинг оғзига тиқди.

Мохирўй дорини ичди-ю, лекин келтирилган таомга карамади. Болишга бошини кўйди. Ва дарров ухлаб қолди. Туш кўрди. Тўрт томонидан тўртта аждаҳо унга яқинлашиб кела бошлашди. Бирининг оғзидан олов, иккincinnисиникидан сув, учинчисиникидан қон, сўнгтисининг оғзидан эса кўпикка ўхшаган бир нарса отилиб чиқар эди. Мохирўй шунча харакат қилмасин, кочиб кетолмас, бақирай деса, овози чиқмасди. Аждаҳолар унга яқинлашган сайн биттаси дадасига ўхшаб кетаверса, иккинчиси ойиси шаклини оларди. Қолган иккитаси ҳам одам ба-шарага айланарди-ю, бироқ уларни Мохирўй ҳечам кўрмаганди. Улар қизнинг яқинигинасига келиб қолишганда, Мохирўй "Энди тамом, ўлдим!" деб ўйлаб кўзини чирт юмиб олди. Бироқ, ҳадеганда унга маҳлуклар тегинаве-ришмади. Ҳайрон бўлган киз кўзини очса, аждаҳолар бир-бири билан уришиб ётган эмиш. Гоҳ ойиси дадаси-нинг бўйнидан маҳкам тишлаб, узиб олишга харакат қилас, аммо унинг бўйни қанча чўзилмасин, барибир узилиб кетмас эди. Кейин эркак аждаҳо ургочининг бўйнига ҳамла қиласарди. Лекин у ҳам шунча харакат қилмасин, ойисини ўлдиролмасди. Бирдан қаердандир улар-дан уч хисса катта келадиган маҳлук пайдо бўлди-да, иккисини ҳам бир ямлашда ютиб юбориб, Мохирўйга яқинлаша бошлади. Кўркиб кетган киз, "А-а!" дея бақи-риб юборди ва уйғониб кетди. Унинг тепасида "мехри-бон" ойижониси турарди.

— Қизгинам, сенга нима бўлди? — дея сўради Зулайҳо юмшоқлик билан.

— Аждаҳо, — деди пешонасидан тер қуиилиб келаёт-ган Мохирўй йиглаб, — менга аждаҳолар хужум қилишди.

— Тавба, — деди кулиб Зулайҳо, — шунга йиглаб ётибсанми? Тушга нималар кирмайди. Ҳаммасига йиғ-лайверсанг, кўзингда ёшинг қолмайди... Мен дўхтирга телефон қиддим. Ҳозир етиб келса керак. Манави ярала-рингни қаратмасак бўлмайди. Тушингга кираётган ҳар хил инсу жинсларнинг ҳам сабаби шунда.

— Ойи, — деди Мохирўй хаста овозда, — мен нимагадир уйда сикилиб кетаяпман. Бирон жойга кетсам, салгина ёзилиб келармидим. Майли, иккита соқчи қўйиб қўйинглар ишонмасанглар менга.

Бу таклиф Зулайҳоға майдай ёқиб тушди. Унинг лабида қувонч учқунлари пайдо бўлди. "Шу баҳонада сендан кутулиб оларканман-да, эрка қизим", дея хаёлидан ўтказди у.

— Дўхтири келсин, аввал сени яхшилаб қўриқдан ўтказсин. Кейин дадангга телефон қилиб, ўзим рухсат олиб бераман, — деди у кулиб.

Эшик бирдан қарс этиб очилиб кетди. Остонада күйдирилган каллага ўхшаб тиржайганча Достон турарди.

— Нима керак сенга бу ерда? — дея сўради ойиси ундан.

— Боягина анавини, — дея у Мохирўйни қўли билан кўрсатди, — дадам оқшом роса безаганини менга айтиб беришди. Шунга бир кўриб қўяйин деб келувдим.

— Кет! — дея бирдан йиглаб юборди Мохирўй. — Сендақа укадан кечдим.

"Ким бўпсан-у, шундай олийнасаб боладан кечсанг. Бунинг тирноғигаям арзимайсан-ку", дея хаёлидан ўтказган Зулайҳо қизга бир ўқрайиб қараб қўйди-да:

— Достонжон, унақа демагин-да, уят бўлади, — деди.

— Бунга энг яхши гапирганим шу. Ўзи мени қанча калака қиласди, бировингиз ҳам индамайсиз-ку. Менам энди бир устидан кулиб қўяйин-да, — деди Достон афти бирдан жиддий тус олиб.

— Йўқол! — дея яна бакирди Мохирўй. Бу сафар унинг овози хириллаб чиқди.

— Аввал ўзинг уй қуриб қўй, кейин мени уйдан ҳайдайсан, саёқ. Бу кунингдан баттар бўл. Агар дадамнинг ўрнида мен бўлганимда, бирдан ўлдирган бўлардим, — деди Достон ва орқасига бурилиб чиқиб кета бошлади.

Ўғлининг гапларидан Зулайҳо мамнун эди. Достон айнан унинг кўнглидаги гапни топиб айтганди. Агар ҳозир унинг режалари бўлмагандан, уйдан ҳайдаш қанақа бўлишини бу етимчага кўрсатиб қўйган бўларди.

— Хафа бўлма, қизим, ўзим ҳозир ташқарига чиқиб, яхшилаб адабини бериб қўяман. Келиб сендан кечирим сўрайди, — деди Зулайҳо Мохирўйнинг социдан силаб.

— Керакмас, мендан кечирим сўрамасин. Шунинг қорасини кўрмасам бўлди, — дея қиз юзини ёстиги билан бекитиб йиғлашга тушди.

Бироз унга қараб турган Зулайҳо Моҳирўйга ўзини яқин олган киши бўлиб, чукур хўрсинди-да, секин ўғлининг орқасидан чиқиб кетди.

"Ниятларинг нима ўзи? — дея пицирлади у чиқиб кетганидан кейин Моҳирўй. — Нега мени бунчалик қийнайсанлар? Биринг уриб чалажон қилиб ташладинг, иккичинг етимчага чиқардинг, энди манави жинқарчанг келиб устимдан куляяпти. Агар сенларга жуда керагим бўлмаса, уйларингдан ҳайдаб юборинглар, бира-тўла ҳамманг кутуласан... Менимча, ўзимнинг бош олиб кетишими истаяпсанлар. Яхши, мен бунгаям кўнаман. Фақат бироз сабр қилинглар. Озгина оёққа туриб олай, кейин беозоргина, ҳеч кимга билдирмасдан, зиён етказмасдан кетаман".

Икки соатдан кейин Зулайҳо айтган дўхтири келиб, обдон Моҳирўйни кўриқдан ўтказгач, лабини тишлаб, бошини сарак-сарак қилди-да, уй бекасини имлаб, ташқарига чиқишга унади.

— У сиз айтганчалик йиқилиб тушмаган, қаттиқ калтакланибди. Бу ахволда майиб бўлиб қолиши ҳам ҳеч гап эмасди, — деди дўхтири қабариқ кўзойнагини кўлига олиб.

— Бахром ака, қизиксиз-а, — деди Зулайҳо, — бизнинг уйга ким ҳам кириб қизимизни калтаклаб кетиши мумкин? Агар у ер-бу ери кўкарған бўлса, ҳечқиси йўқ, тузалиб кетади. Фақат жароҳати жиддий эмасми, чунки иситмалаб қолди-да.

— Жароҳати жиддий эмас, — деди дўхтири хўрсишиб, — лекин қиз бола бошига шунчалик калтаклаш шарт эди-ми? Ўзиям кўзга яқин экан.

— Балки шунинг учун ҳам ушбу хонадондан амалдорлар етишиб чиқаётган бўлса керак. Бу ёғини бизга қўйиб беринг. Нима қилиш кераклигини ўзимиз яхши биламиз.

— Ўзингиз биласиз, — деди дўхтири қўлини икки ёнга ёзиб, — менинг вазифам айтиб кўйиш, огохлантириш, холос.

Дўхтири Моҳирўйнинг жароҳатини тезроқ тузатадиган дори-дармонлардан ёзиб берганидан кейин битта укол қилди-да, чиқиб кетди.

Мохирўй икки кундан кейин бутунлай оёққа туриб кетди. Бирок у энди ҳардамхаёл бўлиб қолганди. Киз кулмас, доим жиддий қиёфада юрар эди.

Турғун Фаниевич ишга чиқиши билан унга марказдан текширувчилар келишганлигини, уларни область бўйича олиб юриш унинг зиммасига юклanganлигини айтишди. У парво ҳам қилмай, тўғри биринчи котибининг олдига кириб борди.

—Комиссия билан бирга юрадиган биздан бошқа одам куриб кетган экан-да, — деди у салом-алиқдан кейин дарров мақсадга кўчиб. — Шу ердаям ишларимиз тикилиб ётган эди.

— Турғун Фаниевич, сизнинг обрўйингиз областда қанақалигини яхши биласиз, — деди биринчи котиб, — ҳатто марказдагилар ҳам бундан хабардорлиги ҳеч кимга сир эмас. Келган меҳмонлар нозикроқ, улар билан тил топишиш фақат сизнинг кўлингиздан келади. Шунинг учун бу вазифани ишониб сизга топширдик.

— Ўзи қачон караманг, доим мен "крайний" бўлиб қоламан, — деди Турғун Фаниевич кулиб. — Фақат биздаям кичкинагина илтимос бор.

— Қанака экан ўша илтимос? — деди биринчи котиб сергак тортиб.

— Меҳмонларни кузатиб қўйганимдан кейин бир ой дам берсангиз. Йил давомида тинимсиз ишлагандан кейин одамнинг тинкаси қуриб кетар экан.

— Бу муаммо эмас, сиз ишни уддаланг, кейин, майли, Сочига йўлланмани биз берамиз.

— Швейцарияга йўлланма келган деб эшитгандим. Хорижга чиқиб келсак, кайфият бошқача бўлармиди?

— Ернинг тагида илон қимирласа хабар топадиганлардан сиз-да, — дея ўрнидан туриб Турғун Фаниевичнинг ёнига келган котиб унинг елкасига қоқди. — Бир йилда қариб уч мартадан чет элга чиқиб келаяпсиз. Бу сафар бошқаларга шу бор-йўғи иккитағинани берсакмикин деб ўйлаб тургандим.

— Швейцария деган мамлакат ҳаритадагина борлигини билиб қолмайлик, хўжайин. Бунинг устига, қизимиз бетобланиб турибди, ҳаво алмаштириб келса, дардига дармон бўладими, деб ўйлагандик-да.

— Майли, Турғун Фаниевич, ўйлашиб күрайлик. Сиз ишни битириб келишингиз билан, ажабмаски, ижобий жавоб тайёрлаб қўйсак, — дея кайфияти бузилган кўйи жойига бориб ўтири биринчи котиб.

"Рози бўлмай қаёққа ҳам борардинг? Жиловинг менинг кўлимда. Озгина тайсаллассанг, онангни Учкўргондан кўрсатиб юбораман", дея ўйлаган Турғун Фаниевич ўрнидан турди-да:

— Мехмонлардан хавотир олманг, уларни рисоладаги дай қилиб кузатиб қўяман, — деди.

Амалдор чиқиб кетгач, биринчи котиб алам билан столни муштлади. "Падарингга минг лаънат сендақа итни! Қайси гўрдан ҳам тузоғингга илиниб қолдим? Агар олдингда тилим қисиқлиги бўлмаганида, йўқ қилиб юборган бўлардим. Бор-йўғи ҳар икки йилда бир марта кела-диган йўлланмага ҳам эга чиқмоқчисан-а! Сенинг шунақа қилифингни билганим учун кетма-кет чет эл сафарларига юборгандим. Барибир кўрнамаклик қилдинг", дея хаёлидан ўтказди у.

Бундан беш йил бурун биринчи котиб марказда ишлаб юрганида ўғли иккита қизни зўрлаб, кейин ўлдириб қўйгани учун ҳибса олинган эди. Шубҳасиз, мабодо у камалиб кетадиган бўлса, ота амалидан айрилар, партиядан ўчирилар эди. Ота елиб-югурди. Бироқ шаҳар прокурорининг қайсарлиги тутиб, унинг айтганини бажармади. "Ўғлингизни қамашдан бошқа иложимиз йўқ", деб туриб олди. Шунда у бу прокурорга "калит" қидиришга тушди ҳамда кутилмаганда марказга иш билан келиб қолган Турғун Фаниевич билан дуч бўлди. Биринчи котиб у билан Москвада, съездда танишган эди. Ушанда Турғун Фаниевич анчагина хотамтойлик қилиб, мажлисдан кейин ресторанга олиб борган, ундан кейин эса иккита оқбилиакни топиб, котибга совға қилган эди. Табиийки, буларнинг бари бекорга эмасди. Кейинчалик марказда ишлайдиган бу амалдор икки марта Турғун Фаниевич ишлайдиган областга борганида унинг найрангларини сезган ва кўзини юмганди.

— Нега бунчалик қайгулисиз? — дея сўраганди саломаликдан кейин Турғун Фаниевич бирданига.

Биринчи котиб бироз "Айтсамми, айтмасамми?" — деб иккиланиб қолади.

— Ака, сизга қарздормиз, муаммонгизга шерик бўлол-масақ, уят бўлади, — деган шунда Турғун Фаниевич юзи-га қайгули тус бериб.

Шундан кейиғнина биринчи котиб дардини достон қилганди.

— Уни ўйламасангиз ҳам бўлади. Сизга ҳурматимиз баланд. Шугина муаммонгизни ҳал қилиб беролмасак, нима қилиб укалик қилиб юрибмиз, — деган эди Турғун Фаниевич.

Бу гапдан кейин котиб тилло топиб олган одамдай кувониб кетган ва Турғун Фаниевични қучоқлаб олганди.

Орадан бир ҳафта ўтганидан кейин шаҳар прокурори-нинг автомобиль ҳалокати натижасида ҳалок бўлганлиги ҳақидаги хабар тарқалди. Ўша куннинг ўзидаёқ унинг ўрнига бошқаси тайнинланди. У тезда биринчи котибнинг ишини ҳал қилиб берди. Тўғрироғи, биринчи котиб уму-ман аралашмади. Барини хамирдан қил суғургандай қилиб Турғун Фаниевич бажарди.

Тақдир чархпалаги айланиб, орадан уч йил ўтганидан кейин марказда ишлаётган амалдор Турғун Фаниевич-нинг обlastига биринчи котиб бўлиб келди. Улар бир йилча иноқ ишлашди. Ҳатто орасидан қил ўтмайдиган даражада дўстлашиб ҳам кетишиди. Аммо бир йилдан кей-ин биринчи котиб Турғун Фаниевичнинг кўп қинғирлик-ларидан воқиф бўлиб қолди ва уни лавозимида ушлаб туриш ўзига ажални чорлаш билан баробар эканлигини сезиб, ишдан бўшатмоқчи бўлди. Ана шундан кейин Турғун Фаниевич кўлида бор фактларнинг биринчисини унга кўрсатди. Бу биринчи котибнинг Москвадаги оқби-лаклар билан бирга ўтказган ишқий лаҳжалари сурати эди.

— Менда прокурорнинг тасодифий ўлими ва бир амалдорнинг ўғлининг қилган майнавозчиликлари тўғрисида-ги фактлар ҳам бор. Албатта, улар бир неча нусхада. Оригиналлари Москвада сакланади, — деган эди Турғун Фаниевич иржайиб.

Шу воқеадан кейин биринчи котиб Турғун Фаниевич-га ортиқча гап-сўз қилолмай қолди. У нимаики айтса, ҳаммасини шундайича адо этадиган бўлди.

\* \* \*

Марказдан келган мөхмөнлар икки киши экан. Бири Турғун Фаниевич билан бирга партия мактабида ўқиган эди. Уни кўриши билан амалдор бирдан қучогини очди:

—Дўстим, сен келишингни билганимда, ўзим йўлга чиқиб кутиб олган бўлардим, қўнғироқ қилиб бир оғизгина бораяпман деганингда бўларди-ку.

Улар қучоқлашиб кўришишгач, машинага ўтиридаларда, тўғри ресторанга йўл олдилар. Мехмондорчиликни ҳар доимгидай қуюқ қилган Турғун Фаниевич "Хўш, энди нима қиласиз?" деган назар билан текширувчига қарди.

— Расмиятчилик учун, — деди Турғун Фаниевичнинг нигоҳидаги маънони уққан текширувчи, — бир-иккита объектга борамиз, ундан кейин бутунлай ихтиёргингда бўламан, дўстим.

— Бу гап бошқача бўлди, — дея илжайди Турғун Фаниевич. — Эркак шундай гапиради-да. Унда мен сенга режамни айтайн, ҳозирдан тайёргарлигингни кўриб қўймасанг, кейин қийналиб коласан.

— Ишқилиб, устимга тегирмон тошини ортмайсанми?

— дея ҳазиллашган бўлди текширувчи.

— Тегирмон тоши нима экан! Шундай юкни орқала таманки, белингдан кувватинг кетади.

Иккала дўст ҳам бирдан қах-қах отиб кулиб юборишиди.

— Унда шу юкни эртароқ ортгин, белдаги кувват туравериб айнибам кетди.

— Гап бўлиши мумкин эмас, — дея Турғун Фаниевич ўрнидан туриб, ресторанда хизмат қилиб юрган хизматчи аёл ёнига борди-да, унинг кулоfiga: — Иккита янгисидан бўлсин, икки соатдан кейин олиб кетаман, — деди пичирлаб.

— Хўп, акаси жонидан, — деди жувон кўзини сузуб, — сиздай хотамтой одам айтади-ю, бажармасак уят бўлар.

— Жуда шумтакасан-да, бирдан пулни эслатасан, — деди Турғун Фаниевич жилмайиб.

— Ака, касбим шунаقا. Ўрганиш бўп қолган, шунинг учун айбга буюрмайсиз, — деди жувон.

— Бўпти, унда мени уялтириб қўймайсан, деган умиддаман. Мехмон анча нозик. Келишдик-а?

— Бўлмасам-чи, — дея жилмайганча жувон нари кетди.

— Ҳаммаси ҳал бўлди, дўстим, — деди Турғун Фаниевич меҳмоннинг ёнига бориб, креслога ўтирад экан. — Ишни бошлайверсак ҳам бўлар.

Аввал улар чой қадоқлаш фабрикасига боришиди, текширувчи жиддий тортиб, ишчилар билан гаплашган, уларнинг қилаётган ишларини кузатган бўлди. Кейин директорнинг аввалдан тайёрлаб қўйган "бир пиёла чой"ига ҳам қарамасдан, цемент заводига кетишиди. У ерда ҳам номига хужжатлар кўрилди, дастгоҳдар кўздан кечирилди ва ишни битиришиди. Бу вақт мобайнода Турғун Фаниевич югурдакларига кўнғирок қилиб тоғда яхшигина жой тайёрлаб қўйишини ва ресторандаги иккита оқ билакни олиб кетишини буюрди.

— Билсанг, — деди йўлда кетаётганларида текширувчи Мурод Болиевич амалдорнинг тиззасига юмшоккина уриб, — ҳамма нарсадан чарчадим. Тўғриси, бу ерга сен билан дам олиб кетиш учун келгандим. Шунинг учун каттага: "Бориб келайин, ҳам областдаги ишларни кўздан кечираман, ҳам дам оламан", дедим. Катта жуда тушунадиган одам, йўқ демади. "Одам ишлашним, дам олишниям билиши керак", деди.

— Тўғри айтибди, — деди Турғун Фаниевич деразадан ташқарига караб кетар экан, — ўрнига мен бўлганимдаям шунака деган бўлардим. Ҳаётга бир марта келсак. Шуниям итнинг кунидай қилиб ўтказишимиз керакми?.. Шунақангиларига "заказ" бериб қўйдимки, кўрсанг оғзингдан сувинг оқади.

— Биламан, дидинг бало! — деди Мурод Болиевич кулиб ва ёнидан сигарета олиб лабига қистирди.

Дид ҳақида гап бошланиши билан Турғун Фаниевич Моҳирўй ҳақида ўйлади.

\* \* \*

Кобра нари кетгач, Фаррухни ўз холига қўйишиди. Фаррух унинг нима демоқчи бўлганини яхши анлаган эди. Шу боис қони бирдан кўпириб кетди. Ўрнидан тура солиб илоннинг бошини мажаклаб ташламоқчи ҳам бўлди. Бироқ вужудидаги оғриқ қўзғалишга йўл қўймади. У кўзи ни юмди-да, лабини маҳкам тишлади. "Нима бало кил-

моқчи булар, одамлар орасига тушдимми ўзи? Мени ким деб ўйлашайпти? Йўқ, бунисига чидолмайман. Майли, ўлсам ўлиб кетаман, лекин ўзимни шарманда қилдириб қўймайман", дея хаёлидан ўтказди у.

— Яхши бўлиб қолдингми? — деган овозни эшитган Фаррух чўчиб кўзини очди.

Унинг тепасида ҳалиги Турткўз турарди. Фаррух унинг кўзига тикилган кўйи жим тураверди.

— Ҳечкиси йўқ, — деди Тўрткўз, — бардам бўл, оғайнини. Буларнинг одати шунаقا. Аввал тегиниб кўришади. Агар юмшоқлик килсанг, ҳолингга маймунлар йиғлайди. Яхшики, ўзингга пишиқ экансан. Агар шундай давом этказсанг, марра сеники бўлади.

Фаррух унинг гапларига кулоқ солиб ётар экан, вақти келиб марра уники бўлишига кўзи етмасди.

— Жа бу билан тил топишиб қолганга ўхшайсан-а, — деди уларнинг ёнига келган барзанги. — Шефнинг гапини эшитдингми? Бу тойи бугун меники бўлади. Унгача биронтанг олдига яқинлашма, хуркитиб қўясан.

— Акам, сизнинг гапингиз гап, — дея Тўрткўз нари кетди.

— Ўзимнинг тойчогимдан! — дея барзанги Фаррухнинг юзидан чимдиди қўйди.

Асаблари таранглостиб турган Фаррух унинг қўлинин силтаб ташлади.

Бирдан жаҳли чиқиб кетган барзанги унга энди қўл кўтармоқчи бўлганида:

— Тўхта, — дея уни тўхтатиб қолди Кобра, — ҳали вақт бор. Бироз ўзига келиб олсин, кейин...

Фаррухни кечки овқатга ўнг томондаги қўшни маҳбус етаклаб борди. Унга Кобра шунаقا буйруқ берган эди.

Беш юздан зиёд маҳбус навбатда туриб овқат олишар, сўнг сал наридаги умумий столга ўтириб, шоша-пиша овқатланишга тушишарди. Айрим маҳбуслар эса, навбат ҳам кутмай, тўғридан-тўғри столга ўтиб ўтиришарди. Улар "авторитет" унвонига сазовор бўлганлар эди. Бундайларнинг емакларини югурдаклари етказиб беришарди.

Фаррух биринчи лукмани оғзига соганидан кейин уни чайнашга қийналди. Жағи оғриб кетаверди. Шундай бўлса-да, амал-тақал қилиб, тўрт-беш кошиқ овқат ютишини уddaлади.

— Шуми, бугун келган йигитча? — деган овоз келди ёнгинасидан.

Фаррух бошини кўтариб тепасига каради. Басавлат, соқоли қиртишлаб олинган, сочи силлиқ тараалган, кўзи чақнаб турган кирк ёшлардаги киши унга жилмайиб қараб турарди. Унинг ёнида эса иккита барзанги атрофга ола-зарак боқарди.

Фаррух ўзи билмаган ҳолда ўрнидан туриб кетди.

— Ўтиравер, ўтиравер, — деди ҳалиги одам йигитнинг елкасидан босиб, — бемалол овқатингни еявер. Менга, мана, ёнингдан жой бўшатишди.

У Фаррухга гапира бошлаганидаёқ, овқатлари "захар" бўлган ёнидаги маҳбуслар ўрниларидан туриб кетишиди. Шунинг ўзиданоқ чўпон йигит келгувчининг мавқеи қай даражада эканлигини билиб олди. Шу боисдан ҳам яна биронта машмаша бошланиб қолишидан хавотирланганча, "хўп", дегандек бош силкиди-да, қайтадан жойига ўтириди.

— Таълим-тарбия ишларини нафас олишга улгурмасингдан бурун бошлаб юборишибди-да, — дея гапини давом этказди Фаррухнинг ёнидан жой олган маҳбус ён-атрофига қараб оларкан. — Исминг Фаррухми?

— Ха, — деди йигит овқатидан кўзини узмай.

— Бироннинг қарз гапини ўз вақтида етказмаслик яхшимас.

"Бунисиям ўйинини бошлади-ку", дея хаёлидан ўтказган Фаррух "Тушунмадим" маъносида келгувчига қаради.

— Босснинг саломини нега ўз вақтида етказмадинг?

Бу саволни эшлитиши билан Фаррухнинг кўнглида қаршишидаги кишига нисбатан қандайдир илиқлик пайдо бўлди. Унинг ички ўзгариши ташига ҳам кўчиб, юзига табассум югорди.

— Сиз Чувалчангмисиз? — деган савол беихтиёр оғзидан чиқиб кетди.

Чувалчанг ўзини бундай аташларини ёқтирмаади. Буни билган танишлари унинг хақиқий исмини айтиб чақиришарди. Лекин "авторитетлар" ўзлари қўйган лақабни афзал билишар эди.

— Бундан бу ёғига, — деди Чувалчанг қошини чимириб, — мени Баҳодир aka деб чақирасан. Уқдингми?

— Хўп, — деди қизариб кетган Фаррух.

— Босс тузукмилар?

— Ха, яхши. Мен у кишининг гапини келганимданоқ сизга етказмоқчи эдим. Лекин имкони бўлмади. Бирдан фалончи ким деб сўраш ноқулай бўлди.

Чувалчанг унинг ёш болаларга ўхшаб гапиришидан кулади. Бошини силаб кўйди.

— Ноқулайлик "тражданка"да бўлади. Бу ерда нима иккни гапирсанг, ҳаммаси кулай. Фақат нима гапиришни яхши билиш зарур. Бўпти, сен билан бошка гапларни эртага гаплашамиз. Энди сени безовта қилишмайди, — деда Чувалчанг ўрнидан турди-да, тўғри Кобра ўтирган жойга кетди.

Илон Чувалчангнинг Фаррухнинг ёнига борганлигини, у билан гаплашганлигини ва ҳатто "тойчок"нинг бошини силаганлигини кўрганди. "Чувалчангга унинг нима алокаси бор? Нега у билан ҳол-ахвол сўрашди? Нима ҳакда гаплашишди улар?" каби саволлар унинг миясида гужгон ўйнар эди. Азалий рақиб саналган Чувалчангнинг ўзи томонга келаётганлигини кўрганидан кейин эса, бирдан хушёр тортиди. Ёнида ўзи каби хушёр ўтирган йигитини ҳар эҳтимолга қарши туртиб кўйди.

— Менинг чегарамни буздинг, — деди Кобра гўё овқатланаётгандай олдидаги косадан бир қошиқ луқманни оғзига солаётиб.

— Сен Босснинг дарахтини юлибсан, — деди пинагини бузмай Чувалчанг.

Босснинг номини эшишиб, Кобранинг кўзлари олайиб кетди. Вужудига енгил титроқ кириб, ичидан бир нима чирт этиб узилгандай бўлди. Оғзидаги луқмасини ҳам ютолмай қолди.

— Боссга тегишли эмас у, — деди Кобра ўзида содир бўлган ўзгаришни сездирмаслик мақсадида.

— Тегишли ё тегишли эмаслигини эртага билиб оласан. Унгача унинг ёнидан ел ҳам ўтмаслиги керак. Яна бир нарса: эртагача унинг жароҳатларини тузатиб қўйишни ҳам эсингдан чиқарма, — деди Чувалчанг ва Кобранинг олдидаги нондан бир бурда синдириб олди-да, оғзига солганча ундан нари кетди.

Кобра ўтирган жойида музлаб қолганди. Нигоҳи бир

нуктага қадалган, хаёли даҳшатнинг минг бир кўчасига кириб чиқарди.

Бугунги олган хабари унга амалдордан, аникроғи, унинг "лайча"си ҳисобланмиш Новчадан келганди. Бундай буйрүк келдими, демак, у албатта бажарилиши шарт эди. Чунки Кобра Турғун Фаниевичнинг одами ҳисобланарди. Бир пайтлар Кобра наша чекиб ўзининг хотини билан қизини ўлдириб кўйган ва ўлим жазосига ҳукм қилинганида, Турғун Фаниевич уни бу жазодан қутқариб қолганди (Холбуки, судья танаси бурда-бурда қилиб ташланган она-боланинг хуни учун, қотиллик ҳаддан ташқари даҳшатли бўлганлигини сабаб қилиб кўрсатди-да, ўлим жазоси бермоқчи эди. Аммо кундан-кунга мавқеи ошиб, кўп жойларда ўзининг одамига эга бўлишга ултурган Турғун Фаниевич унинг йўлига тўғаноқ бўлди. Турғун Фаниевич Кобранинг қилмиши ҳақида эшитганидан кейин: "Бирор коримга яраб қолар", деган ўйда уни ўлимдан олиб қолди. Ва айнан унинг қўллаб-қувватлаши билан Кобра шу даражага етди. Айни пайтгача Кобра амалдорнинг саккизта буюртмасини бажарди. Шулардан олтида-си қотиллик эди).

Амалдорнинг буйругига кўра, Фаррух қамоқхонадан умрбод чиқмаслиги керак эди. Яъни, Фаррух ўлмайди, лекин бир умр қамоқхонада яшаб, итнинг кунини кўради.

Аммо кутилмаганда бу гўдакнинг Боссга тегишли чиқиб қолиши Кбрани саросимага солди. Икки ўт орасида қолган илон чора излади. Нихоят, кечки овқатдан сўнг ўша чорани топгандай бўлди.

Фаррух камерага қайтиб борганидан кейин ўзига нисбатан муомала бутунлай ўзгарганлигини кўриб ҳайрон бўлди. Ҳеч ким унга ёвқарашиб қилмади. Коциримли гап айтмади. Девсифат барзангি ёнига келиб, "Ука, мендан ўтиби, ортиқча гапириб қўйибман, ҳазиллашгандим. Буни тўғри қабул қиласан. Сенам эркаксан-ку. Эркаклар ҳамма гапни гапириб кетаверади", — дея кечирим сўраган бўлди. Лекин Кобра унинг ёнига келмади, кечирим сўрамади. Орияти йўл қўймади унинг. Фақат ётган жойида тиржай-иб қараб турганлигини Фаррух кўрдию, Чувалчангнинг қанчатил кучга эга эканлигини тан олди. Оғзи куйган қатиқни ҳам пуфлаб ичади деганларидек, унга нисбатан

ҳар қанча юмшоқлик бўлмасин, чироқ ўчганидан кейин ҳам Фаррух анча маҳалгача ухламасдан ётди. Ҳаёлида ҳозир анави барзангилардан бири келиб, унга ташланиб қоладигандек бўлаверди. Фаррух ёшлигидан кўп ухламасликка ўрганган эди. Шундай кунлари бўлганки, туни билан мижжа қоқмасдан фонус кўтариб қўранинг атрофини айланиб юрган.

Ҳамма тошдек қотиб ухлагандан кейин Кобранинг каравоти гижирлади. Фаррух бутун диккат-эътиборини шу томонга қаратди. Кобра секин ўрнидан турди-да, чап томонида ухлаб ётган маҳкумни тутиб уйғотди. Бу барзанги эди. Барзанги каравотидан тушгач, унинг қулогига илон аллаималар деб шивирлади-да, яна қайтиб каравотига чўзилди. Барзанги овоз чиқармасдан қадам ташлаб борди-да, шеригини уйғотди. Иккаласи алланималарни келишиб олганларидан сўнг, секин Фаррух томонга яқинлаша бошлашди. Фаррух мабодо улар ташланиб қолишиса, ён томонини мўлжаллаб турди. Бироқ иккала барзанги ҳам унга ташланмади. Балки, кундуз куни уни обдон элакдан ўтказганлардан бири -- Қилтирикнинг ёнига боришиди ва унга бироз қараб турганларидан кейин Кобра уйғотган барзанги ёнидан пичоқ чиқарди. Иккинчи барзанги эса, Қилтирикнинг ёстигини тортиб олиб, унинг юзига босди. Қилтириқ типирчилаб қолганида кўкрагига ханжар санчилди. Яна озгина муддат типирчилаб ётган Қилтириқ тинчиб қолди. Шундан кейин навбат Фаррухнинг ёнидаги маҳбусга етди. У ҳам худди шу усуlda ёруғ дунёни тарқ этди. Энди барзангилар Фаррухнинг ёнига яқинлашишди. Йигитнинг ичи музлаб кетди. У хиёл кўзини очиб, мабодо ёстигини тортиб олмоқчи бўлишиса, бирдан ўрнидан туриб кетмоққа шайланди. Бироқ барзангилар унинг ёстигини тортиб олишмади. Иккитасини тинчитган барзанги секинлик билан қонга бўялиб ётган пичноқни Фаррухнинг болиши остига тиқиб кўйди. Бу лаҳза шунчалик ваҳимали кечдики, йигит адойи тамом бўлаёзди.

Ҳамма ишни битирганларидан кейин барзангилар яна жойларига бориб ётишди. Орадан ярим соат ўтгач, уларнинг хурраги эшитила бошлади. Аммо Фаррухнинг уйкуси буткул ўчиб кетган, вужуди дағ-дағ қалтирап эди. Шу

алпозда у яна талай муддат ётди. Кейин унинг миясига "Нега улар пичоқни менинг ёстиғим тагига тиқиб қўйишиди? — деган ўй келиб, янаям сергакланди. — Бу бекорга бўлмаса керак. Булар бирон нимани мўлжаллашган кўринади. Балки, қилган ишларини менинг бўйнимга ағдармоқчи бўлишгандир? Ҳа, худди шундай қилишмоқчи булар. Агар ҳозироқ бунинг олдини олмасам, қутулмас балога қолиб кетаман". Фаррух секин бошини кўтариб атрофига каради. Иккита мурдадан бўлак ҳамманинг уйкуси осудалигини кўргач оҳиста ўрнидан туриб, эҳтиёткорлик билан болишининг остидаги пичоқни олди-да, шундоққина тепасидаги каравотда, иккинчи қаватда дунёбебхабар бўлиб ётган Майнавознинг кўрпаси тагига тиқиб қўйдию, яна ўрнига чўзилди. Бироз ўтгандан кейин эса тағин ўрнидан туришга тўғри келди. Сабабки, болишида ҳам қон доғи қолганлигига унинг шубҳаси йўқ эди. Болиш худди бояги усуlda Қилтириқникига алмаштирилди. Кўнгли бироз хотиржам тортган Фаррух чойшабини ҳам кўрикдан ўтказди. Бахтига, унга қон юқи тегмаган эди.

Эрталаб бирдан ҳамма ёқ тўполон бўлиб кетди. Ўн бештacha соқчи йигитлар кўлларида резина таёқча кўтарғанларича югуриб киришди. Бурчакка сафланишга ултурган маҳбус улгурди, улгурмагани икки-уч мартадан резина таёқнинг "маза"сини татиб кўришга мажбур бўлди. Албатта, ҳали қамоқхонанинг паст-баландини тушуниб улгурмаган Фаррух ҳам бу насибадан қуруқ қолмади.

Тинтуб бошланди. Ҳамма маҳбуснинг тумбочкаларидан тортиб, кўрпа-ёстиқларигача ағдар-тўнтар килиб ташланди. Бундан Кобранинг кувончи чексиз эди. У ҳатто бироз жилмайиб ҳам турарди. Бироқ бу жилмайиш узокка чўзилмади. Кутимаганда Фаррухнинг эмас, балки Майнавознинг кўрпаси тагидан конга бўялган ханжар чикиб қолди. Бу матоҳ топилиши билан бараварига тўртта соқчи Майнавозга ташланишди. Уни аввал обдон тепкилашди. Сулайиб полга чўзилиб қолганидан кейин судраб олиб чикиб кетишди. Кобранинг эса қовоғидан қор ёғар эди.

— Бу, — деди қамоқхона бошлиғи ҳамма иш тамом бўлганидан кейин кириб келиб, — битта одамнинг иши эмас. Қолаверса, Бердиқул шундай иш қилолмайди.

Кимлардир қилғиликни қилиб кўйиб, беозоргина одамга ағдарган. Агар ўша одам ўзининг хоҳиши билан ўртага чиқиб, айбини тан олмаса, ҳаммангни онадан туғилган-ларингта пушаймон едираман!

Бироқ ҳеч ким "Менман ўша қотил", демади. Ҳамма мум тишлагандай жим тураверди.

— Яхши, — деди камоқхона бошлиғи қалин қошлари бир-бирига туташиб, — унда сен, сен, — дея элликта одам ичидан танлай бошлади у, — олдинга бир қадам чиқинглар.

Танланганлар орасида Кобранинг шериклари ҳамда Фаррух ҳам бор эди.

Ўн икки кишини маҳсус жазо камерасининг ёнига олиб боришиди. Кобранинг шерикларини бошқа ёққа олиб кетишиди.

Жазо камерасига икки кишидан киритиларди. Колганлар эса аввалги киргандарнинг чинқириклари, нолаларини эшитишиб, олдиндан адойи тамом бўлишар эди. Фаррухга "Сен ёшсан, аввал кириб чиқ", дейишимади. Атайдан уни охиргига кўйишиди. Умуман, у ерда ёш танланмас эди, бир бошдан киритиб юборилавериши керак эди жазо камерасига. Фаррух олдинги каторда турган эса-да, ҳар доим "Сен кейинроқ тур", дейишиб, ундан ортдагиларни киритиб юбораверишиди. Киргандар йигирма дақика мобайнида дунёга келганларига пушаймон еб бакиришар, ташқаридагилар навбати келгунча уларнинг азобли овозларидан кўпроқ азият чекишарди. Ниҳоят Фаррухга ҳам навбат етди.

— Бу азобдан қутулишнинг ягона чораси бор. Бир-биrimизга ёрдам беришимиз керак, — деди унга шерик бўлиб қолган маҳбус жазо камерасига киришлари арафасида. — Мен сенинг бошингни ёпаман, сен меникини. Агар бир-биrimизга ёрдам бермасак, иккаламиз ҳам тамом қоламиз. Тушундингми?

— Ҳа, — деди Фаррух қалтираб.

Уларни олиб киришиди-да, маҳсус мосламага киргизишиди. Бунда қўл баландга қилиб, оёқ икки ёнга ёзилиб кишиланнанар, бош эса қўмирламайдиган қилиб маҳкамланарди. Сўнг тепадан бошнинг қоқ марказига қайнок сув томчилай бошлар эди. У аста-секин шунчалик ёмон

таъсир қиласы, худди бошингдан мих қоқаётгандек сезардинг ўзингни.

— Кўлинг билан бошимни ёп! — деди Фаррухнинг шериги сув томчилай бошлиши билан.

Фаррух қўлини бироз айлантириб орқа томонига чўзди. Тепадан келаётган сув унинг қўлига тегиб, қўли орқали баданига оқиб туша бошлади. Гарчи у қўлини куйдириб юбораётган эса-да, баданига етиб келгунча анча совиб қоларди. Асосийси эса, бошга бирон томчи ҳам сув тушмасди.

Даставвал уларнинг иккиси ҳам қўллари куя бошласада, чидаб туришди. Охири чидашнинг ҳам иложи қолмади. Бири қўйиб, бири бакиришга тушишди. Бор-йўги йигирма дақиқанинг шунчалик узун бўлишини Фаррух ўшандা илк маротаба ҳис этди.

Уларни ечиб олишганида иккисининг ҳам қўли пухфакдай шишиб кетганди.

Ўн икки маҳбус муздай камерага тиқилди. Тортилган шундай азобдан кейин таналарига камеранинг муздай бетони роҳат бахшида этаётган эса-да, энди намлик кучини кўрсата бошлади.

— Ўтирма, битта жойда қаққайиб ҳам турма, — деди азобдан афти бужмайиб кетган, гоҳ-гоҳида қўлини пухфлаётган маҳбус Фаррухга қаратса, — йўқса, суюкларингни шамоллатиб кўясан.

Фаррух унинг айтганини қилиб, у ёқдан-бу ёққа юриб турди. Бошқалар эса муздай бетонга ётганларича қимир этмас эди.

Бир соатлар чамаси вақт ўтганидан кейин Фаррухни олиб чиқишида-да, қамоқхона бошлигининг хонасига олиб боришиди.

— Менинг исмим полковник Эдуард Анисимов, ўзбек тилини сендан яхши билсан биламанки, лекин кам билмайман. Шунинг учун иккаламиз бемалол сухбатлашамиз. Кофе ичасанми ёки чой? — деди бошлиқ илжайиб.

Фаррух жавоб бермади. Бошини эгганча тураверди.

— Ҳа, майли, — деди Эдуард Анисимов йигитдан садо чиқавермагач. — Унда ўзим истаган нарсани айтаман, — дея соқчига чой олиб келишни буюорди.

Кейин юмшоқлик билан Фаррухни ўтиришга таклиф қилди.

— Анча ёш экансан, сенинг ёшиңдагилар ўқиши ҳақида ўйлайди, ишни ўйлайди, ана боринг, биронта қизни севиб қолиб, шу қиз ҳақида хаёл суради.

Турма бошлиғининг сўнгги гапидан кейин Фаррухнинг ҳаёлига Моҳирўй, унинг тўзал табассуми келди. У ширин энтикиб қўйди.

— Сен бўлсанг, — дея гапида давом этди Эдуард Анисимов, — қамалиб ўтирибсан. Яна келиб-келиб райондаги энг обрўли раиснинг бошини ёргансан. Бу яхши эмас. Атбатта, сенинг ёшиңгда ҳамманинг ҳам кони қайнаган бўлади. Ўзларича тоғни урсам талқон қилиб ташлайман, деб хаёл қилишади. Буларнинг бари бекор гап. Қўлидан барибир ҳеч нарса келмайди. Мана битта мисол — сен.

Фаррух унинг гапларини эшитиб ўтиаркан, алам билан лабини тишлади. Бир зум қўлининг оғриғи ҳам унут бўлди.

— Аҳволингга қара, болам, — дея янада юмшоқ оҳангга ўтди турма бошлиғи, — сени қўриб менинг юрагим эзилиб кетди. Энди бир умр шундай яшолмайсан-ку, сен ҳам одам бўлиб дунёга келгансан. Одамдай яшашга ҳаққинг бор. Кимлар хато қымайди дейсан.

Фаррухнинг кўзида ёш ҳалқаланди. "Эсон-омон шу ердан кутулиб чиқсан, мени бу аҳволга согланларнинг ҳаммасининг энасини кўрсатаман!" — дея ҳаёлидан ўтказди.

\* \* \*

Турғун Фаниевич қизини ҳаддан зиёд калтаклаганлиги ёдига тушиб бироз эзилди. Аммо шу ондаёқ Моҳирўйнинг ярим кечаси қаёқлардадир изғиб юрганлигини кўз олдига келтириб қайтадан ғазаби қайнади. У қизнинг қандайдир юрадиган йигити бор деб ўйлар эди.

— Жа ҳаёлга берилиб кетдинг? — дея савол қотиб қолди бир маҳал Мурод Болиевич. — Ёшлиқдагилардан биронтаси эсингга тушиб кетдими?

Турғун Фаниевич унга караб илжайди:

— Ичимдагини дарров топиб оласан-а! Ҳақиқатан ҳам, агар хотирам панд бермаса, бундан ўн беш йил ёки кўпроқ аввалми, бир қизни учратгандим. Биласанми, ўша қизни яхши қўриб қолганман. Лекин унга уйланишнинг иложи бўлмаган. Мавқеимга тўғри келмаган. Ишонсанг, факат

ўшангагина итлик қилмаган эканман. Дунё шундай эканда, доим қўлинг етмаган нарса азиз бўларкан, — дея у деразадан ташқарига қааркан, шунча ёлғонни тўқиб ташлаганидан ўзининг кулгиси қистади.

Унинг гапидан Мурод Болиевич ғамгин тортиб қолди. Унинг қўли етмагани ҳам бор эди. У қиз синфдоши эди. Шунча ҳаракат қилмасин, ёнига ҳам яқинлаштирумаганди.

— Лекин бугун кўрадиганинг ҳамма нарсани эсингдан чиқариб ташлатади. Шунақа жононларки, бунақасини чет элдан ҳам қидириб тополмайсан. Атайлаб яқин дўстим бўлганлигинг учун сенга илинайпман. Агар ўша каттанг келиб, мендан биронта топиб бер деганида, кўчадаги шилталаарнинг биронтасини кўлига тутқазиб юборган бўлардим.

— Ҳай, ҳай, — деди Мурод Болиевич бирдан амалдорнинг гапини бўлиб, — катта бунақа нарсаларга умуман қизиқмайди. Ундан кейин, деворнинг ҳам қулоги бор.

— Биз томонларда, — деди Турғун Фаниевич текширувчининг қўрқоқлигидан кулиб, — деворларнинг ҳаммаси кар бўлиб қолган. Ёнига бориб карнайда бакирсанг ҳам эшитмайди. Каттанг масаласига келсак...

— Кел, шуни аралаштирумайлик. Одобсизлик бўлади, — деди бирдан унинг гапини бўлиб афти жиддийлашган Мурод Болиевич.

— Бир оғиз гапинг-да, — деб Турғун Фаниевич ичидан қуйилиб келаётган гапни тўхтатишга мажбур бўлди. Ҳаёлидан эса: "Узоғи билан икки соат ўтсин, кейин сенинг бунақа бардамлигингни бир томоша қиласман", деган ўй кечди.

Уларни раис, амалдорнинг садоқатли новча югурдаги ва иккита бир-биридан гўзал қиз кутиб олди. Ҳаммасининг қўли қўксига, эгилиб таъзим бажо келтириб туришарди.

— Билсанг, — деди Турғун Фаниевич текширувчининг елкасига қўлини қўйиб, — жаннатнинг сояси шу ерга тушиб туради. Бир томонда арчазор, шовуллаб булоқ суви оқиб турибди. Ҳавонинг тозалигига бир қара, даҳшат! Иккинчи томонда жононлар, уларнинг ёнида хизматкорлар. Энди айт-чи, бу ернинг кайси жаннатдан кам жойи бор?

— Гап йўқ, — деди Мурод Болиевич илжайиб, — зўр жойлар. Айтдим-ку, бунақа ишларни киёмига келтирасан деб. Ўзи бу ерга етмасимдан бурун тамшаниб кўйгандим.

Улар хохолашиб кулишганча турли-туман ноз-неъматлару тансиқ таомлар билан тўлдирилган дастурхон атрофига ўтириши. Худди шуни кутиб турган кизлар хам тезда уларнинг ёнидан жой олиши. Бирини Турғун Фаниевич бирдан қучоқлади-да:

— Шакалат экансан-ку, — деди унинг ширин атири хиди келиб турган сочини хидлар экан. — Бугун ярим жонни шу ерга ташлаб кетарканман-да.

— Ҳаммасини, — деди қиз эркаланиб.

— Оббо сен-эй, кўлингдан келармикан?

— Faқat қўлимданмас...

Бу гап Турғун Фаниевични мутлақо қитиқлаб ташлади. У корнини ушлаганча қотиб-қотиб кула бошлади. Мурод Болиевични эркалашга тушиб кетган иккинчи сулув дугонасига маъноли қарашиб қилиб жилмайиб кўйди.

Шундан кейин ичиш бошланиб кетди. Орқама-кейин дастурхон атрофидагиларнинг шаънларига илиқ сўзлар айтилди.

— Эсим курсин, — деди Турғун Фаниевич анча кайфи ошиб қолганида текширувчига қараб, — сенинг шеринг хам бор дейишганди. Уни қаёққа даф қилиб келдинг?

— Ҳали унинг керакли одамлар билан бирга юришига беш-олти қовун пишиги бор. Келганидаёқ жавоб бераб юборганиман.

— Мен бўлсам, униям тараддудини кўриб юрибман, — деди Турғун Фаниевич "кабутар"ини маҳкамроқ қучоқлаб.

Энди-энди атрофга коронғилик эна бошлаганида, улар жуфт-жуфт бўлиб ўринларидан туриши.

— Ресторанингизнинг алоҳида хонаси йўқми? — деди Мурод Болиевич амалдорнинг қулогига шивирлаб.

— Лекин шу гап зап топиб айтилган, — деди Турғун Фаниевичга текширувчининг гапи нашъя қилиб. — Шу маънода бундан ортиқ гап айтиб бўлмайди.

— Мен сенга гапни қандай айтганлигини сўрамаяпман. Хона сўрайпман.

— Во, огайни, одамни ерга урма. Хона эмас, мен сенга қаср тайёрлаб кўйганман, — деганча Турғун Фаниевич атрофига аланглаб: — Ботсман! — деб бакирди.

Раис унинг ёнига ҳовлиқанча етиб келди.

— Аканг билан янганги чимилдиққа кузатиб кўй!

Раис эгилганча тиржайиб, нозик меҳмонларни бошлаб кетди. Улар сал куйироққа тушишиб, амалдорга ёз ойла-ри учун маҳсус тикилган капага боришиди.

Шундан кейингина амалдор раисни яна ёнига чақириб, чўпон билан унинг ўғли ҳакида сўради.

— Ака, ҳаммасини сиз айтгандан ҳам зўр қилиб бажариб кўйдим, — деди раис мақтаниб. — Бири нариги дунёга равона бўлди. Иккинчиси турмага.

— Ўлдирдингми? — деди амалдор кўзлари катта-катта бўлиб.

Хўжайиндаги ўзгаришни кўрган раис қўрқиб кетди.

— Йўқ, йўқ, — деди у шошиб, — чўпоннинг давленияси боракан, кўтарилиб кетиб ўлди. Ўғли бўлса, менинг пешонамни ёргани учун қамалди. Ҳаммаси қонуний бўлди, ака.

— Қанақа қонуний бўлганлигини бошқаларга айтасан. Сенларга ўзи салла олиб кел, дейилса каллани ҳам бирга кўшиб оласанлар. Ишқилиб, орқасини тозалаб кўйибсанларми?

— Бўумасам-чи, ака. Чўпоннинг боласи энди турмадан чиқмайди. У ёқдагиларга ҳам хабарини етказиб кўйганмиз.

Раиснинг гапи амалдорни мамнун қилган эса-да, қовоғиниуюб:

— У ёқдагиларни қаердан била қолдинг? — дея сўради.

— Энди, ака, сизнинг шогирдингиз-да...

— Ҳе, сендақа шогирддан!.. Ҳали анави шербаччаларнинг ҳам ахволини танг қилиб кўйгандирсан?

— Йўқ, уларни сиз айтгандай қилиб бокаяпман. Баччагарлар анча семириб қолишган, — деди раис иржайиб.

— Семирган бўлса, яхши... Бугунги ишни қилаётгандарингда эҳтиёт бўлларинг. Агар хидини олиб қолса, Новча иккалангнинг ҳам терингга сомон тиқаман!

Шундан сўнг амалдорнинг имоси билан раис уларни холи қолдирди.

— Биз, — деди Турғун Ғаниевич ёнидаги санамга, — ташқарыда, тоза ҳавода "от ҳайдаш"ни хуш күрамиз. Сенгаям ёқадими?

Оғушидаги қиз унинг бағрига янада сингиб кетганча:

— Илгари ҳечам бунақаси бўлмаган, сиз билан бир синааб кўрамиз-да, — деди нозланиб.

Улар тоғда икки кун қолиб кетишли. Чунки эртасига эрталабдан бош оғриққа ичилган ароқ иккала эркакнинг ҳам кайфини ошириб кўйганди. Шундан кейин еб-ичиб ўтираверишиб, кун пешин бўлиб қолганлигини ҳам сезмай қолишли. Сўнг ҳамма нарсага кўл силташиб, иккинчи кунни ҳам шу ерда ўтказишга келишиб олиши.

Қийналгандан раис билан Новча қийналиб кетишли. Новча турли-туман таомлар пиширап, раис эса тинимсиз "катталар"нинг ёнига қатнар, маишат қилаётган "акалар"-ини кўриб оғзидан сўлаги оқарди. У шунчалик қийналиб кетаётгандики, ҳатто кўзида ёш ҳам пайдо бўлди.

Ҳар тутул, эртасига меҳмонлар кетишли. Қизларни ўзи олиб бориб қўйишини айтиб, раис уларни олиб қолди ва учинчи кун деганда Новча билан бирга лаззатли онларни ўтказа бошлади. Қизик томони, у ўзини худди анави икки амалдордай тутар, "Ундей қилиб юбораман, бундай қилиб юбораман!" — деган гапни тез-тез такрорлар, вахоланки, бор-йўғи "суюк" гажиётгани хаёлига ҳам келмасди.

Турғун Ғаниевичнинг кайфияти аъло эди. Чунки кўлидаги фотоаппаратда марказдаги яна битта одамни тўрга илинтирадиган фактлар бор эди.

У биринчи котибга ҳамма ишлар кўнглидагидай бажарилганлигини айтгач, уйига кетди. Кутганидек, Мохирўй унга истар-истамас салом берди. Илгаригидек югуриб келиб бўйнига осилмади. Юзидан ўпмади. Бу амалдорга алам қилди. Бироқ ҳеч нарса деёлмади. Қаттиқ чарчаганлигини баҳона қилиб ётогига кириб кетди.

Орадан хафта ўтиб Мохирўйнинг баданидаги қамчи излари анча камайди. У энди кочиб кетиш чорасини кидира бошлади. Албатта, унинг кетишига Зулайҳо мутлақо монелик қилмасди. Аммо Турғун Ғаниевич мабодо Мохирўй кўринмай қолса, дарров ҳамма ёқнинг тит-питини чиқариши аниқ эди. Мана бир ҳафтадирки, ишдан

келиши билан биринчи сўраган нарсаси "Мохирўй қалай?" бўлиб қолган. Бу сўроқ Зулайҳонинг жон-жонидан ўтиб кетса-да, тишини тишига босиб чидайди. Эрига ортиқча сўз айтишдан ўзини тияди. Вақт пишиб етилишини кутади. Шу боисдан деярли ҳар куни қўнғироқ қилиб топилган мижознинг тиқилинч қилаётганлигини сабаб қилиб ишни эртароқ бошлишни қайта-қайта сўраётган жазманига "Шошмай тур, озгина вақт бор", деяжавоб қайтаради.

Ойисининг ҳаддан зиёд ширинахан бўлиб қолганлиги, дадасининг ҳирс билан тикилиши Мохирўйни довдиганидек юраги безовта ура бошлади. У тунлари деярли ухламай қўйди. Ҳар кеч каравотига ётганидан кейин бутун дикқат-эътибори эшикда бўларди. Шундай таҳликали кунларнинг бирида у қизини туғруқхонага олиб борган аёл тўғрисида ўйлаб колди: "Агар ўша аёлникига борсам, уйимдагиларнинг ҳеч бири мени топа олишмайди. Ўзимга хон бўлиб яшайман... Лекин у аёл жудаям камбағал-ку, яна битта емхўр пайдо бўлганидан кейин баттар қийналиб қолмайдими?.. Яхиси, уйдан пул олиб кетаман. Борганимдан кейин шуни еб тураман. Кейин иложини топиб Фаррухнинг ёнига кетаман. Ҳамма гапни унга айтиб бераман... Уни севаман-ку, бирга яшайвемарман. Ғариб бўлса-да, баҳтли кун кечирсан, шунинг ўзи менга етади... Ахир мол-давлати тўлиб-тошиб ётган дадам билан ойимнинг уйида баҳт деган нарсани уруғлик-қаям топиб бўлмайди-ку. Бунақангни ҳаётдан кўра, минг маротаба камбағал бўлсанг-да, ширин турмушга нима етсин", дея хаёлидан ўтказди Мохирўй ва шу куннинг тунидаёқ қочиб кетишни мўлжаллаб қўйди.

Мохирўйнинг тузган режаси ҳам ўзи каби гўр, пишмаган эди. Зеро, Зулайҳо аллақачон уйидаги иккита фаррош хотинга қизнинг ҳар бир қадамини кузатиб боришини тайинлаганди. Албатта, аёлнинг хаёлига "Мохирўй қочиб кетиши мумкин", деган ўй умуман келмаганди. Агар қизнинг қочиб кетиш ниятини билганида, бемалол ўзи кўмаклашиб юборган ва шу баҳонада ундан мутлақо кутулган бўларди. Аммо буни билиш учун у қизнинг яқин сирдоши бўлиши лозим эди. Достон тугилгунча

Моҳирўйни еру кўкка ишонмайдиган Зулайҳонинг ўғли пайдо бўлганиданоқ қизчага нисбатан муҳаббати сўна бошлади. "Айланай-ўргилай"лар ўрнини жеркишлар эгаллади. Ва оқибат, қиз ичидаги гапларни ойисига умуман айтмайдиган бўлиб ўсди...

..."Моҳирўйга етишиш учун, — дея ўйлади Турғун Фаниевич, кечкурун ишдан келганидан кейин овқатланиб бўлгач, телевизор томоша килиб ўтирганида, — аввал Зулайҳони бир ёкли килиш керак. У бор экан, осонликча жон бермайди... Отаси борлигига у анча-мунча одамлар билан танишган. Улар отасининг садоқатли қуллари эди. Мана неча йилдирки, ҳамон йўқлаб келишади. Совға-саломлар келтиришади. Орасида яхшигина мансаб эгалариям бор. Демакки, улар Зулайҳонинг исталган хоҳини бажаради. Шунинг учун хотиним билан шунчаки ажрашиб, уни уйдан кувиб юбориб максадимга эришолмайман. Хотинимдан кутулишнинг бирдан-бир йўли уни бутунлай йўқ қилишдир... Достон... Достон ҳамма вақт мен томон бўлиб келган. Унинг онаси билан умуман иши йўқ... Бу ишни қанчалик тез бажарсам, шунча яхши".

— Дадаси, — дея чақириди Зулайҳо эри бир нуқтага термулиб қолганлигини кўриб.

— Нима дейсан? — деди хотини томонга бир қараб қўйган амалдор.

— Қизингиз охирги пайтларда жуда хомуш бўлиб қолган. Биронта институтга жойлаб қўйсак, сал ёзилармиди?

— Мана шу уй унинг учун институт. Ўқиганда олим бўлармиди?

— Тўғри-ку-я, шундай қилсак сал одамшаванда бўларди-да. Ҳар куни унинг ноз-фирокига қараб юравериш одамнинг жонига тегиб кетди. Қовоғи умуман очилмайди... Ўша куни ёмон урган экансиз-да, — дея эрига кўз кирини ташлади Зулайҳо.

Ўзининг қилган иши яна ёдига тушиб, шундай қизга нисбатан аёвсизлик қилгани учун амалдор бироз ачинди. "Ҳақиқатан жа ошириб юборган эканман. Ундан кўра манави гўрсўхтани жазоласам бўларкан. Бундай қийналлиб ўтирган бўлардим", — дея хаёлидан ўтказди у.

— Етимча бўлсаям шунча ёшгача зориктирмай катта қилдик. Майли, бу уйда яна бир йил турар, ана, икки йил турар, кейин барибир эгасига бериб юборамиз. Биздан норози бўлиб юрмасин дейман-да. Ўқишга кирса, сизни ҳам кечирган бўлармиди?

— Нималар деб валдираяпсан? — деди бирдан жаҳли чиқиб кетган Турғун Фаниевич. — Нега у мени кечириши керак экан? Мен бекордан-бекорга урдимми? Қайси киз ярим кечагача кўчада санкиб юради?

"Албатта, сен бекордан-бекорга урмадинг, рашкинг келганидан, ичинг ёнганидан урдинг уни. Мени "Содда, гўл, хеч нарсага фаросати етмайди", деб ўйлайсан-да. Чучварани хом санабсан. Ҳали сен аёлнинг макри қандай бўлишини билмайсан-да. Шошмай тур, шундай ўйнатайки, итдай думингни ликиллатиб, оёғимни ялаганингни билмай қоласан", дея хаёлидан ўтказди Зулайҳо.

— Энди аввалдан эркалатиб келгансиз-да, шунга у сизни тушунмай хафа бўлиб юриби.

— Чакир уни, бир гаплашиб қўяман! — деди ҳамон ичидаги "аланг"си ўчмаган амалдор.

— Кўйинг, дадаси, яна бир-икки кун ўз ҳолича юрсин, ундан кейин иккаламиз ўртага олиб бир гаплашамиз, насиҳат қиласиз. Зора, шунда сиз айтгандай, ўзи кечирим сўраса. Унгача сал кўнглини кўтариб қўйиш учун ўқишга кирасан, деб айтсак.

"Бунинг гапида жон бор, — дея ўйлади Турғун Фаниевич, — агар ўқишга киритиб қўйсам, менга яхши бўлади. Ўқишини текшириш, бошқа баҳоналарда уни кўриб турман. Кейин шаҳарнинг бир чеккасидан уй олиб бераман. Манави аждаҳони тинчитгунимча ўша ерда туриб туради". Амалдор ўзининг хаёлидаги гаплардан ўзи хурсанд бўлиб кетди.

— Фикринг чаккимас, — деди у Зулайҳога жилмайиб караб, — шундай қилсак, ҳақиқатан ҳам унинг хафалиги йўқолиши мумкин.

— Ана шунақа, — деди аёл ҳам лабида табассум билан, — бизданам гоҳ-гоҳида ақлли гаплар чиқиб қолади.

— Нималар деяпсан, хотин, аклинг қанча вақтдан бери пишиб етилиб кетган-ку, — деди амалдор киноя билан.

Зулайҳо кинояни дарров илгади, шу боис бўзариб кет-

ди. "Агар отам тирик бўлганида, мен сенга одамнинг устидан қанақа қилиб кулишни кўрсатиб кўйган бўлардим", дея ўйлади ва секин ўрнидан туриб ошхона томонга кетди.

Унинг орқасидан ҳамон тиржайганча қараб турган амалдор: "Ўзимгаям қойилман, шу пайтгача шундай маҳлук билан қандай қилиб бир ёстиққа бош қўйиб келдим, хайронман. Аждаҳолар ҳам бунга чидаши амримаҳол. Бунака сабр-бардошим учун менга қаҳрамонлик беришсам бўлади", дея хаёлидан ўтказди.

— Опа, опа, — дея Зулайҳо ошхона ёнига етганида хизматкор аёл юрганча ёнига етиб келди, — боядан бери сизни кутиб тургандим.

— Тинчликми, нега бунча ҳовлиқасан? — деди Зулайҳо.

— Тисс! — дея кўрсаткич бармоғини лабига босди хизматкор. — Астароқ, эшитиб қолади. Моҳирўй негадир кийимларини кийиб тайёр бўлиб турибди. Бир гап борга ўхшайди.

— Каерда ҳозир? — деди овозини бир парда пасайтириб Зулайҳо.

— Хонасида, — деди энди шивирлашга ўтган хизматкор. — Кийиниб олди-да, кейин кўрпа ичига кириб олди. Бир балони мўлжалляпти, деб сизнинг ёнингизга юргадим.

— Яхши, уни бир минутгаям кўздан қочирма. Агар бирон ёққа кетиб қолса, калланг билан жавоб берасан, шуни эсингдан чиқарма.

— Тушундим, — дея хизматкор ундан нари кетди.

Зулайҳо ўзининг хонасига кирди-да, юмшоқцина икки кишилик диванга чўзилди. "Ҳамма нарса жонимга тегиб кетди. Қани бир сени тушунадиган эринг бўлса-ю, кучоқлаб ётсанг. Шунда жазманинг ҳам кераги бўлмасди. Манавиндака муштдайгина қизча билан мушук-сичқон ҳам ўйнамасдим. Мазза қилиб яшардим... Падарингга лъянат бу қизча яна нимани ўйлаб қўйдийкин? Кийиниб олиб нима қилмоқчи ўзи? Қани эди, йўқолиб кетса", дея ўйлади у ва кўзини юмиб ухламоқчи бўлди, бироқ ҳадеганда уйқуси келавермади.

Моҳирўй ойиси кириб кетганидан кейин дадасининг

ҳам ухлашини кута бошлади. Орадан бир соатдан мўлроқ вақт ўтганидан кейингина амалдор ўрнидан турди ва ке-ришиб олди-да, ётоги томонга кета бошлади. Дераза ол-диди уни кузатиб турган Моҳирўй тезда келиб ўзининг диванига ётиб, устидан кўрпа ёпди-да, гўё ухлаётган одамдай кўзини юмиб олди. Ўн беш дақиқа у шу алпозда ётди. Уйқуси келиб, сал бўлмаса, ухлаб қолаёзди. Ташқарида кандайдир қадам товушлари эшилди-ю, қиз бирдан сергакланди ҳамда кўзини очиб ўрнидан турди. Дераза ёнига келиб, ташқарига кулоқ солди. Жимлик. Шундан кейингина у секин эшикни очди. Шу пайтгача эътибор килмаган экан. Эшиқдан "ғийқ" этган овоз чиқди. Моҳирўйнинг назарида бу сас шунчалик қаттиқ эдики, ҳамма уни эшилди. У дарров орқасига қайтиб ўриндиғи-га ўтиреди. Ҳеч кандай хавф сезилмагач, қайтадан эшик ёнига борди-да, аста ташқарига чиқди. Ҳовлида одам зоти кўринмасди. Бироқ ошхонанинг ойнасидан кимдир пойлаб турганини Моҳирўй сезмади ва тез-тез қадам ташлаб дарвоза томонга кета бошлади. Худди шу пайт ошхонадан хизматкор аёл ташқарига югуриб чиқди. Орқасидан одам чиққанини сезмай қолган Моҳирой энди дарвозанинг кичкина табақасини итарганида унинг қўлидан хизматкор аёл ушлади. Қиз чўчиб тушди-да, бирдан орқасига қаради.

— Йўл бўлсин, хоним, — деди хизматкор аёл тиржай-иб.

— Нима ишинг бор? — деди жаҳли чиқиб кетган Моҳирўй.

— Хўжайн ҳеч жойга рухсатсиз чиқмасин деган, — дея қизнинг қўлидан маҳкамроқ ушлади аёл.

— Кўйвор, қандай ҳаддинг сиғди қўлимни ушлашга? — деди титраб кетган Моҳирўй.

— Хўжайндан бир оғиз сўрасангиз, қўйиб юборамизда, хоним, — деди аёл хунук тиржайишда давом этиб.

— Кўйиб юбор дедим! — дея Моҳирўй қўлини силтади.

Аммо унинг қўли бўшалмади. Шунда у ҳеч иккилан-май хизматкор аёлнинг қўлидан тишлаб олди.

— А-а-а, — дея аёл бирдан бақириб юборди.

Унинг овози шунчалик ўткир эдики, ҳатто уй ичидা

энди уйқуга кеттган амалдор ҳам эшитиб ташқарига югуриб чиқди. Унгача Турғун Фаниевичнинг Моҳирўй билан бирга концертга борган югурдаги дарвозага етиб келганди.

— Кўлимни тишлаб олди! — дея ўкириб йиглаб юборди уни кўрган хизматкор аёл.

Гарчи Моҳирўйнинг тишлари изидан қон оқаётган бўлса-да, у қочоқнинг қўлини қўйиб юбормасди.

— Бир марта мени лаққа тушириб кетди, энди қўлимдан кутулиб бўпти, — дея югурдак бирдан Моҳирўйни кучоклаб ҳовли томонга судрай бошлади.

Қиз қанчалик типирчиламасин, унинг чайир қўлларини бўшатолмас, бунга сайин алами келиб йиглар эди.

— Ифлос! — дея ўкириб юборди бундай томошани кўрган амалдор.

\* \* \*

Фаррухнинг кўзидаги ёш турма бошлиғини янада му僚имлаштириди.

— Сен тенги қизим бор. Уйга борсам, қаердаги қаланги-қасанғиларни йигитим деб юрибди. Қани энди сенга ўхшаган мард, бир сўзли йигит бўлса, шартта куёв қилиб олган бўлардим. Сен бўлсанг, қамоқхонада ўтирибсан. Яна қаердаги аферислар билан уришиб юрибсан. Қаттиқ уришгандими кеча сени улар?

Фаррух "ха", дея жавоб бермоқчи бўлди-ю, бирдан Босснинг гапини эслаб қолди. "Агар бирорта "ишкал" чиқиб қолиб, "мусор"лар сени сўроқ қилиб қолишиша, ҳеч қачон кўрувдим, билувдимга ўхшаган гапларни оғзингга ола кўрма. Агар оғзингдан гуллаб қўйсанг, ҳамма нарса тамом бўлади, ҳеч ким сенга ёрдам беролмайди. Бундан ўн ийлча олдин иккинчи марта қамоқقا тушганимда бир асаларичини олиб келишди. Бечора нега қамалганига ақли етмайди. "Нима бўлди?" деб сўрасам, "Колхознинг ўн кути асаларисини боқардим. Фалокат босиб, асаларига қирғин келди. Асал камайиб кетди. Мени дарров мелисага топширишди. Терговчининг: "Еб қўйдингми? Сотдингми? Яширдингми?" — деган саволларига йўқ деб жавоб қилдим. Шунда у мендан: "Асал олаётганингда ҳеч курса ялаб кўргандирсан?" деб сўради. "Энди ошпазам ошнинг тузини кўради-ку, шунга менам қўлим-

даги асал юқларини яловдим", дедим. Терговчи: "Шун дай деб ёзиб бер", деди. Шартта ёздим-да, тагига чиройли қилиб күл хам кўйдим. Кейин у неча марта ялаган бўлсам, ҳаммасини хисоблаб чиқди. Шунинг ўзи бир килоча бўлар экан. Суд қилишди-да, бир йилга қамаб юбориши", дейди у. Ана кўрдингми? Агар лозим бўлиб қолса, пашшанинг филга айланиб кетиши ҳеч гап эмас. Шунинг учун сени қанча авраб-алдашмасин, тилингга эҳтиёт бўл", деган эди у.

— Ким? — деди Фаррух гўё ўзини ҳайрон қолган кўрсатиб.

— Кечагилар-да, — деди қамоқхона бошлиғи юзини баттар аянчли тусга киритиб.

— Мелисаларми? — деди бутунлай жинни ҳолига кирган Фаррух.

Эдуард Анисимович унинг гапига қотиб қолди. Нима дейишгаям ҳайрон эди. Бу болани овсар деса, овсарга ўхшамайди. Соғ деса согга.

— Мелисалармас, аристонлар, — деди у ғазабини базўр ичига ютиб.

— Ўзи кеча келган бўлсам, ҳали ҳеч ким билан танишишга ултурганим йўк.

Қамоқхона бошлигининг сабри чидамади. У аямасдан Фаррухнинг юзига шапалоқ тортиб юбориб:

— Айт, итдан тарқаган, кеча кимлар билан муштлашган эдинг?! — дея бўкириб юборди.

Фаррух кўлининг орқаси билан бурнидан оққан конни артди-да:

— Ҳеч ким билан, — дея паст овозда минғирлади.

Эдуард Анисимович бақириб юборди:

— Соқчи!

Эшиқдан ёши ўттизлардан ошиб қолган харбий кийимдаги одам кириб келди.

— Манавини кўзимдан йўқот, бунақаларнинг жойи турмамас, жиннихона! — деди қамоқхона бошлиғи жазаваси тутганча.

Соқчи Фаррухнинг елкасидан ушлаб судраганча олиб чиқиб кетди. "Бу жа узоққа борадиганлар хилидан экан. Ҳали қамоққа эндиғина тушибди-ю, ақли балога етадиганга ўхшайди", дея хаёлидан ўтказди бошлиқ.

Бироздан кейин бошлиқнинг хонасига Кобра кириб келди. У ҳеч бир рухсатсиз Эдуард Анисимовичнинг ёнидаги столга келиб ўтирди.

— Расво қилибсан-ку ҳамма ёқни! — деди унга қарамасдан қамоқхона бошлиғи.

— Менинг ишими ҳамма вақт тоза бўлган, буни ўзларим яхши биладилар-ку, — деда илон ёнидан сигарета олиб тутатди.

— Шуми тоза қилган ишинг? Кимнинг бўйнига илиш керак эди? Сен кимникига илиб қўйдинг, аҳмоқ?

— Ўртоқ начайник, хато ўтиби. Барibir унинг умри шу ерда чирийди. Бунга мен кафолат бераман.

— Ҳов аҳмоқ, манави иккита мурда учун мен каллам билан жавоб бераман. Ҳали сенга яна одам топиб беришим керакми?! — деди баттар жаҳли чиқиб кетган бошлиқ.

— Начайник, энди сизни уринтириб қўймаймиз. Керакли нарсани ўзимиз топиб оламиз.

— Билмадим. Бирон нима чиқишига кўзим етмайди. Ўлгудай ўжар болага ўҳшайди, — деди қамоқхона бошлиғи бошини сарак-сарак қилиб.

— Домласи кучли унинг. Домласи Босснинг ўзи, — деда мийигида кулди илон.

— Ни-ма?! — деди ҳайратланган Эдуард Анисимович.

— Боссга унинг қанақа алоқаси бор? Тогда ўsgан чўпон бўлса.

— Ҳали бунисини аниқлаганимча йўқ. Вақти келиб ҳамма нарса маълум бўлади.

Кобра кўлидаги сигаретасини кулдонга эзди.

— Босс, Босс! Жонимга тегиб кетди у. Қачон қарама, оёғим остидан чиқиб туради. У мараз бугун тушга якин яна келади. Қутулдимми, деб ўйлаган эдим. Падарингга лаънат, яна ишқал чиқарибди, — деди қамоқхона бошлиғи ва ўрнидан туриб кетди.

— Хавотириңгиз, менимча, ўринли эмас. У ҳозир анча кариб қолган. Бир чўқиша қочираман.

— Ўзи қариган бўлса, шайкалари-чи, уларам қариганми? Манавиндақанги ўсиб келаётганлари-чи? Буларнинг уругини қуритиб бўларканми?

— Аччиқни аччик кесади, деган гап бор. Мана биз-да унинг кушандаси, — деда Кобра бўйнини чўзди.

Илоннинг бу қилиғи бошлиқнинг энсасини қотирди.

— Карагин-да, ишқилиб, — деди у киноя билан, — яна у сенинг күшанданг бўлиб қолмасин. Бўпти, бор, кейин гаплашамиз қолган гапларни.

Кобра истар-истамас ўрнидан турди. Эшик ортида уни соқчи кутиб туради.

Фаррух камерагача базур етиб борди. Кеча еган калтаклари, бугунги олган азоблари ўз кучини кўрсатмасдан қолмади. Камерага кириши билан боши айланиб кетиб ийқилди. Махбуслар уни жойига кўтариб олиб бориб ётқизиши. Фаррухни олиб келган соқчи эса қамоқхона врачанинайтиб келишга кетди.

Дўхтирик икки марта кетма-кет укол қилсаям, йигит кўзи ни очмади. Оғир-оғир нафас олиб ётаверди. Сўнгра уни касаллар учун маҳсус ажратилган камерага олиб кетишиди.

Тушга яқин қамоқхонада бирдан ҳайқириқ садолари янграб кетди. Ҳамма бир овоздан "Boss! Boss! Boss!" дея кичқиради. Соқчилар уларнинг овозини ўчиришга шунча ҳаракат қилишмасин, барибир бир соат мобайнода ҳайқириқлар тинмади. Худди шу маҳал Фаррух кўзини очган, шовқинни эшишиб атрофига атанглаган, лекин нима сабабдан маҳбуслар бунақа бақиришаётганлигини англаёлмасди. У ҳали-ҳамон караҳт эди. Шу алпозда анча вакт ётди. Бош айланиши тўхтаб, бироз ўзига келгандай бўлди. Лекин бу пайтда ҳамма ёқ тинчиганди. Шу боис у шовқин сабабини аниқлолмай қолди. Бироз ўтиб, ҳамшира кириб келди. Эндинга йигирма ёшни коралаган, бироз қизғиштоб сочи калта кесилган, тиниқ, оппоқ юзи истарали қиз Фаррухнинг тепасига келди-да, унга тикилиб қолди. Йигит бундан нокулай аҳволга тушиб, қизарди.

— Яхши бўлиб қолдингизми? — дея сўради қиз майин овозда.

Фаррухнинг гапиришга тили айланмай "Ха", дегандек бошини қимирлатди.

— Унда жуда яхши, қўлингизни беринг, маз суриб қўйман, — деди қиз.

Фаррух қўлига теккан иссиқ тафтдан ҳаяжонланиб кетди. Буни сезган қиз жилмайиб қўйди-да, ишини бажа-

ришга тушиб кетди. Бироз ўтиб, унинг юзида ачиниш алматлари пайдо бўлди. Ҳатто қўзига ёш келди. Охири у чидолмади. "Ҳайвонлар", дея пичирлади. Қиз боланинг олдида ожизу нотавон бўлиб қолганидан Фаррух кийналиб кўзини чирт юмиб олди. Қиз унинг қўлини дорилаб бўлганидан кейин яхшилаб боғлаб қўйди. Сўнгра йигитнинг бошидаги ярасини дорилади. Бу ишларни битириб бўлганидан кейин у Фаррухни укол қилиб қўйиши керак эди. Аммо ҳамшира шприцни қўлида ушлаган қўйи йигитдан кўз узолмай қолди.

— Томиримга укол қиласизми? — дея сўради Фаррух нокулайликдан чиқиш учун.

— Йўқ, — деди қиз кўз ёшини дастрўмолчасига артиб, — бу укол сизга тўғри келмайди. Адашиб олиб келибман. Ҳозир бошкасини олиб келаман.

Қиз шартта орқасига бурилди-да, тез-тез юриб камерадан чиқиб кетди. Ҳамшира адашмаган эди. У айнан бош врач тайёрлаб берган уколни олиб келганди. Бироқ бу укол қанақалигини у жуда яхши биларди. Бундан икки ой муқаддам айнан шунақа, бош врачнинг ўзи маҳсус тайёрлаб берган укол билан битта одамни наркоманга айлантириб қўювди. Аммо бу сафар ёшгина, истарали, хушбичим йигитни увол қилгиси келмади.

Орадан беш дақиқа ўтар-ўтмас ҳамшира яна кириб келди. Энди унинг қўлида очилмаган пенициллин шишаchasи бор эди. Қиз Фаррух қўлини чиқарганида, жилмайиб бош чайқади-да:

— Қўлингизгамас, ёнбошингизга, — деди.

Шу гапни айтди-ю, бирдан ўзи ҳам қизариб кетди. Албатта, унинг эркак зотига биринчи бор укол қилиши эмасди. Қанча-қанчаларининг хеч тортинимасдан думбасига нина санчганди. Аммо ҳозир уялди. Ҳаяжонланди. Бундан қўли титради. "Укол килолмай бу ёқимтой йигитни қийнаб қўяман", дея ўйлади. Сўнг ўзини бироз босиб олиб, йигитни ҳам озгина куттириб, нинасини санчди.

— Оғримадими? — дея сўради ҳамшира дори юбораётган маҳали.

— Сезилмади, — деди ерга караб ётган Фаррух.

Қиз энди ишини бажариб бўлган эди ҳамки, камера-

нинг эшиги шараклаб очилди-да, иккита соқчи ҳамкорлигига Босс билан Чувалчанг кириб келишди. Қиз уларни кўриб довдираб қолди.

— Қанақа укол қилдинг?! — деди бақирди Босс ҳали эшик олдидалигигидаёк.

— Пенициллин, — деди кўркиб кетган қиз.

Босс бирдан юришдан тўхтади-да, кўзини юмиб чукур нафас олиб, "Хайрият", деди пичирлади. Чувалчангнинг юзида эса бирдан хурсандчилик аломатлари пайдо бўлди. Боссни кўрган Фаррух қувонганидан ўрнидан туриб кетаёзди.

— Безовталанма! — деди унинг пешонасидан ўпган Босс. — Етиб келолмайманми, деб кўрқкан эдим. Ҳартугул Худо деган одам эканман.

Фаррух ўзини босиб туролмади. Унсиз йиғлаб юборди.

— Йиғлама, эркакка йиғлаш ярашмайди, — деди Босс меҳрибовлик билан. — Ҳаммасидан хабарим бор. Сени не кўйларга солишганини эшигдим... Ҳақинг ерда қолмайди, ука, ҳаммасини қайтарасан ҳали... Лекин сенинг ўзингга қойил қолдим. Маладес, агарда ўрнингда бошка одам бўлганида, бунака азоблардан кейин... — деди энди кўпол сўз айтмоқчи эди, ёнида ҳамшира борлигини эслиб, тилини тийди.

Босс жилмайиб ҳамширага қаради-да:

— Исминг нима, синглим? — деди сўради ундан.

— Зарина, — жавоб қилди қиз.

— Зарина, сенга қанака укол қилишларини буришганди?

Бу саволни эшитиб соқчилар бесаранжом бўлиб қолишиди.

— Босс, медсестрани ўз ҳолига кўйинг, — деди улардан бири.

— Гап бўлиши мумкин эмас, — деди уларга жавоб қилди Босс қиздан кўзини узмаган кўйи. — Сизга катта раҳмат, Заринахон. Бу хизматингиз мукофотсиз қолмайди. Яна битта илтимос, Фаррухжонга бундан бу ёғига фақат ўзингиз укол килсангиз, сиздан жуда миннатдор бўлардим. Энди биз эркакча гаплашиб олсак. Биласиз-ку, эркаклар бирозгина қўпол бўлишади. Сиз bemoringиздан асло хавотир олмасангиз ҳам бўлаверади.

Қиз Босснинг Фаррухга яқинлигини тушуниб етди. Шу боисдан ҳам асбоб-анжомларини йигиштириб чиқиб кетди. Шундан кейин Босснинг нигоҳи сокчиларга қадалди. Ундаги мазмунни тезда илғаб етган сокчилар бир-бирига карашди ва улардан бири:

— Хитланиб қолишиша бошимиз кетади, — деди.

— Менинг бу ерга келганимга неча кун бўлди? — деди унга ўқрайиб Босс.

— Барибир эҳтиёт бўлиш керак-да, — дея унга жавоб килди сокчи.

— Қанақа қилиб эҳтиёт бўлишни отангга бориб ўргатгин! — дея овозини бир парда кўтарди Босс.

Бу унинг жаҳли чиқаётганлигидан нишона эди. Босснинг жаҳли чиқдими, унинг оқибати нима билан тугашини яхши билган сокчилар олдинма-кейин камерани тарк этишди. Уларнинг орқасидан Босс Чувалчангни ҳам кувиб юборди.

— Сени кимлар қандай қилиб бундаи аҳволга солишганини жуда яхши биламан. Фақат бир нарсадан мени аниқ хабардор қил. Буни мен сендан энг якин одаминг сифатида сўраяпман. Кобранинг одамлари қандай қилиб анави иккитасини чавақлашди-ю, сенинг ёстиғинг тагиға қўйилган пичноқ қандай қилиб бошқа одамнинг кўрпаси остига ўтиб қолди? — дея Фаррухнинг кўзига тикилди Босс.

Фаррух нафақат бу одамни яхши кўриб қолган, балки унга сифиниш даражасига етган эди. Шу боис бўлиб ўтган воқеани қолдирмай ипидан-игнаси гапириб берди. У ҳикоясини тутатгандан кейин Босснинг юзи ёришди. Фаррухнинг пешонасидан яна бир бор ўпиб:

— Ўзингни яхши асрабсан, ўғлим, бундан бу ёғига ошифинг олчи, лекин мен ёнингда бўлсан ҳам эҳтиёт-корлигингни йўқотма, — дея ўрнидан турди.

Ҳамшира камерадан чиққач, кўнгли хижил бўлди. У Босснинг ўта ваҳший ва айни пайтда олижаноб одамлиги ҳақида кўп бора эшитганди. Шу боисдан ҳам Боссдан хавфсиради. "Бечора йигитга мен килмаган ишни қилиб кўйса нима бўлади?" дея ўйлади ва шундай хатарли хаёл исканжасида бош врач хонаси га кириб борганини ҳам сезмай қолди.

— Тог йигитларини жуда чайир бўлади деб эшитгандим, — деди ҳамшира кириб келганидан кейин врач унга жилмайиб бокаркан. — Томирини топишга қийналмаган бўлсангиз керак.

— Мен унинг томирига укол қилолмадим, — деди ҳамшира врачнинг кўзига тик қараб.

— Нега? — деди ҳайрон бўлган врач.

— Энди укол қилмоқчи бўлганимда, Босс деган одам кириб қолди-да, қўлимдаги шприцни тортиб олиб кичкина шиша часига солиб олиб кўйди. Кейин "Мен бунинг таркибини аниқлаштираман. Ундан кейин укол киласиз, синглим", деди.

— Нима?! — дея ўрнидан сакраб туриб кетди врач. — Босс! Қандай қилиб? Таркибини текширасмиш?! Бу ёги неча пулдан тушди?! Мен энди нима қиласман?! Болачакам етим қолиб кетаверадими?

Бош шифокорнинг юзи бутунлай қайгули тус олган эди. У ўзи сезмаган ҳолда миясига келган гапларни гапириб юбораётганди.

— У йигитнинг ота-онаси йўқми? Унинг ота-онаси нима кўйига тушади? — деди Зарина киноя билан.

Аммо бош врачни шунчалик кўркув босган эдики, қизнинг нима деганини ҳам англаб ололмади.

— У ерда Кобра йўқмиди? — дея сўради у Заринадан.

— Ҳеч қанақангি илон-пилон кўрмадим, — дея қиз орқасига ўгирилиб бош шифокорнинг хонасидан чиқиб кетди.

У кетиши билан врачнинг кўзидан ёш кўйилиб кела бошлади.

Зарина ўзининг хонасига кирди-да, бошини қўллари орасига олганча ярим соатдан кўпроқ ўтириди. Фаррухни ёлғизлатиб чиқиб кетгани учун ўзини-ўзи койиди. Кейин "Босс бўлса ўзига, бошқа жойда хўжайнлигини қилади. Менга эса беморимнинг соғлиги керак", — дея хаёлидан ўтказди-да, ўрнидан турасола ташкарига чиқди. Қиз кутилмаганда Боссга урилиб кетишига озгина қолди.

— Кечирасиз, синглим, — деди Босс майин жилмайиб, — сизнинг чиқиб қолишингиз хаёлимга келмабди.

Зарина унга ҳеч нарса демасдан ёнидан ўтиб, Фаррух ётган камера томонга югурди. Йўлда уни соқчи тўхтатди.

Қиз унга бемор ётган камерада асбоблари қолиб кетган-лигини баҳона қилди. «Юринг», деди соқчи. Ва ортига бурилиб йўл бошлади. Камера ёнига етганларидан кейин Зарина соқчидан эшик ортида қолишини илтимос қилди. Соқчи мийигида кулиб қизга кўз қисиб қўйди. Ҳамда тагдор қилиб: «Қолиб кетманг ойимқиз», деб қўйди. У ҳовлиқиб эшикни очганида, йигит шифтга нигоҳини қада-ганча ётарди.

— Фаррух! — деди бакириб юборди Зарина.

Йигит чўчиб тушди-да, кизга қаради, Заринанинг ташвишли юзини кўриб:

— Нима бўлди? — деди сўради.

— Сизга анавилар тегинишмадими? — деди Фаррухнинг ёнига келган Зарина.

— Улар яхши одамлар, бекордан-бекорга бирорни хафа килишмайди, — деди йигит кулиб.

— Кўрқинчли одамлар экан, шунга хавотир олиб...

— Сиздан бир нарсани сўрасам майлими? — деди Фаррух гапни бошқа томонга буриш учун.

— Ха, бўлади, — деди ҳамон ўзига келолмаган киз.

— Нега менинг бир ўзимни бу ерга қўйиши? Одам тўртта девор ичида зерикиб кетар экан. Ёки бугун эрталаб тўсатдан касал бўлиб қолганлар дарров тузалиб кетишидими?

— Каёқда тузалишади? Қўли куйгани тезда шифо то-пиши мумкин. Кейин... Бу ерга ўта хавфли жиноятчи-ларни кўйишиарди илгари. Биз ҳам уларни даволаш учун ёлғиз ўзимиз келмасдик. Сизнинг ёнингизга бўлса, менинг ёлғиз ўзимни юборишиди.

— Кўрқмадингизми? — деб сўради Фаррух мийигида кулиб. — Менам келишингиз билан ташланиб қолганим-да нима қиласдингиз?

— Йўқ, бу ерга келгунимча касаллик варақангизни, нега камалганингизни ўқидим. Кейин кўрқмай келдим. Энди мен борай, сўраб қолишлари мумкин. Сиздан, анави акангиз айтганидай, тез-тез хабар олиб турман, — деб ҳамшира ортига бурилди-да, бир-бир қадам босиб ташқарига чиқиб кетди.

Босс бош шифокор билан обдон "сухбатлашиб" чиқ-кач, соқчиларга энди қамоқхона бошлигининг қабулхонасига олиб боришларини айтди.

— Буниси ошиб тушади, сизни шу ергача олиб келишни ваъда бергандик, — деди соқчилардан бири.

— Эсим курсин, қариҷилик-да. Хотира қоптими бизда, — деб Босс бироз ўйланиб турди-да, сўнг: — Хозир мени камерага олиб бориб кўйинглар-да, кейин ўзларинг бошлиқقا менинг у билан учрашмоқчи эканлигимни айтинглар, — деди ва соқчиларнинг олдига тушиб, кўлларини орқага қилганча камера томон кетди.

Босснинг келиши Кобрани анча ташвишга солиб қўйди. У бир жойда ўтиrolmas, устма-уст сигарета чекарди. Бу эса унинг ожизлигини яна бир маротаба намоён қиласр эди. Унинг камерасида шу боисдан ҳам тинчлик хукмрон, биронта маҳбус қаттикроқ овоз чиқариб қўйиб илоннинг газабига дучор бўлиб қолишдан чўчиб, қимир этмасдан ўтиришарди. Бундай жимжитлик эса илоннинг юрагини борган сари ғаш қиласверди.

— Жимжилок! — дея бакирди Кобра. Шу ондаёқ унинг ёнига бўйи пастина, ўзи озгин ва шу ҳолига қалин ярашиқсиз мўйлов қўйиб олган маҳбус югуриб келди. — Бор, қарта келтир. Карта ўйнаймиз, бўлмаса худди пошшо ўлиб қолгандай ҳамма мотам тутиб ўтирибди, — деди.

— Хўп, бўлади, — дея Жимжилок ўзининг тумбочкасидан ҳали очилмаган яп-янги қарта олиб келди.

Илон атрофига йигилган ўзининг тўртта барзанги хизматкорларидан бирига қартани иргитиб, тарқатишни буорди.

Қарта ўйини ҳам Кобранинг кўнглини ёзмади. У қаттиқ ўйга берилганидан ўйин ҳам эсидан чиқиб кетар, гали келганда қарта ташламас эди. Шунда унинг йигитларидан бири қисқагина йўталиб қўйиб, илонни ўйларидан чалғитарди. "Босснинг узоқ муддат бу ерда бўлиши ўта хавфли. Уни бошқа жойга ўтказиб юбориш керак. Ёки бўлмаса ажалнинг кўлига топшириш лозим. Ҳар иккови ҳам осонлик билан битадиган иш эмас. Бу ерда унинг обрўси менинидан анча баланд. Бошликлар ҳам унинг гапини гап дейди. Яхшиси, ёрдамни ташқаридан — амалдордан олган маъқул. Фақат угина Боссга қарши ўйинда ғолиб чиқиши мумкин. Буюртмани ўзи бердими, бу ёғини ҳам қойиллатсан", дея хаёлидан ўтказган Кобра кўлидағи қартасини отиб юборди. Унинг бундай ҳаракатидан

йигитлар бирдан сергак тортишди. Ва биронта буйруқ беріб қоладими деган ўйда илонга қараши. Бу пайтда Кобранинг Босс билан учрашишига икки соатча вакт қолган эди.

Эдуард Анисимович Босснинг учрашмоқчи бўлганлигини эшитганда ранги бироз оқарди. Бироқ буни билдириласлик учун ёнидан сигарета олиб лабига қистирдида, соқчига тиржайиб қараб:

—Олиб келинглар, — деди.

Орадан ўн беш дақиқа ҳам ўтмасдан соқчи ундан киришга рухсат сўради ва Босснинг келганлигини айтди.

— Олиб келинг, — деди қамоқхона бошлиғи расмий оҳангда, олдиаги қофозларни титкилаб, гўё ўзини банд одамдай кўрсатиб.

— Сизни кўриб турганимдан ниҳоятда хурсандман, — деди эшикдан кириб келган Босс жилмайиб.

— Кўзим учиб турганди сени кўришга. Яна нима балоларни бошлаб келдинг? — деди Эдуард Анисимович кўришиш учун кўл узатиб.

— Соғиндим, азбаройи сиздай олижаноб одамни кўргим келди. Шунинг учун келдим. Бунинг устига, бу ер менинг ўйим. Кимнинг уйига қайтгиси келмайди, дейсиз, хўжайин.

— Хали кўришишга улгурмасимиздан қанча лағмонларни қулоғимга илиб ташладинг-а, шунча ёлғонни қаердан топишингга ҳайронман, — деди қамоқхона бошлиғи зўрма-зўраки тиржайиб.

— Эй-й, хўжайин, қизиқсиз-а? Сизнинг лағмонларингизу қасамхўрликларингиз олдида бизники кўринмай кетади-ку.

Босснинг гапи қамоқхона бошлиғига ёмон таъсир килди. Унинг ўрнида бошқа маҳкум бўлганида шу гапи учун аллақачон оёгининг тагига олиб топтаб ташлаган бўларди.

— Ўтири, нима гапинг бор эди менда? Фақат тез-тез гапир, вақтим йўқ менинг. Сенга ўхшаган бекорчи одаммасман, — дея бирдан қовоғини уйиб олди Эдуард Анисимович.

— Раз, сиз тез гапиришни талаб қилсангиз, на илож? Қисқа бўлса қисқа-да... Москвадагиларга хабар берсам

майлими? Шуни сиздан сўрамоқчиман, холос, — деди Босс столни кўли билан чертиб.

— Қанақа Москва? Қанақа хабар? — деди қамоқхона бошлиғи таажжубланиб.

— Ўзингиз яхши биладиган хабар-да, хўжайин, — деди Босс Эдуард Анисимовичга тикилиб.

— Нималар деб валдираяпсан?

— Одамни чалкаштирганг. Мен валдирамаяпман. Куни кеча ҳеч кими йўқ, айбиз қамалган чўпон боланинг итдан баттар калтакланганлиги-ю, бугун тунда баъзи бирорвларнинг буюртмасига асосан иккита маҳкум гум қилинганлиги ва бошқа бир бегуноҳ одам бунинг учун айбдор бўлиб чиққанлиги ва ниҳоят фашистлардан қолган усул билан ўндан зиёд одам жазоланганлиги ҳақида-ги хабар бутун Кремлни ларзага солмайди, деб ўйлайсизми?

Қамоқхона бошлигининг кўзи бирдан олайиб кетди. Рўпарасида ўтирган одам ҳозир маҳлукқа айланиб қоладигандай, унга бирдан ҳужум қиладигандай туюлди.

— Сен... сен... — деди у тили базур калимага келиб, — буларни қаёқдан била қолдинг?

— Ҳа, энди шу ерда улгайганимиздан кейин ҳамма тешикни биламиз-да, — деди Босс бармоғи билан столни оҳиста чертар экан.

— Мендан... мендан нима истайсан? — дея сўради қамоқхона бошлиғи.

— Унақа кўп нарса сўрамайман. Фаррух менинг хонамга ўтказилса, уни ҳеч ким безовта қилмаса бўлди. Колган майда-чуйда нарсаларни ўзим ҳал қилиб оламан, — деди Босс Эдуард Анисимовичнинг кўзига тик қараб.

— Бўпти, сен айтгандай бўлади. Факат орқа-олдингга қараб юр. Кераксиз нарсаларга бурнингни тиқма. Йи-гитча билан сариқ чақалик ишим йўқ. У кўпроқ ташқаридагиларни кизиктиради. Бу ёғини ўзинг тушуниб ола-вер.

— Яхши. Менинг айтганларим бажарилса, мен ҳам оёғимни узатиб ўтирмокчиман... Энди соқчингизни ча-кирсангиз. Ёки илонга ўхшаб сиздай "буюк" инсонни мессимасдан чиқиб кетаверайми? — дея Босс яна бир марта қамоқхона бошлиғига нишини суқиб олди.

— Соқчи! — деди бирдан бақириб юборди Эдуард Анисимович.

Босснинг ҳали иши тугамаганди. У энди Кобра масаласини ҳал қилиши лозим эди. Шу боисдан тўхтаб, орқасидан келаётган соқчига юзланди.

— Ука, — деди ниҳоятда юмшоқ оҳангда, — битта хизмат бор, йўқ демассиз. Мени алоҳида камерага олиб бориб қўйсангиз-да, кейин биродарим Кобрани ёнимга етаклаб келсангиз. Кўришмаганимизга ҳам анча бўлиб кетди. У ҳам, мен ҳам бир-биримизни қаттиқ соғинганмиз.

Соқчи унга кўзини бир қисиб қўйди-да:

— Юришдан тўхтаманг, маҳбус, — деди қўпол, дагал овозда.

\* \* \*

Моҳирўйни титроқ босди. Кўзидан ёш сизиб чиқди. У: "Хозир дадам келиб мени аввалгидаи калтаклашга тушади", деб ўйлади. Бироқ қизнинг ўйлаганича бўлмади.

— Қандай ҳаддинг сифди менинг қизимни кучоқлашга?! — деди бақирди Турғун Фаниевич хизматчига. — Ким сенга бундай хукуқ берди?!

Хизматчи хўжайинининг гапидан буткул довдираб қолди ва Моҳирўйни бирдан қўйиб юборди. Қиз чўқкалаб ўтирганча иккала қўли билан юзини бекитиб, ўқсиб-ўқсиб ийғлашга тушди.

— Ҳалиги... ҳалиги, яна қочиб кетмасин девдим-да, — деди дир-дир титраётган хизматчи.

— Қочмоқчи эмасдим, уйда ётавериб сиқилиб кетганимдан, тоза ҳавога айлангани чикувдим. Шунгаям ҳаққим йўқми мен бечоранинг? Менинг устимдан энди хизматчилар ҳам кулишшайти... Кетаман, керакмас менга бунақангич шоҳона ҳаёт! — деди Моҳирўй йиғлоқи овозда.

Унинг ўзи ҳам бундай гаплар миясига қаердан келиб қолганига ҳайрон эди.

Амалдор ортиқ чида буролмади. Хизматчининг ёнига келди-да, аввал унинг башарасига шапалоқ тортиб юборди. Кейин бунга қаноат қилмай, икки оёғининг орасига чунонам тепдики, бир қулоч чамаси осмонга сакраган хизматчи ерга гурсиллаб қулади-да, типирчилаб қолди.

Унинг жон ҳовучлаб типирчилашига эътибор ҳам бермagan Турғун Фаниевич қизини хафа қилгани учун фаррошга ҳам икки тарсаки туширди. Сўнгра Моҳиройни етаклаб ичкарига олиб кирди.

Қиз ўрнига ётганидан кейин ҳам талай муддат ўзига келолмай ҳиқиллаб йиглади. Кўзлаган мақсадига етолмагани бир алам қилса, унинг касофатига бошқа бировлар қолгани ҳам ич-этини кемираради. У ҳақиқатан ҳам ҳар иккала хизматчини жинидан баттар ёмон кўрап эди. Аммо айни дақиқада уларга ичи ачиётганди. Бунинг сабабини ҳатто ўзи ҳам билмасди.

Қиз тонггача хаёл суриб-суриб, ниҳоят, ухлаб қолди. Эрталаб уни нонуштага ҳеч ким уйғотмади. Шу боисдан ҳам, соат миллари ўн бирга яқинлашиб қолганида Моҳирой кўзини очди. Кейин шошилмасдан ўрнидан туриб, ташқарига чиқди. Ҳовлида ғалати бир сукунат ҳукмрон эди. Хизматчиларнинг биронтаси кўринмас, дадаси билан ойиси ҳам қаёқладир кетгандай эди. Биргина Достон ҳовли адогидаги ўрикнинг соясида велосипедини алланималар қилиш билан банд эди. Моҳирой бир муддат гарангсиб турди, сўнг:

—Хов, — дея Достонни чакирди.

Достон қиз томонга бир қараб кўйди-да, яна ишини давом этказаверди.

—Сени чакирайпман, қулоғинг гарангми? — деди Моҳирой.

Укаси бир нималар деб тўнғиллади. Унинг гапларига қиз тушунмади. Шу боис, секин-аста унинг ёнига ўзи борди.

— Уйдагилар қаёқка кетишган? — дея сўради Моҳирой истар-истамай.

— Буни билиш учун тушгача сасиб ётавермасдан, эртароқ туриш керагиди уйқудан, — деди Достон қилаётган ишидан бошини кўтартмасдан.

— Хов, — дея бирдан укасининг елкасидан ушлади Моҳирой, — менинг қачон уйғонишим билан ишинг бўлмасин. Сендан одамга ўхшаб сўраяпман. Уйдагилар қаёқка кетишиди?

Достон унинг кўлинин силтаб ташлаб ўрнидан турдида:

— Сенинг касофатинг уйга уриб кетибди. Мамарасул акани кечаси бирор дарвозаҳонада ўлдириб кетибди, ойимнинг айтишича, буни қилган одам асли сени излаб келганмиш. Уйга кирмоқчи бўлганида, Мамарасул ака унинг йўлини тўсган, келган одам бошқа чора тополмаганидан уни ўлдириб қўйган, кейин қурқанидан қочиб кетган, — деди Достон афтини буриштириб.

Мохирўйнинг хаёлига бирдан кечаги воқеалар келди.

— Мамарасул ўлибдими?

— Унинг ўлганидан хабаринг бор экан-да. Бекорга тушгача ухламагансан, — деди Достон киноя билан.

— Сенданам бирор марта тузук гап чиқадими ўзи?! — деди алам билан Мохирўй.

— Чиқади. Фақат сенга эмас. Йигитларгаям ҳайронман. Сенинг ниманнга ошик бўлишади ўзи?! Сени яқиндан кўрган одам қўрқанидан юз қадам наридан ўтиб кетгиси келади-ку, — деди Достон афтини бужмайтириб.

— Сени одам деб гаплашиб ўтирган мен ўзим аҳмокман, — деб кўзидан оққан ёшни кафтига арта-арта Мохирўй уйга югуриб кириб кетди.

Қиз хонасига кирди-да, бир муддат тўшагида ётди. Кейин хаёлига келган ўйдан хурсанд бўлганча ўрнидан сакраб туриб, ошхонага борди. У ерда хеч ким йўқ эди. "Бундай имкониятни кўлдан чиқариб бўлмайди. Тезроқ харакат қилишим керак", дея хаёлидан ўтказди қиз ва яна ўзининг хонасига қайтиб, жинси шимининг кофтасини кийди ва ойнага қараб, ўзига разм солди. Тўзғиган сочлари йиғидан кейин бироз қизарган юзини янада гўзалаштириб юборган эди. Шундай бўлса-да, сочини турмаклаб, кўзгу ёнидан узоклашди. Шундан кейин қиз чаққон харакатлар билан кўзга кўринарли нарсаларини сумкага жойлаб, шитоб билан хонадан чиқиб кетди.

У ҳовлида тез-тез қадам ташлаб дарвоза томонга кетаётганида Достон қиз томонга қаради-да:

— Кочиб қаёққа ҳам борардинг? Сен ҳам, шеригинг ҳам барибир қамаласанлар! — дея бақириди.

Мохирўй унинг гапига эътибор ҳам қилмасдан дарвоздан ташқарига чиқди.

Қиз кетганидан кейин орадан ярим соатлар ўтиб амалдор билан Зулайҳо уйга кириб келишди. Иккаласининг

ҳам қовоклари осилган. Эр-хотин узум сўриси остидаги чорпояга келиб ўтириши. Уларни кўрган Достон эриниб ўрнидан турди-да, бир-бир қадам босиб ёнларига келиб:

—Дада, велосипеднинг дабдаласи чиқиб кетиби, бошқасини олмасак бўлмайди, — деди пешонаси тиришиб.

Турғун Фаниевич унга еб қўйгудек тикилди:

— Итдан тарқаган, хозир ўзимнинг дабдалам чиқиб ўтириби, яна олдимда озгина қийшанглассанг, сениям дабдатанг чиқади!

— Бор, болам, ўзингнинг ишингни қилиб тур. Хозир дадангга битта гап ҳам ортиқча, — дея орага суқилди Зулайҳо.

— Анави санғига ҳамма нарса мумкин. Менга қолганда доим шундай бўлади, — дея нари кетаётган Достон бир нимани эслаб қолгандай бирдан жойида тўхтади-да, яна ортига бурилди: — Оқшом ўйнаши билан ўйнашгани етмагандай, яна ўшаникига суриб кетди унингиз.

— Ни-ма?! — дея бирдан бақириб юборди амалдор. — Ким, қаёқка суриб кетди?

— Намунча бақирасиз болага? — дея ўғлининг ёнини олди Зулайҳо.

Аммо унинг гапига Турғун Фаниевич мутлақо эътибор бермади. Ўрнидан тура сола келиб Достоннинг қўлидан маҳкам ушлади-да:

— Кимни айтаяпсан? Қаёққа суриб кетди? — дея бўкирди у оғзидан кўпик сачраб.

Дадасининг важоҳатидан Достон қалтираб қолди.

— Мо... Моҳирўй, кийиниб чиқиб кетди! Уни... Уни...

Ўғил қолган гапни айттолмади, кўзидан дувиллаб ёш оқди.

— Нега бунча қийнайисиз бу бечорани? — дея шангиллаганча эрининг қўлига ёпишди Зулайҳо. — Битта етимча ўзингизнинг пушти камарингиздан бўлган боладанам азизми? Асли тукқан онасининг тайини йўғаканки, ҳали у ёққа, ҳали бу ёққа қочади. Унинг дастидан ҳеч бири-мизда ҳаловат қолмади. Шунинг шалтоғини тозалаймиз деб, мана, икковимизам нима кўйга тушиб ўтирибмиз?

Хотиннинг гаплари эрга таъсир қилмасдан қолмади. У ўғлини қўйиб юбориб, маст одамдай тебранганча чорпо-янинг ёнига борди-да, беҳол ўтириб қолди.

Турғун Фаниевич тили билан қанча-қанча одамлар-нинг бошига етган эса-да, ҳеч қачон ўз қўли билан бирорни ўлдирмаганди. Биринчи бор у шундай иш қилиб қўйди. Қилганда ҳам ўз уйида, яна садоқатли хизматчи-сини ўлдирди. Бу камлик қилгандай, кутилмаганда ҳам-мадан олдин уйғонган Достон мурдани биринчи бўлиб қўриб, сал қолса, бутун маҳаллага жар солай деди. Ях-шики, қўнгли хижил бўлганидан, барвактрок туриб дар-возахона томон боргани... Ўғлини амаллаб тинчитгани-дан кейин Зулайҳо овозига зўр бериб қолди. Емни кўрган эшакдай "ҳанграш"га тушди. Ҳар қалай, Турғун Фание-вич ўша пайт уни шундан бўлак ҳайвонга ўхшатолмади. Бирорта ҳайвонга албатта ўхшатиш шартдай туюлди унга. Аёлни тинчтиш озгина вақтни олди-ю, аммо шунчалик шовқин-суронни эшитиб биронта ҳам хизматчи келмага-ни амалдорни ўйлантириб қўйди. У хотинига тезда хиз-матчиларни топиб келишни буюрди. Зулайҳо уйнинг ҳамма жойини кўриб чиқди. На фаррошларнинг бирон-тасини топди ва на хизматчиларнинг. Ноилож қолган амалдор хотинини ишга солди. Албатта, ўзи ҳам караб турмади. Мурдани қопнинг ичига солишга ёрдамлашиб юборди. Кейин жасадни машинанинг юкхонасига орти-шиб, шаҳар ташқарисига олиб боришиди ва одам кўп юрмайдиган жойни топишиб кўмишди-да, ортга қайтиш-ди. Амалдор йўл-йўлакай хизматчиларнинг уйларига ки-риб ўтишни эсидан чиқармади. Ҳаммасига Мамарасул-нинг хушидан кетиб қолганлигини ва уни касалхонага ўзи элтиб қўйганлигини айтиб, тезда уларга ўзининг ор-қасидан уйига етиб боришлиарини тайинлади. Хизматчи-лар хўжайнинг гапига учалик ҳам ишонишмаган бўлишса-да, унинг қаҳридан қўрқанларидан албатта бо-ражакларини айтишди. Турғун Фаниевич йўл давомида хотинига оғиз очмади. Хотини эрининг нега милицияга хабар бермасдан бунака ишлар қилиб юрганлигини сўра-ганида, унга ўшқириб берди. Шу билан шундоғам ваҳм ичидаги Зулайхонинг уни ўчди, бошқа гапирмай қўйди. Иккинчи томондан эса у хурсанд бўлди. "Мабодо эрим энди Моҳирўй сабаб биронта қилиқ чиқариб қолса, уни жон жойидан ушлайман", дея қўнглига туғиб қўйди. Амал-дор буларнинг барини атайлабдан қилаётганлиги эса унинг хаёлига ҳам келмас эди.

Ҳар қандай қаллобликдан қайтмайдиган, унча-мунча кўнгилсизлик этини жимирлатолмайдиган амалдор Моҳирӯйнинг кетиб қолганидан мункайиб қолгандаи эди. У қизни вақти-соати етгунча соф, покиза қилиб асрамоқчи эди. Бўлмади, шунга қолганда унинг курби етмади. "Топаман, ернинг тагидан бўлса ҳам топаман. Агар поклигига заррача зарар етказган бўлса, дунёда ҳали ҳеч кимнинг эсига ҳам келмаган қийноқлар билан ўлдирман", дега хаёлидан ўтказди у. Лекин айни пайтда Моҳирӯйни каердан излашни билмасди. Қизининг кочиб кетганлиги тўғрисида бирорвга айтишга эса бети чидамасди. "Фалончининг қизи уйидан қочиб кетибди", деган дашномни эшишидан кўркарди. Аммо қизига нисбатан ҳис-туйгулари бирон кун ошкор бўлиб қолса, қанақангি маломатларга қолишини эса, хаёлига ҳам келтирмасди. Тўғрироги, бу ҳақда ўйлаган эди. Лекин ҳаммасини яширинча амалга оширишни мўлжаллаганди.

Амалдор талай муддат кўзини юмид ўтиради. Хотини унга қараб туриб: "Бечора, адойи тамом бўпсан-ку. Менимча, ажалинг шу қиз орқали келади-ёв", дега хаёлидан ўтказди. Бу пайтда бирин-кетин хизматчилар кириб кела бошлиди. Ҳаммасининг юзида ҳадик, кўркув бор эди. Барчаси йигилиб бўлганидан сўнг амалдор уларга бир оғиз ҳам гапирмасдан кийиниб чиқди-да, ишга кетди. Бироқ ишда ҳам кўнгли ҳаловат топмади. Хаёлида Моҳирӯй қанақадир йигит билан ишрат қилаётгандай туюлаверди. Охири, чидамади. Атрофига йиққан йигитларини тўплаш учун универмаг директорига кўнғироқ қилди.

\*\*\*

Моҳирӯй тўғри тугруқхонага борди. Қабулхонадан Марҳабо исмли жувон қачон тугруқхонадан чиқиб кетганлигини ва унинг уй манзилини сўради. Ҳамшира "Мен билмайман. Менинг ишим факат қабул қилиш. Жавоб бериш билан бошқалар шугулланишади", деди. Шундан кейин Моҳирӯй аввалгидай усулни кўллади. Ойна тешигидан қофоз узатган киши бўлиб, ҳамширанинг олдидаги дафттар ичига битта уч сўмликни солиб қўйди.

— Жуда кўзга яқин қиз экансиз, кўча-кўйда эҳтиёт бўлиб юринг, ҳозирги болалар чатоқ, — деди ҳамширанинг бирдан чиройи очилиб, ўзини ҳазиллашганга олар экан. — Ҳозир мен бориб бир сўраб келайнин-чи.

Ҳамшира ўрнидан турганидан кейин унинг анчагина семиз эканлигини кўрган Моҳирўй: "Одам бир жойда қимирламай ўтираверса, шунаقا орқаси катта бўлиб кетса керак", дея ўлади.

Ўзига ярашмаган чакқонлик билан тезда қайтиб келган ҳамшира кичкина қоғозчага Марҳабонинг туғруқхонадан чиққан куни ва уй манзилини ёзиб берди. Моҳирўй унга жилмайб кўйиб, раҳмат айтди-да, ортига қайтди. Ҳамшира унинг қадди-қоматига сукланиб қараб, эркак бўлиб туғилмаганига афсулсланиб қолди.

Эшикни Марҳабо очди. У ўзига гулдаста тақдим қилаётган қизни дабдурустдан таниёлмади. Шундай бўлса-да, чексиз хурсандчилик билаи унинг гулдастасини олди. Унга ҳали биронта одам бунаقا мурувват кўрсатмаган эди. Эҳтимол, шу боис, жувоннинг қўзида ёш пайдо бўлди. У қаршисидаги бежиримгина, мафтункор қизни қучоқлаб, юзидан ўпди.

— Чакалоқнинг ҳиди шунақанги ширинки, одам ҳидлаб тўймайди, — деди Моҳирўй.

Бундан Марҳабонинг хурсандчилиги икки карра ортди.

— Тўғриси, сизни таниёлмадим. Лекин ажойиб қиз экансиз! — деди ҳаяжонланиб кетган Марҳабо.

— Шунақа-да, дарров эсингиздан чиқариб қўясиз. Доянгиз бўлишимга озгина қолувди-ку, — деда гапни ҳазилга бурди Моҳирўй.

Кейин ҳазилим қўпол чиқиб кетмадимикин, деган ўйда бирдан тилини тишлади.

— Ким билан гаплашаяпсан? — деган овоз келди ичкаридан.

— Вой, — деди бирдан Марҳабо онасининг гапи қулоғига кирмай, — сиз ўша қизмисиз? Ўшанда оғриқ билан бўлиб, сизга тузукроқ қарамаган эканман. Сиз ҳақингизда ойим менга гапириб берганди... Эсим қурсин, нега оstonона гаплашиб турибмиз, уйга киринг!

Марҳабо Моҳирўйнинг қўлидан ушлаб ичкарига бошларкан:

— Ойи, қаранг, бизникига ким келди? — деда овоз берди.

Тўшакка михланиб ётган аёл ўрнидан турмоқчи бўлди-

ю, бирок бошида пайдо бўлган қаттиқ оғриқ унинг кўзга-лишига йўл қўймади. Бу пайтда Моҳирўй у ётган хонага кириб келган эди.

— Сизга нима бўлди? — деди қиз хавотирланиб ва тезда келиб аёлнинг бош томонига ўтирди.

— Арзимаган касаллик, — деди аёл жилмайишга ҳаракат қилиб, — бир-икки кун ётсам ўтиб кетади.

Моҳирўй унинг пешонасига кўлинини кўйиб кўрди. Иссиклик қизнинг кўлинини куйдирди.

— Иссифингиз бор экан-ку, бу ахволда қандай қилиб ётибсиз? — деб Моҳирўй саволни аёлга берди-ю, ўзи Марҳабога қаради.

Жувоннинг кўзидан ёш сизиб чиққан эди. Шунда Моҳирўйнинг ёдига аёлнинг қизини туғруқхонага олиб бораётганида ёлвориб пул сўрагани келди-ю, ичидан бир нима чирт этиб узилгандай бўлди.

— Бу иситмага ўрганиб колганман. Менинг иситмам шунаقا бекарор, керак-нокерак пайтда чиқиб-тушиб турди. Озгина ётсам дарров ўтиб кетади. Бунга эътибор бермасаям бўлади. Ўзинг қандай, яхши юрибсанми?.. — деди аёл.

Шундан кейин ҳам бир нарсаларни гапирмоқчи эди. Аммо оғзи куруқшаб, гапиришга қийналди. Буни Моҳирўй дарров илғаб олди ва аёлнинг кўнглини кўтаришга тушиб кетди. Унинг гапларини жилмайиб эшлитиб ётган аёл, кизига чой кўйишни буюрди.

— Шошманг, — дея Марҳабони бирдан йўлдан қайтарди Моҳирўй, — аввал чақалокни менга кўрсатинг...

Марҳабо тўхтаб, орқасига ўгирилди. Унинг юзи қизарип кетган эди. Буни кўриб Моҳирўйнинг юраги орқасига тортиб кетди. "Наҳотки чақалокқа бирон нима бўлган бўлса", — деган ўй яшин тезлигига хаёлидан ўтди.

\* \* \*

Босс кирган камера деярли ҳамма вакт бўш турар эди. Бу ерни аввалига қамоқхона бошлиғи "авторитет"лар билан учрашадиган ва улар билан маҳфий ишларни битирадиган камера қилиб олган эди. Вакт ўтиб, қамоқхона бошликлари бир неча бор алмашгач, ўз-ўзидан кўп сирларга воқиғ бўлган бу хона "кўзирлар"никига айланиб қолди. Қайси "авторитет" бирон масалада иккинчиси билан келишолмай қолса, у билан албатта шу ерда орани

очиқ киларди. Агар тил топиша олишмаса, унда аниқ қон түқиларди. Фақат иккита столдан иборат, деворлари ғадир-будир сувоқ қилинган, бирон жойида игна тешигидай ёриқ ҳам қолдирилмаган бу жой кўп ҳолларда ана шундай тўқилган қонларга гувоҳ бўлган. Босс эса сўнгги пайтларда ушбу зулматхонанинг эгасига айланиб қолганди.

Босс столга келиб ўтирганидан кейин Кобра билан бўладиган сухбатнинг режасини хаёлида тузиб чиқди.

Орадан ўн беш дақиқага яқин вақт ўтганидан кейин эшик шарак-шурук қилиб очилди ва Кобра кириб келди. Уни олиб келган соқчи яна эшикни кулфлади.

— Биродарим билан яна кўришиб турганимдан бошим осмонга етди, — деди Кобра Боссга яқинлашиб қучогини очар экан.

Унинг хунук башараси хира чироқ ёруғида баттар хунуклашган эди. Босс унинг кириши билан айнан шундай қилишини олдиндан башорат қилганди. Адашмаганлигидан, сезгилари ёшлигидагидай сергаклигидан у ичидада мамнун бўдди.

— Ўтири, — дея амр қилди Босс илонга ҳатто кўришиш учун ҳам қўлини узатмай.

— Бир оғиз гапингиз, — дея ичидан киринди ўтса-да, зўрма-зўраки илжайиб, Босснинг рўпарасидаги столга ўтириди Кобра.

— Нега менинг одамимга тегиндинг? — дея сўради Босс ўткир нигоҳини унга қадаб.

— Англашилмовчилик бўлган. Менга хабар кейинроқ келди, — деди бирдан жиддий тортган Кобра.

— Бекор айтибсан! Ҳаммасидан хабаринг бўлган.

— Айбдорлар жазосини олди.

— Кимнинг қўли билан?

— Тегишли одамлар ишлашди.

— Балки Фаррух сенинг ишингни қилиб бергандир? — деди киноя билан Босс.

— Буни билишинг шарт эмас! — деди бирдан дағаллик билан илон сенсирашга ўтиб.

Боссни худди ток ургандай бўлди. Билдики, Кобра-нинг бўйни ўзи ўйлаганидан анча йўғонлашибди. "Тезда кескин чора кўриш керак. Йўқса, бошқа қиликлари ҳам чиқиб қолиши мумкин", дея хаёлидан ўтказди Босс.

— Оббо сен-э, қойил. Сен йўғингда ҳамма ёқ эгасиз қолган. Ҳар ким ўз улушкига эга демокчисан-да, — деди илжайиб у.

— Қанақа хоҳласанг, шунақа тушун. Мен кеча келган тирмизак учун кимларнингдир олдида отчёт бермоқчи-масман, — деда гапимиз тугади дегандек ўрнидан турди илон.

Қобра ортига бурилиб, эшикка яқинлашди. Илгари у Босснинг олдидан ҳеч қачон орқасини ўгириб чиқиб кетмаган.

Илон кетганидан кейин ҳам талай муддат Босс хаёл сурисиб ўтириди. "Бир йил ичида шунчалик катта ўзгариши бўлади, деб ҳеч қачон ўйламаган эдим. Мени булар дар-ров қариб қолганга чиқаришганга ўхшайди. Йўқ, бунақа-си кетмайди. Ҳали қайноқ қоним оқишидан тўхтамаган экан, бунақа жипириқиларнинг йўғон бўйини қайириб кўйишга кучим етади", деда ўйлади-да, ўрнидан турди.

\* \* \*

Фаррух кечга бориб ўзини анча тетик ҳис қила бошлади. Ҳатто ўрнидан туриб у ёқ-бу ёққа юрди. Тезроқ ўзини бу ердан олиб чиқишиларини истаб эшик ёнига бир неча марта бориб келди. Бироқ эшик очилавермади. Факат ташқарига коронфилик тушишидан олдин қалин темирми, пўлатданми бўлган эшик очилиб, Зарина кириб келди.

— Вой, — деди у Фаррухни кўриб, — нега ўрнингиздан туриб юрибсиз? Мумкинмас сизга бундай юриш. Қани, тезда жойингизга ётинг-чи. Бўлмаса укол килиб кўяман.

Қизнинг мулоийм пўписаси Фаррухга хуш ёқди. Бир зумда асабийлиги тарқади.

— Агар укол қилмоқчи бўлсангиз, мен мана шундай юравераман, — деди у ҳам шўхлиги тутиб.

— Рост айтяпман, — деди Зарина бироз жиддий тортиб. — Соғлигингизни ўйланг.

— Зерикиб кетдим. Ичимга сиғмай бораяпман. Агар менинг туриб юришимни истамасангиз, унда ўтиринг ёнимда қимирламай. Менам оёғимни осмондан қилиб ётавераман, — деди Фаррух ҳазилни давом этказиб.

— Шунаками ҳали, — деди Фаррухга табассум ҳадя этган Зарина, — унда бир ерга қараб ётсинлар-чи.

— Оббо, ростданам укол қылгани келдингизми? — дея йигит думбасини бироз уқалаган бўлди-да, каравотга чўзилди.

Ишини битириб, камерадан чиқиб кетаётган Зарина эшикни очаётган маҳал ортига бурилди-да, Фаррухга чиройли табассум ҳадя қилди. Йигитнинг назарида у жуда бошқача қарагандай эди. Аввалгиларига сира ўхшамасди. Кўзида алланечук ўт борга ўхшарди. Бундан унда хаяжон пайдо бўлди. Қиз эшикни ёпиб чиқиб кетганидан кейин ҳам хаяжон уни тарк этмади.

Орадан ярим соатлар чамаси вакт ўтганидан кейин соқчи эшикни очиб, камерадан чиқишни буюрди. Фаррух унинг буйругини бажарди. "Ишқилиб, яна биронта азоб камерасига олиб боришмасин-да", дея хаёлидан ўтказди Фаррух соқчининг олдига тушиб кетаётганида. Ҳартугул бу сафар у ўйлаганчалик бўлмади. Соқчи уни умумий камерага олиб борди. У ерда Фаррухни Босс кутиб турар эди.

— Согайиб чиққанинг билан табриклайман, — деди Босс соқчи чиқиб кетганидан кейин у билан кучоқлашиб кўришар экан.

— Нега мени бу ёққа олиб келишди? Менинг ўрним бошқа жойда эди-ку, — деди Фаррух мутлақо бошқа одамлар орасига келиб қолганидан ҳайрон бўлиб.

— Бунинг тарихи узоқ, ҳали ўзинг билиб олаверасан, — деди Босс ва йигитни ўзи ётадиган каравот томонга етакларкан, ортига бурилиб,чувалчангга қаратади: — Дастурхонни оч, — деди.

Чувалчанг шу заҳоти Босс билан Фаррухдан олдинга ўтди-да, каравот ёнида усти оппоқ дока билан ёпилган столни камера ўртасига судраб чиқди. Тўртала оёғига ҳам ғилдирак ўрнатилган стол ҳеч бир овозсиз камеранинг ўртасига келди. Чувалчанг унинг устидаги докани олди. Столда тансик таомлару ноз-неъматлардан тортиб спиртли ичимликларгача ўзларини кўз-кўз қилиб туради. Фаррух бундай жаннатий дастурхонни кўриши билан ичи қулдиради.

Стол атрофига камерадаги ўн беш кишининг ҳаммаси ўтириди. Фаррух Босснинг ёнидан жой олди. Пиёлалар тезда ароқ билан тўлғазилди. Шундан сўнг Босс ўрнидан турди.

— Биродарлар, — деди у салмоқ билан, — ҳар биримизнинг пешонамизга шу ерда дуч келиш ёзилган экан. Мана, тўпланиб ўтирибмиз. Бу ердагиларнинг кўпчилигига камоқхона худди ўз уйидай бўлиб қолган. Шулар катори менгаям. Нима киласликки, озодликда яшашга кучимиз етмаса. Мана, энди сафимиз яна биттага кенгайди, — деб Босс Фаррухнинг бошига кўлини кўйди. — Лекин бу йигит бу ерда узок муддат қолиб кетмаслиги керак. Бу бола сизу менга ўхшаган жиноятчи эмас. Бу ғурурининг курбонига айланган. Бунақалар албатта бизнинг орамизда қадр топади. Келинглар, биринчи қадаҳни шу боланинг бу ердан омон-эсон чиқиб кетиши учун ичамиз.

Босс сўзини тугатиши билан ҳамма ўрнидан турди ва пиёлаларини тўкиштиришиб, бир кўтаришда "оклашди". Фаррух ҳам улар нима қилган бўлса, дарров қайтарди.

Кейин ҳамма ўтириб тамадди қилишга тушиб кетди. Фаррух икки кундан бери тузук овқатланмаганди. Шундай бўлса-да, бошқаларнинг кўзига очофат кўриниб қолмаслик учун аста-секинлик билан овқатлана бошлади. Унинг бундай қилигини Босс тезда илғади:

— Ҳов бола, — деди у Фаррухга, — бу ер онангнинг уйимас. Эркакка ўхшаб катта-катта ол. Конун-қоида бу ерда шундай.

— Хали янги-да, — деди гапга аралашган Чувалчанг, — бир-икки кун ўтсин, аждаҳо бўп кетади.

Унинг гапига бир-иккиталар хиринглашган эса-да, Босснинг бир туки қилт этмади.

— Бир нарсани сенларга айтиб қўяйин, — деди Босс тамадди ниҳоясига етганидан кейин. — Фаррух орамизга келиб қўшилибдими, бошқалар қатори насибасини олиб кўйиши керак, яъни лақабини.

Босс шундай дейиши билан ҳамма бирдан унинг оғзи-га қаради. "Қани, бу йигитча қанақанги мўътабар "исм"-га эга чиқар экан", дея ўйлашарди улар.

— Лақаби "Бургут", — деди Босс тантанавор.

— Босс, — деди Чувалчанг тиржайиб, — шу, жойи келганида бизни ҳам ернинг устида юрадиган ҳайвонга алмаштирангиз яхши бўларди-да, ернинг тагида юраве-риб димиқиб кетдик.

Унинг гапидан гур этган кулги кўтарилиди.

—Йў-ўқ, — деди Босс кулгидан зўрга ўзини тўхтатиб, сенинг лақабинг узукка кўз кўйгандай ўзингга мос.

Чувалчанг бошқаларниң олдида изза бўлиб қолди. Бироқ у буни билдириласликка ҳаракат қилиб, қолганларга кўшилишиб кулди.

—Йигитларинг тайёр турсин, — деди кечки овқат ниҳоясига етганидан кейин Босс Чувалчангни ёнига чакириб, — разбор бор.

Чувалчанг "хўп", деди бошини қимирлатиб, кейин гапнинг давомини эшлиши учун тикилиб тураверди.

— Бургут ҳам қатнашсин.

— Бироз ёшлик қилмайдими? — деди Чувалчанг.

— Йўқ. Ёшлиги қолмаган. Индамасанг, хом бўп қолади. Кобранинг ҳар бир ҳаракатини, одамлари нима иш қилаётганлигини кузатиб туринглар... Яқин кунларда бу ерга эга бўлсанг ажабмас, — деди Босс чукур нафас олиб.

Босснинг сўнгги гапи Чувалчангни хурсанд қилиб юборди. Лекин бирдан хурсандлигини сездириш аҳмоқликдан ўзга нарса эмаслигини у яхши билар эди.

— Босс, — деди у ўзини ғамгин кўрсатиб, — бу ернинг эгаси сизсиз. Уни сиздан ортиқ ҳеч ким бошқаролмайди.

— Ҳамма нарса вақтида бўлгани маъкул. Менинг ёшим анча ўтиб қолди. Энди тинчгина яшамоқчиман.

— Ташқари-чи? — дея сўради чувалчанг, бу гап унинг оғзидан бехосдан чиқиб кетди.

Бироқ бунақа сўровдан Босс оғринмади.

—Ташқарининг хўжайини ҳали номаълум. Лекин ким бўлишидан катъий назар, у бегона бўлмайди. Мана шу ерда ўтирган биродарларга ёрдам берадиган, бу ердагиларниң гапини икки қилмайдиган одам тайинланади. Бўпти, бор, ҳозироқ ишга кириш, қолган гапларни кейин гаплашамиз.

Босс атай кимнинг номзоди синовдан ўтаётганлигини айтмади. Айтадиган бўлса, Чувалчангниң феъли айниб кетиши аниқ эди. Чунки Чувалчангниң нияти маълум. У худди Босс каби ҳамма жойга эга чиқишини анчадан бери мўлжаллаб юрган эди.

Шу куни Фаррух илк маротаба ором олиб ухлади. Ҳеч

ким уни безовта қилмади. Ўзиям роса уйқуга түйиб уйғонгач, ювиниб қайтаётганида Чувалчанг уни тұхтатди.

— Бугун бир-иккита иш қиласын, — деди Чувалчанг күзінде үйнаб. — Ишни сен бошлаб беришинг керак. Босснинг буйруғи шундай.

— Нима иш қилишим керак? — дея қулоғини динг қилди Фаррұх.

— Манавини ол, — дея унинг құлига пичок тутқазди Чувалчанг. — Эрталабки сайр пайтида Илонни гумдон киласан.

Бургутнинг ранги оқариб кетди. У ҳатто кутилмаган гапдан бирдан довдираб қолди.

— Құрқма, — деди Чувалчанг, — бир үзинг бўлмайсан, сенга йигитлар ёрдам беришади. Асосийси — үзингни йўқотиб қўйма. Яна бир нарса, сени Кобра азоблаған, агар мен унга халақит бермаганимда бошқа нарса қилиши ҳам мумкин эди. Шундай экан, сен ҳам ўчингни олишинг, ҳам менинг олдимдаги қарзингдан кутулишинг керак. Бундан ташқари, бу иш жиддий синов эканлиги ҳам эсингдан чиқмаслиги лозим.

"Мурувватлар бекорга эмас экан-да. Бор-йўғи раиснинг бошини ёриб қўйганлигим учун беш йил беришганди. Одам ўлдирсам умрим шу ерда чириса керак", — дея ўйлади Фаррұх. Бироқ Босснинг буйруғини бажаришдан бошқа иложи йўқ эди. Унинг гапини икки қилиш эртага нима оқибатларга олиб келишини йигит яхши англаб етганди. Шу боисдан Чувалчангга: "Хўп, бажараман", деди-ю, аммо ичидан зил кетди.

Бургутнинг нонушта пайти ҳаяжонланаётганигини Босс сезмасдан қолмади.

— Нима бўлди сенга? — дея сўради у паст овозда.

— Билмадим, — деди Фаррұх ростиға кўчиб, — титраб кетаяпман.

— Сен эркаксан. Шу номни оқлашинг керак. Ҳеч қанақанги қалтирашлар, ҳаяжонланишлар баҳона бўлолмайди. Уқдингми? — деди Босс бироз жахли чиқиб.

Бургут "ҳа" дегандек бош силкиди.

Нонушта тугагандан сўнг соқчилар ҳаммани сайрга олиб чиқишиди. Фаррұх ташқариде Кобрани кўрди. У иккита йигити билан сигарета чекканча туар эди. Улардан бе-

рироқда эса Босснинг одамлари айланиб юришарди. Фаррух вақт етиб келганлигини сезди ва чўнтағидаги пичоқ дастасини маҳкам ушлаганча Кобрага яқинлаша бошлиди.

Бургут билан Кобра орасидаги масофа тобора қисқарип борарди. Ҳаяжонланиб кетган Фаррух атрофни кўрмасди. Назариди, бу ерда Кобра иккисидан бўлак ҳеч ким йўқдай эди. Гўё юксакда, самода бир бургут қанотларини кенг ёзиб, пастида ўрмалаётган илонни мўлжалга олаяпти, холос.

Атроф саҳро, зог йўқ. Ҳозир бургут паствайди-ю, илонга чанг солади. Кейин осмонга кўтариб кетади. Бургут илонни емайди. Баландликдан тоғу тошлар устига ташлаб юборади. Шу билан илоннинг куни битади...

Фаррух Кобранинг ёнига яқинлашаётганида ўзини худди шундай кайфиятда тутишга уринди. Аммо Кобра ҳам анои эмасди, ёвнинг қаҳр-ғазабга тўлиб ўзи томонга келаётганлигини кўрди-да:

—Анави овсаннинг келиши бежоми? — деди.

Йигитлар Кобранинг гапидан сергакланиб, бирдан ортларига қарашди. Дарҳақиқат, Фаррухнинг кўриниши бошқача эди. Унинг важоҳатли қиёфасидан нияти шундоқкина кўриниб турарди. Шу боисдан ҳам Бургут мақсадга этишига бор-йўғи икки қадам қолганида икки маҳбус унинг икки томонидан ушлаб, тўхтатиб қолишиди. Бу Босснинг йигитлари эди.

—Ховлиқма, — деди йигитлардан бири унга.

Худди шу пайт Кобранинг одамлари Фаррухнинг нима мақсадда келаётганлигини билиш мақсадида уларнинг ёнига келишиди. Натижада, Кобра каровсиз қолиб кетди. Бундай қулай вазиятдан фойдаланган Босснинг учинчи йигити яшин тезлигида Кобранинг бўйнига пичоқ тортиб юборди-да, шу заҳоти Бургутни ушлаб турганлар ёнига келиб олди. Нима содир бўлаётганини тушуниб этишга улгурмаган Кобра бўйинини ушлаганча нафаси ҳам чиқмасдан, кўзлари чақчайганча бироз турди-да, сўнг юзи билан гурсиллаб қулаб тушди. Фаррух билан овора бўлиб турганлар бирданига овоз келган томонга қарашди. Кобранинг икки йигити унга нима бўлганлигини билиш учун югуриб келишиди-да, Кобрани турғазмоқчи бўлишганла-

рида унинг бўйнидан оқаётган қонни кўриб, даҳшатдан бақириб юбориши. Шу атрофда юрган маҳбусларнинг бари шу томонга шошиши. Ҳамма нарса худди ўзи репжалаштирганидай якун топганлигидан мамнун бўлган Босс ҳам бир зумда киёфасига қайгули тус бериб Кобранинг тепасига келди. "Ўйнашмаганингда, балки яна бир-икки кун яшашинг мумкин эди. Лекин ўзинг буни истамадинг. Начора, ажалингни эртароқ чақиришга тўғри келди. Лекин нима бўлгандаям жойинг жаннатда бўлсин. Гунохларингни худонинг ўзи кечирсан", дея хаёлидан ўтказди у.

Шу пайт шовқин-сурон кўтарганча пайдо бўлган соқчилар маҳкумларни кўлларидағи резина таёқ билан савалаганча бошқа томонга ҳайдаб солиши. Бир зумда камоқхона бошлиғи ҳам пайдо бўлди. У алам билан Кобранинг чақчайган кўзини юмиб қўяркан, беш-олти қадам нарига сафлантирилган маҳбусларга қаради.

— Кимнинг иши?! — дея бўкириди бошлиқ ўрнидан туриб маҳбуслар томон яқинлашаркан.

Ҳамма жим, ҳамма бирдек бошини эгиб турар эди. Факат Боссгина бошқалардан фарқли ўлароқ, қаддини ғоз тутиб турарди. Маҳбусларга ниҳоятда газаб билан тикилиб келаётган Эдуард Анисимович унинг рўпарасига келганида тўхтади. Уларнинг нигоҳлари тўқнаш келди. Босснинг кўзидан ўт чакнار эди.

— Ҳамма камерага тиқилсан! — дея буйруқ берди камоқхона бошлиғи Боссдан кўзини узмаган ҳолда.

Соқчилар бирданига ишга тушиб кетиши.

— Сен, — деди Боссни тўхтатиб Эдуард Анисимович,

— менинг хонамга!

\* \* \*

— Нега? — деди камоқхона бошлиғи ўзининг кабинетида Босс билан ёлғиз қолишганларидан сўнг деразадан ташқарига қараб турар экан.

— Менинг хабарим йўқ, — деди Босс пешонасини қашиб.

— Уни ўлдиришга сендан бошқа хеч кимнинг ҳадди сиғмайди. Буни, керак бўлса, турманинг итиям билади,

— деди Эдуард Анисимович ҳамон ташқаридан кўзини узмай.

— Демак, турма итининг ҳеч нарсадан хабари йўқ экан-да, — деда мийигида кулди Босс.

Унинг гапи қамоқхона бошлигининг жаҳлини чиқарип юборди. Бошлиқ ғазаб билан лабини тишлади-да, Босс томонга ўгирилди.

— Ҳаддингдан ошиб кетмаяпсанми?

— Мен ўзгармайдиган одамман. Ўлсам, балки ўзгариб қоларман.

— Шунакага ўхшайди, — деб қамоқхона бошлиги сокчини чакириб, Боссни олиб кетишни буюрди.

Ўзи эса столга ўтириб бошини кафтлари орасига олди. Қамоқхонадан кетма-кет учта ўлик чиқиши унинг обрўсига анча путур етказар эди. Биринчи иккитасини-ку, бирор сўрамайди. Лекин Кобра масаласи унинг бошига кўпгина ташвишлар олиб келиши турган гап. Айиқса, амалдор хабар топиб қолса...

У нима килишини билмай анча вакт ўйланиб турди. Сўнг хаёлига Чувалчанг келиб қолди. Қамоқхона бошлиги Чувалчангнинг Боссга қарашли эканлигини яхши биларди. Бироқ икки-уч марта гаплашганида унинг гапга кириши мумкинлигини билиб қолганди. "Агар, — деда ўйлади у, — Боссга қарши Чувалчангни ишлатсан, натижажа берармикин? Ҳартугул, у Босснииг ҳамма икир-чикиридан хабардор-ку. Лекин шундай килиш керакки, иш хамирдан қил сугургандай бўлсин". Хаёлидаги ўйи кунглини бироз равшан қилган эса-да, барибир юрагида пайдо бўлган кўркув уни тарк этмади. Амалдорнинг сиймоси эса унинг хаёлига буткул муҳрланиб қолди.

Аммо қамоқчона бошлиги ўйлагандай амалдор бешолтн кундан кейин эмас, худди шу кунниш ўзидаёқ Кобранинг ўлимидан хабар топди. Моҳирўйнинг йўколлаб қолганидан ғамга кўмилиб ўтирган Турғун Фаниевич совуқ хабарни эшитди-ю, йиглаб юборай деди.

— Кимнинг ҳадди сифиби бундай қилишга?! — деда бўкирди у қамоқхонага озиқ-овқат ташийдиган ҳайдовчи йигиттга. — Кимнинг?!

— Айтишларича, бунда Босснинг қўли бор эмиш, — деди ҳайдовчи йигит бироз кўркув билан.

— Ни-ма?! Босс?! У қандай қилиб у ерга тушиб қолди? Ўтган сафар мен уни иккинчи марта у турмага қамамаларинг дегандим-ку, падарингга лаънатлар!

Бу саволга ҳайдовчи йигит жавоб беролмасди. Шу босидан ҳам бошини эгганча тураверди. Амалдор бирор учдақиқа оғзига келган гап билан Боссдан тортиб уни айнан шу қамоқхонага қамаган терговчи-ю судьягача сўкиб чиққанидан кейин, телефон ёнига борди-да, рақам терди. Аксига олиб, у томондан гўшакнинг кўтарилиши ҳам чўзилиб кетди. Бундан амалдор баттар тутаб кетди. Ниҳоят гўшак кўтарилиди. Шу ондаёқ Турғун Фаниевич у билан алоқа боғлаган одамни онасидан олиб сўка кетди. Бу сафар ҳам унинг сўкинишлари мўлжалга етиб бормади. Гўшакни кўтартган одам аёл киши экан. Амалдор озгина муддат сўкишдан тўхтаган эди ҳамки, аёл қарғиш бўронини ёғдириб юборди. Бундан мулзам бўлиб қолган Турғун Фаниевич бирдан гўшакни жойига кўйишга мажбур бўлди. Сўнг телефон кўзгусидаги (у пайтларда камдан-кам одамда терган рақамини кўрсатадиган тугмачали телефон бўлар эди) рақамга қаради. У рақам теришда адашган эди. Яъни, бешнинг ўрнига тўртни териб қўйганди. Буни кўриб яна бир марта, энди шунака телефон ишлаб чикканларнинг қариндош-уруғларини "сийлади" ва рақамларни бошқатдан терди. Энди сафар ўзи кутган одам гўшакни кўтарди. Кўтарди-ю, балога қолди. Амалдор хуморидан чиқиб бўлганидан кейиигина ундан Босснинг қандай килиб ўзининг тасарруфидаги қамоқхонага тушиб қолганлигини сўради.

— Англашилмовчилик бўлган. Тезда тўғрилаймиз, — деди симнинг нариги учидаги одам ранг-кути ўчиб.

— Тўғрилашингни ... тик, сайил ўтиб бўлди! — дея амалдор гўшакни иргитиб юборди.

Сўнг боядан бери қоқкан қозикдай қимиirlамасдан турган ҳайдовчига тезда универмаг бошлигини топиб келишни буюрди. Бечора "пochtachi" осон кутулганига шукр килиб, қуондай учуб чиқиб кетди.

Амалдорнинг узокроқ қариндоши ҳисобланмиш универмаг директори — Бахтиёр Турғун Фаниевичдан роппа-роса беш ёш кичик эди. Амалдор ёлғиз шунгагина катта мурувват кўрсатганди. Яъниким, Бахтиёр унинг уйига меҳмонга келганида, амалдор унинг кўзи ёниб туришини, бўлар-бўлмас гапларни гапиравермаслигини кўриб, ҳавас қилиб аввал кичикроқ бир дўконга, гарчи кўлида

хеч қанақанги техникум ёки институтни битирғанлик тұғрисида хужжати бўлмаса-да, сотувчи қилиб ўтказиб кўйди. Натижа ёмон бўлмади. Бахтиёр елиб-югуриб ишлади. Шундан кейин унга бир-иккита нозикроқ ишларни буюриб кўрди. Буям кўнгилдагидек уддаланди. Бирок амалдор бу билан қаноат ҳосил қилмай, ўзига садоқатли бўлган, икки-уч мартадан қамоқдан олиб қолган тўртта ашаддий каллакесар йигитни унинг ихтиёрига топшириб кўрди. Бахтиёр улардан ҳеч бир кўрқмасдан тўғри келган ишни қилдиришнинг эпини топди. Шундан сўнггина амалдор қариндошига институт дипломини олиб бериб, ўзини универмагга директор лавозимига ўтказиб кўйди. Мана шунгаям неча йил бўлибди, Бахтиёр оқибатни унутмасдан унинг хизматида, атрофига тўплаган йигитлари эса йигирмадан ошиб қолган.

— Ака, нима ташвиш? — деди Бахтиёр дарвозадан кириши билан ҳали сўрашмасдан бурун.

Унинг бундай шошма-шошарлиги амалдорга оғир ботди. Амалдор шогирди ҳовлиқмалик касалини юқтириб олганлигини сезди. Сезди-ю, лекин индамади. Индайдиган аҳволда эмасди.

— Ишларинг яхшими? — дея сўради амалдор Бахтиёрнинг гапига жавоб бермасдан.

— Ишлар ҳаммаси яхши-ю, лекин Моҳирўйнинг то-пилиши бироз қийин кечаяпти. Йигитларим бугун кун бўйи қидиришди, аммо натижа йўқ, — деди Бахтиёр афсус билан бошини чайқаб.

— Бўп қолар, — деди Турғун Ғаниевич хўрсиниб. — Бу ёқда унданам ёмони чиқиб турибди.

— Қанака ёмон нарса бор экан яна? — деди Бахтиёр амалдордан кўзини узмай.

— Кобрани ўлдириб кетишибди.

— Йўғ-э, — деди бирдан кўзлари олайиб кетган Бахтиёр.

— Афсуски, шундай.

— Кимлиги ҳали маълум эмасми?

— Босс.

— Ит, — деб юборди Бахтиёр бехосдан. — Эдуарднинг кўзи қайси гўрда экан?

— Буни мен сендан сўрамоқчиман! — дея бақириб

юборди амалдор. — Хўш, менга жавоб бер. Ўзинг айтгандай, унинг кўзи қайси гўрда экан?! Сеники-чи?!

Бахтиёр бирдан бошини эгди. Қизаринди.

— Икки кун аввал Эдуард билан гаплашгандим. У ҳамма ишлар жойидалигини айтувди. Кобранинг уддабурон бўлиб кетганлигини ҳам яширганди, — деди Бахтиёр ер чизиб.

— Шуми уддабуронлиги? Қаёқдаги чолнинг кўлида итдай ўлиб кетди. Гап бундай: турмага бошқа одам кирит. Ақлли, кейин бақувват бўлсин. Шунча пайтгача аяб келдим. Энди бўлди, ҳамма нарсанинг ҳам чек-чегараси бўлади. Босс ортиқ яшамайди. Унинг итваччалариям. Кейин анави қамоқхона бошлигининг ҳам суробини тўғрилаб кўй. Уям жонимга тегиб кетган... Яна Моҳирўй масаласиям туюшти еб кетмасин.

— Ҳаммаси сиз айтгандай бўлади, хўжайин, ҳозирок шуғулланишга киришаман, — деб "турсам майлими" дегандек амалдорга қаради Бахтиёр.

— Бор. Эртага натижасини айтасан, — деди амалдор.  
Бахтиёр шитоб билан уйдан чиқиб кетди.

\* \* \*

Босс ҳар қанча шод бўлмасин, ҳеч қачон буни атрофидагиларга билдирамасди. Шунингдек, бошига ташвиш тушганида ҳам бошқалар назарида у хотиржам эди. У қамоқхона бошлигининг ёнидан камерага қайтиб келганида, ёнига Чувалчанг келди.

— Ҳаммаси жойида, — деди Босс уининг нима демоқчилигини олдиндан билиб.

Сўнг атрофга аланглаб Фаррухни кидирди. Бу пайтда Бургут каравотида бошини эгганча ўтирарди. Унинг аҳволини кўрган Босс жилмайди. Ёнидаги Чувалчангни туртиб "унга қара", дегандек ишора килди. Чувалчанг Босс кўрсатган томонга бирров назар ташлаб, аста шивирлади:

— Ҳали ёш-да, секин-аста пишиб кетади.

— Ёнимга олиб кел, — деди Босс ва каравотига чўзилди.

Бошини ёстиққа кўйганча кўзини юмид бир текис нафас олаётган Босснинг ёнига келган Бургут ҳеч нарса демасдан унга қараб тураверди.

— Нега жимсан? — деди Босс кўзини очмасдан.

— Сиз менга ишонмадингиз, — деди Фаррух қизариб-бўзариб.

Унинг гапидан Босс жилмайди ва кўзини очиб аста ўрнидан турди-да, ўтириди.

— Шунака дегин, оббо сен-э. Биз сенга ишонгандик. Ишончимизни оқладинг. Фақат бироз ёшлиқ қилиб кўйдинг. Хатойингни ўзинг тушуниб оласан. Мен айтиб ўтирмайман. Умуман, хато кўрсатишни ёмон кўраман, тўғрими? — деда Босс Чувалчангга қаради.

— Бўлмасам-чи, — деди Чувалчанг.

— Сен бунақа сиқилиб ўтирма. Ҳали қилишинг керак бўлган ишларнинг ҳаммаси олдинда. Вақти келади, ҳозирги қилган ишинг ўзингга эриш туйилади, — деди Босс Фаррухга қаратса. — Қолаверса, ҳамма нарса энди бошланади. Кобра шунчаки жимгина ўлиб кетавермайди. У ҳали кўп типирчилайди. Ҳар турли усуллар билан ҳар томонингдан ҳамла қилишга уринади. Буларнинг баридан омон-эсон ўтиш керак. Ана ундан кейингина одамга ўхшаб яшайсан. Албатта унгача бошқа илонлар пайдо бўлмаса... Энди бориб дамингни ол. Иккинчи марта бечораларга ўхшаб ўтирганингни кўрмайин.

Бургут кетганидан кейин Босс Чувалчангга юзланди:

— Ҳозир Каламушнинг (Босс қамоқхона бошлигини ҳар доим шунака деб атар эди) пайтавасига қурт тушган. Кобранинг ўлими тўғрисидаги хабар узоқларга кетиб қолишидан чўчияпти. Йигитларингга айт, Кобранинг анави икки одамининг оғзини ёпиб қўйишин. Мен билан сенга ҳеч ким ҳеч нарса деёлмайди. Лекин Бургутни янги билуб, унга ҳужум қилиб қолишлари ҳеч гап эмас.

— Босс, бу ёғидан хавотир олмасангиз ҳам бўлаверади, — деди Чувалчанг ишонч билан.

Шундан кейин Босс унгаям рухсат берди. Чувалчанг ўзининг каравотига етиб келишига улгурмасидан бурун камера эшиги шарақ-шуруқ қилиб очилди-да, кетма-кет олтита соқчи кириб келди. Уларни кўрган маҳкумлар бирдан ўринларидан туришиб, сафланишди.

Биринчи бўлиб кирган соқчи кўлидаги коғозга караб маҳкумларнинг фамилиясини ўқий бошлади.

— Исм-фамилияси ўқилганлар, — деди у кейин мийигида илжайиб, — эшик ёнига қатор бўлинглар.

"Буларам энди итнинг азобини кўради", дея хаёлидан ўтказди Фаррух ўзининг фамилияси ўқилмаганидан хурсанд бўлиб. Чувалчанг эса ўзини нега чақиришганига ҳайрон эди.

Ўн бешта маҳбус беш бўлакка бўлиниб бошқа-бошқа камераларга қамалганидан кейин Эдуард Анисимович уларни биттама-битта чақириб сўроққа тутди. Унинг барча саволларига "кўрмадим, билмадим" қабилидаги жавоблар бўлди. Худди шундай бўлишини қамоқхона бошлиғининг ўзи ҳам билганди. Тайинли жавоб олмагач сўроққа тутилган ўн бешта маҳбуснинг ҳаммаси маҳсус камераларга киритилиб, номига озгина калтакланди. Бироқ Чувалчангга нисбатан бундай жазо чораси кўлланилмади, унга берилган саволлар ҳам мутлақо бошқача эди.

— Сенинг бу ерда қандай обрўга эга эканлигингни яхши биламан, — деди Эдуард Анисимович одати бўйича деразадан ташқарига қараб тураркан.

— Обрў бизда нима қилсин, гражданин бошлиқ. Бизам бошқалардай озодликка чиқиш кунимиз қачон келаркан, деб кун санаб юрибмиз, — деди Чувалчанг унга жавобан камтарлик билан.

— Озодлик... озодлик... Унгача, адашмасам, сенга яна тўрут йил қолди. Вақтнинг тез ўтишини қара. Ҳаш-паш дегунча ўн бир йил ўтириб кўйибсан-а. Менинг бу ерга келганимга эса бор-йўғи олти йил бўлти.

— Сиз учун тез ўтгандир. Лекин менинг назаримда анча чўзилиб кетди.

— Шунаقا дегин. Менда сени бу ердан эртароқ чиқариб юбориш имконияти бор, — дея қамоқхона бошлиги Чувалчанг томонга ўғирилиб қаради-да, жилмайди.

— Имкониятингиз бўлсаям менга ёрдам бермайсиз, — деб бошини эгди Чувалчанг.

— Нега унака деб ўйлайсан? Мен сен ўйлаганчалик қаҳри қаттиқ одамлардан эмасман. Одамгарчиликни ҳеч қачон эсимдан чиқариб кўймайман.

— ...

— Албатта, буларнинг ҳаммаси бекордан-бекорга бўлмайди. Сиздан угина, биздан бугина деганларидаи...

— Нима қилишим керак бунинг учун? — деди Чувалчанг Каламушнинг юзига қараб.

— Бу ерда сенга хизмат қилаётганлар анчагина. Ўшаларнинг хизматидан унумлироқ фойдаланасан, холос. Шунда ўзингам бу ердан чиқиб кетасан. Хотининг, йўлингга ўн бир йилдан бери интизор бўлган аёл — Назокат ҳам қилган жиноятига жавоб бермайди, қамалмайди.

Чувалчанг Каламушнинг сўнгги гапини эшишиб ўрнидан туриб кетди.

— Хотинимнинг нима алоқаси бор бу ишга? У қандай жиноят қилибдики, қамалса? — деди Чувалчанг жаҳлдан дир-дир титраб.

— Мактаб буфетида озмунча қинғирликлар борми? Оддий сомсанинг устига бир тийиндан кўйилса, бир кунда қанча пул ишлаб олиш мумкин деб ўйлайсан? — деди бошлиқ мийигида кулиб.

Чувалчангнинг қўли мушт бўлиб тугилди. У сўкиб юбор-маслик учун тишини тишига босди.

— Бундан ташкари, ўн бир йилдан бери сен қамалиб ётибсан. Назокат ҳам аёл киши, эр кўрган. Табиат қонунларини четлаб ўтиб кетолмайди. Натижада бирорта ўқитувчими ёки мактабдан ташкаридаги бирорта одамми кўзига чўғдай кўриниб кетиши кундай маълум-ку. Оддий хақиқатдан кўз юмиб бўларканми...

— Яхшиликча ўчир овозингни! — деди Чувалчанг ортиқ чидаёлмай, бошлиқни сенсираб юбориб. — Мақсадингни айт!

— Ана энди ўзингга келдинг. Тўрт йилинг бўйнингдан олиб ташланади. Эвазига, — дея Эдуард Анисимович Чувалчангнинг кўзига қаттиқ тикилди, — эвазига Босни жонсиз ҳолда менга совға қиласан. Келишдикми?

Чувалчангнинг бошлиққа қадалган нигоҳи қотиб қолди.

\* \* \*

— Тинчликми? — деди Мохирўй. — Нега йиғлаяпсиз?

— Ўзим шунчаки. Негадир йиғлагим келди. Ҳозир чақалокни сизга кўрсатаман. Фақат ошхонадайди, — деди Марҳабо ва онасига қаради. — Ойижон, ҳозир кўшнилардан куруқ чой олиб чиқаман.

Шу гапдан кейин Мохирўй бироз ўзига келди. Ҳатто ёмон хаёлга боргани учун ўзини яниб кўйди.

— Сиз ҳечам овора бўлманг, аввал менга чақалоқни кўрсатинг, кейин ўзим бориб бозорлик қилиб келаман. Хўпми? — дея жилмайди Мохирўй.

Марҳабо унга жавоб бермасдан ерга қаради. Касал ётган аёл эса юзини ўғириб олди. Уларнинг шу даражада ожизлигидан қизнинг ичи эзилиб кетди. Йиғлаб юборишига бир баҳя қолди.

— Юринг, — деди у зўрма-зўраки кулишга ҳаракат қилиб қархисидаги жувоннинг кўлини ушларкан.

Марҳабо бошини эгган кўйи унга эргашди.

— Вой, бунинг ширинлигини! — деди Моҳирўй ошхонадаги бешикда ухлаб ётган чақалоқни кўриши биланоқ. — Исми нима, опа?

— Исми Орзу, — деди Марҳабо қувончга тўлиб.

— Чиройли ва камдан-кам учрайдиган исм, — дея қиз чўккалаb ўтири-да, чақалоқнинг юзидан ўпди, сўнг шимининг чўнтагини ковлаб битта беш сўмлик чиқариб, унинг ёстиқласи тагига тиқиб кўйди.

— Шартамасиди, — деди буни кўрган Марҳабо.

— Нега шарт бўлмаскан, одат, кўрманасини беряпман, холос, — деди Моҳирўй унга қараб жилмаяркан.

— Кўп бердингиз-да.

— Мана шунча бериш керак деган гап борми? Йўқ. Шунинг учун мен билан Орзужонни уришмайсиз. Энди бозор сумкани беринг менга.

— Сизни жудаям овора қилиб қўямиз-да, — деди Марҳабо хижолатдан ўзини қаерга кўярини билмай.

Моҳирўй уни қучоқлади-да, юзидан чўлпиллатиб ўпиб олди:

— Мана бу шу гапингиз учун жазо, — деди ва Марҳабонинг бозор сумка беришига ҳам қараб турмасдан юргурганча ташқарига чиқиб кетди.

У Марҳаболар яшайдиган уйдан унча узоқда бўлмаган озиқ-овқат дўконига кирди-да, ёғ, ноң, гуруч, гўшт, шакар, новвот, чой ва эҳтиёт юзасидан туз ҳам сотиб олди. Кейин тез-тез юрганча қайтиб келди.

Қизнинг тўлиб-тошиб келганлигини кўрган она-бола уни шунчалик кўзларидан ёшлиарини оқизиб алқашдик, охири Моҳирўй чидолмасдан йиғлаб юборди.

— Унака деманглар, илтимос, мен ўзимни бу ерда ортиқча одамдай сезаяпман, — деди у ҳиқиллаб.

Унинг шу гапидан кейингина мақтовлар ниҳояланди. Марҳабо ошхонага ўтиб тезда дастурхонни олиб келди-

да, ойисининг ёнига ёзи ва Мохирўй келтирган нарсаларни унинг устига қўйди.

— Энди, — деди Мохирўй бир пиёладан чой ичганларидан кейин, — ош дамлаймиз.

— Бўлмасам-чи. Сен келасану, ош қилмаймизми? — деди касал ётган аёл жилмайиб.

Жувон билан қиз ўринларидан туришиб ошхонага ўтишди. Марҳабо боласини бешиги билан бирга кўтариб онасининг олдига олиб келиб қўйди.

Мохирўй иложи борича шўх, одамни қитиқлайдиган гаплардан гапириб жувонни кулдира, ўзи хам тез-тез қотиб-қотиб кулар эди.

— Вой! — деди у бир маҳал кўзларини катта-катта очиб. — Ҳамма нарсани олибману, сабзи эсимдан чиқибди-ку.

— Одамни кўркитиб юбордингиз, — деди Марҳабо унинг килифидан жилмайиб, — уйда беш дона сабзи бор. Шуни ишлатамиз.

Ош дамланганидан кейин жувон билан қиз худди опасингиллардай олдинма-кейин аёл ётган хонага кириб келишиди-да, дастурхон атрофига ўтиришди.

— Шунча бизга ёрдам кўрсатдинг, танишлигимизни ҳисобласак, бир кунга етиб қолади. Лекин ҳалигача исмингни айтмадинг, қизим, — деди аёл.

— Исмим, — деди қиз табассум билан, — Марҳабо опамларникига яқин, Мохирўй.

— Мохирўй, — деди-да, аёл унинг кўзига тикилиб қолди. — Менинг иккинчи қизимнинг исми хам шундай эди.

Аёлнинг гапидан Мохирўйнинг юраги безовта уриб кетди. У "Мени хам асраб олишган. Буни яқингинада билдим. Балки мен сизнинг ўша иккинчи қизингиздирман", демоқчи бўлди-ю, лекин айттолмади. Нимадир уни шундай дейишдан тўхтатиб қолди.

— Мохирўйлар кўп, — дея уни нокулай вазиятдан куткарди Марҳабо, — лекин шу қиз менинг синглим бўлишини жуда-жуда истардим.

— Қанийди шундай бўлса? — деди аёл хам.

— Мен хам сизга жон-жон деб қиз бўлардим, — дея Мохирўй ўрнидан турди. — Гап билан бўлиб ошни эсадан чиқариб қўймайлик.

— Эсим курсин, — деди аёл, — биз бу ерда туриб, меҳмон хизмат қиласиди? Марҳабо, тур, кизим, ўзинг бориб ошдан хабар ол.

Ош мазали чиққан эди.

Ўша куни ярим тунгача Марҳабо билан Мохирўй гаплашиб ўтириши. Гаплари айланиб-айланиб муҳаббатга бориб тақалди. Шунда Мохирўйнинг хаёлига жайдари чўпон йигит Фарруҳ келди. У ширин энтиқди. "Мен ҳакимда озгина бўлсам ўйлаётганмикин? Қидириб борсам, йигитларнинг орқасидан келган кизлар ориятсиз бўлади, деб қайтариб юбормасмикин?" — дея ўйлади у.

— Жим бўлиб қолдингиз, — деди Мохирўйнинг хаёлга берилганлигини кўрган Марҳабо.

— Ўзим шунчаки, — деди бирдан уялиб кетган киз кизариб.

— Йигитингиз борми? Шундай қизни болалар ҳолижонига қўйишмас, — деди Марҳабо жилмайиб.

— Билмасам. Севги изхор қилғанлар кўп-у, лекин нимагадир уларнинг биронтаси ҳам ёқмайди.

— Вакти келса ўзингизга ёқадигани барибири топилади.

— Ўзингиз нега ёқтирмасангиз ҳам тегиб кетавердингиз. Кўрқдингизми?

— Мен-ку, ҳечам қўрққаним йўқ. Лекин ойим юрагини олдириб қўйганди. Шунинг учун менинг кўнмаганимгаям қарамасдан узатиб юборди. Тавба қилдим-у, лекин биласизми, эримнинг қамалиб кетганидан хурсандман. Агар ўша ёқлардан қайтиб келмаса янаям яхши.

— Мен сизни тушунаман, — деди Мохирўй бошини эгуб, — ўрнингизда бўлганимдаям шунака деган бўлардим.

— Кўйинг, унака деманг. Илойим сизнинг бошингизга ундай кунлар тушмасин... Энди ухлаймиз, сизам куни билан чарчагансиз, менам бола уйғонмасидан мизғиб олишим керак. Ўзи ҳар куни шу пайти менинг кунимни кўрсатарди. Болам бечора тўймаётган бўлса керак-да. Ҳозир бўлса пишиллаб ухлаб ётибди.

Мохирўй кулиб кўйди.

Чироқ ўчганидан кейин бироз вақт ўтгач, Марҳабонинг пишиллаб ухлаётгани эштилди. Аммо Мохирўй ухлай олмади. Уни эртанги кун муаммоси қийнар эди.

"Агар, — дея ўйлар эди у, — эртага бу ердан кетмасам булар хар хил хаёлларга бориши мумкин. Кейин ҳамма айтган ёлғонларим ошкор бўлиб қолади... Аммо бошқа борадиган жойим ҳам йўқ-да. Кимнинг эшигига бориб менга жой беринг деб ялинаман? Худо кўрсатмасин, бирорта кўзи ўйнаган эркакка дуч келиб қолсан борми, шўрим қурийди. Ундан кейин дадамнинг одамлариям изгишга тушиб кетган бўлишса керак. Ушлаб олиб уйга қайтариб олиб боришса, мени тириклайн ерга қўмса керак дадам..." "Уйимни ремонт қилишапти, шунга сизларникида бир-икки кун турсам майлими", деб булардан сўрасам йўқ дейишмас. Шундай қилсан буларгаям яхши бўлади. Озиқ-овқат билан таъминлайман". Шу ўй кўнглини хотиржам қилган қиз уйкуга кетди.

Эртасига эрталаб Моҳирўй кечаси ўйлаб кўйган гапларини айтди. Бундан она-бала хурсанд бўлиб кетишиди.

— Уйимиз тор бўлсаям кўнглимиз кенг, икки-уч кун нима деган гап, ойлаб турсанг ҳам майли, қизим. — деди аёл юзига табассум югуриб.

Шу-шу Моҳирўй бир ҳафта мобайнида уларникида турди. Уйидан олиб чиқсан юз сўм пули ҳам яримлаб қолди. Тезда пул топиш чорасини кўрмаса бўлмасди. Шу боисдан у ҳеч кимга билдирамасдан иш излаб кўрди. Аммо беш-олтида боғчага бориб мутирадларга учраганида, улар диплом сўрашди. Қора меҳнат қилишни эса қиз тасаввурига сифдиrolмасди. Охири бўлмади, хаёлидагини Марҳабога ойисига айтиб қўймаслик шарти билан тўкиб солди. Марҳабо узоқ ўйланиб қолди. Сўнг:

— Ўзимниям ишлаш мўлжалим бор. Бу аҳволда узоқ яшаб бўлмайди. Айниқса сиздай студент қизнинг пулини ишлатаётганимиздан уялиб юрибман, — деди.

— Йўқ, — деди бирдан Моҳирўй, — мен сизларга пул бераётганимдан ҳечам оғринганим йўқ. Шунчаки, бекор юргим келмаяпти. Ўқишимизнинг бошланишига ҳали анча вақт бор. Ота-онамниги борганим билан барибир зерикиб қоламан. Шунинг учун ишламоқчиман. Ўзим бир пул топиб кўрайин-чи, қанака бўларкан.

— Унда, — деди Марҳабо пешонасини тириштириб, — битта жойда иш бор-у, лекин у сизга мос келмаса керак, деб ўйлайман-да.

— Ишқилиб, қурилиш-пурлишда ғишт-пишт таши-майманми? — деди Мохирўй жилмайиб.

— Курилишмас, — деди Марҳабо бирдан кулиб юбо-риб, — ошхонада идиш-товоқ ювиш керак. Ошхона бошлигиям аёл киши.

— Нима бўпти, ишлайвераман, — деди Мохирўй кора ишдан бошқаси топилмаскан-да, деган қарорга келиб.

— Майли, — деди Марҳабо бироз жиддий тортиб, — ишлаш ниятингиз бор экан, ишланг. Эртага ўзим олиб бориб қўяман. Туғмасимдан олдин у ерга битта дугонам ишга ўтувди. Менгаям таклиф қилганди-ю, лекин имко-ниятим бўлмаганлиги учун бормагандим. Балки ўша ўрин ҳалиям тургандир.

Қошлари бошмалдоқдай келадиган, бўйи узун, семи-риб кетганидан пишиллаб нафас оладиган, икки юзи кип-қизил ошхона бошлифи бир қарашдаёқ жаҳлдор аёл-лигини намойиш этар эди. Уни кўриши билан Мохирўй-нинг эти жимирилаб кетди.

Бошлиқ аёл Мохирўйдан мақсадини эринибгина эшит-ганидан кейин:

— Юриш-туришингдан кўчадаги қизларга ўхшайсан, — деди дўрилдоқ овозда.

Унинг гапидан Мохирўй қизариб кетди.

— Унақамас, — деди бирданига Марҳабо, — роса эсли-хушли қиз, ҳамма айтганингизни қиласди.

— Сиз, ойимча, менга ақл ўргатманг. Мен одамларни бир кўришдаёқ билиб оламан... Хўш, бир ҳафта ишлата-ман. Ишинг менга ёқса олиб қоламан. Бўлмаса, шу иш-лаган кунларинггаям бир тийин бермасдан орқангта те-паман, — деди ошхона бошлиғи. — Менга такасалтанг-лар етади.

У шу гапни айтиб бўлиши билан эгнига бўлиқ кўкрак-ларининг ярмини бемалол кўз-кўз қиласидиган юпқа мате-риалдан тикилган кофта ва калта юбка кийган, бўйнига ҳар хил занжирларни осиб олган, соchlари алламбало қилиб ташланган, юзига ҳар хил бўёқ чапланган қиз кириб келди-да:

— Ўзимнинг мамашкамдан, — дея ошхона бошлиғи-нинг лўппи юзидан чўлпиллатиб ўпди.

— Нодира, қизим, қаерларда юрибсан? Кечаси билан уйга келмадинг. Хавотирланганимдан юрагим ёрилаёзди, — деди аёл бирдан юмшаб.

— Мамаша, биласиз-ку, зайнит эдим, — дея танноз қиз Моҳирўйга қаради. — Бунча чиройли қиз бу, мамаш! Буни қаёқдан топиб олдингиз?

— Мен топганим йўқ, ўzlари келишган.

— Какраз, биз боп қиз. Ҳозир мен Алишга телефон киламан. Қоматини кўриб ўлиб колади. Вабше синдируха қизакан-у. Ойи, бу қизни манга беринг! — дея танноз Моҳирўйнинг ёнига келди-да, унинг атрофини айланди.

— Бу қиз бугундан бошлаб бу ерда идиш-товоқ ювади,

— деди ошхона бошлиғи.

— Шундай нарса келиб-келиб коса-товоқ ювадими? — деди танноз бошини чайқаб.— Ойи, сиз одамлардан фойдаланишни билмайсиз. Бундан зўр тансовшица чиқади.

Таннознинг гапига Моҳирўй ортиқ чидаб турга олмади.

— Ҳов, — деди ўрнидан туриб, — ўзингча нималар деб сайраяпсан?

— Вой! — деб юборди бирдан ошхона бошлиғи. — Сенинг тил-жагинг бутунгинага ўхшайдими? Шу пайтгача менинг қизимга бирорта одам бунақа сассиқ гапларни айтмаган. Сени мақтаганимга нархингни ошираяпсанми? Ўзинг-ку, иш сўраб келган бир паст қиз бўлсанг. Нимага қизимга бунақа гап қилаяпсан?

— Мамаш... мамаш... Бунақалар билан гаплашишни ўзим болпайман, — деди танноз.

— Гаплашадиган гапимиз қолмади, — деди Моҳирўй газабланиб. — Энди биз кетаверсак ҳам бўлаверади. Ишишимиз битмади.

— Такая наглая! — деди танноз бошини сарак-сарак қилиб.

— Бор, ўзи сенга берадиган ишим ҳам йўғиди, — деди ошхона мудираси.

Марҳабо билан Моҳирўй энди эшик ёнига боришгандарига бошлиқ уларни тўхтатди.

— Бўпти, — деди у негадир юмшоқ тортиб, — қизим айтганига бормайсан. Менга ҳозир коса-қошиқ ювадиган одам зарур бўлиб турувди.

— Кечирасиз, — деди Мохирўй жилмайишга ҳаракат килиб, — мен бунақа жойда ишлай олмайман.

Ошхона бошлиғи унга ҳеч нарса дейлмай қолди.

Мохирўй ошхонадан икки юзи қизариб чиқди. У хаяжонланиб кетганидан тинимсиз қалтирар эди. "Аввал қизингни йигишириб олиб, кейин бошқаларга танбех бер, — дея хаёлидан ўтказди у. — Ўзинг айтган кўча қизларидан қизингнинг қаери кам? Яна менинг кийини-шимни гапиради... Ишинг бошингдан қолсин!"

— Мохирўй, — деди Марҳабо ерга қараганча йигла-мокдан бери бўлиб кетаётган қизга, — қўй, хафа бўлма. Шунинг гапини гап деб ўйласанг, ўзинг кийналасан, холос.

Мохирўй жавоб қилмади. Қайтанга Марҳабонинг гапидан кейин унинг кўзида ёш пайдо бўлди.

— Қизлар, — деб қолди худди шу пайт йўл чеккасида-ги оппоқ "жигули"га суюниб турган йигит, — ошхонага битта қиз кириб кетганди, кўрмадингларми?

Мохирўй унга бир ўқрайиб қаради-да:

— Ҳеч қанақанги қиз-пизни кўрганимиз йўқ, — деди баланд овозда.

У шундай деди-ю, кейин ўзининг гапи ўзига нашъа қилиб, кулиб юборишига сал қолди.

— Тўғри, — деди Марҳабо паст овозда Мохирўйнинг юзида пайдо бўлган ним табассумни илғаб қолиб, — ҳақиқатдан ҳам у ерда қиз бола йўқ.

Унинг гапидан Мохирўйнинг баттар кулгиси қистади, бироқ у тишини тишига босиб, яна ўзини кулгидан ушлаб қолди.

Қизлар йигирма қадамлар узоқлашганидан кейин йи-гитнинг эсига нимадир тушди-ю, шимининг орқа чўнта-гидан шошганча ён дафтарини олди ва унинг ичидаги суратга яхшилаб разм солди, кейин қизлар томонга қараб:

— Бу ўша қиз, — деди ўзига-ўзи гапириб.

Шундан сўнг йигит тезда машинасига ўтирди ва раци-яли телефонини олиб, универмаг директорига қўнгирок килди.

— Мен анави сиз айтган қизни, амалдорнинг қизини кўрдим, нима қиласин? — деди у Бахтиёр гўшакни кўтарт-ганиданоқ.

\* \* \*

Камерага кириб келган Чувалчантнинг ранги кув ўчганлигини кўрган Босс унинг ёнига келди-да, елкасига кўлини кўйди. Чувалчангнинг хўрлиги келиб кетди. Қани эди ёнида хеч ким бўлмаса-ю, тўйиб-тўйиб йиғлаб олса.

— Хозир сендан хеч нарса сўрамайман, ука, кейинроқ ҳаммасини ўзинг айтиб берасан. Энди эса одамларинг олдидা бошингни ғоз кўтариб юр. Бундай ахвол сенга ярашмайди, — деди Босс.

Менга нима таклиф қилишганини билганинга, сенинг бошинг бундан баттар эгилиб қоларди", — дея хаёлидан ўтказди Чувалчанг. Аммо у ўзининг ўйи нотўғри эканлигини билмас эди. Бир пайтлар Босс энди-энди мавқега эга бўлиб бораётганида унга худди шунақа таклиф қилишганди. Ўша пайтда "Шер" лакаби билан машҳур қамоқхона шефи бўлар эди. Қамоқхонадаги ҳамма нарса: хунрезликлардан тортиб, мурувват кўрсатишгacha бўлган ишлар фақат у орқали ҳал бўларди. Қамоқхона бошлигининг айтгани ижобат бўлмаслиги мумкин эди, бироқ Шернинг гапи ерда қолмасди. Ўша пайтда камоқхонага янги бошлиқ бўлиб келган арман миллатига мансуб киши бунақа урф-одатни ҳазм қила олмади ва Шерни йўқ қилиш мақсадида аччикин аччик кесади деганларидек, Боссни унга қарши кўймоқчи бўлиб, ёнига чакирди. Бироқ Босс унинг айтганини бажармади. Оқибатда, ўлиб кетишига озгина қолди. Арман уни жазо камераларидан чиқармай кўйди. Азоб устига азоб берди. Лекин буларнинг барисига Босс чидади. Охири бўлаётган ҳангомалар тўғрисида Шер хабар топди ва арманга қарши уруш эълон қилди. Бу уруш унчалик кўпга чўзилмади. Қамоқхона бошлиғи уйидан чиқаётганида эҳтиётсизлик килиб ёнидан ўтиб кетаётган одамнинг чўнтағидаги пишокқа "ўзини уриб" олди. Шундан кейингина Босснинг пешонасига офтоб тегди. Шер дуо қилиб: "Мендан кейин сен бошқарасан бу дунёни", деди. Шер умрининг охиригача қамоқхонада яшаб, ўз ажали билан ўлганидан кейин унинг ҳамма мулки Боссга мерос бўлиб қолди.

Мана, орадан неча йиллар ўтибдики, Босс меросни асраб-авайлаб келмокда. "Қайтар дунё деганлари бор экан-да, — дея ўйлади у. — Шунақа бўлади деб хеч

хаёлимга келтирмагандим. Кўз очиб-юмгунча Шернинг куни бошимга тушиб турибди. Чувалчанг Каламушнинг нима деганлигини яширмоқчи бўлаяпти... Мен бўлсам, аллақачон ҳамма нарсани сезиб улгурганман. Қизиқ, Чувалчанг мени ўлдиришга ботиноладими? Қандай карорга келар экан?.. Нима бўлган такдирдаям омонатни бунга ташлаб кетолмайман. Бунинг кўлидан бошқариш келмайди. Бу ҳамма ёқнинг алғов-далғовини чикариб ташлайди. Афсуски, буни унинг ўзи тушумрайди-да". Босс шундай хаёллар оғушида столининг тортмасидан қалин дафтарни олди. Бу дафтар унга ҳаммадан кўра қадрдороқ бўлиб қолганди. Унинг сахифаларида Босснинг бутун умри акс этган.

Босс кундалигига бугунги бўлиб ўтган воқеаларни қискагина ёзиб қўйди-да, ёнига Фаррухни чақирди.

—Хозир сен билан бирга қамоққа тушишинггача бўлган воқеаларни яна қайтадан бирма-бир эслаймиз. Хаёлингни бир жойга тўпла-да, амалдор, унинг кизи, раис ва бошқа кимки шу кўйга тушишингга сабабчи бўлган бўлса, бирма-бир кўз ўнгингдан ўтказ. Улардан нимаики эшитган бўлсанг, гапларининг мағзини чак, кейин мени уйғотасан-да, сени шубҳалантирадиган қарааш бўладими, гап бўладими ёки имо-ишора бўладими, айтасан. Унгача озгина мизғиб оламан, — дея Босс каравотига чўзилди-да, уйқуга кетди.

Босснинг тушига Шер кирди. У оппоқ отни яланғоч ҳолида миниб келди-да, ёнига яқинлашганидан кейин тушиб, "Сенинг отинг мана бу, — дея жилмайиб, ўзи миниб келган тулпорни кўрсатди. — Эгар-жабдуқларини хам тайёрлаб қўйибман. Тайёргарлигингни кўр, вақтинг оз колди".

Босс чўчиб уйғонди. Ҳануз унга термулиб турган Фаррухни кўриб, унинг қаеринидир Шерга ўхшатди.

— Сен нега бу ерда турибсан? — деди у кўзларини уқалаб.

— Сизнинг айтганингизни бажариб, энди уйғонишингизни кутаётгандим, — деди Бургут.

Шундан кейингина Босснинг хаёлига ўзи айтган гаплар келди.

—Гапиравер, эшитаман, — деди.

— Айтганингиздай, ҳамма нарсани бирма-бир кўз ўнгимдан ўтказиб чиқдим. Менинг бу кўйга тушиб қолишимга биттагина сабаб бор экан.

— Нима экан ўша сабаб?

— Амалдорнинг қизини күтқариб колганим ва ўша қизнинг илтимосига биноан уни қорли тоққа олиб чиқмоқчи бўлганим.

— Ўша ёққа олиб боришингга кимdir, айтайлик, амалдор рози бўлмаганмиди?

— Ҳа, одамларини жўнатганди. Лекин қиз бораман деб оёқ тираб туриб олди. Негадир мен ҳам унинг айтганини бажаргим келди. Шунинг орқасидан жанжал келиб чиқди. Бошқа нарсаларнинг ҳаммаси унга уланиб кетди.

— Қайсарлик қилгансан. Қайсар бўлмаганингда, ҳамма нарса жойида бўларди. Лекин унда менга ўхшаган одамга ёқмасдинг. Ўша бутун бошли колхозга хукмини ўтказиб турган раис, амалдорнинг бошқа югурдаклари, билсанг, сариқ чакага ҳам қиммат одамлар. Лекин улар майишат қилиб яшашади. Сабаби — муте улар... Энди, болам, менинг атрофимда юр. Қаричилик, биронта жойга қоқилиб кетсам, ушлаб қоласан, — деди Босс ва яна каравотига чўзилди.

Аммо у ухламоқчи эмасди. Тушига яна Шер кириб, унинг куни битганлигини эслатишидан кўркарди.

...Чувалчанг талай муддат ўйланиб ўтириди. Ҳамма нарсани тарозига солиб чиққанидан кейин Эдуард Анисимовичнинг гапида жон борлигига иқрор бўлди. Агар у Боссни йўқ қилса, ҳам озодликка чиқишга, ҳам ташқарида хукмонлик қилишга эришар экан. "Орзуим ушалишига озгина қолганга ўхшайди. Лекин буни шунчалик ими-жимида килишим керакки, Босснинг мурдасини кўрган одам уни ўз ажали билан ўлган деб ўйласин..." Ундан кейин анави Бургутчанинг ҳам ишини тўғрилаб кўйишим керак. Бир куни келиб у барибир бўй кўрсатиб қолади. Касални даволашдан кўра унинг олдини олган осонроқ деб бекорга айтишмаган", деган якуний хулоса-га келди Чувалчанг.

Чувалчангда содир бўлган ўзгаришни кечки овқат пайти Босс сезди. Унинг нима қарорга келганлигини ҳам

чамалаб биларкан, қаттиқ хафа бўлди. Кўпроқ ўзига эмас, Чувалчангга ачинди. Босс кўзлари ўйнаб овқатланаётган Чувалчангни бир муддат кузатиб турганидан кейин шу хулосага келди.

Фаррухнинг тушига эса Моҳирўй кирди. Қтз ўша ўзига ниҳоятда ярашадиган спорт кийимида эди. "Бир марта мени ўлимдан олиб қолган эдингиз, энди яна ёрдам бермасангиз, сиз билан бирга қорли тоқقا чиколмайман", дерди қиз ғамгин қиёфада. Фаррух у томонга кўлини чўзиб: "Мен сизни кўз корачигимда асрайман", демоқчи бўлди. Лекин на овози чиқди ва на қизга кўли етди. Қиз бўлса, худди унинг нима деганлигини укиб олгандай: "Тезроқ, шошилинг, мен пастга югуриб кета-япман. Яна озгинадан кейин жарлик келади. Қулаб кетаман!" дея қичкирди. Шу пайт бирдан унинг ортидан амалдор, унинг хотини, раис ва узун-қисқа "малай"лар қах-қах отиб кулишганча югуриб келаётганлигини кўринди. "Қизнинг жарликка тушиб кетишидан хурсандми бу-лар?" дея ҳайрон бўлган Фаррух Моҳирўйнинг ёнига югуриб бормоқчи бўлиб шунча харакат қилмасин, жойидан жилолмади. Оёги ерга ёпишиб, маҳкамланиб қолгандай эди.

Эртасига у ланж бўлиб юрди, гарчи Босс "Доим атро-фимда бўл", деган эса-да, хаёлга берилиб, ундан узоклашиб кетаётганлигини сезмай қолаверди. Қамоқхонадан қочиб чиқиб кетгиси, Моҳирўйни кўргиси, гаплашгиси келаверди. Сайр ниҳояланиш арафасида эса Чувалчангнинг ўзига ғалати қараб турганига кўзи тушиб қолди. Қизиқ томони, Фаррух қарashi билан, у бирдан кўзларини олиб қочди. "Нега бундай қилди? — дея ўйлади Бургут. — Босс ҳалиям менга ишонмаганлигидан Чувалчангни кузатувчи қилиб кўймадимикин? Максади нима ўзи буларнинг? Ҳозир Босс билан очиқчасига гаплашиб оламан. Мени ўзининг одамлари қаторига кўшдими, энди ишонсин. Ишонмайдиган бўлса ўз ҳолимга кўйисин... Бу ердан қочиб бўлсаям чиқиб кетаман. Моҳирўй бекорга тушимга кирмаган, мен ҳақимда ҳеч бўлмаганда бир марта ўйлаган. Уни бориб кўраман..."

— Ғиёс ака, — деди Бургут Босснинг ёнига бориб. Ҳар-ҳар замонда бир маротаба ўзининг ҳақиқий исмини

эшитадиган Босс унга ўғирилиб қаради. — Сизга айтадиган бир-икки гапларим бор эди.

— Сенлар энди янгиларидан ўйлаб туринглар, менинг олдимда қарздор бўлиб қолдинглар, қарзни узиш керакку, — деди Босс ёнидаги тўртта маҳбусга.

— Босс, — деди маҳбуслардан бири, — сизнинг латифаларингиз бошқача-да. Барибир сиз айтганчалигини то-полмасак керак.

— Топасанлар. Елканинг тепасидаги ошқовоқни нимага кўтариб юрибсанлар? — дея Босс Фаррух билан бирга маҳкумлардан узоклашди.

— Нима гапинг бор? — деди Босс бироз пешонаси тиришиб.

Унга Фаррухнинг маҳбуслар олдида сизда гапим бор дейиши ёқмаган эди. У бошқаларни шубҳага қолдирмасликка уринарди доим.

— Менга ҳалиям ишонмайсизми? — деди Бургут Босснинг нигоҳидан қочиб ерга қарап экан.

— Бу гапни қаердан олдинг? — деди ҳайрон бўлган Босс.

— Чувалчанг менга жуда ғалати қараш қилиб юрибди. Мабодо унга мени кузатиб юришни тайинламаганмисиз?

Босс Фаррухнинг башарасига мушт тушириб юборишдан ўзини базур ушлаб қолди. Бургутнинг гўдакларча айтган гапи унинг нафсониятига қаттиқ ботган эди.

— Болам, — деди у қовоги осилиб, — сенга ишонмаганимда ҳозир яшамаётган бўлардинг. Ва менга бунака бемаза савол ҳам бермаган бўлардинг. Лекин Чувалчанг сени кузатётганини айтиб яхши қилдинг. Бу ҳақда ҳали сен билан гаплашиб оламиз. Энди эса бориб ўйна, ўзинг яккамоховга ўхшаб ажралиб юрмагин-да, бошқаларга кўшил.

Ўша куни кечкурун Чувалчангни яна Эдуард Анисимович чакириди. Аввалги сафаргидай "қофоз"га ўрамади. Соқчи келди-ю, Чувалчангни ташқарига бошлади. Бундан бошқаларнинг кўнглида шубҳа пайдо бўлмаган бўлсада, Босс аниқ билдики, уни Каламуш ёнига чорлаган. Шу боисдан ҳам Чувалчанг чиқиб кетаётганида у тишини фижирлатиб қўйди.

— Мироб! — деди Fiёс aka ўрнидан туриб. Ҳеч нарса

билин иши бўлмайдиган, биронта гап-сўзга аралашмайдиган, айиқдайин ухлайдиган, онда-сондагина Босснинг ёнига келиб, у билан алланималар тўғрисида гаплашадиган, кўринишидан бадбашара бу одамни тирик мурда бўлса керак деб ўйларди Фаррух. Бошқалар эса унга "акагинам" деб мурожаат қилишарди. Нега шундай қилишига Бургутнинг ҳеч ақли бовар қилмасди. "Мироб" деган лақаб унга умуман ўтиришмайди. Мурда деб чакирса жойига тушарди", дея ўйларди. Боз устига, Босс ҳам у хақда Фаррухга ҳеч нарса демаганди.

Мироб эринибгина ўрнидан турди-да, Босснинг ёнига келиб ўтириди.

— Гапир, — деди Босс Миробга.

— Чувалчанг тонгни кўрмаслиги керак. Юриш-туриши бежо, менимча, у Каламушнинг айтганига кўнган, — деди Мироб керишиб.

— Менам шунака фикрдаман. Бургут масаласида нима дейсан? — деди Босс.

— Бироз ёш. Яхшилаб тарбия кўриши керак.

— Унгача умрим етмай қолса-чи? — деди Босс бир нуктага тикилиб. — Шер мени огохдантириди.

Бу гапни эшитгандан Мироб бирдан сергакланди ва хавотир билан Боссга қараб кўйди-да, бошини сарак-сарак қилиб:

— Ўлганлар ёлғон гапиришмайди. Аччиғ-у, лекин тан олмасдан иложинг йўқ. Шошилишинг керак. Бургут эплаб кетади. Колган-қутган таълимни ўзим бераман, — деди.

— Сен менинг ягона дўстимсан. Сенга ишонаман. Бир кун яшайманми, ўн кун яшайманми, у ёғи номаълум. Лекин сен уни икки ойга қолдирмай бу ердан чиқариб юборишинг керак.

— Босс, айтганинг бўлади.

— Унда Чувалчангни сенга топширдим.

— Уйқум чала бўлувди, бориб давом этказайин, — дея Мироб ўрнидан турди-да, каравоти томон кетди.

Унинг ортидан илжайиб қараб турган Босс "Сенгаям қойилман", дея хаёлидан ўтказди.

Чувалчанг қайтганидан сўнг тўғри Босснинг ёнига келди. Бу пайтда Босс кўзойнагини тақиб олганча кундалигига термулиб ўтирас эди.

— Хотиним келган экан, — деди Чувалчанг худди айб иш қилиб қўйган ёш боладай бошини эгиб.

— Қайси хотининг? — дея сўради Босс гўё ўзини ҳайрон бўлган кўрсатиб.

Унинг гапи Чувалчангга нашъя қилиб ўшшайди.

— Босс, ўша эски чорик, — деди у.

— Ҳа, шунака дегин. Мен янгисини топиб олибсанми, деб ўйлабман. Уй-ичларинг ҳаммаси мен сўрамасам ҳам яхши бўлса керак. Ҳамма сени бирдай интизорлик билан кутишаётганлиги тайин, албатта. Аёл зоти кутишни яхши кўради. Умридан барака топсин хотининг, — деди Босс.

Кесатигу кинояларга тўлиб тошган бу гаплар Чувалчангни довдиратиб қўйди. У бироз нима деярини билмай турди. Сўнг:

— Ака, энди бир келибди-да, — деди.

— Адашмасам, хотининг беш йил аввал бир келганди. Яна бир марта келса тўғридан-тўғри сени олиб кетаве-раркан-да.

Босснинг бу гапи жавобсиз қолди. Чувалчанг бошини эгганча, тишини тишига босиб чидаб турар эди. "Ҳали шошмай тур, сен қари така, нариги дунёга жўнатиб, лайчаларингнинг устидан бундан баттар кулмасамми?" дея ўйларди у. Эски шогирди жим бўлиб қолганидан кейин Босс: "Ошириб юбордим шекилли", деган муло-ҳазага борди ва Чувалчангга кетавериши мумкинлигини айтди.

Босснинг Чувалчангга қўпол муомала қилганлиги, Мироб билан нималарнидир гаплашганлигини кўрган Фаррух қандайдир жиддий бир нарса бўлаётганлигини сезиб, Босс ўзини ёнига чақиришини кута бошлади. Аммо Босс унинг ўйлаганини қилмади. Кундалигига мук тушиб ўти-раверди. Унинг кутилмаганда бирдан жимиб колиши ка-мерадаги бошқа маҳкумларгаям таъсир қилди. Ҳеч ким овоз чиқариб гаплашмас, оёқ учida юриб, шовқин чи-кармасликка ҳаракат қиласади. Камерадаги бундай жим-житлик қандайдир бир портлаш юз беришидан далолат берадигандай эди.

Кечки овқат ҳам ўшандай осуда ўтаётган бир паллада ўша портлаш юз берди. Чувалчанг овқатдан олдин Боссга ҳамла қилмоқчи ва унинг қорнига пичоқ урмоқчи

эди (У узок ўйланишдан кейин Боссни ими-жимида ўлдиришнинг имкони йўқлигини англаб етди ва очиқча хужум қилишга таваккал қилди. "Шундай қилсан, бунинг югурдаклари бирдан мендан кўркиб қолади", деган хомхаёлга борган эди у. Аслида ўша югурдакларнинг деярли ярми унинг ўзига қарашли, нима айтса, сўзсиз бажариши аниқ эди. Аммо улар Боссга қарши боришолмасди. Агар Босснинг бир ўзи қолганидаям кўркишарди ундан). Бироқ вазият мутлақо бошқача бўлди. Чувалчанг Боссни ўраб олган маҳкумлар — Босснинг йигитлари орасига киришга баҳона тополмай қолди.

Аммо қамоқхонанинг ички қоидасига биноан Босснинг ёнида овқатланишга унинг хаққи бор эди. Режани тамаддидан кейинга қолдирган Чувалчанг ўзига аталган лукмадан бир кошиқ оғзига солди-ю, бирдан кўзларининг ола-куласи чиқиб кетди.

\* \* \*

— Тезда ушла, қочиб кетмасин! — бирдан бақириб юборди Бахтиёр. — Имиллама, бўл тез!

Йигит шошганча моторни ўт олдириди ва машинани чийиллатганча жойидан кўзгаб, қизларнинг ортидан ҳайдади.

Худди ўша пайт Моҳирўй ортига қаради ва келаётган машинанинг даҳшатини кўриб, ичидан зил кетди.

— Марҳабо опа, югуринг, у бизнинг гапимизни тушунуб қолганга ўхшайди! — деди ва жувоннинг қўлидан ушлаб олдинга тортқиласди.

Бироқ улар узокка боришолмади. Беш қадам ҳам ташлашга улгурмасларидан бурун машина уларнинг олдини кесиб тўхтади.

— Қани, ойимқизлар, — деди ундан тушиб келган йигит тошдай қотиб қолган қизларга, — машинага ўтиринглар-чи, сизларни бир айлантириб келайин.

— Биз сиз ўйлаган қизлардан эмасмиз. Сизнинг қизиниз ошхонада, онаси билан валаклашиб ўтирибди! — деди ранги оқариб кетган бўлса-да, ўзини дадил тутишга уринган Моҳирўй.

— Йў-ў-ў-қ, — деди йигит чўзиб, — у ерда қиз-пизни кўрмагансизлар. Буни боя ўзларинг айтгандиларинг. Менга керак қиз эса айнан сизларнинг ўзларингизлар. Қани,

машинага. Бечора, шундай жонон қизларни сайр қилдидраман деб кутиб қолди.

— Айтдик-ку, сизга, биз... ҳалиги... биз сиз ўйлаган қизларданмасмиз... Умуман, нимага бизнинг йўлимизни тўсаяксиз? Ҳозир милиса чакираман. Кейин кўрасиз кўрадиганингизни.

Йигит Моҳирўйнинг гапига кулди. "Ўзингнинг юрагинг ўйнаб турибди-ю, пўписантга бало борми?" деда хаёлидан ўтказди.

— Қани, икковинггам ўтири машинага! — деди у кейин дағаллик билан овозини бир парда қўтариб.

— Мен кимнинг қизи эканлигимни биласанми ёки эслатиб қўяйинми? — деди Моҳирўй бўш келмай.

Қизнинг гапи мўлжалга аниқ бориб тегди. Энди йигит бироз довдиради. Хаёлига "Бу амалдорга тегишли қизку, ортиқча гапириб қўйиб, бошим балога қолиб юрмасин", деган ўй келди ва нима қилишини билмай жойида туриб қолди. Унинг бунақа ахволидан фойдаланган қизлар аста узоклаша бошладилар. Йигит машинасига қайтадан ўтириди-да, Бахтиёрга вазиятни тушунтириди. "Шефга қарашли қиз бўлганлиги учун мажбурлаб машинага ўтқизолмаяпман", деди.

Бахтиёр ўйлаб ҳам ўтирмасдан зўрлаб қизни машинага ўтқазишга фатво бериб юборди.

Қизлар югуришга тушган эди. Агар йигит яна бирозгина машина ичиди ўтирса, улар қатор-қатор қўп қаватли бинолар ичига кириб кўздан ғойиб бўлиши ҳеч гап эмас эди. Шу боис, йигит машина тезлигини бирдан ошириди. Тўрт қаватли биринчи бинонинг ёнига қизлар етиб боргандарида уларнинг олдини яна машина кесиб тўхтади ҳамда унинг ичидан отилиб чиқсан йигит югуриб кетаётган Моҳирўйнинг ортидан чопди. Беш-олти ҳатлашда қизга етиб олган йигит унинг қўлидан ушлади.

— Қўйвор! — деда бакириб юборди Моҳирўй.

Аммо унинг чинкириғига йигит эътибор ҳам бермади. Судраганча машина томонга олиб кета бошлади. Шу лаҳзада йўл четидан пиёладай тошни кўлига олган Марҳабо Моҳирўйни машина томон судраб кетаётган йигитнинг ортидан югуриб борди-да, бошига қулочкашлаб тош билан урди. Бирдан Моҳирўйни кўйиб юборган йигит:

— А-а-а! — дея бакирганча бошини чангллади ва ерга чўккараб ўтириб қолди.

Буни кўрган қизлар олди-орқаларига қарамасдан қочиб қолишиди.

Қизлар хансирашганча уйга кириб келишиди. Ҳар иккенинг ҳам нафаси бўғзига тиқилиб қолган, иккаласи ҳам базўр нафас олишар эди. Марҳабо бўлган гапларни айтиш учун энди онасининг ёнига кетаётганида Моҳирўй уни тўхтатиб қолди.

— Касал одамни, — деди у пишнаб, — безовта килмайлик. Кейин ётиги билан ҳаммасини тушунтириб берамиз.

Моҳирўй гапни тугатиши билан:

— Марҳабо! — деган овоз келди ичкаридан.

— Келдик биз, — дея хансираганча жавоб қилди жувон.

— Орқаларингдан ит қувдими нима бало?

— Итданам баттар, — дея Марҳабо Моҳирўйга қараб кўзини қисиб кўйди.

— Тинчликми? Бу ёққа қаранглар-чи, — деди аёл бирдан хавотирланиб.

Қизлар аёл ётган хонага олдинма-кейин кириб келишиди.

— Нима бўлди, ойи? — деди Марҳабо онасининг яна кўрпа-тўшак қилиб ётиб олганини кўриб. — Кетаётганимизда бинойидек юргандингиз-ку. Соғайиб қолдим, девдингиз. Ёки неварангиз қийнаб кўйдими?

— Неварам сен ухлатиб кетганингдан бери уйгонгани йўқ. Ўзимнинг нимагадир юрагим сикилиб, бошим айланди. Йиқилиб қолмайин деган ўйда ётиб олдим. Ўзи тетикман, — деди аёл қизига қараб туриб. — Сизларга нима бўлди? Икковингниям рангинг оқариб кетибди.

— Қизингиз, — деди Моҳирўй жилмайишга уриниб, — подъезднинг ёнига келганимиздан кейин "Ким биринчи уйга чиқади?", деб югуриб кетди. Менам ундан қолишини истамадим. Шунга ҳансираб қолдик. Иккаламиз ҳам ҳали роса хом эканмиз.

— Бир гўдак бўлгиларинг келибди-да, — деди кулиб аёл. — Битта-яримта кўрган бўлса, устиларингдан роса кулгандир?

— Кулса кулар, кулади деб оёғимиз чигилини ёзиб ололмаймизми? — деди Марҳабо.

— Кизим, ҳали сенинг югуришингта озгина бор. Ўзингни асрashing керак.

Марҳабо индамай бош ирғаб қўйди. Қизлар гарчи ўзларини шўх-шодон кўрсатишга ҳаракат қилишмасин, барабир ҳалигача ўзларини босиб ололмаган эдилар. Иккаласининг ҳам ичидан зил ўтар эди.

— Ишқилиб, ишинг битдими, қизим? — дея сўради аёл Моҳирўйдан.

— Яхши жой экан, лекин омадимиз юришмади, — дея қиз Марҳабога қараб қўйди. — Боргунимизча бошқа одамини олиб қўйишибди.

— Бошқа бирор жойдан топилиб қолар... Менга қолса, ишламасанг ҳам бўларди. Таътилинг ҳам тезда тугаб қолади. Кейин ўқиши билан овора бўлиб, иш бир чеккада қолиб кетади. Бунинг устига, ота-онанг ишламоқчи бўлганингни эшитиб қолса, сендан хафа бўлишса керак.

— Мен ҳар доим... — деди-ю, Моҳирўй "Кейинги гапларим буларга оғир ботмасмикин?" деган ўйда жимиб қолди.

Унинг нима демоқчи бўлганини она-бала дарров илгаб бўлганди. Шу боис Марҳабо бирдан гапни бошқа ёкка бурди.

— Ойи, ётиб қолган бўлсангиз овқатам емагандирсиз, — деди у кўкрагини ютоқиб эмаётган боласидан кўзини узмасдан.

— Мен ҳозироқ чой кўяман.

Моҳирўй ўрнидан турди. У ошхонага бориб чойнакни газ плитаси устига қўйди-да, хаёлга берилди. "Ярамас, бекорга бизнинг орқамиздан тушмади. Ҳойнаҳой, мени таниб қолган бўлса керак. Лекин мен уни ҳеч қаерда кўрмаган эдим. Уйимизга ҳам бирор марта келмаганди. Менимча, дадам ўзининг одамларига мени қидириб то-пишларини буюрган бўлса керак. Энди бирор жойга бориб ишлолмайманам шекилли... Йўқ, унақада ҳаммамиз очимиздан ўламиз-ку. Нима бўлсаям бирорта иш қидириб топишим керак". Марҳабонинг ошхонага кириб келиши қизнинг хаёлларини бўлиб юборди.

— Қийналаяпсизми? — деди жувон Моҳирўйни кучиб.

— Билмадим...

— Шилқимликнинг оқибати шундай бўлади.

— Ўлиб қолмадимикин?

— Ўйғ-э, — деди қизни кучогидан бўшатган Марҳабо, каттиқ урмадим шекилли, боши ёрилгандир-да.

— Унақаларни ўлдирсанг ҳам савобга ботасан. Тушумадим. У нега бизнинг орқамиздан қувди? — деди ўзини гўлликка солган Моҳирўй.

— Қизини жа қаттиқ яхши кўрса керак-да. Гапимизнинг мағзини чақиб, ўч олмокчи бўлди, шекилли.

Марҳабонинг бу гапидан Моҳирўйнинг кўнгли бироз таскин топди. "Хайриятки, хеч нарсани сезмабди", дея хаёлидан ўтказган Моҳирўй:

— Энди ишлолмасам керак. Унинг қариндош-уруги мени излайди, — деди.

— Балки иш топилиб қолар. Ундан кейин йўлтўардан бошқа хеч ким бизни кўргани йўқ. У бола ўлмаган бўлса-ям, касалхонага тушгани аниқ. Чунки ҳозир эсладим, кўлимдаги тош каттагина эди... Шундай экан, бемалол кўчага чиқиш мумкин. Лекин ойимга айтмай яхши қилдик. Йўқса, ташвишланиб, мазаси бўлмай қолар эди.

"Эҳ, опагинам, — дея ўйлади Моҳирўй, — менинг ичимдан нима ўтаётганини сиз қаёқдан ҳам билардингиз".

Кун кеч бўлди. Моҳирўй кундузги воқеани унугтандай, дили хуфтонлиги ёришгандай эди. Шу боис Марҳабо: "Овқатни ўзим киласман, сиз овора бўлманг", дейишига қарамай ўзи уннади таом тайёрлашга. Аслида Моҳирўй пазандалик бобида анча оқсанди. Уйида ҳар доим хизматкорлар бир-биридан лаззатли егуликлар тайёрлашар, шу боис, хеч ким унинг ёнига келиб "Сен ҳам у-бу нарса пиширишни ўрган. Эртага ўзингта керак бўлади", деб айтмас, қизнинг ўзи ҳам бирон нима тайёрлашга қизиқмас эди. Бу ерга келганидан кейин эса унинг Марҳабога ҳаваси келди. Ўзининг ҳам лаззатли бирон нима пиширгиси келди. У қозонга эндиғина ёғ солган маҳали эшик тақиллаб қолди.

— Сиз пишир-куйдирини давом этказаверинг, ўзим очаман, — дея Марҳабо эшик томонга йўналди.

Унинг ортидан қараб қолган Моҳирўйнинг кўнгли ал-

ланечук бўлиб кетди. Хаёлида бояги йигит буларнинг яшаш жойини топиб келгандай эди.

— Вой! — дея бакириб юборди Марҳабо эшикни очиши билан.

Жувоннинг қаршисида кўзи қонга тўлган эри тиржай-иб туради.

\* \* \*

Бахтиёр шошма-шошарлик қилиб Моҳирўй ҳали кўлга тушмасидан бурун амалдордан "суюнчи" олиб қўйган эди. Шу боисдан йигитининг яна қайта кўнгироқ қилишини интиқтиқ билан кутди. Бироқ бошқалардан кўнгироқ бўлди-ю, ундан дарак бўлавермади. "Хойнаҳой, у тўғри шефнинг олдига олиб бориб мақтov эшитаман, деган ниятда бўлса керак", дея ўйлаб яна бироз кутди. Аммо топалоқдан дарак бўлавермади. Қайтанга Турғун Фаниевичнинг ўзи кўнгироқ қилиб, "Йигитинг қайси гўрга йўқолди?" — деб сўраб қолди. Бундан Бахтиёрнинг баттар жиғибийрони чиқди. Энди уни қидирмоқчи бўлиб уйдан чиқаётганида телефон асабий жиринглади. У югуриб борганча гўшакни кўтариб "Алло!" дея қичқириб юборганини ўзи хам сезмади. Бироқ гўшакдан келган овоз мутлақо бошқа одамга тегишли эди.

— Касалхонадан кўнгироқ қилаяпмиз, ҳозиргина бизга боши ёрилган беморни келтиришди. У тинмай сизни сўрайпти. Исли Илёс экан, — деди дўрилдоқ овозли киши.

— Илёс! Қандай қилиб касалхонага тушиб қолади? — дея бирдан бақириди Бахтиёр.

— Қандай қилиб бизга тушиб қолганлигини келсангиз кўрасиз, — деб Илёс қайси касалхонада ётганлигини айтган киши гўшакни қўйиб қўйди.

Уни онасидан олиб сўккан Бахтиёр ташқарига отилди. У иккита йигитни ёнига олиб йигирма дақиқага хам қолмасдан касалхонага етиб келди. Бу пайтда Илёснинг ахволи оғирлашган эди.

— Сени ким бундай ахволга солди? Қани анави қиз?! — дея палатага кирганиданоқ сўради Бахтиёр Илёсдан.

Илёс унинг саволига жавобан бир нималар деб ғўлдиради. Унинг гапини ҳеч ким тушунмади.

— Нималар деяпсан? — деди Илёснинг елкасидан ушлаб кўтарган Бахтиёр. — Тушунтириб гапир!

— Беморни қийнаманг, — деди унинг ёнига келиб кўлидан ушлаган соchlари оппок врач. — Ҳозир мажбурласангиз ҳам гапиролмайди у. Сизлар ҳозир ташқарига чиқиб туринглар, биз bemорни зудлик билан операция килишимиз керак. Бўлмаса кеч бўлади.

Бахтиёр алам билан врачга қаради. Дўхтирни онасидан олиб сўкмоқчи бўлди-ю, бироқ ўзини босди. Чунки ҳозир Илёснинг тақдери шу одамнинг кўлида эди. Ноилож у Илёсни кўйиб юбориб, палатадан ташқарига чиқди.

Операция икки соатдан кўпроқ давом этди. Аммо Илёсни сақлаб қолишнинг иложи бўлмади.

— Зарба жуда қаттиқ бўлган, халиям йигитнинг жони тошдан экан, тўрт соат чидаб берди, — деди врач Бахтиёрга операцияни ниҳоялаб, ташқарига чиққанидан кейин.

Воқеа тафсилотларини Бахтиёрдан эшигтан амалдор тутакиб кетди.

— Кимларга куним қолди?! — дея бўкирди у. — Бутун бошли шаҳарнинг эгалари муштдеккина қизни эплаб олиб келолмаса. Бор, сенга бир кун муҳлат, ернинг тагидан бўлсаям уни топиб кел!

Бахтиёр бошини эгганча хўжайиннинг олдидан чиқиб кетди. У йигитларининг асосий қисмини Илёснинг боши ёрилган жойга юборди. Уларнинг ҳаммасида Моҳирўйнинг сурати бор эди. Аламзада, кўзи қонга тўлган, турки-тароватидан ит хуркадиган йигитлар атрофдаги ҳамма кўп қаватли уйларнинг подъездига кириб, одамларга суратдаги қизни кўрган-кўрмаганинги суриштира бошлашди. Эшикдаги митти кўзгучадан эшик қоқиб турган бундай одамларни кўрган кўпчилик эшикни очиш у ёқда турсин, ҳатто нафас олишни ҳам бир зумга четга суриб секингина орқасига қайтишди. Очганлари ҳам ранг-кути бирдан ўчиб, ўзларига кўрсатилган суратни кўришлари билан "йўқ", дегандек бош чайқашарди. Бу эса қидиувчиларнинг ишини тобора оғирлаштирас эди. Ниҳоят улардан учтаси Моҳирўй қўним топган уйга ҳам етиб келишиди.

\* \* \*

Марҳабонинг чинқириғи Моҳирўйни бирдан сергак тортириди. Қизнинг юраги гупиллаб ура бошлади. "Наҳотки

бизни шунчалик тез топиб олишган бўлса?" — дея ўйлади у ва ҳар эҳтимолга қарши, қўлига чўмични олди-да, эшик томонга юрди.

— Кутмаганинг? — деди ҳамон иржайганча турган эр Марҳабога еб кўйгудек тикилиб.

Жонсиз ҳайкалга айланган жувон миқ этмади. Аммо күёвинг овозини эшитган қайнона бир қалқиб тушдида, набирасини кўрпача устига ётқизиб, кўрқа-писа эшик томон юра бошлади.

— Сюрпризим сенга ёқмадими? Одамларнинг хотини эри узоқ вақт бир жойга бориб келса бўйнига осилади. Йоз-кўзидан ўпади. Сен нимага қараб турибсан? Ёки уйда ўйнашинг бормиди, халақит бериб қолдимми?

— Мен ўйнашга ўхшайманми? — деди ранги оқариб кетган қайнона қизининг ёнига келиб.

— йў-йў, суюкли онажоним ҳам шу ерда эканлар-ку. Койилман! Нега мени остонаяда турғазиб кўйдиларинг? Киритмайсизларми уйга? — деди яна иржайган эр, кейин унинг кўзи Моҳирўйга тушиб қолдию, юраги ҳапқириб кетди. — Мен тентак шундай жанинат жойни ташлаб каерларда юрибман-а?! Бу оғатижон ким бўлди?

— Сиз ўзингиз кимсиз? — деди Моҳирўй қошини чимириб.

— Мен манави рўпарамдагининг эriman. Шундайми?

— дея эркак Марҳабонинг иягига кўрсаткич бармоғи билан туртиб кўйди. — Ёки эрлик лавозимидан олиб ташланганманми?

— Ҳа! — деди бироз ўзига келган Марҳабо. — Менга сиз эр эмассиз! Бегонага айланиб кетгансиз!

— Ни-ма? — деди бирдан кўзи чақчайган эр.

Марҳабо унга жавоб бермасдан ортига бурилди-ю, кўзидан ёши оққанча ичкарига кириб кетди.

— Мен, — деди остона ҳатлаб уйга кирган эркак, — шундай жойдан хотинчамни деб кочиб келсан-у, бу хотимнинг айтган гапини қаранглар.

— Чикиб кет! — деди ғазабдан титраб, илк бора күёвингни сенсираган аёл. — Шунча кўргуликлар кўрсатганинг етар! Сен қамалганингдан бери тинчгина яшаётгандик.

— Нималар деб сайрайсан, кампиршо? — деди ортидан эшикни тезда ёпган эркак. — Менинг кимлигимни унутганга ўхшайсанлар.

— Эшикни оч, ҳозир милиса чакираман бўлмаса! — деди аёл вужудига қўркув кириб.

— Милиса... Милиса обязательно келади. Факат мен чиқиб кетганимдан кейин. Сасиб кетган мурдаларни йиғиб олиш учун, — дея эркак қайнонасининг ёқасидан ушлади-да, ичкарига судраб кетди.

— Кўйворинг! — дея бирдан чинқириб юборди Моҳирўй.

— Ох, соҳибжамол, — деди эркак қайнонасини ичкарига итариб юбориб, Моҳирўга яқинлашар экан, — турмада занглаб кетганман. Сендай гўзални худонинг ўзи менга етказди. Сенинг шу ердалигингни билганимда, аллақачон қамоқ деганларидан қочиб келган бўлардим. Юзингнинг оқлигини... Баданинг бунданам оқ бўлса кепрак.

Моҳирўй бутунлай довдираб қолди. Эркак унга яқинлашгани сайин у орқага тисарила бошлади.

— Тушундим, оппоғим, кўздан панага ўтайлик демоқ-чисан-да, — дея эркак энди унга ташланган маҳали қиз гайриихтиёрий тарзда унинг бошига чўмич билан тушириди.

— Вой мараз! — дея бакириб юборган эркак бошини ушлаганча ўтириб қолди.

— Агар бу уйдан ҳозироқ туёғингни шиқиллатмасанг, яна бир тушираман-у, ўлдираман! — дея пўписа қилди Моҳирўй.

Бироқ у иккинчи марта эркакнинг бошига туширолмади. Инқилаб-синқиллаб ўрнидан турган "куёв" кутилмаганда бирдан қизга ташланди-да, унинг қўлидаги чўмични тортиб олди ва Моҳирўйнинг сочидан чанглаб, қайноаси билан хотинининг хонасига судраб кирди.

Куёви кўкрагидан итариб юборганидан кейин орқаси билан полга ийқилган қайнонасининг қон босими ошиб кетиб, ўзини билмай ётар, унинг бошини кўтариб олган Марҳабо эса нима қиласини билмай тинимсиз йиғлар эди. Бирдан уйда пайдо бўлган шовқиндан чақалоқ ҳам уйғониб кетганди. У онасидан ҳам ўтказиб, бор овозича чинқириб ингаларди.

— Ўчир овозингни! — деб бўкирди эр хотинига.

Аввалги калтаклари ёдига тушган Марҳабонинг бирдан уни ўчди. Аммо чақалоқ ҳамон бўзлашда давом этарди.

— Анави итвачча қаердан келиб қолди? — деди эркак иккинчи қўли билан хотинининг сочидан ушлаб тортар экан.

— Сиз... Сизнинг болангиз! — деди Мохирўй йиғлоқи овозда.

— Менинг болам?! — дея қиз билан жувонни қўйиб юборган эркак чақалоқ ёнига борди-да, секин уни қўлига олди.

— Мохирўй, ойим ўлиб қолади, ошхонадан тез сув олиб келинг, дорисини ичкизайлик! — деди Марҳабо сочи эрининг чангалидан бўшаган заҳоти онасининг бошини кўтарар экан.

Мохирўй ошхона томонга югуриб борди-да, косани тўлдириб сув олиб келди. У бирдан пичоқ ҳам олмоқчи эди, лекин аёлнинг жонталаш қилиб ётгани уни бу йўлдан қайтарди.

Дорининг таъсиридан кейин аёл кўзини очди. У худди уйқудан чўчиб уйғонган одамдай атрофига олазарак бокди.

— Ойи, — деди ҳамон кўзидан ёш оқаётган Марҳабо, — ошхонага юринг.

Аёл жавоб қилмади. Бунинг ўрнига туришга ҳаракат қилди. Жувон билан қиз унинг икки томонидан ушлаб, етаклашди. Худди ўша пайт эшик тақиллаб қолди. Марҳабонинг эри оёқ учida юриб, уларнинг ёнига келди-да, кўрсаткич бармоғини лабига қўйиб: "Тисс, агар биронтангнинг овозинг чиқса, болани балкондан ташлаб юбораман", деди. Бу пайтда чақалоқ йиғлашдан тўхтаган, ўзини кўтариб олган нотаниш одамга ҳайрон бўлиб тикилиб турар эди.

Эрининг гапидан қўрқиб кетган Марҳабо "хўп", дегандек бошини қимирлатди.

Эшик яна уч марта қайта тақиллади. Эшик ортидаги-лар бироз кутиб туришгач: "Бу уйда ҳеч ким турмаса керак", деган ўйда кейинги қаватга чиқиб кетишиди.

Шундан кейин ҳам эркакнинг кўнгли тинчимай, дераза олдига бориб пастга қараб турди. Яқин-атрофда мили-

ция машинаси кўринмасди-ю, лекин у ким келиб эшик қоққанлигини билиш максадида пастдан кўзини узмасди.

Ошхонага киришганларидан кейин Моҳирўй пичоқни олиб сочиққа ўраётганлигини кўрган Марҳабо унинг ёнига келиб:

— Нима қилмоқчисан? — деди пичирлаб сўради.

Қиз жувонга қаради. Унинг нима қилмоқчилиги шундоккина кўзидан кўриниб турар эди.

— Болам унинг қўлида, — деди Марҳабо қалтираган овозда. — Аввал болани олишимиз керак. Кейин...

Дераза ойнасидан уч кишининг олдинма-кейин чиқиб кетганлигини кўрган эркак хотиржам тортди.

— Энди, — деди у чақалокнинг бурунчасини мулойим чимдиг кўйиб, — ишни бошласак ҳам бўлаверади.

Эрининг полни гурсиллатиб ошхона томонга келаётганлигини эшитган Марҳабони титроқ босди. У бир Моҳирўйга, бир онасига нажот истагандай жовдираб қаар эди.

— Бугун базм уюштирамиз, катта базм, — деди иржайгача кириб келган эркак. — Кампир ошхонада бола билан қолиб, егуликлар тайёрлайди. Иккала жонон менинг кўнглимни овлайди. Эрталаб мен чиқиб кетаман. Ҳеч кимга зиён етказмай. Агар айтганимни қилмасаларинг, биронтанг ҳам соғ қомайсилар... Ҳа, яна бир нарсани эсларингдан чиқармаларинг. Мени болани кўриб кўнгли юмшайди, деган хомхаелга бориб ўтирасаларинг, аҳмоқликдан бошқа нарса қилмаган бўласанлар. Менинг белим тўла бола. Хоҳлаган пайтимда тўғри келган аёлни туғдириб кетишга қурбим етади. Бу болани кўзимни юммасданам пастга улоқтириб юборавераман. Шунинг учун агар сенларга бола керак бўлса, дамларингни чиқармасдан, нима айтсан, ҳамма буйруғимни бажариб турасанлар.

Марҳабонинг бошига бирор гурзи билан ургандай бўлди. Кўз олди қоронғилашиб, орқасига йиқилаётган жувонни Моҳирўй ушлаб қолди.

— Мана шу ишни бекор қилдинг, жонидан, — деди эркак хунук иржайиб, — аслида буниям кераги йўқ эди. Шунчаки сен ёшлиқ қилиб, у-бу нарсаларни билмасанг, айтиб юборади, деб ўйловдим.

Бу гаплар Мохирўйнинг ҳам суюк-суюгига бориб қадалди. Эркакнинг кўлидаги чақалоқ чириллаб йиглашга тушди. "Сенга мен майшат қандай бўлишини кўрсатиб кўяман", — деда хаёлидан ўтказган қиз бор кучини йиғиб жилмайишга уринди-да:

— Мен сизнинг айтганингизга розиман, фақат бу ерда эмас. Эркаксиз, хар қалай, у ёгининг эпини қиласиз, — деди.

— Нималар деяпсан, қизим? Ҳали бокира қизсан-ку, эсингни йиғиб ол. Бунинг дўй-пўписасидан қўрқма! Кейин ўзинг афсусланиб қоласан! — деда бақириб юборди аёл.

— Ҳов, кампир, ўчир овозингни! — деда бўкирди эркак ва кўлидаги болани аёл томон иргитди.

Аёл чапдастлик қилиб чақалоқни ушлаб қолди. Акс ҳолда... Мохирўй йиғлаб юбормаслик учун тишини тишига босиб, тез-тез қадам босиб ошхонадан чиқди. Эркак унинг орқасидан эргашди. Бирок Мохирўй эшик ёнига бориб тўхтади.

— Юр, нега тўхтадинг? — деди эркак.

— Сочик-почиқ олволай, ёз бўлсаям, одам кечаси чўмилганидан кейин артинмаса совқотади, — деди ичидан бу гапларни суғуриб олган Мохирўй.

— Мен сени покизамисан, деб ўйласам, кўпни кўриб кўйганга ўхшайсан-а, — деди эркак хиринглаб.

— Бунисини кейин билиб оласиз, — деди Мохирўй ва тезда ошхонага кирди-да, пичоқни сочикка ўраётган маҳали, аёл унинг оёғига ёпишиб:

— Қизгинам, шаштингдан қайт, бизни деб ўзингни бадном қилма! — деди.

Бироз ўзига келган Марҳабо эса унга ҳайратланиб қараб турар эди.

— Ҳаммаси яхши бўлади, — деди Мохирўй ва салафан сумкага сочикни тиқди-да, аёлга қарамасдан эшик томонга юрди. Сўнг эркакнинг ёнига бориб: — Шундай жойга олиб борингки, ҳеч ким бўлмасин. Ҳаммаёқ зими-стон бўлсин, — деди.

\* \* \*

Бахтиёр аввал участка нозирига қўнгироқ қилиб, унинг одамлари кўп қаватли уйларни бирма-бир кўриб чиқишлиарини айтди. Нозир ўзини озгина у ёқ-бу ёққа ташла-

ган эди, Бахтиёр дарров унинг иккита айбини эслатди. Қарабизки, участка нозирининг бирдан қулоғи кар, кўзи кўрга айланди. Шунинг учун Бахтиёрнинг йигитлари эмин-эркин ҳолда ҳамма уйнинг эшигини тақиллатиб чиқишиди. Албатта, бу ерларда кўпчилик Моҳирўйни умуман кўрмаганди. Битта-иккитаси кўрган бўлса-да, унга Эътибор бермаганди. Эътибор қилганлари эса йигитларнинг важоҳатини кўрганидан кейин бирдан: "Умримда учратмаганман", деб кутулиб кўя қолишиди. Моҳирўй кўним топган подъездагиларнинг бор-йўғи иккитаси Бахтиёрнинг йигитларига эшик очишиди, улар ҳам қаридан қолган, кўзи яхши кўрмайдиган кимсасиз чол ва ҳафтада бир маротаба кўчага чиқадиган кампир эди.

Қидирудан натижа чиқаролмаган йигитлар яна Бахтиёрнинг ёнида тўпланишиди. Бу пайтгача амалдорнинг "ўнг кўли" Илёс масаласи билан шуғулланди. Аввалига бош врач: "Унинг ўлими тўғрисида милиционерларга хабар берамиз", деб туриб олди. Бахтиёр унга бундай қилиш мумкинмаслигини айтди. Бош врач сабабини сўраганида, у стол устига бир даста ўн сўмликни ташлаб:

— Ака, бизга обрў керак. Агар шу томони бўлмаганида, аллақачон милисалар қидиувуга тушиб кетишган бўлишарди. Агар бизнинг одамимиз ўлиб, бунинг хабарини "мент"ларга айтадиган бўлсақ, ер билан битта бўлганимиз шу. Илёс яхши бола эди. Унинг қасдини биз ўзимиз оламиз. Сиз бўлса, пулни олинг-да, ҳеч бало кўрмагандай ўтираверинг, — деди врачнинг кўзига тикилиб.

— Уйидагилар сўраб келиб қолиша нима қиласман? Бундан ташқари, касалхонада ўлим содир бўлдими, мен тезда бу ҳакда милицияга хабар беришим керак, — деди врач ҳамма нарсани бўйнидан соқит қилиш мақсадида.

— Ўша милицияга, — деди Бахтиёр ўқрайиб, — ўзи ўлиб қолди дeng. Сариги ўтиб кетибди, дейсизми, юраги "приступ" берибди, дейсизми, бу ёғи сизнинг ишингиз. Лекин зинхор унинг бошига уришганлигини тилингизга ола кўрманг. Ҳар қалай, сиздаям бола-чака бор. Уларнинг келажагини ўйлайсиз. Бу ёғи тушунарлидир... Илёснинг уйидагилари масаласига келсак, хотиржам бўлинг. Уларни ўзимиз тинчтамиз.

Бош врач Бахтиёрнинг сўнгги гапларидан кейин ҳай-

калдек қотди. Айниңса, бола-чакаси эслатилганидан кейин унинг юраги ўйнаб кетиб, Бахтиёр айтганидай, "приступ" берип қолишига озгина қолди.

Хамма ишларни тинчтиб бўлганидан кейин Бахтиёр йигитлари билан энди нима қилиш кераклиги тўғрисида бош қотириб турганида, амалдор кўнғироқ қилди.

— Ҳозирча топилгани йўқ. Лекин ҳеч қаерга қочиб кетолмайди. Барibir топамиз. Асосийси, у ҳалиям шаҳарда экан, — деди Бахтиёр бошқа гап тополмай.

Амалдор бу сафар уни бўралатиб сўкмади. Ўйланиб турди-да, буюрди:

— Ўша атрофга йигитларингдан иккитасини қоровулликка кўй. Бир марта қиз шу ерда кўриниш берибдими, яна пайдо бўлади. Факат бу сафар йигитларингнинг тузкроғидан кўй. Яна латта чайнаб қолиб кетишмасин.

Эрининг гапларини қўшни хонада эшишиб турган Зулайҳо мийигида кулиб кўйди. У ҳам эридан қолишимасдан Мохирўйни қидирмоқда эди. Факат мақсад, режа бошқа эди. Аёл сал аввал жазмани билан қиз ҳакида гаплашганди. Мохирўйнинг топилган-топилмаганлигини суриштирганди. Афсуски, жазман ҳам уни қувонтирадиган гап айтмади. Бироқ Бахтиёр каби, албатта топишини айтиб ўтди.

— Шу қиздан воз кечиб қўя қолинг, — деди Зулайҳо эри хорғин кайфиятда уйдан чикаётганида.

— Йўқ, — деди амалдор пешонаси тиришиб, — у менинг юзимга оёқ босиб кетди. Кўрнамаклик қилди. Энди топсам, соғ қўймайман.

Эрининг гапидан Зулайҳо хурсанд бўлиб кетди. Зотан, амалдор энди бус-бутун ўзиники бўлиб қоладигандай эди. Сўнг яна ўйланиб қолди. Турғун Ганиевич нимаики иш бошласа, охирига етказмай қўймайдиганлар хилидан эканлигини билгани уни ўйланишга мажбур этди. "Бу Мохирўйни яхши кўрдими, демак, барibir унга етишишга харакат қиласи. Важоҳатидан ҳеч нимадан қайтмайдиганлиги кўриниб турибди. Уни бу йўлдан ё ўзининг ўлими, ёки Мохирўйники қайтариши мумкин. Ўзи-ку ҳали менга кўп керак... Колаверса, бир зумда кўлимда ўйинчоқ қилиб қўйишим ҳам ҳеч нарса эмас. Чунки унинг сирини биламан. Бу ердагилар унинг учун ҳеч нарса қилол-

маган тақдирдаям Москва бор-ку. У ёқларга бунинг кўли етмайди-ку. Демак, имкониятим етарли. Албатта, буларни қўлимдан ҳеч нима келмай қолганида ишлатаман. Ҳозирча энг осони — қизни даф қилишим керак. Гарчи карисаям қўйилмаган бу чол: "Қўлимга тушса соғ қўйман", дегани билан, қизнинг гўзаллиги учун ҳамма айбидан воз кечиб юбориши ҳеч гап эмас-да. Шунгача отимни қамчиласим лозим", дея хаёлидан ўтказди Зулайҳо.

— Кампир, — деди амалдор хотинининг ўйланиб турганини кўриб.

— Нима дедингиз?! — деб юборди Зулайҳо эрининг қолган гапини эшитишга сабри ҳам чидамай, бирдан юраги алланечук бўлиб.

Зотан, у илк маротаба эрининг оғзидан бунака сўзни эшитиб туриши эди.

— Ёқмадими? — деди хотинидаги ўзгаришни кўрган амалдор.

— Мен ҳали кампир бўлдимми?! Сиздан неча ёш кичклигимни эсингиздан чиқариб қўйдингизми? — деди Зулайҳо кўзига ёш қалқиб.

— Кўзимга шундай кўриниб кетдинг-да.

— Бошқалар-чи? Бошқалар қўзингизга онасидан янги тугилгандай кўринадими? Сиз билан шунча бирга яшаб, охири эшитганим шу бўлдими? Менга бунака гапни айтишдан олдин ўзингизга бир караб олсангиз яхшийди. Сизниям ҳеч ким бўз йигит демайди. Аллақачон...

— Ўчир овозингни! — деди амалдор хотинининг гапларидан ғаши келиб. — Бошқаларга шундай десанг хурсанд бўлади. Одам қариганидан кейин қариликни бўйнига олиши керак-да.

Зулайҳо ортиқ унинг ёнида туролмади. Лаблари титраганча ташқарига чиқиб кетди. Турғун Фаниевич унинг ортидан: "Ўзи нима демоқчийдим?" дея ўйлади, аммо унинг хаёлига хотинига айтмоқчи бўлган гапи келмади.

Аёл эри машинада уйдан чиқиб кетганидан кейин югуриб бориб жазманига кўнғироқ килди. Бироқ гўшакни ҳеч ким кўтартмади. Зулайҳо эркак зотининг ҳаммасига кирғин келишини қайта-қайта тилаб, оппоқ қофоз олдида, унга эрининг кирдикорларини бирма-бир рус тилида

ёза бошлади. Узоқ ёзди, пешонаси тиришиб, амалдорнинг ўзи билган айбларининг биронтасини ҳам қолдирмасдан қофозга "тўкиб сочди". Сўнг кўнгли бироз хотиржам тортиб, жазманига қайтадан кўнғироқ қилди. Бу сафар у гўшакни кўтарди. Кўтарди-ю, Зулайхонинг бирбиридан заҳарли гапларини эшитиб, гўшакни отиб юборишига оз қолди. Ҳар тугул, аёл бирор икки дақиқа "ёниб" турганидан кейин бирдан учди. Ва дийдё қилишга тушиб кетди. Эрининг абллаҳлигидан, пасткашлигидан нолиди. Шундан кейингина Моҳирўй ҳакида янгилик борйўклигини сўради.

— Ҳозиргина, — деди жазман ниҳоят гапиришга изн берилганидан пешонасини силаб қўйиб, — битта ошхонага бордим. У ерда яхши битта опагинам бошлиқ...

— Опагинанг қаймокқинамикин? — деди Зулайҳо киноя билан жазманининг гапини бирдан бўлиб.

— У билан мен факат иш юзасидан гаплашаман. Мен ишрат қилмоқчи бўлсам, сизнинг ўзингиз етиб ортасиз. Мана шу гапни эсингиздан чиқарманг, — деди асабийлашган жазман.

— Бўпти, бўпти, давом эт. Хўш, ўша иш юзасидан гаплашадиган опагинангнинг олдига бординг, ундан кейин-чи?

— Хуллас, унинг олдига иккита қиз иш сўраб келибди, улардан биттаси мен кўрсатган расмдагига жудаям ўхшар экан.

— Ростданми? — деди бирдан ҳовлиқиб кетган Зулайҳо. — Ҳозир ўша кизлар қаерда экан, ишга олибдими уларни?

— Келишолмабди. Моҳирўй роса шаддодлик қилибди. Лекин унинг айтишича, кизлар шу яқин-атрофда туришаркан. Бунинг устига, Моҳирўй билан бирга келган кизнинг дугонаси опанинг қўлида ишлармиш. "Ўша киз унинг қаерда яшашини билса керак", деди опа.

— Бирдан чакириб сўрамадингларми?!

— Ишга келмабди. Дам олиш куни экан.

— Ҳар тугул, изини топибсан-ку. Эртадан қолдирмай аниқла. Кейин менга телефон қил. Уёғига менам бора-ман. Колганини биргалашиб қиласиз, — деди Зулайҳо бироз чехраси ёришиб.

\* \* \*

Чувалчанг "А-а-а" дея чинқириб томогини ушлади-да, орқасига кулади. Бирдан шовқин-сурон кўтарилди. Махкумлар нима бўлганлигини билиш мақсадида Чувалчанг иикилган жой томон югуришиди.

— Дўхтири... дўхтири чақиринглар, тез бўлларинг! — дея бақириди Босс.

Кўзлари косасидан чиққудек бўлиб типирчилаётган Чувалчанг бир муддатдан сўнг сал тинчиди.

— Фиёс ака, — деди у нимжон овозда, — мени кечиринг. Мен сизга хиёнат қилдим. Сизни ўлдирмоқчи эдим!

— Биламан, — деди бошини қимирилатиб Босс, — кечирдим.

Шу гапни эшитиши билан Чувалчангнинг кўзи юмилди. У мангу уйку сари йўл олган эди.

Гарчи Чувалчангни ким, нега ўлдирғанлигини Каламуш жуда яхши билса-да, ошпазларни сикувга олди. Уларни жазо камерасида обдон "сийлади", шундайм улар: "Биз ҳеч нарса билмаймиз, овқатга бирон нима соганимизда, ҳамма бирдай заҳарланган бўларди", деб туриб олишиди. Улар тайёрлаган овқат маҳсус текшириб кўрилганида ҳам ундан одамга зиён етказиши мумкин бўлган ҳеч нарса топилмади. Ошпазлар қўйиб юборилганидан кейин сокчи келиб Бургутни олиб кетди. Фаррух: "Яна мени сўроқ килиб, кейин бошимга итнинг кунини солса керак", дея ўйлаган эди. Аммо ўйлаганича бўлмади. Уни сокчилар Каламушнинг ёнига эмас, балки бошқа камерага олиб киришди. У камерага кирди-ю, ҳайратдан қотиб қолди. Камера ичида Зарина унга жилмайиб қараб турар эди.

— Сиз бу ерда нима қилаяпсиз? — деди Бургут ҳайратини яширолмай.

— Сизни кутиб турибман, — деди Зарина шўх овозда.

— Нега? — дея баттар таажжубланди Фаррух.

— Мумкин эмасми?

— Йўқ, лекин...

— Сиз кутмагандингиз, тўғрими?

Фаррух "ҳа", дегандек бошини қимирилатди.

— Мен, — деди бирдан жиддий тортган қиз, — сиз билан хайрлашгани келгандим.

— Хайрлашгани?

— Ҳа, ишдан бўшатиши. Ўша сизга керакли уколни килмаганим учун. Эртадан бошлаб бу ерга келмайман, — деди Зарина чукур сўлиш олиб.

— Сизга билмасдан жабр қилиб қўйганим учун афсусдаман, — деди Фаррух унга ачиниб.

— Мен сиздан мутлақо хафа эмасман. Умуман, ишимдан айрилаётганим ҳам қизиқтирмайди. Чунки бир йил ишлаб берасан деб ўқиш жойимдан юборишганди. Мени мутлақо бошқа нарса қийнаяпти. Мен кетаяпман-у, сиз бу ерда қолиб кетаяпсиз. Ана шу нарса... — дея киз гапини давом этказолмай қолди.

Унинг юзи қизарди. Кўзида ёш пайдо бўлди.

— Мен, — деди у бирордан кейин ҳамон тахтадай котиб турган рўпарасидаги йигитга караб, — киз бола бошим билан ичимдаги гапларимни сиздан олдин айтиётганимга айбга йўйманг. Бошқа иложим йўқ. Бу ерга қайтиб келолмайман... Хуллас... Хуллас, сизнинг дил из-хорингизни эшитишга жуда кўп вақт бор. Албатта, агар мен ўйлаган нарса сизда бўлса... Нима десам экан... Йўқ, айтолмайман... Нега жим тураверасиз?

— Ҳалиги, — дея довдиради маҳбус, — мен сизни хафа қилганимдан...

— Қанақа хафа қилиш? Тушунмаяпсизми, мен сизни севиб қолганман-ку!.. — деди киз кўзида ёш билан.

Фаррух умрида бунақа сўзни эшитмагани боис, қизарип кетди. Нима қиласини билмай бошини эгди. Зарина бошқа чидаб туролмади. Соддагина, ёқимтой йигитнинг юзидан чўлп этказиб ўпди-да, эшик ёнига бориб муштлаб урди. Юзи олов бўлиб ёнаётган Фаррух жойидан қимирлолмай қолди.

У камерага қайтиб келганидан кейин Боссни қамоқхона бошлигининг олдига олиб кетишганини айтишиди. Бу хабар уни ташвишга солмади. Чунки, хаёлини Заринанинг сиймоси, унинг сўzlари ва ўпичи эгаллаб олган эди.

Босс тахминан Каламушнинг нима демоқчилигини биларди. Шу боисдан ҳам ўзининг жавобларини олдиндан тайёрлаб борди.

— Нима кераги бор эди? — деди Эдуард Анисимович

асабий тарзда сигарета чекар экан. — Сен келганингдан бери менга тинчлик йўқ. Деярли ҳар куни битта мурда чиқаяпти бу ердан.

— Ҳисобдан адашманг, — деди мийифида кулган Босс, — мен келгунимча иккита бўлган. Келганимдан кейин иккита бўлди. Бунга менинг нима алоқам бор?

— Ўзингни гўлликка солма! — дея қичқириб юборди Каламуш. — Ҳаммасида шахсан сенинг кўлинг бор.

— Испот, — деди Босс қамоқхона бошлигининг кўзига тик қараб, — биронтасини менга испотлаб беринг-чи.

— Бўлади, ҳаммасини вақт-соати етганда мен сенга испотлаб бераман.

— Унда ўша вақт-соати етгунча яшаб турайлик-чи. Кейин бир гап бўлар.

— Чарчадим, — деди Каламуш бирдан бир поғона тушиб, — оналарини эмсин ҳаммаси. На уйқумда, на юриш-туришимда ҳаловат бор.

— Ҳаммасига одамнинг ўзи сабабчи. Сабабсиз бирон нима бўлмайди, — деди Босс.

— Бўлди, иккаламиз ҳам мушук-сичқон ўйнашни бас қиласайлик.

— Мен хеч ким билан бунақа ўйин ўйнамаганман. Ўйнашният билмайман.

— Нега ўзингни олиб қочаяпсан? Мен сенга тинчликни таклиф қиласайман.

— Мен ҳамиша тинчлик тарафдориман. Сиз билан бўлса, шунчаки гапим келишмайди. Сабаби, мен ҳақиқатни яхши кўраман.

— Нима демоқчисан бу билан? Мени тўғри гапирмайдиган ҳезалакка чиқардингми? Сен ўзингча: «Кобра билан Чувалчангни ўлдириб, ҳамма нарсага эришганман. Ҳар қандай гапни истаган пайтимда гапираман. Энди билган нарсамни қиласам», демоқчимисан? — деди ўрнидан туриб кетган қамоқхона бошлиги.

— Мен боғдан келсам, сиз тоғдан келаяпсиз. Шунинг ўзи бизнинг бошқа-бошқалигимизни кўрсатмаяптими? — деди Босс мулойимлик билан. — Кейин гапларимиз анча майдалашиб кетганга ўхшайди.

— Ит! — деб юборди кутилмаганда Каламуш қизариб-бўзариб. — Яхшиликни билмадинг! Мен сенга осойиш-

таликин таклиф қилгандим, күнмадинг. Энди ўзингдан кўр!

Сўнг бироз муддат Боссга тикилиб қараб турди: "Шу пайтгача мен ҳақиқатан бундан қўрқиб келдим. Сабаби оддий. Аввалига битта-иккита ишларимни билиб колди. Биронта одамга айтиб юрмасин деган ўйда, унга тегинмадим. Аста-секин бошимга чиқиб олди. Аксига олиб, ташқаридағиларнинг ишини бажариб бераман деб, кўп нарсага кўл уриб кўйдим. Бу эса ҳаммасидан хабар топди. Энди бошимда туриб ҳожатини ҳам чиқармокчи, абрах. Бирига чидайнин, иккисига чидайнин. Тамом. Тоқатим ток бўлди. Москвага хабар бермаса, ундан нарига ўтсин. Яхшилаб адабини бериб, попугини пасайтириб қўяман. Агар озгина ғимирлайдиган бўлса, ана, Турғун Фаниевич бор. Унинг ишларини итдай бажарайпманми, энди уям мен учун тер тўксин-да... Босснинг сўzlари марказгача етиб борадими-йўқми, худо билади. Балки у мени шунчаки қўрқитиб юргандир. Амалдор эса... Амалдорнинг қаҳри каттиқ. У бир маротаба ғазаб отига минса, мен-ку, майли, бутун оиласнинг соғ колиши амримаҳол. Ҳозир у мендан Босснинг жонини сўраб туриби", дея хаёлидан ўтказди у.

Эдуард Анисимович соқчини чақириб, унга Боссни жазо камерасига олиб боришни ва ақли киргунча "даволаш"ни буюрди. Улар чиқиб кетишаётганида Каламуш:

- "АЮЧ"га, - деди.

Унинг гапидан кейин соқчи тўхтаб, савол назари билан қамоқхона бошлиғига қаради.

—Тушунмадингизми?! — деди Каламуш қошлари чимирлиб.

Соқчи "Ёши анча ўтиб қолган, у ердаги азобга чидолармикин?" деб сўрамоқчи эди. Аммо сўрамади. Бошлиқнинг қарашининг ўзи бу саволнинг жавобини бериб турар эди.

Босснинг юзида эса истехзоли табассум пайдо бўлди. У аввал ҳам бу камерада бўлган эди. У ерда қандай қилиб азоб беришларини яхши биларди. Лекин ўшанда ёш эди. Шу боисдан ҳам азобларнинг барига бардош берганди. "Шер бекорга тушимга кирмаганлиги янайам аниқ бўлди. Афсус, менинг ҳам тақдиримга таниш-би-

лишлар билан видолашиш ёзилмаган экан... Ҳаётнинг жуда кўп неъматлари мени четлаб ўтди. Энди ўлигим хам хор-зор бўларкан-да. Ёки шундай ўлимга лойик иш қилдимми?.. Нимаики қилган гунохларим бўлса, Худо, ўзинг кечир!" деда хаёлидан ўтказди у камерага етиб боргунча. Оёқ-кўлини боғлашаётганида эса ота-онасини, чоп-қиллаб ўйнаб юрган болалигини эсга олди.

— Босс, — деди азоб берувчилардан бири юзидағи ниқобни олиб, — мен сизни қаттиқ хурмат қиласман. Шунинг учун сизга озор етказишга ҳечам қўлим бормаяпти.

— Ука, — деди Босс мийигида кулиб, — буйрукни бажаринг. Куним бўлса яшайман. Бўлмаса, тақдир эканда. Иложим қанча? Асосийси, мен сизни ичимда қарғамайман. Энди ишни бошланг.

Босснинг оёқ-кўли маҳсус столга чандиб боғланган, кимирлашига мутлако имкон қолдирилмаганди. Фақат кўзларигина бўлаётган воқеаларни кузатиш ва кўшимча азобланиши учун очиқ қолдирилган эди. Суякларни синдириб юбормасдан эзгилайдиган мослама Босснинг ёнига олиб келинди. У аввал оёкларининг устига қўйилди ва токка уланди. Мослама аста-секин харакатланиб, Босснинг этини эзгилай бошлади. Танасидаги оғриқнинг астасекин кучайиб бориши Фиёс аканинг кўзидан ёш чиқариб юборди. У бақириб юбормаслик учун лабини маҳкамтишлади. Лекин шунча уринмасин, унинг инграган овози эшитилди. Босс уялди. Унга кўзини лўқ қилиб қараб турган "жаллод"дан уялди. "Агар жонимни суғуриб олсанг ҳам чидайман", деда ўйлади Босс ва лабини янада маҳкамроқтишлади. Унинг лабидан қон сизиб чиқа бошлади. Буни кўрган "жаллод" чидолмасдан аввал кўзини юмиб олди, сўнг мосламанинг тугмачасини босиб, азоб беришдан тўхтатди. Пешонасидан тер қувилиб келаётган Босс танасидаги оғриқ тўхтаганидан кейин ҳансираф нафас ола бошлади.

— Операцияни охиригача етказиш керак, — деди "жаллод"нинг ёнида турган сокчи.

— Канчадан-қанча одамни бу ерда онадан тугилганига пушаймон едирганман, — деди "жаллод", — бир туким килт этган эмас, лекин Боссни бу кўйга солиши менинг қўлимдан келмайди.

— Келади! — деди маҳсус тешикдан бўлаётган воқеани кузатиб турган Каламуш, жаллоднинг гапини эшитганидан кейин, жаҳли чикқанидан қалин қоп-қора темир эшикни шараклатиб очиб кириб келар экан. — Келади, ўртоқ сержант. Сиз шафқатсиз жиноятчани жазолаётганингизни эсингиздан чиқариб қўйманг. Бу одам, — деди у Боссни кўрсатиб, — жамиятимиз учун ўта хавфли. Бир неча ўнлаб ўта оғир жиноятларни қилган, қанчадан-қанча бегуноҳ инсон бунинг дастидан эрта хаётдан кўз юмган. Аслида бунданам оғир жазони кўллашимиз керак эди. Ҳалиям бизда шафқат деган нарсадан бор.

— Лекин... — дея "жаллод" энди унга эътиroz билдиримоқчи эди:

— Бас! Буйруқни бажаринг! — дея бақириб юбориб, уни гапиртирмай қўйди Каламуш.

Хушдан кетиш арафасига келиб қолган Босс унинг гапларига аччиқ қулиб қўя қолди.

Мослама яна ишга тушди. Энди у Босснинг кўл сувкларини эзгилар эди. Эшитган гапларидан кейин Фиёс аканинг қони кўпчиганди. Фазаби қўзгаганди. Шу боисдан ҳам азобга мағрур бардош бера бошлади. Суяги си ниш арафасига келган тақдирдаям у чидади. Худди ҳеч нарса бўлмаётгандек бемалол турди. Ҳатто лабини ҳам тишламади. Эдуард Анисимовичга алам қилиб кетди. Назарида, Босс шундай ҳолатдаям унинг устидан кулаётгандай эди.

— Буни тўхтат! — дея бақирди у "жаллод"га. — Токни ула, сакрашини бир томоша қиласай.

Электр қуввати улангандан Фиёс аканинг кўзлари чақчайиб кетди. Яна сал бўлмаса, улар косасидан отилиб чиққудек эди. Бироқ заряд қанчалик тез пайдо бўлган бўлса, яна шундай йўқолди. Орадан бир дақика ўтмасидан улар яна ишга тушди. Бундай ҳол кетма-кет беш марта такрорланганидан кейин, Босснинг кўз олдида Шер пайдо бўлди. У ниҳоятда ачиниб, Фиёс акага караб турди-да:

— Отингни олиб келдим, — деди кўз ёши аралаш, — мин, кетамиз.

— Ҳали бироз эртароқмасми? — деди Босс Шерга илтижо билан боқиб.

— Вакти-соати етиб келди. Отга мин, дардисар дунёда кунинг битди.

— Ҳали битмаган ишларим бор эди. Фаррухни қиёмига етказиб тарбиялай олганим йўғиди. Озгина имконият берининг иложини қилолмайсизми?

— Менинг кўлимдан ҳеч нарса келмайди. Иложини қилиш мумкин бўлган замондан ўтиб кетганимға анча бўлган. Менга сени олиб келиш буюрилган. Шогирдинг масаласида қайғурмассанг ҳам бўлади, уни Мироб ўз қарамоғига олади, — дея Шер Босснинг қўлидан ушлаб тортиди.

Ғиёс аканинг қаериададир кучли оғриқ пайдо бўлди-ю, кейин бирдан енгил бўлиб қолди...

— Кўзи олайиб кетди. Балки тўхтатармиз! Ўлиб-пўлиб қолмасин тағин, — деди "жаллод" Каламушга умид билан қарап экан.

— Бунинг жони тошдан. Яна икки дақика чидашга бемалол кучи етади, хозир бўлса нағма қиласяпти, ўзини мана шундай ҳолга солиб, жазони тўхтатмоқчи, бунинг макри бехисоб, — деди Эдуард Анисимович Боссдан кўзи ни узмай.

Қамоқхона бошлиғи айтган икки дақика ҳам ўтди. "Жаллод" хўжайинидан сўраб ҳам ўтирмасдан электр токини узди-ю, бармоғини Босснинг энса томирига тегизди.

— Жони узилибди, — деди у Каламушга ваҳимали қараб.

— Йўғ-э, — дея Эдуард Анисимовичнинг ўзи ҳам Ғиёс аканинг томирини текшириб кўрди.

Ҳақиқатан ҳам маҳбуснинг юраги уришдан тўхтаганди. Каламуш шундан кейингина нима қилиб қўйганини англаб етди. Хавотир билан жаллодга қаради:

— Ўзининг ажали билан ўлган. Юраги приступ бериб қолган. Бу ёғи тушунарлидир?

Жаллод ёнида турган соқчига қаради. Соқчининг кўзи-даги совуқлик унинг Каламушга нисбатан нафратини шундоққина кўрсатиб туарар эди.

— Столдан ечиб олинглар-да, тезда бошқа камерага олиб боринглар. Ундан кейин дўхтири чақириб, бирдан ўз ажали билан ўлганлиги тўғрисида маълумотнома ёзди-

риб олинглар. Ишни тезлаштиринглар, — дея Эдуард Анисимович бу ерни тарк этди.

Қалтираб бораётган Эдуард Анисимович хонасидаги столга ўтириб, бир пиёла иссиқ чой ичгандан кейингина бироз ўзига келгандай бўлди. Сўнг лабига сигарета қистириб, уни тутатиш учун гугурт қидирди. Стол тортмаларини очиб қаради, стол устини кўздан кечирди, бироқ шундоккина олдида турган гугуртни кўрмади. Шундан кейин баттар асабийлашиб кетди. Соқчини чакириб, гугурти қаёкка йўқолганлигини пўписа билан сўради. Соқчи бир қаращаёқ гугуртни кўрди-ю, ажабланди. "Бунинг томи кетиб қолмаганми, ишқилиб?!" — дея хаёлидан ўтказди-да, Каламуш қидираётган нарсани кўрсатди.

Эдуард Анисимович сигаретасини тутатаркан, қўли титраб кетди. У соқчининг кўз ўнгидаги бундай кўйига тушиб қолганидан ноқулайлик ҳис қилди ва тутунни чуқур ичига тортиб, буйруқ кутиб турган одамга қўли билан "чикиб кет" ишорасини қилди. У кетиши билан эса шоша-пиша телефон рақамини тера бошлади.

— Ўтирибсанми лаллайиб, ҳалиям нима қилишингни билмасдан? — деди амалдор унинг овозини эшитиши билан.

— Ака, иш сиз айтгандай бўлди, унинг қўлига нариги дунё учун чипта тутқазиб қўйдим, — деди Каламуш иржайиб.

— Ҳартугул, — деди Турғун Фаниевич, — шуниям эплолмайсанми, деб кўрқкан эдим. Ишқилиб, ҳаммаси тинчгина бўлдими?

— Худди сиз айтгандай ажалнинг ўзи бизнинг ёрдами-мизсиз олиб кетди, — дея хиринглади қамоқхона бошлиги.

— Яна у ёқ-бу ёкка ўлакса ҳиди тарқаб кетмасин, кўзингга қара, — деди амалдор гўшакни кўйиб кўйди.

Каламуш: "Хавотир олманг, ҳаммаси хамирдан қил суғургандай бўлади", демоқчи эди, бироқ улгуролмай, гапи ичидаги қолиб кетди. Алоқа узилганидан кейин у гўшакка бироз қараб турди-да: "Нега у мен билан киска гаплашди? Аввал бундай қилмасди-ку. Ҳамма нарсани миридан сиригача суриштиарди. Наҳотки қилган ишим унга ёқмаган бўлса, овозидан кувонгани мутлақо билинмади-ку,

қайтанга жеркиб гапирди. Кесатди. Шу ишни бекор қилганга ўхшайман. Ҳар хил баҳона-ю сабабларни рўкач килиб юрганимда бўлмасми? Бўлмасди. Амалдор сабртоқатни билмайдиган одам... Нега унда ёқмади? Ёки ўзининг бошқа биронта иши ишқалдир? Мен айнан унинг асаби бузилиб турган пайтда кўнғироқ килиб қўйдим-ми? "Энди соянгизда соялаймиз-да", дея ундан паноҳини аямаслигини сўрамоқчи эдим. Улгуролмадим..." — дея ўйлади.

Каламуш ўйлаганидек, Босснинг ўлими сир бўлиб қолмади. У ҳали ўз хонасига киришга улгурмасидан бурун Миробнинг қулоғига Босс ўлганлиги ҳакидаги хабар бутун тафсилотлари билан етиб келди. Миробнинг доимий уйкусираган кўзи бирдан чақмоқдай ёниб кетди. Кўллари мушт бўлиб туғилди. "Итдан тарқаган Каламуш, арининг уйини ўзинг кўзгадинг. Энди ўзингдан кўр", дея хаёлидан ўтказди. Ва шу захоти камерадаги ҳамма маҳбусларни ёнига тўплади-да, Босснинг сўнгги буйругини эълон қилди:

— Ҳозирги дакикадан бошлаб Босснинг ўрнига Бургут — Фаррух тайинланади!

— Босснинг ўзи-чи? — деди ҳайрон бўлган маҳбуслардан бири.

— Босс биз билан видолашибашга ҳам улгурмай дунёни тарк этди. Уни ўлдиришди.

Мироб шу гапни айтиши билан бирдан ғала-говур бошланди. Кимнинг нима деяётганлигини билиб бўлмас, ҳамма бараварига гапиради.

— Тинчлантир буларни, — деди Мироб Фаррухга. Фаррух нима қиларини билмай бирма-бир маҳбусларга қараб чиқа бошлади. Уларнинг овози борган сари авжига минарди.

— Нега қараб турибсан?! — дея бакирди Мироб Бургутга. — Улар энди фақат сенинг буйруғингга бўйсунишади!

Фаррух бақириб-чакираётганлар ва ҳатто бир-бирининг ёқасидан олиб нималарнидир уқтиришга ҳаракат қилаётганларга ҳайрат билан қараб турди-да:

— Жим!!! — дея кичкирди. Бирдан ҳамма маҳкумнинг овози ўчди. Уларнинг бари Бургутга қарашди. — Ҳамма ўз жойига борсин.

Бироқ унинг гапига биронта ҳам маҳбус кулоқ солмади, ҳеч ким жойидан кимирламади.

— Эшитмадингларми?! — деди Мироб маҳбусларга еб қўйгудек тикилиб. Унинг қараси, важоҳати тўпланганларни сескантириб юборди. Шундан кейингина улар битта-битта жойига кета бошлади. — Тезда Каламушга қарши чора қўлламасак бўлмайди. Биринчи навбатда биродарларга хабар бериш керак. Ундан кейин бу ерда шовкин-сурон кўтариб, Каламушни довдиратмасак кечга қоламиз, у ҳамма ёқни маҳкамлаб қўйиш ҳаракатига тушиб қолади.

— Кимлар бизнинг биродарларимиз? — дея сўради Бургут ҳайрон бўлиб.

— Бошқа қамоқхоналарнинг авторитетлари, — дея унга жавоб қилди Мироб.

— Унда тезлаштирайлик.

Миробнинг буйруғи билан маҳбуслардан бири қоғоз олиб келди. Иккинчиси эшикни тепиб соқчини чақириди-да, ўзига сут кераклигини айтди.

Бироз ўтиб, ҳамма нарса тайёр бўлганидан кейин, Мироб чўпни сутга ботирди-да, Босснинг қандай қилиб ўлдирилганлигини ва бу хабарни тезда марказга етказиш шартлигини ёзди. Хатнинг устидан эса маскировка сифатида аёлнинг исми ва бошқа севги-муҳаббат сўзлари ручкада ёзилди. Бундай мактубдан беш нусхада тайёрланганидан кейин яна соқчи чақирилиб, мактуб унга берилди.

— Қамоқхонада шовқин қилингани билан ҳеч нарсага эришиб бўлмаса керак. Қайтанга коровуллик кучайтирилади. Менимча, яххиси Каламушнинг ўзини тинчтиб қўйган маъкул.

Бургутнинг бу гапидан кейин Мироб унга қараб илжайди. Зотан бир пайтлар Шер худди шундай қарорга келган эди. "Ажабмас, бир кун келиб буям Шердайин ташқаринио ичкарини бирдай идора килса", дея хаёлидан ўтказди у.

— Ўрнига бошқаси келади-ку, барибир, — деди Мироб Фаррухни яна бир марта синаш мақсадида.

— Униси Каламушнинг маҳбуслар билан келишмаганини оқибати нималарга олиб келганлигини билади ва биз билан алоқани яхшилашга ҳаракат қиласи, — деди Бургут бир нуқтага тикилиб.

Мироб бош ирғади.

— Майли, шундай килиб кўрайлик, балки айтганинг-дай бўлар.

\* \* \*

Босснинг жасади маҳбусларга кўрсатилмади. Улар ҳатто мурдани нима қилишганини хам билишмади. Ёлғиз топган хабарлари — мурда моргга олиб кетилган. Чавакланганми ёки ҳеч кими йўқ экан деб кўмиб ташланганми, у ёғи коронги эди. Худди шунинг учун кенг миқёсдаги жанжал бошланиб кетди. Авторитетларнинг одати бўйича, ўзига ўхшаганлардан биронтаси казо қиласидиган бўлса (у хоҳ Италияда, хоҳ Америкада бўлсин), албатта унга нисбатан иззат-икром кўрсатилиши, хурмат билан қабрга кўйилиши шарт эди. Россия қамоқхоналарининг "лидер"лари Босснинг ўлганлиги хабарини эшлиши билан Каламушга кўнфироқ килишди.

— Асли новосибирсклик экансан. Онанг шу ерда туғилган, эрга тегмасидан бурун учта жуҳуднинг эрмаги бўлган, улардан биттаси онангни етаклаб, сен ҳозир гўддайиб юрган жойга олиб борган. Кейин сен ҳеч бир никоҳсиз туғилгансан. Шунинг учун қилаётган ишларинг жуҳудникигаям, русникигаям ўхшамайди. Қисқаси, иккита боланг сенга ортиқчалик қилибди. Эртага ишга чиқолмайсан. Чунки уйингда мотам бўлади. Иккала болангни хотинингга кўшиб кўмиб келишинг керак-да. Сенинг ўзингга эса навбат сал кечроқ тегади. Қилғиликни қилганингдан кейин бирдан ўлиб қолсанг адолатга тўгри келмайди, — деди улардан бири.

Бу гапларни эшитган қамоқхона бошлиги устидан бирор бир чеълак сув куйиб юборгандай музлаб кетди. У аллақачон ту-тулаб қолган гўшакни жойига кўймасдан кўзи олайиб, ўрнидан турди ва эшик томонга бемақсад кетаётганида стол устидаги турган телефон тарақтаб пастга тушиб кетди. Бундан Эдуард Анисимовичнинг сал бўлмаса юраги ёрилаёзди. У қалтираган кўйи телефонни жойига кўйди-да, шкафга илинган костюмини хам олмасдан ташкарига чиқди. Уни кўрган соқчи ҳайрон бўлди. Хўжайнининг костюмсиз чиқиб кетаётганинг айтмокка оғиз жуфтлади-ю, лекин Каламушнинг авзойини кўриб, гапирмай кўя қолди. Йўлакда кетаётган Каламуш аввал

бўйинбоғини бироз бўшатди. Сўнг барибир бўғилиб кетаётганидан ечиб ерга отиб юборди-да, йўлида давом этди. Бинодан чиқиб, икки томони тиканли симлар билан ўралган йўлакчадан кетиб борар экан, Россиянинг кайсирид бурчагидан кўнғироқ килиб пўписа қилган одамнинг гаплари хаёлида акс-садо бера бошлади. Бунга сайин у баттар сиқилиб кетди. Кўзига жондан азиз фарзандлари кўринар, улар конига беланиб, "Дада!" дея нола килишганча у томонга қўлларини чўзатгандай туюлаверар эди. "Йўқ, — деди у ўзига ўзи гапириб, — мен сизларни бериб қўймайман. Ўлсан ўламан, лекин сизларнинг бошингиздан биронта тола сочингиз тўкилмайди. Етар, ҳаммасига чидаб келдим. Майли, мени отиб юборишсин. Кийноқларга солишин. Аммо болаларим озор чекмайди".

Биринчи, иккинчи кузатув пунктидан у ранги оқариб, ўзига-ўзи гапириб ўтди. Бу ердаги соқчилар ҳам ундан ҳол сўрамоқчи бўлишди. Лекин авзойини кўриб тил тишлашди. Бироқ охирги асосий кузатув пунктидагилар мум тишлагандай туришмади.

— Ўртоқ подполковниқ, биронта ёрдам керак эмасми? — деди уч соқидан бири.

Каламуш унга ўқрайиб каради-да, ташқарига чиқиб кетди.

— Хўжайнинг авзойи бузукка ўхшайди, орқасидан кузатиб бориш керак, — деди соқчи ёнидаги шеригига.

— Постни ташлаб қаёкка ҳам борардинг? Ортидан бориб балога қолиб кетмайлик тағин. Яхшиси, тинчгина шу ерда ўтирганимиз маъқул, — деди унга жавобан иккинчи соқчи.

Эдуард Анисимович камоқхонадан унчалик узокка кетолмади. Аввалига юраги сиқди, кейин боши айланди. У тўхтаб, осмонга қаради. Чуқур нафас олмоқчи бўлиб оғзини очганча ҳавони ичига ютмоқчи бўлди. Аммо кўзгаям кўринмайдиган ўта майда кислород зарраларига томогининг тешиклари торлик қилди. У қанчалик нафас олишга уринмасин, барибир уддасидан чиколмади. "Наҳотки, бир ютум ҳаво ютиш қўлимдан келмайди?! Вақтида тоғдай нарсаларни ютиб, ҳал қилиб юборганман-ку", дея хаёлидан ўтказиб, бор кучини тўплади-да, нафас олишга

харакат қилди, бироқ эплаёлмади. Шундан кейин "Ёрдам беринглар!" деге бақирмоқчи бўлганида овози ҳам чиқмади. У бутунлай таҳликада қолиб кетди. Ортига бурилиб соқчиларга қарамоқчи бўлди-ю, лекин шунгаям чоғи келмай, гурсиллаб ерга йиқилди. Кўз ўнгини қалин туман қоплади. Бироз типирчилаб ётганидан кейин эса ёнида бир-биридан кўрқинчли иккита махлук пайдо бўлганини кўрди. Каламуш уларни кўрган заҳоти эсхонаси чиқиб кетди. "Керакмас, ҳали вақт бор. Мени тинч кўйинглар!" — деге уларга карата бақирди. Бироқ махлуклар унинг гапига эътибор ҳам бериб ўтиришмади. Бири унинг ёнига келди-да, жонини суғуриб ола бошлади. Суғурганда ҳам азоблаб, ҳар-ҳар замонда жон чиқишини тўхтатиб, бир ўпкасига ҳаво бериб, бир ўпкани насибасиз колдириб, ўзининг кўриниши кўрқинчлидан кўрқинчлига айланиб, омонатни тортиб олди. Бу пайтда соқчилар Эдуард Анисимовичнинг йиқилганини кўришган, югуриб келишиб, уни ердан кўтаришиб қамоқхона биноси томонга олиб кетишаётган эдилар...

Каламушнинг бирдан жон бериши ҳаммани бирдек анг-танг қилиб қўйди. Ҳар ким унинг ўлими сабабини ўзича изоҳлар, ҳатто айримлар уни заҳарлангангаям чиқариб қўйишганди. Биргина Миробнинг Бургутга айтган башорати ҳақиқатга яқин келди.

— Хойнаҳой, юраги ёрилиб ўлган бўлса керак. Босс авлиё одам эди. Авлиёларга қўл теккизиб бўлмайди.

— Уям бизга ўхшаб жиноят килган-ку, — деди Бургут Миробга эътиroz билдириб.

— Яхшиям Босс ўзининг ўрнига сени қўйиб кетди. Бўлмаса бунақа аҳволингда ҳатто менинг ҳам яқинимга келолмаган бўлардинг. Буни шунчаки сенинг баҳтинг борлигига йўйиш мумкин, холос. Босс масаласига келсак, у худди сен каби бегуноҳдан бегуноҳ қамалиб қолган. Кейин худди мана шу жойда бошқалар тили билан айтиладиган жиноятчига айланган. Лекин у ниҳоятда адолатли, олдиндан одамларнинг қандайлигини кўра биладиган, яхши билан ёмонни фарқлаёладиган психолог эди. У қанчадан-қанча бегуноҳ одамларни жазодан олиб қолди. Қанча одамга яшashi учун имконият яратиб берди. Булар кўпчиликнинг қўлидан келадиган иш эмас эди. Эҳти-

мол шунинг учун ҳам жуда кенг миқёсда обрў қозонди. Ишқилиб, жойи жаннатда бўлсин... Сен энди, болакай, унинг ишини давом этказишинг керак. Бундай имконият ҳеч кимда бўлмаган. Агарда ҳозир бирозгина бўшлик килиб қўйсанг, албатта, ўрнингни олиб қўядиганлар то-пилади. Лекин ундан кейин жуда кўп қон тўкилиши ҳеч гап эмас.

Мана, сенинг келганингта қанча бўлди? Озгина муддат. Тўғрими? Лекин шу киска фурсат ичида қанча одам ўлиб кетди. Бу, биласанми, нимадан далолат? Фасл ал-машинишидан. Одатда, ҳар доим бир фаслдан иккинчи-сига ўтилганида, албатта нимадир рўй беради. Йўқса, сен келгунингга қадар бир йил мобайнинда ҳеч кимнинг жасадини олиб кетишмаса-ю, келишинг билан олти киши ўлса... Тасаввур қилаяпсанми ўзинг? — деда Мироб Бургутнинг кўзига тик қаради.

— Демак, мен айбдор эканман-да ҳаммасига, — деди Фаррух жаҳли чиқиб.

— Йўқ, сени ҳеч ким айбдор демаяпти. Ҳаёт қонуни ўзи шунаقا... Сенинг давринг келди. Ана, бошкар. Хоҳласанг, менинг маслаҳатимни ол. Хоҳламасанг, каллангни ишлат. Лекин нима бўлган тақдирдаям бошбошдоқликка йўл қўйма.

— Ҳали мен ёшман, — деда бирдан тан олди Фаррух, — ўзингиз ёрдам бериб турмасангиз, қийналиб қоламан.

Орадан бир ҳафта ўтди. Соқчиларнинг кўпайиб кетганлиги, маҳбусларнинг тез-тез терговга чакирилишини инобатга олмагандан, қамоқхонадаги кескин вазият бироз юмшади.

\* \* \*

Амалдорга Каламушнинг кутилмаганда ўлиб қолиши катта зарба бўлди. У "янгилик"ни топиб келган Бахтиёрга тикилганча қотиб қолди. "Нималар бўляяпти ўзи, ҳали бир томонини жой-жойига қўймасимдан бошқа ёқдан муаммо чиқади? Қачонгacha бундай ҳол давом этиши мумкин?" — деда хаёлидан ўтказди у.

— Бахтиёр, — деди у босиқлик билан, — Эдуард Анисимовичдан айрилишимиз, албатта, бизга каттагина йўқотиш. Лекин биз бундан таҳликага тушиб қолмаслигимиз лозим. Ҳозир сен унинг ўрнига муносаб номзодни топи-

шинг керак. Агар эртароқ ҳаракат қилмасак, кейин кеч бўлади. Унинг ўрнига марказдан биронтасини жўнатишлари мумкин. Энди, бор, ишингни қил. Керак бўлсанг, ўзим чақираман. Айтган ишларни эртароқ бажар.

Бахтиёр унинг олдидан чиққанидан кейин машинага ўтириди-да, ўйланниб қолди: "Хўжайнинг ахволи анчагина чатоқка ўхшайди. Ожизланиб қолганлиги шундокқина кўриниб турибди. Агар у кетадиган бўлса, менинг ҳам тагимга сув қўйишлиари ҳеч гап эмас. Эртароқ чорасини кўриб қўйишим керак. Балки, амалдорни ўйиндан чиқариб ташлаш вақти етгандир. Ҳамма иши чапига кетаяпти. Бундай одамда хосият қолмайди деб отам бир вақтлар айтганди... Куриган шоҳ... куриган шоҳ... Турғун Фаниевич ҳақиқатан ҳам қуриб қолдими? Унда ким боғ-бонлик қилиб қуриган шоҳни кесиб ташлайди?.. Яхшиси, бироз кутиш керак. Балки вақтнинг ўзи нима қилиш лозимлигини кўрсатиб берар..."

\* \* \*

Улар кўчага чиқишилари билан эркак Моҳирўйнинг белидан қучиш учун қўлини чўзди. Бироқ қиз унинг қўлини бирдан силтаб ташлади.

— Шошилманг, — деди у жилмайиб, — вақти-соати келганий йўқ.

— Вой, жонидан! — деди хурсанд бўлиб кетган эркак.  
— Овозингдаям новвот бор-а!

"Шошмай тур, ит! — деда ўйлади Моҳирўй. — Новвотнинг қандай қилиб заҳарга айланишини кўрасан".

— Ўзи, — деди эркак, — шу хотиннинг олдига келишга умуман хоҳишим йўқ эди. Тасодифан келиб қолдим. Қамоқдан чиқсан ажрашаман деб ўйлаб юргандим. Мен ўёқда, у бўёқда. Нима қилиб юрганини қаёқдан биламан, тўғрими? Боланиям балкондан ташлаб юбораман деганимнинг сабаби шунда. Боланинг мендан бўлганлигигаям гумоним бор. Мен кетганимдан кейин, ким билади, кимлар билан ётиб турган у. Эр кўрган хотин бўлса, — деда Марҳабонинг тепасидан мағзава ағдаришга тушиб кетди эркак.

Бундан Моҳирўйнинг жаҳли чиқди. Алам билан лабларини маҳкам тишлиб кетаверди.

— Лекин сен-чи, — дея гапида давом этди эркак, — кетвортган нарса экансан.

— Нарса? — дея Мохирўй эркакка караб жилмайди. — Мени биронта буюмга ўшшатаяпсизми?

— Энди зўр қизларни шундай дейди-да... Менга қара, илгари нечтаси билан бўлгансан?

Қиз бу гапни эшитиши билан чинқириб юборишига, сумкадаги пичоқни олибок бунаканги бебурд эркакнинг корнига тикиб юборишига сал қолди. Аламидан қизарип, ўзини базўр тутиб турди. Аксига олиб, хамма ёқда чироқ ёниқ, қоронгироқ жойнинг ўзи кўринмас эди. Шу боис Мохирўй атрофга аланглаб, панароқ жой кидирди. Эркак худди унинг хаёлидагини укиб олгандай:

— Иккита домдан ўтганимиздан кейин қурилиши ўн ийлдан бери тўхтаб ётган жой бор. Одамлар ахлат ташлаб саситиб юборган-у, лекин жой йўқлигига чидаса бўлади. Сен менинг кўнглимни овламоқчисан-ку, бундай жойларга бемалол чидайсан, тўғрими? — деди иржайиб.

Қиз ноилож бошини қимирлатиб тасдиқ ишорасини килди. Ва шу томонга илдам қадам босиб борар экан: "Эй, худойим, ўзинг шарманда қилма. Бу маҳлуқдан эсономон кутулиб олишимга ўзинг ёрдам бер", дея ният қилди.

Эркак айтганидай, биринчи "дом"дан ўтганларидан сўнг Мохирўйнинг баҳти кулиб бокди. Рўпараларидан иккита милиционер бир-бири билан гаплашганча кела бошлади.

— Уларнинг олдидан ўтаётганимизда менинг қўлимдан ушлаб ол, яна "мусор"лар хитланиб қолишмасин. Менинг қамоқдан қочганлигим ҳақида уларгаям хабар беришган бўлса керак, — деди эркак қизнинг кулогига пичирлаб гапирар экан.

Мохирўй "Ха, энди кўлга тушдинг, ит. Кўлимни қонга ботириб нима қилдим?" — дея хаёлидан ўтказди-да, бирдан эркакка ташланиб қолди. Унинг юзларини юлиб, шу баҳонада ўзининг ҳам соchlарини тўзгитиб юбориб: "Войдод! Ёрдам беринглар, мени зўрлашмоқчи!" дея қичкириб юборди. Милиционерлар улар томонга югуришди. Бунга сайин Мохирўй эркакка баттар ёпишиб олиб, янада қаттиқроқ қичкира бошлади. Ахийри эркак барибир эркаклигини қилди. Қизнинг юзига чунонам мушт ту-

ширдики, Моҳирўй икки метрлар чамаси нарига учиб кетди. Қизнинг чангалидан қутулган эркак қочишга тушди. Аммо узокка кетолмади. Милиционерлардан бири чаққонгина экан. Зумда унинг ортидан етиб олди-да, шимининг орқасидан ушлади. Шу ондаёқ эркак ортига бурилиб милиционернинг юзига мушт тушириди. Милиционер орқасига қалқиб кетди-ю, лекин Моҳирўйга ўхшаб йиқилмади. Бу пайтда унинг шериги ҳам етиб борган эди. Улар икки кишилашиб эркакни тепкилашга тушиб кетишиди. Вактдан фойдаланган киз ўрнидан турди-ю, жуфтакни ростлаб колди.

У қайтиб борганида Марҳабо ҳам, онаси ҳам ухламасдан бир-бирига термулишганча йиғлаб ўтиришар эди. Улар эшик ортидан Моҳирўйнинг овозини эшитишлари билан тезда эшикни очишиди. Моҳирўй уйга кирган заҳоти Марҳабонинг онасини қучоқлаб олди-да, йиғлаб юборди.

— Кўркиб кетдим! — деди у кўзидан ёши шашқатор оқиб. — Кутуломайман, деб кўрқдим.

Аёл унинг бошини силади. Сочларидан ўпди.

— Ишқилиб, — деди у йиги аралаш, — у мараз сенга зиён етказмадими?

— Йўқ! — деди қиз бош чайқаб.

Шунда топ этиб унинг қўлидан салафан сумка тушиб кетди. Марҳабо пол устидаги сумкани бирдан олди. Қўлига қаттиқ нарса текканидан ҳайрон бўлиб, оғзини очди-да, пичноқни кўриб тошдек қотди.

— Сиз... уни ўлдириб қўйдингизми? — деди бироздан кейин сал ўзига келиб.

Моҳирўй унга қаради.

— Кўзингиз шишиб кетибди-ку! — деди жувон.

— Мен, — дея қиз бирдан полга ўтириб қолди, она бола уни турғизишмоқчи бўлганида, Моҳирўй унамади, — уни ўлдирмоқчи эдим. Лекин баҳтимга милиционерларга дуч келиб колдик. Шунда бирдан унга тармашиб, мени зўрламоқчи бўлаётганлигини айтиб дод-вой солдим. Падарингга лаънат юзимга мушт тушириб қочмоқчи бўлди. Лекин барибир милиционерлар уни ушлаб олишиди. Ўзиям роса калтаклашди. Ҳозир олиб кетишган бўлишса керак.

— Боплабди! — деди Марҳабо хурсанд бўлиб. — Агар сиз ўлдирганингизда бунданам хурсанд бўлардим.

— Бахтинг бор экан, — деди аёл, — қўлинг қонга ботмабди. Унақаларнинг қонини тўкиш савоб иш-ку-я, лекин янайм ким билади, ҳартугул милисаларга дуч келганинг яхши бўпти... Марҳабо, бор, қизим, сочиқни ҳўллаб кел. Тез кўзига босмасак, баттар шишиб кетади.

— Холажон, — деди Моҳирўй ўксик нафас олар экан, — милисаҳонада уни яна роса каптаклашиб, турмадан кимникига қочиб келгандинг, дейишса, у бу ерни айтиб қўяди. Кейин милисалар бизниям олиб кетишса нима киламиз?

— Хавотир олма, болам. Улардаям инсоф бордир. Оборишгандаям барибир қўйиб юборишади. Чунки ҳаммасини рўй-рост айтиб берамиз-да.

Моҳирўй ичидан зил кетди. Ахир у қандай қилиб: "Мен уйимдан қочиб кетганман. Дадам хозир мени қиди-рувга берган бўлса керак", дея айтади.

Юзига босилган муздай сочиқдан кейин қиз бироз ўзига келди. Сўнг бу ерда ортиқча туролмаслигини хис этиб, кетиш тўғрисида ўйлай бошлади.

У ошхонада ўтирганида ёнига Марҳабо келди ва чукур ўйга чўмиб ўтирган қизни кучоқлади. Моҳирўй ҳам унинг кўксига бошини қўйди-да:

— Марҳабо опа, битта гап айтсам ўртамиизда қоладими? — дея сўради.

— Мен биронта қизни сизчалик ёқтириб колган эмасман. Қани эди, сиз менинг синглимга айланиб қолсангиз, — деди Марҳабо чукур нафас олиб.

— Мен ҳам сизни яхши кўриб қолдим. Сиз чеккан азоблар мениям бағримни ўртаб, куйдириб юборди. Лекин мен айтмоқчи бўлган нарса, балки сизни мендан совутиб юборар. Балки нафратланарсиз...

— Нималар деяпсиз? Сизни хозир кўриб туришиммаску. Кўришгунимизча қанақа қиз бўлганингиздан қатъий назар, мен сизни ёмон кўриб қолмайман.

— Мен ёлғончиман. Мен ойингизни алдаганман.

— Нега? — деди Марҳабо ҳайрон бўлиб Моҳирўйнинг юзига тикилар экан.

— Негалигини ўзимам билмайман. Шунақа бўп қолди, — дея Моҳирўй ўзининг тоқقا бориб, чўпон йигитни учратганидан бошлаб то бу ерга келгунича бўлган воқеа-

ларнинг ҳаммасини бирма-бир айтиб берди. Ҳикоясинг сўнгидатай: — Тоққа бир марта борганлигим ҳаётимни шунчалик издан чикариб юборди, мана, паноҳ излаб сизларнига келган эдим. Лекин ўйлаб қарасам, бу ерда ҳам ортиқча эканман, — деди бошини эгиб.

— Нега унака дейсиз? Ойим сизни худди ўз қизидай кўради, мен синглимдай, уйимиз тор бўлсаям, кўнглимиз кенг. Ундан кейин, сиз бизларга озмунча ёрдам кўрсатдингизми?.. Балки сиз ҳақиқатан ҳам менга сингил буларсиз. Айтдингиз-ку, детдомдан асраб олишганини. Ойимга хозир айтаман. Онанинг кўзи ҳеч қачон алдамайди. Ўзи сиз келганингиздан бери: "Шу қиз кўзимга жуда иссиқ кўриняпти", деб юрибди...

— Йўқ, ҳали ҳеч нарса деманг. Ўзи бугун қанча азобни бошидан ўтказди. Бирдан хурсандлик ҳам одамга ёмон таъсир қиласди. Ўзим ётифи билан айтарман, — деди Моҳирой Марҳабони шаштидан қайтариб.

— Сен менинг ҳақиқий синглимсан. Кўнглим сезиб турибди. Юриш-туришинг, гапларинг, ҳатто кулишинг ҳам меникайдай. Мен жудаем кўп кузатдим. Иккаламизинг қонимиз бир! — деда Марҳабо кўзидан ёш оқканча Моҳиройни кучоқлади.

Қарийб йигирма йилга яқин айрилиқдан кейин опасингил бир-бирини энди топган эдилар. Улар анча муддат кучоқлашиб ўтиришди.

— Опа, — деди орадан ярим соатча вақт ўтганидан кейин Моҳирой, — мен эртага кетмасам бўлмайди. Мен бу ерда қанча кўп турсам, сизларга шунча ташвиш ортираман. Чунки дадамнинг одамлари эртами-кеч барип мени кўриб қолишади.

— Кетиши ҳақида гапни оғзинггаям олма. Энди оила-миз жамулжам бўлди. Бу ёғи пешонамида нима бўлса кўраверамиз, — деди Марҳабо синглисини иягидан кўтариб ўзига қаратар экан.

— Мени қидириб юришибди. Анави сиз бошини уриб ёрган одам ҳам аслида дадамнинг одамларидан эди. У бизга тегажоқлик қиласди. Балки мени таниб қолди. Машинага ўтқазиб, дадамнинг олдига олиб бормоқчи эди. Агар сиз ёрдам бермаганингизда, энди топган синглигиниздан айрилишингиз ҳеч гап эмасди. Энди шундай воқея яна такрорланишини истамайман.

— Хўш, бизнидан кетсанг қаерга борасан? Кўчада қолиб кетиб сарсон-саргардон бўлмайсанми? Одамнинг иссиғи бор, совуғи бор, — деди Марҳабо синглисига ачиниб қараб турар экан.

— Токқа бораман.

— Ўша чўпон йигитнинг ёнигами?

— Ҳа.

— Ота-онасининг олдида нокулай бўлмайдими? Ундан кейин, қишлоқда гап-сўз тез тарқайди, деб эшигтгандим. Сен қиз бола бошинг билан йигитнинг уйига боришинг... Агар сени уйига кўйишмаса нима қиласан?..

— Фаррух акамга ишонаман. Отасини ҳам кўрдим. Оддийгина одам...

— Оддий одамлар бирорларнинг гапига тез ишониб қолади-да. Қўни-қўшниси сени ёмонлаб қолса, "Қиз бола эрсирамаса йигитникига ўз оёги билан бормайди. Ўз оёги билан келдими, бунинг тагида бир гап бор", дейишиша, соддагина одам сени кўчага ҳайдаб солмайдими?

— Опа, у ёгини пешонамдан кўрдим. Агар худога жоним ҳали керак бўлмаса, яшайман. Бўлмаса ўлиб кетаверман, — деди Моҳирўй алам билан.

— Мендан дарров хафа бўлдингми? Мен сени хафа қилмоқчи эмасдим. Фақат бир ўзинг токқа бориб хору зор бўлиб қолмагин, демоқчи эдим, холос.

— Биламан. Сиз мени ўйлаб гапирайпиз бу гапларни. Лекин бу ерда қоладиган бўлсам, бундан баттарига йўликишим ҳеч гап эмас.

— Майли, синглим. Сени худонинг паноҳига топширдим. Фақат эртага кетмайсан. Аввал кўзингдаги шиш кайтсин. Ундан кейин мен сени кўйиб юбораман. Худо билади, эртага кўзинг қанака бўлиб кетади.

Шу пайт эшик тақиллаб колди.

— Милисалар келди, — деди Моҳирўй бошини эгиб, — ҳозир мени сўрашади. Дугонам бўлади, денг. Эрим уйдан олиб чиқиб кетганидан бери қайтиб келмади, денг. Мен балконда яшириниб тураман. Агар менинг борлигимни айтсангиз, сур-сур кўпайиб кетади. Балки менинг йўқолганимни дадам милисаларга ҳам айтгандир.

— Хавотир олма, агар милисалар бўлса худди айтганингдай қиламан, — дея Марҳабо эшик томонга юрди.

Мохирўйнинг тахмини тўғри чиқди. Эшикни тақиллатган одамлар милиционерлар эканлигини айтишди. Шундан кейингина жувон эшикни очди.

Келгувчилар Марҳабодан аввал эри ҳақида сўрашди. Жувон йиғлаб-сиқтаб бирданига ҳамма гапни айтиб берди. Шундан кейин улар уйни кўриб ҳам ўтиришмасдан, бир парча қоғозга алланималарни ёзишиб, тагига келинчакка имзо чектиришди-да, пастга қараб кетишди. Опаси эшикни ёрганидан кейин Мохирўй енгил тин олди.

Эртасига қизнинг кўзи атрофи ҳақикатан ҳам корайиб кетди. Бу ахволда у умуман ташқарига чиқолмас эди.

Ҳали Мохирўйнинг ўз қизи эканлигини билмаган, лекин кўнглининг бир бурчагида шунга ишончи бўлган аёл куёвининг гўрига гишт қалаб, ўзи билганича муолажа килди.

Орадан бир ҳафтага яқин вақт ўтганидан кейингина Мохирўйнинг кўзи яна асл холига қайтди. Шундан кейин у ўзининг нарсаларини сумкасига жойлаб, кетиш тайёргарлигини кўра бошлади. Марҳабо қанча уринмасин, барибир синглиси ниятидан қайтмаслигини билиб турарди.

— Ўрганиб қолгандик. Бизнинг уйимизда яшайверсанг ҳам бўларди, — деди аёл унинг бошини силаб.

— Уйдагилар хавотир олиб ўтиришган бўлишса керак. Лекин шаҳарга келишим билан сизлардан албатта хабар оламан, — деди Мохирўй унга жавобан ёлғон гапиришга мажбур бўлиб.

Шундан кейингина аёл унинг кетишига рози бўлди.

Мохирўй дадаси билан тоқقا кетаётганларида қаёққа бораётганларини сўраб билиб олган эди. Шу боисдан ҳам автовокзалда ўша районга қатнайдиган автобусни кидирди. Бахтига, ўша районнинг номи ёзилган "Икарус" турган экан. Уни кўриши билан мийигида кулган қиз тезда автобусга чиқиб олди.

Автобус район марказигача икки соатдан мўлроқ юрди. Мохирўй хаёлида Фаррух билан бўладиган учрашувни ўйлаб кетди. "Сиз қидириб бормаганингиздан кейин ўзим сизни излаб келдим, дейман, — дея ўйлади у деразадан ташқарига қараб кетар экан. — Мени кўриши билан ҳангуманг бўлиб қолади. Довдирайди. Нима дейишини

билмайди. Мен эса унинг устидан қотиб-қотиб куламан. Уям кулади. Кейин мен йиглаб юбораман. "Нима бўлди сизга?" деда у мени овутишга тушиб кетади. Мен эса унинг саволларига жавоб бермайман. Юзимни кафтим билан бекитганча йиғлайвераман, йиғлайвераман. У нима дейишини билмай туради-да, кейин тоғдаги кулбасига олиб боради. Ўша ерда мен ҳаммасини бирма-бир унга айтиб бераман. У албатта дадамнинг қилган ишларини эшишиб жаҳли чиқади. "Бориб ўлдириб келаман", деда ўрнидан туриб кетади. Лекин мен уни йўлдан қайтариб қоламан. "Сизни энди хеч қаёққа қўйиб юбормайман. Шу ерда мен билан бирга қоласиз", дейди. Мен индамай бошимни эгиб туравераман. У индамаганлигимни кўриб розилик белгиси деб ўйлади ва мени уйига олиб боради. Онаси пешонамдан ўпади. Мен уялиб ерга қараб туравераман. Аёл менинг чиройимни мақтайди. Шундай гўзал қизни олиб келгани учун ўғлини алқайди. Шундан кейин Фаррух акам онасига менга уйланишини очик айтади..."

— Яхши қиз, етиб келдик, тушмайсизми? — деда сўради унинг ёнига келган ҳайдовчи.

Моҳирўйнинг шириндан-шакар хаёли бирдан бўлинниб қолди. У атрофига аланглади. Автобус ичидан ўзидан бошқа ҳеч ким қолмаганлигини кўриб хижолат бўлди ва шошганча тушиб кетди. Тушишга тушди-ю, лекин энди қаёққа боришини билмасдан туриб қолди.

— Вуй, анавига қаранглар! — деди Моҳирўйдан бешолти қадам нарида турган тўртта йигитдан бири у томонга қараб. — Кетворган нарса экан.

Унинг гапини эшигтан шериклари бирдан қизга қарашди. Моҳирўй эса кўркиб кетди. Яхшиям айни тушлик пайти, одамлар у тушган район автостанциясида кўп эди. Моҳирўй йигитларнинг қўзидан яшириниши максадида одамлар орасига кирди. Ёши улугроқ отахоннинг ёнига бориб Фаррух яшайдиган манзилни айтиб, қандай бориши мумкинлигини сўради. Чол сочи калта қилиб олинган, шим кийиб олган қизга бошдан-оёқ назар солиб чиқди-да:

— Ўзинг кимсан? — деда сўради энсаси қотиб.

— Мен... мен, шу ёқда қариндошларимиз бор эди, — деди Моҳирўй ҳаяжонланганидан қўзини олиб қочиб.

— Хе, бетинг курсин. Мендан адрес сўрагунча аввал одамга ўхшаб кийиниб олсанг ўлармидинг?! — деди бирдан чол кўзи олайиб.

Моҳирўй нима деярини билмай тахта бўлиб қолди. Чол эса "бопладимми?" дегандай атрофидаги йўловчиларга бир кур қараб кўйди.

— Кечирасиз, — деди юзи бирдан қизарган қиз ва ортига бурилди-ю, ундан нари кетди.

Чол эса ҳозирги ёшларни айнан мана шунақа шим кийганлар бузაётганлиги тўғрисида ёнидагиларга ваъз ўқий бошлади.

Моҳирўй автостанциядан йиғлагудек бўлиб чиқаётганида ўттизлардан ошиб қолган жувон унинг қўлидан ушлаб қолди. Юраги шув этган қиз ялт этиб унга қаради.

— Каёққа борасиз, синглим? — деди сўради аёл жилмайиб.

Кўзидаги ёшни базўр ушлаб турган Моҳирўй бир ёнига, бир ерга қараб, борадиган манзилини айтди.

— Ҳув анави автобус, — деди аёл кўли билан автостанция ҳовлисининг бир чеккасида турган сариқ эски "Паз" автобусини кўрсатиб. — Синглим, сиз чолнинг гапларига эътибор қилманг. Шунақаларам бор. Одамнинг кимлигини билмай туриб оғзига келган гапни қайтармай айтиб юборадиган.

Моҳирўй аёл кўрсатган автобусга чиқди. Унинг ичи иссик, бадбўй эди. Яна тик туришгаем жой йўқ хисоби. Қиз пайдо бўлиши билан ёшу қари, аёлу эркак бараварига унга қарашди. Шу пайтгача фала-ғовур бўлиб ётган автобус ичи бир зум сув қуйгандай жимжит бўлиб қолди. Моҳирўй одамларга бирма-бир қараб чиқди. Унга қадалган ҳар бир нигоҳ тешиб юборай дер эди. Аёллар ичida ҳавас билан ҳасад қоришган бўлса, эркакларнинг оғизларидан суви оқа бошлашганди. Бутунлай ноқулай аҳволга тушиб қолган қиз бошини эгди. Шундан кейингина автобус ичida шивир-шивир бошланди. "Ким экан? Каёққа бораётган экан? Намунча олифта?.. Ёшгина ҳолига шунақа кийинадими?.. Роса чиройли қиз экан. Кани хотининг шунақа кетворган бўлса..." каби гаплар Моҳирўйнинг баттар ҳаяжонини ошириб юборди. У тушиб кетмоқчи бўлди. Лекин кейин манзилига етолмай қолишини ўйлаб ниятидан қайтди.

Орадан ўн дақиқалар ўтганидан кейин юзи офтобда қорайған, пешонасими ажин босган, бўйнига оқ белбог ташлаб олган ҳайдовчи келди. У ҳам жойига ўтираётуб, автобус ичига бир қаради-ю, кўзи Мохирўйга тушиб, учтўрт сония ундан нигоҳини ололмай котиб қолди.

— Ҳайда анқаймай! — дея бақири бир мўйсафи.

Ҳайдовчи овоз келган томонга нафрат билан қараб кўйгач, автобусни ўт олдириб энди юргизаётган маҳали, боя Мохирўй кўрган тўртта йигитнинг учтаси югуриб келиб очик турган эшиқдан ўзларини ичкарига уришди.

— Қаерга борса, менам шу ерга бораман. Барибир ниятимга етаман, — деди йигитлардан бири шеригининг кулогига шивирлаб.

У кизнинг ёнгинасида турганлиги боис гапларини Мохирўй ҳам эшитиб қолди.

— Биринчи мен кўрдим. Аввал меники бўлади. Шунинг учун ўпкангни босиб тур, — деди унга жавобан ҳамроҳи ҳам шивирлаб.

“Эй худо, энди нима қиламан?! — дея ўйлади Мохирўй бошини кўттармасдан. — Қаерларга келиб қолдим?”

— Анави чинорнинг тагида бир бало қилиб тушириб қолдириш керак. У ерда битта братанимнинг уйидан бошқа уй йўқ. Ўша ерга олиб кирамиз, — деди йигитларнинг учинчиси.

— Чинорга етмасдан тушиб қолса-чи? — деди биринчи йигит.

— Унда бир амаллармиз. Лекин-чи, гапидан қайтган — эшак. Қиз ҳаммамизга бирдан ёқдими, демак, биронтамиз илинтиrolмаган тақдиримиздаям, бир мартадан бўлса-да қўлдан ўтказишими керак, — деди икки йигитнинг ўртасида тургани.

Автобус силтаниб-силтаниб юриб бораркан, аёлу қизлар бозор-ўчар тўғрисидаги сухбатга берилишган эса-да, кўз қири билан қўғирчоқдек қизга зимдан қараб қўйишар, кейин сухбатдошининг уст-бошини ўзлариники билан таққослашар, баъзилари ўзларининг баданидан анкиётган ачимсик тер хидидан бехабар, қўшнисига билдирмайгина бурун жиришарди. Айримлари эса ерга нигоҳини қадаб кетаётган қизни шунақсанги фийбат қилгиси келардики, Мохирўйнинг соҳибжамоллигигина уларнинг

тилларини тийиб туришга мажбур этарди. Эркаклар эса азбаройи атрофдаги таниш-билишлардан уялишганидан, нигоҳлари билан қизни очиқ-ошкора таъқиб қилишмаса-да, автобус ойнасидан ташқарини томоша қилиш баҳонасида, гүё құшниларига караётган киши бўлиб, тобора ёниб кетаётган кўзларини "сугориб" олишарди. Қизга бўлаётган нигоҳ ҳужумини автобусга зўрға илинган йигитлар ҳам сезишди. Район марказида турувчи бу йигитлардан энг каттасининг ёши эндигина йигирма иккidan ошган, қолган иккиси эса ундан бир ёшга кичик. Улар бирон жойда на ўқир ва на ишлар эдилар. Умрни кўчада ўтказишарди. Шунингдек, район марказида қишлоқдан келганлар билан бўладиган кўпгина жанжалларга ташкилотчилик қилишарди.

Улар автобусдагилардан қизни қизғанишар, лекин буни билдиримасликка ҳаракат қилишарди. Йўловчилар эса аллақачон бу учта бегона бола нима мақсадда кетишаётгандигини илғаб бўлишганди.

Улов ярим соатга яқин ой-куни яқинлашиб қолган жувондай ҳарсиллаб-пишиллаб юрганидан сўнг дастлабки бекатда тўхтади. Уч-тўрт хотин-халажга қўшилиб икки кексароқ киши тушиб қолди. Кейинги бекатда эса унданам кўпроқ одам қишлоғига етиб келди. Бу сафар манзилга етгандардан бири — йигирма ёшлар чамасидаги йигит Мохирўйга суйкалиб ўтди. Бош эгиб тураверганидан бўйни оғриб қолган қиз у томонга қаради. Шунда йигит кўз қисиб қўйди. Уни кузатиб турган анави уч йигитнинг бирданига қони қайнаб кетди. Бироқ улар лом-мим дейишолмади. Агар худди шундай ҳолат район марказида бўлганидами, кўзини қисган йигитча қайтиб уни очолмай, кўзига кўшимча бошқа жойлари ҳам кўкариши ҳеч гап эмасди.

Автобус беш-олти қишлоқдан ўтганидан кейин ҳаво совий бошлади. Энди ҳеч ким елпинмай қўйган, қизга қадалган нигоҳлар ҳам сийраклашган эди. Бунинг устига, автобусда уч йигиту Мохирўйдан бошқа тик турган йўловчи қолмаган эди. Мохирўй борадиган манзилидан ўтиб кетмаслик учун, ҳайдовчига яқинлашиб борди-да, ундан:

— Кўктоқقا ҳали кўп юрамизми? — дея сўради.

Қизнинг хусни-жамолини бошқа кўролмай, ҳаммадан кўра кўпроқ қийналиб келаётган ҳайдовчи ёқимли овозни эшитганидан бирдан қулоғи динг бўлди.

— Кечиравасиз, қаерга? — дея сўради у иложи борича юмшоқ гапиришга харакат қилиб.

— Кўктоққа.

— Ҳа у ёққами? — деди ҳайдовчи илжайиб. — Бор, ҳали яна тўртта қишлоқдан ўтишимиз керак. Лекин автобус у ёққача бормайди. Охирги қишлоқдан нарёғига пиёда кетишингизга тўғри келади.

Пиёда боришини ўйлаб Мохирўйнинг юраги орқага тортиб кетди.

Унинг орқасидан тушган уч йигит эса терисига сифмайдиган даражада хурсанд бўлди. Сабаби, улар мўлжал қилиб келишаётган чинор охирги қишлоқка етмасдан, йўл ёқасида эди. Худди шу ердан ўрмон бошланарди. Йигитларнинг акахонининг уйи чинор орқасида, атрофи қалин дараҳтлар билан ўралган жойда эди.

— Сиз тоққача бормайсизми? — дея сўради қиз ранги ўчиб.

— У ёққа автобусда бориш мумкин эмас. Лекин сиз хохласангиз, биронта улов топиб бераман, — деди ҳайдовчи қизга бир қараб олиб.

— Автобусдан тушганимдан кейин уёғига кўп юраманими?

— Унақа кўп эмас. Беш километрча келади-ёв. Ҳа, айтганча, кимникига келаяпсиз ўзи? Менимча, тоғда биринкита чўпон-чўлиқдан бошқа ҳеч ким яшамайди, — деди энди ҳайдовчи йўлдан кўзини узмай.

Мохирўй бунака савол бўлишини кутмаган эди. Шу боис, нима деярини билмай қолди. У бироз ўйланиб тургач, индамай аввалги жойига бориб турди. Ҳайдовчи билан Мохирўйнинг сухбатига қулогини динг қилиб турган йигитлар, қизнинг берилган саволга жавоб бермаганлигини эшлишиб, сал енгил тортишди. Улар: «Бу хурлиқо ҳайдовчига таниш бўлган биронта исмни айтиб юборади-ю, кейин ҳамма ишларимиз чиппакка чикади», деб ўйлашган эди.

Ҳайдовчи айтган тўртта қишлоқнинг учтасидан ўтилганида автобус ичида икки чолу битта жувон, Мохирўй

ва уч йигитдан бошқа ҳеч ким қолмади. Ҳайдовчи хиргойи қилишни бошлаб юборган, иккала чол ҳам аллақачон пинакка кетган, жувон ташқаридан кўзини узмасди. Йигитларнинг ичига эса курт кирган эди.

— Яна ярим чақириллар ўтилса, чинор келади. Секин шоғёр билан гаплашиб олайлик. Шу ерга тўхтасин-да, анавига: «Етиб келдик», деб айтсин. Кейин у билан қўшилишиб бизлар ҳам тушамиз, — деди ёши катта йигит ёнидагининг кулогига шивирлаб.

—Кўнмаса-чи? — деди унинг шериги.

— Тўрт-беш танга узатамиз. Кўнади. Бу одамни яхши биламан. Пул — жони. Бир-икки марта ёрдам бервортганман. Шундан бери: "Нима хизмат бўлса айтаверасан, ука", деб юради, — дея ёлғон гапириди биринчи йигит.

— Унда бирон мартаям гаплашмадинг-ку. Сендан: «Қаёққа бораяпсан?» деб сўрамадиям...

—Хали кўрганий ўйқ. Кўрсин, кейин гаплашамиз.

—Кўрсин деб ўтираверасанми? Олдига бор, — дея гапга қўшилди учинчи шерик.

Йигитларнинг шивир-шивири Мохирўйнинг юрагини баттар ўйнатиб юборди. У нажот истаб автобусдаги қолган одамларга каради. Иккита чол кўзини очай демасди. Бунинг устига, автостанциядаги чолдан дакки эшитганидан сўнг, у чоллардан кўрқиб қолганди. Ранги оппоқ ориққина жувоннинг қўлидан ҳеч нарса келмаслиги кундай аён эди. Узоги билан у томошабин бўлиши мумкин эди, холос. Шу боис, Мохирўй биргина ҳайдовчидан умид килди. "Агар манави йигитлар бирон нимани бошлаб қолишиса, ҳайдовчи барибир менинг ёнимни олади", дея ўйлади у. Бироқ ҳайдовчи автобусга минаётганидаёқ Мохирўйга еб қўйгудек тикилганини у кўрмаганди.

Мохирўйга тиржайиб қараб ўтган, шерикларидан савлатлироқ йигит ҳайдовчининг ёнига бориб:

—Ака, чинорда тўхтатиб юборасиз-да, — деди.

—Гап ўйқ, — деди унга бир қараб олган ҳайдовчи.

—Шу ер охирги астановка, анави қизгаям айтиб юборасиз-да. У ёғига биз ўзимиз кузатиб қўямиз, — деди йигит ҳайдовчидан кўзини олмай.

Ҳайдовчи бирдан хиргойи қилишдан тўхтади. Бир муддат йигитга жавоб қайтармай, пешонасини тириштирганча ўйлга тикилиб турди-да:

— Бу қиз кимнигига келаётганлигини биласизларми ўзи? — деда сўради йигитга газаб билан қараб олар экан.

— Уёғи билан нима ишимиз бор? Сиз тўхтатиб, мен айтган илтимосни қилиб берсангиз бўлди. Хурсанд қиламан, — деди йигит.

— Мениям ўзларингга қўшиб қассобнинг болтаси тагида қолдирмоқчимисизлар? — деди ҳайдовчи овозини бир парда кўтариб.

Уларнинг мунонзарасини аниқ-тиниқ эшитиб келаётган Моҳирўй ҳайдовчининг гапини эшитиб хурсанд бўлиб кетди.

Йигит шартта чўнтағидан иккита қип-қизил ўн сўмлик чиқариб ҳайдовчининг ёнига ташлади.

— Овора бўлма, — деди ҳайдовчи йўлдан кўзини узмай.

Унинг гапидан кейин йигит яна чўнтағини кавлади.

Бир йўла кирқ сўмни кўрган ҳайдовчи ўйланиб қолди. "Нима қиласман қаҳрамонлик қилиб? Йўқ жойдан шунча пул ўз оёғи билан келиб турибди. Бир марта майшат қиласман, деб учта барзангидай бола билан олишиб юраманми? Эшитганлар нима дейди? "Фалончи шопир одам-масакан, битта қизни деб ёш болалар билан ёқа йиртишибди, шу ёшга кирибам қуйилмаганакан-да", деса, шарманда бўлласман-ку. Ундан кўра, пулни оламан-да, уларни чинорнинг тагига ташлаб кетаман... Болалар жа ўлдириб қўйишмас. Бунинг устига, қизнинг ўзидаям беш-олти камчи борга ўхшайди. Бўлмаса шундай кийиниб юармиди? Устига-устак, ўзи билмайдиган жойларга ёлгиз келиб юрибди", деда хаёлидан ўтказди у. Сўнг йигитга қараб кўз қисиб қўйди.

Автобус чинор тагига бориб тўхтади. Моҳирўй эшик ёнидан узоклашмоқчи бўлиб энди ўртарокка юраётганда, йигитлардан бири унинг билагидан ушлаб қолди.

— Тинчликми? — деди қиз қўрқиб кетганидан.

— Етиб келдик. Шу ерда сиз ҳам тушасиз, — деди йигит иржайиб.

— Йў-ў-қ, мен ҳали тушмайман! — деди Моҳирўй қалтираб.

— Тушмасангиз бўлмайди, — деди иккинчи йигит ҳам унинг кўлидан ушлаб ва эшик томонга тортқилади.

Мохирўй бакириб юборди. Илтижо билан ҳайдовчи томонга қаради. Лекин ҳайдовчи гўё унинг чинқиригини эшиитмагандай рулнинг остини отвёрткада чукалаш билан овора эди. Автобуснинг орка ўриндиқларидан биридан ўтирган жувон бўлаётган воқеани кўзини лўқ қилиб кузатарди. Чоллардан бири Мохирўйнинг чинқиригини эшитиб уйғонди-ю, бироқ индамай ўтираверди. Иккинчисининг қулоғи том битгандай, ҳатто қимирлаб хам кўймади.

— Кўйворинглар, илтимос! — деда йиғлаб-ёлворарди Мохирўй.

\* \* \*

Кимдир устида қамчисини ўйнатиб турмаса бўлмайдиган маҳбуслар Босснинг ўлимидан кейин анчагина бесаранжом бўлиб қолишган эди. Ҳали анча ёш, бунинг устига, малакасиз Фаррухга эса бирданига бўйсунишмади. Тўғрироғи, кичкинагина бир гўдакнинг хизматини қилиш уларга малол келди. Бундай ҳолга Мироб ортиқча чида буролмади. Бурғутни ёнига чақириб:

— Токайгача шунақа қилиб юрасан? — деди жаҳл билан. — Бу ахволда шу пайтгача курилган иморатга дарз кетади. Бундан авваламбор шу иморатни қуриб кетганларнинг рухи чирқирайди.

— Нимадан бошлишни билмай гарангман, — деди унга жавобан Фаррух.

Мироб бир зум Бургутга термулиб турди. "У ҳак, — деда ўйлади, — бунинг ёшида бўлганимда мен ҳам боши берк кўчага кириб қолган бўлардим. Ҳозир унга ёрдам керак. Агар кўмак бермасам, Босснинг рухи чирқирайди".

— Анавилардан бошлайсан, — деди Мироб паст овозда тўрт киши бўлишиб қимор ўйнаётган маҳбусларни кўрсатиб.

Бургут "хўп", дегандек бошини қимирлатди ва ўрнидан туриб қиморбозларнинг ёнига борди. Бу пайтда улардан бири қолганларини мазах қилганча ютуқни йигиб олаётган эди.

— Жойида турсин! — деди Бургут овозини баландлатиб.

Фаррухнинг овозини эшитиши билан тўртта маҳбус бирдан унга қарашди.

— Пулни эгаларига қайтиб бер, — деди буюрди Бургут ютуқ эгасига.

— Нима?! — деди ўрнидан турди ғолиб.

— Эшитганингни бажар! — деди Бургут таҳдидли овозда.

— Сен ким бўпсан?! — деди ғолиб маҳбус иягини кўтариб. — Суянчиқ аканг Босс энасини эмгани кетди. Энди нимангга кариллайсан?!

Яқингинада Босснинг оёғини ялашга тайёр бўлиб турган бу маҳбуснинг устозига нисбатан айтган хақорати Бургутнинг конини жўштириб юборди. Йигит бор кучини билагига тўплаб, фўддайиб турган маҳбуснинг жагига чунонам туширдики, у уч-тўрт қадам орқасига учиб бориб йиқилдио, бирдан оғзидан қора қон окиб чиқди. Ҳушидан кетишига озгина қолиб, полда ағнаб ётган маҳбуснинг қорнига Бургут яна уч-тўрт марта тепди.

— Яна ким бор Босснинг номини ёмонотлик қилмоқчи бўлган?! — деди бўкирди у атрофдагиларга қараб. Бирор миқ этмади. — Босснинг улуғ номи ерда қолгани йўқ. Ҳақорат қилиш у ёқда турсин, у билан боғлиқ бирон нима айтилганда ҳам оғизларингга қаранглар. Кейин бугундан бошлаб қамоқхонада уч кун мотам куни деб зълон қилинади. Шу вақт мобайнода биронта маҳбус радио-пadio эшитмайди, хоҳолаб кулмайди.

Бургут шу гапларни айтиб бўлганидан кейин Мироб унинг ёнига келди-да, қўлини елкасига кўйди ва маҳбусларга қаратади:

— Бургут хақ! — деди баланд овозда. — Бунинг айтган гапларини Боссники деб қабул қилиш лозим. Чунки Босс ўзининг ўрнига Бургутни колдирганини мен сизларга айтганман. Менинг кимлигимни ўзларинг яхши биласанлар. Агар кимда-ким бундан бўён Бургут чизган чизикдан чиқса, айнан Фаррух қандай жазони лозим деб топса, ўшанга муносиб кўрилади.

Ҳамма Миробнинг гапини жим туриб эшитди. Кўпчилик бошини эгиб турди. Айнан шулар кўнглида саркашлиқ Босс ўлгани ҳақидаги маълумот етиб келганидаёқ пайдо бўлганди. Улар битта одамдан — Миробдан кўркишарди, холос. Ундан кўркишдими, демак, Бургутга бош эгишлари шарт эди.

Камерадаги ўн беш киши Бургутнинг тўла итоатига ўтганидан кейин хужум бошқа камераларга ҳам кўчди. Уларнинг-да бир-иккитаси аввал бўйсунмайман қабилида ўзини у ёқдан-бу ёққа ташлаб кўрди. Бироқ бирининг бурни, иккincinnинг жағи синганидан кейин мулойимгина бўлиб, Бургутнинг ҳар қандай буйругини бажарадиган бўлиб қолишиди. Бу пайтда қамоқхонага янги бошлиқ тайнинланди. У Бургут тахмин қилганидай, ишни лидерлар билан тил топишишдан бошлади. Афтидан, соқчилар Боссдан кейин ким "зек"ларни бошқараётганлиги ҳақида янги бошлиққа хабар беришган, шекилли, у келган кунидан икки кун ўтиб, Бургут билан Миробни ёнига чақирди.

—Менинг исмим Файбулла, — деди у иккита "авторитет" билан ҳам кўл бериб кўришар экан, — фамилиям эса Эломонов, кўриб турганларингдай, подполковникман. Яқинда олдим бу званияни. Ҳали болалар билан ювишгаям улгурмасимиздан бу ёққа юборишиди. Хўш-шаш, — деди янги раҳбар пешонасини тиришириб, — сизларга яна нима десам, ха, иккалангиз ҳақингизда озми-кўпми маълумотга эгаман. Буни, менимча, яшириб ўтиришдан фойда йўқ. Кейин яқинда қазо қилган Босс ҳам менга бегона эмасди. Уни илгаридан билардим. Энди ўтиринглар, — деда Файбулла Эломонов иккала маҳбусни ҳам столга таклиф қилди. Сўнг соқчига уларнинг кўлларини кишандан бўшатишни ҳамда чой олиб келишни буюрди.

Суҳбат анча чўзилди. Қамоқхона бошлиги кўпроқ Бургут билан Миробнинг оиласи билан қизиқди. Лекин ўзига керакли бўлган маълумотларни ололмади. Шундан кейин янга бир карра амин бўлдики, бу икки маҳбус билан битим тузмасдан ишлаш мумкин эмас экан.

— Мен, — деди у қутидан навбатдаги сигаретани олиб лабига қистирав экан, — муддатларинг тугагунча тинч яшаш тарафдориман.

— Ундан кейин-чи? — деда сўради Мироб мийигида кулиб.

— Ундан кейин уйларингга кетасизлар. У ёқда қандай яшаш ихтиёрларинг, — деди қамоқхона бошлиғи тутуни ичига ютиб.

— Менга ҳали ўн беш йил бор. Бу ердан чиқиб кетишига умрим етадими-йўқми, худо билади. Умуман, менинг уйим шу ернинг ўзи. Об-ҳаво канака бўлса, шунга караб яшайвераман. Лекин Фаррух ҳали ҳеч нарса кўрмаган. Қолаверса, тасодиф, тўғрироғи, бир-иккита маразнинг дастидан қамалиб қолган. Сиз тинчликни истар экансиз, менинг тилимни қисқа қилиб қўйинг. Яъни, иложини топиб Фаррухни турмадан чиқариб юборинг. Ундан кейин сиз ҳам тинч, биз ҳам, — деди Мироб Ғайбулла Эломоновнинг кўзига тик қараб.

— Биласизми, сиз нимани мендан талаб қилаяпсиз? — деди кўзи чақчайиб кетган қамоқхона бошлиғи.

— Мен гўдак эмасман, — деди Мироб кескин гапириб.

— Бу деярли иложи йўқ нарса.

— Ҳар қалай деярлиси бор экан-ку. Мутлақо эмас-ку.

— Ваъда бермайман, — деди Ғайбулла Эломонов.

— Яхши, — деди Бургут ҳам гапга аралашиб, — биз индамайгина сизнинг фикрингизни кутамиз.

— Шундай килайлик, — дея жилмайди қамоқхона бошлиғи ва ўрнидан турди.

Бу унинг сухбатимиз тугади дегани эди.

Махбусларнинг кўллари қайтадан кишанланди. Кейин улар олиб чиқиб кетилди.

"Қанча қамоқхоналарда ишладим. Ҳамма жойда "зек-лар билан келишилган ҳолда ишланади. Агар улар билан қандайдир келишмовчилик бўлса, ўша ерда албатта тинчлик бўлмайди. Эдуард Анисимович бунга мисол. Шунинг учун албатта булар билан тиллашиш лозим. Лекин қўйилаётган талаб ҳам осонмас-да. Нима қилиш керак?" дея ўйлаган Ғайбулла Эломонов столга ўтириб бошини кафтлари орасига олди.

Мироб қамоқхона бошлигини қандай қилиб кўндиришни билар эди. Шу боисдан ҳам камерага кирганларидан кейин Бургутнинг кўлини ушлаб сикди-да:

— Табриклайман, — деди.

— Нима билан? — деди Бургут ҳайрон бўлиб.

— Озодлик билан-да, ука, озодлик билан.

— Ҳали чиққаним йўқ-ку.

— Оз қолди.

— Балки тушунтириброк айтарсиз, — деди Бургут жиддий тусда.

— Юр, ўтирайлик, — деб Мироб Фаррухни ўзининг каравоти томон етаклади. Улар ёнма-ён ўтиришгач, Мироб болишига қаради. Кейин унинг устини силади-да: — Сениям соғинтириб қўйдим, — деди чукур нафас олиб.

— Нималар деяпсиз? — деди Бургут Миробнинг гапига ҳайрон бўлиб. — Ёстиғингиз билан гаплашяпсизми?

— Менинг ёстиғимнинг файзи бўлакча. Ишлар билан овора бўлиб уни анча соғинтириб қўйдим... Гап бундай. Ҳар ҳафтанинг пайшанба кунлари турмага нон олиб келишади. Нон олиб келадиган одам гражданкада ишлайди.

— Хўш, — деди Бургут Миробнинг кўзига тикилиб.

— Машина кузовининг орқа томонида ҳақиқатанам нон бўлади. У ёғида эса бешта қиз яшириниб кириб келади турмага, — деди Мироб кўзи ёниб.

— Бу ерга келиб нима қилишади? — деди буткул таажжубланган Бургут.

— Кизлар эркакларнинг орасига келиб нима қилишини билмайсанми? — деди Мироб илжайиб.

— Очиқда юрган эркаклар куриб кетибдими?

— Улар бу ердагилардай пул бермайди-да. Баччагар шоғёр битта қизни ўн беш сўмданми, йигирма сўмданми гаплашиб олиб келади-да, "зек"ларга камида элликдан пуллайди. Қамоқдагиларнинг кўзи қонга тўлиб турмаганми, талашиб-тортишиб ўтирмайди. Энг ёмон томони, шу қизлар билан бирга келган нонни биз еймиз, — деди Мироб афти бужмайиб.

— Мошина кираётганида текширилмайдими? Бу ерга куш ҳам учиб киролмайди, деб мақтанишади-ку.

— Давоси пул-да. Ақчанг бўлса, поезд олиб кирсанг ҳам бўлаверади.

— Тушундим, — деди Бургут. — Хўш, ўша ҳамма жойни ҳаром қилаётган шоғёрни нима қиласиз? Тўғридан тўғри ўлдириб юбораверамизми?

— Шунака қизларни олиб келиб, ҳамма ёқнинг ҳаромини чиқараётгани учунгина ўлдириш инсофданмас. Тўғри, ҳар сафар улар келиб-кетишганидан кейин бешолтита маҳбус касалликка чалинади. Лекин бунинг учун

умр билан жавоб бериш қаттық жазо бўлади, — деди Мироб ўйланиб. — Бир пайтлар Босс қиз олиб келишини бутунлай тақиқлаб кўйганди. Шундан кейин бесоқолбозлик авжланиб кетди. Чунки айримлар йигирма, ундан кўпга камалган. Аёлсиз чидаши мушкул. Яна шофёр — амалдорнинг одами. Уни ўлдириш янги уруш оловини ёқиб юборади.

— Унда нима қилишимиз керак? — деди Бургут амалдорнинг номини эшитганидан жаҳли чиқиб.

— Яхшилаб тепкиланади. Албатта, соқчилар томонидан. Шунда биз четда қолиб кетамиз. Қамоқхонанинг бошлиғи зийрак одамга ўхшайди. Кимлар бу ишни қилганини дарров илғаб олади.

— Қачон бошлаймиз? — деди Бургут бир нуктага тикилиб.

— Бундай ишни орқага ташлаб бўларканми? Бугун пешиндан кейин соат учларга яқин машина келади. Кимларнинг зиммасига бунақа ишларни юклаш кераклигини мен сенга кейинроқ айтаман.

Фаррухнинг ўзи ҳам талай муддат кимлар бунақа ишларни эплаши мумкинлиги ҳақида ўйлади. Чаққон маҳбусларнинг имкониятларини чамалаб кўрди. Ўзича биринкитасини мўлжаллади ҳам. Аммо икки соатлар чамаси ухлаб, кейин уйғонган Миробга бу ҳақда айтганида, у бироз ўйланиб турганидан сўнг, мутлақо бошқа исмларни тилга олди. Фаррух у билан тортишиб ўтирмади. "Мен барибир об-ҳавони бунчалик билмайман. Мироб мен танлаган одамларни истамадими, демак, бир гапи бўлса кепрак", дея ўйлади.

Ҳайдовчи омборхона ёнида қўлга тушди. "Кутилмаганда" нон тушираётгандарнинг ёнига иккита бегона соқчи келиб колди. Улар ҳар хил баҳоналар билан машинанинг атрофида узоқ туришди ва кузовнинг олди томонидаги бешта қизни топишди. Аввал ҳазил-хузул қилишди. Кейин эса ҳайдовчини дўппослай кетишиди.

— Агар, — деди улардан бири тепки еяверганидан ичаклари аралаш-куралаш бўлиб кетган, жигари эзилган ҳайдовчига, — яна бир маротаба шунақа қизларни олиб келсанг, қизларнинг ўрнига сенинг ўзингни «зек»ларнинг орасига қўйиб юборамиз. Биринчи сафар бир-ик-

кита одамларнинг ҳақки-хурмати бундай ишдан ўзимизни тийдик. Йўқса, бундай қилмишинг учун сениям тўртта деворнинг орасига тикиб юбориш керак эди.

Шундан кейин хайдовчи, гарчи нафас олишга қийналаётган эса-да, сокчиларга қайта-қайта раҳмат айтиб, машинасини елдирганча қамоқхонадан чиқиб кетди.

Эртасига у нон олиб келмади. Ўрнига бошқа одам келди. Унинг айтишича, аввалги хайдовчи касалхонага тушиб қолибди.

Файбулла Эломоновнинг қулоғига бўлиб ўтган воқеа етиб бориши билан у буюртма ким томонидан бўлганинги ўзича тахмин қилди. Шу боис сокчиларга қарши ҳеч қандай чора қўлламади. Лекин вақти келиб жазолашни кўнглига туғиб қўйди. Сўнг ёнига Миробни чакирди.

Аввалига саволларга Мироб "йўқ", "билмайман", "сиздан эшишиб турибман" қабилида жавоб бериб турди. Гап Бургутни қамоқхонадан озод қилишга бориб тақалганидан кейин:

— Агар шундай қилсангиз, бошингиз ғалвадан қутулади. Саккиз соат ишга келасиз-кетасиз. Ҳамма нарса жойжойида бўлади, — деди.

— Унда гап бундай. Менга баъзи одамлар телефонда сиз айтган ўша йигитчани, қолаверса, ўзингизни бир ёкли қилишим тўғрисида турли хилдаги илтимослар қилишди. Ҳатто икки марта дўқ-пўписаем бўлди. Лекин мен бирорвнинг айтгани билан иш қиласиган одаммасман. Очигини айтишим керак, сизларни йўқ қилганим билан ўрниларингга бошқалар келади. Кейин яна ўша эски тос, эски ҳаммом, — деди ўрнидан туриб у ёқдан-бу ёқка юриб турган қамоқхона бошлиғи. — Ташқаридан Фаррухнинг ўрнига ўтирадиган бошқа бир одам топинг. Айбни бўйнига олсин. Фаррух англашилмовчилик орқасидан қамалиб қолган десин. Шундан кейин ими-жимида Фаррухни озод қилиб юборамиз. Ҳатто у бекордан-бекорга ўтиргани учун компенсация ҳам олади... Эвазига ўша сиз айтган тинчлик бўлиши керак ва қандай жиддий иш бўладиган бўлса, мен бехабар қолиб кетмаслигим лозим. Бу ёғи тушунарлидир.

— Ҳа-а, — деди Мироб бошини қимирлатиб, — талаб-

га яраша талаб бўлайти. Факат битта нарса. Мен ҳеч қачон сотқинлик қилмайман.

— Кимга? Менгами ёки...

— Дўстларга.

— Ҳар қалай, энди сиз билан биз бегона бўлмасак керак. Тўгри тушундимми сизни? — дея Файбула Эломонов кўлини Миробга чўзди.

Мироб камерага келганидан кейин Бургутни ёнига ча-кириб, бўлиб ўтган гап-сўзларни унга гапириб бермоқчи бўлганида, иккита маҳбуснинг кўз қараши унинг эътиборини тортди. Шартта каравотига ўзини ташлади-ю, кўзини яrim юмиб, зимдан ўшаларни кузата бошлади.

Унинг сезгиси бу сафар ҳам алдамаган эди. Кузатилаётган маҳбуслар бир-бирига аллақандай имо-ишоралар қила бошлишади. Мироб уларнинг нима қилмоқчи бўлишаётганлигини билмаса-да, кўнгли қандайдир нохушликни сезди. Шу пайт Миробнинг ёнига Бургут келиб қамоқхона бошлиғи нима деганлигини сўради. Аммо Миробдан садо чиқмади. Шундан сўнг Фаррух уни ухлаган тахмин қилиб нари кетди. Унинг келиб кетиши Миробга янада кўл келди. Чунки шубҳали маҳбуслар ҳам уни уйқу олиб кетган деган ўйга боришиб, ҳали Бургутга номаълум бўлган иборани аралаштиришиб сўзлашар эди. Мироб уларнинг нима деяётганлигини тушуниб ётарди.

— Овқат гармдори билан ейилса ширин бўлади, — деди улардан бири.

Бу гапни эшитиши билан Миробнинг эсхонаси чиқиб кетди. "Иблислар, — дея хаёлидан ўтказди у, — сенлар ҳали кимни заҳарламоқчи бўлайпсанлар?"

Амалдор қамоқхонага бошқа одам тайинланганини эшитиши билан тутакиб кетди. Ўрнидан сақраб турганча оғзи-га келган гапни қайтармай сўкина бошлади. Кимни, нега сўкаётганлигини унинг ўзи ҳам билмас, тобора овози баланддаб кетаётган эди.

— Турғун Фаниевич, — деди котиба қиз эшикдан бошини кўрсатиб.

Амалдор бирдан ўзини тутди, ҳатто ўзини мажбурлаб кулишга ҳам куч топди. Лекин бу шундай кулиш эдики,

кўрган одамнинг эти жунжикарди. Амалдорнинг бор ғазаби кўзида ёниб чиқаётгандай эди. Шу боис котиба қизнинг кўзи пирпираб кетди.

— Сиз, — деди котиба нега келганлигини ҳам бир дам унутиб, — ҳалиги... хўжайнинг олдига киармишсиз.

— Хўп бўлади, — деди амалдор ва бир-бир қадам бошиб котибага яқинлашаётганида у ортига бурилди-ю, эшикни ҳам ёпмасдан Тургун Фаниевичнинг хонасидан узоклашди.

Амалдор биринчининг олдида узоқ вақт қолиб кетмади. Боши оғриётганлигини баҳона қилиб топширикларни эшитмасидан бурун рад этди. Кейин уйига кетди. Уйда эса хотиниям, ўғлиям йўқ эди. У ухламоқчи бўлиб ўринга чўзилди. Бироқ уйкуси келмади. Хаёлини бўлаётган воеалар эгаллаб олаверди. "Ҳали ҳаммаси йўқотилгани йўқ, — дея ўйлади у, — битта кичкинагина даромадли жой кўлдан кетди. Умуман, унақа бошогриқ жойнинг кераги ҳам йўқ эди. Лекин ўзаги бор жой эди-да. Ўзимга ёқмаганларни шу ерга тикиб йўқ қиласр эдим. Энди тикқаним билан ҳеч нарса ўзгармайди. Қамалган одам бир кун келиб барибир чиқиб келади. Чикқандаям ваҳшийлашиб, менга тишини қайраб келади. Янгини қандай қилиб қўлга олса бўлар экан? Ҳа-а-а, топдим. Эски усулни қўллайман. Карабсанки, қўлимга қандай қилиб келиб қўнганини ўзи сезмай қолади..." Амалдор ўйини охиригача етказолмай қолди. Хизматчи аёллардан бири Бахтиёр келганлигини айтиб кетди. Амалдор эринибгина ўрнидан турди-да, ташқарига чиқди. Бахтиёр чорпояда оёғини осилтириб ўтиради.

— Тинчликми? — деди амалдор кўйлагининг тугмаларини қадаркан.

— Хўжайн, сизни соғиндим. Бир чақчақлашиб ўтирайин, деб келдим, — деди Бахтиёр илжайган кўйи.

— Кўргани келдим, дейсанми? Яна чақчақлашиб ҳам ўтиришни хоҳлайсан-а! Дарвоқе, чақчақлашиш деган нарса ҳам дунёда борлигини эсимдан чиқариб юборган эканман. Ҳақиқатан зўр чақчақлашиш. Отиниям қара, "чақчақ". Ўйиб ол, бураб ол, демаган. Илондай чаққин деган. Демак, сен мени яхшилаб чақиб, заҳарлаб кетаркансан-да, — деди амалдор йўқ жойдан "хикмат" ясаганидан хурсанд бўлиб.

— Йўғ-э, устоз, — деди бирдан ранги ўзгарган Бахтиёр.

— Кўрдингми, — деди Турғун Фаниевич, — асалдан ҳам захар ясаш мумкин. Бунинг учун озгинагина ошқовқ каллани ишлатсанг бўлгани. Майли, хунобим ошиб турувди. Бир ёзилишиб ўтирайлик, зора падарига лаънат мия дам олса, — дея амалдор шогирди билан кўришиб чорпояга чиқди-да, чордона қуриб ўтириди ҳамда хизматчи аёлни чакириб, дастурхонга ул-бул, энг аввало эса чанқоқбосдига икки шиша пивони олиб келишни алоҳида тайинлади.

— Сен билан менга дам олиш ярашмас экан, — деди амалдор бир кўтаришдаёқ пиво шишасини бўшатганидан кейин. — Қара, дам оламан, яйрайман, деб ўйлайман-у, лекин тилим, "ишларинг қандай, Моҳирўйдан дарак борми, турма масаласини қандай қиласиз, анави итвачча шофёрнинг таъзирини бердингми, йўқми?" деб сўрашга ҳозирлик кўраяпти.

— Агар сўрамаган такдирингиздаям ҳаммасини бирмабир айтиб берган бўлардим. Лекин сизнинг хаёлингизни сал бошқа ёқقا чалғитиб, дам олдирмоқчи эдим...

— Кейинги гапинг нотўғри. Сен бу ерга мен билан эзилишиб ўтиргани келганинг йўқ. Дам оламиз деб шунчаки йўлига айтдинг. Асл мақсадинг бошқа. Бўпти, гапир. Мен сендан сўраб ўтирмайман. Ўзинг билиб гапиравер.

— Файбулла Эломоновнинг биттаю битта акаси бор экан...

— Қайси Файбулла Эломонов? — дея Бахтиёрнинг гапини бўлиб сўради амалдор пешонасини тириштирганча.

— Турмага янги бошлиқ бўлиб келган одам.

— Ҳа-а, оти Файбуллами? Эсимдан чиқарган эканман. Хўш, кейин-чи, акаси бор экан, опа-сингиллари, отонаси-чи? — деди амалдор.

— Ота-онаси беш-олти йил олдин ўлиб кетган. Опасингил бўлмаган, укаям... Асосийси — акаси укасининг орқасидан "иш" қилиб юради. Битта-иккитани қамоқдан олиб қолади. Судга аралашиди. Хуллас, пулни яхши кўради. Ундан bemalol фойдаланиш мумкин. У қўлга тушганидан кейин ўз-ўзидан Файбулла Эломонов ҳам кафтилизга келиб кўнади.

— Яхши ўйлабсан. Мен ҳали бирон қарорга келганим йўқ эди. Бу ишни битириш учун узоги билан бир ой муҳлат. Етадими? — дея амалдор дастурхондаги узумдан бир дона олиб оғзига солди.

— Етади.

Амалдор кўкка боқканча ўйланиб қолди.

— Демак, ўшангача Россия билан алоқа қилмай турасан. Дорини ғамлаб тур. Эломоновни кўлга олгандан бир группа аристонга қўшиб, кўпроқ мол юборасан.

— Хўп бўлади.

— Энди иккинчи масала...

— Тушундим. Мохирой масаласига келсак. Кўриқчиликка кўйган йигитларимиздан бирон иш чиқмаяпти. Лекин қидирувни кучайтирганмиз. Албатта, топмасдан кўймаймиз. Шофёр эса... Сиз нима десангиз, шуни қилалимиз.

— Мени майда-чуйдага араташтирмаларинг, — деди қовогини уйиб Турғун Фаниевич. — "Иш" тўхтаб қолганига икки ойдан ошиб қолди. Россияликлар тинимсиз телефон қилишайпти. Қачон мол етказиб бериш изига тушади, шундан гапир.

— Хўжайнин, факат турмага суюниб қолсак ҳам бўлмаскан. Бошқа запас ийл ҳам топиб қўяйлик.

— У ёғи билан ишинг бўлмасин. Клиентларни йўқотиб кўймасдан бурун, бир ҳафта ичидан молни жўнат.

— Хўп, хўп бўлади, хўжайнин, — деди Бахтиёр.

— Энди овқатдан ол, — дея Турғун Фаниевич хизматчи аёл дастурхон устига қўйиб кетган лагандаги ҳил-хил пишган гўштга қўлини чўзди.

— Балки овқатдан олдин юз-юз қилиб олармиз, — илжайди Бахтиёр.

— Куй.

Бахтиёрнинг боши қаттиқ қотган эди. Чунки қамоқхона бошлигини кўлга олмасдан туриб қорадорини Россияга жўнатиб бўлмасди. Амалдор эса масаланинг бу томонини ўйламай буйруқ бериб юборди. У буйруқ бердими, бажарилиши шарт.

— Хўжайнин, — деди Бахтиёр ёғ бўлган лабини сочиққа артар экан, — янгаям қизингизни қидиришга астойдил бел боғлаганга ўхшайди.

Амалдор унга бир ўқрайиб қараб кўйди-да:

— Қаёқдан билдинг? — деда сўради паст овозда.

— Кеча "Анхор"даги дискотекага бир йигит бориби.

У ўйнаётганлар ёнига бориб қизингизнинг суратини кўрса-тибида, кўрган-кўрмаганлигини сўрабди. Буни дарров пайқаган йигитлар уни ташқариға олиб чиқишиб, аввал обдан "сийлашибди", кейин бу расм қандай қилиб унинг кўлига тушиб қолганлигини сўрашибди. Бечора оғзидан қони оқиб янганинг исмини айтиби. Йигитлардан бит-таси янганинг исмини биларкан. "Шуни эртароқ айтсанг ўлармидинг?" — дедишибида, кўйиб юборишибди.

Амалдор оғзидаги луқмасини чайнамасдан Бахтиёрнинг кўзига тикилиб қолди.

— Бечорага кийин бўп кетди, — деди сўнг чукур на-фас олиб, — қизини қатгиқ соғинган.

Бироқ унинг хаёлида бошқа ўй хукмрон эди. "Йўқолса йўқолибида, шуни деб бошимизни қотирамизми? Ўзи охирги пайтларда етимчани деб бошимиз ташвишдан чик-май қолди", деган эди. Энди нега Моҳирўй керак бўлиб қолиби? Бунинг тагида не синоат бор? Ҳақиқатан ҳам ўгай қизига ачиндими ёки таниш-билиш олдида "Қизим йўқолиб қолди", деган гапдан номус қиласптими?.. Та-ажжуб..."

— Энди мен борай, — деди Бахтиёр Турғун Фаниевич-нинг ўйланиб қолганлигини кўриб. — Буюрган ишлатингизни эртароқ бажаришим керак.

Амалдор унинг кетишига монелик қилмади. Қўлини сочиққа артди-да, меҳмондан бурун ўзи турди. Улар ёнма-ён юришиб дарвозахонага яқинлашганларида кўчада қан-дайдир машина тўхтаб, эшиги очилганлигининг овози эшитилди. "Хойнахой, уйнинг азроили келган бўлса ке-рак", деда ўйлади амалдор. У Зулайҳоға уйланганидан кей-ин орадан икки йил ўтиб, хотинини шундай янги ном билан "сийлаган" эди. Ўша кезлари уйда амалдорнинг овози эшитилмасди ҳам. Қайнатаси, қайноаси ва ниҳо-ят хотинининг жағи тинмасди. Турғун Фаниевич жим эшитарди. Эшитишдан қулоғи толиқиб кетсаям, тишини тишига босар эди.

Унинг сезгиси алдамаган экан. Кичкинагина сумкача-

сини күттарганча дарвозанинг кичик табақасини очиб Зулайхो кириб келди. У Бахтиёрни кўриб илжайди.

— Вой, нега кетаяпсиз? — деди у Бахтиёрнинг саломига алик ҳам олмасдан.

— Кўп ўтиридим. Энди борай, — деди Бахтиёр илжайди.

Аёл Бахтиёрни нигоҳи билан кузатиб қолар экан, "Бунданам унумли фойдаланса бўларкан", дея хаёлидан ўтказди.

У уйига кириб, эри қайтиб келгунicha кийимларини алмаштириб ташқарига чиқди. Атайлабдан ёкаси ёпиқ кўйлагини кийди. Сабаби — жазмани уни бугун бўлакча "кийнаганди", у "иши"га шунчалик берилиб кетдики, Зулайхонинг кўкрагининг бир неча жойини ғажиб олишдан ўзини тиёлмади. Лекин аёл бундан ҳечам хафа бўлмади. Қайтанга завқ олди. Анчадан бери йигилиб қолган губорлари кўтарилиб кетгандай бўлди. Фақатгина уйга келиб кўйлагини алмаштираётганида тиш излари бирозгина оғриқ бергандай бўлди.

— Дадаси, — деди у эрининг ёнига икки қадамлар чамаси қолганида юришдан тўхтаб, — ҳалиям сиқилиб юрибсизми?

— Каёқдан билдинг сиқилганимни?

— Шундоккина рангингиз айтиб турибди. Кўйинг, унақа сиқилаверманг. Ҳали сиз менга, Достонжонга кўп кераксиз.

— Ҳали, — деди амалдор хотинига қараб мийигида кулар экан. — Куч-кувватингиз борида, демоқчисан-да. Ундан кейин "утил"га чиқариб ташласак ҳам бўлаверади, демоқчисан-да.

— Кўйсангиз-чи унақа гапларни. Сиздай интеллигент одамга шундай оҳангда гапириш ярашмайди. По моему, етимчанинг кетиб қолишида я не виновата, — дея Зулайхо эрининг бўйнидан қучмоқчи эди-ю, бироқ бир кадам юриб бирдан жойида тўхтади.

Ўзидан анқиётган конъяк ҳидини амалдор сезиб қолишидан ҳайиқди.

— Йўқ, сиз айбормассиз. Айбдор бошқа. Унинг кимлигини менинг ўзим ҳам билмайман.

— Унда бундай очилиб-сочилиб ўтиринг.

— Энди доим иржайиб-тиржайиб юраман, деб ўзимга-үзим вაъда бердим, — деди амалдор лаб-лунжини қийшайтирар экан.

Унинг бу қилиғи хотинига ёқмади. У бирдан қизариб-бўзарди-да, ортига бурилиб уйга кирди. "Ҳайф сендей турқи совукқа қилган мулозаматларим. Ундан кўра шундай меҳрибонликни итга қилсан шундан бир иссиқтиқ чиқар эди", деда хаёлидан ўтказди аёл ва кўзгу ёнига борди. Кўйлагининг ёқасини очиб "жабрланган" баданини томоша қилди. "Менга ёшгина эркак керак. Аслида шу турки совукқа бекорга теккан эканман. Ҳайронман, ёшлигимда унинг нимаси менга ёқкан? Аввал ҳам у сира менинг майлимни қондирган эмас. Ҳозир-ку, умид қиласаям бўлаверади. Яна кўнгли ўн етти яшарни тусаб қолганига ўрайинми... Менга нисбатан муомаласи кундан-кунга ёмонлашиб бораяптими, демак, бир гап борга ўхшайди. Мен-ку, иккита-учта жазман орттирсам ҳам уларни уйга етаклаб келмайман. Бунга эса ишонч йўқ. Ҳмм, Бахтиёрдан фойдаланишим зарур. Унинг нималарни режалаштирганини билиб оламан-да, кейин шунга яраша иш қиласан. Агар у менга қарши бирон нима қилаётган бўлса, керакли жойга эримнинг қилмишларини етказаб бераман. Айниқса, уйимизда хизматкорнинг дабдурустдан ўлиб қолганлиги, шубҳали тарзда унинг эрим томонидан кўмилиши кўпчиликда қизикиш уйготиши турган гап. У кетса ўзимга хон бўлиб қоламан", деда иккинчи бор бунақа ўйни хаёлидан ўтказди аёл ва бундан бирмунча олдин эрининг кирдикорларини ёзган қофозларини излашга тушди. Қаерга яширганини эслолмагач, стол тортмасидан қофоз-калом олиб, эри ҳақида билганларини қайтадан қофозга туширди. Айни жиноятларни кўринсин деб катта-катта ҳарфлар билан ёзи. Ёзид бўлгач, ҳеч нарса эсимдан чиқмадимикин, деган хаёлда лабига қаламни теккизганча ўйланиб турди. Бу пайтда амалдор уйдан чиқиб кетган, машинада универмаг томон елиб борар эди.

\* \* \*

Бахтиёр Турғун Фаниевичнинг кириб келганини кўриб таажжубланди.

— Ҳайрон бўляяпсанми? — деди амалдор илжайиб. —

Шунақа ҳайрон қолдирадиган ишларимам бор. Иккита йигитингни олиб, машинанг ёнига туш. Мен сени ўша ерда кутаман.

Турғун Ғаниевич қандай пайдо бўлган бўлса, яна худди шундай ортига бурилди-ю, кўздан йўколди. "Ухлаб қолиб туш кўрмадимми, ишқилиб?" — деган ўйда Бахтиёр бироз пешонасини қашлаб турди-да, сўнг йигитларидан иккитасини етаклаб машинаси ёнига борди.

— Машинангда лопатка борми? — дея сўради амалдор ундан.

— Лопатка? — деди Бахтиёр баттар ҳайрати ошиб.

— Биламан, йўқ, йигитларингга айт, олиб келишсин.

— Нима қиласиз лопаткани?

— Дачага борамиз, томорқамни биргаллашиб ағдарамиз, — деди амалдор қовоғини очмай.

Бахтиёрнинг имоси билан йигитларидан бири унвермаг ичига югуриб кириб кетди.

"Бу чолнинг мақсади нима ўзи? Яна қандай ўйинни бошлаб келди? Ерини ағдармаслигимиз аниқ. Лекин қаернидир ковлаймиз. Ҳеч қачон унинг кўммасини очмасмиз... Мабодо қабр ковлаш... Йўғ-э, ўлдими, жа унчаликка бормагандир? Бирорни ўлдириш керак бўлганида, албатта, менга айтар эди. Ёки янга билан келишмай қолиб, тасодифан... Ахир бу одам жаҳли чиқса ҳеч кимни аямайдиганлардан-ку", — деган ўй ўтди Бахтиёрнинг хаёлидан.

— Нега рангинг оқариб кетди? — дея сўради амалдор улар Бахтиёрнинг машинасига чиқаётгандарида.

— Ўзим, — деди Бахтиёр кўзини олиб қочиб, — озги на бошим айланди. Ҳайронман, давлениям ҳеч чиқмасди.

Амалдор унинг гапига кулиб кўя қолди. Кейин рулга ўтирган йигитга:

— Сиз, ука, орқага ўтинг, машинани ўзим ҳайдайман, — деди.

— Кўйсангиз-чи, хўжайин, — деди Бахтиёр. — Шунча ёш йигитлар туриб, энди сизга коптими машина ҳайдаш?

— Менда кўнгил йўқ, деб ўйлайсанми? Бизам ҳали ўзимизни гижинглаган той биламиз. Қолаверса, сенларга

машина ҳайдаш қанақа бўлишини бир кўрсатиб қўяйин,  
— деди амалдор.

“Тушунмадим. Нега бу рулга ўтириб олди? Агар, янгани ўлдириб юкхонасида олиб келганида, ўзининг машинасида кетар эдик. Демак, янга тирик. Хўш, унда ким учун қабр қазилади? Тўхта... тўхта, ҳали менинг куним охирлаб қолган бўлмасин тағин!” — дея ўйлаган Бахтиёрнинг кўзи бирдан олайиб кетди ва секин чўнтағига кўлини тиқиб, маҳбуслар томонидан маҳсус тайёргланган миттигина тўппончанинг совуқ дастасини ушлаб-ушлаб кўйди.

\* \* \*

— Еб қўймаймиз, пастга туш, гап бор! — деди йигитларнинг каттаси.

— Мен кетаман! Қўйинглар! — дея баттар бўзлади қиз.

Аммо бу сафар йигитлар унга гапириб ҳам ўтиришмади. Уч кишилашиб уни судраганча, ерга олиб тушишди. Хайдовчи йигитларнинг қилиғидан ғазабланиб ўрнидан турмоқчи бўлди, лекин бирданига уларга берган ваъдаси хаёлига тушиб, яна жойига қайтиб ўтириди.

Автобус жойидан жилганидан кейин:

— Мениям олиб кетингла-ар! — дея унинг ортидан илтижо билан кўлини чўзиб қолди Моҳирўй.

— Сизга у ёқда пишириб қўйибдими-и-и? — дея калақа қилди йигитлардан бири.

— Ойимқиз, — деди Моҳирўйнинг билагидан маҳкам ушлаган иккинчи йигит, — агар бизнинг айтганимизни қилсанг-қилдинг, бўлмаса ўлдиралиб-да, анави буталарнинг орқасида, — йигит ўн метрлар наридаги бутазорни кўли билан кўрсатди, — айкириб оқаётган сувга улоқтириб юборамиз. Ундан кейин ўлигингни итларам тополмайди.

Бу гапдан қиз баттар кўркиб кетиб, қалтирай бошлади.

— Совуқ қотиб кетганга ўхшайди, шу ернинг ўзидаёқ иситиб қўйсамми? — деди учинчи йигит.

— Ҳовлиқмасанг, кучоқлашга улгурасан. Аввал браттанинг уйига олиб борайлик, — деди аллақачон жўрабошиликни қўлга олган йигит.

— Лекин-чи, буни биринчи мен кўриб қолганман. Ўзим биринчи бўлиб мазасини кўраман, — деди иккинчи йигит.

— Ўлиб бораяпсанми икковингам! — деди жаҳл билан жўрабоши.

— Ўлиб бормаганимизда сарсон-саргардон бўлиб, шу ергача келармидик? — деди учинчи йигит иржайиб.

— Бўпти, кўчада тортишмайлик, братаннигига борганимиздан кейин чўп яширамиз, ким топса, қиз биринчи шуники бўлади, — деди жўрабоши йигит.

Улар келишиб олишганларидан сўнг, иккитаси Моҳирўйнинг икки томонидан етаклашди. Йигирма қадамча юрганларидан кейин қиз бирдан тўхтади.

— Нима бўлди? — деди биринчи йигит. — Бу ёғига судраб олиб кетайликми?

— Илтимос, анави буталар орқасига ўтиб келайн, зарур бўлиб қолди, — деди Моҳирўй.

— Карамай турамиз, шу ерга ўтириб олавер, — деди биринчи йигит. — Умуман, карасак нима қипти, барibir шуни кўрамиз-ку!

— Инсоф килинг, ака. Ҳар қалай, мусулмонмиз-ку. Сизларнинг кўз ўнгингизда ўтириш...

— Бўпти, — деди бояги йигит бироз юмшаб, — жуда-ям танг қилаётган бўлса, бор. Факат сенга икки минут вакт. Яна сувга тушиб, ўлиб кетмагин. Барибир биттамиз коровуллик қиламиш.

— Ака, ишонмасангиз, мана, сумкамни сизларга бериб кетаман, ўзингиз айтдингиз-ку, буталарнинг у ёғида тез оқадиган сув бор деб. Мениям жоним ўзимга ширин, — деди Моҳирўй йиғламсираб.

— Бўпти, — деди яна ўша йигит, — тез бориб қайт. Бўлмаса, болалар базўр чидаб келишашапти. Қўйиб берса, булар шу ернинг ўзида "иш"ни бошлаб юборишга тайёр. Сумкачангни ташлаб кет. Биз ичини титкилаб турамиз.

Қиз уларнинг бунчалик паст кетишини ўйламаган эди. Йигитларнинг очиқ-ошкора: "Сумкангни тинтиб кўрамиз", дейиши Моҳирўйнинг нафратини икки хисса ортириб юборди. У бутазор томонга аввал илдам қадамлар билан юрди. Кейин бунақа юришгаям қаноат ҳосил қilmай, югуришга тушди.

— Иштонини ҳўллаб қўйишига сал қолган экан-ку! — деда бақирди учинчи йигит қизнинг ортидан қараб турар экан.

Унинг гапига бошқалари ҳам хохолаб кулиб юборишиди. Моҳирўйнинг эса кўзидан ёш чиқиб кетди. "Ҳайвонлар! Одамнинг устидан ҳам шунақанги куладими? Ҳаммаларингнинг оналаринг бор-ку! Агар сингилларингнинг устидан шундай кулишганда қай кўйга тушган бўлардиларинг?!" дея лаблари титраб пичирлади.

У сув бўйига етиб боргач, унга тикилганча бир неча сония ўй суриси қолди. Сув ҳақиқатан ҳам шитоб билан оқмоқда эди. Агар унга тушилса, одамнинг соғ қолиши даргумон. Аммо сувдан ҳам ваҳшийроқ учта йигитнинг исканжасида топталгандан кўра, чўкиб ўлган афзалроқдай туюлди қизга. Дарвоке, у ёшлигидан сузишга қатнашган. Моҳир сузуви бўлмаса-да, хартугул сузишнинг эпини қиласди. "Балки, нариги томонга сузиб ўтиб кетарман. Агар ўтолмасам, у ёғи худога таваккал, ҳар қалай, бокиралигимча қоламан", дея ўйлади у ва ўзини шошиб оқаётган сувга отди. Оқим юзадан кўра остида кучлироқ экан. Уни бирдан сув қаърига тортиб кетди. Моҳирўй жон-жаҳди билан тепага чиқишга интилди. Ҳатто бунга эришди ҳам. Аммо кучли оқим ўз ўлжасини кўйиб юборгиси келмай, яна бағрига тортди. Кизнинг кўз ўнгидаги зумда бутун ҳаёти гавдаланди. "Йўқ! — дея ҳаёлидан ўтказди у. — Мен тирик қолишим керак. Ҳали дунёда қиладиган ишларим жудаям кўп". Қиз навбатдаги уринишдан кейингина сув юзига чиқишга муваффақ бўлди. Ўша пайт у нафас олишга ҳам улгурди, қирғоқ ёқалаб югуриб бораётган аёлга ҳам кўзи тушди. Кўнглида дарров умид учкунлари пайдо бўлди. У шу ҳолидаям хурсанд бўлишга имкон топди. Бироқ шошқин дарё яна унинг қаршилигини енгиб, қаърига торта бошлади. Бу сафар муздай, шаффоғ сув унинг оғзи-бурни аралаш ичига ҳам кириб олишга улгурди. "Энди ҳаммаси та мом", дея тақдирнинг измига бутунлай ўзини топширган Моҳирўй кутилмаганда бир нарсага урилди. Бу пайтда у энди-энди ҳушидан кетаётганди. Шу боисдан ҳам айнан нимага урилганлигини англомади...

\* \* \*

— Манави чойдан ичиб ол, — кампир қизнинг бошидан кўтарди.

— Мен қаердаман? — қиз ожизгина овоз чиқараётганида, оғзидаги қолган-қутган сув ҳам ерга тўкилди.

— Жонинг тошдан экан, болам, қани, чойдан ич, — деди қизнинг саволига жавоб қайтармасдан унинг бошини кўтартган кекса аёл.

Моҳирўй икки қултум иссиқ чой ичганидан сўнг:

— Онажон, мен қаердаман? — дея қайта сўради.

— Сен, болам, омон қолдинг. Ўзиям базўр куткардим. Сал бўлмаса, чўкиб кетар эдинг. Ҳозир менинг уйимдасан, — деди кампир жилмайиб.

— Ухлаб олсам майлими? — дея сўради кўзи юмилиб бораётган қиз.

— Ажаб қиласан. Озгина ухлаб олсанг, ҳамма чарчоқларинг ёзилиб кетади.

Моҳирўй унга раҳмат айтмоқчи эди. Бироқ айттолмади. Лаблари бир қимиrlади-ю, ўзи шу заҳоти уйқуга кетди. Ярим соатча текис нафас олганидан кейин, юзида табассум аломатлари пайдо бўла бошлади. У туш кўраётган эди. Қалин арчалар билан қопланган тоғ, унинг тепасида Фаррух туарар ва Моҳирўйни имлаб ёнига чорлар эди. Севинчдан юраги ҳаприқиб кетган қиз у томонга югурга бошлади. Лекин шунча югурмасин, барибир йигитнинг ёнига етолмас, нега шундай бўлаётганлигига ўзи ҳам тушунмас, бунга сайин алами келар, бор овозда қичкириб, Фаррухнинг ўзини чақирмокчи бўлар, лекин бақирганини ўзи ҳам эшитмас эди. Йигит ҳам ўзича биллиб, унинг ёнига кела қолмасдан, имлаганча ёнига чорлашда давом этарди. Охири аламига чидолмаган Моҳирўй йиғлаб юборди-да, ерга чўк тушди. Худди шу пайт Фаррух унинг ёнгинасида пайдо бўлди. Лекин унинг ҳамма томони тиканли сим билан ўралган эди.

— Нега тиканли симлар ичида ўтирибсиз? — дея сўради қиз хайрон бўлиб.

Йигит аввал жилмайди, сўнг кўрсаткич бармоғини лабига босиб:

— Тсс, — дея атрофига олазарак караб олди, — ҳали ҳаммасини ўзим айтиб бераман.

— Унда ҳозир мен ёнингизга ўтаман, — дея Моҳирўй энди у томонга юраётган эди, Фаррух бирдан кўздан йўқолиб, ўрнида улкан алангапайдо бўлди.

Қўрқиб кетган Моҳирўй "Вой-дод!" дея қичкириб юборди-да, ўрнидан туриб кетди.

— Кўрқма, қизим, — деди уни қучоқлади кампир.  
Моҳирўй унинг қучоғида бироз кўзини юмиб турди.  
Ажабланарли томони, кампирнинг қучоғи муздай эди.  
Ундан-да ғалатиси — Моҳирўй аввал учратмаган ҳид келарди.

— Тушнинг ярми ёлғон бўлса, ярми чин келади, — деди кампир. — Баъзида ҳаммаси ёлғон бўлади. Одамнинг руҳи у ухлаётганида маълум муддат атрофни кезади, аникроғи, унинг руҳи танасини тарқ этади. Девлар билан сўзлашади. Улар руҳ билан ўйнашиб, ҳар хил манзараларни кўрсатишади. Гоҳида адашиб, келажакда рўй берадиган воқеаларни ҳам кўрсатиб қўйишади. Яна шундай девлар борки, улар одамзотга ўзларини дўст ҳисоблашади.

— Улар ҳам одамнинг руҳи билан ўйнашадими? — деда сўради Моҳирўй бир нуктага тикилганча ўйга чўмиб.

— Улар ўйнашишмайди, бор ҳақиқатни айтишади. Албатта, бундай девлар ҳамманинг ҳам ёнига келавермайди. Бунинг учун инсон ниҳоятда покиза бўлиши лозим.

Шу онда Моҳирўйнинг бошига ғалати ўй келди ва у бирдан кампирнинг қучоғидан чиқиб кетди-да, унинг кўзига каради. Ажабо, кампирнинг кўзида хеч қандай маъно йўқ эди. У ҳатто нур ҳам таратмасди.

— Мен қаердаман?! — хитоб қилди Моҳирўй қўрқиб кетиб.

— Сен, — деда кампир эндинина гап бошлаган эди ҳамки, ҳамма ёғи шоҳ-шаббалар билан беркитилган уйнинг эшиги очилиб, соч-соқоли қордек оппоқ чол кириб келди.

Уни кўрган қизнинг юраги орқага тортиб кетди.

— Қизимиз яхши бўп қопти-ку, — деди чол жилмайиб.

Аммо у гапирганида оғзи қимиrlамагандай туйилди.

— Онажон! — деда қиз кампирнинг орқасига ўтиб яширинди.

— Кўрқма, қизим, — деди кампир, — бу одам менинг чолим бўлади.

— Сизлар кимсизлар?! — деди қиз кампирдан ўзини олиб қочиб.

— Кўрқма, қизим, — деди кампир, — биз сен ўйлаган

девлар эмасмиз. Кара, бизнинг ҳаммаёғимиз одамларни кига ўхшайди.

Унинг гаплари барибир қизни ўзига келтира олмади. "Чўкиб ўлганимда яхшироқ эди", дея хаёлидан ўтказди у.

— Нотўғри ўйлайсан, — деди чол худди унинг хаёлидагини уқиб олгандай. — Сен яхши кўрган одамингни қидириб бораяпсан. Уни топасан ҳам. Лекин у ҳозирча бу тоғлар орасида йўқ. Шунинг учун ҳам биз сени ўз кулбамиизда маълум муддат меҳмон қилмоқчимиз. Мен кийик овлаб келдим. Ҳозир пиширамиз. Маза қилиб овқатланиб оласан.

— Сиз менинг кимни қидириб кетаётгандигимни қаёқдан билдингиз? — сўради ҳайрон бўлган Моҳирўй.

— Ўзинг алаҳсираб айтдинг. "Фаррух, қаердасан?" дея ўша йигитни қидирдинг. Биз у йигитни таниймиз. Уям сенга ўхшаган бегубор, — деди кампир бироз хомуш тортиб.

— Унда... унда мен унинг уйига бораман. Онаси билан кўришаман, — деди қиз.

— Овора бўласан. Унинг онаси сен Фаррух билан танишган пайтингда ҳам йўқ эди. Қазо қилганига анча бўлганди. Отаси ҳам ҳаётда ҳозир йўқ, — деди кампир.

— Нега йўқ? Мен кўрганимда жуда бақувват эди-ку, — деди Моҳирўй ҳайрати ошиб.

— Уям қазо қилди. Хуллас, қидириб бораётгандарингдан биронтасини ҳам тополмайсан, — деди чол ва эшик томон юрди.

Унинг орқасидан кампир ҳам ташқарига чиқди. Моҳирўй эса уларга ғайрихтиёрий равишда эргашди. Ташқарига чиқмоқчи эмасди. Лекин қандайдир куч унинг елкасидан итарар эди. Қиз ҳаммаёқнинг аллақачон зими斯顿 бўлиб кетганлигини, осмонда сон-саноқсиз юлдузлар чараклаб турганлигини кўриб: "Жуда узоқ ухлабман-да", дея хаёлидан ўтказди.

Чол кўз очиб-юмгунча овлаб келган кийик терисини шилиб ташлади. Кампир ўт ёқди. Орадан йигирма дақиқа ўтар-ўтмас кийик гўшти пишиб, тайёр бўлди. Моҳирўй бир парчасини оғзига солди-ю, яна бир марта ҳайратланди. Таом шунақа лаззатли эдики, бунақасини у ҳатто бойвачча дадасининг уйидаям тотмаганди.

— Бунча ширин! — деди у ҳаяжонланиб.

— Ҳали ўзинг ҳам бундан ширин овқатлар киласан, — деди кампир жилмайиб.

Гўштхўрликдан кейин улар яна шох-шаббалардан бунёд бўлган уйга киришди. Кампир Моҳирўйнинг ёнида, чол эса сал нарида ётди. Чарчоғи эндиғина билинган қиз бир зумда ухлаб қолди.

Пешонасига офтоб нури тегиб қизитгандан кейин у кўзини очди. Очди-ю, кўрқиб кетганидан ўрнидан сакраб туриб кетди. Атрофига аланглаб, кечаги шох-шаббалардан бино бўлган уйни қидирди. Бироқ у худди осмонга учиб кетгандай, ҳеч қаерда йўқ эди. Кейин Моҳирўй кампир олов ёқсан жойни излади. Лекин бирон жойда ўт изи кўринмади. "Бўлиши мумкин эмас, — дея ҳаёлидан ўтказди бутунлай довдираб қолган Моҳирўй. — Шунча нарса менинг тушимда кечиши... Ахир мен сувда оқиб кетгандим. Ўзим чиқолмаганим аниқ. Анави кампир мени қутқариб қолганлигини ўз оғзи билан айтган эди-ку. У ҳолда, қаёқка ғойиб бўлди улар? Нималар бўлаяпти ўзи?.. Кеча биргалашиб овқатлангандик. Наҳотки улар менинг кўзимга кўринган бўлса... Йўқ... йўқ, ишонмайман. Ҳаммаси кўз ўнгимда содир бўлди. Кампир билан чол... Девлар..." Моҳирўйни титроқ босди. У қалин арчазор томонга югурди. Лекин бу томонга нега югургаётганлигини ўзи ҳам билмасди. Арчазорга етганида тўхтаб орқасига қаради. Кўзига шох-шаббадан тикланган кулба кўриниб кетди. У энди шу томонга бормоқчи бўлганида, кулба бирдан кўздан ғойиб бўлиб қолди. Шундан кейин қиз бўлган воқеаларнинг ҳаммаси шунчаки кўзига кўринганлигига икрор бўлди. Аммо шундаям у бир нарсага ҳайрон эди: ким уни тезокар сувдан қутқариб қолди?

Бир соат вақт мобайнида гоҳ пастга эниб кетадиган, гоҳ баландга кўтариладиган арчазорда адашиб юрган Моҳирўй ниҳоят ялангликка чиқиб олди-да, дам олиш учун тоғ бағридан бўртиб турган тош устига ўтириди. Шу заҳоти Фаррух билан биргалиқда тоқقا чиқиб бораётиб худди шундай тош устига ўтиргани ёдига тушди. Юраги бирдан орзиқиб кетди. Ўрнидан турди-ю, югурмоқчи бўлди. Аммо ҳолдан тойган оёқтари унинг ҳоҳишига бўйсунмади. Шундай бўлса-да, Моҳирўй юришда давом

етиб, тоғнинг устига чиқа бошлади. Кун тобора қизиб борар, бунга сайин қизнинг қадами секинлашиб, пешонасида тер селдайин оқарди. Лекин қиз бир дақиқа бўлсин тўхтамасди. Унинг ёдига чолу кампирнинг Фарруҳ ва унинг хешлари ҳақидаги гаплари аллақачон келган, аммо кўнгли нимадандир умидвор эди. Ана шу умидворлик уни етаклаб кетаётганди.

Моҳирўйнинг кўзи икки тоғ наридаги оппоқ қорга тушди. Шунда унинг дили бирдан яйраб кетди. Чарчаган оёқларига қайтадан жон ато этилгандай бўлдию, шитоб билан юришни бошлаганда "Кур-ей, кур-ей" деган овоз қулогига чалинди. У тўхтаб атрофиға аланглади. Ўнг томонидан яна ўша овоз янгради. Юзида табассум аломатлари пайдо бўлган қизнинг кўзида ёш ҳалқаланди. "Кампир билан чол мени алдаган экан-да", деган ўй яшин тезлигига хаёлидан ўтди. Кўйларини ҳайдаётган чўпон Фарруҳ эканлигига унинг шубҳаси йўқ эди. У энди шу томонга қараб қадамини тезлатди. Яккам-дуккам арчалардан ўтганидан кейин ясси тоғ келди. Қиз унинг ҳам тепасига чикканидан сўнг, юз эллик метрлар нарида, сойда от мингансча қўй бокиб юрган чўпонга кўзи тушди. Қиз Фаррухнинг ўзи уни кўриб қолиб, отини елдирганча ёнига етиб келишини истар эди. Бироқ ўйлагани бўлмади. Чўпон Моҳирўй томонга қараб ҳам кўймасдан, кўйларини аллақаёқкадир ҳайдаб кета бошлади. "Жинни-пинними бу, — дея хаёлидан ўтказди Моҳирўй, — мен тумшуғининг тагига келиб турсам-у, бир марта бўлсаям қараб кўймаса". Қизнинг хўрлиги келганидан, чўпон томонга қараб бақириб, уни тўхтатмади ҳам.

Чўпон эса тобора ундан узоқлашиб борар эди. Ноилож Моҳирўй унинг орқасидан эргашди. Улар анча вакт юришди. Шунча вакт мобайнида чўпон йигит ортига бир маротаба бўлсин қараб кўймади. Ниҳоят узоқдан қандайдир кулба кўринди. Чўпон кўйларини айнан шу томонга ҳайдаб бормоқда эди.

Кўйларини кўрага камаган чўпон кулбаси томон кетаётганида унга тикилиб турган қиз турган жойида тахтадек қотиб қолди. У мутлақо бошқа одамни Фарруҳ билиб келган эди. "Балки, Фарруҳ акам билан бу одам навбатма-навбат кўй боқишар. Бугун, ҳойнаҳой, унинг

дам олиш куни бўлса керак. Ҳозир бориб Фаррух аками ни сўрайман", дея Моҳирўй эндиғина кулба томонга юрган эди ҳамки, қарама-қарши томондан чанг-тўзон кўтарганча келаётган машинага кўзи тушди. Қиз ўзини икки кадам наридаги арчазорга олди. "Ҳар доим булар оёғимнинг остидан чиқиб қолишади", дея ўйлади у ғижиниб. Қолган воқеалар Моҳирўй кутганидек бўлиб чиқди. Кулба ёнида тўхтаган машина ичидан раис ва дадасининг юргурдаги бўлмиш новча чиқишиди.

— Кўйларга биттадан газит бериб қўйиб, ўзинг орқангни кўтариб ётибсанми? — деди раис чўпоннинг саломига алик ҳам олмасдан. — Тез битта семиз қўйингни олиб келиб, багажга орт, нозик меҳмонлар келган. Кейин қишлоққа боргин-да, биронта болангни олиб келиб ўрнингга қўйиб, ўзинг шаршарага бор. Акаларга хизмат қиласан.

— Хўп, — деди чўпон бошини эгиб.

Шу маҳал новча атрофга бир кур назар ташлади-да, сўнг айнан Моҳирўй турган томонга кела бошлади. Унга чўпоннинг ити эргашди.

\* \* \*

Асабий тарзда тишини ғижирлатган Мироб секин кўзини очди. Шу ондаёқ сирли тарзда сухбатлашаётган маҳбусларнинг овози тинди.

Кечки овқатга бориш маҳали Мироб шивир-шивир билан шуғулланган маҳбусларни атайлабдан қаторнинг олдига ўтказиб юборди. Ўзи эса уларнинг ортидан кўзини узмай кета бошлади. Мироб ўзидан кўра Бургутдан хавотирда эди. Чунки гарчи маҳбуслар у Босснинг ўрнига бўлганлигини тан олишган бўлса-да, кўпчилиги ҳалихамон ич-ичидан итоатдан бош тортишиб юришганлигини пайқаган эди. Мана, охири улар энди Фаррухдан биратўла кутулишни мўлжаллаб юришганлигини ўзлари истамаган ҳолда сездириб қўйишиди.

Ҳамма овқатлана бошлагандаги ҳалигилардан бири Бургутга зимдан назар солганлигини Мироб кўрдию, "бехосдан" Бургутнинг косасини туртиб юборди. Коса ерга тушиб кетиб, овқат полга сочилиб кетди. Бургут бирдан Миробга олайиб қаради.

— Узр, ука, — деди Мироб илжайиб, — тасодифан кўлим тегиб кетди.

Фаррух ҳеч нарса демади. Алам билан ёнида ўтирган маҳбусга имо қилган эди, у ўрнидан турасола ошпазлар томонга кетди.

Келтирилган овқатни Бургут барибир емади. Унинг иштахаси бўғилган эди.

— Яна бир марта сендан кечирим сўрайман, — деди камерага борганларидан кейин Мироб Фаррухга.

— Устимдан куляяпсизми? Шунча одамнинг олдида мени шарманда килдингиз, яхшики менга устозсиз, йўқса... — деди жаҳл билан Бургут.

— Раҳмат, — деди Мироб Бургутнинг елкасига қоқиб, — энди Босс нега сени бизга бош қилиб кетганига тушубниб бораяпман. Сен ҳеч қачон оқибатни унумайдиганлар хилидан экансан.

Унинг гапидан Фаррухнинг энсаси котди. Аммо буни Миробга билдириласлик учун каравотининг ёнига кетди. Мироб овқат заҳарланган эканлигини унга айтмоқчи эди. Шунинг учун ҳам гапни кечирим сўрашдан бошлаганди. Бироқ вазият бошқача бўлди. Улар гаплашишаётганларида нияти амалга ошмай қолганидан алам қилиб ўтирган тўртта маҳкум зимдан қараб туришарди.

"Қачондан бери қаердаги майда-чуйдалардан яшириб гапирадиган бўлиб қолдим? Ёки кўрқоқлигим тутаятими? Менда бунака одат йўқ эди-ку. Кимки хиёнат қиласа, сўраб ҳам ўтирасдан танобини тортардим. Энди бўлса, гапимни бирор эшишиб қолмасин, деган ўй хаёлимдан кетмайди", дея ўйлади Мироб ва:

— Кўршапалак! — дея маҳбуслардан бирини чақирди. Ўрта бўйли, қораҷадан келган, шалпангкулоқ йигит юргурилаб унинг ёнига келди.

— Овқатга гармдори қўшилса нима бўлади? — дея сўради у йигитдан.

— Овқатга заҳар солинган бўлади, — деди Кўршапалак Миробнинг нега бунаканги савол берадиганлигига ҳайрон бўлиб.

— Нонуштада Бургутнинг овқати билан Чигиртканикини алмаштириб қўясан. Ҳозир бўлса, дарров стол тайёрланглар, базм қиламиз, — деди Мироб.

Кўршапалак унинг ҳамма гапларига тушундию, ўч олиш вакти келганидан хурсанд бўлиб кетди. У қамоқхонага

тушган дастлабки кунларда ўша Чигиртка ҳоли-жонига кўймаган эди. Ҳар турли баҳоналар топиб каравотларнинг тагидан эмаклатар, кейин икки қўлини ёнига ёздириб: "Сен самолётсан, энди самолётдай овоз чиқариб уч", дерди. Бу эрмак ҳам жонига текканидан кейин эшак қилиб минарди. Шу воқеаларнинг бўлганига ҳам тўрт йилдан кўпроқ вақт ўтди. Чигиртканинг Кўршапалак билан иши бўлмай қолди. Аммо Кўршапалакнинг кўнглида унга бўлган ғазаб, ўч олиш истаги кундан-кунга ортиб бораверди. У ҳар дақиқа, ҳар сонияда факат шу истагини амалга оширишни ўйлади. Бироқ ундан уч йил аввал қамалган Чигиртка жуда эҳтиёткор, паст-баландни яхшигина биларди, шу боисдан ҳам Кўршапалакка (гарчи унинг нима ниятда эканлигини билмаса-да) имконият қолдирмас эди. "Менинг куним ҳам туғар экан-ку, энди ҳамма аламимни оламан, кўзинг олайиб ўлишингни маза қилиб томоша қиласман", деда хаёлидан ўтказди Кўршапалак.

Бироқ Мироб режани ўзгартиргани боис, унинг нияти амалга ошмай қолди. "Ҳамма нарсани ўзим бажараман, бошқаларга бу ўрнак бўлсин", деди у Кўршапалакни ёнига чақириб.

Нонушта пайти Мироб Чигирткани ўзига рўбарў ўтиришни буюрди. Шу ондаёқ Чигиртканинг юраги ўйнаб кетиб, ранги оқарди. У ич-ичидан қандайдир ноҳуш воқеа бўлишини сезар эди. Шу боисдан ҳам шерикларига најот истаб қаради. Аммо булар бирдан кўзларини олиб қочишидди.

Чигиртка Миробнинг рўпарасидаги столга келиб ўтириди.

—Хўжайнин, узр, сизни озгина хафа қилишимга тўғри келади. Бунинг натижасини эса ҳозир кўрасиз, — деди Мироб Бургутга қараб, сўнг юзини Чигиртка томонга буриб: — сен манави овқатни ичасан. Фаррух эса сенинкини ичади, — деда уларнинг овқатларини алмаштириб қўйди.

Чигирткани бирдан титроқ босиб, пешонасида совук тер пайдо бўлди.

—Мен... мен хўжайниннинг овқатини қандай ичаман? Ҳаддим сифмайди, — деди Чигиртка довдираб.

— Ҳаддим сиғмайди? Шу гапни сен айтаяпсанми? Қани ич, ит! — деди Мироб унга еб қўйгудек тикилиб. — Қолган ҳамма бўладиган томошани кузатиб турсин, — дея кўзини олмасдан маҳбусларга буйруқ берди у.

— Мен... мен... — деган Чигиртканинг кўзидан ёш чиқиб кетди.

— Агар ўзинг ичмасанг, оғзингдан қуяман!

Косага қошиқ тиққан Чигиртканинг қўли қалтирай бошлади. У шу алпозда шўрвани оғзига олиб борди-ю, кейин кўзини юмди.

— Акажон! — деди у йиғлаб. — Мен қилганим йўқ бу ишни. Мени... мени мажбуралашди!

— Ким экан ўша сени мажбуrlайдиган зўравон? — деди Мироб киноя билан.

Чигиртка ўтирган жойида ортига ўтирилиб, шерикла-рига қаради. Шу пайтгача юрак ҳовучлаб: "Ишқилиб, ҳамма айбни ўзининг бўйнига олсин-да", дея худога нола қилиб, Чигиртканинг орқа томонидан тикилиб турган унинг шериклари бирдан шошилишиб овқат ейишга тушиб кетишиди.

— Яша-а-а, — деди Мироб мийифида кулиб, — энди сотқин қанақа жазо олишини ҳам билсанг керак. Бўл, ич овқатни!!!

Миробнинг юзи бутунлай важоҳатли тус олган, унга караган одам сесканиб кетиши ҳеч гап эмасди. Аммо кўриб-билиб туриб ўзини-ўзи ўлдиришни Чигиртка истамасди. У бир неча бор кошиқни оғзига олиб борди-ю, бироқ ичидагини ича олмади.

— Тушунарли, — деди Мироб бошини қимирлатиб ва Чигиртканинг икки ёнидаги маҳбусларга унга ёрдам бе-риб юборишларини имо қилди.

Маҳбуслардан бири ўрнидан турди-ю, Чигиртканинг орқа томонидан келиб икки қўлини маҳкам ушлади, ик-кинчиси эса мажбуrlаб унга шўрва ичириди. Чигиртка бироз типирчилади-да, жон берди.

Нонушта тугамасидан Бургутни Ғайбулла Эломонов-нинг олдига олиб киришди.

— Нега?! — деди у Фаррухга ғазаб билан тикилиб.

— Ўзи қўйган тузокка ўзи илинди, — деди Бургут хотиржам.

— Нега?! — дея яна сўради қамоқхона бошлиғи.

— Унисини билмайман, — деди Бургут.

— Сизлар билан келишган эдик-ку!

— Биз бу ўйинда қатнашганимиз йўқ. Чигиртканинг ўзи адашиб ўзининг косасига заҳар солиб қўйибди. Агар бунда бизларни айбдор ҳисобласангиз, бемалол жазолашингиз мумкин. Шахсан мен бунга тайёрман. Лекин бу билан сиз катта хатога йўл қўйган бўласиз.

— Уфф, — дея бошини чангллаганча столга ўтириди Файбула Эломонов, — эртароқ бу ердан йўқолмасанг, сендан қутулмайдиганга ўхшайман. Уч кундан кейин сүдинг бўлади. Анави устозинггаям ўзларингнинг тилларингда тушунтириб қўй. Агар шу вақт ичида яна битта ортиқча харакат бўлса, мен ҳеч нарсага жавоб бермайман. Тушунарлими?!

— Нима дессангиз шу, — деди Бургут бир туки ҳам ўзгармай.

Ўша кечаси Миробнинг режаси бўйича Чигиртканинг шериклари жазоланиши лозим эди. Бироқ Бургутнинг айтган янгилигидан кейин режа ўзгарди. Шундай бўлсада, Мироб гуноҳкор маҳбусларни ёнига чакириб, тез кунда уларнинг ажаллари етиб келишини, ҳозирча Азоил бошқа ишлар билан банд бўлиб қолганлигини айтди. У бу сўзларни важоҳат билан, гапларининг орасида тишларини ғижирлатиб, еб қўйгудек тикилиб айтди. Шу кундан эътиборан Бургут ва унинг устози учун ошхонада эмас, камеранинг ўзида егуликлар тайёрланадиган бўлди.

Файбула Эломонов айтган уч кун ўтгач, Бургутнинг қайта судга боражаклигини соқчилар маълум қилишди. Хушхабарни эшитган заҳоти Мироб Бургутнинг ёнига бориб, унинг кўлини қисганча:

— Бу ердан кетганингдан кейин, — деди жиддий тусда, — "ёпик" бозорга борасан. У ердан ёши етмишдан ошган Ахмат aka деган одамни топасан. У писта сотиб ўтиради. Сенга нима қилиш кераклигини унинг ўзи тушунтиради. Сўнг, мана, менинг уй адресим, — дея Мироб бир парча коғоз узатди. — Бу ерда укам туради. Бориб ҳол-аҳволини сўраб қўйсанг...

Шу гапдан сўнг Миробнинг кўзида ёш ялтиради. Фаррух унинг йиғлаши мумкинлигини умуман хаёлига кел-

тирганди. "Бу одам кўзёш нималигини билмаса кепрак", деб ўйларди. Устозининг аҳволини кўриб, ўзининг ҳам кўнгли бўшашиб кетди-ю, Миробни қучоқдаб олдида:

— Устоз, мен сизни бу ерда узоқ қолдирмайман. Чикариб оламан, — деди.

— Худо хохласа, — деди Мироб юзини Бургутнинг елкасига босиб, кўз ёшини билдирмайгина артиб олар экан.

Орадан ярим соат ўтиб, Фаррухни олиб кетишиди. У аввал бундай судда бўлмаганлиги сабабли, бу сафар битта милиционер у ёқ-бу ёқдан сўрайди-да, кейин қўйиб юборади, деб ўйлаган эди. Аммо ундан бўлиб чикмади. Аввал ёпиқ машинага миндиришиб, қамоқхонадан олиб чиқишиди. Сўнг бир соатга якин юришганларидан кейин машина тўхтади. Унинг орқа эшиги очилганида, Бургутнинг юзига ёруғлик урилиб, кўзи қамашди.

Каттагина суд залига Фаррухни олиб киришганда, олтита одам уни кутиб туришар эди. Бургутни корачадан келган, йигирма беш ёшлар чамасидаги йигитнинг ёнига — кора курсига ўтқазишиди.

Бироз ўтганидан кейин суд ҳайъати келди. Суд раиси жойига ўтираётib, Фаррухга кулиб қўйди. Бургут шундан билдики, ҳамма нарса у келмасидан бурун ҳал бўлган.

Суд бошланди, саволлар Фаррухга эмас, унинг ёнидағи йигитга берила бошланди. У шунчалик бегам эдики, сўралаётган нарсаларга ҳафсаласизлик билан, ўйлаб ўтирамасдан ҳам жавоб берарди. Ўн беш дақиқага ҳам етмаган савол-жавобдан кейин суд раиси хукмни ўқиди. Унга кўра, Фаррух айбсиз, англашилмовчилик орқасидан қамалиб қолганлиги учун суд залидан озод қилинди. Ва шунча вакт бекордан-бекорга темир панжаралар ортида ўтирганлигига тўлов, яъни, компенсация оладиган, айборлигини тан олган Тўра Офтобов (кора курсида Фаррух билан ёнма-ён ўтирган йигитнинг исми-шарифи шундай эди) эса қамаладиган бўлди.

Фаррухнинг кўлидаги кишанлар ечилганидан кейин залда ўтирганлар бирма-бир келишиб, уни омон-эсон қутулгани билан табриклай бошлишди.

— Хўжайин, — деди Фаррух кўчага чиққанидан кейин

залда ўтирганлардан бири унинг ёнига келиб, — машина тайёр, қаёқка борамиз?

— Ёпиқ бозорга, — деди чукур нафас олган Фаррух.

— Аҳмат ака сизни дачасида кутиб ўтирибди. "Суд тугаганидан кейин зарур иши бўлмаса, бу ёққа олиб келинглар", деганди, — деди уни "хўжайн" деб атаган йигит.

— Бўйти, шу ёққа борамиз, — деди Фаррух.

Фаррух машинанинг ёнига борди-да, эшигини очаётуб, орқасига каради. Бу пайтда қамалган йигит боягина Бургут келган машинанинг ёнида у томонга қараб туарди. Бургут машина эшигини тап этказиб қайтатдан ёпдида, йигитнинг олдига келди.

— Сизга раҳмат. Ваъда бераман, борган жойингизда шоҳлардай яшайсиз, — деди Бургут йигитнинг қўлини сикиб.

— Хўжайн, ҳамма буйруқларингизни сўзсиз бажараман, — деди йигит кулишга ҳаракат қилиб. — У ёқдаги акаларга бирон нима деб кўяйинми?

— Салом десангиз бўлди, — деди Бургут ва шартта ортига бурилиб, илдам қадамлар босганча ундан узоқлашди.

Аҳмат аканинг дала ҳовлиси шаҳардан эллик чақиримча нарида экан. Фаррух кета-кетгунча кўзини юмиб, камоқхонада ўтказган кунларини эслади. Бекордан-бекорга шунча умрининг ҳавога совурилгани унга алам қилди. Худди шунда унинг тишлари ғижирлади, кўллари мушт бўлиб тугилди, "Раисини амалдорига кўшиб йўқ қиламан", дея хаёлида ўзига-ўзи онт ичди. Бургут қамоқхонада ётган даврида кўп нарсаларни ўрганганди. Ана шуларни ҳам у ёдидан чикармади.

Аҳмат аканинг дала ҳовлисида одам кўп эди. Бири сўйилган кўй гўштини нимталар, иккинчиси кабоб учун кўмир ёкиш ташвишида, бошқалари ҳам майда-чуйда ишлар билан ғимирлашиб юришарди. Дарвоза ёнига машина келиб тўхтаганидан кейин Аҳмат аканинг йигитларидан бири дарвозани очиб ташқарига каради-да, сўнг тезда ортига бурилиб, меҳмоннинг келганлигини маълум қилди. Бирпастда бу хабар Аҳмат акага етказилди. У шоша пиша ковушини кийди-да, Бургутнинг истиқболига юрди.

— Биродари азиз! — деди у Фаррух кўринган заҳоти.

— Йўлингизга муштоқ бўлиб кутиб ўтирибмиз. Келадиган кунингиз хам бор экан-ку.

Бургут унга қараб жилмайганча кела бошлади. Аҳмат ака уни кучоқлади, юзидан ўпди.

— Қани, — деди кейин йўл бошлаб, — ичкарига.

Улар дала ҳовлининг кунботар томонидаги катта тол тагига боришида, усти турли хил ноз-неъматлар билан безатилган столнинг ёнига бориб ўтиришди. Аҳмат ака қўлини очиб узоқ дуо қилганидан кейин хизматдаги йигитларга қараб:

— Тезлатинглар! — дея қўрсатма берди.

Шундан сўнг мезбон стол устида турган ароқнинг оғзини очиб, иккита қадаҳга куйди-да, биттасини Фаррухга узатди.

— Нафасимни ростлаб олайин, кейин, — дея Бургут унинг қўлини қайтарди.

— Хўжайин, — деди Аҳмат ака, — одат шунаقا. Ҳар қандай сафардан қайтилгандан кейин, албатта, юзта билан чарчоқ чиқди килинади. Мусулмончиликда йўғу, лекин бизга ўхшаган одамларга удум бўлиб кетган.

Бу гапдан кейин Фаррух у узатган қадаҳни олди ва дастурхон устига ҳам қўймасдан бир кўтаришда "оклаб" қўйди. Аслидаям одат шунаقا эди. Биринчп қадаҳ узатилган заҳоти у дастурхонга қўйилмасдан, уриштиришсиз ичилар эди. Бургут ўзи билмаган ҳолда удумни бажарип қўйганди.

Фазак килингандан кейин Аҳмат ака Фаррухдан ҳолаҳвол сўради, сўнг Миробни суриштирди. Жавобларни эшигтгач:

— Раҳматли Босс хўп ажойиб одам эди. У кўп нарсани биларди. Агар тақдирига ёшлигидан қамалиб кетиш ёзилмаганида, олим бўларди. Ҳаммани ҳайратга соларди. Шундай одам сендай йигитни ўзининг ўрнига тайинлабдими, демак, сен шунга лойиксан. Мендан бошлаб Босснинг бошқа ҳамма одамлари энди сенинг ихтиёргандамиз. Ўзи Босс кетганидан бери буларни бошқаравериб чарчагандим. Эгаси эртароқ келса-ю, омонатини қўлимидан олса, деб ўйлаб юргандим. Худога шукр, мана, келдинг. Мен кутулдим. Бу ёғига оёғимни узатиб ўтираман, — деди Аҳмат ака.

— Йўқ, — деди Бургут жилмайиб. — Ҳали-бери кутулмайсиз. Мен ҳали шунча одамни бошқаришга ёшлик қиласман. Ҳаммасига ўзингиз бош-қош бўлиб турасиз.

— Гапларинг худди Боссникига ўхшайди. Раҳматли, бирон нимани айтадиган бўлсан, доим ўша нарсага ўзимни бош қилиб қўяр эди.

— Унда бу гапларни Боссники деб қабул қилинг.

— Ёшим анча ўтиб қолди. Аввалги куч қаерда дейсан. Неча кунлигим қолганлигини ёлғиз худо билади. Мен сенга қанақа маслаҳат керак бўлса, ҳаммасини бериб турман. Лекин бошқариш ўзингнинг зиммандага.

— Кўндиридингиз, — деди Фаррух.

Худди шу пайт йигитлардан бири кабоб кўтариб келди. Бургут унга бошдан-оёқ разм солиб чиқди. Кўринишдан кўпол, қайсарлиги шундоққина билиниб турган бу одам унга ёқиб тушди.

— Ота, — деди Фаррух Аҳмат акага ўзгача бир хурмат билан, — ишни нимадан бошлаймиз?

— Бугун мишиштадан. Сизнинг кутулиб чиққанингиз биз учун байрам, — дея мезбон меҳмонни яна "сиз"лашга ўтди. — Шунинг учун иш ҳақида ўйламаймиз. Ҳозир йигитларнинг ҳаммасини сизга таништираман. Ҳаммаси чаққон, ўзининг ишига уста.

Шу тобда бирданига Фаррухнинг хаёлига Моҳирўй келди. Унинг гўзал табассуми кўз ўнгидага гавдаланиши билан Бургут қизни кўргиси келиб кетди. Шу боис, гарчи Аҳмат ака иш масаласини кейинга қолдирган бўлса-да:

— Амалдор ҳозир қаерда? — дея сўради.

Аҳмат ака бир муддат унга қараб турди. Шундан кейин:

— Турғун Ғаниевич анча ожизланиб қолганлигини билдириб кўйди, — деди мийифида кулиб. — Буни унинг қизи уйидан қочиб кетганлигидан ҳам билса бўлади.

— Ни-ма? — деб юборди Фаррух. — Қочиб кетган?!

— Унинг сизга танишлик жойи бормиди? — деди мезбон Бургутга қаттиқ тикилиб.

— Танирдим, — деди Фаррух асабий тарзда. — Қизни ҳозироқ қидиришга тушамиз. Аввал амалдорни бир ёкли қиласмиш. Уйининг тит-питини чиқарамиз, ундан кейин Моҳирўйни топамиш.

\* \* \*

Амалдор ойна орқали орқа ўриндиққа қараб олди. Кейин мийигида кулди ва Бахтиёрдан:

— Нечага кирдинг? — деда сўради.

Бахтиёрнинг тўппончани ушлаган қўли баттар сикилди. Кўрсаткич бармоғини тепки устига қўйди. "Бунинг ниятини билдим, — деда хаёлидан ўтказди у, — аниқ мендан қутулмоқчи. Лекин нима сабабдан? Ўзидан-ўзи ўлдириб юбораверадими? Ахир унга қанча хизматим сингган! Озмунча ишларини бажариб бердимми?"

— Нега жим бўлиб қолдинг? Ёки туғилган йилинг эсингдан чиқиб қолдими? — деди амалдор ойна орқали Бахтиёрга яна бир бор қараб олар экан.

— Баракаси учиб кетадими, деб қўрқаман-да, — деди Бахтиёр зўрма-зўраки илжайиб.

— Биласанми, нега мен бу саволни бердим сенга? Умринг ҳар бир дақиқаси ганимат. Шу ганимат даврда нимадир қилиб қолиш керак. Шундай пайтда анави шоирларга ҳавасим келади. Тўрт қатор нарсани қитирлатиб қоғозга ёзадими-йўкми, эртага фалон кўчанинг эгаси бўлиб турибди. Сен билан мен бўлсақ, дунёнинг ишини қилганимиз билан, шимилдириққаям эга бўлмаймиз. Отам ёшлигимда айтарди: "Болам, яхшилик қилиб ном қолдириш кўлингдан келмаса, ёмонлик қилиб ном қолдир. Токи одамлар эртага фалончи деган абллаҳ одам яшаган биз томонлардаям деб эслаб юришсин", деб. Энди иккинчи саволим. Балки бунисига жавоб бериш кўлингдан келиб қолар. Бизнинг қилаётган ишларимиз яхшиликми ёки ёмонлик?

— Хўжайин, очиги, билмадим. Яхшиликкаям ўхшамайди, ёмонликкаям.

— О-о, яша! Менам шуни билмаганимдан сендан сўрагандим. Демак, биз ҳали дунёда қандайдир от қолдириш учун ҳеч нарса қилолмабмиз шу ёшга кириб, — деди амалдор йўлдан кўзини узмай.

Улар қолган вақтда жим кетишиди. Ҳар ким ўз ўйи билан овора эди. Бахтиёр хам тўппонча ушлаган қўлини бўшатди. Пешонасида пайдо бўлган тер қотди.

Машина шаҳар ташқарисига чиқиб, ярим соатлар чамаси юрганидан сўнг тўхтади.

— Манзилга етиб келдик, энди тушинглар, — деб Турғун Фаниевич ҳаммадан аввал эшикни очди.

"Бу чолдан хамма нарса кутиш мумкин", деган хаёлга борган Бахтиёр ҳам амалдордан кейин машинадан тушди. Турғун Фаниевич бошқаларга бир сўз демай дала бўйлаб кета бошлади. Бахтиёр бир оз унинг ортидан қараб турди-да, ҳеч нарсани тушунмай, унга эргашди. Улар йўлдан уч юз метрлар чамаси узоқлашгандаридан сўнг амалдор тўхтади. Сўнг ҳали ўтлар ўсиб чиқишига улгурмаган ерга бир муддат тикилиб турди-да, ортига бурилиб, савол назари билан ўзига термилиб турган йигитларга:

— Ковланглар, — деди.

Бахтиёр гапирмокчи бўлиб энди оғиз жуфтлаган эди:

— Адёлга ўралган бир нарса чиқади, бузмасдан оласизлар-да, машинага ортасизлар, — дея уни гапиришга кўймади амалдор ва ёрдамчисининг қўлидан ушлаб машина томонга етаклади.

Бахтиёр нима кўмилгани ҳакида сўрай олмади. Чунки амалдорнинг қовоғи осилиб кетганди. Бундай пайтда Турғун Фаниевичнинг ўзи ёрилмаса, сўраш ўзига сўкиши орттириб олиш билан тенг эди. Албатта, Бахтиёр дара-жасидагилар. Бошқалар эса, туғилганига пушаймон ейиши аниқ эди.

Амалдор машина ичига кириб ўтирди. Бахтиёр эса си гарета чекканча, у ёқдан-бу ёққа бориб кела бошлади.

Ҳали тўла чириб улгурмаган мурдани кўрган йигитлар хушларидан айрилаёзишди. Айниска, жасаддан таралаётган бадбўй хидга чидаб туриш оғир эди. Лекин улар чидашга мажбур эдилар. Мабодо биронтаси буюрилган ишдан бош тортадиган бўлса, ўша мурданинг ёнидан жой олиши ҳеч гап эмасди.

Мурда машинага ортилганидан кейин амалдор ташқарига чиқди, Бахтиёрни ҳам ўзи билан тушишга имлади. Қолганларга эса жасадни беш-олти километр нарига олиб боришларини ва яна қайтатдан кўмиб ташлашларини буирди.

Машина узоқлашиб кетгач:

— Хўжайин, шундай иш бор экан, ўзингиз овора бўлмасдан, бир оғиз айтсангиз ҳам бўларди, — деди амалдорга қараб.

— Тополмасдан қийналардинглар, — деди Турғун Фаниевич узокларга караб турар экан. — Энди сенга топшириқ. Шахарга борганимиздан кейин йигитларингдан тўрт-бештасини тоқقا жўнатасан. Анави "шербачча"ларни тинчтиб келишсин. Энди уларнинг менга кераги йўқ. Кейин қоринбой раиснинг ҳам танобини тортиб кўйиш керак. Ҳамма жойда менинг номимни сотиб юрибди.

— Хўп бўлади, хўжайин, лекин Моҳирўй масаласини нима қиласми? — деди Бахтиёр кўзини амалдордан узмай.

— У билан сен бошлиқ бошқа йигитларинг шуғуллашишсин. Кейин охирги пайтларда, магазинлардан йиги-лаётган "доля"нинг ҳам баракаси учганга ўхшайди.

— Йигитларнинг айтишича, Босснинг одамлари изғиб қолишибди, — деди Бахтиёр.

— Босс ўлган бўлса, унинг йигитларига бало борми? — деди амалдор аччиқланиб.

— Маълумотларга қараганда, Босс ўзининг ўрнига ёш болани тайинлаган экан. Нафси ҳакалак отиб кетган шекилли, бизнинг дўконларга ҳам бурнини суқибди.

Турғун Фаниевичнинг ўтдай чақнаган нигоҳлари Бахтиёрга қадалди. "Бу ит нималар деяётганлигини билаяптими ўзи? — дея хаёлидан ўтказди у. — Келиб-келиб, кандайдир тирмизакдан кўркиб, менга арз қилаяптими? Ўзи буларнинг ҳаммасига нима бўлган? Наҳотки ҳаммасини бошидан бошласам?"

— Шунақа дегин, — деди амалдор хаёлидагини ичига ютиб, — ким экан ўша ёш бола?

— Айтсан ишонмайсиз, анави раис қаматиб юборган чўпон.

— Ни-ма?! Чўпон?! — дея аччиқ жилмайди амалдор. — Мен билан ҳазиллашгинг келиб қолдими?

— Тўгрисиям шу.

— Қамоқда туриб бошкараяптими?

— Аҳмат исмли етмишдан ошган чол бор. Ҳозирча шу бошқариб турибди. Унга буйруқ қамоқхонадан келар экан.

Амалдор "тушунарли" дегандек бошини қимиirlатдида, иккала қўлини орқасига қилиб, у ёқдан-бу ёққа бориб кела бошлади.

Тургун Фаниевич уйига келганидан кейин Бахтиёрга машинани сотиб юборишни буюрди. Ўзи эса бироз ухлаб олиш учун хонасига кирмокчи бўлганида, Достон дарвозадан кириб келди. Унинг кўзлари қизарган, атрофга олазарак бокарди. У отасини кўрди-ю, типирчилаб қолди. Кўнгли қандайдир ноҳушликни сезган амалдор ортига бурилиб, у томонга кела бошлади. Худди шу пайт, ўйдан чиқиб келган Зулайҳо:

—Дадаси, — деда Тургун Фаниевични чақирди.

Аммо амалдор унга караб ҳам қўймасдан йўлида давом этди. Достон отаси яқинлашиб келгани сайин, баттар безовталана бошлади. Амалдорнинг кўнглидаги шубҳа эса кучайиб кетди.

— Қаердан келаяпсан? — деди у ўғлининг ёнига борганидан сўнг.

— Мен... Дада, мени яхши кўрасизми? — деди Достон энди чукур-чукур нафас олишга тушиб.

— Нималар деяпсан, аҳмоқ бола?! — деда қичкириб юборди Тургун Фаниевич.

— Бунақа бақиришда болани қўркитиб қўясиз-ку! — деда шанғиллади амалдорнинг ортидан етиб келган Зулайҳо.

— Сен аралашма! — ўшқирди Тургун Фаниевич, сўнг яна ўғлига диққат билан қаради: — Қани айт-чи, қайси гўрлардан келаяпсан? Нима ишлар қилиб юрибсан?

— Дада, — деди Достон энди отасининг кўзига тик караб, — яхши кўрсангиз, мени кутқаришингиз керак. Бўлмаса, қамалиб кетаман.

Амалдорнинг бирдан пешонаси тиришди. Бироқ жаҳлини тилига кўчирмади.

— Нима бўлди? — деди ўзини босик тутишга ҳаракат қилиб.

— Кайфчиликда битта қизни билмасдан зўрлаб қўйибман. Кейин ҳеч ким билмасин деб корнига пичоқ урдим, — деди у отасининг секин гапирганидан бир оз дадилланиб.

Амалдор унга қараганча бақа бўлиб қолди.

— Вой, ярамас! Вой, итдан тарқаган! Оғзингнинг бир чеккасидан чиқиб кетди-я?! Сен, мол, кимга ўшагансан ўзи?!

Достон бирдан чўккаллаб ўтириб қолди-да, йиғлашга тушиб кетди. Амалдорнинг бундан ғаши келди. "Сен, падарингга лаънати, менинг боламга ҳечам ўхшамайсанда. Агар менга ўхшаганингда олов бўлар эдинг", дея хаёлидан ўтказди.

—Болани бу туришда адойи тамом қиласиз-ку. Одам шунчалик ҳам ўз боласига бемехр бўладими?

Зулайҳо югуриб келиб Достонни кучоклади-да:

— Тур, болам, йиғлама, — деди ўзи ҳам йиғламсираб.

— Ўлдими? — деди амалдор кош-қовоғидан кор ёғиб.

— Бил... билмайман, — деди Достон бурнини тортиб, — сулайиб қолувди.

— Сенданам бошқалар бормиди у ерда?! — деди Турғун Фаниевич газаб билан.

— Ха, иккита йигит бор эди. Биттаси мен билан бирга уйдан чиқиб кетди. Иккинчиси қолувди.

— Айт адресини! — деди Турғун Фаниевич ўғлининг юзига ҳам қарамасдан.

— Пролетар кўчаси, йигирма саккизинчи уй, — деди Достон бурнини артиб.

Бу рақамни эшитиб, Зулайҳонинг юраги орқасига тортиб кетди. Чунки бу уйда у жазмани билан учрашарди.

Амалдор илдам юриб бориб машинасига ўтири. Шитоб билан дарвозадан чиқиб кетган машина ортидан караб қолган Зулайҳо:

— Ана, ўғилжоним! Ҳозир даданг бориб ҳамма ишларингни битириб келади, — деди-да, ўзи ичкарига югурди.

У шоша-пиша телефон гўшагини қўтардию, жазманинг рақамини терди. Аксига олиб, у ёқдан хеч ким гўшакни қўтаравермас, бунга сайин унинг жигибийрони чиқарди. "Агар эрим бориб, кимлар бу ерга келиб кетишини суриштиrsa, менинг сирларим очилиб қолиши хеч гап эмас", деган ваҳима хаёллар оғушида қолганди аёл.

\* \* \*

Моҳирўй жойидан қимирламай, келаётганларга тикилиб тураверди. Новча бироз юрганидан кейин, ҳадеб оёғига ўралашаверган итни қувиб солди. Итнинг колиб кетганидан Моҳирўй енгил тин олди. Аммо новчанинг

унга тобора яқинлашиб келавериши юрагидаги кўркувни кучайтириб юборди. У мабодо новча кўриб қоладиган бўлса, бирон нима билан уришни мўлжаллаб атрофига аланглаганча каттароқ тошми, таёқми кидирди. Улар оёғининг остида қалашиб ётарди. Моҳирӯй энди салмоқлироқ тошни қўлига олган маҳали новча тўхтади ва шимининг камарини еча бошлади. Унинг ниятини тезда илғаган қиз ерга қараб турди. Яхшиям арча томонга қараш новчанинг хаёлига келмади. Акс ҳолда, юзи оловдек ёниб, бошини эгиб турган Моҳирӯйни кўрмай қолмасди. Қиз бир томондан уятдан, иккинчи томондан кўркувдан қимир этмасди. Вақт деган қария юравериб оёқларидан дармон кетгандай, имиллаб қолганди қизнинг назарида. Ниҳоят новча ишини битириб, нари кетди. У кетди, аммо нарироқда уни кутиб турган ит югуриб келди ва Моҳирӯйга бирдан ташланиб қолмасдан, новча "иш" қилиб кетган жойда тўхтаб кизга қаратса бир-икки хурди. Кейин ириллади. Моҳирӯй унинг кўзига тикилди. Бир пайтлари у кимдандир: "Агар итларнинг кўзига қаттиқ тикилсанг, у сенга хужум қилмайди", деган гапни эшитган эди. Дарҳақиқат, ўша айтган одам нотўғри гапирмаган экан, ит бироз ириллаб турганидан кейин нари кетди. Шундан кейингина қўнгли бир оз жойига тушган Моҳирӯйнинг кўзида ёш пайдо бўлди.

Раис билан новча қўйни машинага ортгандаридан кейин яна чанг-тўзон кўтариб, кўздан ғойиб бўлишди. Чўпон уларнинг орқасидан сўкинганча қолаверди.

Қиз анча муддат жойида нима қиласини билмай ўтиради. Бир хаёл: "Чўпоннинг ёнига борсамми?" деб яна ўйлади. Аммо юраги дов бермади. Чўпон оғзидан гуллаб қўйишидан кўрқди. Бунинг устига, у раиснинг: "Болала-рингнинг биронтасини олиб кел", деган гапини эшитганди. "Анави кампир билан чол мени алдамаганга ўхшайди. Фарруҳ акам қаёққадир кетибди. Бекорга уни кидириб келибман. У мени яхши кўрмаскан. Агар қўнглида озгинагина илиқдик бўлганида, излаб борган бўлардику... Балки у шаршарададир. Шаршарада анави гўрсўхтадарга хизмат қилиб юргандир", дея хаёлидан ўтказди қиз. Ўзи бир кўришдаёқ севиб қолган йигитнинг қандайдир пасткаш одамларга хизмат қилиб юриши эҳтимо-

лини ўйлаб эзилиб кетди. "Йўқ, Фаррух акам унақамас. Унинг ғуури бор. Ана, мени олиб кетмоқчи бўлишганларида қандай муштлашган эди... Ҳозир қаерда юрган экан-а? Таваккал, шаршарага бориб кўраман". У эндиғина жойидан кимирлаганида, чўпон уйидан чикиб, оти томонга кела бошлади. Моҳирўй яна жойида туриб қолди.

Чўпон қишлоққа кетганидан кейин Моҳирўй қўра ёнига келди. Кўйларни бирма-бир кузатиб чиқди. Ҳаттоқи, шу жониворлар ҳам унга ачиниш билан қараётгандай эди.

—Бунчалик бегамсизлар, — деди Моҳирўй уларга қаратса, — битталарингни сўйишга олиб кетишиди. Сизлар бўлсаларинг, томоша қилиб қолишдан нарига ўтмадинглар. Наҳотки эрта бир кун келиб сизларнинг ҳам бошларингга ўша шерикларингники тушишини билмасаларинг? Билишларинг керак. Лекин индолмайсизлар. "Нима қилайлик, асли тақдиримиз шунака", дейсизлар. Одам... Дарвоке, сизлар одам эмассизлар. Мен бўлса... мен бўлса одамман, икки оёқда юраман. Тилим-жагим бор...

Моҳирўйнинг кўзида ёш ҳалқаланди, у бошини эгганча яна арчазор томонга кета бошлади. Ўша олдинги жойига бориб ўтириди-да, арчага суюнди. Атрофга бирпас қараб тургач, кўзи уйқуга кетди. Ҳали беш дақиқа ухламасидан тушига кеча уни сувдан кутқариб қолган кампир кирди. У қандайдир туман ичидан чиқиб келди-да:

— Уйингга бор. Сен қидираётган одамнинг ўзи излаб топади, — деди.

— Ҳозир у қаерда? — дея сўради Моҳирўй. — Яқин атрофда бўлса, ёнига ўзим бораман. Роса қийналиб кетдим.

Кампир унинг саволига жавоб бермади. Бироз жилмайиб қараб турди-да:

— Уйингга қайт, бўлмаса, яна бир фалокатга йўликишинг мумкин. Отанг бир пайлар автоҳалокатга йўликишидан аввал огоҳлантирилганди. Лекин у ўз билганидан қолмади. Ҳозир бизнинг ёнимизда юрибди. Сен уйингга бориб, домла топгин-да, онангни, опангни, ўзингни ўқитиб юбор. Йўқса, омад сизлардан доим юз ўгиради, — деди.

— Нега? — дея сўради ҳайрон бўлган Моҳирўй.

— Отангга дуо кетган. У кўркам одам эди. Кўпчилик-

нинг ҳавасини келтирадиган ишлар қилиб юрарди. Одамзот-да, икки уй нарида яшайдиган қўшниси буни кўролмади. Отангга қарши ҳар хил илму амаллар қилди. У ҳам ҳозир ҳаётда йўқ. Ҳақ дунёда даҳшатли азоблар чангалида қолган. Сен бориб оиласидагиларнинг ҳаммасини ўқитиб юборсанг, буям қилган гуноҳлари учун чекаётган азобларидан бироз кутулади... Орқангга қайтиш йўлинг очик.

Мохирўйнинг бошига бир нарса тап этиб тушди-ю, у чўчиб уйғонди. Рўпарасида тишларини кўрсатганча ириллаб турган итга кўзи тушиб, жон-пони чиқиб кетди. Секин ўрнидан турмоқчи бўлган эди, ит қаттикроқ ириллашга тушди.

— Илтимос, менга тегинма! — дея ялинди у итга. — Сенга ҳали кўп яхшилик қиласман, мана кўрасан. Сенга гўшт бераман. Олдингга ҳечам суюк ташламайман.

Аммо кошки эди, итда унинг тилига тушуниш имконияти бўлса, ўша алфозда ириллаб тураверди. Мохирўй яна унинг кўзига тикилди. Бироқ унинг қарашига ит бу сафар парво қиласмида.

— Бобик! Бобик! — дея чақириб қолди бир маҳал чўпон.

Ит номини эшитганидан кейин эгаси томонга бир караб кўйди-да, икки марта ҳурди. Мохирўй чўпондан ёрдам сўрамоқчи бўлиб, бақиришга оғиз жуфтламоқчи бўлди. Аммо кўрқди. Ит бирдан ташланиб қолади, деб ўйлади.

Итнинг безовта ҳуришини эшитган чўпон овоз келган томонга кела бошлади. Бунга сайин итнинг ириллаши кучайди.

— Кет! Кет! — дея Мохирўй йиғлаб орқасига тисарилди.

Худди шу маҳал чўпон яна итини чақирди. Ит эгасининг овозидан кувват олгандай кўзи ёниб, жуни тикрайиб қизнинг жуда яқинига келди.

— Бобик, қайт орқангга! — дея қичкирди чўпон қизни кўриши билан.

Ит озгина гингшиди-да, ортига тисарилди. Ҳамон йигидан тўхтамаган қизнинг баданидан совук тер чиқиб кетди.

— Синглим, туринг ўрнингиздан, — деди Мохирўйнинг ёнига келган чўпон унинг қўлидан ушлаб.

Қиз қалтираб-титраб итдан күзини олмай, унга ёвқа-раш қилғанча чўпоннинг кўлига таяниб ўрнидан турди.

— Сиз бу ерларга қаердан келиб қолдингиз? — дея сўради чўпон Моҳирўй у берган сувни ичиб бўлганидан кейин.

— Ада... Адашиб қолдим, — деди қиз тутилиб.

Ташқарида бўлаётган гап-сўзларни эшигтан чўпоннинг катта ўғли Музффар "Қанақа аёл келиб қопти?" — дея ган хаёлда уйдан ташқарига чиқди-ю, ҳайратдан қотиб қолди. У шундай гўзал қизни кўриб турганига ишонмас эди. Моҳирўйнинг ҳам унга кўзи тушди-ю, бирдан бошини эгди.

— Музффар, бу қиз адашиб келиб қолибди, — деди чўпон ўғлининг донг қотиб турғанигини кўргач.

— Менга йўл топишинга ёрдам беролмайсизми? — деди қиз бошқа гап тополмай.

— Сизга катта йўл керакми? — сўради чўпон.

— Ота, мен ўзим обориб кўяман, — деди Музффар дўриллаган овозда.

Чўпон ўғлининг анграйиб қолиши сабабини яхши англаб турарди. Шу боисдан ҳам:

— Сен шу ерда тура тур, мен ўзим йўл кўрсатиб юборраман, — деди.

— Ота, сиз бу ёққа келинг, — деди бирдан жаҳли чиқиб кетган Музффар.

Ота унга қараб кўйди-ю, аммо жойидан қимиirlамади. Бундан ўғилнинг баттар жиғибийрони чиқди ва ўзи отасининг олдига борди-да, унинг кўлидан ушлаб четга торти.

— Ота, бунақа қиз ҳамма вақт ҳам одамга учрайвермайди. Мен уни кўришимданоқ яхши кўриб қолдим. Бир бало қилиб, алдаб-сулдаб олиб колайлик. Кейин битта мулла чақириб, ими-жимида никоҳ ўқитиб оламиз. Шу баҳонада сизам келинли бўп қоласиз. Келишдикми? — деди паст овозда.

— Болам, — деди чўпон ялинчоқ овозда, — шу пайтгача иккита қизнинг умрига зомин бўлдинг. Бечоралар сендан қочиб қутулишди. Энди шу қизнинг ҳам шўрини куритмоқчимисан? Бечора бировнинг боласи адашиб келиб қолибди. Ўзи Бобикдан кўркканидан юраги тушиб

қолаёзган. Кўй, уйига кетсин. Бунинг устига, кўринишидан каттанинг қизига ўхшайди. Бошимизга яна бир балони ортириб олмайлик.

— Нима, мен бир умр бўйдок ўтаманми? Мендан қочган келинларингизнинг икковиям бўлмағур эди. Бу киз умуман уларга ўхшамайди. Бир марта менам чиройли қизга эга бўлай. Нима қипти икки марта уйланган бўлсам? Нима, шу билан одамгарчиликдан чиқиб кетган бўла-манми? — деди Музаффар отасига ўқрайиб.

— Сениям тенгинг чиқиб колар. Шошилма.

Моҳирўй ота-боланинг гапларини қисман эшитди-ю, юрагига баттар қўрқув кириб, аста-секин орқасига тисарилганча улардан узоклаша бошлади.

— Ота, — деди Музаффар жаҳл отига миниб, — менинг тенгим мана шу қиз. Қандай бўлмасин, мен уни қўлга киритаман. Сизнинг ишингиз бўлмасин. Кўйларингизни бокиб юраверинг. Анави раиснинг олдигаям ўзингиз боринг. Мен малайлик қилмайман.

У шундай дея Моҳирўй томонга қаради ва қизнинг анча узоклашганлигини кўриб, отасини болохонадор қилиб сўқди-да, қиз томонга югурга бошлади. Моҳирўй ҳам бирдан қочишга тушди. Нима қиласини билмай қарахт бўлиб қолган чўпон бироз донг қотиб турди-да, кейин:

— Бобик, Музаффарни бос!!! — дея қичқирди.

Ит худди шуни кутиб турган шекилли, қуваётгану қочаётганлар томон отилди. Унинг орқасидан чўпон ҳам югурди. Ит Музаффарга тегинмади. Уни яхши танир, эгаларидан бири эканлигини яхши биларди. Шу боисдан ҳам уни четлаб ўтиб, қиз томонга чопиб кетди. Икки дақиқа ҳам ўтмасдан, у Моҳирўйни қувиб етди ва бир сакраб олдинги оёклари билан қизни елкасидан урди-да, ерга юзтубан йикитди. Сўнг голиблигини ошкора на-мойиш қилиб, унинг устига чиқиб тилини осилтирганча, эгаларининг етиб келишини кутиб турди.

— Маладес, Бобик! Маладес! — дея қичқирди Музаффар югуришдан тўхтамай.

\* \* \*

— Мен сенга ақл ўргатмоқчи эмасман-у, лекин шошилмаганинг маъқул. Чунки оқланиб чиққанинг билан,

ҳали ментларнинг эътибори сенда. Бунинг устига, амалдор ҳам бу ердалигингдан хабар топиши эҳтимолдан холи эмас. Шунинг учун бугунча дам ол. Эртага ишга киришасан.

— Ота, менга яна битта ароқ қуйинг, — дея Фаррух Аҳмат ака томонга қадаҳини сурди.

Аҳмат ака: "Шу билан бунинг кўнгли жойига тушса керак", деган ўйда қадаҳини тўлатди. Бургут уни бир кўтаришда бўшатди-да:

—Энди йигитлар билан мени таниширинг, — деди.

Аҳмат аканинг бир имоси билан улардан кўз узмай беш қадамча нарида турган йигит югуриб келди-да, кулоғини тутди.

—Йигитларнинг ҳаммасини бу ёкка чакир, — деди Аҳмат ака унга қараб.

Йигит "хўп бўлади", дея бош силкиди-да, югуриб кетди. Орадан беш дақиқа ҳам ўтмасдан, йигирмага якин бир-биридан беш-олти ёш фарқ қиласидан йигитлар Бургут билан Аҳмат ака ўтирган стол ёнида қаторлашиши.

—Бу йигитнинг кимлигини ҳаммаларинг яхши била-сизлар. Сизларга қелмасидан бурун танишириб бўлганман. Энди шу йигитнинг айтгани — айтган, дегани — деган. Боссга қандай хизмат қилган бўлсаларинг, бунга ям шундай хизмат қиласизлар, — деди Аҳмат ака уларга бирма-бир қараб чиқар экан. Сўнг у Фаррухга мурожаат қилди: — Хўжайин, ёнингизда турган йигитнинг исми Бақалоқ, бу исмни унга Босснинг ўзи қўйган. Ўзи думалоққина бўлгани билан, ишларни чаққонгина бажаради. Унинг ёнидагиси Қоплон, тишлаган жойини узид оладиганлар хилидан...

Аҳмат ака ва шу тариқа йигитларнинг ҳаммасининг лакабини айтиб чиқди. Фаррух уларнинг асл исмлари билан қизиқмади ҳам.

— Мен отамнинг қабрини зиёрат қилишим керак. Раҳматли қаерга кўмилганини ҳам билмайман, — деди Фаррух йигитлар яна жой-жойларига қайттганидан кейин.

— Эртага борамиз.

— Бугун-чи?

— Ҳозир ичгансан. Бу ахволда қабристонга бориш ярамайди.

— Тушундим, — деди Фаррух бошини иргаб. — Унда қолган ишларни гаплашайлик.

— Бобой одам билан сенинг ёшиңгдаги йигитнинг гапи унчалик ҳам яхши чикишавермаслигини биламан... Анча вактдан бери дам олмагансан. Сен ҳозир уйга киргина-да, яхшитаб дамингни ол. Мен намозимни ўқиб олай, — деди Ахмат ака. — Йигитларга эса ўзинг буйруқ беришни яхши биласан.

Фаррух унга ҳеч нарса деб гапирмади. Ахмат ака ўрнидан турди-да, дарвоза томонга кетди. Фаррухнинг бир ўзи битта нүктага термилганча, анча вакт ўтириди. Бу орада йигитлардан бири унинг ёнига келиб, нима кераклигини сўраб кетди. "Ота, — деда хаёлида ўзига-ўзи гапирди Фаррух, — менинг даврим келди, энди ҳаммасидан ўч оламан. Бари итнинг ўлимини кўришади. Шундагина сиз гўрингизда тинч ётасиз. Менинг эса кўнглим тинчиди".

У ўрнидан турмоқчи эди, боши айланиб кетди. Шундагина маст бўлиб қолганлигини сезди. Кўли билан ишора қилганди, Қоплон югуриб келди-да:

— Хизмат, хўжайин? — деди бошини эгиб.

— Мен дам оламан. Чарчадим. Бошим оғрияпти.

Қоплон нарирокда турган йигитлардан бирини имо билан чақириди.

Икки томонидан иккита йигити суюб олиб кетаётгандарида Фаррух аввал бассейнга киражагини айтди.

Кўм-кўк сувни кўрганидан кейин Бургут ечиниб ҳам ўтирасдан ўзини сувга отди. Илиқ сувдан танаси яйради. У бир оз сувда сузуб юрганидан кейин ёпиқ сув ҳавзасига бир-биридан чиройли икки киз кириб келишиди. Улар кийимларини охиригача ечишиб, сувга тушиди-да, Бургутнинг ёнига сузуб келишди. Ҳамда иккови икки ёғидан юмшоқ қўллари билан уқалашга тушиб кетишлиди. Бу Фаррухга хуш ёқди. Кўзини юмиб роҳатланди. Озгина муддат ҳамма нарсани унудди. Кейин:

— Ташқарига чиқамиз, — деди.

Улар ёнма-ён сузишиб, ҳавзадан чиқишлиди. Бургут елим каравотга ётди. Кизлардан бири йигитнинг кўкрагини, иккинчиси оёқларини силаб-сийпашга тушиб кетишлиди. Худди ўша пайт Фаррухнинг хаёлига Моҳирўй келди. У

тепасида туриб: "Нега менга хиёнат қиласыз?" дегандек туюлди. Унинг бирдан эти жимирлаб кетди ва күзини ҳам очмасдан эндигина бошқа иш билан шуғуллашишга ўтган қизларга:

—Бас, кетинглар, — деди.

Қизлар ўринларидан туришиб, бир оз унга қараб туришида, энди кетмоқчи бўлишганида:

—Кийимларингни кийиб келинглар, — деда уларни яна йўлдан қайтарди Фаррух.

Қизлар унинг айтганини бажариб, ёнига келишди. Фаррух ўрнидан туриб ўтирида:

— Исминг нима? — деда сўради қора сочли қиздан.

— Гуля, — деди қиз майин овозда.

— Сеники-чи?

— Диля, — деда жавоб қилди иккинчиси.

— Ўрисмисизлар? — деди ҳайрон бўлган Фаррух.

Унинг гапидан иккала қиз ҳам хиринглаб кулиб юборишида, бири исми Гулчехра, иккинчиси эса Дилором эканлигини айтишди.

— Анчадан бери бу ердамисизлар? — савол беришда давом этди Бургут.

— Уч ойча бўлиб қолди, — деди Гулчехра.

— Унда гап бундай, қизлар. Ҳозирданоқ бу ердан қораларингни ўчиринглар. Мен сизларни қайтиб кўрмайин. Кўрадиган бўлсам, мендан эмас, ўзларингдан хафа бўлинглар, — деди Бургут ва каравотга яна чўзилди.

У кўп ўтмай ухлаб қолди. Тушига отаси кирди. Негадир унинг қовоги солик эди. Фаррух ёнига югуриб бормоқчи эди, у бирдан узоклашиб қолди.

— Ота, мен қамоқдан чикиб келдим. Энди сизга озор берганларнинг ҳаммасини жазолайман. Сизнинг қасдингизни оламан, — деди Фаррух югуриб етолмаганидан кейин.

— Қанақа қасд, аҳмоқ бола?

— Мени қаматиб, сизни ўлдириб юборганлардан ўч оламан, — деди Бургут кўллари мушт бўлиб.

— Одамларингни тарқатиб юбор!

Ота коронгиликка кириб, кўздан йўқолди. Бургут қанчалик чақирмасин, у ортига қараб ҳам кўймади.

Фаррух терга ботиб уйғонганида ярим кечаш бўлган эди.

Уч йигит ундан уч-тўрт қадам нарида сигарет чекишганча гаплашиб ўтиришар, Бургутнинг уйғонишини интизорлик билан кутишарди. Фаррух ўрнидан туриб ўтирида:

— Йўқот сигаретангни! — дея бакириб юборди.

Йигитлар шоша-пиша кўлларидағини кулдонга босиб эзишиб, ўрниларидан туришди.

— Иккинчи марта биронтангнинг менинг олдимда чекканларингни кўрмайин, — деди Фаррух. — Энди Ахмат акани чақириб келинглар. Биттанг меҳмонхонани кўрсат.

Бунақа кескин буйруқ беришни унга Мироб ўргатган эди. "Очиққа чиққанингдан кейин биронта ҳам йигитинг сенинг олдингда бемалол харакат қилмасин. Қаттиқўл бўл. Ўзингга ёқмайдиган ишни кўриб қолсанг, ўша ишни қилган одамга нисбатан қаттиқ чора кўр", деган эди у. Бургут йигитларнинг сигарета чекиб туришганларини кўрганидаёқ Миробнинг гапини эслаганди.

Ахмат ака Фаррухнинг сўраб қолишини билгандай дала ҳовлисидан кетмаган эди. Тезда етиб келди. Бу пайтда Бургут кофе ичиб ўтиради.

— Бош оғримадими? — дея жилмайиб кириб келди меҳмонхонага Ахмат ака.

— Яхши, тез келдингиз, — деди Фаррух унинг ҳурмати учун ўрнидан туриб. — Сиз менга жуда керак бўлиб қолдингиз.

Ахмат ака унинг рўпарасидаги юмшоқ креслога ўтириди-да, нима хизмат дегандек Бургутга юзланди.

— Тушимга отам кириди. У мендан хафа. Сабабини билмайман. Балки турмадан чиққанимданоқ унинг қабрини зиёрат қилгани бормаганимдандир. Шунинг учун ҳозирданоқ қишлоққа боришга тайёргарлик кўрмасак бўлмайди. Мен Куръонни умуман билмайман. Боргандা ўзингиз ўқиб берарсиз.

— Отанинг қабрини зиёрат қилиш яхши. Лекин мен ўзимам қойиллатиб ўқий олмайман-да. Ўзи икки йил бўлди намоз ўқиши бошлаганимга. Яхши бир қорини биламан, шуни олволамиз, — деди Ахмат ака бироз хижолат бўлиб.

— Яхши, сиз нима десангиз шу.

Шундан кейин уларнинг гапи ўз-ўзидан мусулмончи-

лик, дин ҳақида кетди. Асосан Ахмат ака гапирди. Фаррух унинг гапини тасдиқлаб бошини қимирлатиб турди.

Тонг отишига бир соатлар чамаси қолганидан кейин Ахмат ака ўрнидан турди.

Улар олдинма-кейин уйдан чиқишидди. Бургут йигитларга иккита машинани сафарга тайёрлашларини буюрди. Ахмат ака эса намоз ўқиш учун таҳорат олгани кетди.

Фаррух машинанинг орқа ўринидигида ўтириб ташқарини кузатиб кетар экан, ёшлигини, ота-онасини эсларди.

\* \* \*

Олдинма-кейин тупроқ йўлни чангитиб қишлоққа кириб келган машиналар Марди чўпоннинг уйи ёнида тўхтади. Кўзларига ёш тўлган Фаррух машинадан базур тушди-да, оёгини судраб босиб, уйи томон яқинлаша бошлади.

Бирпасда қишлоқда гала-ғовур кўтарилиди. Бирор эшигини тамбалади. Бошқаси Марди чўпоннинг ўғлини кўришга ошиқди. Ҳеч ким Фаррухни қамоқхонадан учта машинада, яна ёнида "аъён"лари билан келади, деб ўйламаган эди. Бутун қишлоқ саросимада қолди.

Фаррух фақат бир тавақаси қолган, уям қийшайиб турган дарвазанинг ёнига борди-да, бир оз турди. Сўнг аста ичкарига кирди. Бутунлай вайронага айланиб кетган ғарип уй томондан қўйларнинг маъраган овози эшитилди. Фаррух хайрон бўлиб шу томонга юрди. У ойналари синиб кетган деразадан ичкарига қаради-ю, тош бўлиб қотиб қолди. Фаррух бир пайтлар онасининг бағрида эркалган, думалаб-думалаб ётган жой хозир қўрага айланган, ҳаммаёқ қўйнинг қийи билан тўлган эди. Кўксисда юраги шиддат билан ураётган Бургут бирдан ортга ўгирилди. Ахмат ака, йигитлари, қишлоқнинг олти-етти одами ҳам унга қараб туришарди.

—Ким?! — деди Фаррух кўзидан ўт чақнаб.

Бургутнинг қишлоқдошлари безовталаниб, бир-бирига карашди.

—Ким?! — деди бу сафар Бургут янайм баланд овозда.

Яна тўпланганлар орасида жимлик. Бирор оғиз сўз айтишга ожиз эди. Бундан Фаррухнинг баттар фиго-

ни фалакка чиқди. У шиддат билан келиб, биринчи қишлоғошининг ёқасидан олди-да:

— Ким, деяпман?! Қайси итнинг хадди сиғди бундай қилишга?! — деда ўкирди.

Унинг кўзи олайиб, юзи даҳшатли кўриниш олган эди. Бечора қишлоғошининг кути ўчди. Кўзи пирпираб, довдирағанча пичирлади:

— Ма... Ма... Мамаюсуф дўхтири "карздор эди" деб...

— Итдан тарқаган! — деда бакириб юборди Бургут. — Қани у?

Фаррухнинг йигитлари бирдан қишлоқ одамларини сикувга олишиб, Мамаюсуф кимлигини, қаердан топши мумкинлигини суриштира кетишиди. Ҳамма маълумотлар олиниб бўлингач, иккита йигит дарвоза томонга югурди.

Бургут сочини ғижимлаганча, сал нарига бориб ерга ўтириди. Аҳмат аканинг топшириги билан машиналардан бирининг орка ўринидиги олиб келинди.

— Қори ака, — деди Бургут хаста овозда, — тиловат қилиб юборинг.

Қорининг овози янграши билан ҳамманинг боши эгилди. Бургутнинг таранг тортилган асаб толалари бироз бўшашиди. Кўзини юмиб, отаси ҳақида хаёл сурди: "Агар шу ерни, отамнинг қабрини обод қилсан, унинг руҳи шод, мендан рози бўлади", деда ўйлади.

Қори тиловатни тугатиб, ҳамма юзига фотиха тортгани маҳал Мамаюсуф дўхтирини Бургутнинг иккита йигити судраб олиб келди. Унинг бурнидан аллақачон қон оқиб ултурган эди.

— Нега бунақа қилдингиз, ака? — деди Фаррух иложи борича юмшоқ гапиришга ҳаракат қилиб.

— Ҳалиги, — деди Мамаюсуф дўхтири йиғламоқдан бери бўлиб, — ҳалиги, Марди аканинг жон беришида фақат менинг бир ўзим бор эдим. Ҳалиги, у жон бераётсиб, "Қарзимга мана шу уйимни олиб кўяқол", девди. Шунга...

Қолган ёлғон-яшиқ гапларни айтишга унинг тили айланмай қолди.

— Қўйқамоқ қилгин, деганмиди отам?! — деди Бургут қовоги осилиб.

Мамаюсуф дўхтири нима деярини билмай мум тишлиди.

— Отам сиздан битта күй қарзмиди? — дея сўради яна Фаррух.

Дўхтири "ҳа" дегандек бошини қимирлатди.

— Яхши, — деди Бургут қўллари мушт бўлиб ва йигитларига қаради: — Ҳозироқ ўнта кўй олиб келиб беринглар.

Бу гапни эшитиши билан Мамаюсуф дўхтирининг шодликдан юраги ёрилаёзди. Шу боисдан ҳам, юзида ним кулги пайдо бўлди.

— Баҳромқул бобо, — деди Бургут қишлоқдошлари қатори бошини эгиб турган одамга юзланиб, — мана, мен отамнинг қарзидан кутулдим. Лекин энди бундан мен қарзимни қандай ундирай?

Чол бошини кўтариб Фаррухга қаради ва унинг қанака карз ҳақида гапираётганлигини дарров англаб етди.

— Болам, — деди у юмшоқлик билан, — отангнинг тобутини мана шу қишлоқнинг одамлари кўтаришди. Мамаюсуф ҳам шу одамларнинг қаторидайди. Кўриниб турибди, қўлингдан ҳамма иш келади. Мен сенга бағрикенглик қилсанг, демоқчийдим. Балки шундай қилсанг, отангнинг руҳи ҳам шодланар...

Чол гапини тугатиши билан Аҳмат ака Фаррухнинг елкасига қўлини кўйди ва қулогига:

— Бобойнинг гапида жон бор, — дея шивирлади.

Бургут икки ўт орасида қолди. Мамаюсуфни кўйиб юборай деса, у унинг уйини, қолаверса, ўзини топтаган. Жазолайнин деса, бунақа гаплар чиқиб турибди.

— Аҳмат ака, сиз холис хулоса чиқаринг. Лекин ҳозироқ бу ифлос кўзимдан йўқолсин. Умуман, қишлоқда бунинг қорасини кўрмайин, — деди у ёнидаги устозига.

Аҳмат ака бир имо қилган эди, йигитлар Мамаюсуф дўхтирини судраб олиб чиқиб кетишиди.

Бургут уй остонасига бошини кўйиб тавоф олди ва ўрнидан турди-да, йигитларига:

— Мана шу жойнинг тупроғи-ю ёғочини кўчириб олинглар-да, оппоқ матога ўраб, мошинага солиб кўйинглар. Кейин ўн-ўн бешта одам топиб келиб, уйни бузинглар, ўрнида бошқа уй қурамиз, — деди.

Йигитлар аввал қўйларни хайдаб чиқишиди ва Фаррухдан: "Буларни нима қилайлик?" дея сўрашди. Бургут

уларга қарамасдан ҳам "билғанларингни қилинглар" қаби-  
лида қўлини силтади.

— Бахромкул бобо, — деди Фаррух қишлоқдошининг  
ёнига бориб, — отамга ҳеч қанақанги маърака қилинма-  
ган бўлса керак-а?

Чол нима деярини билмай, индамасдан бошини эгди.  
Бундан Фаррухнинг кўнгли ўқсида.

— Ҳеч курса, жанозаси ўқилганми? — дея сўради у  
алам билан.

— Ҳа, болам, унисини қилгандик. Лекин, кечир, маъ-  
ракаларини ўтказолмадик.

— Эртага йигирмаси билан қирқини қиласиз, — деди  
Фаррух хаста овозда ва Аҳмат акага қаради.

Аҳмат ака унинг нима демоқчилигини дарров илғади-  
да, йигитларидан бирини ёнига чакириб, маъракани ўтка-  
зиш учун нимаики керак бўлса, ҳаммасини олиб келиши-  
ни буюрди. Шундан кейин Бургут қабристонга бориши-  
ни айтди.

Иккита машина яна чанг-тўзон кўтариб, қабристон  
томон йўлга тушди. Машиналарда ўтирганларнинг ҳам-  
маси жим эди. Бундан Бургутнинг баттар юраги сиқили-  
ди. Кўйлак тугмаларини ечиб, кўкрагини кенгроқ очди.  
Барibir бўлмади. Сиқилиб кетаверди. Уни зимдан кузатиб  
кетаётган Аҳмат ака:

— Ажойиб жойлар экан, — деди машина ойнасидан  
ташқарига қараб. — Мисоли жаннат.

Унинг гапидан кейин бошқалар ҳам ташқарига қараш-  
ди.

— Тепада бургут учиб юрибди, — деди ҳайдовчи ёнида  
ўтирган йигит. — Боя қишлоқдалигимиздаям кўрувдим.  
Қанот қоқмасдан учайтганди.

Аҳмат ака дарров машина ойнасини туширди-да, бо-  
шини чиқариб тепага қаради. Дарҳақиқат, уларнинг те-  
пасида бургут парвоз этар эди. Аҳмат ака ниманидир  
англагандай бўлди. Лекин бирорвга чурқ этиб оғиз очма-  
ди. Фақат чукур нафас олиб кўйди.

Машина қабристонга етиб борганидан кейин Фаррух  
ёнига қишлоқдоши Бахромкул бобони олди-да, қолган-  
лардан шу ерда бир оз кутиб туришларини илтимос қилди.

Қабристоннинг бир чеккасида дўмпайиб турган қабр

бирдан кўзга ташланар эди. Чол Бургутни шу ёққа бошлади. Фаррух беш-олти қадам ташлаганидан кейин оёғидан мадор кетаётганлигини хис этди. Шундай бўлсада, чолдан ортда қолиб кетмаслик учун илдамроқ ҳаракат кила бошлади. Қабрга икки қадамча қолганда эса чўккараб ўтириб қолди. Буни ташқарида қолганларнинг ҳаммаси кўрди. Йигитлардан иккитаси энди у томон югурмоқчи бўлганида, Аҳмат ака уларни тўхтатди:

—Ўз ҳолига кўйинглар.

Фаррух колган масофани чўккараб юрганча босиб ўтди ва ўзини қабрнинг устига ташлаганча хўнграб йигла биборди.

—Ота!!! — деди у наъра тортиб. — Мен бадбаҳт ўғлингизни кечиринг. Мен шундай ит бўлмаганимда, сиз ҳозиртирик юрган бўлардингиз, ота-а-а! Ҳаммасига мен айбдорман!

Унинг овози бутун қабристонга таралди. Майин эпкин ҳам бирпас эсишдан тўхтади. Дараҳтларнинг шохлари шитирламай кўйди. Гуёки Фаррухнинг фарёди уларни ҳам кайғуга ботириб кўйгандай эди.

—Қабрнинг устига ётиб бундай нола қилиш яхши эмас, — деди қори Аҳмат аканинг ёнига келиб. — Ҳар нарса бўлиши мумкин.

Аҳмат ака кўзини юмиб, "тушунарли", дегандек бoshини кимирлатди-да, бир-бир босиб қабристон ичкарисига кирди. Унга қори ҳам эргашди.

Аҳмат ака кўз ёшлари билан тупрокни лой килган Фаррухнинг секин елкасидан тутиб:

—Тур, болам, — деди паст овозда.

Бироқ Бургут қимир этмади.

— Отангнинг арвоҳини безовта қилма, бу дунёга келган одам эртами-кеч барибир кетиши аниқ. Йиғи билан, бунақа ётишинг билан ўзингни бир нарса қилиб қўйишдан бошқа ҳеч нарсага эришолмайсан.

Аҳмат аканинг гаплари таъсир қилиб, Бургут секин чўккараб ўтирди.

— Тиловат қилинг, ака, — деди Аҳмат ака қорига қараб.

Мозордан чиққанларидан кейин Бургутнинг юраги безовтатана бошлади. Аввал сув ичди. Йўқ, безовталаниши

баттар кучайди. Унинг токқа чиқкиси, отаси умрини ўтказган арчазору паст-баланд тепаликларни кўргиси келаверди. Бундан ташқари, яна унинг ўзи ҳам англаб етмайдиган бир куч уни шу томонга тортаверди.

—Токқа ҳайда, — деди у ҳайдовчига.

Аҳмат ака унинг гапига ҳайрон бўдди.

—Боришимиз керак, у ердаям зиёрат қиладиган жойлар бор, — деди Бургут ва деразадан ташқарига қараб олди.

Орадан ўн беш дақиқача фурсат ўтганидан кейин Бургутга машина жуда секин кетаётгандай туюлиб кетди.

—Ҳайдамайсанми тезроқ! — дея бақириб юборди Фаррух.

\* \* \*

—Тур, кет! Тегинма! Кет, дедим сенга! — дея қичкирди чўпон.

Унинг гапини эшитган Музффар бирдан югуришдан тўхтади-да, ортига ўгирилди.

—Хов, сассик чол! — дея бўкирди у отасига. — Ўчириг овозингизни!

Чўпон унинг гапларини эшитадиган ахволда эмасди. Ўй-хаёли ит билан қизда эди. Ишқилиб, бўрибосар қизни тишлаб, бир бало қилиб қўймасин-да, деган хавотирда жон-жаҳди билан югарарди. У Музффарнинг ёнидан ўтаётганде ҳатто уни кўрмади ҳам. Отасининг қилиғидан жони чиқаёзган ўғил эса унинг оёгини чалиб юборди. Чўпон юзтубан ерга ағнаб тушди-ю, бурнидан қон отилиб чиқди.

—Мараз, оқпадар, — деди чўпон ётган жойида.

Музффар отасига қараб ҳам қўймасдан, итнинг оёқлари остида деярли чалажонга айланган қизнинг ёнига югрди. Худди шу пайт осмонда, жуда баландликда бургут пайдо бўлган, атрофга чанг-тўзон кўтарганча машиналар тобора яқинлашиб келмоқда эди.

Фаррух иккита одамнинг юрганини, сўнг биттасининг ийқилиб тушганлигини аник-тиник кўрди-ю, юраги ҳаприқиб кетиб, ҳайдовчига машинани янада тезроқ ҳайдашни буюрди.

Музффар қизнинг ёнига етиб келганидан кейин итни ҳайдаб юборди-да, Мохирўйни қўлидан ушлаб секин тор-

тиб кўрди. Қиз ҳеч бир сас чиқармади. "Ишқилиб ўлиб қолган бўлмасин", деган хавотирда Музаффар чўккалааб ўтириди-да, қизнинг бошини кўтарди. Қиз ўлмаган, кўркқанидан хушидан кетган экан. "Қайтанга шуниси маъқул, кўздан панарак жойга олиб бориб, ишимни битириб оламан. Кейин ўзидан-ўзи менини бўлиб қолади", дея хаёлидан ўтказган Музаффарнинг қулоғига оёқ товуши эшилди. У: "Отамам жонимга тегиб кетди", деб ўйлаб, важоҳат билан шу томонга қаради. Унинг кўзи бешолтита одамга тушди. Музаффарнинг бирдан хуши бошидан учдию, ўрнидан тура сола қочишга тушди. Шу пайт итнинг хургани, ундан кейин эса ўқ овози эшитилди. Бечора ит жон алпозда вангиллаб қолди. Музаффарнинг у ёкка қарашибга фурсати йўқ эди. У иложи борича тезрок арчазорга етиб олишга харакат қиласарди.

Фаррух юзтубан ётган қизнинг бошини кўтарди-ю, инграб юборди. Сўнг Моҳирўйни маҳкам бағрига босганча кўтариб олди-да, чўпоннинг кулбаси томон юрди. Йигитнинг жигар-бағрини ҳам қайғу, ҳам шодлик бараварига эзар, ўкириб-ўкириб йиғлагиси келарди.

Юзига муздай сув текканидан кейин Моҳирўй кўзини очди. У тепасида ўзига қадрли бўлган йигит турганини кўрди-ю, қотиб қолди. "Мен ёки туш кўраяпман, ёки аллақачон ўлиб бўлганман", дея ўйлади у.

—Салом, — деди Фаррух жилмайиб паст овозда.

Қизнинг ҳам юзида табассум пайдо бўлди.

— Тушимда бўлсаям юзингиздан ушлаб кўрсан майлими? — деди у ҳаяжон билан.

— Сиз туш кўраётганингиз йўқ.

Қизнинг ҳаяжони йигитта ҳам кўчган, у энтикиб-энтикиб нафас ола бошлаганди.

Қиз унинг гапидан ҳайратланди. Кузларини уқаладида, бошини кўтариб атрофга назар солди. Оғзи-бурни қонга бўялган чўпонни, беш-олти бегона одамларни ва чўккалаганча бошини эгиб турган Музаффарни кўрди. Сўнг Фаррухга юзланди:

—Барибир ишонгим келмаяпти.

Унинг гапидан кейин Аҳмат аканинг имоси билан ҳамма йигитлар Бургут билан қизни холи қолдириш учун нарироққа кетишли.

— Мен ўнгингиздаман, — деди Фаррух ютиниб.

Мохирўй бирдан хўнграб йиглаб юборганча, Бургут-нинг бўйнидан кучокдади.

— Сиз номардсиз! Сиз... сиз мени излаб бормадингиз. Сиз билиб туриб мени шундай қийнадингиз, ўзи қидириб келсин дегансиз-да, а!

Фаррух ғайриихтиёрий тарзда қизнинг юз-кўзларидан ўшишга тушиб кетди. Ора-чора унинг "сизни севаман!" деган гаплари эшитилиб турар эди...

Аҳмат ака йигит билан қизнинг бир-биридан айрилолмай ўпишишларини кўрганидан кейин юзини тескари буриб, бир-икки марта йўталди. Бироқ унинг овози ошик-маъшуқларнинг кулоқларига кирмади. Шундан кейин: "Тагин булар бир нарсани бошлаб қўйишмасин", деган хавотирга борган Аҳмат ака чўпонга қараб:

— Кўйларинг кўпми? — дея бақириб сўради.

Унинг бу сафарги овози бесамар кетмади. Қиз бирдан ўзини тортди-да, йигитнинг юзини икки кафтига олиб:

— Одамлар бор, — дея секин пичирлади.

Шундан кейингина Фаррух қилаётган ишини тўхтаби, анча нарида тургандарга норози нигоҳ ташлади-да, сўнг яна Мохирўйга юзланди:

— Жоним, мен сизни энди ҳеч кимга бериб қўймайман. Сиз меникисиз. Ҳозироқ никоҳ ўқиттираман.

Унинг сўзлари қизга хуш ёқди. У эркаланиб йигитнинг бўйнидан қучоқлади ҳамда ўзи билмаган ҳолда:

— Ўзимнинг Бургутим, — дея Фаррухнинг лақабини айтди.

Йигит билан қиз ўрниларидан туришиб, уст-бошларини кокишиб, ўзларига келганидан кейин Аҳмат ака уларнинг ёнига борди.

— Фаррух, — деди у Бургутга, — энди нима қиласиз?

Бургут унинг гапига жавоб беришдан аввал ёнидаги севилисига қаради-да:

— Бу ерга қандай келиб қолдингиз? — деб сўради.

Бу сўрок Мохирўйнинг бошини эгди. Чиройли, қопкора кўзларида яна ёш пайдо килди. У шундай савол берилишини кутган, янам аниқроғи, истаган эди. Бу саволга жавоблари ҳам бир талай эди. Аммо вазият шундай бўлади, деб хаёлига ҳам келтирмаганди.

— Сизни қидириб келгандим.

Қизнинг шу жавобининг ўзида бир дунё гина бордай эди.

Буни Фаррух сезди, шу боисдан ҳам қизаринди.

— Анави бу ерда нима қилиб юрган экан? — деди Фаррух Ахмат акага ноқулай аҳволдан чиқиши учун Музafferни кўрсатиб.

— Чўпоннинг ўғли экан.

— Ҳа-а, — деди Фаррух аччик қулиб, — эсимдан чиқкан экан. Мен унинг кимлигини яхши биламан. Нияти нима бўлганлигиниям тушунгандай бўляпман. Бу ёқقا олиб келишсин. Саломнинг жавоби алик бўлади.

Моҳирўй Фаррухни илк бора кўрганида у оддий чўпон бола эди. Ҳозирги аҳволи эса чўпонникига яқин ҳам бормасди. Бу қизни ажаблантириди. Кўзларига ишонмай, қайта-қайта Бургутга қаради. Ҳатто: "Наҳотки, мен Фаррух деб ўйлаб бошқа бир одамга ихтиёrimни топшириб кўйган бўлсан?" — деган хаёлга ҳам борди. Ўзининг хаёлидан ўзи кўркиб кетди. Аммо хавотирининг умри узоқка чўзилмади.

— Ит, нима эди нияting?! — деди Фаррух Музafferни олиб келганларидан кейин.

— Ҳамма айб менда, — деди чўпон бошини эгиб, — раиснинг гапига кириб, одам қуригандай шуни етаклаб келибман.

— Раис?! — деди Бургут хайрон бўлиб.

— Ҳа-а, раис келиб: "Озгина хизмат бор шаршарада", девди. "Ўрнингизга одам кўйиб тезроқ етиб боринг", деганди. Мен бориб Музafferни олиб келсан, Бобик бу қизни, — дея чўпон Моҳирўйни кўрсатди, — арчалар орасидан топиб олибди. Итдан ажратиб олиб, ювиб-тараб уйига кузатиб кўймоқчи эдим. Киспирушдан бўган Музaffer кўйиб юбормаймиз деб туриб олди...

— Хўш, кейин-чи, — деди Бургут қовоғи уйилиб.

— Кейин... — чўпон қолган гапларни айттолмади. — Фаррухжон, шундай катта одам бўп кетибсан. Бизлар бир кичкина одамлармиз. Отангнинг олдида карздор эдим. Менинг ўзим хоҳдамагандим чўпон бўлишни, раис кўймади-да. Сендан илтимос, бир марта боламнинг айбидан ўт. Мени оёғимга чалиб йикитди, бурнимни қонатди.

Нима қилса мени қилди. Отасиман, шунақа bemаза тарбияни ўзим берганман...

Чўпоннинг кўзларидан ёш сизиб чиқди. Букилган қадди баттар букилди. Ортиқ сўз айтмолмай қолди.

— Ўзининг отасигаки кўл кўтарган экан, бунақа боланинг боридан йўғи афзал. Яхшики, биз ўз вақтида келиб қолдик, — деди Аҳмат ака нафрат билан Музafferга тикилиб.

— Илтимос, акажонлар, — дея чўк тушиб ялина бошлиди чўпон, — ўла-ўлгунимча хизматларингда бўлай. Буни кечиринглар.

— Ҳали буни бирон нима қиласиз дедикми?! — деди Бургут. — Нега ҳалитдан кечирим сўрашга тушиб кетдингиз?

— Ота-а! — деди ўқрайиб Музaffer. — Мен эркакман. Тоғнинг боласиман, худди Фаррухга ўхшаб, сиз буларга ялиниб, обрўйимни тўкманг... Кечагина Фаррухнинг ўзи ким эди? Бизга ўхшаб қўйларнинг орқасидан югуриб юради. Атрофига беш-олтита одамни тўплаб, зўравонлик қилмоқчими? Қизни мендан тортиб олмоқчими? Эркак бўлса чиқсин яккама-яккага, ким зўр бўлса киз шуники...

Бургутнинг йигитлари бирдан ҳаракатга тушиб қолишиди.

— Шошманлар! — дея уларни тўхтатиб қолди Бургут.

— Биринчидан, — деди кейин Музafferга юзланиб, — Моҳирўй менинг севган қизим бўлади. Бу ҳақда гапириш у ёқда турсин, салгина bemаза хәёлга борган одамнинг калласини сапчадай узиб оламан. Сен бўлсанг, шу ожизага кучингни кўрсатмоқчи бўлгансан. Шунинг ўзигина сени соғ қўймаслигимга етиб ортади... Лекин сен мендан эркакликни талаб қилиб турган экансан, мен розиман яккама-якка олишишга. Бу олишув жон чиқунга қадар давом этади.

— Керакмас, — дея унинг ёнига эмаклаб келди чўпон, — бу ахмоқлик қилиб қўйди, ҳозироқ кечирим сўрайди.

— Ота-а-а!!! — дея бакирди Музaffer бор овозда. — Ялинманг дедим бу ялангоёққа, ҳозир ўзим суробини тўғрилаб қўядан.

\* \* \*

Турғун Ғаниевич қидириб борган уйда ҳеч ким йўқ эди. У ўн дакиқадан мўлроқ вақт эшикни тақиллатиб турди. Сўнг энди ташқарига чиқаётганида Тўйчига рўбарў келиб колди.

—Ассалому алайкум, — деди Тўйчи тавозе билан.

Амаддор бу йигитни аввал бир неча марта кўрган бўлса-да, эсидан чиқариб қўйган эди. Бир оз унга тикилиб турганидан кейин саломига алик олди.

— Биз томонларга ташриф буюришингизни билганимда, ўзим сизни кутиб олган бўлар эдим, — деди Зулайҳонинг жазмани ялтоқданиб.

— Каерда турасиз, ука? — деди Турғун Ғаниевич муғомбирлик билан.

Ёш бўлса-да, Тўйчи ҳам бирорвга ичидагини билдирадиганлар хилидан эмасди. Амалдорнинг саволи ҳали лабидан охиригача учмай туриб, жавоб унинг миясида пишиб улгурганди.

— Мен бу ерда турмайман. Хотиним шу уйнинг адресини берувди. Ўзингиз биласиз-ку бу аёлларни. Ҳали уларга кийим-кечак тикадиган аёл керак бўлиб қолади, ҳали бошқаси. Тўйдан кейин палакат босиб бир-икки марта айтганини қилгандим. Мана, шўрим куриб турибди. Ҳар икки кунда жуда зарур иши чиқиб қолади. Худди ёниб кетаётгандай, килмаса бўлмасмиш шу ишни, — дея илжайиб беўхшов ёлғон-яшиқ гапларни қаторлаштириб ташлади.

— Тикувчи аёл дедингизми? — дея сўради Турғун Ғаниевич нимадир эсига тушиб қолгандай. — Тикувчи аёл шу ерда турадими?

Амалдорнинг бу саволидан кейин Тўйчининг ранги бир оз оқарди. Унинг шу оқаришиданоқ Турғун Ғаниевич Зулайҳонинг жазмани қандайдир унга маъқул келмайдиган иш билан шуғуланишини гумон килди.

— Тикувчи бу ерда турмайди, — деди Тўйчи ўзини-ўзи мажбурулаб куларкан, — шунчаки тикувчиларга хотинларнинг иши кўп тушишини айтмоқчи эдим, холос.

— Тўғри, — деди мийифида кулган амалдор ҳам, — эсимга келмаганини. Майли, шошиб тургандим.

Тўйчи Турғун Ғаниевич билан хайрлашганидан кейин

учинчи қаватта күтарилиб, уй эшиги олдида бироз туриб қолди. "У бу ерда нима қилиб юрибди? У ҳеч қачон шунчаки келмайди. Биронта гап чиқканки, югурдакларини ҳам қўйиб ўзи келган. Ҳозироқ хотинига телефон килиб, нима гап-сўзлигини билиб оламан. Яна йўқ жойдан бошимга бало орттириб олмайин", дея хаёлидан ўтказди ҳамда секин кулфга калит тиқди-да, буради. Унинг ўзи ҳам билмайдиган бир куч, эҳтиёт бўлишга, калит буралаётганда ҳам сас чиқартирмасликка ундаётгандай эди. Шу боисдан ортига қайтиб келиб, унинг кайси уйга киришини билиш учун пойлаб турган амалдорни сезмаса-да, оҳиста эшикни очди ва ортига бир қараб қўйиб уйга кирди. Аммо Турғун Фаниевич барибир унинг қайси хонадонга кирганлигини қўриб қолди-да, мийигида кулиб қўйиб, ортига бурилди.

Хўжайнинг бошқа бир манзилга чақириши Бахтиёрни ажаблантириди. Аммо айтилган жойга бормасдан иложи йўқ эди. Буйруқ берилдими, бажарилиши шарт. У икки йигитини олиб, тезда манзилга етиб келди.

— Биласанми, — деди амалдор Бахтиёрни кўрганидан кейин, — мендан яхшигина изқувар чиқар экан.

— Наҳотки ўзингиз изқуварлик билан шугулланаётган бўлсангиз?

— Энди, ука, баъзан шунгаям мажбур бўлиб қоларкансан, — деди Турғун Фаниевич ва рўпарасидаги уйнинг учинчи қаватини кўрсатди. — Шу ерга бир йигит кириб кетди. Ими-жимида дачага олиб боринглар. Мен сенларни ўша ёқда кутаман.

Тўйчини кўлга олиш унчалик ҳам қийин бўлмади. Бахтиёрнинг йигитларидан бири қиз бола овозида яхшигина гапиришни билар эди. У эшикни тақиллатди-ю, четга турди, эшик тирқишидан қараб ҳеч кимни кўрмагач, "Ким у?" дея сўраган Тўйчига қиз боланинг ниҳоятда майин, ширали овозда "Шерали аканинг уйларига тўғри келдимми?" дея савол билан жавоб қилди. Қиз зотини хуш кўрувчи Тўйчи бирдан эшикни очди-ю, учта барзангидай йигитни қўриб хуши бошидан учәэди.

— Сиз... Сизларга ким керак? — дея олди у дудуқланниб.

— Бизга сен керак эдинг, — дея иржайди йигитлардан

бири ва Тўйчининг биқинига пичоқ тиради. — Шовқин кўттармасдан олдимга туш.

Тўйчи уларнинг айтганини бажармасдан иложи йўқ эди.

Амалдорнинг иккита дала ховлиси бор эди. Бирода у дам оларди. Иккинчисида ҳар хил қалтис ишлар бажарилар, Тўйчига ўхшаган одамларнинг тақдири ҳал қилинади.

Турғун Фаниевич у ерга борганидан кейин пиво ичиб каравотда кўзини юмганча хаёл суреб ётди. Орадан йигирма дақиқага яқин вақт ўтмасидан Бахтиёр йигитлари билан бирга етиб келди. Уларнинг орасида Тўйчи ҳам бор эди. У барзангилар биқинига пичоқ тираганларидаёқ улар кимнинг одамлари эканликларини қисман англашетганди. Аммо амалдорни кўргунча бунга ишониб-ишонмай келаётган эди.

—Ие, — деди ўзини гўлликка солган амалдор туткунни ёнига олиб келишганларидан кейин ўрнидан туриб, ўтиаркан, — сен билан яна кўришиб қолдикми? Лекинчи, сен менга ёкиб қолдинг, чунки яхши эртак айтарсансан. Бунака эртакни айтиш ҳамманинг ҳам кўлидан келавермайди.

Тўйчи нима деярини билмай қолди. Шу боисдан ҳам бошини эгди. Юзи қизарди.

—Бунга стул олиб келинглар, шундай меҳмонни тик оёқда қолдириш одобдан эмас, — деди Турғун Фаниевич киноя билан.

Тўйчи келтирилган стулга қўрқа-писа ўтирганидан кейин амалдор унга еб қўйгудек тикилиб:

— Кимсан? — дея сўради.

— Ҳалиги... ҳалиги, — дея Тўйчи энди гап бошлаган эди, амалдор уни силтаб ташлади:

— Чайналмай гапир. Ўша сен кирган учинчи қаватдаги уй кимга тегишли? — деди.

— У... у битта қариндошимизнинг уйи. Мен ҳар-ҳар замонда бориб тураман.

— Яхши. Ўша ҳар-ҳар замон борганингда нима иш қиласан у ерда? — деди Турғун Фаниевич пешонасини қашлаб.

— Дам олиб, чиқиб кетаман.

— Ким билан?

Бу саволга Тўйчи нима деб жавоб қайтаришни билмай қолди.

— Сендан сўраяпман, ит! — деди Турғун Ғаниевич жаҳл билан. — Агар яна бир оғиз ёлғон гапирсанг, тилингни суғуриб оламан.

Ростини айтса, аҳволи нима кечишини яхши билган Тўйчи, энди ёлғон ҳам гапиролмасди. Чунки у Зулайҳо ҳамма гапдан буни хабардор қилган бўлса керак, дея ўйлаётган эди. У боя уйига кирганида вазиятни билиш учун Зулайҳога уч марта қўнгироқ қилди, аммо ўёқдан ҳеч ким кўтартмади. Шу боисдан ҳам хозир нима деб жавоб қилишини билмай азобланар эди.

Тўйчининг мум тишлаб қолганидан амалдорнинг баттар жаҳли чиқди. У ўрнидан туриб секин тутқуннинг ёнига келди-да, кутилмагандага жағига мушт туширди. Тўйчи столга қўшилиб орқасига кулади. Бирдан бурнидан қон сизиб чиқди.

— Боя тилинг бурро эди-ку, — деди Турғун Ғаниевич ҳеч нарса бўлмагандай муштини силаб. — Гапир, Достон бугун сенинг уйингта келганмиди?

Бу гапни эшиганидан кейин Тўйчи сал енгил тортди. Боиси, амалдор уни бошқа масалада бу ерга олиб келган. Ҳозир озгина таъзирини бериб, қўйиб юборади. Чунки Достон билан у ҳеч қандай алоқа боғламаган эди. Аммо жияни бундан икки кун бурун қандайдир бойвачча бола билан танишганлигини айтганди. "Ҳаҳ, ақлсиз бола, ба-рибир ёшлигингта борибсан-да", дея хаёлидан ўтказди Тўйчи ва титраб-қалтираб:

— Акажон, мен унақа болани танимайман, ўлай агар. Агар ёлғон гапирсан, теримни шилиб, сомон тиқсангиз ҳам майли, — деди.

— Бўлмаса Достон энангницидан биладими сенинг уйингни?! — деди амалдор унга ўқрайиб.

— Тўғриси, мен шаҳарда икки кундан бери йўқ эдим. Бу ерга ким келиб кетганидан хабарим йўқ. Балки жияним билар. Уям шу ерга тез-тез келиб туради. Мен борибоқ сўраб кўраман. Кимлар келганлигини билиб, сизга айтаман, — дея шошиб гапирди Тўйчи.

— Ҳали сенинг жиянинг ҳам борми? Худди ўзингга

ўхшаган, шундайми? — деди амалдор ва йигитларга уни калтаклашни буюрди.

Йигитлар айнан шундай буйруқни кутиб ўтиришган эдилар. Бирдан ишга киришиб кетиши. Икки дақика ичидә Тўйчининг соғ жойи қолмади.

— Ҳаммасини айтаман! Урманглар! Битта қолдирмай айтиб бераман! — деди зарбаларга ортиқ бардош беролмай қолган Тўйчи.

— Ана, мулла бўлдинг, — деди амалдор мийигида кулиб, кўл ишораси билан йигитларни уришдан тўхташларига ишора қиласкан.

— Достон деган ўғлингиз борлигини хотинингиздан эшигандим, — деди-ю, шу гапи билан қовун тушириб кўйди Тўйчи.

— Ни-ма?! — деди кўзи олайиб кетган амалдор. — Менинг хотинимни қаердан танийсан?

Хол кўйиб қўйганлигини сезган Тўйчининг тили калимага келмай қолди. Бутунлай қаҳр отига минган Турғун Фаниевич:

— Бахтиёр, бунинг терисини тилиб, туз бос! — дея бакириб юборди.

Йигитлардан бири Тўйчини маҳкам ушлади, иккинчи си туз олиб келди. Бахтиёр эса ёнидан пичоқ чиқариб, айборнинг кўл терисидан озгина жойини кесди. Ярага туз босилгач Тўйчи ўтирган жойида сапчиб кетди.

— Итдан тарқаган! — дея бўкирди амалдор. — Ҳаммасини энди айтиб берасан. Сенда кўп гап борга ўхшайди!

Азоб барибир ўз ишини қилмасдан қолмади. Тўйчи худди булбулигўёдай сайрашга тушиб кетди.

— Унинг ўзи мени кўймайди. Ҳар-ҳар замонда уйга келиб, қондиришимни талаб қиласди. Эвазига пул беради...

Унинг гапларини амалдор ортиқ эшитиб туролмади. Бахтиёрнинг қўлидаги пичокни олди-ю, Тўйчининг бўғзига тортиб юборди. Тутқуннинг томоғидан отилган кон Турғун Фаниевичнинг ҳамма ёғини қип-қизил рангга бўяди. Тўйчи ерга ағанади-да, бироз типирчилаб ётганидан кейин хириллаб-хириллаб жон таслим қиласди. Аммо амалдор бу билан ҳам қаноат ҳосил қиласди, яна унинг бешолти жойига пичоқ урди. Сўнг:

— Ҳаммангни ўлдираман!!! — дея наъра тортганча, кўлидаги пичоқни улоқтириб юборди.

\* \* \*

Ўғлини тинчитиб ухлатганидан кейин Зулайҳонинг юраги безовта ура бошлади. Эшикка чиқди, уйга кирди. Йўқ, барибир кўнгли жойига тушмади. Шундан кейин ошхонага кириб пиёлани тўлдириб ароқ кўйди-да, ичиб юборди. Бироқ унинг ҳам таъсири бўлмади. "У уйга бордими, демак, эрим барибир ниманингдир исини олади. Иссигим борида этагимни ёпиб, бирон жойга қочиб қолганим маъқул. Ўша ёқдан Москвага унинг қилмишлари ҳакида хабар бераман. Ундан кейин ўзи билан ўзи овора бўлиб қолаверади. Мен эса аввалгидек яшайвераман... Менга отам яшириб кетган тиллолар ҳам бир умрга етиб ортади", дея хаёлидан ўтказди у. Сўнг шошилганча кийимларини йиғиштириб-да, хизматкор аёллардан бирини чакириб, кўчадан такси ушлаб келишни буюрди.

Икки жомадон нарсалар машинанинг юхонасига ортилганидан кейин Зулайҳо ҳайдовчига қўшни шаҳарга хайдашни айтди. Таксичи саросималаниб қолди.

— Кўрқмасдан юраверинг, — деди аёл илжайиб, — хаққингизни икки баравар тўлайман.

Шундан кейин ҳам ҳайдовчи иккилана-иккилана йўлга тушди.

Қўшни шаҳарда аёлнинг Холида исмли аммаси пиёниста эри Санжар алкаш билан турар, Зулайҳонинг отаси тириклигида уларникига тез-тез келишар, турли баҳонаи сабаблар билан пул-мул олиб кетишарди. Ўша пайтлари ҳам амманинг эри ичарди. Бироқ хотинидан акаси боис кўрққанлиги учун ўзини бироз тияр эди. Хотинининг акаси ўлганидан кейин эса бутунлай ўзини кўйиб юборди. Агар текин бўлса, ётиб қолгунча ичадиган аҳволга келди. Амманинг жиғибийрони чиқиб, бир неча марта ажрашмоқчи бўлди. Лекин ўйлаб қараса, вақт ўтган. Энди ажрашгани билан бирон нима ўзгариб колмайди. Боз устига, уларда фарзанд ҳам бўлмади. "Алкаш, пиёниста бўлсаям борига шукр. Йўқ бўлганда нима қиласдим? Битта ўзим сўппайиб яшардимми? Ичувчи бўлсаям беозор-ку, бир хилларда шуям йўқ", дея хаёлидан ўтказарди амма

хар сафар эрини күрганида. Улар Зулайхонинг отаси ўлганидан кейин ҳам бир-икки марта акани йўқлаш баҳонасида келишди, аммо ҳокимиятни бутунлай кўлга олган куёв — Турғун Фаниевич уларни очиқасига қувиб солди. "Мен сенларга ўхшаган қариндошлардан кечдим. Қайтиб оёкларингни босманглар", деди у. Шу-шу улар ўзларининг борлигиниям-йўқлигиниям билдиrmай кетишиди.

Зулайҳо аммасининг кучоқ очиб кутиб олишига имони комил эди. Сабаби — унда юз мингга яқин пул бор. Бу пуллар билан эр-хотин ўлгуналрича яшаши мумкин. Бундан ташқари, итдай хизмат килишга ҳам тайёр.

У ўйлагани тўғри чиқди. Бутунлай харобага айланган уйдан чиқиб келган Холида кампир жиянини кўргач, хурсандлигидан йиғлаб юборди. Сўнг оёклари майишиб, ўтириб қолди. Бундан Зулайхонинг ғаши келди. Аммо буни билдиrmасликка ҳаракат қилиб, аммасини кучоқлаб олди. Амма-жиян озгина йиғлашиб олишганларидан кейин бир-бирини суюшиб, уйга киришди. Тўрда тўшак қилиб ётиб олган Зулайхонинг поччаси қайнисинглисими кўриши билан тескари ўтирилди.

— Бир ҳафтадан бери туз totмайди. Ахволи оғир, — деди амма кўзида ёши билан.

Аммасининг гапига жавобан Зулайҳо "Қутулишингизга озгина колибди-да", деб юборай деди. Ҳар қалай, вақтида тилини тишлади ва хаёлидаги гапнинг ўрнига:

— Насиб бўлса, тузалиб кетади, амма, хавотир олманг, — деди киноя билан.

Етмишдан ошиб қолган кампир қаёқдан ҳам кинояни тушунсин, эрига нисбатан илиқ гап айтган жиянини алқашга тушиб кетди:

— Худоё худованда, айтганинг келсин. Акагинамнинг сендей авлоди борлигидан бошим осмонда, афсус, акам сендан бошқа фарзанд кўрмади. Кўрганида бир уй тўлиб ўтирадик. Ишқилиб, умринг узун булсин...

— Аммажон, сиз соғ бўлсангиз бўлди, қолган ҳамма нарсалар ўз-ўзидан бўўп кетаверади. Келинг, ўтилинг, — дея Зулайхонинг ўзи кўрпача ёзишга тушиб кетди.

Холида кампир унинг кўлидан кўрпачани олмоқчи бўлди. Лекин у унамади. Кампир дастурхон олиб келгани чиқиб кетганида шу пайтгача тескари қараб ётган Санжар чол жувон томонга қаради-да:

— Ичишга бирон ниманг борми? — дея сўради шивирлаб.

— Эсим курсин, — деди Зулайҳо бошини ушлаб, — шунга қолганда склерозлик қилибман, почча.

— Бўлмаса аммангга пул бер, битта вино олиб келсин. Бўлмаса ҳозир ўлиб қоламан.

Зулайҳо кулди. "Дардинг бошқа экан-ку, сассиқ чол, — дея хаёлидан ўтказди. — Аммам бўлса сени касал бўп колди, деб қуийб-пишиб ётибди".

— Аммамни нима киласиз, менинг ўзим оёғим чаққон, чопиб бориб олиб келаман, — дея ўрнидан турган Зулайҳо: "Ичмай ҳар бало бўлгур", деб ичиди қарганиб кўйди.

У эшик ёнида аммасига урилиб кетишига сал қолди. Бечора кампир бор-йўғи биттагина нонни дастурхонга ўраб олиб келаётган экан.

— Вой, нега турдинг? — деди кампир жиянига мўлтиллаб қааркаркан.

— Сиз уйга кириб ўтириб тураверинг. Менинг ўзим ҳозир поччамни даволаб қўяман, — деб Зулайҳо ташқарига чиқиб кетди.

У қўлида нон, қанд-қурс, гўшт ва бир шиша ароқ солингган пакетни кўтариб келганида кампир мук тушиб ўтирап, қайнисинглисининг йўлига кўз тикиб тоқати ток бўлганидан бир-икки марта сўкинишга ҳам ултурган Санжар чол хотинини хайрон қолдириб ўрнидан турган, уй ичиди қадди букилганча у ёқдан-бу ёкка юриб турар эди. Зулайҳони кўриши билан чолнинг кўзи чақнаб кетиб, ютиниб олди-да:

— Олдин анавини чиқариб кўй дастурхонга, — деди ҳовлиқиб.

Зулайҳо пакет ичидагиларни шошилмасдан чиқара бошлиди. Ароқни эса энг охирида олди. Бунгача чол адойи тамом бўлаёзди. Шишани кўрган заҳотиёқ ҳали у дастурхонга кўйилмасидан икки кўллаб унга ёпишди.

— Ўзимнинг жононим, тиниқлигингдан аканг айлансин, — деди ва шишани бир-икки марта ўпиди ҳам кўйди.

Кампир унинг қилиқларига ҳечам ажабланмади. Зоро, у эрининг бунақа гапларини илгари жуда кўп эшитган. Келтирилган гўштдан биронта иссиқ таом тайёрлаш

учун амма билан жиян чиқиб кетишлари билан Санжар чол бирдан шишанинг оғзини очди.

— Сени неча кунлардан бери кўрмайман. Мени адойи тамом қилдинг-ку, — деди у шишага қараб кўзида ёш билан, қултиллатиб пиёлага куяр экан. — Овозгинангга жоним садақа, қулт-қулт.

Зулайҳо билан аммаси таомни тайёрлаб кириб келишганида чол аллақачон "ширингина" бўлишга улгурган, бор-йўги икки пиёлагина ичилган шишани кучоқлаб олганча кўшиқ айтиш билан овора эди.

— Поччам отдаи бўп кетибдими? — деди Зулайҳо аммасига қараб.

— Буни қара-я, дорисини сен биларкансан. Энди қачон ётиб қолса сени чақираман.

Санжар чол ҳар қанча маст бўлмасин, айнимади. Қайтанга ҳар хил латифалар айтиб, амма-жиянни кулдириб ўтириди.

Тамадди нихояланганидан кейин Зулайҳо Холида кампирга беш-олти кун туришини айтиб, бошқа хонага ўтдида, кийимларининг ҳаммасини жомадонидан чиқариб, уй бурчагига авайлаб тахлаб кўйди. Чунки иладиган ҳеч нарса йўқ эди. Сўнг эри тўғрисида аввал ёзганларини олиб ўқиб чиқди. Кўнгли тўлмади, нимадир етмаётгандай туюлаверди. Шу боис, бошқатдан ёзишга тушиб кетди.

\* \* \*

...Йигитнинг нафрат тўла гаплари Фаррухнинг юрагига наштар санчгандай бўлди. Бургут газаб билан Музффарга яқинлаша бошлади. Рақиб бироз орқага тисарилиб, хунук иржайди ва яқинлашиб келаётган Бургутнинг кўкрагини мўлжал килиб сакраб тепмоқчи бўлганида Фаррух чап бериб қолди-ю, тезлик билан рақибининг жағига мушт туширишга улгурди. Музффар бўртиб чиқиб турган тошга орқа мияси билан урилдию, типирчилаб, жон берди. Чўпоннинг ўкириб юборган овозини Бургутнинг йигитларининг ҳайқириклари-ю қарсаклари босиб кетди.

— Бас! — дея қичқирди Фаррух.

Бирдан ҳамма тинчиди. Бургут чўк тушганча сочиниғижимлаб, айюҳаннос солаётган чўпоннинг ёнига келдида:

— Мен хоҳламагандим. Кечириңг, — деди.

Чўпон йиглашдан тўхтамай, қарғана бошлади:

— Сенгаям бокқан бало бордир...

Унинг гапидан Аҳмат аканинг жони чиқиб кетди.

— Нималар деяпсан? Ўғлингнинг ўзи шуни истади-ку, ўзига-ўзи орттириб олди-ку, яна сен бирорни айбдор қила-япсанми?!

Чўпон унга жавоб қилмади.

— Кўйинг, — деди Аҳмат аканинг елкасидан тутган Бургут. — Кетдик.

Машиналар қандай тез пайдо бўлган бўлса, худди шундай тезликда кўздан ғойиб бўлди. Чўпон ити билан ўғлингнинг жасади ёнида ёлғиз ўзи бош эгганча қолаверди.

Қишлоқда Фаррухнинг ваҳимали пайдо бўлиши шовшув бўлиб кетди. Бирор у деди, бошқаси бу деди. Ишқилиб, кимки эсини танийдиган бўлса, билганича фол очди. Фаррух кетган томонда тўсатдан чўпоннинг ўғли ўлиб қолиши эса Бургутнинг қишлоқдошлари юрагига кўркув уругини сочди. Ҳамманинг гумони Бургутдан эди. "Аламини олган. Битта чўпонлик деб Фаррух одам ўлдирган экан, демак, унинг кўзига кўринмаган маъқул", дейишди баъзилар. Аммо чўпон бундай тахминларнинг ҳаммасини инкор этди. "Ўғлим бўрини қуваман, деб оёғи сирпаниб кетди-да, боши билан тошга тушди", деди у. Гарчи шундан кейин ваҳима бирор пасайган эса-да, айримларнинг кўркуви барибир юракни тарк этмади.

Чўпоннинг оғзидан раис хақидаги гапни эшитганида Бургутнинг соchlари тиккайган, ҳамма нарсани ташлаб югуриб боргиси, ўзини минг бир балоларга гирифтор қилган одамни қиймалаб ташлагиси келган эди. Аммо Музаффар унинг ниятини бирор орқага суриб юборди. Шу боисдан хам Бургут машинага ўтириши билан ҳайдовчига шаршара томон ҳайдашни буюрди.

Моҳирўй Фаррухнинг мақсади нима эканлигини билмаса-да, кўнгли қандайдир ноҳушликни сезди. "Кўйинг шуларни, яххиси, орқага қайтайлик", деб айтмоқчи бўлди. Аммо кўрқди. Фаррух Музаффар билан рўпара бўлганида, бир гап билан атрофдагиларнинг попугини пасайтириб кўяётганида нимасинидир дадасига ўхшатиб юборди. "Наҳотки биттасидан қутулиб, иккинчисига тутилган

бўлсам? Булар нега тинчгина яшашни исташмайди", дея хаёлидан ўтказди. Бироқ бу ўйларнинг биронтаси хам унинг Бургутга бўлган оташин мухаббатини совута олмади.

Шаршарага кетадиган йўлни Бургутнинг ўзи кўрсатиб кетди. Баланд-паст йўллар, жарликларнинг ёnlаридан ҳайдовчилар омон-эсон ўтиб олишди. Шаршарага тахминан икки километрча қолганида Фаррух машинани тўхатишни буюорди.

— Бу ёғига, — деди у машинадан тушиб, — менинг бир ўзим кетаман. Сизлар шу ерда кутасизлар.

— Нега? — деди Аҳмат ака. — Бундай йўл тутишинг анча хавфли. Ҳаммамиз бирга борганимиз маъкул.

— Ваҳима бўлиб кетади. Мен у ерда кимлар борлигини билиб қайтаман, холос. Ишлар кейин бўлади.

— Менам сиз билан бирга бораман, — деди Моҳирўй ҳам машинадан тушиб.

— Йўқ, сиз чарчаб қоласиз. Ўзи шундогам базур юрибсиз, — деди Бургут унга қараб бошини чайқар экан.

— Сизсиз кўрқаман, — деди кўзига ёш тўлган қиз.

— Энди кўрқманг, Аҳмат ака сизни ҳеч кимга хафа килдириб қўймайди. Қолаверса, шунча йигитлар сизни кўриқлашади. Менинг ўзим тез бориб қайтаман.

— Барибир, — деди Аҳмат ака Бургутнинг кўлидан ушлаб, — ёлғиз ўзинг кетишинг ярамайди. Йигитларнинг ҳеч бўлмаса иккитасини ўзинг билан ол. Менинг ўзим борар эдим-у, лекин ярамайман, деган хавотирдаман-да.

Фаррух унга бироз қараб турди-да, кейин индамай ортига бурилиб кета бошлади. Аҳмат аканинг имоси билан иккита йигит Бургутга эргашди.

Бургутнинг кўнглидаги ўч олиш хисси борган сари ортиб кетаверди. Аввалига раис ва унинг атрофидагиларни кўриб, вазиятни билиб қайтмоқчи эди. Аммо шаршарага яқинлашгани сайин нияти ўзгараверди. Охири у: "Раисни кўрганим заҳоти тилиб ташлайман", деган қарорга келди. Лекин бироз юрганидан кейин бу фикрдан ҳам қайтди. Бекарор бўлиб қолди. Тўхтади-да, чордона қуриб ўтириб олди. Йигитлар таажжубланишди.

— Ўтиинглар, — деди Бургут уларга қараб илжаяр-

кан. — Одам ҳар-ҳар замон дам олишниям билиши кепрак.

Фаррухга хос эмасди бу гап. Ўзидан деярли етти-саккиз ёш катта одамларга нисбатан бундай дейиш беўхшовроқ эди. Лекин у шундай деб айтди. Мияси ғовлаб кетганидан, чорасизликдан айтди. Йигитларга оғир ботиш-ботмаслигини ўйламади. Умуман, бу йигитлар кўчанинг одамлари эдилар. Улар ўзларидан зўр одам онасидан олиб сўккан тақдирдаям ғиринг демасди. Уларнинг энсаси қотишига сабаб бошқа нарса эди. Яъни, Фаррухнинг ўтириб олгани-ю, қанақа дарди борлигини айтмаётгани.

—Мен сизларга келманглар, дегандим-ку, — деди Бургут йигитларнинг норозилигини сезиб.

Фаррух бошини эгди-да, нима қилиш кераклиги ҳақида ўйлади. Раиснинг майшат қилаётганлигини кўриб қайтишдан маъно топмади. Шунингдек, унга ҳамла қилишнинг ҳам вакти эмасди. Шунча одамни етаклаб келиб, яна ҳеч нарса қилмасдан олиб кетиши... Бургутнинг обрўси тушиб кетиши ҳеч гап эмас. У шундай йўл тутиши керак эдики, ҳаммаси хамирдан қил суургандай силлиқ кетиши даркор.

—Кетдик, — деди Фаррух кутилмаганда ўрнидан сакраб туриб, — кўрайлик-чи, мешқорин раис нима ишлар билан шуғуланаётган экан?

Бургут аввал ўзи гувоҳи бўлган манзарани кўраман, деб ўйлаган эди. Адашди. Майшатбозлар орасида амалдору унинг даражасидаги одамлар кўринмади. Агар бўлганида, раис томоғи йиртилгудек бакириб кулмас, дастурхон бошида думалаб ётмасди. Балки қўли кўксида, елиб югуриб хизмат қилиб юрган бўларди.

Бургут майшат қилаётганлар орасида новча ҳам борлигини кўрди. Қони қайнади. Лекин жойидан жилмади. Ўткир нигоҳлари билан уларни кузатиб турди. Сўнг:

— Сиртлон, нима қилиш кераклигини биласанми? — дея сўради ёнидаги йигитларнинг биридан.

— Ҳозир уларнинг ҳаммаси итдай ичган. Молдан фарқи йўқ. Бориб биттама-битта тинчитиб ташласак ҳам бўлаверади, — деди Сиртлон айшу ишрат билан шуғуланаётганлардан кўзини узмай.

— Бўлмайди, — деди Фаррух унга бир қараб қўйиб, — мен номард эмасман. Ўзимдан ожизларга қўл кўтартмайман. Ҳозирча кайфу сафо қилиб олишсин, кейин ҳисобкитоб қиласми.

Бургутнинг бунчалик тез қайтиши Аҳмат акани ажаблантириди. У икки соатдан зиёдроқ кетишиса керак, деб ўйлаганди. Шу боисдан ҳам машина ўтиргичини дараҳт соясига қўйиб, оёқларини узатганча чўзилиб ётарди. Арчазор орасидан Фаррухнинг чиқиб келаётганлигини кўрганидан кейин ўрнидан туриб кетди.

— Тинчликми? — дея бакириб сўради уларнинг етиб келишини ҳам кутмай.

Жавоб бўлмади. Аҳмат акага бир қараб қўйган Бургут бошини эгганча келаверди. Фаррух кетганидан машинанинг ичига кириб олган, кўз ёш тўкиб Бургутнинг эсономон келишини худодан тилаб ўтирган Моҳирўй Аҳмат аканинг овозини эшитиб машинадан тез тушди. Уни кўрган Фаррух жилмайди, қадамини тезлатди. Худди шу маҳал Моҳирўйнинг нозлангиси келди. Айни дақиқада бунинг ўрни эмаслигини билиб турарди. Лекин шундай қилгиси келиб қолди. Бунинг сабабини ўзи ҳам билмайди. Чопқиллаб арчазор орасига кириб кетса-ю, орқасидан Фаррух кидириб борса, у йигитнинг жиғибийрон бўлиб излаётганлигини кўрса, лекин йигит уни ахтариб тополмаса. Ҳаммаси худди эртақдагидай бўлса. Оти ўчгур ғам-ғуссанинг соясиям кўринмаса. Аммо у арчазор орасига югуриб кета олмади. Оёғи худди ерга михлангандай жойидан қимирломай тураверди. Бургут унинг ёнига етиб келди-да:

— Зериктириб қўймадимми? — дея сўради.

Унинг бу саволи қизнинг аччиғини чиқарди. "Энди топишган бўлсаг-у, бу кишим қандайдир ишига ўралашиб, мени ёлғиз ташлаб кетса. Бунинг устига, берган саволини-чи?", дея хаёлидан ўтказди. Фаррух Моҳирўйнинг сочини силаб қўйди-да, Аҳмат аканинг ёнига бориб:

— Орқага қайтамиз. Эртага отамнинг маъракасини ўтказимиз керак. Уни ўтказмай туриб, мен бирон ишга қўл уролмайман, — деди.

Намоз ўқишини бошлаганидан бери диний масалаларга

жиддий ёндашадиган бўлиб қолган Аҳмат ака унинг гапини дарров маъқуллади.

— Сени тушуниб турибман, — деди у. — Худонинг бошқа кунлариям бор-ку.

Улар қишлоққа қайтиб боришганида Музafferнинг тобути эндиғина ердан узилган эди. Фаррух машинадан сакраб тушиб, мозор томон шошаётган одамлар қаторига кўшилди. Унинг йигитлари, Аҳмат ака ҳам унга эргашишиди. Чўпон Бургут уялмай-нетмай ўзи ўлдирган одамнинг тобутини кўтараётганлигини кўрганида жони ҳалқумига келди, кони қайнади. Аммо ёлғони ошкор бўлиб қолмаслиги учун аламини ичига ютди. Бунинг устига, у Фаррухдан қўрқди. Лекин шундай бўлса-да, юрагидаги қасос истаги гуркираб ёнаётган аланга мисоли вужудини кўйдирмоқда эди. У ўч олишни кўнглига тугиб кўйди.

Фаррух уйига қайтганидан кейин бироз дили ёришди. Йигитлари Баҳромкул бобо олиб келган қишлоқдошлари билан бирга уйни анча саранжомлаб қўйишганди.

— Мана шу менинг уйим, — деди у тўртта чордевордан иборат, вайронага айланган иморатга ҳайратланиб термилганча котиб қолган Моҳирўйга. — Мен бу ерда яшаётган пайтимда сал тузукроқ эди. Қаровсиз қолганидан кейин ҳар бало бўларкан.

— Ота-онангиз-чи? — деди Моҳирўй.

Фаррух жавоб бермоқчи бўлганида томогига бир нарса тиқилди. Гапиришга қийналди. Шу боисдан ҳам индамай қўяқолди. Кўзида пайдо бўлган ёшни кўрсатмаслик учун уйнинг ичига кирди. Димогига туриб қолган чиқиндининг ачимсиқ иси ҳиди гупиллаб урилди.

\* \* \*

Уйига важоҳат билан кириб келган амалдорнинг фифони фалакка чиқди. Зулайҳо ҳеч қаерда йўқ, унинг қаерга кетганлигини ҳам ҳеч ким билмасди. Хизматкорларнинг довдираб, қалтираб айтган гаплари: "Икки чамадон нарсаларни таксига ортди-да, қаёkkадир жўнаб кетди, бизга ҳеч нарса демади", бўлди. "Итдан тарқаган, олдиндан билган экан-да", дея хаёлидан ўтказган Турғун Фаниевич шитоб билан Достоннинг хонасига кирди. Эркатой ўғил бегам-беташвиш пишиллаб ухлаб ётар эди. Ҳар қанча

қони қайнаган, унча-мунча нарса тўхтатиб қолиш мушкул бўлган амалдор Достонга термилиб қолди. У ухлаётган болада ўзига ўхшаб кетадиган жиҳат қидирди. Тополмади. "Шунчалик гўл эканлигимни билмаган эканман", деб ўйлади ва ёнидан тўппонча чикариб Достонга яқинлашди. Аммо отолмади. Болага нисбатан меҳри бор экан, ана шу меҳр уни бундай иш қилишдан тўхтатиб қолди.

Турғун Фаниевич чукур сўлиш олиб уйдан чиқиб келди. Унинг қўлидаги тўппончани кўрган Бахтиёрнинг капалаги учиб кетди.

— Нега безрайиб қолдинг? — деди унинг ёнидан ўтаётган амалдор. — Отганимда эшитардинг-да.

Хўжайиннинг гапидан Бахтиёр бирдан ўзига келди ва Турғун Фаниевичнинг оркасидан эргашди. Амалдорнинг мияси ғовлаб кетган, нима қилишни билмас эди. Бир зум: "Шу нарсалар менга керакмиди, нима қилардим битта бошимга шунча ташвиш орттириб? Тинчгина яшайверсан бўлмасмиди?" — деган ўй хаёлига келди. Аммо бу ўй ўзини тиклаб олишига улгурмай, иккинчиси уни қувиб солди: "Бунақа маҳлукдар ичидан мен барибир ҳар қандай шароитда ҳам ҳозирги ҳолимда бўлардим. Одамлар мени қўриш тугул, номимни эшитиши билан титрайди. Бу баччагарнинг қизи бўлса ўзига ўйнаш орттириб олибди-я, яна бу гапни мен шунча одамларим орасида эшитдим. Обрўйим сариқ чақаданам арzon бўп кетди. Энасини эмсин! Аввалдан бундан кутулмоқчи бўлгандим. Энди кўрасан, мегажин..."

У чорпояга ҳолсиз ўтириди-да, хизматкорлардан бирини имо қилиб чақириб, пиво олиб келишни буорди. Хўжайиннинг асаб толалари бироз жойига тушганлигини сезган Бахтиёр секин ёнига кедди-да:

— Битта сауна қилиб дам олинг, — деди.

Амалдор унга жавоб қилмай, келтирилган пивони худди чўлу биёбонда қолиб кетган одамдай ютоқиб сипкорди. Сўнг оғзини кафти билан артганча:

— Бўпти, мен кетавераман, сен бўлсанг, ўша ёққа янгангнинг калласини олиб борасан, — деди.

Бахтиёр бу гапни кутмаган эди. Жойида музлагандек қотиб қолди. У юрариниям, юрмасиниям билмас эди.

— Кулогинг том битганми?! — дея бакириб юборди унинг кўқайиб туришини кўрган Турғун Фаниевич.

— Хўжайнин, гапингизни яхши эшитдим. Лекин янга...

— Лекин-пекини йўқ. Сен бажар, вассалом!

Бахтиёр "хўп" дегандек бошини оғир кимирлатиб кета бошлиганида амалдор унга яна бир марта бўкириб, Зулайҳони қаердан топишини сўраганида, Бахтиёр "қидириб топаман", дея жавоб қайтарди.

— Қидириб топишингга менинг сабрим чидамайди, Н. шахрига бор. У ерда манжалакининг аммаси яшайди. Менимча, ўша ёққа кетган. Кўрган заҳотинг калласини ол, — деди амалдор.

У бу гапни жаҳл билан айтмади. Ерга қараб, паст овозда айтди. Гуё гапида иккиланиш бордай эди. Бахтиёр ўша иккиланишни сезди. Лекин сезмаганга олди ўзини.

\* \* \*

Хатнинг охирига нукта қўйишидан аввал Зулайҳо "Агарда тезда етиб келмасанглар, эҳтимол, мен ҳам бу дунёдан кетишга улгурган бўларман..." деб ёзди. Шундан сўнггина охирги нуктани кўйди. Сўнг ёзганларини бирор ўқиб қоладигандек шоша-пиша буклаб конвертга солиб, уйдан чиқди. Ташқарида "нажот фариштаси"ни интиқлик билан кутаётган кампир Зулайҳони кўриб, хурсанд бўлиб кетди.

— Холида амма, — деди Зулайҳо жилмайиб, — сизга кичкинагина илтимос чиқиб қолди.

— Вой, амманг ўргилсин, қандай илтимосинг бўлса, айтавер, жон деб қиласман, — деди кампир ёшига ярашмаган чакконлик билан ўрнидан тураркан.

— Манави хатни почтага ташлаб келинг. Ўзим чиқардим-у, бошим оғриб турибди. Йўл ҷарчоги бўлса керак. Озгина дам олмасам бўлмайдиганга ўхшайди, — деди Зулайҳо афтини буриштириб.

Амма яна икки-уч марта айланиб-ўргилганидан кейин жиянининг кўлидан мактубни олди-да, дарвоза томонга шошиб юрди. Унинг орқасидан кулиб қараб қолган Зулайҳо хар қандай ёшдаги одамни пул ўзининг истаган қўйига солиши мумкинлигига яна бир марта амин бўлди.

Зулайҳо уйга қайта кириб, кўрпача ёзиб, унга чўзилди.

Ҳадеганда уйкуси келавермади. Ўтган умрини бирма-бир хотирлай бошлади. Афсусланди. Алам қилди. Кўзларидан ёш сизиб чиқди. "Ўлиб кетсин ҳаммаси, — дея пи-чиirlади лаблари. — Қизига уйланмаса ундан нарига ўтиб кетмасмиди, нима ишим бор эди?! Машатимни қилиб юраверсам бўлмасмиди? Аслида, бошқа эркак билан бўлишингаям шу падарингга лаънатнинг ўзи сабабчи. Мени нари қилди. Ўзимам биттанинг ёнига бормасдан, бир нечта қилганимда яхши бўларкан. Ҳеч бирига кимлигимни айтмасдим. Балки бекорга хавотир олаётгандирман. У ҳеч нарсадан хабар топмагандир. Хатни қайтарсамми?.. Ўлсин, нима бўлса бўлди энди, шу пайтгача биронтаям қилган ишимни бузмаганман. Шу ҳаётимдан йўқолса йўқолиб кетсин".

— Амманг келмадими? — дея Зулайхонинг хаёлини бўлиб юборди Санжар чол эшикни очиб. "Падарингга лаънатда фаросат деган нарсанинг уруғиям йўқ. Тўғри келган жойга тумшуғини тиқиб кетаверади", дея пи-чиirlади аёл.

Ичкилик чолнинг ҳамма аъзоларини ишдан чиқараёзган эса-да, унинг қулоги ҳали-ҳамон аниқ-тиник эшитарди. Лекин у Зулайхонинг гапларидан асло хафа бўлмади. Тўғрироғи, хафа бўлишини истамади. Навбатдаги ароғини, усиз қийналиб қолишини ўлади.

Шу боисдан ҳам жилмайди-да, эшикни ёпди. Бу пайтда дарвоза ёнида бегона машина тўхтаган эди. Санжар чол Турғун Фаниевич хотинининг орқасидан келган хаёл қилиб, дарвозага қараб турди. Лекин тезда у тақиллайвермади. "Кўшниникига биронтаси келгандир", — деб ўйлаган чол энди уйига кирмоқчи бўлганида, «ғийқ» этган овоз келди.

Санжар чол ортига бурилиб, иккита барзангининг ҳовлига кириб келаётганинги кўрди. Чол ҳеч қандай ёмон хаёлга бормасдан, уларнинг истиқболига юрди.

— Зулайҳо келдими? — дея сўради Бахтиёр чолнинг узатган кўлини ҳавода қолдириб.

Чол келган "мехмон"дан бунака муомала кутмаган эди. Ўз навбатида уй эгасининг безрайиб туришини кўрган Бахтиёрнинг жаҳли чиқди. Саволини бошқатдан, бир поғона баландроқ қилиб такрорлади.

Қулоғига таниш овоз эшитилган Зулайхо ўрнидан сапчыб турди-да, секин деразадан ташқарига мўралади. У ҳовлида Бахтиёрни кўриб, юраги орқасига тортиб кетди. Кўзидан бирдан ёш сизиб чиқди. "Бунчалик тез, — дея хаёлидан ўтказди у, — ҳали вакт бор эди-ку!" Унинг оёқ-кўлларидан дармон кетди. Беҳолланиб дераза рахига суянганча ўтириб қолди. Кейин юзини кафти билан бекитиб йиғлашга тушди. Кўз ўнгидан яна бир бора ёшлик дамлари, ундан кейинги ҳаёти ўта бошлади. У мана шу ҳаёллари тўхташини ҳечам истамасди. Аммо ўжар вақт унинг измига мутлақо бўйсунмасди. "Чора, чора керак менга, нима бўлсаям кутулиб қолишим зарур", — деб ўйлади у ва атрофга олазарак боқди. Шунда унинг кўзи деворда осиғлик турган жойнамозга тушди-ю, юзи ёришиди.

— Бир оёғинг гўрнинг лабига келиб қолган бўлсаям молдай ичибсан-да, гапир, сассиқ чол, — деди Бахтиёр кошлари чимирилиб.

— Одамдай, — деди Санжар чол. Унинг оғзидан бу гап кутилмаганди чиқиб кетди. Чол шунақа деб гапираман, деб ўйламаган ҳам эди. — Моллар ароқ ичмайди.

Унинг гапи Бахтиёрнинг кулгисини қистатди. Бирок у кулмади. Қовоини баттар уйди. Сўнг чолни нари суриб, уй томонга юрди.

Бахтиёр Зулайхонинг киблага мутлақо тескари томонга карата жойнамоз ёзиб олганлигини кўргач, қаҳ-қаҳ отиб кулиб юборди.

— Янга, — деди у, — намозни бошқа томонга қараб ўқийдилар.

Зулайхо унинг гапига парво ҳам қилмасдан жойнамозга ётиб туришда давом этди. Ҳеч нарсани билмасаям ўзича бир нималарни пичирлаб ўқий бошлади. Бахтиёрнинг бундан баттар завқи келди. "Майли, астойдил намоз ўқимоқчи экан, бироз ўз холига қўяйин, билганини қилиб турсин", дея хаёлидан ўтказди у ва эшикка суюниб ўтирди. Шу пайт унинг орқасидан иккита шериги ҳам етиб келишди. Бахтиёр уларга қараб лабига кўрсаткич бармоғини қўйди-да, "Тсс, намоз ўқияпти", деди илжайиб. Йигитлар ҳам унинг ёнига чўк тушишди. Бири ёнидан сигарета олди-да, тутатди.

Зулайхонинг намози чўзилиб кетди. Унинг ўзи ҳам ҳадеб пичирлайверишдан зерикиб кетиб, шунчаки думалаб тураверди. Охири бели оғриб қолди. Пешонасидан тер оқиб чиқди. "Балки, улар мени фақат олиб кетишгани келгандир. Мен бўлсан ҳар хил bemаза хаёлларга бориб ўтирибман қаёқдаги хизматкорларнинг олдида паст кетиб. Ҳозир бундай қийналишни тўхтатаман-да, яхшилаб буларни тузлайман. Шунда сичқоннинг уйи минг танга бўлиб, келгандарига пушаймон еб жуфтакни ростлаб қолишади", дея у ўзи учун хуш ёкувчи хаёлга борди. Аслида унинг бундай ўйга бели оғриб қолгани сабаб бўлганди. Юрагидаги кўркув ҳали-ҳамон ўзини билдириб турарди.

— Пишириб қўйганмиди бу ерда? Кутулиб бўладими-йўқми сенлардан? Йўқол ҳамманг! — деди жувон ясама дағдага билан жойнамознинг устида ўтириб олганча.

— Қойил, — деди Бахтиёр мийигида кулиб, — ҳар қандай шароитда ҳам ўзингизни йўқотмайсиз. Лекин сизга бир нарсани айтиб кўяйин. Биринчидан, киблага тескари бўлиб олиб, бир нарсаларни пичирлаган одамни худоям кечирмаса керак. Иккинчидан, бу ердан сиз билан бирга кетамиз. Хохласангиз ҳам, хоҳдамасангиз ҳам шу. Дўйқ-пўписа қилиб мени қўрқитаман деб ўйламанг. Бундан беш-олти соат олдин шундай қилганингизда, гап йўқ эди. Энди ҳаммаси тамом бўлди...

Бахтиёрнинг гапи охирига етмай қолди. Кўчада қоқилиб кетиб, белини чиқариб қўйишига сал қолган Холида кампир оқсоқланганча дарвозадан ҳовлига кирган захоти чолидан учта барзангидай йигит келганлигини эшилди-ю, шоша-пиша уй эшигини очасола:

— Куёв курмағур бир кунам жиянимиз туролмайдида, ўзи ҳозиргина келувди, дарров опкетиб қолмангларда, — деб қодди.

— Энди, момо, — деди Бахтиёр, — булар бир-бировиға қаттиқ боғланиб қолишган-да. Жиянгизам тез орқамдан одам жўнатинг деган экан. Мана, келиб турибмиз. Чол-кампир уйга кириб турингизлар, биз аввал янга билан гаплашиб олайлик. Балки у киши шу ерда қолар.

— Майли, ишқилиб, олиб кетмасанглар бўлди. Биринки кун бағримизда яйрасин, — деб кампир чоли билан бирга ўзининг хонасига кетди.

— Жа кўп вақт йўқотиб юбордик, — деди Бахтиёр улар кетганидан кейин. — Ишни бошласак ҳам бўлар энди.

Зулайхонинг юраги шув этиб кетди. Бахтиёр йигитла-рига ҳовлидан ўра қазишни буюрганида эса бутунлай адойи тамом бўлди. Бироқ шунда ҳам буткул умидсиз-ланмай, амалдорнинг "ўнг кўли" бўлмиш Бахтиёрнинг кўзларига синовчан тикилди.

\* \* \*

— Мен сизни хафа қилиб қўяман деб ўйламагандим, — деди Моҳирўй Фаррухнинг орқа томонидан келиб, елкасига осилар экан.

— Менинг ҳеч кимим йўқ, ҳаммасидан айрилиб бўлган-ман. Сизни биринчи марта кўрганимда яқинларим бор эди. Отам тирик эди. Энди эса йўқ. Қабрга қўйиш мен-дай фарзанднинг кўлидан келмади... Агар менам ўлади-ган бўлсам, чўпон авлодининг уруғи курийди...

Фаррух кўз ёшини кўрсатмаслик учун ортига ўгирил-мас, имкон қадар овозидаги титроқни яширишга уринарди. Аммо қиз ҳаммасини сезиб-билиб турарди.

— Насиб этса, давом этади, мана кўрасиз, — деб юборди Моҳирўй ўзи ҳам сезмаган ҳолда.

Қиз йигитни ўзига қаратмоқчи бўлди. Лекин Фаррух унинг хохишига бўйсунмади. Қиз боланинг олдида кўз ёши тўқаётганидан уялди. Шунда Моҳирўйнинг ўзи унинг олд томонига ўтди-да, оппоқ бармоқлари билан Бургут-нинг кўзидаги ёшни оҳистагина сидириб қўйди. Сўнг лабидан нозиккина бўса олди.

Фаррух рўпарасидаги кизнинг пойига тиз чўкиб оёқла-рига бош ургиси, йиглаб-сиктаб бор ҳасратларини унга тўкиб солгиси келди. Лекин бу шаштидан қайтди (Эҳти-мол, қамоқхона «ҳаво»сини олиб чиқмаганида шундай ҳам қилиши мумкин эди). Ўрнига қизни қучоқлади, соч-ларидан ўпди ҳамда қўлини мушт қилиб онт ичди: "Энди ўлсам ўламанки, сени бировга бериб қўймайман. Агар берсам, етти пуштим куйиб кетсан".

Бир-бирини қўлтиқлашиб ташкарига чиқкан йигит билан қизни кўрган Аҳмат ака: "Ҳамма ишни ҳозирча бир четга кўйиб, буларнинг масаласини ҳал қилиш керак

экан", деган ўйга келди. Мулоҳазаси ўзига ёқди. Шу боис юзида табассум зохир бўлди. У шу ёшигача бирор марта ҳам бунақанги ишга кўл урмаганди. Онда-сонда унинг ҳам савобли амал қилгиси келар, лекин хеч уддасидан чиқолмасди. Намоз ўқишни бошлаганидан бери ичишни ташлади. Аёллар билан ишрат қилишни йиғишириб кўйди. «Ўзим учун ўзим савоб қилдим», деб сал енгил тортиб юрган эди. Жума намозини ўқиш учун масжидга борди-ю, хафсаласи пир бўлди. Намоз аввалида маъруза қилган қори, худди унинг ичидагини уқиб олгандай, факат намоз ўқишу ароқ ичишни ташлаш билан одам покланиб қолмаслигини айтганидан сўнг ичидан зил кетди. "Мен қори айтганини қилолмасам керак. Агар унинг айтганини қиласидиган бўлсан, ўша куннинг ўзидаёқ жанозамни ўқишиади", деган хаёлга борди. Аммо шундай эса-да, бир-икки маротаба одамларига пешона тери билан мол-дунё орттириш лозимлиги, меҳр-оқибатли бўлиш кераклиги, шундан кейингина одам жаннатга тушиши мумкинлигини гапирганида уларнинг энсаси котди. Йигитларидан бири ҳатто тап тортмай: "Ака, сиз билан танимизу жонимиз бир бўп кетди", деди. Бу гап Аҳмат аканинг суяк-суягигача етиб борди. Оғзидан бузилганнинг қорнини ёриб ташламоқчи бўлди-ю, бироқ шаштидан қайтди. Ҳозиргина бошқаларни инсофга ча-кирган эди, гапи совишга улгурмасидан унга биринчи бўлиб ўзи қарши боргиси келмади. Йигитга ўқрайиб қараб кўйиш билан кифояланди. Орадан икки кун ўтганидан сўнг ўша йигит Аҳмат акани бўшашган хисоблаб яна шаккоклик қилди. Бу сафар у очиқдан-очиқ буйруғига бўйсунмади. Шундан сўнг жаҳли чиққан Аҳмат ака унинг баҳридан ўтиб қўяқолди. Ва қамчидан кон оқмасдан туриб биронта ишни битириш мумкин эмаслигига яна бир карра амин бўлди. Бундан анча аввал — ҳали кучга тўлган йигирма беш ёшларида бу ақидага тушуниб етганди. Мана, орадан шунча йиллар ўтибдики, ўзининг суянган услубига амал қилиб келаётган эди. Намоз ўқишни бошлади-ю, ақидасини ташлаб юбориш фикри туғилиб колди. Оқибатда, сал бўлмаса, бор топганидан айрилаёзди.

— Бу юришларинг кўрган кўзга яхшимас, — деди Аҳмат ака секин уларнинг ёнига келиб. — Тўйларингни теззатиб юбориш керак.

Фаррухнинг юзида табассум пайдо бўлди. Моҳирўй эса бошини эгди. Унинг юзига бирданига қизиллик югурганди.

— Қанча тез бўлса шунча яхши, — деди Аҳмат ака қўшимча қилиб.

— Бугуноқ демассиз, — дея Бургут Моҳирўйга қараб қўйди.

— Дердим-у, лекин бошқа томонлари бор-да. Эртага маъракани ўтказиб олайлик, шу ҳафтанинг охирида сизларнинг тўйларингни қиласиз.

— Маъқулми? — дея сўради Фаррух Моҳирўйдан.

Қиз йигитнинг юзига боқди. Унинг кўзларида бир олам гина яширин эди. У аста йигитнинг қўлини қўйиб юборди-да, нари кетди. Моҳирўйнинг орқасидан Бургут кулиб қараб қоларкан:

— Уялиб кетди, — деди.

— Уялса яхши. Лекин мен уни уялтириш учун айтганим йўқ. Гапим жиддий. Тўйларингни тезлатиш керак. Бу ахволда юришинг бошқа авторитетларнинг ғашига тегади. "Босс ўзини шарманда қилиш учун ёш болани ўрнига қўйиб кетган экан-да", деган гапнинг насосини ўзингам яхши тушунсанг керак. Бу ахволда, ажабмаски, қўпчилиги биз билан алоқани узиб қўйса, — деди Аҳмат ака жиддий тортиб.

Унинг гаплари Фаррухни ўйлантириб қўйди. У бир нуктага тикилганча: "Вақти келиб ҳамманг менга бош эгасан", дея хаёлидан ўтказди. Сўнг Аҳмат аканинг юзига термулиб:

—Шундай экан, ҳафтанинг охирини кутиб ўтирмасдан, отамнинг маъракасини ўтказишимиз билан, эртасига тўйни бошлаб юборамиз, — деди.

Ўша куни улар шаҳарга қайтиб келишди. Аҳмат ака Фаррух учун алоҳида уч хонали уйни тайёрлаб қўйган экан. Калитини тутқазиб:

—Келинни уйга ўзим билан бирга олиб кетаман. Битта уйда қолишларинг шариатга тўғри келмайди. Сен хавотир олмасанг ҳам бўлаверади. Янганг, сингилларинг уни ёлғизлатиб қўйишмайди, — деди.

Фаррухнинг ҳам, қизнинг ҳам бир-биридан ажрагиси йўқ эди. Узоқ айрилиқдан сўнг эндиғина кўришганлари-

дан, дарров узоклашиб кетишни исташмасди. Лекин улар Аҳмат аканинг гапига қарши боролмас эдилар.

Маъракага қишлоқнинг деярли хаммаси қатнашди. Фаррухнинг бир кун шу қишлоқда бўлиши, мол дўхтиридан бошка хамма билан илиқ гаплашганлиги, ҳатто Музаффарнинг тобутини кўтартгани уларнинг юрагидаги кўркувни бироз сусайтирганди. Бирори самоварга ўт ёқди. Бошқаси коса-товоқ ташиди. Аллақачонлардан бери бу хонадонга қадамини ҳам босмаган қўни-кўшниларнинг хотин-халажи ҳам келиб, у-бу нарсаларга қарашиб туришди.

Фаррух қишлоқдошларидан бундай меҳр кутмаган, "Ота-бобомнинг хурматини қилишармикин? Бир маротаба келиб кетишармикин?" — деган хавотирда эди. Йўқ, адашган экан. Ҳамқишлоқларининг иттифоқчилиги унинг дилини яйратди. Аммо чўпон келмади. Баҳромқул чолга: "Бугун комиссия келади. Тоққа чиқмасам бўлмайди", деб баҳона қилибди. Бургутнинг қўнгли хижил бўлди. У чўпонининг нега келмаганлигини билар эди. Шу боисдан ҳам, таскин бўлармикин, деган умидда тайёрланган овқатлардан, қанд-курслардан битта тугунча қилдириб, йигитларидан бериб юборди. Лекин берган нарсаларига: "Ит бўлсаям ўғлимни ўлдирди у. Мен боламнинг қотилининг қўлидан ҳеч нарса олмайман. Менга ундан бошка нарса керак", деган гапни қўшиб қайтариб юборди чўпон.

"Ўша нарсани олиш қўлидан келармикин?" — деб хаёлидан ўтказди Фаррух йигитларидан чўпоннинг "тухфа"-сини қабул қиласкан.

— Индамай кетгандан қўрқиши керак, ким билади унинг нималарни ўзича мўлжаллаб юрганини? Энди бу қишлоққа келсанг, албатта, йигитлардан уч-тўрттаси ёнингда бўлсин, — деди Аҳмат ака Бургутнинг ёнида туриб чўпоннинг гапларини эшиганидан кейин.

Фаррух бош иргаб кўйди.

Режа қилинганидай, тўй якшанба кунига белгиланди. Аҳмат аканинг хотини худди қиз чиқараётганга ўхшар эди. У эридан: «Бу қиз қаердан келиб қолди? Нега мен уни оқ ювиб-оқ тараб узатишим керак экан? Ўзининг ота-онаси йўқми?» — деб сўрамади. Умуман, у Аҳмат ака

билан бир ёстиққа бош күйганидан бери, майда-чуйдаларни ҳисобға олмаганда, «Нега у унақа, нега буниси бунақ?» деган саволларни бермас, эри нимақи деса, унинг учун қонун эди. Индамасдан бажариб кетаверарди. Билардик, Аҳмат ака ҳеч қачон унга зиён келтирадиган иш құлмасди. Бундан ташқари, у эридан бирор марта ҳам калтак емаган, сўкиш эшитмаган эса-да, кўркарди. Боиси, унинг кимлигини яхши биларди.

Моҳирўй бунчалик шошиб қоламан, деб ўйламаган эди. Яхшиям Аҳмат аканинг кенжә қизи — Нодира бор экан. Моҳирўй уларникига борганиданоқ хипчабел, қорачадан келган бу қиз билан чиқишиб кетди.

— Бизникига келганингиз яхши бўлди, — деди у са-мимий табассум билан, онаси уларни ёлғиз қолдириб ташқарига чиқиб кетганида. — Роса зерикиб кетгандим.

— Менам хурсандман сиздай чиройли қиз билан та-нишганимдан, — деди Моҳирўй унга жавобан.

— Алдаманг. Сиз мендан гўзалсиз, ишонмасангиз, ой-нанинг ёнига борамиз.

— Мен сизнинг кўзингиз билан караганда чиройли-ман. Лекин менинг кўзим билан сиз бир қаранг, шунда кўрасиз, ҳақиқий гўзаллик кимда эканлигини.

— Барибир сиз чиройлисиз. Камтарлик қилманг. Моҳирўй қараса, тортишув узоқ чўзиладиган. Айни дақиқада бунга унинг вакти йўқ эди. Шумлик қилди.

— Тўйга ҳамма нарсамни тайёрлашга улгуармикан-ман? — деда сўради Нодирадан хавотир билан.

— Биргалашамиз. Улгуарсиз.

— Унда мен аввал опам билан ойимга хабарни етка-зайн, — деда Моҳирўй юмшоқ ўриндиқдан турди.

У Нодиранинг ичи тўла савол эканлигини ва бу саволларнинг мазмунини тусмоллаб сезиб турарди. Бироқ ҳозир бундай саволларга жавоб бергиси келмаётганди.

— Яхши, унда менам сизга қўшилиб бораман, майли-ми? — деди жилмайиб Нодира.

Аҳмат ака ҳовлида йўқ эди. Шу боисдан ҳам Нодира онасидан рухсат сўради. Аёл ажабланди. У: «Моҳирўй-нинг ҳеч кими йўқ бўлса керак, шунга эrim уни узатишни бизнинг зиммамизга юклаган», деган ўйга борган эди. У бироз таажжубланган кўйи рухсат берди. Ҳар эҳтимол-

га қарши, ёнларига Ахмат аканинг йигитларидан бирини кўшиб юборди.

\* \* \*

Моҳирўй ташлаб кетган пуллар ҳам тугаган, она-бона нима қиласини билмай бошларини ушлаб турганларида, эшик тақиллаб қолди.

— Менимча, ЖЭҚдан. Кечаям келишганди. Эртагача пулини тўғрилаб қўйинглар, дейишганди, — деди Марҳабо онасига пешонасини тириштириб қааркан.

— Мен ўзим эшикни очаман. Яна биронта баҳона топарман, — дея аёл ўрнидан оғриниб турди-да, оқсоқланга-оқсоқланга эшик ёнига бориб, «очсамми-очмасамми», деб бироз туриб қолди.

Шунда эшик яна тақиллади.

—Хозир, хозир, — деди аёл синик овозда ва қалитни бураб эшикни очди-ю, донг котди.

Остонада Моҳирўй жилмайиб турарди.

—Болам! Ўзимнинг қизгинам! — дея аёл йиглаб юборди.

Моҳирўй бирдан унинг бўйнидан қучоқлаб олди-да, юзидан ўпди.

—Мен келдим! — деди қиз шўх овозда.

Аслида унинг ҳам бўғзига йиғи тиқилиб турарди. Йиглаб юбормаслик учун атайлабдан ўзини шўх-шодон кўрсатмоқчи эди у.

Аёл анча муддатгача Моҳирўйни қўйиб юбормади. Гапирай дейди, гапиролмайди. Нима дейишини ҳам билмайди. Нукул кўзидан ёш оқади.

—Ойи, менгаям навбат беринг, — деди онасининг орқасида турган Марҳабонинг тоқати тоқ бўлиб, — менам кўришайин.

Унинг гапидан кейингина аёл Моҳирўйни бўшатди.

Кўришишлар ниҳоясига етганидан сўнг Моҳирўй уйга таклиф қилинди. Икки қават кўрпача солинди-ю, аммо дастурхон ёзилмади. Чунки унга қўйиладиган нарсанинг ўзи йўқ эди. Моҳирўй бунга эътибор ҳам қилмади. Аммо Нодира ажабланди ва уйга бир кур назар ташлаб, деворнинг оҳаги сарғайганлиги, унда-бунда сувоги ҳам кўчганлигини кўрганидан кейин излаган саволига жавоб топгандай бўлди.

— Мен янгилик билан келдим, — деди Мохирўй бир опасига, бир онасига қараб.

— Қанаканги янгилик? — дея сўради бирдан кўзлари катта-катта бўлиб кетган Марҳабо.

— Бизнинг уйгаям янгилик келаркан-ку, — деди хурсанд бўлиб кетган аёл.

— Ишқилиб, тинчмисан? — деди тобора хавотири ку чайиб бораётган Марҳабо.

— Ҳа, опажон, ҳаммаси жойида. Мен турмушга чиқа япман!

— Кимга?! — бирдан она-бала жўр овозда сўраши.

— Ўша ўзим яхши қўрган одамга, — деди бир дам шодлиги йўқолган Мохирўй.

— Нега бунча тез? — сўрашда давом этди Марҳабо. — Ишқилиб...

— Опажон, ҳечам хавотирланманг, ҳаммаси жойида. Юзингизни ёруғ қиласан. Мана кўрасиз. Ишонинг менга!

Марҳабо синглиси томон сурилиб ўтириди-да, унинг соchlарини силади.

— Ойи, — дея онасига қаради у кўзларида жиққа ёш билан, — Мохирўй иккаламиз шу кунгача бир нарсани сиздан яшириб келаётган эдик.

— Нималар деяпсизлар, икковингнинг ҳам гапингга тушунмаяпман. Бировинг эрга тегаяпман, дейсан, иккинчинг мендан яширган нарсангни айтасан. Ёки шунчалик овсар бўп қолдимми?! — аёлнинг сўнгги гаплари қалтираб чиқди.

— Ойи, — деди Марҳабо бошини эгиб, — Мохирўй сизнинг йўқотган қизингиз бўлади. Синглим бу менинг, ҳақиқий синглим!

— Билардим! — дея кичкириб юборди аёл. — Кўнглим сезган эди! Адашмабман!

Аёл бошқатдан Мохирўйни кучоклади. Она-бала талай муддат йиглаб ўтиришиди. Ҳалигача бошини эгиб турган Марҳабо ҳар-ҳар замон бурнини тортиб кўяр, кўз ёшлирини кафти билан артарди. Нодира эса буткул ҳайратланаб қолганди.

— Қизим, — деди ниҳоят аёл бошини кўтариб, — ишқилиб, баҳтли бўлгин. Илло-билло, мен билан опанг-

нинг куни бошингга тушмасин. Орамизда ҳеч курса сен баҳтли бўлгин.

— Ойижон, насиб этса, ҳаммамиз баҳтли бўламиз!

Нодира тўсатдан оҳиста шивирлади:

— Моҳирой опа, кетадиган вақтимиз бўп қолди.

— Ҳозир, — деди Моҳирой ва бошини кўтариб кўзи-даги сўнгги ёшларни ҳам артди-да, жилмайди. — Эсим курсин. Бу қиз менга ҳам дугона, ҳам сингил бўлади, исми Нодира.

Аёл Нодира билан сўраша кетди. Моҳирой жиянчаси-нинг бешиги ёнига бориб, ухлаб ётган Орзунинг юзини майин чимди-да, сўнг чўлпиллатиб ўпиб кўйди. Шундан сўнг Марҳабо ўрнидан туриб ошхона томонга кетди ва шу ёқда туриб синглисини чакирди.

Моҳирой борганидан кейин ундан уйдан чиқиб кетга-нидан бери нималар бўлганлигини бирма-бир сўради. Сингил гоҳ йиглаб, гоҳ кулиб бошидан ўтганларнинг ҳаммасини қисқагина гапириб берди.

— Хайрият, — деди Марҳабо, — худонинг ўзи сени асрабди. Бундан буёғига эҳтиёт бўл. Ҳар қалай, куёвнинг юрган йўли нозикка ўҳшайди. Қадамида қоқилиб қоли-ши ҳеч гап эмас.

— Биламан, — деди Моҳирой бош эгиб, — анави да-дам ҳам шунақа. Атрофига хар хил одамларни тўплаб олган.

— Ишқилиб, синглим, бошинг тошдан бўлсин-да. Ойим айтганидай, сен баҳтли бўлсанг, бизнинг қувончимиз шу.

— Раҳмат, — деб Моҳирой опасини қучоқлаб юзидан ўпди.

Улар қайтиб киргандаридан кейин Нодира Моҳиройга безовта қараш қилиб кўйди. Бу унинг: «энди бўлди, ке-тайлик», деганидан далолат эди.

— Майли, биз борайлик, ойижон, — деди Моҳирой онасига қараб.

— Каёққа?

— Бир-иккита ишларимиз бор.

— Келасанми қайтиб?

— Ваъда беролмайман. Балки келолмасам керак. Тўй ташвишлари...

— Шу ерда колсанг...

— Ойижон, кейин ҳаммасини тушунтириб бераман, хўпми, сиз ҳечам хавотир олманг, — деда онасининг гапини бўлди Моҳирўй.

Ташқарига чиқиб машинага ўтиришгач, "Тўрт-беш сўм бериб кетиш керак эди", деда хаёлидан ўтказди Моҳирўй. Аммо унинг ёнида бир чака ҳам йўқ эди. У уялиб, қизариб-бўзарганча Нодира газлини:

— Бир озгина пул керагиди-да, — деда паст овозда.

Нодира қанчалигини сўраб ҳам ўтирасдан оппок сумкаласини очди-ю, бир даста ўн сўмликларни чиқариб, Моҳирўйнинг кўлига тутқазди. Моҳирўй улардан биттагинасини олиб қолганини қайтариб бераётганида:

— Қайтими керакмас, — деда Нодира жилмайиб.

— Бу жудаям кўп, — деда Моҳирўй хижолат тортиб.

— Қайтарсангиз мен хафа бўламан. Дадам сизни ҳам қизимиз, ҳам келинимиз бўлади, дедими, демак, бегона-га пул бераётганим йўқ, — Нодира сумкаласини ёпиб кўйди-да: — Ана, касса ҳам беркилиб қолди, — деда жилмайиб.

Моҳирўй ҳам тантилик билан ҳамма пулларни опасининг кўлига тутқазди.

— Нима қиласан? — деда Марҳабо ҳаяжонланганидан. — Ўзингга керак бўп қолади.

— Мен топаман, хўп, хайр, — деганча машина эшигини ёпди Моҳирўй ва ҳайдовчига илтимос қилди: — Тезроқ ҳайданди.

Машина иккинчи светофорда тўхтаганида, ўйланиб кетаётган Моҳирўй деразадан ташқарига қарадио бирдан чўчиб тушди. Уларнинг ёнига келиб тўхтаган оқ "Жигули"да амалдорнинг уйини доим озиқ-овқат билан тъминлайдиган йигит ўтиради. У ҳам қиз томонга қараб турар эди. Уларнинг нигоҳлари тўқнашди.

\* \* \*

Бахтиёрнинг кўзида совукликдан ўзга нарса йўқ эди. Шундан кейингина Зулайҳо тақдирига тан берди. "Мени ўлдиргани билан унинг ўзи ҳам кўп яшамайди. Хатим етиб бориши билан ҳаммаёқ алғов-далғов бўп кетади. Агар ўшанда ўзим тирик бўлганимда роса устидан кулардим-да", деда хаёлидан ўтказди у.

Бахтиёр эса негадир шошилмаётганди.

— Мени ўлдиргани келганмидинг? — деди Зулайҳо амалдорнинг "ўнг қўли" bemalolligidan fазабланиб.

— Буни сизга ким айтди, янга? — деди хунук илжай-ган Бахтиёр.

— Кўзинг, карашинг айтди. Сен бу ерга яхши ниятда келмаганинг шундоққина кўриниб турибди. Хўжайининг: «Ўлдириб, шу ёқнинг ўзига кўмиб келинглар», дедими? Унда нимага қараб турибсан? Айтганини бажар-да, кўй.

— Гуноҳингиз борлигини ўзингиз ҳам яхши биларкан-сиз, янгамулло.

— Мен сенга отчёт бермайман. Эсиз, вақтида сениям бир ёқли қилиб юбориш керак экан-да.

— Янга, нафасингиз аканикidanам совуғ-эй, одамни музлатиб юборади.

Зулайҳонинг назарида Бахтиёр бироз юшагандай эди. "Балки, шунақа дағдаға қилиб турсам, умрим бир-икки соатга чўзилар", деган хаёлга борди у.

— Мен сенга ўхшаган одамлар билан ади-бади айтишиб ўтирамайман. Ишингни бажаргин-да, бу ердан туғингни шиқиллат.

— Яхши, янгамулло, ўзингиз шошаётган экансиз, мен нимаям дердим, — дея Бахтиёр йигитларига имо қилганди, улар тезда Зулайҳонинг икки томонидан ушлашди.

Бахтиёр пичоқ яланочлади. Буни кўриб Зулайҳони титроқ босди. Кўзидан ёш сизиб чиқди. Амалдорнинг "ўнг қўл"и бир-бир босиб Зулайҳонинг ёнига яқинлаша бошлади. Жувон кунишди, совуқ қотди, қалтираши кучайди, типирчилашга-да ҳоли қолмади. Ўзича ўлимни мағрур қарши оламан, деб ўйлаган эди. Аммо бу нарса унинг қўлидан келмади. Бахтиёр эса Зулайҳога бир қадам қолганида тўхтади. Унинг ўқрайган кўзларига қарашга жувоннинг кучи етмади. Худди шу пайт полда иссиқ сариқ сув пайдо бўлди. Аввалига буни эркаклардан ҳеч бири сезмади. Сассиқ ҳид ҳавога кўтарилганидан кейин эса Зулайҳони ушлаб турган йигитлардан бири бурнини жийирди. Бахтиёр бунга эътибор қилмай, аввал жувоннинг сочини секин силади. Сўнг ғижимлаб, бошини эгдида, пичоқ тифини бўйнига теккизди.

— Вой!!! — дея бақириб юборди бирдан Зулайҳо.

— Хи-хи-хи! Ҳали бошламадим-ку, — деди Бахтиёр.

\* \* \*

Амалдор шаҳарнинг энг кўримсиз жойида ўзи учун маҳсус қурдирган ҳаммомга борганидан кейин ҳам кўнгли тинчимади. Бир томондан хотинининг қилган ишлари азобга солаётган бўлса, иккинчи томондан Зулайҳога нисбатан ўта шафқатсизлик ишлатгандай туйилиб кетаверди. "Ҳар тугул шу даражага етишишимда унинг хизматлари ҳам бор эди. Жўнгина жазоласам ҳам бўларди. Айтайлик, «тинчитиб» қўйиш билан чекланганимда ҳам етарли эди. Бахтиёр менинг ички ҳолатимни сезганмикин ёки роботларга ўхшаб, буюрилдими, худди шундай бажарилиши керак, деб хисоблаб Зулайҳонинг калласини кўтариб келадими?.. Аслида буям унга кам, лекин бир пайтлар силаб-сийпаб эркалаганимни энди танасиз кўришга бардошим етадими?.. Йўқ, буйруқни ўзгартиришим керак. Ўлдиришса ўлдиришсан-у, лекин менинг ёнимга олиб келишмасин... Дарвоке, энди кеч бўлди. Баччагарнинг аммасининг уйида телефонам йўқ. Юборган одамим етиб боргунича Бахтиёр ишни битириб кўиши хеч гап эмас. Ўшанда харакатларимнинг ҳаммаси бекор кетади. Йигитлар ёнида нокулай аҳволга тушиб қоламан. Энди ғишт қолипдан кўчди. Агар Зулайҳонинг баҳти бўлса, фожиасизроқ, оддийроқ ўлим топади. Йўқса, калласи танасидан жудо қилинади..."

Бас-с-с!!! Чидолмайман қолган нарсаларни ўйлашга!" Амалдор ўрнидан сакраб туриб кетди. Унинг юраги сикила бошлади. У хаёлга ғарқ бўлганидан тобора қизиётган буғхонада эти куяётганини сезмай қолганди. Юраги сикилгани етмагандай, боши ҳам айланишга тушди. Яна бироз бу ерда турса, йиқилишини сезиб буғхонанинг тепа қисмидан биттама-битта пастга тушаверди, пастга тушкинди-ю, эшикни эндинига очмоқчи бўлганида оёғи сирпаниб кетди. Яхшиям кўли билан суяниб қолди. Йўқса боши ёрилиши аниқ эди. "Итдан тарқаганлар! Онангни..." Унинг овози буғхонадан нарига ўтмади. Амал-такал қилиб ўрнидан турди-да, эшикни очди. Муздек шабада юзига урилиб, танаси яйради. Шундай бўлса-да, у боягидан батттар болохонадор қилиб бор овозда бақириб сўкинди. Фақат белларидан пастини оқ чойшабга ўраб олган йигитлар амаддорнинг овозини эшитишлари билан бир-

бирини итаришиб, ҳаммомнинг ичига югуриб киришди.

— Қайси итнинг боласи пархонани шунчалик иситиб юборди?! — дея уларни кўриши билан бўкирди Турғун Фаниевич.

— Ҳозир топиб келаман, — дея йигитлардан бири дархол ортига бурилди.

— Ўлакса қилиб абжафини чикар! — дея бўкирди унинг ортидан амалдор ва ўзи холсизланиб ўриндикқа ўтири.

Унинг юзи кизариб кетган, ҳансираф нафас олар эди.

Йигитларнинг иккитаси Турғун Фаниевични елпишга тушишганида, амалдор уларни силтаб ташлади.

— Сенларга кўзим учиб тургани йўқ, чақир анавила-рингни!

Йигитлар қандай киришган бўлишса, яна шу тахлитда чиқиб кетишиди. Уларнинг ўрнига бир-биридан гўзал иккита сариқ сочли, хипчабел қиз атрофга хушбўй атири хидини таратиб кириб келишиди. Улар онасидан қандай туғилган бўлса, худди шундай ахволда эдилар. Бири амалдорнинг оёқ томонидан, иккинчиси бошидан қўлларини, таналарини гоҳ теккизиб, гоҳида теккизмай майин уқалашга тушиб кетишиди. Кўзларини юмиб олган амалдор бир зум ҳамма нарсани унугди. Асаб толалари бўшашди. Чукур нафас олар экан: "Қани энди ҳар доим шунақа бўлса, ҳеч ким сенинг оромингни бузмаса", дея ўйлади. Аммо бироз ўтиб унинг хаёлига ташвишлар қуондай бостириб кела бошлади. "Моҳирўй топилмади. Турманинг дабдаласи чиқиб кетди. Зулайҳо кўча хотинига айланди. Биттагина ўғил... Мендан олдин ўлиб кетмасайди", дея хаёл сураётган амалдор қизларнинг ҳаракати чукурлашиб бораётганлигини сеза бошлади.

— Отставить! — деди у кўзини очмасдан.

Қизлар бирдан ҳаракатдан тўхташиб, қадларини ростлашди.

— Ви можете уйти.

Қизлар нозли-нозли қадам ташлаб чиқиб кетишиди. Уларнинг оркасидан кузатиб қолган Турғун Фаниевичнинг кулгиси кистади. "Нозли юришга бало борми, ўзинг пол латтадан ҳам баттарсан-у. Яна олифталаниб одамнинг асабини ўйнайсан... Сендақаларни кўча-кўйда биронта эркак кўриб қолса, оғзидан суви оқади. Шунақа-

лар килаётган ишларингни ҳам бир кўришсайди", дея ўйлади у ва ўзини кўм-кўк сув тўлдирилган ҳовузга отди. Бироз у ёқдан-бу ёққа сузгач, сувдан чиқди-да, стол устидаги турган пиволардан бирининг оғзини очиб, шишиаси билан кўтариб ичди. Шу маҳал унинг хаёлига раис ва туткундаги учта "шер" келди. Уларни амалдор буткул эсидан чиқарган эди.

— Малик! — дея бақирди Турғун Фаниевич кўлидаги шишани столнинг устига кўяр экан.

Боягина чиқиб кетган йигитлардан бири ҳовлиқиб кириб келди.

— Мен кийингунимча машинани тайёрлаб тур, тоққа борамиз. Йигитлардан яна иккитасига айт, улар ҳам биз билан бирга кетади. Баҳонада шамоллашади.

Йигит тезда кўздан гойиб бўлди. Амалдор кийимларини шошилмасдан кийди-да, ташқарига чиқди. Назаридаги, хаво тозадай эди. Осмонда бир гала кушлар чуғурлашиб учиб ўтишди. Турғун Фаниевич қушларга қараб олгаёт, керишди-да, машина томон юраётганида хизматчилардан бири ёнига югуриб келиб:

— Хўжайн, сизни уйдан сўрашаяпти, — деди шошиб. Амалдорнинг афти бужмайди.

— Ким экан?

— Абдугани.

— Абдугани?! Баччагарнинг нима иши бор экан? Картишка-пиёзга пул тополмай қолибдими? Шуни сендан айтиб юборса ўладими?

— Хўжайн, — деди хизматкор ранги оқариб, — бошқа гапи борга ўхшайди. Менга айтмади.

Амалдорнинг юраги шиф этиб кетди. "Хойнаҳой уйга Бахтиёр келган-у, Зулайхонинг калласини Абдугани кўриб қолган. Ҳеч нарсадан хабари бўлмаганидан менга ҳовлиқиб телефон килган. Итдан тарқаган Бахтиёр, гапимга тушуммаган экансан-да. Корнингни ёриб, ичагингни сувуриб оламанда, бошингга салла қилиб ўрайман!" дея хаёлидан ўтказди амалдор.

— Нима дейсан?! — дея бақирди у гўшакни қулогига тутиб.

— Хўжайн! Хўжайн! — симнинг иккинчи учидан Абдуганининг ҳаяжонлани овози эшитилди. — Мен, мен Мохирўйни кўрдим!

— Ким билан, қачон күрдинг?!

— Шаҳарда, Аҳмат пистанинг мосинасида...

— Вой мараз! Вой итбалиқ! Айтдим-а, нега бу қизнинг топилиши қийин бўп кетди, деб. Ҳали сенмидинг менинг қизимни яширадиган! — деда сўкинган амалдор Абдуганидан яна сўради: — Қаёқка караб кетаётганди улар? Соат нечада күрдинг?

Абдуғани ҳаммасини оқизмай-томизмай айтиб берди.

Шундан кейин Турғун Фаниевич гўшакни улоқтириб юборди-да, шахдам қадамлар билан ташқарига чиқди. Қизариб-бўзариб бироз у ёқдан-бу ёкка юрганидан кейин:

— Малик! — деди машина ёнида хўжайнининг буйругини кутиб турган йигитга. — Тоққа бориш қолдирилади. Тезда ҳаммани йиғ.

Малик бир зумда ҳаммом атрофидагиларни тўплади. Улар бор-йўғи беш киши эди.

— Кам, — деди уларга бирма-бир қараб чиққан амалдор. — Ҳамма ярим соатда мана шу ерга тўплансин.

Малик машинага ўтириди-да, дарров уни жойидан кўзгатди.

Амалдор эса қайтиб ҳаммомнинг ичига кирди ва яна пиво ичишга тушиб кетди. Унинг ҳаяжони ҳечам тўхтамас, бунга сайин жигибийрони чиқиб борарди. "Бурнимнинг тагидаги илонни қандай қилиб эсимдан чиқариб кўйдим? Билардим Аҳматнинг ҳалиям ғимирлаб юришини. Нега вақтида унинг бошини мажақлаб ташламадим? Ҳамма айб ўзимда, охирги пайтларда жиловни анча бўш қўйдим. Бундан падарингга лаънат писта ҳам фойдаланиб қолибди... Мана, майдадчўйдаларга ўралашиб қолишнинг оқибати... У Боссга хизмат қилган, ҳозир кимнинг ялоғини ялаяпти? Ёки Боссдан қолган ялоққа эга чиқдимикин? Нега менинг ҳеч балодан хабарим йўқ... Қари тулки-и-и, сенинг кўлингдан кўп нарса келади. Лекин менга бас келолармикансан? Бир сен билан куч синашиб кўрайлик-чи", деда ўйлади у.

Ярим соатга яқин вақт ичида бешта пиво шишиаси бўшади. Амалдорнинг кайфи анча ошиб қолган эди. Шундай пайтда унинг тамакига хумори тутарди.

— Малик! — деб бақирди чўнтакларига кўлини тикиб кўриб, сигарета тополмаган Турғун Фаниевич.

Йигитлардан бири шошиб эшикни очди:

— Хўжайн, сиз уни иш билан жўнатгандингиз.

— Сигарет олиб кел.

Сигаретани боягина амалдорни нозик бармоқлари билан уқалаган қиз олиб келди-да, ўзи лабига қистириб тутатгач, Турғун Фаниевичга узатди. Амалдорнинг завқи келди. Бир муддат бошидаги ташвишлари ҳам эсидан чиқди.

— Сен фариштамсан, — дея қўлини қизнинг белидан ўтказди. Қиз ҳам эркаланиб унинг бўйнидан кучоқлади.

— Нега ўзингнинг борлигингни билдирамайсан?

Қиз жавоб қилмасдан юзларини амалдорнинг юзига теккизиб, мушукдайин сийпаланди.

— Жонимни сендайин жонон суғуриб олса розиман!

— Не давно ты же нас вигнал, — деди қиз нозланиб.

— Овозинг бирам ширалики, қараб ўтирма, бошла, — деди амалдор ортиқ сабри чидамай.

Қиз ишга кириша олмади. Хизматкорлардан бири эшик ортида туриб, Маликнинг келганини айтди.

— Ҳар доим шунақа, эндиғина дам олмоқчи бўлганимда нимадир оёқ остидан чиқиб қолади, — деб у чўк тушган қизнинг сочини силади. — Боравер, кейин сен билан албатта ишрат қиласиз.

Қиз норози қиёфада Турғун Фаниевичга бироз қараб тургач, кийимларини кийиб, ташқарига йўналди.

Ташқарига чиққанидан кейин ўн беш ҷоғли йигитни кўрган амалдорнинг кўзи кувнади.

— Малик, сен бошсан, — деди у ўзи учун жонини ҳам беришга шай турган одамларига бирма-бир нигоҳ ташла-гач. — Ҳозирча Бахтиёрнинг ўрнини эгаллаб турасан. Гап бундай. Ахмат пистанинг уйини ўрайсанлар, у ердан пашша ҳам учиб кетолмасин. Кечкурун ишга киришсанлар. Мени Моҳирўйдан бошқа ҳеч ким қизиктирмайди. Қизимнинг бошидан бирор тола ҳам сочи тўкилмасин. Пистанинг уйидаги бошқа одамлар эса ёшини яшаб, ошини ошаб бўлган. Уларни ортиқча ушлаб туришнинг ҳожати йўқ. Патталарини қўлларига тутқазиб, нариги дунёга кузатиб қўйинглар, факат пистанинг ўзи менга тириклайн керак. У билан алоҳида хисоб-китобим бор.

\* \* \*

Одам тирик қолиш учун жон-жаҳди билан ҳаракат қилмай, ажални бўйнига олиб қўйганида уни ўлдиришга иштиёқ қолмас экан. Бахтиёр пичоққа термилганча талай муддат туриб қолди. Зулайҳо ҳатто зерикди. Бўйни ҳам толди. У "жаллод" нега ишини бунчалик пайсалга солишини тушунмас, шу ҳолатида ҳам асаби ўйнаб, Бахтиёрни қарғагиси келарди. Боягина бутун вужудини камраб олган кўркув қаёққадир йўқолган эди. У қилиб қўйган ишидан уялди. Жаҳли чиқди. "Қаердаги пандавақиларнинг олдида шарманда бўлдим. Энди булар дуч келган жойда: "Фалончини боплаганмиз", деб мақтаниб юради", дея ўйлади жувон. Шу маҳал унинг калласига ғаройиб фикр келди. Бундан у қувониб, жилмайди ҳатто.

— Сенга айтадиган гапим бориди. Ўзи айтмоқчи эмасдим-у, лекин умримнинг охирида битта савоб иш қилиб кетай деган хаёлга бордим, — деди у.

Бахтиёр жувоннинг соchlарини қўйиб юборди:

— Гапиринг, янгамулло.

— Фақат сенинг ўзинггагина тегишли, — деди Зулайҳо бошини кўтариб. — Гувоҳлар бўлиши шарт эмас.

— Булардан мен ҳеч нарса яширмайман, — дея Бахтиёр йигитларига бирма-бир караб қўйди.

— Тақдиринг, бола-чаканг билан боғлик нарсаларни ҳамма билаверсин, десанг, бемалол айтишим мумкин, — деди Зулайҳо муғомбirona илжайиб.

Жувоннинг сўзлари Бахтиёрга таъсир қилмасдан қолмади. У йигитларига караб имлаган эди, улар жувонни қўйиб юбориб, ташқарига чиқиб кетишиди.

— Энди тескари ўгирилиб тур, дастингдан ҳаммаёғим дабдала бўлди, — деди Зулайҳо ўрнидан турди.

— Мени лақиљатмоқчимсан! — деди Бахтиёр илк маротаба амалдорнинг хотинини сенсираб.

— Ич кийимимни алмаштириб олайнин, кейин ҳаммасини айтаман.

— Ўзиям юракдан бор экан-да, — деди юзига кулги юргурган Бахтиёр.

— Тўлиб турувди. Сен пичоқ ялангочлаб, ёрдам бериб юбординг, — деди Зулайҳо ва ҳеч нарса бўлмагандай сумкасини титкилай бошлади.

Аслида унинг юзи шармандалиқдан оловдайин ёнар эди. Юрагида Бахтиёрга нисбатан чексиз нафрат уйгонганди.

Кийим алмаштириш анча чўзилиб кетди. Амалдорнинг "ўнг кўл"ини тоқати ток бўлди. Атайлабдан вактни чўзган Зулайҳо айтмоқчи бўлган гапларини миясида яхшилаб пишишиб олганидан сўнг:

— Мени ўлдирганингдан кейин ўзинг тирик қоламан деб ўйлайсанми? — деди.

— Шумиди айтмоқчи бўлган гапинг? — Бахтиёр энсаси қотганча жувонга қаради. — Нима бўлишини сендан яхши биламан.

— Лекин шу бир-икки кун ичидан мендайин ўлим билан рўбарў келиб қолсанг, қандай ахволга тушишингни биласанми? Эҳтимол, мен қилиб кўйган бемазагарчилик сениям бошингга тушар.

Бахтиёр илжайиб бошини сарак-сарак қилди-да, энди гапирмоқчи бўлиб оғиз жуфтлаганда, Зулайҳо яна бидирлашга тушиб кетди:

— Мен-ку, у билан бир ёстикка бош кўйганман. Охири нима кўйга тушганимни кўриб турибсан. Энди мени яхшилаб эшиит. Тепамда худо турибди. Агар алдасам икки дунёйим куйиб кетсин. Хуллас, укажон, мен акангдан бекорга ранжимаганман. Аниқ беш йил бўлди, бир куни эримни сенинг...

Зулайҳо жимиб қолди.

Бахтиёр унга бесаранжом тарзда нигоҳ ташлади.

— Гапирсангиз-чи, нега жимиб қолдингиз!

— Хуллас, укажон, тепамда худо турибди, мен эримни сенинг Дилдоранг билан...

— Нима! — чинқириб юборди хотинининг исмини эшиитган Бахтиёр. Кейин Зулайҳога дағдаға қилди: — Хой хотин, оғзингта қараб гапир-а, тухмат қилган тилларингни нақ сугуриб оламан-а! Жон шириналлик қилиб...

— Укажон, — алланечук қизғинлик билан, илҳомланниб сайрай кетди Зулайҳо, — ишон, мен учун жон ширин эмас. Аллақачон бу дунёдан тўйиб бўлганман! Ўшанда, акангни сенинг хотинининг билан ушлаб олганимдаёқ! Ахир, кўзга чўп солиш бундан ортиқ бўлмас. Юрман деса акангта қиз каммиди... Кейин, — жувон Бахтиёрга си-

новчан тикилди, — бундан уч йил бурун, Дилдорахон якка-ёлғиз Сочига бориб дам олиб келди. Ахир ўшанда уч кундан кейин унинг орқасидан эрим жўнаб қолганидан хабардор эдинг-ку...

—Турғун Фаниевич Кисловодска кетганди дам олишга!

— дея гапни чўрт кесди Бахтиёр.

Аёл истеҳзоли илжайди.

— Кисловодск эмиш... Мен аниқ биламан, уларнинг бирга чўмилиб юрганларини, эр-хотиндай бир хонада яшаб юрганларини кўрганлар бор...

— Бас! — яна чинқириб юборди Бахтиёр. Сўнг ўзини кўлга олишга уриниб, охиста гапиришга интилганча: — Кулоққа лағмон осишни эпломас экансиз, янгамулло,

— деди қўй бармоқларини бирма-бир қайириб, қарсиллатар экан.

—Хоҳламасанг ишонма, мен сени огоҳлантиридим, холос. Ўлимим олдидан гуноҳларим биттага камаярмикин, деб ўйлагандим. Менинг ортимдан сенинг ҳам кетишинг аниқ, — деди Зулайҳо ишонч билан. — Ахир Дилдорадай жувон билан топишишни истаган эримга энди факат сен халақит берадиган бўласан-да. Ана ундан кейин иккалови бизнинг устимиздан маза қилиб кулиб, эрим кўмиб қўйган олтинларни майда чайнаб еб ётишади...

"Бунинг гапи нима бўларди. Туҳмат... Лекин... Дилдора бир-икки марта Турғун Фаниевични оғзидан бол то-миб мақтаганди, — дея ўйланиб қолди пешона томирла-ри бўртиб, юраги тез-тез ураётган Бахтиёр. — Турғундан ҳеч қачон яхшилик кутиб бўлмаслигини олдиндан би-лардим. У аёл деганда акасини ҳам сотиб кетадиганлар хилидан. Демак, унингча менинг хизматимдан воз ке-чиб, хотинимга эгалик қилиш вакти келибди-да. Вой кўрнамак. Аллақачон унинг ўзини четга суриб қўйишим керак эди".

Зулайҳонинг ичидагуонч пайдо бўлди: "Аёлнинг мак-рига кимлар тушмаган. Сен ким бўпсанки, уни четлаб ўтсанг".

— Бу гапинг билан нима демокчисан? — деди Бахтиёр пешонаси тиришиб.

— Агар истасанг, бирга ишлаймиз. Мен эримга ўхшаб ... эмасман. Бир гапни айтдимми, устидан чиқаман.

— Хўш, нима қилишимиз керак?

— Хўжайинингнинг сен билан менга қазиган чукурига ўзини итаришимиз керак. Шунда икковимизам хавфдан кутулиб қоламиш.

— Амалдорнинг кўли анча узокларга етади. Уни осонлик билан тўрга илнтириб бўлмайди.

— Давоси — ҳийла.

— Ҳийла ўйлаб топгунингча у сени асфалософилинга жўнатиб юборади.

— Мен бўлсам аллақачон тайёрлаб қўйибман, — деди Зулайҳо илжайиб.

— Айт, — аста ўрнидан турди Бахтиёр. — Лекин мен ҳийла-пийла деб ўтирамайман. Шартта бораман-у, ёқасидан олиб...

— Хай, хай, ўзингизни босинг,— дея Бахтиёрни ҳовуридан туширишга уринди Зулайҳо жиддий тарзда. — Аввал менинг гапларимни эшитинг. Ўзингиз билан келган йигитларга юз фоиз ишонасизми?

— Ҳар қалай, менга панд бериб қўйишмайди. Лекин амалдорнинг гапи олдида менини писта пўчокдай бўп қолади булар учун.

— Унда ишни шу йигитларингиздан бошлаймиз. Аввал буларни бир ёқли қилиб, кейин хўжайинингиз билан ҳисоб-китоб қиласиз.

— Ундан кейин сени йўқ қиласан, демоқчисан-да, — деди мийигида кулган Бахтиёр.

— Хаёлимга ҳам келмаганди. Одам ўзи ёлғончи бўлса, бошқаларни ҳам шундай деб ўйлади. Бу оддий психология.

— Ҳаддингиздан ошиб кетмадингизми, янгамулло? — деди жаҳл билан Бахтиёр.

— Ҳақиқат ҳамиша аччик бўлади. Хуллас, менинг гапим шу, агар бирлашсак ҳамма нарсага эга бўламиш, ҳатто бутун шаҳар қўлимиизда ўйинчоққа айланиши мумкин. Менинг сиз билмайдиган нозик жойлардан ҳам хабарим бор.

Бахтиёр ўйланиб қолди. Унинг илгаритдан Турғун Ганиевичнинг ўрнини олиш нияти бор эди. Аммо бунчалик тез бўлиши хаёлига ҳам келмаганди. Шунингдек, бирон мартаям синовдан ўтмаган Зулайҳо, яна аёл киши

билан қалтис ишларга күл уриши ўзини қийин ахволга солиши ҳеч гап эмас. Агар аёл билан ҳамкорлиги ҳақидаги узункулоқ гаплар атрофга тарқаса борми, Бахтиёрнинг сариқ чақалик ҳам обрўси қолмаслиги аниқ. "Энг яхши йўл — амалдор тинчтилгунча унинг маслаҳатларидан фойдаланиш, ундан кейин эри билан қўшмозор қилиб юбориш, — деган қарорга келди у. — Ҳозир бу мочагар эрини нимталашгаям тайёр турибди, бундан усталик билан фойдаланиб қолсам, ошиғим олчи бўлади".

— Келишдик, — деди бир зумлик сукутдан кейин Бахтиёр, — факат мени подвадить қилиб қўйсангиз ўзингиздан кўринг, янгамулло.

— Энди мен янгамулло эмас, Зулайҳоҳонман, — дея мийифида кулган жувон Бахтиёрга қўлини узатди.

Сулҳ тузилди. Ўзаро келишувга биноан, Бахтиёр билан бирга келган йигитларнинг иккитаси "гум" қилинадиган бўлди. Булар Зулайҳонинг қўлларидан ушлаб турганлари эдилар. Қолган биттаси эса Бахтиёрга ўта садоқатли эди. Шу боисдан ҳам унинг жони омон қолдириладиган бўлди.

— Янганг "кетиши" олдидан базм уюштириб бериш ниятида экан, — деди Бахтиёр йигитларини ёнига чакириб ва чўнтағидан учта ўн сўмликни олди. — Иккитанг гастрономга бориб, у-бу нарса олиб келларинг. Факат узоқ қолиб кетманглар.

Йигитлар ортиқча савол бериб ўтиришмади.

Ҳамма нарса тайёр бўлганидан кейин хукми ўқилганларни олиб қолиб, учинчи йигитни эса ер қазиевериб кирлаб кетганлиги учун ювенишга чиқариб юборди. Бунгача Зулайҳо доим ўзи билан олиб юрадиган ажал уругими иккита йигитнинг пиёласига солиб қўйган эди.

Ўликларни кўравериб кўзи пишиб кетган Бахтиёр ўзининг одамларини кўзлари олайиб, орқаларига йиқилаётганидан бир туки ўзгармади. Лекин Зулайҳонинг ранги оқариб кетди. У ҳатто бақириб юборишига сал қолди. Шундан сўнг Бахтиёр ташқарига чиқиб кетди. Озгина фурсат ўтиб, у учинчи йигити билан бирга қайтиб келди-да, жасадларни кўрсатиб:

— Манави икковини қазиган ўрангга обориб ташла, — деди.

Ташқарида яхшигина "таълим" олган йигит ҳеч бир

сўз демасдан биринчи мурдани оёғидан судраб олиб чи-  
киб кетди.

Зулайҳо Бахтиёрни кузатиб келганидан кейин мамнун жилмайди. Сўнг битта-битта қадам босиб, аммаси билан поччаси ўтирган уй эшиги ёнига борди-да, уни ўзига ярашмаган ноз билан очиб ичкарига бошини сукди. Санжар чол аллақачон хуррак отиб ухлашни бошлаб юборган, Холида кампир эса деворга суюнганча мулгиб ўти-  
рарди. Зулайхонинг ҳаваси келди. "Алкаш бўлсаям, эри аммам учун кадрдон. Бир-бирига суюниб қолган... Менинг эrim бойвачча, лекин мен у билан худди буларга ўхшаб ўтиrolмайман. Биз бир-биримиздан кутулиш пайи-  
да яшадик. Балки орамизда озгина муҳаббат ҳам бўлган-  
дир. Лекин жуда оз, кўз илғамас даражада. Уям кейинча-  
лик пайдо бўлган нафратимиз олдида ер билан яксон бўлди... Шунчалик ўлиб-тирилиб бойлигу сохта обрў орт-  
тиришдан мақсад не эди?.. Тупурдим барига... Мениям эrim алкаш, пиёниста, ҳеч вакоға ярамайдиган бўлгани-  
да қанийди..." — дея ўйларкан, кўзларидан сизиб чиқкан ёшни кафти билан артиш асносида бурнини тортиб кўйди.  
Худди шу пайт кампирнинг ярим юмуқ кўзлари очилиб кетди.

— Мехмонларинг кетдими? — дея сўради у.

Зулайҳо бошини қимирлатиб "ха" ишорасини қилди.

— Биттаси чикиб ҳовлини ковлаб нима қилди? Ўзиям анча вақт ковлади. Мен куёвим бирон нима бериб юбо-  
риб, шуни кўмиб қўйинглар, деган бўлса-ю, деразадан қараб турганимни ковлаётган бола кўриб қолиб, хаёли бузилиб юрмасин, деб қарамай қўйдим, — деди кампир юзида пайдо бўлган табассумни яшиrolмай.

— Сиз ҳеч нарсадан хавотир олманг. Ҳаммаси жойида. Бир-иккита темир-терсак бериб юборган экан. Мен бу ерга кўмдирмадим. Билиб бўладими, улар олиб келган қопнинг ичидаги нима бор? — деди Зулайҳо ерга қараб.

— Эсиз, бекор қипсан, — деди кампир бирдан қовоғи осилиб. — Поччанг икковимиз қўриқлаб ётардик. Ҳарна бекорчиликдан кутулардик.

— Амма, сизга ишнинг зўри бор. Шахар ташқарисида биронта таниш-панишингиз йўқми?

— Нима қиласан, болам?

— Би-ир айланиб келар эдик, одам ҳавоям алмаштириб туриши керак-да, — деди Зулайҳо мугомбира на жилмайиб.

Кампир бироз ўйланиб, ўзича бир нималарни чамалаб кўрди-да, кейин дарров рози бўлди.

Ҳали мастилиги тўла тарқамаган чол уйғонгач, кампири билан Зулайҳонинг гапига тушунмай бироз гарангсиб турди-да:

— Ароқ билан пиводан кўпроқ олволиш керак, тоза ҳавода роса кетади-да, — деди.

Зулайҳо, худди қайтиб келмайдигандай, ҳамма ашқолдашқолларини жомадонига жойлади. Кампир унинг қилиғига ҳайрон бўлди-ю, лекин индамади. Жиянининг қайтмайдиган бўлиб кетаётгани унга жуда маъқул тушган эди. Унинг назарида, бояги йигит ерни ковлаганидан кейин албатта нимадир кўумган-у, жияни булардан хавфсираб, қишлоқка олиб бориб ташламоқчи бўлаётганди. "Қариб қолганим билан ҳали ақлим балоларга етади. Шунча бойликни ерга кўмиб ташлагани билан бекорга ётади. Балки кейинчалик қолиб кетиши хам мумкин. Бир нарсани баҳона қилиб уйга келаман-да, озгинасини олиб, бошқа жойга яшириб қўяман. Чолим диққат бўлганда битта-яримта анави ўлгур ароғидан обериб турман", деба хаёл сурди амма.

Такси энди жойидан қимирилаётганданда Зулайҳо ҳайдовчи томонга энгашиб:

— Шахарлараро телефоннинг ёнида беш минутга тўхтаб юборасиз, — деди.

Унинг Баҳтиёр билан келишуви умри бир дақиқага ҳам бормади. Амалдорнинг "ўнг қўл"ини кўзига тикилиб турганидаёқ жувоннинг нияти бузилганди. "Энди менинг ўрнимга сенинг жанозанг ўқилади. Дарвоқе, ўқилмайди, ким ҳам ўқирди. Хандакқа отиб юборишиб, устингдан бир сиқим тупроқ ташлашсаям катта гап... Бу хўжайнини бўғиб ўлдирармиш-у, мен эримнинг юраги "приступ" бериб қолди дермишман. Ҳе, хомкалла. Эримнинг кўзига чўп тикқанингда меникига тикмайсанми? Мениям ўзингга ўхшаган гўл ҳисоблагансан-да. Ана энди гўлнинг кароматини яхшилаб кўриб қўй", деба ўйлаган эди.

Гўшакни кўтарган хизматкор аёл Зулайҳонинг овозини эшитиши билан ҳовлиқиб кетди.

— Хўжайин сизни роса жаҳли чиқиб қидирди. Важоҳати жудаям бошқача эди. Мен уни бу ахволда ҳечам кўрмагандим. Ишқилиб, тинчликка бўлсин...

— Бас! — дея қичқириб юборди унинг гапларини эшитишга сабри чидамаган Зулайҳо. — Ҳозир қаерда?

— Саунага кетганмиш. Шунақа деб эшилдим. Асабла-ри жудаям чарчабди.

— Маишат қилгиси келиб қолибди-да! Телефон номе-рини бер! — деди Зулайҳо овозини яна бир парда кўта-риб.

— Ҳозир, — дея хизматкор икки дақиқалар чамаси қаёққадир бориб келди-да, кейин амалдор дам олаётган ҳаммолининг телефон рақамини айтди.

Зулайҳонинг алами бўғзига келди. Бир дафъа: "Менга нима, итдай ўлиб кетгани билан неча пуллик ишим бор?" — дея хаёлидан ўтказиб, кўнғироқ қилиш ниятидан қайтди. Кейин ўйлаб кўриб, ҳаммолининг телефон рақамини терди. Жувонни унчалик ҳам куттиришмасдан тезда амалдорни чакириб беришиди.

— Маишат авжидами, хўжайин, — деди Зулайҳо киноя билан эри гўшакни кўтарганидан кейин. — Ёш қизчалар кийнаб қўйишмадими?

— Зулайҳо?! — деди амалдор ҳайратланиб. — Каердан телефон қиласпсан?

— Нариги дунёдан, — деди жувон ва қах-қаха отиб кулиб юборди ўзини тўхтатолмай. — Жаннат... жаннат-даям телефон бор экан, текинга улаб беришаркан!

— Сендай хотин жаннатга тушган бўлса, бошқалар уч марта жаннатийкан-да! — деди амалдор ғазаб билан.

— Ҳар қалай, сиздан бошқаси. — Зулайҳо бирдан жиддийлашди. — Агар келсангиз, дўзахнинг энг тўридан жой заказ қилиб қўяман.

— Қайси гўрда юрибсан?!

— Сизнинг қўлингиз етмайдиган ерларда.

— Майнавозчилик қилма!

— Майнавозчиликни сиз қилмасангиз яхши бўларди. Бошимни олишга одам жўнатган экансиз... Сиздан кутмаган эдим. Лекин сал пухтароғини юборганингизда бўлармиди?

— Қани улар?! — дея ўшқирди амалдор.

— Эркак зоти битта ширин гап учун ҳамма нарсага тайёр бўларкан-да. Албатта, сиздан ташқари. Сиз пиҳини ёрган туллаксиз. Керак бўлса шайтонга дарс берасиз. Шундайлигингиз балки яхшидир...

— Кўп вайсама!

— Тўғри айтасиз, гапимиз чўзилиб кетди. Хуллас, менинг бошимни олдиргани юборган одамингиз энди ўзингизникуни олгани кетди. Шунга тайёргарлик кўриб туринг, деб сизни огоҳлантириб қўймоқчи эдим. Сиз қаердаги қаланғи-қасанғиларнинг гапига кириб, ўзингизнинг хотинингизни ўлдиришни ният қипсиз. Мен бўлсанм, ёмонликка яхшилик билан жавоб қайтаргим келди, — деди Зулайҳо аччиқ-аччиқ гапириб. Сўнг гўшакни илиб қўйди.

Амалдорнинг кўзи конга тўлди. Кўлини мушт қилиб тугди-да, "Ишонганим сенмидинг, мараз? Терингни ши哩б, сомон тикаман. Коранг кўриниши билан бўғизлайман, нонкўр!" — дейа пичирлади.

Зулайҳони аллақачон яқин одамларидан бири қаторига қўшиб қўйган Бахтиёр йўлдан кўз узмасдан амалдорни қандай қилиб ўлдириш, ундан боплаб ўч олиш ҳакида бош қотирмоқда эди.

\* \* \*

Фарруҳ тонгда уйқуга тўйиб уйғонди. Уйғонди-ю, бироқ ўрнидан кимирламади. Шифтга қараб талай муддат ўй суриб ётди. Унга бу осойишталик жуда кимматга тушган эди. Шунинг билан бирга ўзи ҳам кутмаган ҳолда тез етишганди у. Айни ана шундай тез эришиши уни бироз шошириб қўйди. Ишни ҳатто нимадан бошлишни ҳам билмай боши котди. Тинч оққан дарёning остида албатта тўфон бўлади, деганларидай, ҳозирги юмшоққина ўриндиқда ором олишига ҳеч кимнинг халақит бермаётганлиги ортида нимадир яшириниб ётганлигини у хис қиларди. Уни ўйлантираётган нарса айнан мана шу эди. Аҳмат акани, Миробни ва йигитларини бирма-бир хаёлидан ўтказди. "Наҳотки биргина Босснинг шу бола менинг ўрнимга қолади, деган гапи учун улар менга жонини беришга тайёр бўлиб туришган бўлишса? Ёки мен билмайдиган бошқа сабаблар ҳам бормикин? Балки улар мендан фойдаланишмоқчиdir. Лекин менинг нимамдан

фойдаланишади? Менда фойдаланадиган нарсанинг ўзи йўқ-ку", дея ўйлади у. Сўнг ёстиқ бошига ботиб кетганидан, ўрнидан туриб керишиб олди-да, дераза ёнига бориб, ташқарига қаради. Унинг назарида чуғурчуқлар ҳам сайрашдан тўхтаган, мотам тутаётгандай эди. У ҳали ўслирип пайти, арчаларнинг шохларига қўниб олиб дунёни бузатган қушларга караб: "Булар сайрашдан ҳеч чарчамаскан-да", деганида, отаси: "Болам, сайраб тургани яхши, агар қушлар бирдан сайрамай қўйишса, билгинки, бирор кўнгилсизлик содир бўлади", деган эди. Фаррухнинг ёдига айни дақиқаларда отасининг ана шу гаплари келди. Ҳамда кўнгли хижил бўлиб, телефоннинг ёнига борди-да, Аҳмат аканинг уйига кўнгироқ қилди. Гўшакни унинг кизи олди. Фаррух ўзини танитганидан кейин у дарров Моҳирўйни чакириб берди.

— Ёлиз ўзингиз битта уйда кўркмадингизми? — деди Моҳирўй қўнгироқдай овозда.

— Тўғрисини айтайнми? — деди Фаррух кизнинг товшини эшитиши билан ҳамма ташвишларини унутиб.

— Ҳали сизнинг алдаш нияtingиз ҳам борми?!

— Кул бўлишдан бошқа ниятим йўқ.

— Фақат қул бўлиш билан кутулмоқчимисиз? — дея навбатдаги "хужум"га ўтди Моҳирўй.

— Жонимни кўшкўллаб топширишга тайёрман.

— Ундан кейин жуфтакни ростлаб қоламан, деган ўйингиз бўлса керак, ҳойнаҳой.

— Бутун танам, борлиғим, руҳим — ҳаммаси сизни...  
ки...

— Хўш-ш, энди айтинг-чи кўрккан-кўркмаганлигинизни, — деди яна овози асл ҳолатига қайтган Моҳирўй.

— Кўрқдим, титрадим.

— Ўзим ёнингизга бориб ҳамма кўркувларингизни тортиб оламан-у, улоқтириб юбораман. Менинг бургутим ҳеч нарсадан кўркмаслиги шарт!

— Бугун тўй қиласли.

— Бор-йўғи бир кунгина қолди, озгина сабр қилсангиз бас.

— Бир кунда накд йигирма тўрт соат бор. Ҳозир бир минутнинг ўтишини ўйласам юрагим орқага тортиб кетаяпти.

— Мен сиздан ўн баробар зиёдроқ кутаяпман тўйни, лекин сиз билан менинг шоширишим тўгри келмайди. Уят бўлади.

— Негадир кўнглим безовта, яхши дам олдингизми? — дея сўради Фаррух бирдан жиддий тортиб.

— Аҳмат аканинг қизи Нодира билан дугона бўп қолдик. Келганимдан бери ёнимдан кетмайди.

Моҳирўйнинг гапларидан кейин Фаррухнинг бироз кўнгли жойига тушди-ю, лекин хавотири бутқул ўчиб кетмади. Шу боисдан ҳам:

— Зерикиб кетдим, ёнингизга бораман, — деди.

— Ҳамманинг олдида мен сиз билан кўришолмайманда, — жавоб қилди Моҳирўй андак уялиш билан.

— Майли, менинг яқинимдалигинги зизиб турсам етарли.

Бургут деярли нонушта қилмади. Сабри чидамади. Бир пиёлагина чой ичиб шошилганча кийинди-ю, ташқарига отилди.

Аҳмат аканинг кўзи Фаррухга тушиши билан қучоғини очди.

— Ҳозирги куёвларга тан бермай иложинг йўқ. Бемалол қайнотасининг уйига кириб келаверишади. Улар тортинчоқликни аллақачон эскилик сарқитига чиқариб кўйишган, — деди кулиб.

Унинг гапидан Бургут қизариб кетди ва шартта ортига бурилиб кетаётганида:

— Ҳазиллашдим. Ҳазиллашдим, — дея илдам қадам босиб унинг ортидан юрди Аҳмат ака.

— Қайнотамнинг уйига келиб қолганимни билмаган эканман, — деди Фаррух юришдан тўхтаб, у кетариниям, қолариниям билмас эди.

Яхшиям Аҳмат аканинг ўзи келиб, унинг қўлтиғидан олди-да, уйга бошлади. Йўл-йўлакай хотинига чой буюриб кўйди. Шу билан Фаррухнинг куёвлиги билан боғлиқ ҳазилга нукта кўйилди.

Аҳмат ака бироз мулоҳаза қилиб ўтирганидан кейин Миробдан хабар келганлигини айтди. Бургут унинг илтимосини бутқул унугтган эди. Айни дақиқада эсига тушди-ю, типирчилаб қолди. Эътиборсизлиги учун ўзини-ӯзи койиди.

— Ота, — деди Фаррух паст овозда, — битта жойга бориб келишим керак.

— Каерга экан?

— Мироб укасининг ҳолидан хабар олишимни тайинлаган эди. Кутулиб чикқанимга шунча вақт бўлсаям, мен унинг укасини кўргани бормадим. Сиз шу ерда ўтира туринг. Мен бораман-у, қайтаман.

— Ўзи бозорга бормаганимгаям анча бўп қолди. Одам соғиниб қоларкан. Ҳар қалай, одамларни кўрасан. Яйрайсан. Майли, сен бориб келавер, мен бозордан хабар оламан, — деди Аҳмат ака жилмайиб.

— Бозорни кўйсангиз ҳам бўлаверарди, — деди Фаррух норози бўлиб.

— Бозор бошқача жой. У ерда мен дунёни кўраман. Худди телевизорда кўргандай. Шунинг учун ҳар доим у мени ўзига тортиб туради.

Бургут унга ортиқча эътиroz билдириб ўтирмади. Йигитлардан бирини ёнига олиб, машинага ўтириди. Фаррух деразадан ташқарига қараб кетар экан, ногоҳ кўзи йўл четида хаёл суриб турган қизга тушди. Унинг юзи жуда-ям таниш эди.

— Шу ерда тўхтат, — деб юборди у бирдан ҳайдовчига ҳамда ўзи машинадан тезда тушиб, қиз томонга кета бошлиди.

Қиз у томонга қарамас, хаёли паришон, тўғрига боккан кўйи бир нуктадан кўзини узмай турар эди.

— Ҳаёлингизни бузишга рухсат этинг, — деди Фаррух унинг ёнига борганидан кейин.

Қиз чўчиб тушди-да, Бургутга қараб котиб қолди.

— Фаррух ака! — деди орадан озгина фурсат ўтиб. — Қачон чиқдингиз? Нега менга айтмадингиз? Ўзим кутиб олган бўлардим.

— Сизни безовта қилгим келмади, — деди Бургут кулиб.

Шу маҳал қизнинг лаби титради ва кўзидан ёш сизиб чиқди.

— Тинчликми? — деди ҳайрон бўлган Фаррух.

— Мен, — дея кўзидаги ёшни кафти билан артди қиз, — сизнинг озодликка чиқишингизни кутиб туролмадим. Иродасизлик қилдим.

— Нималар деяпсиз? — деди Бургут баттар ҳайрати ошиб.

— Уйимдагилар қистаб қўйишмаганидан сўнг турмушга чиқишига розилик бериб юбордим. Ўн қундан кейин тўйим бўлади.

— Табриклиман, — деди Бургут бошқа гап тополмай.

— Устимдан куляйпизми? — деди қиз унга жаҳл билан.

— Нега қуларканман? Мен сизнинг баҳтли бўлишингизни жудаям истайман.

— Ўзим севмайдиган одам билан-а, қандай қилиб? Айтинг, қандай қилиб?

Фаррух нима деярини билмай қолди. Бошини қашиб у ёк-бу ёққа қараган бўлди-да:

— Агар тўй куни белгиланган бўлса, бошқа чора йўқ. Балки кейинрок, тўй ўтгач, яхши кўриб қоларсиз, — деди.

— Бўлди, — деди очиқасига хўнграб йиглаб юборган қиз, — сиздан бошқа нарса кутган эдим. Ҳаммасини...

Қиз бошқа гапиролмай бурилди-ю, югуриб кетди.

— Зарина! — дея бакирди Фаррух.

Аммо қиз жавоб бермади. Юргурганча кетаверди. Йигит талай муддат унинг ортидан термилиб тургач, бошини эгиб секин-аста машина томон юриб келди.

У Миробнинг укасини уйига келгунча ўзига келолмади. Қулоғининг остида қизнинг гаплари такрорланиб турди. Бургут Заринанинг бунчалик аччиқ қилганлигини тушуниб етолмас эди.

Ҳайдовчи сўраб-суринтириб, ахийри Миробнинг укаси яшайдиган хонадонни топди. Фаррух унинг уйига кириб борди-ю, ҳайратдан ёқа ушлади. Уйда яқин ўн-ўн беш йил ичидаги бирор яшаганга ўхшамасди. Ҳовлига қараб бўлмас, латта-путта, хас-чўплар сочилаб ётар, ҳар-ҳар жойда мол гўнги турарди. Уй деразаларининг баъзи ойналари синиб кетган, бўёқлари аллақачон ўчган, шиферсиз деворлар кулаш арафасига келиб қолганди. Бургут беш дақиқага яқин атрофни кузатганидан кейин:

— Маҳмуд! — дея бўғиқ овозда бакирди.

Бироқ ҳеч ким жавоб бермади. Шундан кейин у ёнидаги йигитга:

— Уйнинг ичини бориб кўр-чи, биронта зоғ борми-кан? — деди.

Йигит бир томонга қийшайиб қолган эшикни ғийқилатиб очди-да, ичкарига кирди ва икки дақиқа ўттар-ўтмас қайтиб чиқиб:

— Биттаси қотиб ухлаб ётиби, — деди.

Шундан кейин Фаррух ҳам уйга кирди. Дарҳақиқат, жандаси чиқиб ётган кўрпача устида юзтубан бўлиб битта одам ухлар эди. Уйнинг ҳавоси шунчалик бадбўй эди-ки, Бургутнинг пешонаси тиришиб, бурни жийирилди. "Одам ҳам шунчаликка борадими?" — дея хаёлидан ўтказди у. Сўнг бир-бир қадам босиб, ухлаётганинг тепасига борди-да, туфлисининг учи билан тирик мурдани секин туртди. Ухлаётган одам бир-икки марта ғингшиб кўйди-ю, яна уйқусини давом этказаверди. Бундан Фаррухнинг баттар жаҳти чиқиб:

— Ҳов, сўтак! — дея бақирди.

Яқин ойлар ичидаги ўсиб елкасига тушган сочига тароқ деган нарса тегиши у ёқда турсин, сув яқин бормаган, соқоли ўсиб кетган кимса овоз чиқариш тугул, қимирлаб ҳам кўймади. Бундан Бургутнинг баттар жиғибийрони чиқиб, уч-тўрт марта аямасдан тепди. Шундан кейингина "телба" бошини кўтарди-да:

— Нимага урасан, кимсан ўзинг? — деди норози бўлиб. Унинг оғзидан шунака қўланса хид келди, бундан кўра товуқхонанини бехроқ эди.

— Тур ўрнингдан, ипириски! — дея бақирди Фаррух.

— Менини бу уй, — деб Миробнинг укаси тахмин килинган одам бошини қорайиб кетган ёстиққа яна қўяётганди, Фаррух уни яна бир-икки марта тепди.

— Сен Миробнинг укасимисан?.. — деб сўради Фаррух аниқлик учун.

— Ҳм... — деган жавоб келди.

Шундан сўнг Фаррух йигитига қараб:

— Ҳовлига олиб чиқ буни, — деди-да, ўзи тез-тез юриб хонани тарқ этди.

Бургутнинг йигити "дарвеш"ни ташқарига олиб чиқ-қанидан кейин Фаррухнинг навбатдаги буйругига кўра юхонага икки буклаб тикиб кўйди.

— Бунақалар билан ёнма-ён ўтириб кетгандан кўра,

дўзахнинг ўтида куйган афзал. Ҳаммомга ҳайда, — деди Фаррух.

Икки соат мобайнода ҳаммом ходими "телба"ни роса чўмилтирганидан кейин сартарош унинг соч-соқолини киртишлаб олди. Шундан кейингина унга янги кийим-бош кийдирилди. Ниҳоят одамбашарага айланган Миробнинг укаси фўддайиб ҳаммомдан чиқди.

— Бўларкан-ку, — деди уни кўрган Фаррух. — Шартмиди чўчқага ўхшаб юриш?

— Сен ўзинг кимсан? — деди Миробнинг укаси иягини кўтариб.

— Менинг кимлигимни сал кейин билиб оласиз, ака, — деди Бургут бирдан жиддий тортиб.

— Бундай ҳаммомдан кейин биттагина пиво урилса, қаймоқдай бўлади-да. Иложи йўқми, ука, — деди Миробнинг укаси атрофига алангларкан.

Бургут унга еб қўйгудек ўқрайиб қараб қўйгач, икки бармоги орасидан "чиройли" қилиб бош бармоғини ўтказиб кўрсатди-да:

— Мана! — деди.

Фаррухнинг қилигини кўриб, Миробнинг укаси гезарип колди.

— Энди бир култум ютадиган бўлсанг, кекирдагингни юлиб оламан! Ҳозир аввал уйингга борамиз, ундан кейин мен сенга нима қилишинг зарурлигини айтаман.

— Мен Миробдай одамнинг укасиман, билдингми, акамнинг одамларига айтсам шест секундда жойингни солади. Пиво обермаймиш яна бу менга...

Бургут унинг гапларини охиригача эшлишига тоқат килолмади, куличкашлаб жағига шунақанги мушт туширдики, кеккайиб турган Маҳмуд гурсиллаб орқасига қулади. Фаррухнинг йигити ҳам уни тепишга чоғланганда, Бургут тўхтатди.

— Сенга буни уриш мумкинмас! — деди у, сўнг ерда думалаб ётган Маҳмудга каради: — Агар ана шу аканг бўлмаганида итдай ўлиб кетар эдинг! Машинага чиқ!

Калтакнинг зарби яхшигина таъсир қилган, бирдан ваҳимага тушган Маҳмуд Фаррухнинг оёгини қучоқланча, ялинишга тушиб кетди:

— Мен етимчаман, акам ваабше ёрдам бермайди. Бир

ўзим кийналиб кетдим. Эллик грамм виногаям пул то-  
полмай қолдим. Сизга раҳмат, акажон. Сиз яхши одама-  
кансиз. Менга яна озгина ёрдам беринг. Бир қултумгина  
ютмасам ўлиб қоламан.

Бургутнинг бир жаҳли чиқса, бир кулгиси қистарди.  
Нима қиларини билмасдан боши қотди. Охири йигитига  
караб жилмайди-да:

—Мошинада борми? — дея сўради.

Йигит бошини қимирлатиб, тасдик ишорасини қилга-  
нидан кейин олиб келишни буюрди.

Бургутнинг йигити шишанинг қопқоғини очиши би-  
лан Маҳмуд унинг қўлидан ароқни юлқиб олди-да, пиё-  
ла олиб келишларига ҳам сабри етмасдан шишанинг  
бўғзидан қулқуллатиб ичишга тушди. Яхшиям Фарруҳ  
унинг қўлидан дарров арокни тортиб олди. Йўқса, охир-  
ги томчи қолгунча ичиш шашти бор эди Маҳмуднинг.  
"Мутлако соб бўпти. Шундай одамнинг укаси-я, эсиз.  
Битта палакда ҳар хил қовун пишади, деб бекорга ай-  
тишмаскан-да. Агар бунинг аҳволини акаси кўрса, ким  
билади қандай аҳволга тушади. Қорамол ҳам бундан ту-  
зукроқ", дея хаёлидан ўтказди Бургут ва йигитига Маҳ-  
мудни машинада касалхонага олиб боришни, дўхтирлар-  
га яхшилаб қаратишни буюрди. Ўзи эса такси тўхтатиб,  
Аҳмат аканикига етиб олишини айтди.

У таксига ўтирганидан кейин Маҳмуд тўғрисидаги қай-  
гули ўйларининг ўрнини Зарина эгаллади. "Турмада қан-  
чалик менга ёрдам берган эди. Ҳатто наркоман бўлиб  
қолишимдан шу қиз асраганди. Нега энди мен унинг  
бошига ташвиш тушганида ёрдам бермайман... У нима-  
нидир мендан умид қилди. Нимани... Яхши кўриб қол-  
ганмикин? Лекин уни яхши кўришга ҳаққим йўқ-ку, Мо-  
хирўйга хиёнат қилолмайман-ку. Бир хисобдан Зарина-  
нинг кетиб қолганиям яхши бўлди. Йўқса, уни юпата-  
ман деб, севган қизимнинг дилини оғритиб қўйишим  
ҳеч гап эмасди... Ишқилиб, Зарина баҳтли бўлсин-да",  
деган ўйларга борди у.

Фарруҳ кириб борганида Аҳмат ака ҳовлисида безовта-  
ланиб, у ёқдан-бу ёққа бориб келар эди.

—Тинчликми?! — дея сўради Бургут уни кўриши би-  
лан.

— Келганинг яхши бўлди, — деди Ахмат ака унга караб. — Ташвиш чиқиб крлди, ука.

— Канака ташвиш?

Ахмат ака жавоб беришдан олдин, атрофга олазарак бокиб, ҳеч ким йўқдигига амин бўлгач, илдам юриб Фаррухнинг қаватига келди-да, шивирлади:

— Уйни ўраб олишибди.

— Ким? — деди Бургут кўзлари ўт бўлиб чақнаганча.

— Тургуннинг одамлари. Бозордан қайтиб келаётисб, унинг иккита йигити уйнинг тўғрисидаги кафе ёнида гаплашиб турганлигини кўрдим. Кейин уйга кириб, амалдорга хизмат қиласиган йигитларнинг ҳаммасини танийдиган Чўртанга телефон қилиб, уй атрофини яхшилаб кўздан кечиришни буюрдим. Бундан ярим соат олдин у кўнғироқ қилиб, ўн бешта одам уй атрофида изғиб юрганлигини айтди. Ўйлашимча, Турғун қизининг шу ердалигидан хабар топиб, очикчасига уруш эълон қилганга ўхшайди. Агар унинг нияти шундай бўлса, кўп қон тўкилиши мумкин...

\* \* \*

Жони хиқилдоғига келган, қони қайнаган эса-да, амалдор ўзини босди, ақлинни ишлатишга уринди. Аввал ҳаммомнинг бир хонасига стол-стул олиб кирдиртириди, унинг устини сархил мевалару тансиқ таомлар билан тўлдирди. Ундан кейин ўзи бир стулга ястаниб ўтириди-да, ароқ шишаларидан бирининг оғзини очиб, қадаҳга қулқуллаби қуидио, бир кўтаришда ичиб юборди. Шунда бирдан иштаҳаси очилиб кетди ва ковурилган товук гўштини катта-катта тишлаб, ямлай бошлади.

Турғун Ганиевични уйига бориб тополмай, хизматкорлар орқали унинг қаердалигини билиб олган Бахтиёр бироз хурсанд ҳам бўлди. Чунки ҳаммом анчагина кўздан нари. У ерда бақир-чақир кўп узокқа эшитилмайди.

Амалдорга Бахтиёрнинг келганлиги тўғрисидаги хабарни етказгандаридан кейин у кавшаниш асносида:

— Бу ёкка чакиринглар, — деб қадаҳга ароқ тўлатди ва яна бир кўтаришда ичиб юборди.

— Мумкинми, хўжайин? — дея эшикни тақиллатмасдан ҳам кириб келган Бахтиёр тузалган столни кўриб:

"Баччағар, ҳеч қачон ўзини хафа килиб қўймайди", дея хаёлидан ўтказди.

— Кел, ўтири, — амалдор унга қараб ҳам қўймасдан товукнинг қовурилган оёғига қўлини узатди. — Рўпарамда ўтири.

Бахтиёр йўл-йўлакай амалдор билан учрашувга қанчалик тайёргарлик кўриб келган бўлмасин, барибир бироз довдиради. Ҳатто ранги озгина оқарди ҳам.

— Иш бажарилдими? — дея сўради амалдор Бахтиёр ўтирганидан кейин иккита қадаҳга ароқ қуяр экан.

— Ҳа.

— Яхши, — амалдор қўлига қадаҳни олди-да, Бахтиёрга ҳам имлаб, қадаҳни олишни буюрди. — Бошини машинага ташлаб келдингми?

— Калласини олишга ҳаддим сифмади, хўжайин. Ҳар қалай, бегона эмасди. Шунинг учун ўлдириб, аммасининг ховлисига кўмиб кўя колдим.

— Дуруст, кўнглимдаги ишни қилибсан, қани, ароқни ич, — дея амалдор бир кўтаришда ўзининг қадаҳини бўшатди.

Бахтиёр эса қўлидаги қадаҳни энди лабига олиб борган эди ҳамки, тўппончанинг варанглаган овози эшитилди... Бахтиёрнинг ташқарида кутиб турган йигити эшикни тарақлатиб очганча югуриб кирди. Стол тагидан тўппончасини чиқарган амалдор унинг кўкрагидан дарча очиб кўйди. Йигит: "А-а-а!" — дея бақирганча кўксини ушлаб, орқасига йиқилди.

— Итдан тарқаган! — деди амалдор тўппончани оёғидан ўқ еган заҳоти столга қулаган Бахтиёрнинг пешонасига тираб. — Нима б... еб келдинг?!

— Мен Дилдора учун сендан қасдимни оламан! Қилган ишинг уч... учун жавоб берасан! — деди Бахтиёр оғир-оғир нафас олар экан.

— Ҳов мараз, қанақа Дилдора?! — дея бақирди амалдор.

— Хотиним, у билан дам олишга борганинг эсингдан чиқиб кетдими? Кисловодскка бораяпман, деб унинг ёнига кетган экансан-ку, сен мени мутлақо билмайди, деб ўйлаган эдингми?!

— Вой сабака,вой ифлос, нималар деб валдираяпсан?!

Осмондан олдингми бунақа гапларни?! — деди тобора бўйин томирлари бўртиб кетаёттан амалдор.

—Ха, осмондан! — кичкирди Бахтиёр. — Сен козёлнинг бирорга яхшилик қилмаслигингни олдиндан билар эдим. Лекин келиб-келиб хотинимга кўз олайтиришинг тушибмага ҳам кирмаган экан.

Аввал хе-хелаб кулишни бошлиган амалдор кейин ба-кириб, дунёни бузгудек бўлиб, қаҳқаҳа отишга тушиб кетди. Қорнини ушлаб, энкайиб, қизариб кулар эди у. Бахтиёр бир зум оғриқни унутди, амалдорга гезариб караб қолди. Кейин стол устида турган ароқ шишасини олдида, энкайиб турган амалдорнинг бошига урмокчи бўлганида у ўтириб қолди-ю, шиша тегмай ўтиб кетди. Шу пайт Турғун Ганиевич бирдан кулишдан тўхтаб, ўрнидан турди-да, қаддини тиклади. Сўнг Бахтиёрга ўқрайиб қараб:

—Хойнаҳой, Зулайҳо қулоғингга шундай деб лағмон илган бўлса керак. Лекин, қойил, боплаб тўқибди. Сен аҳмоқни ўзининг чўпчагига лаққа ишонтирибди... Мен сенинг эмас, балки ўзимнинг устимдан кулдим. Келиб-келиб сендан лақманни йигитларимга бош килиб қўйганимни қара-я. Ўйлашимча, хатойимни тўғрилаш вақти келди. Яна бир гапни айтиб қўяйин, тагин армонда кетма. Биринчидан, хотинингнинг ранги-туси қанақалигиям эсимда йўқ. Кўрган бўлсан-да, эътибор қилмаганман. Ўзи битта пачоқ хотининг бўлса, унинг учун мен ўзимни ҳаром қилишим ҳайф. Иккинчидан, Зулайҳо сен унинг ёнидан чиқишинг билан телефон килиб, сенинг мараз нияtingни айтган эди. Энди эса жойинг жаннатда бўлсин, — деда амалдор кетма-кет икки марта тепкини босди.

Иккала ўқ ҳам Бахтиёрнинг бошини ёриб ўтди. Йигит овоз ҳам чиқаришга улгурмасидан орқасига қулади-да, жон берди. Амалдор унга тикилганча, ҳайкалдек қотиб қолди. Ранги оқарди. Ичида қайғуриш, эзилиш, энти-кишга ўхшаш бир нарса пайдо бўлди. Бироз ўтганидан кейин тап этиб қўлидан тўппонча тушиб кетди.

Шундан кейингина Турғун Ганиевич ҳолсизланиб ўтириб қолди. Сочларини ғижимлади ва ўкириб йиглаб юборди. "Мен, — деди сўнгра йиғлашдан тўхтаб, пи chirлаганча, — мен сени ўлдирмоқчи эмасдим, галварс! Сен ҳали кўп керак эдинг. Бунчалар содда бўлмасанг!"

Шу маҳал эшик ғийқиллаб очилди-да, ҳаммомчи қўрқа-  
писа бошини сукиб:

—Хўжайин, — дея чақирди паст овозда.

У дастлабки ўқ овози эшитилганиданоқ югуриб кел-  
ган, аммо ичкарига киролмай эшик ортида қўрқканидан  
нима қиласини билмай турганди. Ниҳоят яна икки мар-  
та тўппончанинг қарсиллаши эшитилганидан кейин ич-  
каридан ҳеч бир сас чиқмай қолгачгина эшикни очишга  
ўзида куч топганди.

— Кир, — деди амалдор қўлини арокка узатиб.

— Халиги... хизмат...

— Кир, дедим сенга! — деб амалдор бирдан бақириб  
юборди.

Ҳаммомчи оёғигача қалтираб, амал-такал қилиб бир-  
икки қадам босди ва тўхтади.

—Ароқдан ўзингга тўлатиб қуй, — деди Турғун Фани-  
евич ва ўзининг қадаҳини бир кўтаришда бўшатди.

Ҳаммомчи бир кўзлари олайиб ўлиб ётган Баҳтиёрга,  
бир амалдорга қараб шайтон сувни ичди.

— Энди, — дея амалдор Баҳтиёр билан унинг йигити-  
ни кўрсатди, — буларни қопга сол-да, мосинанинг баға-  
жига тик.

— Хўп бўлади, — дея ҳаммомчи қўлини кўксига қўйди-  
да, ташқарига югорди.

Турғун Фаниевич ўзининг "ўнг қўли"ни мурдасини олиб  
чиқиб кетишгунча ўтириди. Унгача уч қадаҳ ароқ ичди.  
Кайфи ошди. Ғўлдираб бир нарсалар деди, сўнг сув ҳав-  
заси бор хонага ўтди-да, кийим-пийими билан ўзини  
ҳавзага отди. Анча муддат сувдан чиқмади. Ундан ҳаво-  
тир олган ҳаммомчи икки марта хабар олиб кетди. Шун-  
да Турғун Фаниевич ўйланиб қолди. "Нега бу менинг  
тўғримда қайғураяпти? Наҳотки, мени керакли одам деб  
ҳисобласа. Қизик, мабодо ўлиб қолсан биронта жонзор  
қайғурармикин... Кайғурмайди. Хурсанд бўлади. "Қутул-  
дик", дейишиади. Худди Сулаймондан қутулган девлар-  
дай. Сулаймонга қайғурадиганлар кўп бўлишган, менга  
эса... Хотиним шу куни кўй сўйиб тўй килади. Анави  
сўтак бола бўлса... кўммаси қаердайкан, деб уйнинг ағдар-  
тўнтарини чиқариб ташлайди. Топиб бўпсан, мишиқи,  
мен учун кўзингдан ёшинг оқиши тутул, юрагингнинг чекка

бир бурчаги бир секундга бўлсин ачимадими, менинг тўплаган бойликларим ҳайф сенга... Мохирўй... Мохирўй, менинг шу кўйга тушишимга сабабчи бўлсанг ҳам, ҳамма нарсамни сенга қолдирадим. Сен бошқачасан. Сен шунга арзийсан. Сенга интилиб, сени истаб ахмоқлик қилгандирман, буни пасткашлик десаям бўлар, лекин билиб кўй, бунинг ҳаммаси фақат чиройингни ўзимники қилиб олиш учун эмас, меҳрингта эгалик қилиш учун эди. Агар бирорвга эрга тегмасдан уйда юраверганингда, сенга заррачалик бўлсин итлик қилмасдим. Махлиё бўлиб юравердидим. Менинг ёшимда шунинг ўзиям катта давлат. Лекин сен қачондир бошқа бирорвнинг қучогига кирансан-да. Ана шунисини мен ҳазм қиломайман. Ана шуниси мени тириклийн гўрга тиқади. Сен буни тушунолмайсан. Ҳатто ақлинггаям сифмайди". Турғун Фаниевич ғазаб билан сувни муштлади, "Битта қолдирмай ҳаммангни ўлдираман!" — дея қичкирди. Сўнгра бир нарса ёдига тушиб қолгандай шошиб сузуб бориб, ҳовуздан чиқди.

Ўзи гувоҳи бўлган воқеалардан кейин бутқул юрагини олдириб қўйган ҳаммомчи оғир қадамлар босиб яқинлашиб келаётган амалдорни кўргач, бутунлай ўзини йўқотиб қўйди. Унинг ахволини Турғун Фаниевич бир кўрганиданоқ сезган эди. Ҳўл кийимларининг ўрнига бошқаларини тайёрлаб қўймаганлиги учун яхшилаб танобини тортиб қўймокчи эди унинг. Лекин ундан қилмади. Муррувват кўрсатгиси келиб қолди. Аста ҳаммомчи йигитнинг елкасига қўлини қўйиб:

— Ҳозир киши ойи бўлганида шамоллашим аниқ эди. Кийим тайёрлаб қўйишни бундан буёғига эсингдан чиқарма, — деди.

Ҳаммомчи йигит бироз енгил тортиб "хўп бўлади", дегандек бошини қимирлатди ва югуриб борганча, ўзининг хонасига кириб, амалдор учун доим тайёр турадиган кийимларни олди-да, ортига қайтмоқчи бўлди-ю, яна бирдан жойида тўхтади. "Балки анави иккита малласочга берсам, хўжайнинг кўнгли кўтарилад", деган ўй ўтди хаёлидан ҳамда кизларнинг хонасига кирди. Уларнинг бири ойнага қараганча қош-кўзини бўяш билан овора, иккинчиси юмшоқ каравотда ётганча сигарета чекарди. Ҳаммомчини кўришганидан иккаласи ҳам илжайди.

— Бу ерда сендан бошқа эркак йўқ, шекилли, бугун, — деди сигарета чекаётган сариқ соч қиз рус тилида.

— Бугун жуда зерикаб кетдим, — дея ўрнидан турди иккинчиси ҳам рус тилида гапириб. — Бизга пулинг керак эмас. Биз бошқа нарса учун келганмиз.

Қизнинг мушукдайин суйкалиши ҳаммомчига хуш ёқди. Лекин ҳозир у билан шуғуланиш мавриди эмасди.

— Наташа, — деди йигит шошиб, — манави кийимларни ол-да, ташқарига — хўжайнинг ёнига югор. Унинг усти-боши хўл, агар кеч колсанг осади.

— Ҳамиша шунака, иш бўлса Наташка, — дея қиз норози қиёфада кийимларни ҳаммомчининг қўлидан юл-киб олди.

Ховлида дунёнинг ғамини елкасида кўтариб олган пахлавондай у ёқдан-бу ёқка юриб турган амалдор сариқ сочли қизнинг келасолиб унинг хўл кийимларини ечишга тушиб кетганига эътиroz билдирамди. "Гувоҳлар кўпайиб кетибди. Буларни йўқ қилишни истамайман-у, лекин кўп нарсани билиб кўйгани чатоқ-да. Аслида, кўзи кўр, кулоги кар бўлса одамзод анча-мунча кўпроқ яшаркан", дея ўйларди у.

\* \* \*

Аҳмат аканинг безовталигини уйидагилар аллақачон сезиб улгуришган эди.

Эрини шу пайтгача бирон марта ҳам бундай ахволда кўрмаган хотини типирчилаб қолди. У уйдан чиқмоқчи бўлиб эшик ёнига борар, туткични ушлар, лекин эшикни очолмас эди. Ички бир туйғу унинг ҳовлига чиқишига йўл қўймасди. Эшик ёнида иккиланиб тура-тура, ортига қайтар эди. Сўнг яна эрининг ёнига боришга жазм қилар, бироқ буниси ҳам аввалгиси каби якун топарди. Онасидан кейин қизи Нодира отасининг безовталигидан хабар топди. Бироқ унинг ҳам отасидан аҳвол сўрашга юраги бетламади. Моҳирўй эса тўй кийимлари билан ниҳоятда банд бўлганлиги учун уй "об-ҳаво"си ўзгарганини сезмади.

— Нима деб маслаҳат берасиз? — деди Фаррух ўйланниб турган Аҳмат акага.

— Менимча, ўзимизникиларни амалдорнинг одамларининг орқа томонидан кўйиш керак. Мабодо биронта ножӯя ҳаракат бошланиб қолса, улар ҳамлага ўтишади.

— Шундан бошқа иложимиз йўққаям ўхшаяпти.

— Унда мен Чўртанга айтайин, тезроқ ишни бошлаб юборсин.

Малик гира-шира коронғилик тушишини кутаётган эди. Одатда бундай пайтда ҳар ким ўз ташвиши билан бўла-ди. Атрофга эътибор сусайди. Худди ана шу кезда у Аҳмат аканинг уйига бостириб кирмоқчи эди. Аммо бу билан у ўзига керакли бўлган вақтни йўқотиб қўйиши мумкин-лигини хаёлига ҳам келтирмаган эди. Боз устига, тажри-басизлик килиб, ўзларининг ҳар бир қадамини назорат килиб турган Бургутнинг одамларини сезмай қолди.

Нихоят, кутилган вақт етиб келди. Малик йигитларига имо қилиб: "Бошланглар", деган буйруқни берди.

Биринчи йигит у ёқ-бу ёққа чумчуқ қараш қилиб олди-да, дарвозага яқинлашаётган маҳал унинг орқа томонида бирдан бақириш, сўқиниш овози эшитилиб қолди. Ўзла-рига нисбатан икки баравар кўп йигитларнинг туйкусдан қилган ҳамласи амалдорнинг одамларини бутунлай дов-диратиб қўйди. Бири олди-оркасига қарамасдан қочишига тушган бўлса, бошқаси Бургутнинг йигитлари зарбаси-дан ерга қулар, омонат жойига тепки тегиб қолмасин, деб икки кўли путини пана қилиб букчайиб қолар, учин-чиси эса кўкрагига санчилган пичоқ зарбидан инграб юборар, сўнг чўккалар, жон таслим қиласди...

Олишув йигирма дақиқага яқин давом этди. Чўртан из қолдирмаслик мақсадида ўзининг яралangan йигитлари билан бирга амалдорнинг одамларини ҳам олиб кетди. Кейинрок, орадан ярим соатлар ўтиб тўртта машинада милиционерлар етиб келишди. Келишди-ю, озгина фур-сат у ёқ-бу ёқни тимирскилаб, унда-бундаги қон юқла-ридан бўлак ҳеч бало топиша олишмади. Улардан икки-таси Аҳмат аканинг дарвозасини қоқди. Жанг нима би-лан нихояланганлигини Чўртандан эшигтан Бургутнинг эндилиқдаги бош маслаҳатчиси чиқди-да:

— Ҳеч нарса кўрмадим, ҳеч балони эшигтмадим. Уйда меҳмонлар бор эди, — дея жавоб қилди милиционерларга.

Иккала милиционер йигит ҳам Аҳмат аканинг кимли-гини яхши билишарди. Тўполон айнан унинг уйи ёнида бўлганлиги Аҳмат аканинг иштироки борлигидан дало-

лат бериб туришини ҳам англаб етишганди. Аммо уларнинг қўлидан ҳеч бир иш келмасди. Аҳмат акани шубҳа остига олиб бўлимга олиб боришганлари билан у осонликча чиқиб кетади. Қолаверса шундан кейин иккаласи ҳам "аҳмоқона" ишлари учун балога қолишлари ҳеч гап эмасди. Шу боисдан ҳам узр-маъзурларини айтишиб, ортларига қайтиб кетишиди.

Улар кетганларидан кейин орадан бир соатлар чамаси вакт ўтиб, Аҳмат аканинг уйидан машина чиқди. Унинг ичида Аҳмат акадан ташқари Бургут ва яна бир йигит бор эди. Машина шаҳар ташқарисига, бош маслаҳатчинанг дала ховлисига йўл олди. Ҳовлида уларни Чўртан кутиб ўтиради.

— Сенга неча марта айтганман! — дўқ урди Аҳмат ака стол устидаги ароқ шишаларини кўргандан. — Ҳовликиб мишишатбозлик қилма!

Пўписа юмшокроқ чиқди. Кўпроқ у рағбатга якинроқ эди.

— Йигитлар анча тер тўкишганди, шунга озгина... — деди Чўртан бошини эгиб.

— Нечта одам ушланди? — сўради Бургут.

— Саккизта. Биттаси ўша ернинг ўзида ўлган экан, иккитаси йўлда жон таслим қилди. Бештаси оғилхонада, қўл-оёғи боғланган, — ҳисобот берди Чўртан.

— Бу ёққа олиб кел, — дея Фаррух столга ўтириди-да, атрофини бир кур назардан ўтказди.

Йигитларининг юзидағи хурсандлик шундоққина кўриниб турар эди.

— Раҳмат сизларга, — деди Бургут уларга қаратади. — Ҳўқиз сўйиб базм қиласа арзидиган иш қилдиларинг. Лекин бунинг мавриди эмас. Қочиб кетганларни катта қанотининг остига олиб ўтирган амалдор осонлик билан жон бериб кўймайди.

— Ҳамма нарсани тахлаб бўлганимиздан кейин базмини ресторонда менинг ўзим уюштираман, — деди бирдан Аҳмат ака.

Йигитларининг юзида бирдан табассум пайдо бўлди-ю, тагин йўқолди. Чунки амалдорнинг йигитлари биринсирин кириб келишган эдилар.

— Қаҳрамонлар, мен сенларнинг юзларингни кўришга

шунчалик муштоқ әдим, — деди ўрнидан турган Фаррух уларнинг ёнига борар экан. Тунд башараптар ерга эгилди.

— Унақамас-да, — деди Бургут жилмайиб. — Бошларингни кўтариングлар. Биз сизга душман эмасмиз. Дўстмиз. Фақат бир-биrimизни шу пайтгача тушунмай келаётган эдик. Ана энди келишиб оладиган вақт келди. Нима дедингиз?

Бургут охири гапидан кейин Аҳмат акага қаради.

— Жудаям тўғри — дея унинг гапларини маъқуллади Аҳмат ака.

— Гап бундай, — дея давом этди Фаррух, — биз мисоли бешта панжамиз. Агар туғилсак мушт бўламиз. Муштнинг кучи панжаларницидан қанчалик фарқ қилишини ўзларинг ҳам яхши биласизлар. Шунинг учун мен сенларга бирлашишни таклиф қиласман. Аникроғи, ўзимизга сенларни қўшиб олмоқчиман. Хўш, қўшиласанларми?

Амалдорнинг йигитлари бир-бирига қарашиди. Бирок ҳеч биридан садо чиқмади.

— Айтиб қўйайн, — деди энди Бургутнинг қошлари чимирилиб, — ҳеч биrimиз фаришта эмасмиз. Ҳаммамизнинг ўзимизга яраша гуноҳларимиз бор. Биронники кўпроқ, бошқаники озрок дегандай... Агар ҳозир сулҳ тузадиган бўлсак, бирор сенларга тегинмайди.

Унинг шу гапидан кейин ўзининг йигитлари норозиланиб ғудраниб қўйишди.

— Булар билан битмаган ҳисоб-китобимиз бор, — деди ҳатто улардан бири паст овозда.

— Ҳисоб-китобни, — деди унга ўқрайиб қараган Бургут, — пешона тери билан, уям бўлмагандан қони билан ювади, тушунгандирсан?!

Хонага совук жимлик чўкди. Аҳмат ака томогини кириб қўйди. Шундан кейин Бургут ҳозир жим туриш мумкин-маслигини тушунди.

— Хуллас, бола-чақанг, ота-онанг гаровга ўтади. Бешаланг ҳам бизнинг одамлар билан бирга ишлайсанлар. Агар биронтанг қулогингни қимирлатадиган бўлсанг, устингдан маймун кулади... Мен сенларни сўроқ килиб ўтирамадим. Берадиган жавобларинг керак ҳам эмас. Шундогам ҳамма нарсани яхши биласман. Энди вазифани эши-тинглар. Тонг отгунича амалдор менинг оёғим остида бўлиши керак!

Фаррухнинг важоҳати бутунлай ўзгариб кетган эди. Ҳатто унинг гапларидан кейин Аҳмат ака ҳам ҳайиқиб-роқ қолди. Бошқалар эса тошдек қотишган эдилар.

— Чўртган! — деди Фаррух овозини янада баландлатиб.

— Ҳаммаси билан ўзинг шуғулланасан.

— Кетдик, — деди Чўртан буйруқни эшитиши билан.

У билан бирга ҳамма ташқарига чиқиб кетди. Уйда Аҳмат ака ва Бургут қолишиди.

"Босс ҳақиқатан ҳам узоқни кўра биладиган валий одамлардан экан, — дея ўйлади Аҳмат ака. — Биринчи кўрганимда бу бола унинг ишини давом эттиришига кўзим етмаган эди. Мана, кимлигини кўрсатди-кўйди. Энди буни шу руҳда тарбиялаб боришим керак".

— Энди кетсан ҳам бўлар, — деди Бургут бироз жимликдан сўнг.

— Ҳа, қайтамиз. Эртанги ташвиш ҳам етарли.

— Балки тўйни яна бир-икки кунга кечикириармиз. Турғун Ғаниевични бир ёқли қилмасдан одамнинг кўнгли жойига тушмайди.

— Хайрли ишнинг эрта бўлгани яхши. Амалдор сенинг тўйингга халақит бермайди. Бундан ташқари, меҳмонларни ҳам айтиб кўйганмиз. Сен ҳечам хавотир олма. Ҳаммаси яхши бўлади, — дея Аҳмат ака Фаррухнинг елкасига кўлини кўйди.

Улар уйга етиб боришганда соат миллари тунги бирни кўрсатиб туради. Аҳмат ака Бургутни ўзининг уйига кетишига қўймади: "Шу ердаям сенга жой топилади. Бир кеча минг кеча бўлмайди. Эртага насиб этса, келин билан бирга борасизлар".

Унинг гапи Фаррухга маъқул тушди, зеро ўзининг ҳам кетгиси йўқ эди...

У шунча у ёқдан-бу ёкка ағдарилиб ётмасин, барибир уйқуси келавермади. Амалдор "ов"ига кетганлардан хавотир олар эди у.

\* \* \*

Эрига кўнғироқ қилганидан кейин кўнгли тоғдай кўтарилиган Зулайҳо хайдовчига бозор ёнида тўхташни буюрди. Ҳайдовчи норози қиёфада бир караб қўйди-ю, лекин мижознинг гапини икки қилмади.

Бақалоқ гавдасига ярашмаган эпчиллик билан маши-

надан тушган жувон илдам юриб, бозор ичига орала б  
кетди. У қопчиғидаги пулини аяб ўтиргади. Бозорнинг  
олд меваларидан сотиб олди. Кейин тўрт шиша ароқ,  
шунча конъяк, колбаса, яна бошқа бир талай егуликлар  
харид қилди.

— Нима қиласдинг шунча нарсани? — деди аммаси у  
машина юхонасиға нарсаларини юклаб, ёнига келиб  
ўтирганидан кейин.

— Танишларингизни бир хурсанд қилайлик, дедим, —  
дэя жавоб қилди мийигида кулиб қўйган Зулайҳо. —  
Тўлиб-тошиб борсак, ҳурматимиз ҳам шунга яраша бўла-  
ди-да.

— Худо билади, — деб эътиroz билдириди амма, —  
танишларимиз ҳам ўзимизга ўхшаган. Чоли поччангга  
ўхшаб шишани кўрса томдан ташлайдиганлар хилидан,  
кампири эса ияк суюб ўтиради. Битта-иккита неваралари  
бор-у, лекин уларам йўқдай. Чол-кампирга сапсум қара-  
май қўйишган.

Зулайҳога аммасининг гапи хуш ёқди. Айнан шундай  
жой керак эди унга.

— Амма, — деди у юзидаги табассумни яширлмай, —  
поччам иккаламиз озгина-озгина ичайлик. Рости, ичим  
ёниб кетаяпти.

Ичкиликни эшитиб, ҳайдовчининг ёнида ўтирган Сан-  
жар чолнинг қулоги динг бўлди. Кайнисинглисининг ил-  
тимосига кампири жавоб қайтаравермагач, бироз жаҳли  
чиқди-да:

— Бундай пайтда ҳакиқатанам озгина олиш керак.  
Одамни енгил қиласди, — деди ортига бурилиб қааркан.

— Лекин шу зормандани қаердан топасан?

— Бу томонидан хавотир олманг.

Зулайҳо сумкасидан битта конъяк ва шоколад чиқар-  
ди. Буларни кўрган Санжар чолнинг кўзи ўйнаб кетди-  
да, ютиниб қўйди. Ҳайдовчи эса бошини сарак-сарак  
қилиб мийигида кулди.

— Стакан керакмас, опке, ўзим бошлаб бераман, —  
деди чол Зулайҳо томонга қўлини узатиб.

— Сиздан кейин мен ичолмайман, шопир акам би-  
ронта стакан топиб берар, — деди Зулайҳо поччасига  
конъяк шиша часини бермасдан, ҳайдовчига ноз қараш  
қилас экан.

— Топилади, — деди ҳайдовчи жиддий тортиб ва машинанинг бардачогидан анча вақтлардан бери ювилмаган, бир лаби учган стакан олиб, жувонга узатди.

Зулайҳо унга озгина конъяк солиб чайқади-да, дераза ойнасидан ерга сепиб юборди.

— Эй-й-й! — дея бақириб юборди чол. — Шундай нарсани ерга сочадими, одам дегани. Бунақада нонкўр бўласан-ку. Менга берганингда, ўзим увол қилмасдим... Майли, куй тезроқ, бошим оғриб турибди.

— Мана, поччажон, — дея шошилмасдан конъякни стаканга қуиб узатди Зулайҳо, — шифо бўлсин.

Рахмат насия бўлди. Стаканни икки қўллаб маҳкам ушлаб олган чол суюқликни симира кетди. У шунака бир эхтиром билан, ҳар бир қултумни томоғида озгина фурсат тўхтатиб ичар эдики, кўрган одамнинг хаваси келарди. Бу Зулайҳонинг ҳам иштаҳасини баттар қитиклади. Уям худди поччаси каби ичмоқчи бўлиб шишани бўғзидан ушлаб кўтариб бир қултум ичди-ю, томоғида сақламоқчи бўлганида кўзидан ўт чиқиб кетди. Амалтакал қилиб ризкини ютди-да:

— Кандай ичдингиз? — дея сўради афти бужмайиб.

— Бу одамлар, — дея гапга аралашди ҳайдовчи кулиб, — профессионал бўп кетишган. Сиз буларга ўхшаб ичман деб хаёлингизга ҳам келтирманг. Керак бўлса, бунақалар оғзида сақичдайин чайнаб кетиши ҳам мумкин.

— Тўғри... тўғри, — деди Санжар чол бошини қимирлатиб, — лекин шу сақичдайин чайнаб кўрмаган эканман-да.

Зулайҳо яна бир бор шишани кўтарди. Бу сафар ўзи доимий ичиб юрадиган усуlda ичди. Томоғини куйдириб ўтган суюқдик чол айтганидай бироздан кейин уни енгил тортириди. Кайфияти кўтарилиди. Бу пайтда чолнинг жаги очилиб кетган эди. У ҳайдовчига ўзининг буюклигини исботлаш билан овора эди.

Орадан икки соатча ўтганидан кейин улар манзилга етиб боришли. Ҳайдовчи йўлдаги тўхташларни ҳисобга олиб, нарх масаласида озгина тихирлик қилди. Бошка пайт бўлганида Зулайҳо бунақанги майдакашлиги учун у билан яхшилаб гаплашиб қўйган бўларди. Лекин айни дақиқада тишини-тишига босишга мажбур бўлди ва ҳай-

довчи айтган суммани бераркан, ичида "тешиб чиқсин", деб қўйишни ҳам унутмади.

Шаҳарлик меҳмонлар иззат-икром билан кутиб олинди. Чол-кампирлар бир-бирларини соғиниб кетишганларидан анча вақтгача ҳол-аҳвол сўрашишди. Зулайҳо уларнинг бунака сўрашишларидан дарров зерикди. Лекин бардош қилиб ўтиришдан ўзга иложи йўқ эди. Ниҳоят Солия кампир инқиллаб-синқиллаб турди-да, дастурхон олиб келиб ёзди. Қанд-курс, нон қўйди. Зулайҳо ҳам караб турмади. Ўрнидан сапчиб туриб, ўзи олиб келган нарсаларни уй эгасига тутқазди. Бирпасда дастурхон безалди.

Дастурхонда ҳамма нарсадан ҳам спиртли ичимлик кўплигидан чолларнинг оғизлари қулоқларига етди. Дарров ичкиликбозлик бошланиб кетди. Уларнинг гўрларига бир сидра ғиштни калаган кампирлар ўзларининг сухбатлари билан андармон бўлишди. Зулайҳо эса бегона кўрага кириб қолган кўйдай ётсираб ўтириди. Бир майхўрликнинг "чангиги"ни чикараётган чолларга бокар, бир арзимаган майда-чуйда нарсаларни ҳам эзмалик билан бир-бирига тушунтираётган кампирларга каарди. Охири боши оғриб кетди. Билдиримайгина пиёласини конъякка тўлдирди-да, сипқориб юборди. Сал енгил тортди. Пиёласини яна бир марта тўлдираётганида эса Солия кампир унинг ишини кўриб, кўзи чақчайиб кетди. Зулайҳо бунга эътибор килмади ва пиёласини оқлашиб кўйди.

— Бу сенга ким бўлади? — деб сўраб қолди жувон кўлини газакка узатганида Санжар чолдан уй эгаси,

— Буми? Қайнинглим. Роса қўли очиқ жувон. Одамни ҳечам хана қимайди. Катта охирдан ем еган бўлсаям, кеккаймайдиганлар хилидан.

— Бевами? — дея сўради Эсиргап чол кўзи сузилиб.

Унинг гапидан кейин мингирилашиб ўтиришган кампирлар ҳам ялт этиб шу томонга қарашибди.

— Бу ўлгур, — деди Солия кампир ғазаби кўзиб, — ичига бир нарса кирдими, дарров айнийди, бева излашга тушади.

— Эй-й, кампир, сен ниманиям тушунардинг. Мен айниётганим йўқ. Икки юз граммларнинг мени айнитишга кучи етмайди. Мен Отакулни ўйлајпман. Олтмишдан ўтганида бева қолди. Бечоранинг иссиқ-совуғи-

дан хабар оладиган ҳеч кими йўқ. Агар буниям эри бўмаса... Яхшигина, очиққина жувонакан...

— Эри бор, — деди бирдан Холида амма. — Бой эри бор. Хукуматни сўраб турайдиганлардан.

Аммасининг гапидан жувоннинг жаҳли чиқиб кетди. "Озгина босиб ўтирса, бир жойи камайиб қолмасди", дея хаёлидан ўтказиб бошини эгди.

— Шундайма, мен билмапман. Савоб иш қилмоқчий-дим-да.

— Унақа қаримасми? — дея сўради Зулайҳо бетининг терисини сидириб ташлаб.

— Вой ўлмасам... — деб юборди амма.

— Амма, күёвингиз билан келишмай қолганмиз. Мен бу ерга эр излаб келганим йўғ-у, лекин бир одам ёрдамга муҳтож бўлиб турган бўлса, ҳожатини чиқаришим мумкин.

Унинг томдан тушган тарашадай туйқусдан бунақа гапларни айтиши ҳаммани ҳанг-манг қилиб қўйди. Ҳатто чолларнинг кайфи ҳам учди. Дабдурустдан хаёлига келиб қолган гапларни тортинмай айтиб юбораётганига Зулайҳонинг ўзи ҳам ҳайрон эди. Балки ичига шайтоннинг суви кириб олиб "ракс"ини бошлаб юбормаганида, оғзига бунчалик эрк ҳам бермасди.

— Чинингми? — деди жиянининг гапига ишониб-ишонмай ўтирган амма.

Шунда Зулайҳонинг кўзидан бирдан ёш қуиилиб келди. У бошини иргаб, тасдиқ ишорасини қилди.

Бир ҳисобдан унинг шу ерда қолиши ҳам аммага маъкулдай эди. Чунки жияни қолса, у боради-ю, кўмманинг ҳаммасини ковлаб оларди. Кейин умрининг охиригача оёғини узатиб, ҳеч нарсани ўйламай яшайверарди.

— Ана, кўрдингми, кампир, — деди Эсиргап чол, — буниям юрагида дарди боракан. Бой бўлама, бошка бўла-ма, шундай жувонни хор кип қўйибдими, хайф ундей эркакка.

Унинг гапи Санжар чолга кўпам маъқул тушмади. Агар қайнинглиси бу ерга эрга тегадиган бўлса, ўзи хомийсиз қолиб кетар, кейин бундан уч-тўрт кун аввалгида ким беш грамм қуиб бераркан, дея қорнини уқалаб ётарди. Шу боисдан ҳам тунд қиёфага кирди-да, пиёласини ароқка тўлдириб, бир кўтаришда ичиб юборгач:

— Ошна, бу Отакул деганингизнинг кистаси қандай?  
Жиянни қийнаб кўймайдими? — дея сўради.

— У ёғидан иш тутманг, жўра. Болалардан тинчиган,  
ҳаммаси уйли-жойли бўп кетган. Бунинг устига, бари  
топармон-тутармон. Отакулнинг ўзини эшигидаям ўн чоғ-  
ли қора моли бор, — деди Эсиргал чол ғўддайиб. —  
Ўзиям кўли очик одам.

Ошнасининг сўнгги гапидан кейин Санжар чолнинг  
биroz чиройи очилди. Унга айнан шунака одам керак  
эди.

Мўлжалга олинган битим ҳаммага маъкул тушгандай  
эди. Факат Солия кампирнингина боши қотганди. "Иш-  
килиб, шарманда бўлмасак гўргайди", дея ўйларди у.

Ўша куни Отакул акага бу янгилик тўғрисида хабар  
берилмади. Бугун яхшилаб дам олинадиган, эртасига  
Эсиргал чол унинг ёнига борадиган бўлди.

Зулайҳо хурсанд эди. Чунки унга айни кунларда бош-  
пана керак. Бироз ўша бошпанада яшаб, ўзига келиб  
олишни, ундан кейин амалдорга қарши ишларини бош-  
лашни мўлжал қилганди у.

Алламаҳалгача ичкилик билан шуғулланган чоллар эр-  
тасига чошгоҳгача ухлашди. Шундан кейингина Эсиргал  
чол Отакул аканикига йўл олди.

Сўнгти кунларни зерикиш, сиқилишда ўгказаётган Отакул  
ака янгиликни эшитиши билан хурсанд бўлиб кетди.  
Лекин хурсандлигини билдирамади. У пиёниста одамлар-  
нинг кўп ҳолларда рост гапиришларини яхши биларди.  
Шу боисдан ҳам хушхабар кўтариб келган чолнинг гап-  
ларига дарров ишона қолди. Бирдан ўғилларига (у ўғил-  
ларининг зимдан ўзига кампир қидириб юришганлигини  
билар эди) бу ҳақда хабар бермоқчи бўлди-ю, лекин дар-  
ров фикридан қайтди. "Аввал ўзим бориб кўрайин, маъ-  
кул келса, сўнг айтаман", деган қарорга келди у.

Бу пайтда Холида кампир негадир "шахарга кетаман"-  
га тушиб қолди. "Бир бориб келмасам бўмайди. Хар  
қалай, жиянимни куруқ узатсан бўмас. Сандиқда бир  
нарсаларим бориди, шуларни олиб келаман", деди у. Со-  
лия кампир бир-икки бор уни йўлдан қайтармоқчи бўлди.  
"Жувон эрга тегаётганда сепи билан бориши шартмас",  
деди. Лекин амма кўнмади. "Бориб келмасам бўмайди",

деб туриб олди. Кўнглига ҳеч бир шубҳа ораламаган Зулайҳо эса унинг кетишига эътиroz билдиrmади. Фақат кузатаётганида хар эҳтимолга қарши: "Амма, анави жойни очаман деб юрманг тағин", деди. "Йўқ, ўлипманми, ер ковлашга мендайин кампирда куч қаерда дейсан", деди амма унга жавобан. Бироқ жиянининг гапи унинг гумонини икки карра ошириб юборганди.

Амма нақ тўурт соат деганда уйига базўр етиб келди. Кела-келгунча кўрган туши юрагини ҳаприқтириб, аъзойи баданини жикка терга ботириб юборди. Тушида бир ўзи қоқ туш пайти, ҳамма уй-уйига кириб дам олаётган палла "кўмма"ни очиб қараса, қип-қизил сандик турганмиш. Кўтарай деса, оғирмиш. Чолини шунча ёрдамга чакирапмиш-у, у келиб ёрдам бериш тугул, қараб ҳам кўймасмиш. Шундан кейин унинг ўзи сандикнинг оғзи ни амал-тақал қилиб очибди-ю, у ердаги бойликларни кўриб ақлдан озаёзибди. Дуру гавҳар дейсанми, тилло тақинчоқлар дейсанми... Улардан тараалаётган нурдан кампирнинг кўзи қамашибди. Энди олмоқчи бўлиб қўлини узатган экан, бирдан қаердандир пайдо бўлиб қолган Зулайҳо: "Тегманг!" — дея қичқириб юборибди. Худди шу маҳал у уйғониб кетди. Шу боисдан ҳам эрталабданоқ кетаманга тушган эди.

Холида амма ниҳоят ҳовлисига етиб келганидан кейин чукур нафас олди-да, эшик-тешикнинг ҳаммасини маҳкамлаб бекитди. Ташқаридан биронта хавф пайдо бўлмаслигига ишончи комил бўлганидан кейин белкуракни олиб, секин "кўмма"ни бир чеккасидан оча бошлади. Яқингинада ковланганлиги боис ер юмшоқ эди. Кампир қийинчилик сезмади. Қайтанга баттар авжи келди. Тезроқ, тезроқ бойликларни кўргиси келаверганидан кўзи порлаб кетди. Билакларига қўшимча куч эниб, ёшига ярашмайдиган чаққонлик билан қазий бошлади... Бир маҳал белкуракнинг учи нимагадир тегди. Хурсанд бўлиб кетган кампир белкуракни отиб юборди-да, кўли билан юмшоқ тупроқни у ёқдан-бу ёққа ота бошлади. Кўзи кўк латтага тушди. "Сандик матога ўралган экан-да", деган ўй яшин тезлигига хаёлидан ўтган кампир латтани маҳкам чанглаб олганча жон-жаҳди билан торта бошлади.

Бойликларни эртароқ кўриш, муродига етиш хаёлидан

кетмаётган Холида кампир бошқа ҳамма нарсани унудти. Манави латта ўлгурни озгина, яна озгина тортса бас, кейин сандық күринади... Шундан кейин ҳаммаси... ҳаммаси унику бўлади.

Кўз олдини туман қоплаган кампир одам оёғи кўриниб қолган маҳал ҳам ишини давом этказаверди. Бир маҳал иккинчи оёқ ҳам тупроқ остидан чиқди-ю, кампир бирдан ҳаракатдан тўхтади. У аввалига ҳеч нарсага тушунломай қараб турди, кейин бирдан мурданинг оёғини кўйиб юборганча ортига тисарила бошлади. "Йўқ... йўқ", дэя пицирлади кампирнинг лаблари, сўнг ўзи қазиган ўранинг рошига сирпаниб кетди-ю, ўтириб қолди. Ўрнидан турмоқчи бўлди, лекин эпломмади. Тағин йикилди.

— Вой, дод!!! — дэя кампир кичкириб ортига ўгирилди-да, тирмасиб чукурчадан чиқди ва дарвоза томонга югурди. Беш қадам босар-босмас, худди бир нарсага қоқилиб кетгандай ўмбалоқ ошиб кетди. — Вой, во-о-ой, ёрда-а-а-м!!! — деб ётган жойида бақира бошлади.

Айни ёз чилласи, кўуни-кўшниларнинг ҳаммаси уйларида иссикдан қочиб, дам олаётганлари боис унинг овозини эшитгувчи бўлмади.

Кампир дарвоза томон қўлларини чўзар, жони борича бақиришга ҳаракат қилас, аммо овози ўзи эшитгулик ҳам чиқмас эди. Шундай бўлса-да, у жон-жаҳди билан олдинга интилди. Бироқ дарвозага етишига уч-тўрт кадамча қолганида оёқ-кўли дармонсизланди. Сўнг Холида кампир бутунлай ҳаракатдан тўхтаб, гуп этиб ерга қулади...

\* \* \*

Зулайҳо аммасини кечгача кутди. Бу вақт ичиди куёв бўлмиш келиб, ундан қаноат ҳосил қилиб кетди.

— Эртага мулла олиб келаман. Шу ернинг ўзида никоҳ ўқитамиз. Ундан кейин сени олиб кетаман, — деди Отақул чол Зулайҳодан кўзини узмаган ҳолда.

Зулайҳо ўн саккиз ўшли қиз боладай бошини эгига турди. Бир оғиз ҳам гапирмади. Куёв бўлмиш мийигида куларкан: "Бунақа нозни кўрмаганимгаям қанча бўп кетди", дэя хаёлидан ўтказди. Сўнг қолган гап-сўзларни Санжар чол билан пиширди.

Зулайҳонинг кўнгли бироз таскин топган эса-да, негадир хавотирланаверди. У тез-тез деразадан ташкарига

караб күяр, ховлида одам пайдо бўлса, "Аммаммасмикин?" — деган ўйда дикқат билан бокар, бошқалигини кўрганидан кейин ҳафсаласиз қўл силтарди. У ҳатто ўз хавотири тўғрисида ичкликдан бошини кўттармаётган поччасига гапирмоқчи ҳам бўлди. Лекин ўйлаб кўриб, ниятидан қайтди. Чунки шишадан бошқа нарсани бутунлай унуглан пиёнистадан жўяли гап чиқиши даргумон эди.

Бироқ Зулайҳо адашган экан. Майпараст поччаси кечга томон кампирини эслади.

— Аммангнинг келиши қийин бўп кетдими? — дея сўраб қолди у.

— Бирон жойга кираман демаганмиди? — деди поччанинг саволига савол билан жавоб қайтарган Зулайҳо.

— Айтмовди, — деди чол ва ўрнидан гандираклаб турди-да, эшик томон юра бошлади.

— Яна йиқилиб тушманг, — деб кўйди унинг ошнаси. Чол жавоб қайтармади. Эшик раҳидан ушлаб бироз ўйланиб турди-да, яна ташқарига юрди. Кайф ошган. Оёқ равон юришни уddyалай олмайди. Лекин мия балодай ишлаётган эди. У ҳар қанча ичсин, ҳар қанча ўзини унучсин, хотини ёнида бўлса бас эди. Шунда бемалол ўтирап, дунёни сув босса тўпигига келмасди. Лекин кампирисиз шаробнинг энг тотлиси ҳам бемаза бўп кетарди. Татимасди.

Уй ичидагилар аввалига уни ҳожатга чиқаяпти, деб ўйлашган эди. Лекин деразадан чолнинг кўча томонга кетаётганлигини кўришгач, Эсиргап чол ҳам ўрнидан туришга мажбур бўлди. У кадрдоним кайфда қишлоқ оралаб кетиб қолмасин, деган хавотирга борганди. Лекин ўзининг кайфи дўстиникидан кўпроклиги эшикка етмасдан йиқилиб колганлигидан билиниб қолди. Шундан сўнг унинг Солия кампир ташқарига чиқишга ва Санжар чолни қайтариб келишга мажбур бўлди. Шундаям бутунлай қовоқ-тумшуғи осилиб кетган чол осонлик билан қайтмади. "Шаҳарга бориб кампиримдан хабар олмасам бўлмайди, мазаси бўлмай қолгандир, балки", деб туриб олди.

— Отакул аканинг (куёв бўлмиш ўзидан кичик бўлсада, кампир азалдан уни ака деб чакиради) болаларида

мошина бор. Айтамиз, шаҳарга олиб бориб келади. Ҳозир бир ўзингиз бу ахволда қаерга борасиз? Юринг уйга, — дея кампир уни базур йўлдан қайтарди.

Санжар чолда аввалги кайфиятдан асар ҳам қолмаган эди. Унинг қовоги солик, бошини эгиб ўтиради. Ошнаси бир-икки марта пиёлани арокка тўлғазиб узатди. Бироқ чол олиш у ёқда турсин, ҳатто қараб ҳам кўймади.

— Кампирсиз напас ололмай қопсизми? — дея унинг устидан кулди Эсиргап чол.

Жавоб бўлмади. Чол мум тишлаганча ўтираверди. Унинг ҳолати ҳаммани ҳайратга солди. На ошнаси, на Зулайҳо уни бирон марта бўлсин бунақа ахволда кўришмаган эди.

Кўп ўтмай Отакул чолнинг уйига жўнатилган одам унинг ўғли билан қайтиб келди. Улар ҳам бир сида чолни йўлдан қайташмокчи бўлишди. Аммо Санжар чол унамади. Бир оғизгина "кетаман", деганча хайр-маъзурни ҳам насия қилиб ўрнидан тураётганида, ноилож уни олиб бориб кўйишига мажбур бўлишди.

Қишлоқдан шаҳарга етиб боргунларичаям чол миқ этмади. Ўриндиққа суюнганча кўзини юмиси кетаверди. Отакул чолнинг гапдонгина катта ўғли ёрилиб кетишига сал қолди. У бир-икки марта йўловчисига гап қотиб кўрди. Лекин жавоб бўлмади. Қандай ўтириб келган бўлса, шундайлигича машинадан тушган Зулайҳонинг поччаси дарвозасини секин итарди. Аммо ичкаридан кулфланганлиги боис дарвоза очилмади. Чол ажабланди ва кўли билан қаттиқроқ урди. Жимжитлик. Шундан кейин у ўзининг уйга кириб кетишини кутиб турган Отакул аканинг ўғлига қаради-да:

— Сенинг кучинг кўпроқ, қаттиқроқ тақиллатиб кўрчи, кампир ухлаб қолганга ўхшайди, — деди.

Бироқ дарвоза қаттиқроқ урилгандайм ичкаридан ҳеч ким садо бермади. Бундан чолни ваҳима босди ва у ёнидаги йигитга: "Сен шу ерда туриб тур", деб ўзи кўшнисининг уйи томон кетди. Аммо қўшниси тайинли жавоб айттолмади.

Санжар чолнинг кўнгли кампири бирон жойга чиқманлиги, уйдалигини сезиб турарди.

— Дарвозани елканг билан қаттиқроқ итарсанг, очи-либ кетади, — деди чол руҳсиз бир овозда Отакул аканинг ўғлига.

Бақувват йигитта дарвозани бузиб очиш қийинчилик туғдирмади. Санжар чол ичкарига қадам босди-ю, бирдан жойида тұхтади. Җүзилиб ётган мурда ой шуыласида шундоккина күрениб турар эди. Чолнинг оёғидан мадор қочиб, чўккалаб қолди. "Кўнглим сезганди", деди у пи-чирлаб кўзида ўш билан.

— Момо! Момо! — деда Отакул аканинг ўғли жасадни кўли билан туртиб кўрди.

— Барибир жавоб бермайди, ўлиб қолган у, — деди чол ва тиззалаб юрганича кампирининг ёнига борди.

Отакул аканинг ўғли эса кўни-кўшниларникига югурди. Бирпасда ҳаммаёқ талотўп бўлиб кетди. Шовқин сурон кўтарилди. Талай муддат кампирининг кўлини ушлаб, йиглаб турган чол бошини кўтарди-да:

— Биламан буни ким ўлдирганини! — деда барадла бақирди.

Шу ондаёқ ҳамма унинг оғзига тикилди.

— Буни Турғуннинг одамлари ўлдириб кеттан. Зулайҳониям кўли бор!

Бу гапдан кейин шовқин баттар авжига минди. Бирор у ёққа, бошқаси бу ёққа югурди. Кўпчиликнинг кўзидан чала очилган "қабр" ҳам четда қолмади. Кўшнилардан бири аллақачон милицияга хабар бериб улгурган экан. Кўп ўтмай милиционерлар хам пайдо бўлди. Уларга кўшнилардан бири олиб-бири қўйиб чолнинг нима дегани-ю, қабрнинг топилиши ҳақида шошганча гапириб беришди.

Милиционерлар уч-тўртта кўшнини қолдириб, қолганларни ҳовлидан чиқариб юборишиди. Тезда чуқурдаги мурдалар қазиб олинди. Бир гурух милиционерлар Зулайхонинг қаердалигини чолдан сўраб билиб олишгач, машинада кишлоқ томон елдай учиб кетишиди...

Санжар чол бутунлай гунг-соков одамга айланганди. У кўшниларининг шовқини-ю, милиционерларнинг куймаланишларига мутлақо эътибор бермас, сўралган нарсаларгагина паст овозда қисқагина жавоб берар, бир нуктадан кўз узмасди.

Фақат милиционерлар кампирини ўликхонага олиб кетишишмоқчи бўлишганида Санжар чол ўзига келди.

— Бермайман! — деди ногаҳон у бақириб. — Мениям

ўлдиринглар-да, кейин кампиримга қўшиб олиб кетинглар!

— Ота, ўликни экспертизадан ўтказишимиз, нимадан ўлганлигини билишимиз керак, — деди милиционерларнинг каттаси босиқ оҳангда.

— Кейин у тирилиб қоладими?! — деди чол ҳам алам, ҳам киноя билан.

— Конун шундай, қоида шундай. Жиноят содир бўлган. Жиноятчиларни топишимиз керак.

— Бориб Турғунни ушлаб келаверинглар, Зулайҳони камоққа тиқинглар. Ана шу итдан тарқаганлар жиноятчи... Кампиримни бўлса ўзим оқ ювиб, оқ тараб кўмаман.

Унинг бу гапларига бирор қулоқ солмади. Кампири оппоқ матога ўрашди-да. машинага орта бошлашди. Шунда Саижар чолнинг қони қайнаб кетди. Жон-жаҳди билан милиционерларга тармашди. Кучи етмади. Кампири мавшинага ортишди. Шунда чол ерга ўтириб қолди. Кўз ёшлари селдайин оқди. Кейин ёнига қулади. Бироздан кейин милиционерлар келиб, аллақачон унинг жони узилганини кўришди...

\* \* \*

Амалдор тезда ниятидан қайтди. Тўғрироғи, сариқ сочли қизу ҳаммомчига ичи ачиdi. Бунга ҳатто унинг ўзи ҳам ҳайрон қолди. Илгари хеч иккиланмай миасига келган ўйни қилаверарди. Кейин ўша қилган иши нотўгрилигини билган тақдирда ҳам афсусланмасди. "Майли, буларам яшасин. Яшаш учун не кўйларга тушиб юришибди", дея хаёлидан ўтказди. Кейин сариқ сочли қиз оппоқ, нозик бармоқдари билан тақиб кўйган соатга қарди-да:

—Кеч бўп қопти-ку, Малик қаерда юрибди? Тезроқ ишни битириб келмайдими? — дея пи chir lab ўзига-ўзи гапирди.

Амалдор столга бориб ўтириди-да, ишини битириб, навбатдаги буйруқни кутиб турган қизга пиво олиб келишни буюрди.

Бироқ пивони ичиш насиб этмади. Бирин-кетин Малик бошлиқ йигитлар ҳовлиқиб кириб келишди. Малик шохнинг олдига келган кулдайин амалдорнинг ёнига келиб тиз чўкди.

— Ишлар чаток, хўжайин! — деди у ҳаяжонланганидан титраб.

— Нега чаток бўларкан?! — дея бирдан ўрнидан туриб кетди Турғун Ғаниевич. — Гапир, эшишакдан бўлган, нимаси чаток?!

— Аҳмат писта биздан ҳам пухта чиқиб қолди. Биз эндиғина унинг уйига хужум қилмоқчи бўлганимизда, орқа томонимиздан унинг одамлари ташланиб қолишиди.

— Онангни ... лар!!! — дея бўкириб юборган амалдор ўрнидан турасола Маликнинг калласига тепиб юборди.

— Итдан тарқаган, шуниям эпломадингми?! Мол!

— Биз кутмагандик...

— Энангни кутмаганимидинг, ифлос, товуқмия!

Шиша иргитилди. Стол ағнади. Маликнинг кийим-боши йиртилди. Ўзи яна икки марта тепки еди. Шундан кейин амалдор бироз шаштидан тушди. Сигарета чекди. Нима қиласини, нима деярини билмай у ёқдан-бу ёққа юрди.

— Йигитларингнинг қолгани каерда? — дея сўради сўнг Маликдан.

Тепкилар зарбидан сулайиб қолган Малик инқиллаб-синқиллаб ўрнидан турди-да, бошини эгиб:

— Айрилиб қолдик, — деди хаста овозда.

Қўлидаги сигаретасини улоқтириб юборган амалдор бошини қашлади. "Ҳаммаси тамом бўпти. Энди фақатгина келаётган хавфдан қутулиб қолиш керак", дея хаёлидан ўтказди.

— Тушунарли, — деди Турғун Ғаниевич йигитларига бирма-бир қараб чиқиб. — Машиналарга мининглар, тоққа кетамиз. Шундан ўзга чорамиз қолмаганга ўхшайди. Пистанинг одамлари бу ергаям келиши ҳеч гап эмас. Энди уларни тўхтатиш оғир.

Турғун Ғаниевичнинг йигитлари шошилишганча бирин-кетин машиналарга ўтиришди. Уларга қараб турган амалдорнинг жаҳли чиқди. "Булар одаммас, булар қуён. Қуён ҳам булардан беҳроқ. Қуёнларда-ку, юрак йўқ. Лекин ўzlари тоза. Буларнинг бўлса оғзи-бурни қон-у, яна юраги йўқ. Шунча қалангि-қасанғи атрофимга тўпланган экан-у, билмай юрганаканман юлдуз санаб", дея хаёлидан ўтказди. Аммо хаёлидагини тилига кўчирмади.

Юкхонасига Бахтиёру унинг йигити ортилган машинага ўтириди.

Бироз юргач, ҳайдовчига машинани тўхтатишни буюрди ва ортига ўғирилиб, Маликга:

— Ҳаммомдаги иккита қизни ҳам чакириб кел. Бирга олиб кетамиз. Бирон нимага керак бўп қолар, — деди.

Қизлар амалдор уларни ўзи билан бирга олиб кетишларини эшишишганларидан кейин норозиланишиб тўнгиллашган эса-да, барибир Маликнинг олдига тушиб келишди. Улардан бири амалдор ўтирган машинага, иккичиси кейинги машинага чиқди. Машина ичини бирдан хушбўй атир хиди эгаллади. Бир зум йигитлар хаёлидан хафалик чекинди. Эркак эканликлари эсларига тушди уларнинг. Айникса, ёнига қиз ўтирган йигит анча безовталанди. Иштаҳаси очилди. Тишини-тишига босиб чидашга ҳаракат қилиб кўрди. Барибир эплай олмади. Шунда секингина қўлинни қизнинг белидан ўтказди. Машина ичи қоронғи эди. Унинг бу қилифини қиздан бошқа ҳеч ким сезмади. Қизга эса шўхлик хуш ёқди ва ўзи ҳам йигитнинг қўли устига қўлинни қўйиб олди.

\* \* \*

Тонг отиб, Бургут уйқудан уйғонганидан кейингина амалдорнинг қочиб кетганлиги ҳақидаги хабарни айтишиди.

У савол назари билан Аҳмат акага қаради.

— Тўйни тўхтатмайлик, — деди Аҳмат ака. — У билан кейин шугулланамиз.

— Менимча, улар тоқقا кетишган. Ўша ёқдаги уйларида жон сақлашни мўлжаллашган бўлишса керак, — деди Аҳмат аканинг гапи кўпам маъкул келмаган Бургут тўнгиллаб.

— Бўпти, йигитларнинг ярмини ўша ёққа жўнатамиз. Кузатиб туришади. Унгача биз тўйни ўтказиб оламиз.

Фаррухнинг рози бўлишдан бошқа иложи йўқ эди. Шу боисдан индамай қўяқолди. Аҳмат ака унинг қўл остидаги одамларидан бири, тўғрироғи, Бургутга яқинроғи эса-да, Фаррух уни аллақачон маънавий отаси ҳисоблаб қўйган эди. Ана шу сабаб аксар ҳоллар у Аҳмат аканинг гапларини маъкул топар, эътироҳ билдирамасди.

"Тўй бошлангунча мен нима қиласман, чўзилиб ётаверманми?" — дед ўйлаган Фаррух аэропортга чиқиш кераклигини эшиганидан кейин ҳайрон бўлди.

— Нима қиласман у ёқда? — дед Аҳмат акадан сўради.

Устоз кулимсиради:

— Сенга айтмасдан Самарага телефон қилиб, Виталийга тўйинг бўлаётганлигини айтган эдим. Ярим соатлардан кейин унинг самолёти кўнади. Йигитларга межмонхонадан жой тайёрлаб кўйишни буюрганман. Лекин сенинг ўзинг чиқиб кутиб олмасанг уят бўлади.

Фаррух ҳали қамоқхонадалигида, Боссдан Виталий Самирани бошқариши ҳакида эшигтан эди. "Жуда узокни кўра биладиган, бошқа шаҳардаги авторитетлар у ёқда турсин, чет эл билан ҳам яхшигина алоқаси бор одам. Унинг қулочи, қамрови кенг. Хуллас, яқин бўлсанг, сени ташлаб кўймайди", деган эди Босс раҳматли.

Шу сабабдан ҳам Аҳмат ака гапини тугатар-тугатмас Бургут йўлга отланди.

Самолёт у аэропортга етиб борганидан кейин ўн беш дақиқага яқин вакт ўтиб кўнди. Ўрта бўйли, сарик сочи ўнг томонга силлиқ қилиб тараған, ёнидаги жувонни кўлтиқтаб олган киши Виталий эканлигини айтишди. Фаррух унинг истиқболига борди. Виталий ўзига тўғри келаётган йигитларни кўрганидан кейин жилмайиб кўйдида, хотинига бир нарсалар деди.

— Сиз, менимча, Фаррух бўлсангиз керак, — деди Виталий ўзининг тилида улар учрашганларидан кейин кўлини узатиб.

Бургут рус тилини билмас эди. Шунинг учун йигитларидан бири:

— Худди ўзлари, — деди.

— Сизни кўриб турганимдан хурсандман, — деди Виталий ва қўл беришиб кўришишга қаноат қилмай, Бургутни кучоқлади.

— Мен ўйлаганимдан ҳам ёшроқ экансиз, — деди Виталий билан бирга келган жувон улар кўришиб бўлганларидан кейин.

Фаррух унинг кўлини ўпиди кўйди.

— Кечирасизлар, — деди Бургут бироз хижолат тортиб, — сизлар билан таржимон орқали гаплашишга мажбурман.

Бургутнинг йигитлари хўжайин нима деганлигини рус тилида Виталийга айтганларидан кейин меҳмон қулим-сиради:

— Ҳечқиси йўқ, юрагимиз яқин бўлса бас. Барибир тил топишиб оламиз.

Виталий Босс айтганидай одамшавандада, ҳамма нарсага қизиқувчан йигит эканлигига Фаррух машинада кегаёт-ганларида меҳмоннинг бир-биридан сервикор минораларни кўрсатиб ўзининг тилида мақтаганлигидан, бошқа мавзудаги гапларини хам ўта бир самимият билан озгина табассум кўшиб гапираётганлигидан яна бир карра амин бўлди. "Бунақалар ҳеч бир жойда хор бўлмайди. Ҳамма билан эл бўлиб кетади", дея хаёлидан ўтказди у.

Виталий ярим йўлга етганларидан кейин шаҳарни айланishiни таклиф қилиб қолди.

— Аввал меҳмонхонага борайлик, ҳар қалай, йўлдан чарчаб келгансизлар, озгина дам олганларингиздан кейин айланишга чиқсан маъқулроқ бўлармиди, — деди Бургут.

— Эҳ, менинг ёшгина дўстим. Агар менга бирор самолётда икки соат учиб чарчадим, деса, ишонмайман. Одам ўтириб ҳам чарчайдими? Тушунаман. Бугун сизни банд қилишим тўғри эмас. Ўзингизга яраша ташвишларингиз бор. Қолаверса, мендан бошқа меҳмонларгаям қарашингиз лозим. Албатта, улар ҳам нозик одамлар. Шунинг учун мен сизга жавоб бераман-да, йигитларингиздан биттасини олиб қоламан. Ўша менга йўл-йўрик кўрсатади. Хавфсизлигимни эса орқа машинадаги иккита йигит таъминлайди. Ахир уларни бекорга боқмаяпман, тўғрими?

Виталийнинг сўнгги гапидан кейин енгилгина кулги кўтарилди.

— Менинг эса, — деди унинг ёнидаги жувон жилмай-иб, — тезроқ келинни кўргим келаяпти. Ўзбекларнинг тўйини умуман кўрмаганман. Улар тўйга қандай тайёр-гарлик кўришади? Шуниси менга жудаям қизиқ. Виталий иккаламизнинг тўйимизга ўзгача тайёргарлик кўрмоқчиман.

Унинг гапидан кейин Бургут бақа бўлиб қолаёзди. У Светани Виталий билан камида беш-олти йилдан бери бирга яшаётган хотини деб ўйлаган эди. Виталий Фар-

рухнинг таажжубланганлигини тезда илгади ва тушунтириш берга бошлади:

— Шу пайтгача гражданлик никоҳида эдик. Энди тўй қимоқчимиш.

Барибир Фаррухнинг ҳеч балога акли етмади. У гражданлик никоҳи қанақа бўлишини илгари бирор марта ҳам эшишмаган эди. Шундай бўлса-да, кулиб бошини қимирлатиб қўяркан, англаганлигини билдиради.

Кечгача Фаррух тиним билмади. Ҳали у шаҳардан, хали бунисидан авторитетлар келиб туришди. Уларни меҳмонхонагача олиб бориб жойлаштириб келмаган эса-да, ҳар бири билан учрашишнинг ўзига анча вакт кетди.

Нихоят, қуёш атрофга қизғиши нурларини сочиб, дам олгани уfkка кетаётган маҳал у Моҳирўйни қўришга муяссар бўлди. Келинчак оппоқ либосда бирам кўркам бўлиб кетган эдики, жамолига тўймаган Фаррух қайта-қайта унга қараб олди.

Улар ресторанда келин-куёвлар жойига бориб ўтирганларидан кейин Бургут атрофга бир кур назар солди. Меҳмонлар ўзи ўйлаганидан ҳам кўпроқ эди. Ҳатто қишлоғидан ҳам одамлар келишганлигини кўрган Фаррух ичидага хурсанд бўлди, Аҳмат аканинг фаросатига таҳсин ўқиди.

Тўй аста-секин қизий бошлади. Меҳмонлар биринкетин келин-куёвни табриклишди. Виталий табрик сўзи айтганидан кейин эса Света келин-куёвнинг ёнига келди. Моҳирўйни ўпиди кўйгач, ёнига ўтириб олди. Сўнг келинчакнинг кулоғига:

— Сизга жудаям ҳавасим келди. Ёнингизда дугонангиз сифатида ўтирай, — дея пичирлади.

Моҳирўй унга қараб жилмаяркан, бошини ирғаб, тасдиқ ишорасини қилди.

Моҳирўй баҳтга тўла кўзлари билан меҳмонлар томонга юзланди. Онаси, опасини кўрди. Улар шод эдилар. Шодликлари боис эндиғина бошланган мусикага рақс тушмоқда эдилар. Келинчак ширин энтикиб қўйди.

Тўй тугаши арафасида рестораннинг бир чеккасида беш-олтига авторитетлар кўлларини бир-бирига силкишиб гаплашаётганларига Бургутнинг кўзи тушиб қолди. Виталий билан Аҳмат ака ҳам шу ерда эдилар. Уларни бироз кузатиб турган Фаррух йигитларидан бирини ёнига

чақириб, унинг қулоғига баҳс нима ҳақида кетаётганилигини билиб келишни тайинлади. Аммо у юборган одам шефларнинг ёнига яқинлаша олмади. Аҳмат ака бир ўқрайиб қараган эди, орқасига қайтиб кетди. Буни кузатиб турган Фаррухнинг қовоғи осилди. У олдидаги турган ароқлардан бирини очиб, қадаҳга тўлатиб қуиди ва ичиб юборди.

— Нима бўлди сизга? — дея шу ондаёқ қулоғига шивирлади Моқирўй. — Нега безовтасиз?

— Ҳеч нарса, — деди Фаррух келинчакка жилмайиб қарашга уринаркан.

— Алдаманг, сезиб турибман. Тўйимиз ёқмадими?

— Жоним, нималар деяпсиз? Ҳаммаси жойида. Бундан зўр тўй бўлиши мумкин эмас. Уйлансан икки қадаҳни тўлдириб ичаман, деб ўзимга-ўзим ваъда бериб қўйган эдим. Кутилмагандаги шу ваъдам эсимга тушиб қолди. Ёшлик даврларимнинг хурмати учун биринчи қадаҳни ичдим...

— Иккинчисини ичишга хожат йўқ, — деди кулиб Моҳирўй. — Мен ёнингиздаман-ку.

— Хўп, — деди Фаррух ва қўшиқни авжига чиқарган санъаткорга қаради.

Фаррух баҳслашаётгандарни зимдан кузатишда давом этди. "Нима тўғрисида тортишишайти? Нега энди келиб-келиб менинг тўйимда? Бошқа пайт куриб кетдими?" — дея ўйларди у.

Нихоят ўртакаш тўйни тугатиш ҳақида эълон қилиб қолди. Фаррух енгил нафас олди.

Келин-куёв кузатиб қўйилгандан кейин ҳам авторитетлар жойларидан қимирлашмай, баҳсни давом этказишиди. Фаррух асабийлаша бошлади. Бургут авторитетлар менинг хурматимни жойига қўйишмади, деган қарорга келди. У ҳатто Аҳмат акадан ҳам хафа бўлди. "Менга шунча ёрдам бергани бир бўлди-ю, анавилар билан қолиб, ҳатто мени кузатгани ресторон эшигигача ҳам чиқмагани бир бўлди... Ҳали шошмай турларинг, ҳамманг билан бошқача ҳисоб-китоб қиласан. Мен Босснинг энг яқин шогирди эканлигимни эсларингдан чиқариб қўйган кўри насанлар. Амаллаб бугунни ўтказиб олайин", — дея хаёлидан ўтказди Фаррух. Бу хаёллари чимилдиққа кирга-

нидан кейин, Мохирўй билан ёлғиз қолиштач, тумандайин тарқаб кетди.

— Сиз нихоянда гўзалсиз. Сизга эришаман деб хечам ўйламаган эдим, — деди Фаррух келинчакнинг қоп-кора сочларини силаб.

— Мен бўлса сиздан хафаман, — дея Мохирўй тескари ўгирилиб олди.

— Нега? — деди ҳайрон бўлган Фаррух.

— Умримизда бир маротаба бўладиган шодиёнамиизда ғамгин ўтирдингиз.

— Ўтмишишни эсладим, — дея ёлғон гапирди куёв.

Шу ондаёқ Мохирўй у томонга ўгирилди-да, бирдан бўйнидан кучоқлади.

— Энди... энди... эсламанг. Мен ҳар доим ёнингизда бўламан.

Фаррух келинчакнинг лабларидан узоқ бўса олди...

Соат эрталабки тўққизга якин келин-куёвнинг уйига Аҳмат ака хотини билан кириб келди. Мохирўй келинчакларга хос ўзгача бир назокат ва тавозе ила уларни кутиб олди.

Аҳмат ака дастурхон тузалган хонага кириб ўтирганидан кейин ҳам Фаррухни сўрай олмади. Сабаби аён эди. Гапининг мазмуни: «Кўёв бола кечаси чарчаб қолибди» бўлиши мумкин эди. Ҳар қалай, келин-куёвнинг биринчи кечасидан кейин улар икковидан бирорини сўроқлаш шу мазмунга олиб бораради.

Мохирўй чой олиб келиш учун чиқиши билан Аҳмат ака хотинига:

— Келинга айт, Фаррухни уйғотсин, — деди.

Аёл ўрнидан илдам туриб, Мохирўйнинг орқасидан ошхона томонга борди. Аммо у эри айтган топширикни келинга етказишига улгурмасидан Бургут ётоқхонадан чиқиб келиб, ювенишга кириб кетаётган эди. "Фаросатлигина, чаққонгина экан", дея аёл хаёлида келинни алқаб кўйди.

— Муборак! — деди Бургут кириб келганидан кейин Аҳмат ака.

— Раҳмат, — деди бироз қизарган Фаррух бошини эгиб.

— Узр, сени эрталабдан безовта қилиб қўйдик...

— Ҳечқиси йўқ.

Шу онда Бургутнинг хаёлида кечаги воқеалар гавдаланди.

— Энди, ука, келин билан янганг уйда ўтира туришсин. Ҳадемай Нодира синглинг ҳам келиб қолади. Сенга эса жуда муҳим гап бор. Шунинг учун ташқарига чиқиб, бир айланиб келамиз, — деди бирдан жиддий тортган Аҳмат ака.

— Аввал бир-икки пиёла чой ичинг, кейин чиқамиз, — деди Бургут.

— Виталий, умуман, бошқа меҳмонларнинг биронтаси ҳали кетишгани йўқ. Кейин чой ичаверамиз, ҳали...

Аҳмат аканинг гапи оғзида қолди. Бошига нафис зар рўмол ташлаб олган Моҳирўй табассум билан қўлида чойнак кўтарганча кириб келди-да, бошини эгиб:

— Хуш келибсиз, — деди ниҳоятда нозик овозда.

— Умрингдан барака топ, қизим... Ҳалиги, мен борайин...

— Энди келинингизнинг қўлидан бир пиёла чой ичиб кетмасангиз, бу аразлаб қолади, — деди Фаррух жилмайиб.

Аҳмат ака ноилож жойига қайта ўтирди. Келин бир пиёла чойни икки бармоғининг устига кўйганча эгилиб узаттанидан кейин, чиқиб кетди. Аҳмат ака келин яна келиб қолмасин деганча қайноқ чойни шоша-пиша пуфлаб-пуфлаб ичди-да, ўрнидан туриб эшик томонга йўналди. Бу пайтда Фаррух кийиниб бўлган эди.

— Фаррухжон, — деди улар кўчага чикқанларидан кейин Аҳмат ака, — кеча ўзинг ҳам бир-икки марта қараб кўйдинг. Биз авторитетлар билан анча тортишдик. Сенинг асабингни бузмаслик учун хабар беришни лозим топмадим. Бунинг учун мени айбга буюрмайсан.

— Шундай пайтда тортишадиган нарса топилганидан курсандман, — деди Фаррух киноя билан.

— Авторитетлар йилига бир, баъзан икки йилда бир мана шундай тўпланишади. Улар тўпланганида ўзларининг гапларидан бошқа ҳеч нарса қизиқ эмас. Мен уларнинг олдида анча кичкина одамман. Босс бўлганида ҳам масини ўчириб қўйиши мумкин эди...

— Нимани бўлиш қийин бўлди?

— Сени...

— Мени? — дея ҳайратланиб Аҳмат акага қаради Фаррух.

— Ҳа... Менимча, уларнинг иккитасиминан амалдорнинг алоқаси анчагина яхши. Бўлган воқеалардан яхшигина хабари бор. Ана шулар сени ҳали ёш бола, қўлидан бир иш келмайди, бунинг устига, қамоқдан чикқанидан бери обрўйимизни тўқаяпти, яқинда оддий одамдан фарқимиз қолмайди, ўйиндан чиқариб ташлаш керак, дейишиди...

— Вой итлар! — дея қўлини мушт қилиб тугди Бургут.

— Виталий эса, — дея гапида давом этди Аҳмат ака, — Босс адашмаган, деди. Менда Бургут яхши таассурот қолдирди, ундан қўп нарса кутиш мумкин, юзимизни ерга қаратиб қўймайди, деб умид қиласман. Қолаверса, Босснинг қарорини хурмат қилишимиз керак, деб сени ёқлаб чиқди. Хуллас, сизлар ресторандан чиқиб кетгандарингдан кейинам биз ярим тунгача тортишдик. Охири ҳаммаси сени тан олди. Шундаям анави икковидан гумоним бор. Улар истар-истамай рози бўлишди... Нима бўлгандаям улар меҳмонхонада сен билан хайрлашиш учун кутиб туришибди.

Фаррух ичидан зил кетди. "Ким бўлишибдики, менга ҳўжайнинлик қилишади? Ёш бола, ҳали фаҳм-фаросати йўқ деб ўйлашса керак-да. Майли, ҳозирча ғўдайиб туринглар-чи, кейин бир гап бўлар", дея хаёлидан ўтказди-да:

— Ҳозир боришим керакми? — дея сўради Аҳмат акадан.

— Эртароқ кузатиб қўйсак яхши бўларди. Битта ташвиш камаяр эди.

— Кетдик унда, — деди Фаррух ва сал нарида кутиб турган машина томонга юрди-да, хайдовчи йигитга ресторанга бориб, нонушта тайёрлатишни буюрди. Машина рулига эса ўзи ўтирди.

Фаррух кириб бориши билан қизғин баҳс бирдан тўхтади.

— Табриклайман! — дея хитоб қилди ҳаммадан олдин ўрнидан турган Виталий Бургутга қўлини узатиб.

Бошқалар ҳам Бургутни табриклишди. Шу қисқа муддат ичida Фаррух уларнинг ҳаммасига эътибор беришга

улгурди. Дарҳақиқат, ҳаммадан кейин уни табриклаганлардан иккитасининг сўзларида қандайдир сохталик пинхон эди.

— Сиз билан, — деди Виталий дарров сухбат жиловини кўлига олиб, — қанча сухбатлашсак, шунча оз. Лекин вакт деганлари ҳаддан зиёд шафқатсиз бўлар экан, шунинг учун ҳам сизни ортиқча безовта қилмасдан кетсак, дегандик. Албаттa, шундай пайтда оромингизни бузиш нокулай, бундай ўйлаб қарасак, сизга айтмасдан йўлга чиққанимиз балки тўғрирок бўларди. Бироқ индамасдан кетсак, сизга нисбатан беҳурматлик бўлар, деган хаёлга бордик.

Унинг гапларини Аҳмат ака бирма-бир Бургутга таржима қилиб турди. Бундай ҳолатни кўрган авторитетлар ўзаро сирли қараш қилиб олишди. Тил билмагани алам қилиб Фаррух бироз қизарди.

— Мен ҳаммангиздан беҳад миннатдорман, — деди у ўзининг аҳволини билдирамаслик учун кулиб. — Ўйлайманки, бунақа ҳамжиҳатлигимиз ҳали жудаям узоқ давом этади. Тўғри, сизларга нисбатан анча ёшман. Тажрибам ҳам шунга яраша, лекин оғзимдан чиқадиган ҳар битта сўз учун умрим гаровда. Кейин яна бир гап. Бургутлар фақат ўзининг тилида гапиради. Булбул бўламан деб бирорвларнинг олдида шарманда бўлиш улар учун ёт нарса...

Фаррух гапиргани сайин ўзини кучлироқ сеза бошлади. Шу боисдан ҳам охирги гапларига алоҳида урғу берди. Токи атрофдагиларга яхшироқ таъсир қилсин.

— Энди, — деди у гапини давом этказиб, — ҳар қанча шошиб турган бўлсаларингиз ҳам нонушта қилиб кетасизлар. Эрталабки муштдан қайтма, дейишади-ку.

Нонушта пайтида латифалару бошқа майда-чуйда гаплар айтилди. Гўё ҳамма хурсанддай кўринса-да, келишмаслик тумани тарқамай тургани билиниб тураг эди.

Ҳамма ресторандан чиққаниданок хайр-хўшлашиб тарқалишди. Охирида қолган Виталий Фаррухни кўлтиқлаб олганча Аҳмат акани чакирди.

— Менинг кичик дўстим, — деди у, — вазиятни яхши англаган бўлсанг керак. Буларнинг барига сабаб — сен ҳеч бир жангсиз кириб келдинг. Сенга ҳозирги даражанг

мукофотдай берилди. Аслидаям шундай. Ўзинг кўрдинг, ҳаммаям буни сингдиролмаяпти. Машинани ўзинг ҳайдаб юрганинг ҳам уларнинг назаридан четда қолгани йўқ. Шунинг учун жуда эҳтиёт бўл. Агар сенга нисбатан ортиқча ҳаракат бўлса, дарров хабарини етказ. Биргалашамиз. Босснинг олдида анча-мунча қарзим бор. Энди хайр. Ҳа, айтмоқчи, бургут гарчи бошқа кушларга ўхшашни истамасаям уларнинг тилини билиб қўйгани яхши.

Аҳмат ака Виталийнинг гапларини басма-бас таржима килаётган эди. Мехмоннинг сўнгги гапидан кейин енгилгина кулги кўтарилиди.

Мехмонхонага қайтилиб, Света ҳам машинага мингач, улар аэропортга кетишди. Йўл-йўлакай жувон тўйда роса маза қилганлигини, энди ўзларининг тўйларини шунақа килиб ўтказиш режаси туғилганлигини айтиб кетди.

Фаррух уйига қайтиб келганида кун пешиндан ўтган эди. Эшикдан ичкарига кириши билан Моҳирўйга рўбарў келди. Уни ўпид қўймоқчи бўлганида келинчак ўзини тортиб қолди-да:

—Мехмонлар кетганидан кейин сизни яхшилаб жазолайман, — деди жилмайиб.

Бургут кулимсиради.

—Ихтиёrim сизда, хўжайин

Фаррухнинг келганини эшитган меҳмонлар (улар орасида Марҳабо билан унинг онаси ҳам бор эди) эзилишиб ўтиришни бас қилишиб, бирма-бир уйларига тарқашди.

—Нима билан жазолайсиз, хоним? — деди Фаррух ошхонага ўтиб, коса-товоқ юваётган Моҳирўйни орқасидан кучоқлар экан.

Келинчак килаётган ишини тўхтатиб, бироз жим турди-да, бирдан Бургут томонга ўгирилиб, унинг бўйнидан кучоқлади.

— Фаррух ака, — деди у ҳаяжонли овозда, — мени севасизми?

— Бўлмасам-чи, — деди Бургут хайрон бўлиб.

— Унда сиздан жудаям катта илтимосим бор. Айтсан, бажарасизми?

— Аввал эштайлик-чи.

— Йўқ, аввал сиз ваъда беринг.

— Кўлимдан келса, бажараман.

— Кўлингиздан келади.

— Хўп, ваъда бердик, Айтинг.

— Мени асраб олган одамнинг қанақалигини яхши билардим. Бу ҳақда сизга гапириб ҳам берган эдим. Биласизми, мен сизнинг ҳам шунақа бўп қолишингизни ҳечам истамайман. Сизнинг атрофингизга тўпланганлар мени хавотирга солади. Агар беш минут сизни кўрмай қолсам, юрагим ўйнайдиган бўп қолди. Шунинг учун, илтимос, одамларингизни тарқатиб юборинг. Тинчгина, бошқалардай яшайлик...

Фарруҳ чуқур хўрсинди-да, Моҳирўйнинг кўлини олиб кўйиб, секин унинг қучогидан чиқди ва стулга ўтириб, пешонасини қашлади.

— У одамларни мен тўплаганим йўқ. Шундай экан, тарқатиб юбориш ҳам қўлимдан келмайди. Кейин... бу йўлга кирган одам чиқмоқчи бўлса, жонини ташлаб кетиши керак...

— Наҳотки? — деди кўзлари катта очилиб кетган Моҳирўй. — Сиз... сиз уларнинг бошлиғисиз-ку.

— Кими бўлишимдан қатъий назар, фақатгина ўлим улардан мени айриб олиши мумкин.

Моҳирўй эрини қучоклади.

Келинчакнинг кўзларидан дув-дув ёш оқар эди.

\* \* \*

Ҳамма ёқ зим-зиё. Амалдору бошқалар лоқайд, аммо қизнинг ёнида ўтирган йигит терга тушиб кетганди. Қиз ҳам беш-олти марта авжи келганида йигитнинг юзини соchlари билан силаб қўйди.

Малик бу йигитнинг шубҳали тарзда типирчилаб қолганлигини аллақачон сезганди. Бунақа ишларни қилиш учун вакт, жой ноқулайлигини ҳам англаб турарди. Бунинг устига, шундоғам асаби таранглашган амалдор сеziб қоладиган бўлса, иккисининг ҳам терисига сомон тикиши турган гап. Шундай бўлса-да, Малик индамади. "Майли, сал "қизишиб" олишсин", деган қарорга келди у.

Машина шаҳардан чикиб, бирор яrim соатлар юрганидан кейин учраган яккам-дуккам арчалар аста-секинлик билан қалинлашиб бораверди. Бу манзилга оз қолганлигидан далолат эди.

— Жулдурсойга тұхтайсан, — деди амалдор күзини йўлдан олмай.

Ҳайдовчи бош иргади.

— Хўп бўлади.

"У ерда нима қиласиз?" — ҳайрон бўлди Малик.

Худди шу маҳал:

— Багажда иккита қоп бор, сувга улоқтириб юборасанлар, — деди амалдор Малик томонга синовчан кўз ташлаб олар экан.

Малик Турғун Фаниевичнинг максадини тушунди. Бироқ энди йигитни қопнинг ичидаги нима борлиги қизиктиради. Аммо қизиқишини тилга кўчиролмади. Кўрқди.

Машина амалдор айтган жойда тўхтади. Малик юкхонани очиб, қопни ушлаб кўрди-да, унинг ичидаги мурдаси эканлигини пайқади. Малик олдиндан шунга яқин тусмолга келган эди. Энди уни қопнинг ичидаги айнан ким борлиги қизиктира бошлади. Шу ернинг ўзида очиб кўриш ноқулай, амалдордан балога қолади. "Яхшиси, сувга иргитишдан олдин кўраман", деган қарорга келди у.

Кейинги машинадан тушган тўрут йигит Маликнинг ёнига келишди.

— Тўхтанглар, — деди Малик йигитлар қопни энди сувга улоқтиришмоқчи бўлишганида, — кимлигини кўриб олайлик.

— Энди нима қизиғи бор? — деди эртароқ ишни битириб, орқага қайтишни ўйлаётган йигитлардан бири.

— Кўрайлик, — дея тақрорлади Малик ва биринчи қопнинг оғзини очди-ю, ранги гезарип кетди.

Ой ёруғида Бахтиёрнинг чақчайган кўзлари шундоккина кўриниб турар эди. Кўзлари мурданикидан-да олайиб кетган Малик бир амаллаб қопнинг оғзини бошқатдан бекита бошлади.

— Ким экан? — деди унинг ёнида турган йигит.

— Танимадим...

— Ҳаяллаб кетдинглар, — деди амалдор Малик машинага чиққанидан кейин.

— Пастга тушишимиз қийин бўлди. Тик экан.

Амалдор киноя билан гапирди:

— Ҳим-м, тик, дегин, яхши.

У йигитлари қопларни пастига олиб кетишаётганларида, "Бекор ўзим бирга бормадим. Ҳар тугул қозоннинг оғзи ёпиларди", деган ўйга борган эди. Лекин негадир оёғи тортмади. Пастига тушгиси келмади. Худди агар дарё бўйига борса сувга кулаб кетадигандай туйилаверди. Энди эса бормагани учун афсусланиб ўтирибди. Авваллари у ҳеч нарсадан кўрқмас эди. Қилган ишига юзта гувоҳ бўлсаям парвойига келтирмасди. Энди нимадандир чўчиди. Ҳаммадан гумонсирайди.

Машина йўлга тушганидан кейин Маликни ҳам ўй босди. "Бахтиёр амалдорга жуда кўп хизмат қилган. Ўзини камдан-кам ўйларди. Асосан Турғун Фаниевичнинг ишини бажариш билан куни ўтарди. Нега амалдор уни гум килди? Наҳотки шунчалик катта гунохга кўл урган бўлса... Мен ҳам ҳозир унинг учун жонимни беришга тайёр бўлиб турибман. Бир куни келиб арзимаган хатога йўл қўйсам-у, бу баччагар менинг ҳам баҳримдан ўтиб юборса-я... Тўхта... Чорасини ҳозирдан қўриб қўйишим керак... Ҳаракат қилинса ҳамма нарсанинг йўли топилади-ку".

— Шаршарага етганимиздан кейин сен йигитлардан бирини олиб, горга бориб келасан, — дея амалдор ортига ўгирилган Маликнинг хаёлини бузиб юборди. — У ердаги анави учта "шер"баччани олиб келасанлар. Новчаям келсин...

Шаршарага Турғун Фаниевич илгари факат кундуз куни, мишият қилиш учун келар эди. Шу ерда ҳамма нарсани эсидан чиқарап, ўзи ўйлаганчалик, ҳатто ундан ҳам кўп дам оларди. Энди эса кечаси, жон саклаш учун келаяпти. "Бу тогу тошлар ораси менинг кўнглимдаги губорларни чиқариб ташлайди. Бу ерда мен душманларимни топтайман. Чунки бу ер мени ёлғизлатиб қўймайди", дея хаёлидан ўтказган амалдор, тогу тошларга урилиб пастига энаётган шаршаранинг ёнига борди. Салқин, этни жунжиктирувчи ҳаво юзига урилди.

Новча шу куни ишратлардан чарчаб, донг қотиб ухлар эди. Шу боис Маликнинг келганлигини ҳам сезмади. Бўлмаса вангиллайверганидан қўриқчи итнинг нафаси бўғилиб қолаёзди. Ҳатто ит bemavrid келган меҳмонларга ҳамла ҳам қилиб кўрди. Шундаям новчанинг кўзи

очилмади. Ўқ овози варанглаб дунёни бузганидан кейингина сакраб ўрнидан туриб кетиб, ташкарига югуриб чиқди.

— Ўликдай ухлайвермай итингга қарамайсанми, эшшак! — деган овоз келди сал наридаги арчалар орасидан.

Новча овоз эгасининг кимлигини дабдурустдан билмаган эса-да, овоз ниҳоятда таниш эди. Шу боисдан хам итни ҳайдаб солиб, овоз келган томонга юрди-да:

— Келавер юрагинг ёрilmай! — деб бақирди.

Арчазорлар ичидан иккита шарпа чиқиб келиб ўзининг ёнига яқинлашганидан кейин у Маликни таниди.

— Ҳамма вакт дунёни бузиб юрасан. Ярим оқшом пишириб кўйибдими?

— Пишириб кўйганинг учун келдим. Орқангни кўтариб ётишинг учун юборилганмидинг? Яхшиям чиқиб қолдинг. Бўлмаса ҳозир итингнинг жанозасини ўқиётган бўлардинг... Мехмон кутишним билмайсан-а...

Улар кучоқлашиб кўришишди. Новча Маликни тик коя куйисидаги тоғ тошларидан терилган, устига шоҳшабба ташлаб кўйилган кулбасига бошлади.

— Бу ерга чиққунимча энамни хола деб юбордим. Сенинг жонингга балли, ҳар куни камида бир марта тушиб чиқасан, — деди фонус пилигини кўтараётган новчага қараган Малик.

— Ит ётиш, мирза туриш. Қара, нималарнинг устида ётибман, — дея новча кир бўлиб кетган, айрим жойлари ииртилиб ётган кўрпачани кўрсатди.

— Зато, сеники майшат. Тоза ҳаво, раис ҳар куни битта қўйни бўғизлаб олиб келади.

— Эй, онасини ўша раисингнинг, кечадан бери қорасини кўрсатмайди. Иккита оқ билакни бир гўрдан топиб келувди. Шуларни обориб ташлаш керак. Падарингга лънат ҳеч бало демасдан суриб қолган. Эртага буларнинг бу ердалигидан хўжайин хабар топиб қолса, дабдаламни чиқариб ташлайди.

— Қани, қаерда, кўринмайди-ку, — деди Малик атрофга қизиксиниб аланглаб.

— Нариги томондаги кулбада.

— Опке, занглаб кетдик-ку.

— Фақат битта шарти билан, ўзинг опкетасан кейин.

— У ёғи бир гап бўлар, опкелавер-чи. Кейин яримта-паримтангдан, яхна гўштларингданам келтири. Қорин пиёз-нинг пўсти бўп кетди. Мехмон қилишини ҳам сенга би-ров ўргатиши керак.

Новча бир нималарни ғўлдираган кўйи чикиб кетди. Бироздан кейин унинг овози ташкаридан эшитилди:

— Эртага кундузи ухлайверасанлар. Аввал меҳмонлар-нингкўнглини олинглар.

Малик илжайди. "Амалдор бўлсанг ўзингга. Доим сен маишат қилаверасанми? Бизам иссиқ жонмиз. У-бу нар-саларга кўнглимиз кетади. Ҳар-ҳар замон кўнглимизгаям қараб турайлик-да", дея кўрпачага ёнбошлаб ётиб олди-да, атрофига қараб егулик қидирди.

— Хўжайнинг олдига эртарок борганимиз яхшийди. Ҳозир анавиларга ўралашиб, камида икки соатга қолиб кетамиз, — деди Малик билан бирга келган йигит.

— Жа икки соатмас, ярим соатлар кечга коламиз. Айтамиз. Ҳаммаёқ қоп-коронги, коронгида тоғда юриш-нинг ўзи бўладими? Уям одам-ку, тушунади.

Шу пайт новча иккита қизни етаклаб кириб келди. Уйқулари бемаврид бузилган иккала қиз ҳам новчанинг қистови билан базўр киришган, уйқу зўрлик қилганидан кўзлари юмилиб-юмилиб кетаётган эди.

— Ёнимга ўтиринглар икковларинг ҳам, — деди Малик.

Улар истар-истамай унинг айтганини бажаришди. Малик новчага ўгирилди:

— Буларни каердан топдинг, иккаласиям оғатижон-ку!

Шу пайт қизлардан бири Маликка қараб хиринглади. Унинг оғзидан шунака бадбўй хид келардики, Малик бирдан кафти билан бурнини беркитди-да:

— Ичida ит-пит ўлмаганми?! Йўқот-э, буларингни, — деди новчага. — Қайтанга ўзимиз эллик-эллик қилиб ўтирсак, шуниси маишат.

Қизлар қандай кириб келишган бўлишса, шундай чи-киб кетишиди. Новчанинг номига уч-тўрт нордон сўзлар айтилгач, ичкилиkbозлик бошланиб кетди. Битта шиша думалаганидан сўнг Малик новчага амалдорнинг буйру-гини айтди.

Новчанинг жаҳли чикиб кетди.

— Ўласанми шу пайтгача эшилмасдан, шундай десанг?

— Ҳовлиқма, менинг сенга айтадиган гапларим бор, — дея Малик ўзи билан бирга келган йигитга бир қараб олди. — Хуллас, хўжайнинг томири қимирлаб қолганга ўхшайди. Боя, шаршарага келаётганимизда иккита қопни сувга оқизди. Биласизларми унинг ичида кимлар бор эди? Бахтиёр билан унинг йигити. Билмадим нима гунохи бўлганки, хўжайн уларни ўйиндан чиқариб ташлаган. Бунинг устига, биз пистанинг одамларига ютқазиб кўйдик. Айтмоқчи, Фарруҳ деган бола ҳозир Босснинг ўрнига ўтирган эмиш. Лақаби Бургут.

— Фарруҳ, — деди бирдан кўзлари катта бўлиб кетган новча. — Бу исм менга танишдай.

— Кароче, хўжайн бу тоғларга қочиб келгани шундоққина қўриниб турибди. Агар эртароқ ҳаракатимизни килиб қолмасак, унинг орқасидан биз ҳам асфаласофилинга жўнаймиз. Ҳар биттамизнинг бошимизга Бахтиёрнинг куни тушади.

— Сурворамизми? — деди Малик билан бирга келган йигит.

— Қаёқка сурасан? — деди Малик унга қараб. — Хўжайндан қочганинг билан Бургутнинг одамлари ернинг тагидан бўлсаем топишади. Менимча, ўзимиз хўжайнинг кўл-оёғини боғлаб унинг кўлига топширамиз. Шу билан жазодан қутулиб қоламиз.

Унинг таклифи новчага кўп ўтиришмади. Кўли билан пешонасини қашлаб турди-да, янги ароқ очиб, пиёласига тўлатиб қўиди ва бир кўтаришда сипкориб юборди.

— Менимча, — деди у лабини енгига артиб, — бундай киладиган бўлсак, сотқин ҳисобланамиз. Сотқинлар ҳеч қачон кечирилмайди. Бахтиёрдан баттар ўлим топамиз. Борайлик, вазиятга қараб иш тутамиз.

Энди унинг гапи қолган икковига ўтиришмади. Лекин индашмади. Майхўрлик қилишди. Яхна гўшт ейишди. Сўнг ўрниларидан туришди.

— Орамиздаги гап шу ерда қолсин, — деди Малик ташқарига чиқиб, чараклаб турган юлдузларга қарап экан.

— Ҳаммадан хавфсираб қолибсан.

Новча форда қамалиб ётган "шер"ларни олиб келгани кетди.

Амалдор шер деб кўйганлар, аслида, учта йигит эди.

Улар илгари Босснинг энг садоқатли йигитларидан эди. Нима бўлди-ю, амалдор шаҳарнинг энг гавжум жойида пивохона очмоқни ният қилиб қолди. У ерда эса аллақачон пивохона очилган ва ана шу учта йигит унга бош бўлиб юрганди. Амалдор вазиятни билиб келиш учун ўзининг одамларини ўша жойга юборди. Натижани эшигидан кейин ими-жимида ўша йигитларни уйларидан ўтирилаб кетди. Бироқ Боссдан ҳайиккани боис уларни ўлдириб юбора олмади. Пивохона бирор олти ой бўш ётганидан кейин ўзининг йигитларини у ерга кўйди.

— Тирик мурда бўп қопти-ку, — деди Малик "шер"-ларни кўрганидан кейин. — Яна озгина "боқкан"ингда гўрини ётган жойининг ўзидан қазиб кўйсанг ҳам бўлаверар экан.

— Жонимга тегиб кетди. Шуларнинг дастидан умрим тогу тошлар орасида ҳавога совурилаяпти. Маишат қилиб юрадим сизларга ўхшаб, — дея новча "шер"лардан бирининг орқасига тепди. — Юр, ҳе ифлос!

Ўз ёғига ўзи қоврилиб ўтирган амалдор Маликни бутунлай унутган эди. У ўзининг шундай кўйга тушиб қолганлигига ҳечам ишонгиси келмасди. Бирма-бир қаерда қанақа хатога йўл кўйганини ўйлаб чиқар, лекин сабабини тополмасди. Шу боисдан ҳам Малик келиб, "шер"лар билан новчани олиб келганлигини айтганида дабдурустдан унинг гапларига эътибор бермади. Кейин Маликни нимага жўнатганлиги эсига тушиб:

— Шу пайтгача, — деди "шер"ларга қарата, — сенлар менга керакмас матоҳ эдинглар. Энди керак бўлиб қолдинглар. Керакли тошнинг оғирлиги йўқ деб бекорга айтишмаскан-да. Ҳозир қоринларингни яхшилаб тўйға-зишади. Ўзиям тирик мурдага айланиб қолибсизлар. Новча шерлар лахм гўшт ейишини билмайдими, нима бало, фақат суяқ бериб боқканга ўхшайди.

Учала йигит амалдор айтганидай яхшилаб сийланди. Уларга ҳатто иштаҳаси очилсин деб ароқ ҳам қуйиб беришди. Ундан кейин эса учаласини учта арчага маҳкам боғлаб кўйишиди.

Эртасига раис машинасининг орқа ўринидигида иккита янги сўйилган кўй билан ҳовлиқканча келиб қолди. Уни

кўрган амалдор ижирғанди. Лекин буни сездирмади. Қайтнга мақтаган бўлди:

— Сен доим ўз вактида етиб келасан.

Турғун Фаниевичдан анчадан бери мақтов эшитмай кўйган раис ёйилиб илжайди.

— Хўжайин, сизнинг қулингизмиз. Нима десангиз вактида бажаришга ҳаракат қиласиз-да.

— Ҳа, сени энанг мен учун түқкан. Йигитлар чарчашди, анави иккита оқ билаккайм у-бу нарсалар тайёрлаб бер... Айтганча, нима гаплар бор?

— Айтарли ҳеч гап йўқ. Лекин ҳозир қишлоқни оралаб келаётсам, икки-учтаси тўйга отланиб турибди. Қаерга, деб сўрадим. Шахарга дейишди. Анави Фаррух турмадан чиқиб келиб уйланаётганмиш. Шунга тўйга машина юбормоқчийкан. Ҳайратдан ёқа ушладим. Менинг ўзим уни чиқмайдиган қилиб тиқиб юборувдим... Яна уч-тўртта ўғрига бош эмиш...

— Шуни энди эшитдингми? Оёғинггача қалтираб кетгандирсан исмини эшитиб, — деди амалдор мийигида кулар экан.

— Ака, нимадан кўрқаман? Сиздай акам бор экан, ундан зўри кемайдими, — дея тиржайди раис.

"Акангнинг ўзи ўтиришга жой тополмай, оёги куйган товукка ўхшаб юрибди", дея хаёлидан ўтказди амалдор, бироқ ўйлаганини айтмади: "Яна бу сўтак орқа-олдига карамай куён бўп қолмасин".

— Анави тоғларни кўраяпсанми? — деди бунинг ўрнига амалдор баланд чўккини кўрсатиб. — Ён-верида арчалари бор. Булоқ отилиб турибди бағрида. Қанча ўт-ўлан ўсиб ётибди. Ана шулари билан тоғ кўркам кўринади.

Амалдор нима демокчи эканлигини раис тушунмасада, иржайиб тураверди.

"Қизиқ, Фаррух деганлари кимга уйланаяпти экан? Моҳирўй ўша болани ёқтириб қолгандай эди. Жулдур кийимли чўпонни. Нимасига ошиқ бўлган, ҳайронман... Замон тескарига айланиб кетдими, нима бало, бугун у авторитетлар қаторига қўшилиб олибди. Бир пайт мен ош-қатик бўлган одамлар билан энди у яқин... Итдан тарқаганлар, ҳар кимнинг куйига ўйнайвераркансанларда. Майли, бу кунлар ҳам ўтиб кетар. Ҳисоб-китоб вакти келиб қолар", дея ўйлади амалдор.

— Бўпти, — деди у раисга қараб, — энди ишингни килавер... Ҳа, менга анави арчанинг тагидан, — дея амалдор битта арча ўзи тарвақайлаб ўсиб кетган, серсалкин жойни кўрсатди, — жой қил. Олдимга кечгача ҳеч ким бормасин.

\* \* \*

Навбатдаги тонг отди. Мохирўй эрининг кучоғидан чиққиси келмай, Фаррухнинг кўксига бошини кўйганча талай муддат кўзларини очиб ётди. Сўнг ҳовлини супуриш кераклиги ёдига тушиб қолиб, шоша-пиша ўрнидан турди-да, тезда ювиниб, супургини оласола ташқарига чиқди.

Бургут келинчакдан бир соатлар чамаси кеч уйғонди. Шундайм Мохирўй холи-жонига кўймаганидан кейин мажбуран ўрнидан қимиirlади.

— Шу пайтгача, — деди у дастурхон атрофига ўтирганлари маҳал Мохирўйга, — ҳеч ким менга нонушта тайёрлаб бермаган. Тўғри, энам раҳматли тайёрлаб бе-рарди. Унга анча бўп кетган. Уйқудан турсанг-у, кўзингни уқалаб, овқатланишга ўтирсанг нокулай бўлар экан.

— Шунақами ҳали, — уни маҳкам қучоқлаб олди Мохирўй. — Унда бундан бу ёғига сиз тайёрлайсиз, мен юзимни ювар-ювмас, сиз тайёрлаган таомларни ейишга тушаман.

— Тилдан осилдик-ку, — деди Бургут кулиб ва Мохирўйнинг юзидан ўпид қўйди.

Шу маҳал телефон асабий жиринглаб қолди. Эрига бир қараб кўйган келинчак югуриб бориб гўшакни кўтарди-ю, афти бужмайди. Телефон қилган Ахмат ака эди. "Яна Фаррух акамни олиб кетиб қолади", деган ўй яшин тезлигига жувоннинг хаёлидан ўтди. Шу боисдан Бургутнинг сўровига: "Сизга экан", дея жавоб қилди базўр.

— Анави ишни бугун ҳал қилиб қўйиши керак, — деди Ахмат ака салом-алиқдан кейин.

— Йигитларни тўплаб туринг, бир соатдан кейин етиб бораман.

— Дарров кетиб қоласизми? — деди Мохирўй эри гўшакни кўйганидан кейин унга норози қараб.

— Бу сафар узоқ кетмайман. Тез келаман, насиб бўлса, — деди Фаррух бир нуқтага тикилиб, кейин хотинига

юзланди. — Сиз кечга ош тайёрлаб туриңг. Пазандали-гингизни бир күриқдан ўтказайлик.

— Хүп бўлади, — деб Мохирўй эрининг бўйнига осилди.

Фарруҳ етиб борганида тўртта машина қатор турар эди. Бургут йигитлар билан кўл бериб кўришиб чиққанидан кейин:

— Колонна бўп кетиш бошқаларда шубха уйғотади, — деди Аҳмат акага. — Оралиқ масофани уч юз-тўрт юз метр килиб кетамиз. Шаршарага яқин қолганида ҳамма битта жойга тўпланади.

\* \* \*

Амалдорни, ўзи тайинлаганидай, кечгача бирор бозовта қилмади. Йигитлари майхўрлик қилишган эса-да, бошка пайтдагидай қийқиришмади. Жуда кулгили гап айтилиб қолганидаям илжайиб қўйишдан нарига ўтишмади. Чунки хўжайнинг кайфияти чатоқ эди.

Амалдор осмонга қараб ётди. Ухламади. Хаёл сурди. Ёшлигидаги беғубор дамларни эслади. Мохирўйни ўйлади. Кўргиси келди. Алам қилди қўли калталик қилганидан...

Қоронғи тушганидан кейин, йигитлари донг қотиб қолгандаридан сўнггина амалдорнинг кўзи илинди. Тушида отаси билан онасини кўрди. Улар амалдорни ўзлари билан қандайдир водийга олиб боришиди. У ерда алангада қоврилаётган одамлар кўринди. Улар орасида Бахтиёр ҳам бор эди. Унинг ҳамма ёғини ўт ўз домига олган. Баданидан чарсиллаб, вожиллаб овоз чикар, лекин у амалдорга қараб тиржаярди. Бошқа бир жойда эса, одам деса одамга, маҳлук деса маҳлукка ўхшамайдиган, бесёнакай мавжудот бир йигитни турғазиб қўйиб, бошига кўлидаги чўқмор билан шунаقا қаттиқ зарб билан урар эдики, йигит бечора парча-парча бўлиб кетарди. Кейин мавжудот уни яна йигиб, одам шаклига киритар, яна чўқмори билан урар, яна у майдаланиб кетарди. Бундай ҳол тинимсиз такрорланаверарди. Йигит бор овозда фарёд чекар, лекин унинг додини эшитгувчи йўқ эди.

Амалдор кўзини чирт юмиб олди. Аммо барибир бўлаётган воқеаларни кўраверди. Бир маҳал ёнига отаси келди-да: "Ўғлим, кўрганларингнинг ҳаммаси сениям наси-

банг", деди. Турғун Фаниевич чўчиб уйгониб кетди. Ўрнидан турасола атрофга аланглади. Ҳаммаёқ зим-зиё эди. Арчалар қорайиб, унинг кўзига ўша қўрқинчли мавжудотни эслатиб юборди. Унинг бақириб юборишига бир баҳя қолди. Оёқ-кўли қалтираб, аста ўтирида, атрофга кайтатдан назар солди. Шунда қулоғига қандайдир ҳансирашга ўхшаш овоз келди. Аввалига унинг юраги ёрилаэди. Сўнг келаётган овозга яхшилаб қулоқ солса, аёл кишининг эҳтиросли ҳансираши. Секин овоз келган томонга яқинлаша бошлади. Тахминан юз метрча юрганидан кейин куюқ арчалар ортидан эркакнинг ҳам нимадир дегани эшитилиб қолди. Амалдорнинг бирдан жаҳли чиқди. У нима бўлаётганинги англаған эди. "Хозир бораман-у, иккаласини ҳам киймалаб ташлайман", дея ўйлади аввалига, сўнг бирдан шаштидан қайтди. "Майли, — деди ўзига-ўзи, — йигитлар ҳам одам. Уларам ишратни хоҳлайди. Ҳадеб эзғилайверсам ҳам бўлмайди. Ўзи шундоғам озайиб қолишиди".

Қуёш чараклаб чиқиб кетганидан кейин Турғун Фаниевич йигитларига шаршара сувида чўмилиб олишларини буюрди. Бирор: "Шамоллаб қоламиз", деди пичирлаб, бошқасининг эти жунжикиди. Яна биттаси сабабини биломай энсаси қотди. Лекин ҳамма чўмилиб олди.

Ҳил-ҳил пишган қўй гўштини олиб келганларидан кейин Турғун Фаниевич таомга бироз қараб турди-да:

— Бунинг "закуска"сини қаёққа йўқотдинглар, олиб келмайсанларми? — деди.

Амалдорнинг яримта гапиданоқ нима демоқчилигини яхши англаб оладиган раис югуриб борди-да, машинасининг юкхонасидан биратўла тўрт шиша ароқ олиб келди.

Турғун Фаниевич кечаси кўрган тушини хали ёдидан чиқармаганди, шунгами, ҳар нарсадан хавфсираб турган эди. Ичига аччиққина ароқ кирганидан кейин сал чиройи очилди. Туши ҳам эсидан чиккандай бўлди. У кетма-кет яна икки пиёла ичганидан кейин гўштхўрликка берилди. Бироқ устма-уст пиёласини "оклаб" турди. Унинг йигитларидан биронтаси хўжайнинг бунчалик кўп ичишини кўрмаганди. Ҳайрон бўлишиди.

Орадан ярим соатлар ўтганидан кейин амалдорнинг кайфи таранглашди. Шундаям у ичишдан тўхтамади. Бу орада иккинчи шиша бўшаб, учинчиси ҳам очилганди.

— Малик, — деди бир маҳал овқат ейишдан тўхтаган Турғун Фаниевич, — йигитлардан иккитасини ол-да, шахарга бор. У ердан Россияга телефон қиласан. Васяга айт, бугуннинг ўзида етиб келсин. Мешқорин, — деди кейин амалдор раис томонга қараб, — сен шаршарага келадиган йўлни тўсиб, шу ерда учта йигит билан коровуллик қиласан... Новча, сен раиснинг мошинасини олда, чўпоннинг олдига бориб, учта қўйнинг терисини шилиб олиб кел. Қолганлар мен билан қолади. Ҳозир ҳамманг ичдинг, бундан бу ёғига ўзим рухсат бермагунимча биронтанг оғзингга ола кўрма. Агар биттангнинг оғзинг сасиганини сезиб қолсан, энангни учқўргондан кўрсата-ман! Гапларим тушунарлимиз?

Барча бараварига бошини иргади.

— Яхши, энди ҳамманг ишингга жўна!

Турғун Фаниевич йигитларининг бирдан ўрниларидан туришиб, тарқаганларини кўрганидан кейин мамнун жилмайди ва навбатдаги пиёладаги шайтоннинг "неъмат" ини сипқориб ўрнидан турмоқчи бўлганида, боши айланаб кетиб, яна ўтириб қолди. Буни кўрган қизларнинг бири унинг қўлтиғита кирди.

— Сен аёллар... ҳамманг хиёнаткор бўласанлар, — деди Турғун Фаниевич қизнинг ёрдамида ўрнидан тураркан. — Биттагина Моҳирўй тоза... Қўйиб юбор, мен тогнинг ҳавосидан симириб, Моҳирўйнинг изларини топаман...

Қиз хўжайнининг гапларига тушунмади. Лекин айтганини қилиб, уни қўйиб юборди. Турғун Фаниевичнинг хотирасида ўша оиласи билан дам олишга чиқкан кун тикланди. Ўшанда амалдор ниҳоятда бахтиёр эди. Ташвиши йўқ, ҳамма нарса рисоладагидай. Моҳирўй йикилиб тушди-ю... "Қаерда ўйнаётганди у... Ҳа, манави ер эди адашмасам, — дея амалдор ўзига-ўзи гапирганча яланглик тугаб, жарлик бошланадиган жойга келди. — Қўлида коптоги бор эди. Пастга юмалаб кетди..."

Амалдор хаёлини давом этказолмади. Жарлик томон бир қадам босган эди, оёги негадир пастга қараб кетиб қолди. Кўз олдини туман коплаган Турғун Фаниевич ҳеч нарсага тушунмай атрофига алангламоқчи бўлди-ю, шуниям эпини қилолмади. Тепада, баландликда кимнингдир кичқиргани эшитирлди...

\* \* \*

Малик шаҳарга етиб боролмади, Тор тог йўлидан эндиғина чиқаётганида кўзи шу томонга катта тезлиқда келаётган машиналарга тушди. "Пистанинг одамлари", деган ўй ўтди бирдан унинг хаёлидан ва ҳайдовчи йигитига:

— Машинани тўхтат, тез! — дея кичкириб юборганини ўзи ҳам сезмай қолди.

Қаттиқ тормоз берилганидан машина йўлдан чиқиб кетаёзди. Ҳавога чанг-тўзон кўтарилди. Машиналарнинг биринчиси тўхтамай ўтиб кетди. Аммо иккинчиси уларнинг ёнгинасида тўхтади-да, орқа эшиги очилиб, Аҳмат ака чиқди. Уни кўрган Малик типирчилаб қолди, Гоҳ эшикни очмоқчи бўлар, гоҳ кўйнидаги тўппончанинг дастасини қаттиқ ушлар, гоҳида йигитларта олазарак боқарди. Аҳмат ака улар томон икки қадам босди-да, машина ичидаги кимлар ўтирганлигини дарров пайқади ва ортига, ўзиникиларга қараб кўйди. Шу қарашнинг ўзиданоқ ҳамма нарсани тушунган йигитлар сакраб машинадан тушишди. Бу пайтда орқадан келаётган машиналар ҳам тўхтаганди.

— Ҳаммаси тамом, — дея хаёлидан ўтказди Малик. — Агар хозир таслим бўлмасак, биттамизни ҳам қолдирмасдан ер тишлатишади".

— Ҳеч ким ортиқча ҳаракат қиласин. Ҳамманг жойингда тек ўтир, мен нима десам шуни қиласанлар, — дея буйруқ берди у йигитларига.

Бунгача машина атрофи тўлиқ ўралган эди.

— Салом-алик деган нарсани эсларингдан чиқариб қўйгансизларми, нима бало? — деди Аҳмат ака энгашиб машинанинг ичидагиларга қарап экан.

— Ҳамма тушсин, — деди секин Малик ва эшикни очиб ташқарига оёғини кўйди.

Худди шу маҳал, Аҳмат ака у очган эшикни қаттиқ итариб юборган эди, эшик Маликнинг оёғини қисиб қолди.

— Во-о-й! — дея бақирди Малик ва жон-жаҳди билан эшикни очишга ҳаракат қила бошлади.

Буни кўрган йигитлар ваҳима ичидаги жойларида котиб қолишиди.

Аҳмат аканинг ўзи Маликка ёрдам бериб юборди. Оғриқнинг зўридан энганиб колган, оёгини уқалаётган рақибига бироз ичи ҳам ачиди. Малик эса кўзига тўлиб турган ёшни кўрсатмасликка уринар, кўйнидан тўппон-часини олиб Пистанинг пешонасидан дарча очиб кўйиш хаёлига аллақачон келган эса-да, бу иш ниҳоятда аҳмоқлик бўлишини англаб етганидан, тишини-тишига босиб чидади.

Малик ва амалдорнинг бошқа йигитлари худди дарс тайёрламай келган мактаб ўқувчисига ўхшаб Фаррухнинг кархисида бошларини эгиб турар эдилар. Бургутнинг кулгиси қистади-ю, лекин буни сездирмади.

—Йўл бўлсин, хурматли "қариндош"лар? — деди Фаррух мийигида жилмайиб.

Ҳеч кимдан садо чиқмади.

—Тилни шаршаранинг олдига қўйиб келдингларми? — дея навбатдаги саволини берди Бургут.

Жимлик.

— Буларни нима қиласиз, Аҳмат ака? Тош акс-садо бериши мумкин-у, лекин булар бирон нима деб жавоб кайтаришига кўзим етмаяпти, — деди Фаррух устози томон қараб кўзини қисиб қўяр экан.

— Ҳозир булбулигёга айлантириб қўямиз-да!

Аҳмат ака йигитларга яқинлашаётган маҳал Малик бирдан тиз чўкди:

— Акажон, гапирамиз, сиз қийнамасангиз бўлгани. Бизнинг ҳеч биримизнинг айбимиз йўқ, ҳаммасига Турғун Фаниевич сабабчи, баримизни ўлдираман, деб қўрқитиб хар хил ишларини қилдириб юрибди. Ҳозирам: "Шаҳарга боргинг-да, Васяга телефон қил", деди... Мен, ҳалиги...

— Хўш, — деди ижирганиб Аҳмат ака. — Сен нима?

— Сизларга хабар бермоқчийдим. Амалдор "пишди", уни яксон қилишга бизга ёрдам бериб юборинглар, ундан кейин бизлар сизга ўла-ўлгунимизча хизмат қиласиз, демоқчийдим...

— Яна нима демоқчийдинг?.. — деди Бургутнинг жаҳли чиқиб. — "Сизлардан зўри чиқиб қолса, кейин унгаям кул бўй кетаверардим", демоқчийдингми?

— Йўғ-э, йўғ-э, унчалик... ҳалиги...

Бургут унинг гапларини ортиқча эшитишга тоқат қилолмади. Башарасига тепиб юборди. Зарба унчалик кучли эмасди. Аммо Малик Фаррухнинг ичи ачисин, деб атайлабдан "гуп" этиб қулади. Бу шунчалик сохта чиқдикси, Ахмат ака билан Бургут кулиб юборишиди.

— Оббо муғомбир-э, — деди Ахмат ака кулишдан тўхтаб. — Роса илоннинг ёғини ялаган экансан-ку... Сен итдан тарқаган, шунча йил сенга ош-нон берган амалдорни бизга сотдингми, бир куни келиб бизниям бирорга ҳатто текинга бериб юборасан.

— Чўртсан! — деди Бургут ғазаб билан. — Буни анави арчаларнинг орқасига ўтказинглар!..

— Акажон!.. — дея Малик бирдан ўзини Фаррухнинг оёғи остига отди. — Акажон, ўла-ўлгунимча қулингиз бўлай, учта болам етим қолмасин!.. Хотиним уйда ўтиради, мен ўлиб кетсам, хонавайрон бўлади, бир қошиқ қонимдан кечинг, илтимос, болаларимнинг ҳаққи-хурмати!..

— Энди болаларингни ўйлаб қолдингми? Шу пайтгача эсингга келмаганмиди? Сен уларни харом билан боқиб, ўзингга ўхшаган ялоқчур қилмокчимисан?! Болаларингдан хавотир олмай қўяқол! — Шу сўзларни ғазаб билан айтгач, Ахмат ака йигитларига қаради: — Буйруқни ба жаринглар!

Малик ер тимдалаб бўкиришга тушди. Унга ичи ачиған Фаррух қўлини Ахмат аканинг елкасига қўйди:

— Керакмас, оёқ-қўлини боғлаб багажга ортишсин, бошқа жойга ишлатамиз...

Амалдорнинг машинаси олдинда, қолган машиналар унинг ортидан яна йўлга тушишиди. Турғун Ганиевичнинг бир йигити йўлда пистирма борлигини айтган эди. Шу боисдан ҳам колонна бир тўхтаб, сўнг яна юриб йўлида давом этди. Лекин ҳеч қанақангি пистирмага дуч келинмади.

Фаррух шаршарага етишларига уч юз метрча қолганида у ерда у ёқдан-бу ёққа югуриб юрган одамларни кўрди. Лекин машиналарни тўхтаттирмади. Ахмат ака унга бе зовталаниб қараганида иккала қўзини ҳам юмиб: "Хотиржам бўлинг", дегандай ишора қилиб қўйди.

Машиналар бирин-кетин шаршара ёнидаги ялангликда тўхтаб, ундан Фаррух бошлиқ йигитлар сакраб тушишиб, тўппончаларини ўқталганларидан кейин раис, новча, олти йигит тиз чўқди. Аммо иккита қиз чақирилмаган меҳмонларга бақрайиб қараб туришарди.

Бургут илдам қадамлар билан босқинчиларнинг олдилариға борди-да:

— Меҳмон келганида тиз чўкилмайди, — деди мийигида кулиб.

Новча секин бошини кўтариб бир пайтлар ўзи устидан кулган йигит қаршисида турганлигини кўриб оёғигача титраб кетди.

— Биз, — деди у қалтираб, — ютқаздик. Кон тўкишнинг кераги йўқ.

— Тан олиш ҳам қаҳрамонлик, — бу гапни Фаррухнинг ортидан етиб келган Аҳмат aka айтди. — Бор-будларингни топширинглар-да, юзларинг билар ерга ётинглар.

Фаррухга шу пайтгача Аҳмат аканинг гапи оғир ботмасди. Шу сафар у турганида буйрукни Аҳмат aka берганлиги эриш туйилди. Лекин буни сиртига чиқармади.

Амалдорнинг одамлари тезда Аҳмат аканинг айтганларини бажаришди. Улар ётганларидан кейин орқа томонда Тургун Фаниевичнинг қонга беланганд мурдаси кўринди. Фаррухнинг кўзлари косасидан чиқкудек олайиб кетди.

— Ким?! — дея бақириб юборди Бургут. — Ким қилди?!

Ётганларнинг биронтасининг ҳам тили калимага келмади.

Фаррух амалдорнинг тепасига борди-да, даҳшат ичра унга тикилди. "Ким эдинг-у, ким бўлдинг? — деган ўй ўтди хаёлидан. — Хали сен билан ҳисоб-китобимиз бор эди. Шунчалик ҳам номард бўласанми?.."

Аҳмат aka новчанинг ёқасидан бўғиб ушлаб турғазиб, сўроқ қилди:

— Кимнинг ҳадди сиғди буни ўлдиришга?

— Ўзи кайфчиликда жарга қулақ кетди, — дея бошини эгиб паст овозда жавоб қилди новча.

— Сенлар қараб туравердингларми? Кайфи ошиб қол-

ган экан, биронтанг ушлаб юрганингда ўлармидинглар?

— Ҳаммамизни қувиб солди, кейин йиқилиб кетди.

— Шунака дегин, — дея киноя қилганча унга яқинлаша бошлади Бургут. — Ҳамма нарсадан шунака осонлик билан чиқиб кетаман, деб ўйлайсан-да.

Новча Фаррухнинг нимага шаъма қилаётганлигини тезда илғади, шу боисдан ҳам ўзини оқлаш учун сўз тополмай қолди.

— Чўртан! — бақирди Бургут. — Раис билан манави "зўравон", — дея у новчанинг човига зарб билан тепди. Новча оғриқнинг зўридан инграб, ерга ётганча типирчилай бошлади, — икковидан бошқаларини яхшилаб "тарбия"ланглар-да, аввалги ўртоқларининг ёнларига қўшинглар. Бу иккови билан бўлса, ўзимнинг алоҳида хисобитобим бор.

"Тарбия" сўзини эштишганларидан кейин йигитларнинг иchlаридан зил кетди. Новча оғриқ зўридан карахт бўлиб Фаррухнинг нима деганлигини эшитмаган бўлсада, раис бутқул адойи тамом бўлди.

— Ҳўқиздай ётавермасдан ўрнингдан тур, — деди Бургут раиснинг тепасига келиб. — Пешонангнинг ёригини бир кўриб қўяйин, қани, менинг беш йил "ўтириш"имга арзийдими-йўқми?

— Хатолик ўтди. Билмай кип қўйдим. Турғун шундай киласан деб буюрганди. Ноилож қолдим, — дея раис ётган жойида ўзини оқлашга тушиб кетди.

— Мен сендан нима бўлди, нима қўйди, деб сўраяпманми? Ўрнингдан тур, итдан тарқаган! — дея бақирди Фаррұх.

— Икковимизам тоғлиқмиз. Умримиз шу ерларда ўтган...

— Шунинг учун сени қаматиб юборганман, демокчимисан?

Раиснинг тили калимага келмай қолди. Бургут аввалига уни хумордан чиққунча тепкилаб, кейин отиб ташламоқчи бўлди. Аммо бирдан ниятидан қайтди. "Қайтар дунё, — дея хаёлидан ўтказди у, — сен мени нима қилган бўлсанг, ўзинг ҳам худди шундай бўласан".

— Совхознинг обрўли одами тупроқка беланиб ётиши яхшимас, қани бу ёққа юринг, — дея Фаррух раисни

амалдорнинг мурдасининг ёнига олиб бориб, мазахомуз оҳангда сўради: — Тургун Фаниевични жарга йиқилди, дейишдими?

Раис бошини қимирлатиб, тасдиқ ишорасини қилди.

— Бекор айтишибди, буни жарликка итариб юборишган. Биласанми, ким итарган?

Ранг-қути ўчган раис ваҳима ичида Бургутга қаради.

— Сен билан анави, — дея Фаррух новчани кўрсатди.

— Иккаланг итариб юборгансанлар. Гувоҳларам бор.

Тўғрими, Аҳмат ака?

Бургут устозига қаради.

— Шубҳасиз! — деди Аҳмат ака Бургутнинг гапини тасдиқдаб, сўнг ортига бурилиб, кўрсатма берди: — Чўртан, обке иккитасини!

Раис хўрсиниб қўйди. "Хайрият, — дея хаёлидан ўтказди у, — тирик қоларканман. Турмадан бир амаллаб чиқиб келиш мумкин. Фақат ўлган одам қайтмайди".

— Керакмас, — деди раис паст овозда, — ҳаммасини ўзим бўйнимга оламан.

— Жуда яхши, — деди Фаррух. — Ҳозир йигитлар икки энлик хат ёздириб олишади. Ундан кейин ўз оёғинг билан милисаҳонага бораверасан.

Фаррух шундай деб орқасига бурилиб кетмоқчи эди. Аммо барибир чидай олмади — чапдастлик билан энди сал енгил нафас ола бошлаган раиснинг қорнига қаттиқ мушт туширди...

\* \* \*

Моҳирўй дераза ёнидан нари кетмади. Ташқарига тер-мулиб, эрининг қайтишини пойлаб тураверди. Ниҳоят ўзига таниш машина тўхтаб, унинг ичидан Фаррух тушганидан кейингина келинчак "Урра!" дея хитоб қилганча югуриб бориб эшикни очиб қўйди-да, ўзи яшириниб олди. "Уйга келиши билан қўрқитаман", дея ўйлади. Бироқ сабри чидамади. Эшик ёнига бориб жилмайганча эрини кута бошлади...

\* \* \*

Раис амалдорни қасдан жарга итариб юбориб, унинг ўлимига сабабчи бўлганини тан олди.

Суд раисни ўн бир йиллик қамоқ жазосига хукм қилди.

Раис "Қамокқа етиб олсам бўлди, колганини тўғрилаб ташлайман, узоги билан бир йилда қайтиб келаман. Энг муҳими — қасоскор, кўзига қон тўлган Фарруҳдан узокроқ бўлсан бас", деб ўйлаганди.

Аммо раис қаттиқ янгишганини қамокқа келгандан кейингина билди. Зеро, бу ерда ўта қаҳрли қиёфада кутиб олган Мироб лақабли ўғрибоши раисни шунчалар қийноқларга солдики, унинг холига маймуналар йиглайдиган даражага етди. Раис Миробнинг кўрсатмасига кўра хонада ялло қилиб яшаётган Тўра Офтобов исмли маҳбуснинг ҳам югурдагига айланди. Азоб-уқубат шу даражага етдики, охир-оқибат раис Худодан ўзига ўлим тилаб ёлворадиган бўлди.

Ниҳоят раис азоб-уқубатли тўла икки йил деганда нијатига етди — оппоқ тонгларнинг бирида уни хожатхона шифтига осиғлик ҳолатда топишиди. Текширув натижаларига кўра раис ўзини ўзи ўлдирган деган хulosага келинди...

Марҳум амалдорнинг рафиқаси Зулайҳонинг шикоят хати бўйича Москвадан маҳсус текширувчилар келишиди. Санжар чол билан Холида кампирнинг ҳовлисидан то-пилган мурдалар билан боғлиқ ҳолда хибсга олинган Зулайҳо айбини бўйнига олмай тураверди. Шикоят хатидаги асосий фактлардан бири, яъни амалдорнинг Мамара-сул исмли хизматчини уриб ўлдириб, кўмиб ташлаганлиги ҳақидаги даъво исботланмади — Зулайҳо мағрур ҳолда текширувчиларни бошлаб борган жойда чиндан ҳам ўрага ўхшаш чуқур бор эди-ю, аммо мурда йўқ эди.

Буни кўрган Зулайҳо кўзлари косасидан чиққудек бўлиб бир муддат чуқурга қараб турди-да, бандогоҳ қаҳ-қаҳ отиб кулиб юборди.

Шахсан биринчи котибнинг аралашуви билан бу иш бости-бости қилиб юборилди. Зулайҳони эса вилоят марказидаги руҳий хасталар шифохонасига жойлаштиришди.

Айтишларича, шифохонада соchlари патила-патила, эски усти-бошида овқат юқлари бор бу телба аёл кўзларини ола-кула қилган кўйи ҳамшираларга "Мен амалдорнинг бой хотини бўлганман!" деб мақтанармиш...

Норасида қизни зўрлаган, сўнг унинг қорнига икки

марта пичоқ санчиб, ногирон ҳолига келтирган Достон ўн тўрт йилга қамалиб кетди...

Шифокорларнинг саъй-харакатлари ҳамда Хитойда таълим олиб келган бир табибнинг игна терапияси кўмагида Миробнинг укаси Махмуд ичишни бутунлай ташлади. Асли қасби иқтисодчи бўлган бу йигит Фаррух кўмагида вилоят марказидаги ёғ-мой комбинатига ҳисобчи бўлиб ишга кирди. Ишни соғиниб қолган эканми, Махмуд жуда қаттиқ меҳнат килиб, қисқа муддат ичидаги ҳовлисини бутунлай қайта таъмирдан чиқарди. Сўнг у уйланиш ҳаракатига тушиб қолган. Бундан хабар топган Мироб боши осмонга етгудай даражада кувонди. Мироб Фаррухнинг ўзини озод қилиш учун елиб-югураётганини эшитганда эса аввал миннадорчилик билдириб, сўнг қатъий оҳангда деди:

— Бургутга айтинглар, овора бўлмасин. Мен ҳали ўн беш йил ўтиришим керак. Бу ер ўз уйимдай бўлиб қолди. Озодликда қандай яшашимни ўйласам, кўрқиб кетаман. Менга шу ер маъкул... Бир илтимосим, Бургут укамга ота ўрнида ота бўлиб, тўйини ўтказиб берсин...

Дарвоқе, қамоқҳонанинг янги бошлиғи Гайбулла Эломоновнинг акасига нисбатан бошланган ҳаракат механизми ишга тушиб улгурган экан. Бечора ака арзимаган пора билан кўлга тушиб, фирибгарликда айбаланиб, уч йилга қамалиб кетди...

\* \* \*

Орадан бир йил ўтди. Бу вақт ичидаги Бургутнинг обўёси янада ошди. Шаҳардаги энг кўзга кўринган дўконлар, бензин қўйиш шаҳобчалари, битта вино заводи унга ўлпон берар, бундан ташқари, Россияга экспорт қилинадиган кўкнорига, гарчи ўзи жўнатмаса-да, воситачилик қилар ва мўмайгина даромад олар эди. Қолаверса, холис "разборчилик" вазифасини бажариши унинг обўёсини янада ошириб юборди. Ҳатто бошқа шаҳарлардан унинг ёрдамига муҳтож бўлган одамлар келаверди.

Фаррух ваъдасининг устидан чиқди — кўкламда Махмуднинг тўйини гумбурлатиб ўтказиб берди, келин-куёвга ҳали мойи артилмаган "Волга" машинаси совға қилиди...

Махмуднинг тўйидан кейин икки-уч кун ўтганди.

Иш билан вилоят марказидан қайтаётган Фаррухга бекат ёнида чақалоқ күттарган аёлнинг юзи танишдай туялди. Фаррух имо қилган эди, ҳайдовчи машинани тўхтатди.

Фаррух деразани очиб, ташқарига қаради. Дарҳақиқат, бу Зарина эди.

Бола күттарган аёлнинг кўзлари қувончдан чақнарди.

Худди шу маҳал уларнинг ёнига эскигина «Москвич» машинаси келиб тўхтади. Шоша-пиша машинадан тушган қуюқ мўйловли карчигайдай йигит жувонни кучиб олди. Учовлон машинага ўтиришиди.

Нимагадир енгил нафас олган Фаррухнинг бир нарса-га имони комил бўлди: Зарина баҳтли...

\* \* \*

Моҳирўй бир неча марта Бургутни бундай йўлдан қайтаришга уриниб кўрди, лекин фойдаси бўлмади. Кейин у ялиниб: "Бекордан-бекорга бироннинг бурнини қонатманг", дея ҳар куни эрталаб эридан илтимос қиласиган одат чиқарди.

Нихоят вақт-соати етиб Моҳирўй Фаррухга қўчкордай ўғил совға қилди. Аммо совғани оладиган одам ўша пайтда унинг ёнида йўқ эди. У қишлоққа асфальт йўл курдираётганди.

Хабар етиб бориши билан Фаррух уйга қушдайин учиб келди. Моҳирўй кимнинг хотини эканлигини билган врачлар уни алоҳида шинам хонага ётқизишганди. Фаррух югуриб кирасола хотинини кучоклаб, табриклагач:

— Бу ердан чиқишиларинг билан токқа олиб бораман. Менинг ўғлим албатта бургутлар парвоз қиласиган жойда нафас олиши керак! — деди ҳаяжон билан.

Моҳирўй жилмайиб, нимжон овозда пичирлади:

— Ҳеч бўлмаса чилласи чиқсан...

— Бўпти, — дея бирдан рози бўлди Фаррух, — кирки чиққанидан кейин, лолалар очилганида оборамиз!..

Бироқ бу режа амалга ошмай қолди. Фаррух ўғлининг кирки чиқадиган кун Россияда эди. Шундай бўлса-да, кўнғироқ килиб хотинини табриклаб қўйишини эсидан чиқармади.

Орадан бир ҳафта ўтганидан кейин қайтиб келган Фаррух хотини ва боласини олиб, Аҳмат aka ва учта йигити

ҳамроҳлигига токка — ўзи туғилиб ўсган қишлоққа жўнади.

— Мана, — деди у қўлларида баланд кўтариб олган йўргакдаги ўғилчасига қишлоқдаги энг кўркам, энг баланд уйни кўрсатиб, — сенинг, менинг уйимиз. Бу уйда мен туғилганман...

Ногоҳ товуши қалтираб кетган Фаррух хўрсинди, кўзига ёш қалқди. Буни хотинига билдириласлик учун чақалоқни Моҳирўйга тутди.

Шундан кейин Бургут ўғли билан хотинини тоғнинг гўзалиқда шаршарадан қолишмайдиган жойига олиб кетди.

Бу пайтда у ерда чўпон орқасига қўшоғизни илиб олиб кўйларини боқиб юрар эди. Илгарилари чўпон милтиқ кўтармасди. Ўғли Музофар ўлганидан кейин шунақа одат чиқарди. Нияти битта эди. Нима қилиб бўлсаям ўғлининг хунини олиш...

Чўпон иккита машинани узокдан кўрди. "Фаррух бўлса керак", деган ўй яшин тезлигига унинг хаёлидан ўтди.

Чўпон отини чоптирганча девордайин қалин арчазорлар нарисидаги тик қоя томонга кетди. Агар коянинг ярим белига чиқилса, пастдаги майдон кафтдай яққол кўринар эди.

Олдинги машинадан Фаррухнинг тушганини кўрган чўпоннинг кўзлари интиқом оловидан ёнди. Чўпон энди қўшоғизда уни мўлжалга олаётганида кутилмагандан машинадан бола кўтарган аёл ҳам тушиб келди. "Ҳа-а, — деди чўпон мамнун ҳолда ўзига-ўзи гапириб, — сен мени бола доғида қовургандинг, энди сениям худди шу кўйга соламан. Ҳолингга маймунлар йиғлашини менам бир томоша қиласай".

Чўпон милтиқ милини аёлнинг кўлида булоқ сувидай тиниқ кўзлари билан атрофни ҳайратланиб кузатаётган чақалоққа қаратди...

Фаррух машинадан тушгач, эгасиз ўтлаб юрган кўйларни кўриб, аввалига ҳайрон бўлди: "Чўпон бўрилар кўп бўладиган жойда нега буларни ёлғиз ташлаб кетди?".

Нимагадир Фаррухнинг кўнгли ғаш бўлаверди. Атрофа аланглади. Чўпон ҳеч қаерда кўринмади.

— Мохий, — деди Бургут ортидан тушган хотинига ўгирилиб. — Машинага чиқинглар, бу ер бўлмаскан. Бош-ка жойга борамиз.

Чўпон бундай бўлишини кутмаган эди — Фаррухнинг гавдаси хотини билан ўғлини бутунлай ёпиб қўйди.

Чўпон кулай фурсат келишини бироз кутмоқчи бўлди. Бироқ у жувоннинг машинага қайтадан чиқаётганини кўриб қолди-ю, шошиб қолди. Аламидан Фаррухни мўлжалга олди-да, тепкини босди.

Гумбурлаган товушдан арча шохларидағи қушлар патиллаб осмонга кўтарилиши. Ногоҳ кескин қалқиб кетган Бургут аста ортига бурилди. У аввал юксак қояни кўрди. Сўнг шу қоя бағридаги ўз қотилини...

Фаррух ийқилди.

Энди машинага чиқиб улгурган Мохирўй чинқириб юбордию, кўлида чақалоги билан отилиб тушди.

Йигитлари ўқ овози келган томонга чопиб кетишиди. Мохирўй жон ҳолатда эрининг устига ўзини ташлаётган маҳал Аҳмат aka уни чақалоги билан кўшиб ушлаб қолди.

— Қояда... — дея шивирлади Фаррух .

Унинг нима демоқчи бўлганини англаған Аҳмат aka йигитлари ортидан:

— Қояда экан! Хоҳ тиригини, хоҳ ўлигини олиб келинглар! Тез! — дея ҳайқириди.

Мохирўй чинқириб йигларди:

— Фаррух aka!.. Фаррух aka!.. Жоним!.. Сизга нима бўлди!?

— Аҳмат aka... — яна шивирлади Фаррух. — Бол... бола-а-а-мни асранг... Токқа, токқа, олиб келиб туринг. Бургут... Бургут тоғда улғаяди... — Шундан сўнг Бургут армон тўла нигоҳини суюклисига қаратди: — Алвидо... Айтгандим-ку... тирик қутулиш қийин деб... Болани асра...

Фаррух ортиқ гапиролмади...

— Фаррух aka!!!

Мохирўйнинг чинқирифи борлиқни ларзага солиб янгради, тог-тошларга урилиб, акс-садо берди:

— Фаррух aka... Фаррух aka...



Адабий-бадиий нашр

*Ўзбек тилида*

**Нуриддин И smoилов**

**БУРГУТ ТОҒДА УЛҒАЯДИ**

*Саргузашт-детектив роман*

**Иккинчи нашри**

*Мұҳаррір Ахмад Отабой*

*Дизайнер Сергей Бауэр*

*Төхник мұҳаррір Зокиржон Алибеков*

*Мусаҳҳиҳ Отабек Сафаров*

*СаҳифаловчиFaфуржон Мадалов*

Босишига 05.03.2007 йилда рухсат этилди.  
Бичими 84x108 1/32. Шартли босма табоги 15,96.

Нашр босма табоги 16,15. Адади 5 000.

07-562-сонли буюртма.

Нархи шартнома асосида.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг  
«O'zbekiston» нашриёт-матбаа ижодий уйида чоп этилди.  
100129. Тошкент, Навоий қўчаси, 30.